

Эдвард Бульвер-Лимон


ШОМПЕСАНИИ  
СУНГИ КИНГАРЫ



Эдуард Фульвер-Литтон

# Помпейнинг сұнгы күнлари

Роман



ТОШКЕНТ  
«О'ЗБЕКИСТОН»  
2016


УЎК 821.111-1/9  
КБК 84(4Ингл)  
П 70

Русчадан  
Амир ФАЙЗУЛЛА ва  
Маҳкам МАҲМУД таржимаси

Инглиз тарихий романлар устаси Эдуард Бульвер-Литтон (1803–1873)ни маҳорат бобида Чарльз Диккенсга қиёс қиласидилар. Унинг киборлар жамияти ҳаётидан олиб ёзилган «Пэлем» (З жилдлик, 1828) асари айниқса катта шуҳрат қозонди. Бир вақтлар бутун дунёни ларзага солган фожия – Везувий вулқони отилишидан қизиган кул ва тошлар остида қолиб кетган Помпея ҳақидаги ушбу асар эса ўз тарихийлиги ва далилларнинг асослилиги билан алоҳида қимматга эга. Муаллифнинг яна драматик асарларини ўз ичига олган «Ришелье» (1839) китоби чоп этилган. «Помпейнинг сўнгти кунлари» асари орқали ўзбек китобхонлари бу истеъодод соҳиби ижоди билан ўзбек тилида биринчи марта танишмокдалар.

ISBN 978-9943-28-646-7

© А. Файзулла, М. Маҳмуд (тарж.), 2016  
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016



Самарқанд қаласи  
Барор жыл кочак сыйкыткан. Бончада жаобайб  
жылдарда бар, кети. Жаоби Шарса болган түштүктерді

SAMARQAND IQTISODIYOT  
VA SERVIS INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI

No 57889

## БИРИНЧИ КИТОБ

### I боб

#### ПОМПЕЯЛИК ИККИ АСЛЗОДА

— Ис, Диомедмисан? Зап учрадинг-да! Бутун Главкнинг зиёфатига борасанми? — деди бўйи пастроқ, эгнига аслзодаларга ўхшаб наридан-бери туникани<sup>1</sup> ёпиб олган киши.

— Борардим-у, азизим Клодий, у мени таклиф қилгани йўқ-да, — жавоб берди ёши бир жойга бориб қолган, семиз Диомед. — Поллукс ҳаққи, кўнглим оғриди! Помпеяда зиёфат беришда унинг олдига тушадигани йўқ эмишми?

— Ҳа, боплайди, фақат менга бир нарсаси ёқмайди — шаробдан қисади.

— Эрталаб турганида хумордан боши оғримаган эллип<sup>2</sup> эллин бўладими!

— Балки тежамкорликка бориб шундай қилар, — деди Диомед қошини кўтариб, — минг гердайгани, саҳийлик қилгани билан менимча Главк унчалик бадавлат эмас, у бошидан кўра, кўпроқ шаробли анфорани<sup>3</sup> авайлайди.

— Шунинг учун ҳам сестерцийлари<sup>4</sup> борида ушдан фойдаланиб қолиш керак. Келаси йил эса Диомед, янти Главк чиқиб қолар.

— Ошиқ ҳам ўйнармишми?

— У маишат деса ўзини томдан ташлайди, зиёфат беришдан маза қилар экан, биз учун ундан яхши одам бор эканми.


— Вах-ҳа-ҳа, топиб айтдинг, Клодий. Айтганча, сен менинг шароб қазноғимни кўрганмисан?

<sup>1</sup> Туника — енгиз этаги узун камзул.

<sup>2</sup> Эллин — элладалик.

<sup>3</sup> Анфора — қўшқулоқ хум.

<sup>4</sup> Сестерций — кумуш тангалар.



- ❖
- Күрмаганман, шекилли, дўстим Диомед.
  - Бирор кун кечки овқатга кел. Боғчамда ажойиб муреналарим бор, сени Эдил<sup>1</sup> Панса билан таништириб қўяман.
  - Фақат ортиқча уринма. «Форсча дабдабаларга тоқатим йўқ»<sup>2</sup>, мен оддий одамман. Лескин вақт кеч бўлди, ҳаммомга кетаяпман. Сенга йўл бўлсин?
  - Жамоат ишлари билан маҳкамага бораяпман, ўшанақаси Исида эхромига ўтаман. Хайр!
  - Мақтанчоқ, ишёқмас, жоҳил! – гудранди Клодий, оёғини судраб босганча йўлида давом этар экан, – зиёфатлару шароблари билан ўзининг дахрий боласи эканидан бизни чалғитмоқчи бўлади! Ҳечқиси йўқ, айтганидай қиласиз, пулларини ютиб олиб, унинг обрўйини кўтарамиз. Бойиб кетган бу камбағал биздек қувноқ зодагонлар учун олтин жом-да! Шу сўзларни айтиб, Клодий аравалар тақир-туқури ва қувноқ, шовқинли оломонга тўла Домициан кўчасига чиқди, бундай шовқин-суронни ҳозирги кунда Неаполь кўчаларида кўриш мумкин эди.

Бир-бируни қувиб ўтаётган файтунлардаги қўнғироқчалар шўх ва ёқимли жаранглар эди, Клодий чиройли, ҳашамдор араваларда кетаётганларга дам-бадам бош ирғар эди, Помпсяда машхурликда биронта ишёқмас унинг олдига тушолмасди.

– Ҳўв Клодий! Кечаги ютуқдан кейин қалай ухлайдинг? – деди энг чиройли ва қулинг ўргулсин файтундаги йигит қўнғироқдек жарангдор овозда.

Файтун юононча услубдаги бронза бўртиқ суратлари билан безатилганди, уларда Олимпия ўйинлари акс этдирилганди; унга Парфия зотли отлари қўшилганди, отлар оёқларида юриб эмас, бамисоли ҳавода парвоз қилиб бораради; шу пайт ёш соҳибнинг орқасида турган ҳайдовчининг биргина силтови билан отлар таққа

<sup>1</sup> Эдил – ободончилик назоратчиси.

<sup>2</sup> I аср Рим шоири Гораций Флаккнинг форсча (шарқона) дабдабаларга қарши ёзган шеъридан.



тўхтади – шу туришда улар ҳайкалтарош Праксителнинг мўъжизакор асаларидан бирини эсга соларди.

Арава соҳиби қад-қомати келишган, хушрўй бўлиб, бундай хушқад йигитлар бир вактлар Афина ҳайкалтарошлари учун намуна бўлиб, ҳалойик ҳурмат қиласарди, заррин соchlари тутам-тутам бўлиб пастга осилган ва қад-қомат ғоят мутаносиб – бу унинг юнон насабидан эканлигини айтиб турарди.

У император замонида урфдан чиқиб кетган ва урф-парастлар кулгисини қистатган тога<sup>1</sup> киймасди, унинг туникаси эса энг яхши тор қирмизи матодан тикилганди, уни елкасида тутиб турган гулдор тугма ялтиради; бўйнига таққан олтин занжирнинг илон бошли учи кўкрагига тушиб турарди; илоннинг оғзидан нафис ишланган каттакон балдоқ осилган; туниканинг кенг снглари зардўзи мато билан адипланган; майда гулли кашта тикилган ўшандай матоли камар чўнтак вазифасини бажааради ва унга дастрўмол, катмон, қалам ва мумланган ҳандорилар қистириб қўйилган.

– Эҳ-а, азизим Главк! – шодон қарши олди уни Клодий. – Мағлубиятдан унча хафа бўлмаганингни кўриб, хурсандман. Аполлоннинг ўзи сени қўллагани рост: юзинг баҳтдан ял-ял ёниб турибди. Сени кўрган ютқазган эмас, ютган деб ўйлади.

– Бу лаънати темир лашаютарни ютдинг нима-ю, ютқаздинг нима, барибир эмасми! Улар хафа бўлишга арзийдиган нарсалар эканми, меҳрибоним Клодий?

Вснера ҳаққи, токи ёш эканмиз, бошимиздан гуллар тушмайди, токи кифара<sup>2</sup> сирли куйлар таратиб, қонимизни жўшдирап экан, куёш нурларидан баҳра олаверамиз, кўхна дунё эса биз учун шодликлар хазинаси бўлиб қолаверади.

Эсингдан чиқмасин – бугун оқшом меҳмонимсан.

– Главкнинг таклифини эсадап чиқариб бўларканми!

<sup>1</sup> Тога – эркаклар уст кийими.

<sup>2</sup> Кифара – чолғу асбоби.

- 
- Ҳозир қаёққа бораяпсан?
  - Ҳаммомга тушмоқчиман, ҳали бошланишигача ро-са бир соат бор-ку.
  - Аравани қўйиб юбораман-да, сен билан бирга кетаман. Ҳах, жонивор, Филий! – Шундай дея у от-лардан бирини силади, от эса қулоқларини чимириб, эркалатишга жавобан аста кишинаб қўйди, – бугунча дам олақол, тулпорим. Тўғрисини айт, у чиройли-а, Клодий?
  - Аполлонга ёки Главкка муносиб, – жавоб берди азamat улфат.

## II боб

### ГУЛ СОТУВЧИ КЎЗИ ОЖИЗ АЁЛ ВА ТАННОЗ СОҲИБЖАМОЛ.. АФИНАЛИКНИНГ ДИЛ ИЗҲОРИ. МИСРЛИК РУҲОНИЙ АРБАК БИЛАН ТАНИШУВ

Гаплаша-гаплаша йигитлар шошмай кўчалардан ўтиб борар эдилар. Улар энди ичкарида ялтираб турган хилма-хил ва жимжимадор суратлари ақлни лол қилгувчи дўконларга бой мавзега етиб келишди.

Ён-атрофда жазирама иссиққа қарши отилиб турган фавворалар қуёш нурида жилваланаар, алвон либосдаги ўткинчилар байрамона кайфиятда сайр қиласар эдилар; бири-биридан бой дўконлар олдида халойик гужғон ўйнар, бошларида нақшинкор мис челаклар кўтарган қуллар кўзга ташланарди; деворлар олдида ҳил-ҳил пишган мевалар ва гулларга тўла саватлари билан дехқон аёллар саф тортган... Аммо ҳар бинафша ва атиргул остида заҳарли илон бор<sup>1</sup>, бекорчихўжалар учун ҳозирги замондаги қаҳвахона ва клубларни эслатувчи емакхоналар ҳар қадамда учрайди. Мармар

---

<sup>1</sup> Рим шоири Публий Вергилийнинг шеъридаги бу ибора машҳур бўлиб кеттан.



токчаларда ёғ ва шароб тўла идишлар қатор терилган. Уларнинг ёнгинасида кирмизий соябонли супалар бўлиб, чарчаганлар ўтириб хордик чиқарап, ташибаллар ётиб, кунни кеч қиласади. Бу барча оҳангжамалару олағовурлар Главкнинг ёруғ дунё лаззатларига афинача иштиёқ билан қарашидан дарак берарди.

– Менга Римни гапирма! – деди у. – Римнинг емирилмас деворлари ортидаги лаззатлар ўзининг дабдабасию улуғворлиги билан зериктириб қўяди; ҳатто император саройида ҳам, ҳатто Нероннинг<sup>1</sup> Олтин уйида ҳам ва Титнинг янги саройи жимжимасида ҳам улуғворлик малол келтиради – кўзинг чарчайди, юрагинг қисилади, бундан ташқари, азизим Клодий, бироннинг ҳашамати ва бойлигини кўриб, ўз ватанинг ғариблашувини эслаш оғир. Бу ерда биз ҳеч нарсани ўйламай лаззатланамиз ва барча қулайликлардан хоҳлаганча фойдаланамиз.

– Ёзги оромгоҳ учун Помпеяни танлаганинг сабаби шуми?

– Ха. Байядан кўра Помпея яхшироқ. Гап йўқ, Байя ҳам мафтункор, аммо у ерга келиб, лаззатланиши ҳам дурустроқ билмайдиган эскича олимлар кўпда жинимга ёқмайди.

– Ахир олимларни яхши кўтарар эдинг. Ҳали шеърият хақида гапирмаёқ турай – уйингда Эсхил билан Гомернинг, драма билан достоннинг нафаси уфуриб туради.

– Тўғри, аммо римликлар менинг афиналик аждодларимга ҳаддан ташқари кўр-кўронса тақлид қиласадилар. Ҳатто овга ҳам қуллар овчилар ортидан Афлотун асарини кўтариб олиб борадилар ва вақтни ғанимат билиб, ўлжани ҳам қўйиб, китобга мук тушадилар. Раққосалар форс оҳангиди муқом қилиб турганиларида тош чеҳрали эркин қуллардан биттаси уларга Цицероннинг «Масъ-

---

<sup>1</sup> Эрамизнинг 54–58-йилларида Римга хукмронлик қилган Нерон тикламоқчи бўлган, аммо амалга опмай қолган улкан шоҳона қароргоҳ Олтин уй деб аталган.



улиятлар хусусида» китобини мутолаа қилади. Эх шўрлик зикналар! Лаззат билан билимни аралаштириб бўлмайди, улар бошқа-бошқа нарсалар. Мана шу қайсарликлари туфайли римликлар ҳамма нарсани бой берадилар, уларга ҳам, буларга ҳам бефарқ эканликларини билдириб қўядилар. Эх дўсти азизим, ватандошларингиз Периклиниг нозик сиёсатини, Аспазияниг ҳақиқий мафтункорлигини қанчалик ҳам биладилар! Яқинда Плинийни бориб кўргандим, у айвончада ўтириб ёзаяпти-ю, шўрлик қул най чалаяпти. Жияни (оҳ, мени бундай сафсатабоз-масхарабозлардан ўзинг асра!) Фукидиднинг тарих китобидан вабо ҳақидаги жойларни ўқиб, мутолаа оҳангода бошини қимирлатяпти. Оғиздан эса даҳшатли воқеанинг этни жимирилаштирувчи тафсилотлари ёғиларди. Бу итвачча ишқий қўшиқ билан ўлат тасвирини аралаш тинглашдан ор қилмайди.

— Аслида севги ва вабо — деярли бир нарса, — деди Клодий.

— Плинийниг ҳазилини тушунган киши бўлиб, мен ҳам унга шундай дедим, бироқ йигитча киноямни тушунмади ва ўпкаланган оҳангда, мусика қулоққагина ёқади, менинг китобим эса (қара, вабо тасвири!) юракка тўлқин солади, деб жавоб берди. «Эх! — хириллаб деди унинг бақалоқ амакиси, ҳансираганча, — жияним фирт афиналик, у ҳар доим ёқимли нарсани фойдали нарса билан қўшиб юборади». О Минерва (Донолик илоҳаси)! Мен кулгидан ўзимни зўрға тўхтатиб қолдим. Кейин эса мана шу жўжахўroz софист ўзининг эркатой эркин қулининг ўлими ҳақидаги хабарни олди. «Бешафқат ажал! — қичқириб деди у, — Қул, менга Горацийниг жилдини бер. Бу ажойиб шоир бундай мусибат чоғларида бизга беҳад тасалли беради». Ўзинг айт. Клодий дўстим, бу одамлар севишга қодирми? Ҳатто мулоҳазакор севгининг ҳам маънисини билишмайди. Римликларда юрак борми дейсан! Римликлар эт ва суюқдан бўлган хилқат эмас, одам тилини тушуниб бўлмайдиган машина.



Ватандоши шаънига айтилган бу сўзлар Клодийнинг дилига оғир ботса ҳам у Главкнинг гапини маъқуллаган бўлди. Бир жиҳати унинг очиқ дастурхонига қуни қолган бўлса, яна бир жиҳати, гумроҳ римликлар орасида ўзларининг шон-шуҳратлари бешигига нисбатан бир қадар нафрат билан қараш одати ҳам йўқ эмасди; юнонларга тақлид қилиш ва айни вақтда бу борадаги ўз нуқсонлари устидан кулиш урф бўлганди.

Суҳбатлаша-суҳбатлаша улар уч кўча кесишган майдондаги бир оломон олдида тўхташди. Хушбичим ва енгил эҳром равоқлари соясида бир қиз турарди; унинг бир қўлида гул тўла сават, чап қўлида эса ихчамгина уч торли чолғу асбоби бор эди, шу чолғу қуйи остида у қандайdir ғалати, апчайн тўпори бир қўшиқни куйларди. Ҳар банддан кейин қиз саватни назокат билан чайқар, тингловчиларга гуллардан сотиб олишни таклиф этарди, тангалар саватга дўлдай ёғиларди – бирор қўшиқ мақтови учун берса, бирор хонанда қизга раҳми келганидан – чунки қизнинг кўзи ожиз эди.

– Мен бу бечора қизни биламан, у Фессалиядан, -- деди Главк, -- Помпеяга қайтиб келганимдан бери уни кўрмаган эдим. Қўшигини эшитиб кўрайлик-чи.

Бу гуллардан, бу гуллардан  
Сотиб олинг, азизлар  
Мен ожиза бир қизга –  
Эҳсон қилинг, азизлар.  
Манов гуллар – замин қизлари,  
Узилгандир она бағридан,  
Ер нақадар тўзал, дейдилар,  
Гулларини асал дейдилар.  
Хидлаб кўринг хушбўй атрини,  
Новдасини ушланг авайлаб,  
Унутмамиш она бағрини,  
Замин боласидан айрилиб йиғлар.  
Эрта тоғда мен уйқусираб,



Ер бағридан уздим гулларни,  
Хали гуллар онасии эслар,  
Ёдидадир бахтли кунлари.  
Гуллар яноғида она күз ёши –  
Шабнамдан ялтирар гулларнинг қоши.  
Она замин қолмиш узоқда.  
Гуллар йиғлар эди фироқда.  
Замин севар фарзандларини,  
Алқар эди гүзәл гулларини.  
Сиз ҳам әнди ушланг авайлаб,  
Синдириңгиз жажжи қўлларини.  
Бўзлаб қолди она ер,  
Қани, фарзандларим дер.  
Бу гулларда меҳр бор,  
Энди у сизларга ёр.  
Ёруғ кунлар сизда бор,  
Коронгулик маконим,  
Гуллар жону жаҳоним.  
Мен яшайман жабрда,  
Гўё жоним қабрда.  
Сизларни кўрай десам,  
Кўрарга кўзим қайдা?  
Гуллар айтар: сўлмайлик,  
Бир кўр қизнинг қўлида.  
Гулларни сотиб олинг  
Сиз Худонинг йўлида.  
Гулдайин чиройимиз  
Кўр қиз қайдан билади?  
Сиздан илтижойимиз –  
Тез қутқаринг бизларни.  
Биз шўх, қувноқ гуллармиз,  
Сиз олсангиз куйлармиз...  
Гул сотаман, гул сотаман,  
Гулсиз қайғуга ботаман...

– Бинафшангдан бир боғлам бер, Нидияжон, – деди  
Главк оломон орасини ёриб ўтиб, саватга бир ховуч

майда тангаларни ташлар экан, – Сен аввалгидан ҳам яхшироқ куйладиган бўлибсан!

Афиналиккинг овозини эшитиб, қиз олдинга талпинди, бироқ ўша заҳоти тўхтади-ю, қип-қизариб кетди.

– Қайтиб келибсан-да, – деди қиз оҳиста ва ўзича такрорлади: – Главк қайтиб келибди!

– Ҳа, қизалоқ, мен анчадан бери Помпеяда эмасдим. Илгариgidай, боғим ҳамон сенинг ғамхўрлигингга мунтазир. Эртагаёқ у ерга борарсан деб ўйлайман. Билиб қўй, гўзал Нидиянинг қўлларидан бошқа ҳеч кимнинг қўли менинг уйимда гулчамбар тўқимайди.

Киз мамнун жилмайди, аммо лом-мим демади. Главк эса бир тутам бинафшани кўкрагига апил-тапил таққанча одомон орасидан чиқиб кетди.

– Бу қизга иш берётганингни кўриб турибман, – деди Клодий.

– Ҳа. У ростданам зўр куйлади, а? Бу бечора чўрига раҳмим келади! Бушинг устига у тангрилар маскани остидаги мамлакатдан чиққан – Олимп илоҳлари унинг бешигига кулиб бокмаган. Киз Фессалиядан.

– Ахир бу ялмоғизлар мамлакати-ку.

– Сен ҳақсан. Аммо мен барча хотинларни ялмоғиз деб биламан. Помпеяда эса, Венера ҳақки, ҳаводан фақат ишқ бўйи анқийди: хар бир аёл чехраси кўзимга яхши кўринади.

– Дарвоқе, ана, Помпеяда айримлар рашк қиласидиган чехра, – бу Юлия, бадавлат қария Диомеднинг қизи! – деди Клодий, юзига қалин парда тўсган икки чўри ҳамроҳлигида ҳаммом томон келаётган ёш аёлни кўрсатиб, – Салом, соҳибжамол Юлия! – баланд овозда деди Клодий.

Юлия хиёл ноз билан мағур римча юзини очди, парда остидан бир жуфт тим қора кўз чараклади, унинг қорача юзига енгил қизиллик югурди.

– Кўзларимга ишонмаяпман! Главк қайтиб келибди! – деди аёл афиналикка маънодор қараганча ва

овозини пасайтириб қўшиб қўйди: – Наҳотки эски дўстларингни унуган бўлсанг?

– Гўзал Юлия, ҳатто Лета – Унугт йиллар дарёси бир жойда ғойиб бўлиб, бошқа жойда тагин намоён бўлади. Зевс бир лаҳза бўлса-да, уптишии бизга ман этади, аммо Венера ундан ўтиб тушади, у бундан ҳам қисқа уптишга изн бермайди.

– Главк чиройли сўзлар топишга жуда уста.

– Унинг сўзларини бундай чиройли аёл тинглаши ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

– Иккалангизни ҳам отамницида кўрарман деб ўйлайман, – деди Юлия Клодийга ўтирилиб.

– Бу баҳтли кунни оқ тош<sup>1</sup> билан нишонлаймиз, – ҳозиржавоблик билан деди Клодий.

Юлия пардани аста туширди, афиналикка ибояёли, шу билан бирга таманноли нигоҳ ташлади, бу нигоҳда муҳаббат ҳам, гина ҳам бор эди.

Дўстлар йўлларида давом этдилар.

– Ҳа, Юлия яна очилибди, – деди Главк.

– Аммо бултур буни бундай бепарволик билан айтмаган бўлардинг.

– Сен ҳақсан. Мен гангид қолган эдим, қалбаки нарсани асл гавҳар деб адашибман.

– Бир чақага қиммат гаплар! – эътиroz билдириди Клодий, – аслида, барча аёллар бир хил. Кўхликкина хотинга уйланиб бой сеп олган одамгина баҳтли. Бундан ортиқ нима керак?

Главк хўрсииди.

Улар одамлар сийрак бир кўчага чиқишиди, қаршиларида гўзал, чексиз денгиз пайдо бўлди, у ҳам мана бу саҳоватли соҳилларда даҳшатли пўртаналаридан юз ўгиргандек эди – кўкракка ёқимли уриладиган сарин шабада эсар, осмонда ранго-ранг булувлар сузар, гирдобрлар узра қуруқликиниг муаттар нафаси кезар эди.

<sup>1</sup> Ҳакамлар оқланганлар учун оқ тош, қораланганлар учун қора тош ташлаганига қараб ҳукм чиқарипларига ишора.

Денгизга қараб туриб, ер юзига эгалик қилиш учун ундан Афродита чиқиб келганига ишонмасдан бўлмасди<sup>1</sup>.

— Ҳамомга ҳали эрта-ку, — деди юонон, унинг хисларга тўла қалби гўзалликка қаттиқ шайдо эди, — кел, бироз гавжум шаҳардан узоқлашиб, денгизни томоша қилайлик, тушки қуёш унинг мавжларида босҳад чиройли товланади.

— Жоним билан, — рози бўлди Клодий, — бироқ, сирасини айтған-да, денгиз соҳили — шахримиздаги энг гавжум жой.

Помпея ўша давр тамаддуенинг митти тажассумини ўзида намоён этар эди. Шаҳар деворлари билан ўралган тор майдонда, айтиш мумкинки, дабдабанинг қудратга таклиф этиши мумкин бўлган барча неъматларининг намуналари жамулжам эди. Мўъжаз, аммо бой дўконларда, ихчам қасрларда, ҳаммолларда, жамоат майдонида, театр ва циркда, эндиликда таназзулга юз тутган жўшқин ҳаётда, одамларнинг назокатию иллатларида бутун Рим империяси ўз аксини топганди. Бу шиша сандикдаги қандайдир ўйинчоқ шаҳар эди, гўё тангрилар инжиқлигига кўра Ер юзидаи энг улуғвор салтанат намоён этилгандай, гўё келажак авлодларга бошқатдан мўъжиза қилиб кўрсатиш учун атайлаб замонлардан яшириб қўйгандай.

Тип-тиниқ кўрфаз савдо кемалари ва бой шаҳарларнинг зарҳалланган сайд қайиқларига тўлиб кетганди. Балиқчи қайиқлар у ёқдан-бу ёкка чаққон изғир, узоқдан эса Плиний кўмондонлик қилган флотнинг баланд мачталари кўзга ташланарди. Соҳилда қандайдир сицилиялик жўшиб кўлларини силкитган ва афтларини қаттиқ буруштирганча бир гала балиқчи ва дехқонларга ҳалокатга учраган денгизчилар ва ажойиб дельфинлар ҳақида ҳикоя айтар эди, Неаполь бандаргоҳида шу кунларда ҳам мана шундай ҳикояларни тинглаш мумкин.

<sup>1</sup> Юонон афсоналарида айтилишича, гўзал Афродита денгиз кўпикларидан вужудга келган эмиш.

Юонон йигитча шеригини одамлар орасидан олиб чикиб, бир хилват жойни топди ва улар зич ва силлик тошлокдан юриб ўтиб, коя устига келиб ўтиришди, мавжланиб ракс тушаётган сув узра эсган салкин шабада баданларини яйратиб юборди. Чор атроф сукут ва ўйчанликка ғарқ бўлган. Клодий олов пуркаётган офтобдан кафти билан кўзини тўсиб, ўтган ҳафтадаги ютуқларини ҳисоблай бошлади; юонон эса, тирсагига суюниб ва офтобдан бекинмаган кўйи – шу илоҳ унинг ҳалқини ҳимоя қилган, шеърият, севинч ёки муҳаббат нури билан томирларини тўлдирган эди, – узок-узокларга қарап ва эҳтимолки, Юононистон соҳилларига томон эсиб кетаётган шабадага ҳаваси келмоқда эди.

– Айт-чи, Клодий, – деди шихоят юонон, – сен қаҷондир бирорни севганмисан?

– Ҳа, кўп марта севганман.

– Кўп мартараб севган одам ҳеч қачон севмаган бўлади, – деди Главк, – гарчи сохта севги илоҳлари кўп бўлса-да, ҳакикий Эрот фақат битта.

– Ўша сохталари ҳам тузуккина ташричалар бўлган, – деди Клодий.

– Кўшиламан, – жавоб берди юонон, – мени ҳатто Муҳаббат соясига салом берамап, унинг ўзи олдида эса – ундан ҳам кўпроқ тиз чўкаман.

– Бундан чиқди, бирор юрагингдан қаттиқ урибдида? Сен шундай туйғуга асир бўлибсанки, шоирлар айтмоқчидаи, иштаҳанг йўқолганда, театрни унутасанда, марсия ёза бошлайсан, шундайми? Ҳаёлимга ҳам келтирмасдим! Ясамаликни ҳам қотирар экансан.

– Ҳе-йўқ, унчаликка бормаганман, – деди Главк жилмайиб, – ёки, тўрриси, Тибулга эргашиб айтишим мумкин:

Кимга Амур етакчи бўлса,  
Соф-омондир барча йўлларда.

Мен севиб қолганим йўқ, аммо агар тақдир мени ундан айирмагандага, севиб қолишни мумкин эди. Эрот чироқни ёқар эди-ю, аммо коҳин унга мой қуймаганди.

— Хўш, ўша қиз ким экан? Топишга уриниб кўраман. Диомеднинг қизи эмасми? Геракл ҳаққи, у сени севиб қолган ва ҳатто буни яширмайди ҳам. Ўзи ҳам яхши қиз, устига — бой! У эрининг эшигини соф олтин гуллар билан чирмайди<sup>1</sup>.

— Йўқ, мен ўзимни сотмоқчи эмасман. Диомеднинг қизи чиройли, бу ҳақ ва агар у эркин қулнинг қизи бўлмаганида, мени ҳатто.. ҳе-йўқ... унинг гўзал чехрасидан бошқа ҳеч нимаси йўқ, унда аёлларча назокат йўқ, хаёлида фақат лаззатни ўйлади.

— Жуда ноинсофсан-да. Хўш, айт-чи бўлмаса, ким экан ўша баҳтли қиз?

Ҳозир сенга ҳаммасини айтиб бераман, азизим Клодий. Бир неча ой бурун Неаполда бўлган эдим, мен бу шаҳарни севаман, чунки у ҳозиргача юонон руҳини сақлаб қолган, ўтмиш излари йўқолиб кетмаган, тоза ҳаволи ва манзарадор соҳиллари туфайли «Партенопея» номига ҳали ҳам жуда-жуда арзийди<sup>2</sup>. Ўзим учун эмас, Паллада<sup>3</sup> бошқа кулиб қарамайдиган ўша шаҳар учун ибодат қилгани Минерва эҳромига кирдим. Эҳром бўм-бўш эди. Хаёлим Афинанинг ўтмишига қараб кетди-ю, тақво ила эҳромда бир ўзим эканимни ўйлаб, дуолар дилимдан тошиб чиқаётганини сезмабман. Кўзимда ёш билан дуо ўқирканман, чукур хўрсиник диққатимни бўлди. Шартта ўгирилиб қарадим — орқамда бир аёл турарди. Ёпинчиғини кўтариб, у ҳам дуо ўқирди. Нигоҳларимиз тўқнашганда унинг меҳрибон тим қора кўзларидан чиқаётган самовий нур дилимни равшанлаштириб юборгандай бўлди. Дўстим Клодий, ҳеч қачон бундай ажиб чехрани кўрмагандим, унинг чехрасидаги ифода бу ёруғ

<sup>1</sup> Рим тўй расмига кўра, келин бўлиб тушган қиз куёви эшигининг кесакисига юнг бофич ўрайди.

<sup>2</sup> *Неаполь* (яъни Янги шаҳар) юонон мустамлакачилари томонидан (Эрамизгача VIII асрда Партенопея («қиз чехраси») қинлоги ўрнида барпо этилган.

<sup>3</sup> *Паллада* — Афина-Паллада (римликларда Минерва) шаҳарлар ҳомийси.

дунёга хос бўлмаган улууворлик, гўзалликни биринчи кўришим. Ҳайкалтарошларимиз ифодалаган Психеянинг ўзи. Унинг кўзларидан ёш тизиларди. Унинг ҳам асли афиналик эканини ҳис этдим ва менинг Афинага аталган дуоларим унга таъсир қилган. Титроқ овозда унга мурожаат қилдим. «Сен ҳам Афинаданмисан, гўзал киз?» – деб сўрадим. Саволимни эшитиб, у қизарди ва пардасини туширди. «Ота-боболарим хоки, – жавоб берди у, – Илисс соҳилларида ётибди. Ўзим Неаполда туғилганман, аммо қалбимни аждодларим шахри Афинага бахш этганиман», – «Кел, унда бирга курбонлик келтирайлик», – дедим мен. Коҳин кирди, биз ёнма-ён туриб, муқаддас расмни адо этдик, биргалиқда маъбуда тизларига қўл теккиздик, биргалиқда зайдун новдалари чамбарини меҳробга қўйдик. Нималигини билмайман-у, аммо англаб бўлмас туйфуларга берилгандим, юрагимни муборак туйғу қамраганди. Олис, барбод бўлган мамлакатдан келган биз, икки нафар келгинди, ватанимиз илоҳи эхромида турган кўйи юрагим ҳайратланарли тарзда ватандошим томон талпинарди – уни шундай деб аташга ўзимни тўла хақли деб билмокда эдим. Уни кўп йиллардан бери биладигандайман гўё ва оддийгина удум мўъжизавий тарзда туйфуларимизга таъсир қилмоқда эди. Биз вақтни, замонни унуган эдик. Индамай эхромдан чиқдик, унинг қаерда туришини ва уникуга боришим мумкинлигини сўрайман деб турганимда эхром зинасида юзи унга ўхшаб кетадиган бир йигит яқин келди-да, қўлидан олди. Қиз ўгирилиб, мен билан хайрлашди. У оломон орасига кириб кетди ва мен уни бошқа кўрмадим. Уйда мени хатлар кутарди ва мен Афинага кетишга мажбур эдим; меросни деб қариндош-уруғларим мени судга берамиз деб қўрқитар эдилар. Ишларни бир ёқлик қилиб бўлгач, мен яна Неаполга қайтдим. Бутун шахарни кидириб чиқдим, аммо ватандошим ўша қизни ~~тоба~~ чилдам, сўнг хаёлимни чалғитиши ва бу воқеани удутини, хушчакчаклик ва дабдабага кўмилиши учун Помпеяга ошиқдим. Бўлган

тап шу. Мен севиб қолган эмасман, аммо ўша қизни үзүтөлмаяпман ва ажрашганимиздан афсусдаман.

Клодий бир нима демоқчи бўлди, бироқ шу пайт оҳиста ва вазмин ташланган қадамлардан тошлар шиқирлади. Улар баравар ўғирилиб қарашди ва келган одамни дарҳол танипиди.

Бу қирқ ёшлардаги баланд бўйли, чайир ва бақувват одам эди. Қорамтирлиги унинг шарқлик эканидан дарак берарди, аммо юзи юнонларга ўхшарди (айниқса бақбақаси, лаблари ва манглайи), фақат қарчиғай бурни, чиқиқ ёноқлари ёши бир жойга етганда ҳам ёшлигидаги чиройли дўмбок юзининг аломатларини сақлаб қоладиган юнонлардан фарқ қилиб турарди. Катта-катта ва қоп-қора кўзлари чақнарди. Мағрур ва ҳукмдор нигоҳида теран, ўйчан ва хиёл ғамгин хотиржамлик муҳрланиб қолгаидай. Унинг қад-қомати ва юз андоми хотиржам ва кибрли эди. Ридосининг файритабиийлиги ва кенг эпгил-бошларининг униккан ранги бу совуққонлик ва кибрандан пайдо бўлувчи таассуротни баттар кучайтиради. Клодий ва Главк салом берар экан, билдиrmайгина бармоқларини чалиштириши: мисрлик Арбакнинг кўзи ёмон, деб эшитганди.

— Манзара чиндан ҳам жуда чиройли, — деди Арбак совуқ, аммо такаллуфли табассум билан. — Ахир қувноқ Клодий билан ҳамманинг эркатоји Главк шуни деб гавжум шаҳарнинг баҳридан ўтиб келибди-ку.

— Табиатнинг ўзи ҳар недан жозибадор эмасми? — сўради юонон.

— Ўйин-кулги ишқибозлари учун — шундай.

Жуда қаттиқ кетдинг, аммо бир ҳисобдан тўғри. Хилма-хил бўлганда дилхушликлар яхши; шовқинли кўнгилочарликлар бизга танҳоликнинг қадрига етишини ўргатади, танҳолик эса — кўнгилочарлиknинг.

— Боеclarнинг<sup>1</sup> ёш файласуфлари шундай мулоҳаза юритадилар, — деди мисрлик. — Улар ожизликни доноликка йўядилар, бошқа барча хурсандчиликларга

<sup>1</sup> Эпикурчилар боғда ижод килар эдилар.

мирикиб олгач, танҳолик қувончини билиб олдик деб ўйлашади. Бироқ табиат бунақа мириқкан дилларда ҳаяжон уйғотмайды, ташна диллар табиатнинг тоза ва бемисл гўзаллигини кўра олади: табиатни жўшқин эҳтирос билан эъзозламоқ керак, бу эҳтирос сезилмаслиги лозим, аммо сиз учун бу оғирлик қиласди, бу сиз учун ортиқча юк бўлади. Ҳа, ёш афипалик, мунаввар Селена<sup>1</sup> Эндимионга шовқинли ва гавжум сайил орасида эмас, балки сукунатда, тоғ ва ҳувиллаган водийда намоён бўлган эди.

— Ажойиб қиёс! — деди Главк, — аммо у бу ерда асло тўғри келмайди. Сўлиш! Бу ёшларга эмас, балки қарияларга хос сўздир. Мен, ҳар ҳолда, бир лаҳзалик ҳам мириқиш нималигини билмаганман!

Арбак яна жилмайди, аммо бу жилмайиш шунақангি совуқ ва ёқимсиз чиқдики, ҳатто бефарқ Клодий ҳам ғалати бўлиб кетди. Главкнинг қайноқ сўзларини жавобсиз қолдириб, мисрлик босиқ ва ғамгин овозда деди:

— Нима ҳам дердик, толе сенга кулиб бокқанидан бир дақиқа ҳузурланар экансап, барибир сен ҳақсан: гуллар тез сўлийди, ҳиди йўқолади. Главк, биз бу ерда бегонамиз, ота-боболар тупроғидан йироқдамиз, ҳузурланиш ё соринишидан бошқа нима ҳам қила олардик? Сен ўзингча қабул қиласан буни, мен эса — ўзимча.

Юнонининг чақноқ кўзлари бирдан ёшланди.

— Эҳ, гапирма, Арбак! — ҳайқирди у, — ота-боболаримиздан гап очма! Римликлар эркинлигидан бошқа эркинликлар, бошқача шон-шуҳратлар бўлганини эсламайлик энди! Марафон далаларидан ва Фермопил дараларидан қаҳрамонларнинг арвоҳларини чақириб, бехуда безовта қилишга не ҳожат!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Селена — Ой маъбудаси, абадий уйқуга мубтало бўлган йигитча Эндимионни севиб қолган.

<sup>2</sup> Марафон ва Фермопил дарасидаги жанглар (эрамизгача 490 ва 480 й.й.). — форслар билан бўлган бу жангларда юнонлар қаҳрамонлик кўрсатган (уч юз спарталик). Бу овир жанглар кейинча Юнонистон, хусусан Афинанинг гуллаб-яшнашига олиб келганди.

— Сен шундай дейсан-у, юрагинг бошқани айтади, — деди мисрлик. — Хайр!

Шу сўзларни айтиб, у кийимлари этагини йифиштириди-да, аста у ердан кетди.

— Бирдан енгил тортдим, — деди Клодий. — Мисрликларга тақлид қилиб, биз баъзан базмларимизга калла суюги олиб келамиз. Мана бунақа хуноб мисрлик борида энг яхши Фалери шароби ҳам заҳарга айланади.

— Фалати одам! — ўйчан деди Главк. — У ўлиқдай ҳиссиз, ҳеч гапни юқтирумайди. У ҳақда минглаб минишлар юради, у бир ўзи яшайди, сирли ишлари бор, ҳеч ким унинг юрагига йўл тополмайди.

Э! Айтишларича, унинг мунгли уйида яширин базмлар бўлар эмиш. Осирис динига сира ўхшамасмиш. Бунинг устига, у жуда бой деб эшитдим. Уни даврамизга тортиб, ошиқ ўйинида бир шилмаймизми? Кўнгил очиш дегани ўшандада бир билиб қўяр эдик-да! Умид ва умидсизлик қалтироғи! Абадий ва битмас-туганмас эҳтирос! Қандай ажойибсан, эй қимор!

— Клодийимизнинг илҳомлари жўшиб кетдими! — деди Главк қаҳ-қаҳ уриб, — шоир бўлиб кет-е, шоир! Мўъжиза, чинданам мўъжиза!

### III боб

#### ГЛАВКНИНГ НАСАБИ. ПОМПЕЯДАГИ УЙЛАР ТАВСИФИ. КАЙФ-САФО БАЗМИ

Такдир Главкни ҳеч нарсадан кам қилмаган: ҳусн, соғлиқ, бойлик, ақл, олий нараб, қайноқ қалб, шоирона табиат — ҳаммасидан бор, аммо факат бир нимадан қисган — отамерос эркинлик йўқ эди унда. У Афинада рим фуқароси бўлиб туғилган. Болалигига, йирик молдунёни мерос қилиб олгач, у саёҳатга ҳавас кўйди, бу ёшлиқ учун табиий бир ҳол эди ва император саройи-

даги дабдабаю асьаса ичида ҳаловатнинг ўткир шаробини охиригача сипкорди.

У иккинчи Алкивиад<sup>1</sup> эди-ю, аммо кибр деган нарсани билмасди. Агар шон-шухратга бўлган интилиш олиб ташланса, жонли тасаввур ёшлиқ, бойлик, истеъодод соҳиби бўлган одамнинг қисмати одатда шундай бўлади. Унинг Римдаги уйини қанақанги маишатпрастлар билмайди, аммо санъат шайдолари ҳам бефарқ қолмаганлар, Юнонистон ҳайкалтарошлари жон-жон деб ўз санъатларини совға қилганлар, ёш афиналикнинг уйидаги равоқ ва меҳробларни безаганлар. Помпсядаги унинг бошпанаси – афсус, ёрқин бўёқлари энди хирашган, сувратлар тўкилиб кетган! – ўзининг асосий нафосатини бой берган, унинг жимжимадорлиғи, ҳайратомуз безаклари тойиб бўлган, барибир ҳам қуёш нури тесканида ундаги қолган-қутган энг майда бўлаклари, нақшу нигорлари, қурама гуллари, зийнатлари ҳамон кишини ҳайратга солиб нечоғли жилва қилмайди, товланмайди дейсиз! Ўз ҳалқининг донишмандлиги ва қаҳрамоғлиги ҳақида эслатиб турувчи шеърият ва драматургияга астойдил кўнгил қўйган Главк хонадонини Эсхил ва Хомер асарларидан манзаралар билан безаганди. Уй соҳибининг дидини унинг вазифаси деб билган меъморлар уни шоир деб билишган, гарчи хатолик аллақачон маълум бўлса-да, анъана ҳамон яшаб келмоқда ва афиналик Главкнинг уйини қазиб олингандада айтганлари каби, ҳанузгача «фожиали шоир уйи» деб тилга оладилар.

Главкнинг уйи Помпсядаги хусусий уйлар ичида энг ихчам ва айни вақтда энг чиройли ва муҳташам уйлардан бири эди.

– Тўғрисини айтсам, – деди эдил Панса, – уйинг, Главк, гарчи тикувчининг қутисидан бироз каттароқ бўлса-да, чинакам жавоҳир. Ахилл билан Брисеиданинг

<sup>1</sup> Алкивиад – буюк юон ўйлбошчиси, унга Сукрот устозлиқ қилган.

видолашуви қойил қилиб чизилган! Услубни кўринг!  
Чехралар-чи, чехралар!<sup>1</sup>

— Пансанинг мақтоти — катта шараф, — жиддий оҳангда деди Клодий, — унинг ўз уйидаги деворлар нақшу нигорлари ақлни лол қиласди! Зевксиднинг<sup>2</sup> мўйқаламидан чиққанми дейсан...

— Ҳа, мени жуда мақтаб юбординг, азизим Клодий, — деди Панса, унинг уйи Помпеяда нақшлари хароблиги билан машҳур эди, зеро, эдил ўз шаҳриининг жонбози эди ва фақат маҳаллий рассомларга ҳомийлик қиласар эди. — Сен мени мақтаяпсан, аммо Поллукс ҳаққи қасам ичаманки, у ерда яхши бўёклар ҳам йўқ эмас, расмларни-ку айтмай қўя қолай, меҳмонхонада эса, дўстлар... Эҳ! Булар барини ўзим ўйлаб топганман...

— У ерда нималар тасвирланган? — сўради Главк. — Мен ҳали сенинг меҳмонхонангни кўргапим йўқ, гарчи у с尔да пиширилган ширинликлардан кўп маротаба татиб кўрган бўлсам-да.

— Менинг меҳрибон афиналик ошпазим, ўз санъати меваларини Веста меҳробига писор этиб турган ошпазим, орқада эса сихга тортилган ажойиб рўян, аслига қараб ишланган. Буни ўзи ижод қиласди! Шувакт катта-катта баркашларни кўтариб, қуллар шайдо бўлди. Мазали анжирли, янги, кор билан совутилган кўкатли сомсалар ва тухумли таомлар орасида сувва бироз асал кўшилган шаробли ихчам паймоналар териб кўйилганди. Булар барчаси стол устида пайдо бўлганда, ёш қуллар беш меҳмоннинг ҳар бирига (зеро, улар бор-йўғи бешта эди) хушбўй сувли кумуш тогора ва қирмизи ҳошияли қўларткичлар олиб келишиди. Бироқ манман Эдил ўзининг қўл артқичини олди, у нафис матодан тикилган эмасди, аммо ҳошияси икки баравар энли эди ва у кўпчиликнинг ҳайратига ўрганиб қолган одамдек викор билан қўлини артди.

<sup>1</sup> Ҳомернинг «Илиада» достонидаги манзаралар.

<sup>2</sup> Зевксид — Арасту «Поэтика»сида мақталган рассом.

— Күларткичинг жуда ажойиб экан! — деди Клодий, — ҳошияси камардай энли-я!

— Бир чақага қиммат, Клодий дўстим, бир чақага қиммат! Айтишларича, эили ҳошия — сўнгги римча урф эмиш. Аммо Главк бундай нарсаларни мендан кўпроқ билади.

— Ўзинг қўлла бизни, эй Вакх! — деди Главк, стол ўртасида қад кўтариб турган, бурчакларида Ларалар<sup>1</sup> ва туздонлар жой олган шу маъбуднинг ажойиб ҳайкалчаси олдида эҳтиром ила бош эгиди.

Мехмонлар дуога қўшилишди, кейин эса столга шароб сениб, маъбуд шаънига шаробдан нўш этишди.

Ҳамма яна супага тушди ва базми жамишид бошлианди.

— Агар ёлғон ганирсам, мана шу паймона ҳаётимда сўнгиси бўлсин! — деди шавқирон Саллюстий, биринчи паймонадан кейин дастурхонда анвойи таомлар пайдо бўлганда ва унинг қадаҳини лабигача тўлдириб шароб кўйди. — Бу паймона сўнгиси бўлсин, аммо Помпеяда бундан яхши шароб ичмаганман!

— Кўзани бу ёққа олиб кел, — деди Главк қулга. — Ўқи-чи, унда нима ёзилган экан...

Кул кўзага боғланган тугунни шоша-шиша ечди ва бу — Хиос шароби, эллик йил турганини ўқиди.

— Корда қулинг ўргулсин бўлиб совибди ўзиям! — деди Панса, — жуда оби-тобида.

— Худди одамнинг ўзидай — икки баравар оташга айланиш учун у ўзини апа шундай совитиб олади! — тўлқинланиб деди Саллюстий.

— Ёввойи ҳайвонлар шикори қачон бўлади? — сўради Клодий Пансадан.

— Август ийларидан кейинги тўққизипчи кунга белгиланган, — жавоб берди Панса, — Вулканалийдан кейин эртасига. Бизда ажойиб ёш арслон бор.

<sup>1</sup> *Ларалар* — қадимий юнонларда: оила ва рўзгорни кўлловчи руҳлар, ширлар.



– Унга яраша ўлжа бормикин? – сўради Клодий, – афсуски, ҳозир жиноятчилар жуда кам! Шу дейман, арслоннинг тилка-пора қилиши учун бир бегуноҳни ташлайсан деб қўрқаман!

– Бу ҳақда кўп ўйладим, – жиддий оҳангда жавоб берди эдил, – шармандали қонун йиртқич ҳайвонларга ўз қулларимиздан ташлашимизни ман этади. Ўз мулкимиз билан хоҳлаган ишни қилолмасак, ахир бу бизни мулкдан маҳрум қилиш билан баравар-ку.

– Республиканинг омонлиқ замонларида бунақа эмасди! – хўрсинди Саллюстий.

– Бунинг устига қулларга нисбатан ясама мурувват камбағалларга озмунча тушкунлик келтирмайди: ахир бу одамлар инсон билан ҳайвон ўртасидаги олишувга ўхшаган мудхиш томошаларни жонларидан яхши кўрадилар! Лаънати қонун туфайли улар беозор лаззатдан қурук қолишади, худо бизга яхши бир жиноятчини юбора қолса эди.

– Фақат калтабин ҳукмдор ҳалқнинг мардонавор кўнгил очишига халақит беради, – деди Клодий.

– Юпитер билан Паркаларга<sup>1</sup> шукрлар бўлсинки, бизда энди Нерон йўқ, – деди Саллюстий.

– Уни чинакам золим деса бўлади, амфитеатримизни ўн йилга ёпиб кўйди!

– Тағин ҳам исён кўтарилимаганига ҳайронман, – деди Саллюстий.

– Иш шунга келиб қолганди ҳам, – чайналиб деди Панса, унинг оғзи қобон гўштига тўла эди.

Най овозлари янгради ва сухбат бир зум узилди, икки қул катта идишни кўтариб келди.

– Ўх-хў! Биз учун яна қанақа таомни фамлаб қўйган эдинг, Главк? – қичқириб юборди ёш Саллюстий, кўзлари чақнаб.

Саллюстийнинг ёши йигирма тўртда эди, аммо ҳаётда у бир нарсадан лаззатланарди – яхши ейиш; қолган

<sup>1</sup> Паркалар – қасос фаришталари.



барча лаззатлардан у тўйган бўлса керак. Аммо унинг кўнгли тоза эди.

– Мен топдим уни, Поллукс ҳаққи! – деди Панса, – Бу Анбракия<sup>1</sup> такаси. Ҳой! – У бармоқларини қарсиллатди, одатда қулларни шундай чақиришарди, – биз янги меҳмон шарафига қадаҳ кўтаришимиз керак!

– Мен сизларга, – деди Главк чуқур нафас олиб, – Британиядан келтирилган устрицаларни манзират қилмоқчи эдим, аммо бир вақтлар Цезарга шафқат қилмаган шамоллар бизни устрицалардан бёнасиб қилиб қўйди<sup>2</sup>.

– Бу устрица деганлари ростдан шунаقا мазалими? – сўради Лепид, қулайроқ ўтириш учун туникасипи қорни устига яна кўпроқ тушириб.

– Шуниси ҳам борки, масофанинг узоқлиги уларни бу қадар тотли қилишига шубҳа қиласман, уларда Брунлизия устрицаларидағи юмшоқлик етишмайди. Аммо Римда биронта ҳам кечки овқат усиз томоқдан ўтмайди.

– Шўрлик бритлар! Охир-оқибат улардан ҳам қандайдир фойда бор экан-ку, – деди Саллюстий, – улар бизга устрица етказиб беригчар экан.

– Улар бизга гладиатор етказиб берсалар яхши бўларди, – деди ҳар доим амфитеатр ҳақида ўйлаб юрадиган ишчан эдил.

– Паллада ҳаққи! – деди Главк, суюкли қули унинг қалин сочига чамбар таққандан кейин, – мен йиртқич билан олишаётган ёввойи томошани севаман. Аммо биз каби гўшт ва қондан иборат мавжудот – одамзодни тилка-пора қилиш учун аёвсизларча саҳнага ҳайдашса,

<sup>1</sup> *Анбракия* – Юнонистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Эрамизгача 54-йилда ўша вақтда Галлия волийси бўлган (ҳозирги Франция, Бельгия ва Швейцарияни қамраб олган худуд) Гай Юлий Цезарь қўмондонлиги остида римликлар биринчи марта Британияга келиб тушган эдилар. Ла-Мани орқали сузиб ўтиш чоғида флот ва қўшин бўрондан қаттиқ азият чекканди.

бу даҳшат-ку, кўнглим айнииди, бўғилиб кетаман, уни ҳимоя қилиш учун саҳнага отилиб чиқсан, ажаб эмас. Оломоннинг қийқириқлари мен учун Орестни таъкиб қилувчи эринийларнинг овозидан ҳам даҳшатлироқдир. Бу гал, ҳар ҳолда қонли томоша бўлмаслигидан хурсандман!

Эдил елка қисиб қўйди. Помпеядаги энг оққўнгил одам ёш Саллюстий ҳайратдан кўзларини катта-катта очди. Одатда камгап барно Лепид бундан юзида ажинлар пайдо бўлишидан қўркиб, деди: «Геркулесга қасам ичаман!» Чашнагир Клодий: «Поллуксга қасам ичаман!» – деб ғудраниб қўйди ва меҳмонларнинг олтинчиси, Клодийнинг «соя»си, бой шеригини, текинтомокнинг текинтомоги, ҳомийсини кўкларга кўтаролмай қолганида унга тақлид қиласидиган одам ҳам ғудранди: «Поллуксга онт ичаман!»

– Сиз, италияликлар, бундай томошаларга ўрганиб қолгансизлар, биз, юнонлар эса, анча муруватлимиз, – давом этди Главк. – Эй Пиндарнинг сояси! Чинакам юнонча ўйин – одам билан одам мусобақаси қанчалик гўзал, ҳалол олишув, севинчли ва шу билан бирга қайпули ғалаба, олийжаноб ғаним билан жанг қилиш қанчалик севинчли бўлса уни мағлуб ҳолда кўриш шунчалик қайпули! Аммо сизлар мени тушунмайсиз.

– Така роса мазали экан, – деди Саллюстий.

Гўшти тўғраётган ва ўз санъатидан ғоят мағурур қул паст ва секин чалина бошлаган мусиқа оҳангига монанд ҳолда бирпасда така гўштини тўғрай бошлади, мусиқа тобора тезлашса у ҳам тез тўғрап эди.

– Ошпаз Сицилиядан бўлса керак? – сўради Панса.

– Ҳа, Сиракузадан.

– Уни қиморга тикмоқчи эмасмисан? – таклиф киритди Клодий. – Иккинчи таом келишидан олдин ўйнаймиз.

– Ёввойи ҳайвонларни ўлдиргацдан ошиқ ўйнаган яхши, аммо мен сицилиялигимни ўйинга тикмоқчи эмасман, унга қарши пима кўймоқчисан?

— Филлидамни, танноз раққосамни!

— Мен хотинларни сотиб олмайман, — деди юопи, чамбарини наридан-бери түгриларкан.

Атрийда ўтирган машшоқлар така гүшти түғрамига жүр бўлишдан тўхташди; энди куй пастроқ, шўҳроқ ва айни вақтда маънолироқ янграй бошлади ва машшоқлар «Форслар ҳашамини кўргани кўзим йўқ» сўзлари билан бошланувчи Гораций қасидасини бонилаб юборишиди, уни таржима қилиш ғоят оғир эди; у гарчи энди бизга дабдабали кўрингани учун мос бўлса-да, дабда-баю асъасани қаттиқ севган ўша вақтлар учун анча жўн эди. Ахир бу саройда эмас, балки бироннинг уйида бўлаётган базм-зиёфат эди-да, тўғри, мезбон феъли кенг киши эди-ю, аммо император ёки сенатор эмасди.

— Эҳ қария Гораций! — деди Саллюстий афсус билан. — У базмни ва аёлларни яхши куйларди, аммо бизнинг ҳозирги шоирларга етиб бўпти.

— Масалан, ўлmas Фульвийга, — деди Клодий.

— Ҳа, ўлmas Фульвийга, — уни қўллади «соя».

— Спурена-чи, йилда учтадап достон ёзадиган Гай Мутий-чи, Гораций ёки бўлмаса Вергилий бунига қодир эдиларми? — деди Ленид, — барча кекса шоирлар бир хатога йўл қўяр эдилар: намуна учун рангтасвирни эмас, ҳайкални олар эдилар. Оддийлик ва вазминлик — мана улар нимага интилар эдилар. Аммо биз, ҳозирги одамлар, оловга, эҳтиросга, қувватга тўламиз. Биз хотиржамликни билмаймиз, биз рангтасвир бўёқларига, унинг шиддатлигига, унинг ҳаракатига ўхшаш бўлишни истаймиз. О, ўлmas Фульвий!

— Дарвоқе, — деди Саллюстий, — сиз Спуренанинг Исида шарафига ёзилган янги қасидасини ўқидингизми? У мислсиз, бор вужудидан чинакам тақво ёғилиб турди!

— Менинг назаримда, Исида — Помпеядаги энг ардокли илоҳа, — деди Главк.

— Ҳа, — маъқуллади Панса. — Унинг олдида ҳозир ҳамма тиз чўқаянти, унинг ҳайкали энг ҳайратомуз

кароматларни ирод этмоқда. Мен иримчи эмасман, эътироф этишим керакки, у ўзининг маслаҳатлари билан бир неча бор менга жиддий ёрдам берган. Унинг коҳинлари ҳам шунақанги тақводорки! Юпитер ва Фортунанинг улуғвор ва мағур коҳинларидақа эмас! Улар оёқ яланг юрадилар, гўшт емайдилар ва деярли тун бўйи хилватда тоатда бўладилар!

— Исидалинг коҳинлари чиндан ҳамма учун намуна! Ҳайҳот, Юпитер эхромида кўп нарсани ўзгартириш керак, — деди Лепид, ўзидаи бошқа ҳаммани ўзгартиришга тайёр ҳолда.

— Айтишларича, мисрлик Арбак Исида коҳинларини аллақандай теран сирлар оламига олиб кирганмиш, — деди Саллюстий. — У манманлик билан ўзини Рамсеснинг авлоди деб эълон қилибди ва айтибдики, унинг наслида аллазамонлардан буён қутлуг ва эзгу билимлар сақланиб келаётганмиш.

— Шубҳасиз, унинг кўзи ёмон, — деди Клодий, — Медузанинг бу жамолига бир бор кўз ташласак бўлди, бир оғиз афсун сўзи айтмаёқ мен албатта суюкли отимдан айриламан ёки қиморда қаторасига беш марта менга «ит»лар<sup>1</sup> тушади.

— Мана буни мўъжиза деса бўлади, — деди Саллюстий лунжи осилиб.

— Нимага шама қилаяпсан, Саллюстий? — деди ҳариф қизариб.

— Агар сен билан ўйнаганимда, хонавайрон бўлишим мумкинлигини айтаяпман.

Клодий ижирғаниб жилмайиб қўйди, холос.

— Арбак бунчалик бой бўлмаганида, — деди Панса гердайиб, — мен ўз ҳокимиятимдан фойдаланиб қолган ва уни мунажжим ва сеҳргар деб аташган чақимчилик бўйича тергов бошлаб юборган бўлардим. Рим эдили

<sup>1</sup> «Ит» — ошиқ ўйинидаги энг ёмон ташлани: тўрт ошиқдан ҳар бири чикка тушади.

бўлганда, Агриппа<sup>1</sup> бу ёвузларнинг барини шаҳардан хайдаб юборганди. Аммо у бой эди, Эдилнинг бурчи эса – бойларни муҳофаза қилиш!

– Хатто Помпеяда янги маслакдошлари бўлган, янги мазҳаб ҳақида, яҳудийлар худоси Исонинг анави мухлислари ҳақида нима дейсан?

– Эҳ, улар қуруқ хомхаёл эгалари! – деди Клодий. – Улар орасида битта ҳам олийжаноб эркак йўқ, уларнинг янги маслакдошлари – шўрлик ва жоҳил камбағаллардир!

– Барибир уларни куфр ишлари учун чормих қилиш лозим эди, – деди Панса, қизишиб, – улар Венера ва Юпитерни тан олишмайди!

– Назареялик<sup>2</sup> эса – даҳрийдан бошқа нарса эмас. Шошмай туриңт, мен уларга кўрсатиб қўяман ҳали!

Иккинчи овқат ҳам йигиштириб олинди, улфатлар ўринларида жойлашиброқ ёнбошлаб олдилар, бошланган танаффус вақтида улар қўшиқ ва Аркадия<sup>3</sup> сурнайи оҳангларидан хузурландилар. Мусиқага берилиб кетган Главк сукутни бузипга бошқалардан кўпроқ қўзи қиймаётганди, аммо Клодийга улар вақтни бекорга йўқотаётгандек бўлиб қўринди.

– Сенинг соғлиғинг учун, азизим Главк, – хитоб килди у тажрибали майхўрга хос эпчиллик билан, ҳар сўздан кейин бир-бир ҳўпларкан. – Кеча ўйинда омадинг келмади – бугун сенинг қўлиниг баланд кетиши керак. Айт, ошиқларни келтиришсин.

– Билганингни қил, – жавоб берди Главк.

<sup>1</sup> Марк Випсаний Агриппа – биринчи Рим императори Октавиан Августнинг дўсти ва сафдоши. Панса уни эста олиши сабаби, у намунали эдил бўлган эди ва унинг исми бу лавозимни яхши изкро этган ҳар бир одам учун ибрат бўлар эди.

<sup>2</sup> Назареяликлар деб янги дин пайдо бўлганида дастлабки масиҳийларни айтишган. Шарқда: насронийлар.

<sup>3</sup> Аркадия – жанубий Юнонистон (Пелопонес ярим оролида)нинг тоғли вилояти, чўпонлар ва найчилар мамлакати.

— Ёзда ошиқ ўйини? Мен барибир эдилман, — деди Панса бошлиқларга хос оҳангда<sup>1</sup>.

— Аммо биз сенинг борингда ўйнаймиз, мухтарам Панса, — эътиroz билдири Клодий, стаканчани ошиқлар билан шиқирлатаркан, — сенинг борлигинг барча тақиқларни бекор қиласди. Чунки ўйиннинг ўзи эмас, балки уни суистеъмол қилиш разолатdir.

— Доно фикр! — ғудранди унинг «сояси».  
— Майли, мен қарамай тураман, — деди эдил.  
— Шошма, азизим Панса, аввал ичайлик, — деди Главк.

Клодий истар-истамас рози бўлди ва ўз хафалигини яшириб, эснаб қўйди.

— «Олтинга» жагини очди, — шивирлади Ленид, Плавтнинг «Хазина»сидан парча келтириб.

— «Биламан бу полипларни: салгина тегсанг, қолурсан балога», — уни қўллади Саллюстий ўша комедиядаги сўзлар билан.

Столда учинчи таом пайдо бўлди — хилма-хил мевалар, ёнгоқлар, ширинликлар, пироглар ва ранг-баранг ва турфа шакллардаги анвойи қандолатлар; қуллар ҳалигача меҳмонларни айланиб ўтиб қуяётган шароблар. Энди уларни катта-катта шиша кўзаларда столга қўймоқда эдилар, ҳар бир кўзага ичимликнинг ёпи ва сифатидан дарак берувчи ёрлиқлар ёпиширилганди.

— Лесбосникидан татиб кўр, азизим Панса, — деди Саллюстий, — аъло шароб.

— Бу шароб унчалик эски эмас, — деди Главк, — аммо вулкан алантаси шарофати билан узум занги тез етилади.

— Қойил! — деди Панса, — аммо, ҳартугул, унинг гулдастаси ғоят ёқимли.

<sup>1</sup> Конун фақат Сатурналийнинг қувноқ қишики байрамидагина қимор ўйинлари ўйнашга рухсат берарди. Колган вақтда улар қатъян ман этилган эди. Бу конунга риоя этилишини кузатиб бориш эдилнинг вазифасига киради.

— Қадаңнинг чиройлилигини кўринг! — деди Клодий ҳайрат ичида, дасталари Помпеяда севимли урфга биноан илон шаклида гажаклантирилган, қимматбаҳо тошлиар билан безатилган биллур қадаҳлардан бирини қўлига оларкан.

— Мана бу узук совға, — деди Главк бармоғидан қимматбаҳо узукни олиб, қадаҳ дастасига илар экан, — ҳеч ўйланмай сипқоравер, азизим Клодий. Узоқ йиллар ва тинмай тўлдириб-тошириб ичиб юришинг учун худолар сенга соғлиқ ва фаровонлик ато этсин!

— Жуда сахийсан-да, Главк! — деди дўсти паймонани ўз қулига узатар экан, — сенинг менга бўлган муҳаббатинг бу қадаҳ қимматини икки бора ошириб юборади.

— Грациялар учун ичаман! — хитоб қилди Нанса, паймонасини учинчи марта бўшатиб.

Мехмонлар ундан ибрат олдилар.

— Биз тамада сайламадик-ку! — деди Саллюстий.

— Бўпти, ошиқ ташлаймиз, — деди Клодий стаканини чайқатиб.

— Йўқ! — деди Главк. — Бизга совуқ ва ҳамманинг жонига теккан шоҳ сим好似арх керак эмас. Римликлар шоҳга бўйинсунишдап воз кечгап-ку! Наҳотки аждодлар эркпарварлигини унутсак? Ҳой машшоқлар, яқинда тўқиган қўшиғимни айтинглар, унда шу ҳақдаги мисра бор.

Машшоқлар жўшқин Иония куйини чала кетдилар ва ёш овозлар юнончасига куйлай бошладилар...

Кўшиқни тинглаб бўлиб, ҳамма баланд қарсак чалди. Муаллифникида меҳмонда қўшиқлар ҳар доим мафтункор туюлади.

— Бу соф юононча рухда, — деди Лепид. — Юони тилининг оҳангдорлиги ва маънодорлигига Рим шеърияти бас кела олмайди.

— Дарҳақиқат, бу биз ҳозиргина тинглаган Гораций қасидасининг итоаткор одмилигига ҳечам ўхшамайди! — деди Клодий кулгисини яшириб, — Иония куйи ажо-

йиб. Айтганча, бу сўз мен таклиф қилмоқчи бўлганим қадаҳ сўзини эслатиб юборди. Дўстлар, гўзал Иона учун ичайлик!

— Иона — юонча исм, — деди Главк аста. — Мен унинг учун жон-жон деб ичаман. Аммо у ким?

— Эҳ-х-ҳа! Сен Помпеяга яқинда қайтдинг-ку, акс холда ўз жаҳолатинг туфайли остракизмга<sup>1</sup> учраган бўлур эдинг! — қизишиб деди Лепид. — Шаҳримиздаги энг мафтункор аёл Ионани билмаслик гуноҳ!

— Ха, у ҳаддан ташқари гўзал, — деди Панса. — Овози-чи, овози!

— У фақат булбул тили билан озиқланса керак, — деди Клодий.

— Булбул тили билан... жуда гўзал фикр! — пи chir lab деди унинг «соя»си.

— У ҳақда сўзлаб беринглар, — илтимос қилди Главк.

— Биласанми, — гап бошлади Лепид.

— Шошма, мен айтиб бера қолай! — унинг сўзини бўлди Клодий. — Сен тошбақадай имиллаб гапирасан.

— Сен эса майнадай чуурлайсан! — ғудранди хушчақчаклик шайдоси ва ғижинган тусда ўзини ёстиққа ташлади.

— Биласанми, азизим Главк, — деди Клодий, — Иона Помпеяга яқинда келган. У Сапфодай куйлайди ва қўшиқ сўзларини ўзи тўқииди, най, кифара ва лирада эса куй маъбудасини бир чўқишида қочиради. Хусни таважжуҳи кўзингни олади. Унинг уйи — мукаммаллик тимсоли: ана дид... ана жавоҳирот... ана ҳайкалчалар! Унинг сахийлиги бойлигидан қолишмайди.

— Мухлислари ҳам, ўз-ўзидан равшан, қурумсок эмаслар, — деди Главк, — пулни эса қандай осонлик билан тонса, шундай совуради.

— Мухлислар! Ҳамма бало мана шунда.

— Ионанинг фақат битта камчилиги бор — у ҳеч кимни писанд қилмайди. Бутун шаҳар унинг оёғи ости-

<sup>1</sup> Остракизм — ватандан қувилиш.

да, у эса ҳеч кимга хайрихохлик күрсатмайди, ҳатто турмушга чиқишни хохламайди.

— Ҳеч кимга! — такрорлади Главк.

Ха. Унинг жони Вестаники ва бели Венераники<sup>1</sup>, — деди Клодий.

— Таърифларнинг нозиклигини кўринг! — уни маъкуллади «соя».

— Бунинг бўлган-тургани мўъжиза-ку! — деди Главк.— Уни кўрса бўлармикан?

— Мен сизларга бугун кечқуруноқ уни кўрсатаман, — деди Клодий. — Ҳозирча эса... — Шундай дея у яна қадаҳини дўстларникига уриштириб қўйди.

— Хизматингга тайёрман, — деди Главк, илтифот билан, — Панса, нарёққа қараб тур!

Лепид ва Саллюстий жуфтми-тоққа ўйнай бошлиди, Клодийнинг текин ўйинини томоша қилди, Главк ва Клодий эса ошиқларни ташлай-тапслай аста-секин қизишиб борар эдилар.

— Поллукс ҳаққи! — деди Главк, — менини иккиси чарта чикка тушди!

— Ўзинг қўлла мени, Венера! — деди Клодий ва стаканчани узоқ чайқади. — О, она Венера, бор экансан-ку! — Шундай дея у шу маъбуда номи билан аталадиган энг катта ютуқлар сонини ташлади, — у омадлиларни қўллайди.

— Венера ноинсоф экан, — бегам ҳолда деди Главк. — Мен ҳар доим унинг меҳробига садақалар берардим.

— Клодий билан ўйнаган одам Плавтнинг Куркулонига ўхшаб, тезда ўз ёмғирнўшини ўйинга тикади, — шивирлади Лепид.

<sup>1</sup> Юнон маъбудаси Гестия (Рим Вестасига тўғри келади) ҳеч қачон турмушга чиқмайман деб онт ичган ва унинг қўлинини сўраган Посейдон ва Аполлон маъбудларига кескин йўқ деб жавоб берган. Қадимгилар муҳаббат маъбудаси Афродита (римликларда Венера)нинг барча гўзаллиги ва жозибаси унинг сехрли белбоғида деб ишонганилар.

— Бечора Главк, у Фортунанинг<sup>1</sup> ўзидай сўкир, — гап котди унинг гап оҳангида Саллюстий.

— Қани, етар, — деди Главк. — Мен ўттиз минг сес-терций бой бериб бўлдим.

— Афсус... — деди Клодий.

— Эй эзгулик тажассуми! — деди унинг «соя»си.

— Ачиниш керак эмас! — деди Главк. — Сен билан ўйиндан олган лаззатим, Клодий, мағлубиятимни босиб кетади.

Суҳбат жонланди ва ҳаммани ўзига тортиб кетди, паймоналар пайдар-пай тўла бошлади ва Главкнинг меҳмонлари яна Ионани мақтаб кетдилар.

— Юлдузлар ўчишини пойлаб ўтирмай, юринглар, гўзаллиги олдида улар ўчиб қоладиган сохибжамолнинг олдига борайлик, — деди Лепид.

Ўйинни янгилаб бўлмаслигига кўзи етган Клодий рози бўлди ва Главк гарчи меҳмонларни қолишга ва базм-зиёфатни давом эттиришга ундаса-да, Иона алқовларидан жунбишга келган ўз иштиёқини яшира олмади, шу боис улар (Панса ва Клодийнинг «соя»сидан бошқа) сохибжамол юонон қизи хузурига йўл олишга қарор қилдилар. Улар Главк ва император Тит соғлиғи учун ичдилар, сўнгти фурслни адо этдилар, шундан кейин оёқларига кийдилар ва зинадан тушиб, чироқлар порлаб турган атрийдан<sup>2</sup> ўтдилар, бўсағада куроқ (мозаика) билан чизилган қопағон «ит» уларга тегмади. Ой ҳозиргина чиққан бўлиб, ҳали гавжум шаҳар кўчаларини нурга тўлдирмаганди.

Улар дўконлардаги қимматбаҳо дуру гавҳарларда акс этиб жимжима қилган чироқ нурларидан чароғон заргарлар маҳалласидан ўтдилар ва Иона эшиги тагига этиб келдилар. Даҳлизда қатор-қатор шамлар ёниб турарди, таблиннинг ҳар иккала учида чиройли қаштали

<sup>1</sup> *Фортуна* — тақдир илоҳаси. Римликлар бу илоҳани муносиб одамларга эмас, дуч келганга ютуқ келтиргани учун кўйт деб тасаввур қиласидилар.

<sup>2</sup> *Атрий* — фойе, залнинг даҳлизи.

кирмизи пардалар осилган, деворлар ва гулдор ерда ранго-ранг бўёқлар чараклар эди. Ионани улар муаттар боғни қуршаб олган равоқда топишди, унинг атрофига ҳаяжондан чапак чалиб турган ҳалойик ғужғон ўйнарди.

— Сен уни афиналик деганмидинг? — шивирлаб деди Главк, улар перистилдаи юриб ўтаётганларида.

— Йўқ, у Неаполдан.

— Неаполдан! — такрорлади Главк.

Шу топ Ионани қуршаб олган оломон ортга чекинди ва унинг кўз олдида хаёлини шунча вақтдан бери банд қилиб келган парининг гўзал жамоли намоён бўлди.

#### IV боб

### ИСИДА ЭҲРОМИ. УНИНГ КОҲИНИ. АРБАКНИНГ ФЕЪЛИ

Энди эса мисрликка қайтайлик. Биз Арбак билан у Главк ва шерикларини ташлаб кетган кўрфаз соҳилида қоқ тушда ажрашган эдик. Янада гавжумроқ жойда пайдо бўлиб, у тўхтади ва қўлларини кўкрагида боғлаганча қорайган юзида аччиқ табассум билан шу оломонга қаради.

— Каллаварамлар, пасткашлар, тентаклар — мана, сизлар кимсизлар! — ғудранди у ўзича. — Кайфафоларда, савдода, динда тия олмаган нафсларингизнинг қулисизлар! Сизлар мен учун бўшлиқсиз, сизлар менда ҳеч қанақа туйфу, ҳатто нафрат ҳам уйғота олмайсиз. Юнонлар ва римликлар Мисрнинг қадимги ҳикматларидан сизларга жон киритган оловни ўғирлагансизлар. Билимларингизни, шеъриятингизни, санъатингизни, уруш олиб боришдаги ёвуздарча уқувингизни (булар барчаси буюк намунага қараганда шу қадар арзимас ва шу қадар бузилиб кетганки, қўяверасиз), худди қул зиёфатдан кейин сарқитларни ўғирлагани каби, биздан ўғирлагансизлар. Иркит май-

мунлар! Римликлар, ўғрилар тұдаси! Буни қаранглар – сизлар бизнинг хўжаларимиз эмишсиз! Эхромлар ортиқ ўз юксакликларидан Рамсеслар халқига кўз солмай кўйган – Рим лочини Нил илони устида осилиб турибди. Бизнинг хўжаларимиз эмиш... Йўқ, фақат менинг устимдан эмас! Гарчи кишанлар кўзга ташланмаса-да, менинг иродам сизларни асоратда саклайди ва қўйиб юбормайди. Токи айёрлик куч-қудратдан кучлироқ экан, токи диндорлар одамларни лақиллатадиган эхромлар бор экан, унгача донолар дунё устидан хукмронлик қиласверадилар. Ҳатто сизларнинг иллатларингиз ҳам Арбак учун севинчлар сарчашмасидир, бу севинчлар чексиз, саховатбахш, битмас-туганмасидир, уларни кора халқ кўзи булгаётмайди, сизларнинг парти кетиб, шарти қолган ақлларингиз уларни на англай олади, на тасаввур эта олади. Бундан кейин ҳам алаҳлайверинг, очкўз ва такаббур нодонлар! Сизларнинг лавозимингиз ҳақидаги бир чақага қиммат орзуларингиз ва қуллик ҳокимиятидаги мана бу бутун комедия менда кулги ва нафрат уйғотади. Мен худога ишонадиган ҳамма жойда хукмронлик қиласман. Мен алвон либос остида яши-ринган жонларни бошқараман. Фива<sup>1</sup> йиқилган бўлса майли, аммо Миср абадий қолажак. Арбак дунёни забт этажак.

Шу сўзларни айтиб, мисрлик аста шаҳарга караб юрди, шовқинли оломон узра ошиб, форумни кесиб ўтди ва Исидаға бағишлиланган ихчамгина, аммо кўркам эхром томон йўл олди.

Ўша вақтда тикланишидан ўн олти йил муқаддам эхром зилзиладан вайрон бўлган ўзининг эски жойида яқинда қуриб битказилган ва бизда тоҳо янги черков ёки янги рухоний урф бўлганидай, Помпеяning бекарор ва енгилтак аҳолиси ичида у ана шундай урф бўлиб қолганди. Башпорат билан чулғанган сирли сўзлар ҳам, уларни биргаликда эътироф этишган кўр-кўrona дин

<sup>1</sup> *Фива* – қадимги Мисрнинг пойтахт шаҳарларидан бири.

хам росманасига ажойиб эди. Борди-ю, улар илох нидоси бўлмаса-да, ҳар ҳолда инсон табиатининг теран билимини очиб берар эдилар: улар ҳар бир диндор ҳаёти ҳолатига тўла мос келар ва Исиданинг мухолифлари бўлган бошқа «худолар» эҳромларида эшитиш мумкин бўлган хира ва иоаник башоратлардан дурустгина фарқ қиласр эди. Арбак доноларни зиёратгоҳдан ажратиб турган девор олдига борганда, барча табақалардаги одамлар бўлган, аммо кўпчилигини савдогарлар ташкил қилган оломон нафасини ичига ютиб, очик ҳавода турган кўплаб меҳроблар олдида эҳтиром ила тош қотди.

Парос мармаридан қилинган етти зина эҳромнинг ўзига олиб борарди, унинг деворларидағи токчаларда ҳайкалчалар туарар, деворлар эса Исиданинг муқаддас дарахти анор мевалари кўринишидаги нақшлар билан безатилганди. Эҳромнинг ўртароғида тамалтош, унинг устида эса иккита ҳайкалча бор эди: бири Исиданики, иккинчиси эса унинг ҳар доимги йўлдоши, унсиз, сирли Хорники эди. Аммо эҳромда Миср маъбудалари қавмларидан бошқа кўплаб илоҳлар ҳам бор эди: унга қариндош бўлган кўп исмли Бохус, Исиданинг юононча тажассумлардан бири Киприда, ит бошли Анувбис, ҳўқиз Апис ва бошқа турли дағал ва номсиз Миср санамлари.

Бироқ буюк Юнонистон шаҳарларида Исидаға сифинишининг қадимги Миср маросимлари топ-тоза сақланиб қолган экан-да, деб ўйлаш керак эмас. Турли қон араласиб кетган жанубий ҳалқлар калондимоғ ва жохил бўлиб, барча мамлакатлар ва асрларнинг урф-одатларини бирлаштирганлар ва Нилнинг чукур сирлари ёт динлардан олиб киритилган беҳаё, сурбет янгиликлар кўплиги туфайли таниб бўлмас даражада бузиб юборилган, бу динлар Кефис ва Тибр дарёлари соҳилларида равнақ топган. Помпеядаги Исида эҳромида унга қачонлардир сажда қилган қадимги ҳалқнинг на тилидан, на расм-русумларидан хабарсиз Рим ва Юон коҳинлари хизмат қиладилар; Мисрнинг

даҳшатли фиръавнлари зурриёти гүё унинг меҳроби олдида эҳтиром ила бош этгандек қилиб кўриниб, маъносиз, расм-русумлар устидан, жазирама мамлакатининг тантанавор ва бетакрор динига тақлид этишга беҳуда уринишлари устидан билдирилмасдан пафрат билан кулди.

Энди эҳром зиналарида, эшнидан кейин ҳар икки томонда оппоқ кийимларда қурбонлик келтиришга тайёрланганлар туарар эди, энг юкорида эса қуий даражадаги икки коҳин туарди: бири бутоқ ушлаган, иккиси – кичикроқ буғдой бошоқлари тутамини. Ўртадаги тор йўлакда томошибинлар оломони тўпланишган эди.

– Муборак Исида меҳробига бугун сизларни нима олиб келди? – шивирлаб сўради Арбак Александрия билан савдо қилган бир одамдан (шу савдо эвазига, эҳтимол, Помпеяда Миср маъбудасига сифиниш тарқалганди). – Бу одамларининг оқ кийимларига қаранганди, ҳозир курбонлик келтирилди. Барча коҳинлар тўплангани боис, сиз, афтидан, тақводорнинг хабарларини тинглашга чоғланаяпсиз, шекилли. Қандай саволингиз бор?

– Бу ердаги барчамиз савдогарлармиз, – бу одам ҳам шивирлаб жавоб берди (бу Диомеддан бошқа ҳеч ким эмасди), – биз эртага Александрияга сузиб кетадиган кемалар тақдирини билмоқчимиз. Ҳозир биз курбонлик келтирамиз ва маъбудадан жавоб беришини ёлвориб сўраймиз. Кийимларимдан кўриб турганингдек, коҳинлардан қурбонлик келтиришга рухсат беришиларини ялиниб сўрайдиганлар тоифасидан эмасман, аммо мен ҳам, Юпитер ҳаққи, яхши сузишдан жуда-жуда манфаатдорман! Савдом қизғин кетаяпти, бўлмаса бу қаттол замонларда қандай тирикчилик қила олар эдим?

Мисрлик жиддий оҳангда деди:

– Гарчи Исида ҳар доим дехкончилик маъбудаси бўлиб келган бўлса-да, шунга қарамай у савдога ҳам ҳомийлик қиласди.

Шундай дея шарқ томонга ўгирилиб, Арбак тоатга берилди.

Энди зинада бошдан-оёқ оппоқ либосга бурканган коҳин пайдо бўлди, гулчамбар устидан бошига шаффоф ёпинчиқ ташлаб олганди. Икки коҳин эшикдан ён томонда турганларни алмаштириди, – улар белларигача яланғоч бўлиб, пастдан осилиб турган либосга ўраниб олишганди. Шу топда яна бир коҳин пастки зинада ўтириб олиб, боузун найга ўхшаш чолғуда қандайдир тантанавор куйни чала кетди. Зинанинг ўртарогида бир қўлида гулчамбар, бошқасида оқ асо ушлаб яна бир коҳин туради. Салобатли иблис суврати девордан расм-русумларга унсиз қараганча бу шарқона маросими ни янада жозибалироқ қилиб юбормоқда эди.

Мехроб олдида энди қурбонлик келтиришга тайёрланган коҳин турагар эди.

Гарусниклар қурбонлик жониворларнинг ичини кўздан кечира бошлаганида, Арбакнинг чехрасидаги совуқ хотиржамлик ўрнини тақволарча мунтазирлик эгаллади. Аломатлар хосиятли деб топилган ва олов қурбонлик жониворларни тез қамраб ола бошлаган, чор атрофга эса мирра ва исириқ бўйлари тарқалганда, севинчдан юзи ёришиб кетди. Шунда оломон ичидагуристон жимлиги ҳукм сурди, одамлар пичир-пичир қилишдан тўхтади, коҳинлар зина юқорисига тўпланди, улардан белидаги лунгини ҳисобга олмаганда яланғоч биттаси рақс тушган ва ваҳшиёна имо-ишоралар қилганча олдинга югуриб чиқди, маъбудадан саволга жавоб беришни ёлбора бошлади. Охири ҳолдан тойиб, жимиб қолди ва шунида ҳайкалча ичидан босиқ шилдир-шилдир овоз эшитилди, унинг боши уч марта чайқалди, лаблари очилди ва бўниқ овоз сирли сўзларни талаф-фуз этди:

Денгизда бошланар довул ва бўрон,  
Аммо сизнинг кема қоладур омон...

Овоз тинди ва оломон эркинроқ нафас олди. Савдогарлар бир-бирига қаради.

— Ҳаммаси кундай равшан, — ғудранди Диомед, — күшинча илк кузда бўладигандек, денгизда бўрон бўлади, аммо бизнинг кемаларимиз омон колади! О, марҳаматли Исида!

— Маъбудага абадулабад шарафлар бўлсин! — баравар дейищди савдогарлар. — Унинг каромати бундан равшанроқ бўлиши мумкин эмасди.

Олий коҳин «Жим бўлинглар» дегандек қўлини кўтарди (Исидага сифиниш шаҳарнинг шовқинли аҳолисидап иложи йўқ нарсани — жимликни талаб қилар эди), меҳробга сув сепди, қисқа якуний дуо ўқиди ва оломон тарқалди. Бироқ мисрлик эхром ҳовлисида тўхтаб колди ва одамлар салжоблашгач, коҳинлардан биттаси деворга якин келиб, хурмат ила унга салом берди.

Коҳиннинг юзи ҳайратомуз даражала бефарқ эди — африканинг ёввойи қабиласидай паст ва яssi манглайли боши қиртишланган, қадимгиларга яхши маълум фан муҳлислари, ўзларининг янги номларига қарамай<sup>1</sup>, тортиш кучи маркази деб биладиган чаккаларида иккита қарийб ғайритабиий бўртиқ бўлиб, унинг бошини баттар хунук қилиб турарди. Манглай чукур-чукур ажинлар билан нақшланган, кўзлари қора, кўзининг оқи сарғиш, қисқа эди, аммо бурнишинг катаклари шаҳватпастлардай кенг, лаблари дўрдоқ ва оқ, ёноқлари чиқиқ, ола-була тери бу башара шаклини ниҳоясига етказган, унга қараган ҳеч бир одам деярли нафратланмай қолмасди; бу одамнинг зеҳнида нима бўлишидан қатъи назар, унинг ваҳшийларча қиёфаси бундан-да ёмонроқ нарсани тусмол қилишга мажбур этарди; сертомир бўйин, кенг кўкрак, асабий бармоқлар ва ингичка қўллар тирсаккача очик бўлиб, унинг бақувват ва серчиdam одамлигиши айтиб турарди.

— Кален, — деди мисрлик бу «хушрўй»га, — менинг маслаҳатимга кириб, бу ҳайкал овозини анча яхши-

<sup>1</sup> Яъни, физиогномика илми.

лабсан. Шеърларинг ҳам ажойиб. Ҳар доим баҳтли қисматдан каромат қил, зеро, у ҳеч қачон амалга ошмайди.

– Бунинг устига, – қўшимча қилди Кален, – борди-ю, бўрон лаънати кемаларни фарқ қилганида ҳам, биз буни каромат қилмаганимидик? Борди-ю, абадий тинчлик келса, уларнинг юки табаррук бўлмайдими? Эгей денгизидаги денгизчи айнан тинчлик ҳақида дуо қилмаганимиди? Ҳар ҳолда, Гораций шундай дейди. Аммо денгизда унинг тубидан кўра тинчроқ жой бормикан!

– Сен ҳақсан, азизим Кален. Доноликни сендан Апекид ўрганса соз бўларди. Аммо у ва яна бавзи нарсалар тўғрисида сен билан батафсилроқ гаплапшиб олишим керак. Мени унчалик қутлуг бўлмаган бирон жойга олиб бора оласанми?

– Бўлмаса-чи, – жавоб берди коҳин, уни очик дарвоза ёнидаги кичкина уйчалардан бирига олиб кирапкан.

Бу ерда улар мевалар, тухумлар ва яхна гўшт бўлган таомлар, шунингдек ажойиб шаробли идишлар турган столчага ўтиришди ва уларни ёт нигоҳлардан тўсувчи пардаларни тортиб қўйиб, ичишга ва тамадди қилишга тушдилар. Пардалар шу қалар юпқа эдики, ё бегона қулоклар учун мўлжалланмаган гапларни умумал ганирмасликка ёки наст овозда гапиришга тўғри келарди. Улар кейингисини танлашди.

– Сен қоидамни биларсан, – деди Арбак эшитилар-эшитилмас шивирлаб, – ёшлиарни кўпроқ афзал кўраман. Уларнинг юмшоқ, ғўр ақлларини истаган мақомимга сола оламан. Уларни қўнглим хоҳлаганча ўзгартираман, қайта ишлайман, ёпишираман. Аммо бу ҳақда етарли, ишга кўчайлик. Ўзинг биласан, бир оз олдин мен Неаполда ака-сингил Иона билан Апекидни учратдим. Уларнинг ота-оналари бир вақтлар Афинадан Неаполга келиб қолишган. Ота-оналари ўлиб кетгандан кейин яқинлари мени билгани ва хурмат қилгани учун

Иона билан Апекидга васий қилиб тайинладилар. Мен ўз бурчимни унутмадим. Кўнгилчан ва содда йигит айтганларимни осон тушунар эди.

Мен аждодларим меросини қадрлайман. Уларинг қоронгу ва сирли динини олис соҳилларда (халқимнинг зурриётлари ҳануз яшаб келаётгани эҳтимол бўлган жойларда) қайта тиклаш ва тарғиб қилишни севаман. Балки шунинг учун ҳам одамларни алдаш менга лаззат бағишлар ва бу билан худоларга хизмат қиларман. Мен Апекидга Исиданинг тантанавор дини сирларини ўргатдим. Унинг олдида бу дин ривожланишида юзага келган юксак тимсоллардан айримларини намоён этдим. Унинг динга мойил кўнглида динга ишонган вақтларида уларда Исидаға эътиқод, ишонч уйғотдим. Мен уни бу ерга олиб келиб жойлантирдим ва ҳозир у сенинг эҳроминг коҳинидир.

— Худди шундай, — деди Кален, — аммо дин машъалини ёқиб, уни ақлдан жудо қилдинг. Ҳақиқатни англагач, у даҳшатга келди, бизнинг доно алдовимиз, ганирувчи санамларимиз ва сирли зиналаримиз уни чўчитмокда ва ғазаблантиrmокда. У эзилаяпти, адойи тамом бўляпти, ўзича бир нималар деб вайсаяпти. Расм-руsumларимизда иштирок этишдан бош тортаяпти. Бундан ташқари, менга маълумки, у қўпинча барча худоларимизни инкор этадиган ва пешволаримизни шарқ ривоятларида накд этилувчи шайтонлар авлоди деб атайдиган янги, худосиз динга мойил одамлар орасида бўлади. Башоратчиларимиз кимнинг авлоди эканини, афсуски, биз яхши биламиз!

— Мен шундан қўрқар эдим, — ўйчан деди Арбак. — Сўнгги марта қўришганимизда, у мени таъналарга кўмиб ташлади. Энди эса мендан ўзини олиб қочаяпти. Мен уни топишим керак, унга янгитдан сабоқ бериб қўйишим ва уни Донолик эшиги олдига келтириб қўйишим керак. Муқаддасликнинг иккита поғонаси борлигини миясига қўйишим керак, бири — Ишонч ва иккинчиси — Алдов; бири — кора халқقا, иккинчиси — зодагонлар учун.

— Мен биринчи повонада сира турмаганман, — деди Кален, — Сен ҳам шундай бўлсанг керак, азизим Арбак.

— Янглишасан, — жиддий оҳангда жавоб берди мисрлик, — мен ҳозир ҳам ишонаман, аммо, албатта, бутунлай ўзим ўргатаётган нарсага эмас, зеро табиатда табарруклик мавжуд, унга қарши юрагимнинг ҳеч қачон совуққон бўлишига йўл қўймайман ва хоҳламайман. Мен ўз билимларимга ишонаман ва улар менга... Аммо буниси муҳим эмас. Кел, кўпроқ дунёвий ва ёқимли гаплардан гаплашайлик. Апекиднинг тақдири сенга аён, аммо Ионадан нима истайман? Уни ўз ҳукмфармойим, қайлиғим бўлишини хоҳлашимни сен биласан. Юрагимнинг Исидаси бўлсин дейман. У билан учрашгунимча бундай муҳаббатга қодир эканимни билмас эдим.

— Минг оғиздан эшитгандирман унинг иккинчи соҳибжамол Елена эканини, — деди Кален ва ё шаробнинг таъмини мақтаб, ё Ионанинг гўзаллиги ҳақидаги фикрдан лабини чапиллатиб қўйди.

— Ҳа, ҳатто Юнонистонда ҳам унга тент келадигани ўйқ ва бўлган эмас, — давом этди Арбак. — Аммо бугина эмас, унинг менга муносиб қалби бор. Унинг ақли аёлларга ўхшамайди — ўткир, чақнок, журъатли. Шеърият унинг лабларидан ўзи қўйилиб келади. Ҳақиқат қанчалик терап ва мураккаб бўлмасин, Ионанинг ақли уни дархол эгаллаб олади. Унинг тасаввури ва закоси бир-бирига қаршилик қилмайди, шамол ва тўлқинлар ҳамжиҳатлик билан ажойиб кемани олға суриб кетгани каби, улар биргаликда ҳақиқатни олға бошлиб кетадилар. Бунга эса тафаккур жасорати ва мустақиллиги қўшилиб кетади. У мағрур, ташхоликда яшай олади, қанчалик латофатли бўлса, ўшандай жасоратли ҳам бўла олади. Айнан шундай хотинни излаб умримни сарф қилдим. Иона меники бўлиши керак!

— Бундан чиқди, у ҳали сеники эмас экан-да? — сўради коҳин.

— Йўқ. У мени севади, аммо дўстидай севади, фактат ақл билан севади. У менинг қалбимдаги мен мениси-

майдиган арзимас фазилатларни қадрлайди. Фазилатларни менсимаслик ҳам энг олий фазилатдир. Аммо қулоқ сол, мен сенга у ҳақда сўзлаб бераман. Ака ва сингил, ёш ва бой. Иона мағрур ва нафсониятли, у ўзининг ақли, шоиртабиатлилиги, мафтункорлиги билан фахрланади. Унинг акаси уйимииздан кетиб, бу ерга, сизларнинг эхромларингизга кўчиб ўтганида, ундал айрилишни истамай, у ҳам Помпейяга кўчиб ўтди. Унинг истеъоди ва иқтидори бу ерда дарҳол ҳамманинг эътиборини тортди. У қўшиғига мафтун бўлган, шеърларига қойил қолган меҳмонларнинг кўпчилигини ўз уйига зиёфатга чорлаяпти. Уни Эришпанинг меросхўри дейишлари қулогига майдай ёқади.

- Ёки Сапфонинг, шундайми?
- Севги нималигини билмайдиган Сапфо!
- Мен ундаги дадил киришимлиликни қўллаб-қувватладим, кибрини маъқуллаб келдим. Бизнинг қувноқ шаҳримиз ҳашаматига боши билан шўнғиб кетсин. Менга қара, Калсан! Мен унинг ақлини хиралаштириб қўймоқчи бўлдим ва шунда у мен унинг ойнадай тиник қалбини қуҳ-куҳлаш эмас, балки тўлдиришни ният қилган нафасимни қабул қилишга тайёр бўлади. У муҳаббатга эҳтиёж ҳис этиши учун унинг атрофини юраклари бўм-бўш, ховлиқма, енгилтак (у уларни ёмон кўриб қолини муқаррар) муҳлислар қуршаб олишини истайман. Кейин эса шовқин ва ҳаяжондан чарчаб, дам олганида, мен ўз тўримни тўқий бошлайман – унда қизиқини оловини ёқаман, иштиёқ уйғотаман, унинг юрагини қўлга оламан. Чунки Ионани асир этиш ёшлигарга, барно ва гўзал йигитларга ато этилмаган. Унинг тасаввурини забт этиш керак. Арбакнинг бутун ҳаёти эса инсон тасаввuri устидан тантаналарга тўлиб-тошган.
- Демак, сен рақибларингдан кўрқмас экансан-да? Италия йигитлари аёлларга ёқиши қойиллатадилар.
- Йўқ. Ионанинг юон қалби рим ёввойилари ни ёмон кўради. Саркашларнинг бу қабиласи ичидан

кимгадир муҳаббат қўйиш борасида лоақал ўйлагудек бўлса ҳам у ўзини ҳурмат қилмай қўйган бўлар эди.

– Аммо сен мисрликсан-ку, юонон эмассан.

– Миср, – жавоб берди Арбак, – Афинанинг онаси. Бу шаҳарнинг муҳофазакор маъбудаси – бизнинг бойлигимиз, Афинанинг асосчиси Кекрон эса Миср Саисидан қочиб келган. Булар барчасини мен унинг миясига қутиб бўлганман. Ер юзидағи қалбимга жо бўлган шоҳсулолаларидан энг қадимгисини у ҳурмат қиласди, аммо эътироф этаманки, барибир бу борада менда ёқимсиз шубҳалар бор! У олдингига қараганда камгапроқ бўлиб қолди, ғамгин ва мунгли мусиқани афзал кўради, бўлар-бўлмасга уҳ тортаверади. Унда энди севги ёки севгига эҳтиёж туғила бошлайди. Аммо барибир унинг тасаввури ва қалбига таъсир қилиш вақти келди. Биринчи ҳолда – у севган одамнинг жойини эгаллаш, иккинчи ҳолда эса – унда ўзимга нисбатан муҳаббат уйғотиш. Мен бу ерга шунинг учун келдим.

– Сенга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Мен уни уйимга зиёфатга таклиф қилмоқчиман, унинг кўзини қамаштирмоқчиман, хайратдан тонг колдирмоқчиман, унинг туйгуларига ўт қўймоқчиман. Мен барча санъатимни ишга соламан, бу санъат ёрдамида Миср ёш кохинларни пинҳон сақлар эди, диний сирлар ниқоби остида унга муҳаббат сирларини очаман.

– Э-ха! Энди тушундим, бу биз Исида кохинлари, вужудимизни ўлдиришга ичилган қасамларимизга қарамай, биз кўп кўрган кайф-сафо базми бўлади.

– Йўқ, йўқ! Нималар деяпсан! Наҳотки унинг тиник нигоҳи бундай томошага тайёр бўлади деб ўйласанг? Аввалига унинг акасини тузоққа тушириш ҳақида ўйлаш керак, бу эса анча осон. Менинг кўрсатмаларимга қулоқ солсанг-чи.

## V боб

### ЯНА КҮР ГУЛЧИ ҚИЗ ҲАҚИДА. МУҲАББАТНИНГ ТУФИЛИШИ

Күёш нурлари Главкнинг юкорида биз тилга олган, «Леда хонаси» деб аталган шинам хонасига қувноқ мўралади. Тонг нурлари унга шифт тагидаги жажжижажжи деразачалар сафи орасидан ва боққа очиладиган эшик орқали қуиилиб турарди. Жанубий шаҳарларнинг аҳолиси бу боғдан биз тахминан гулхона-оранжереялардан фойдалангандай фойдаланар эдилар. Бонгинг катталиги унда сайд қилиш имконини бермасди, аммо унда кийғос очилган муаттар гуллар бўйидан маст бўлиб дам олиш мумкин эди – куёшли жануб аҳолиси ана шундай фароғатни жонидан яхши кўрар эди. Ҳозир эса денгиздан эсаётган сарин шабада хуши бўйларни шу хонага элтиб киради. Хона деворидаги нақшу нигорлар бўёқларининг ёрқин ранго-раиглиги билан энг чиройли гулларни ҳам мот қилмоқда эди. Леда ва Тиндарининг улуғвор тасвирларидан ташқари деворларда бошка ноёб сувратлар ҳам бор эди. Биттасида Купидон Венеранинг тиззаларига бошини эгиб олган; бошқасида Ариадна уни Тесей<sup>1</sup> ташлаб кетганини билмай, денгиз соҳилида ухлаб қолган. Күёш нурлари ранг-бараанг срда ва ёрқин деворларда жимжима қиласиди, аммо Главкнинг ёш қалбида севиич яшада қувноқроқ ўйнар эди.

– Мен уни кўрдим! – дерди у хонада у ёқданбу ёқка юраркан, – мен унинг овозини эшитдим ва ҳатто у билан гаплашдим, унинг мўъжизавий қўшигини тингладим, у Юнонистонни шарафлаб қўшиқ айтарди. Мен узоқ излаб юрган севгимни топдим ва Кипр ҳайкалтароши каби ўз ижодимга ҳаёт бахш этдим.

<sup>1</sup> Тесей Крит подшохи Миноснинг ўғли – буқа бошли Минотавр учун қурилган лабиринтга кириб, вахший махлукни ўлдиргач, Ариадна или ёрдамида у ердан кайтиб чиқади. Сўнг севгилисига бевафолик қилиб, маликани ташлаб кетади.

Эҳтимол, ошиқ Главкнинг дил изҳори анча узун бўлиши мумкин эди. Бироқ шу пайт бўсағага кимнинг дир сояси тушди ва ҳали чақалоқдай ёш қиз унинг танҳолигини бузди. Унинг эгнида тақимига тушган оддий оқ туника бор эди, бир кўлида у гулли саватни, иккинчисида эса мис кўзани кўтариб олганди; у ёшига карагаида каттароқ кўринар ва майнин, латофатли эди, гарчи том маънодаги соҳибжамол бўлмаса-да, аммо фусункор эди, унинг бутун қиёфасидан қандайдир нафис назокат барқ уриб турарди. Фам ва итоаткорлик унинг лабларидан табассумни ҳайдаб юборган бўлса-да, бироқ ундаги тароват сақланиб қолганди, у ҳуркаклик ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласади, кўзларида фамгин ҳайрат қотиб қолган бўлиб, ҳаётнинг дастлабки кунидан сўқир бу қизнинг изтироб чекишини кўрсатиб турарди, аммо кўзлари мутлақо тийрак эди, улар гарчи чараклаб турмаса-да, аммо хотиржам тусда ярақларди.

– Главк шубҳа қилиши мумкинми? – жавоб берди Нидия қизариб, – у шўрлик ожиза қизга доим шунаقا мсҳрибон.

– Ҳеч ким унга бошқача муомала қила оларми? – деди Главк оғаларча меҳр билан.

– Менга Главк шу ерда дейишганди, – деди қиз. – Кирсам майлими?

– Э-ҳа, азизим Нидия, бу сенмисан? – деди юонон, – менинг гапимни қайтармаслигингни билар эдим.

Нидия хўрсинди ва бир оз сукутдан сўнг унинг гапларига жавоб бермасдан сўради:

– Сен яқинда қайтиб келдингми?

– Бугун мен Помпеяда қуёш чиқишини олтинчи марта кўрдим.

– Соғлиғинг яхшими? Оҳ, сўраб ҳам нима қиласадим... Айтишларича, шундай гўзал ерни кўрувчи одам бемор бўлиши мумкинми?

– Мен соғман. Сен эса, Нидия... кап-катта бўлиб колибсан! Келаси йили мухлисларингдан сенга тинчлик бўлмайди.

Нидия яна қизариб кетди, аммо шу билан бараварига хиёл хұмрайди.

— Мен сенга гуллар олиб келдим, — деди у, афтидан унга ёқинқирамаган сўзларга яна жавоб бермасдан. Кейин ёнида Главк турған столни пайнаслаб топди-да, унга саватни қўйди, — бу оддий гуллар, аммо уларни ҳозиргина уздим.

— Буларни Флоранинг ўзи келтирганида ҳам хижолатли бўлмасди, — деди Главк эркараб, — мен Грацияларга ичган онтимни яна такрорлайман: токи сен шу ерда экансан, бошқа қўллар тўқиган гулчамбарни тақмайман.

— Бонингдаги гуллар қандай бўлиди? Улар яхшими?

— Улар ажойиб, гўё гулларни Лараларнинг ўзлари парвариш қилганлар.

— Гулларинг менга шунақсанги ёқадики! Озгина бўш вақт топдим дегунча бу ерга келар эдим, уларни суворардим ва сенинг йўқлигингда уларга қаардим.

— Сенга не тариқа миннатдорлик билдирам экан, гўзал Нидия? — деди юони. Помнеядаги дўстлари уни эслаб туришларига Главк заррача шубха қилмасди.

Қизининг қўллари титради, туника остидаги сийналари кўтарилиб туша бошлади. Хижолат ичида у тескари ўгирилди.

— Бугун кун жуда исиб кегди, бечора гуллар мени кутиб қолипди, — деди қиз. — Менинг тобим йўқ эмасмиди, мана, тўккиз кундирки, гуллардан хабар олганим йўқ.

— Тобим йўқ эди дейсанми? Аммо юзларинг бултургидан ҳам қизилроқ-ку!

— Мен тез-тез оғриб тураман, — деди кўр қиз фамгин. — Ёшим ўтган сайин дардларим кучайиб бораяпти... Бўнти, мен гулларим олдига борай!

У бошини хиёл эгди ва бокқа ўтиб, гулларни суворишга тутинди.

«Шўрлик Нидия! — ўйлади Главк, унга қараганча, — қисматинг оғир — сен на ерни, на қўёшни, на денгизни,

на юлдузларни кўрасан... Энг асосийси – сен Ионани кўра олмайсан.

У яна ўтган оқшомни эслай бошлади. Бироқ ёқимли хотиралари Клодийнинг келиши билан узилди. Агар бир кун олдин Главк Клодийга ўзининг Иона билан биринчи учрашуви ва Ионанинг унда колдирган таас-суроти тўғрисида гапириб берган бўлса, энди унинг олдида қизнинг исмини тилга олишни хаёлига келтира олмаётганди – биргина оқшом ичидаги севгиси шунчалик мустаҳкамланиб ва ўсиб ултурганди. У Пом-пейдаги энг сатанг ва бетакаллуф йигитлар орасидаги қувнок, пок, бенарво Ионани кўрганди ва бу аёлнинг фусункорлиги манаман деган олифтани ҳам ҳурмат билан қарашга, энг сурбетларни ҳам таниб бўлмас даражада ўзгаришга мажбур қиласди. Ўз заковати ва поклигининг мафтункор кучи билан у Цирцеяга ўхшаб, шундай мўъжиза содир этди, фақат аксинча – ҳайвонларни одамга айлантирид<sup>1</sup>. Қизнинг қалбини тушуна олмаган одам ҳам унинг гўзаллиги таъюб сири остида қалби тозароқ бўлиб қоларди, шеъриятни тушуна олмаган киши унинг мўъжизавий овозини тинглаш учун хеч бўлмаса, қулоғи динг бўлар эди. Қизни бундай муҳитда кўриб, ўзининг келиши билан унинг ҳамма нарсани поклаши ва ёритишини кўриб, Главк сал бўлмаса илк маротаба ўз қалби олийжаноблигини англаб етди ва унинг барча орзулари, унинг қизиқишлари, унинг дўстлари бу маъбудага нечоғли номуносиб эканини англа-ди. У бирданига вояга етгандай ва уни дўстларидан ажратиб турувчи улкан жарликни кўргандай бўлди. У Ионага нисбатан ўз туйғусининг покловчи кучини англа-ди. У шу аснодан бошлаб кисмати юксакликка интилишдан иборат эканини тушунди. Унга муқаддас ва илоҳий бўлиб қўринган қизнинг исмини бу қўпол ва тубан одам олдида ортиқ тилга ола олмас эди. Иона

<sup>1</sup> Гомер «Одиссея»сида жодугар Цирцея Одиссейнинг одамларини чўчқага айлантириб қўяди.



энди у бир гал кўрган ва унута олмайдиган шунчаки гўзал қиз эмасди, у энди унинг қалбиинг эгаси, хукм-фармоси эди. Бу туйғуни ким ҳам билмайди? Клодий Ионанинг хусндорлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирганида, Главк бунаقا оғиздан чиққан мақтовларни эшишиб, таъби тирриқ бўлди, холос. У совуқ жавоб берарди ва римлик дўсти Главкинг эҳтирос олови ўчибди деган тўхтамга келди. Бу сал бўлмаса Клодийнинг ҳафсаласини пир қилаёзди, у Главкинг янада бойроқ меросхўри – Диомеднинг қизи Юлияга уйланишини хоҳларди, шунда бу бойликлар тезда унинг ўз сандиқларига кўчиб ўтишига умид боғлаётганди. Уларнинг сұхбати одатдагидек енгил кечмади ва Клодий кетиши билан Главк Ионанинг хузурига боришга азм этди. Бўсағадан чиқиши билан у яна ўз ишини тугатиб чиққан Нидияга дуч келди. Қиз дархол уни одимларидан таниди.

– Шунча эрта кетаяпсанми? – сўради қиз, – Кампания осмони чараклаганды, фақат уччига чиққан танбалгина уйда ўтира олади.

– Эҳ, агар мен уни кўра олганимда эди! – шивирлади кўр қиз, аммо пичирлаши ўш қадар паст эдикি, Главк бу нолани эшитмади. Қиз бўсаға олдида одимларини секинлатди, кейин эса узун таёқ билан йўлни чақкон пайпаслаб, уйга кетди. Кўп ўтмай у гавжум кўчаларни ортда қолдирди ва шаҳарнинг одобли ва хушрўй одамлар камдан-кам қадам қўядиган маҳалласига етиб келди. Аммо унинг кўрлиги уни дағал ва ифлос манзараларидан қутқарар эди. Бу соатда кўчалар – тинч эди ва унинг йўли ўтадиган қоп-коронғи пучмоқлардан таралиб турадиган уятсиз қичқириқлар қулоқни қоматга келтираётганди.

У қаҳвахонанинг орқа эшигини қоқди. Эшик очилди ва қўпол овоз ўша заҳоти пул талаб қилди.

Қиз жавоб бергунча бўлмай, ундан салгина мулоийм бошқа овоз деди:

– Бу арзимас пулни гапириб нима қиласан, дўстим Бурдон. Қизгина бой дўстимиз байрамида яна қўшиқ

митини керак бўлади, уни биласан-ку, пулнинг юзига бориб ўтирумайди.

Йўқ-йўқ, уникида эмас! – деди Нидия титраб, – мен тоигдан тунгача садақа тиланишга тайёрман, аммо менни у ёқقا юборманг.

Бу нима деганинг? – сўради.

Чунки... чунки мен ҳали кичкинаман, туғма ноги-роиман, у ерда бўладиган хотинлар ичидага эса менга... ментга...

– Бурдоннинг чўрисига жой йўқ! – унинг учун киноя билан гапни тугаллади бир овоз ва хунук кулги тараалди.

Киз саватчани ерга қўйди-да, юзини қўллари билан яшириб, йиғлай бошлади. Бу орада Главк сохибжамол неаполлик қизнинг уйи томон кетиб борарди. У, Ионаши ўз бекалари пойида қўлларида ип билан ўтирган чўрилар қуршовида қўрди. Ионанинг рўпарасида арфа туради. Зоро, унинг ўзи бу кун ўзгача бепарво ва ўйчан эди.

Кун ёргутида у Главкка кеча оқшомдагидан ҳам чиройлироқ қўриниб кетди: оддий қўйлак, бошдан-оёқ тақилган жавоҳирот ялт-юлт қиласарди; юзи тиник ва ошпоқ. Йигит яқинлашгани ҳамон бу оппоқлик ўрнини қизиллик эгаллади – бу ўн ҳуснига яна бир ҳусн бўлиб қўшилди. Главк одатда такаллуф билан гапиришга ўрганган, аммо у Ионага мурожаат қилганида, сўзлар унинг лабларида қотиб қолди. Ўзининг ҳар бир нигоҳи замиридаги ҳаяжонни изҳор этиш нокулайдек туюлди унга. Улар Юноистон ҳақида гаплашиб кетишиди. Бунда Иона гапиришдан кўра тинглашни афзал билди. Главк эса тўхтовсиз сўзлашга тайёр эди. У Илисс соҳилини қоплаган кумушранг зайдунзорлар, олдинги улуғворлигининг ярмини ҳам сақлаб қололмаган, аммо ҳозирги хароба ахволида ҳам нақадар жозибадор оҳромлар ҳақида гапирди. У эркесвар Гармодий ва буюк Периклларнинг қайғули шахрини эслади ва замонлар оша ёрқин шуъла ичра тобора дағал ва маъ-

юс шарпалар эриб кетаверди. Главк бу мамлакатни илк ёшлигиди, айни шеърий илҳомга тўлган ёшида кўрганиди ва ватанга муҳаббат ҳаёти тонгининг шодон хотиралари билан омихта бўлиб кетганди.

Иона жим қулок солиб ўтиради ва бу хотира, тасаввурлар унинг сопсиз ошиқлари сахийлик билан изхор этувчи хушомадлардан кўра қимматлироқ эди. Ўз ватаандошини севиш айб эмас-ку? Киз Афинани, ўз халқи «худо»ларини севарди ва у орзу қилган мамлакат йигитнинг ҳикояси воситасида у билан гаплашмоқда эди!

Шундан буён улар ҳар куни қўришиб турадиган бўлишди. Салқин оқшомлари улар денгиз ёқалаб узок-узок сайр қиласар, кейинроқ эса кўшкларда ёки қизнинг уйидаги оромгоҳларида яна учрашар эдилар. Уларинг севгиси тўсатдан туғилган аммо кучли эди, муҳаббат буларнинг ҳаётини бутунлай тўқис қилиб юборганди. Юрак, онг, тасаввур, туйғулар қизнинг нуломлари ва коҳинлари бўлиб қолди. Борди-ю, бир-бири томон интилевчи икки ёппни ажратиб турувчи тўсиқ олиб таплангудек бўлса, улар ўша захоти бирлапиб кетар эдилар; Иона ва Главк бир-биридан айро шунгча узок қандай яшаб келганларидан ҳайрон бўлар эдилар.

Буларнинг севгиси шу қадар кучли эканига ажабланмаса ҳам бўлади. Табиат ҳеч нарсасини аямagan бу икки ёш, гўзал йигит ва қиз битта халқнинг фарзандлари эдилар, уларнинг иттифоқи эса шеърият билан лиммо-лим эди. Уларнинг муҳаббатига ҳатто фалак ҳам табассум билан қараётгандай туюлиб кетарди иккисига.

Қувғиндилар эхромдан паноҳ қидирғанлари каби, улар ҳам ўз муҳаббатлари меҳробида дунёning ташвишғамларидан ҳимоя топган эдилар; улар ўз бошпаналарини гулларга кўмиб ташлашганди, бу гуллар орасида яшириниб ётган илонлар уларнинг етти ухлаб тушига кирмас эди.

Помпейядаги уларнинг илк учрашувидан кейин бепинчи куни оқиом чоғида Главк ва Иона бир қанча

дўстлари билан бирга соҳилдаги сайдан қайтмоқда одилар. Уларнинг қайифи тип-тиник сув узра енгил сирпаниб борарди, ойнадай силлиқ сув сатҳида эшкаклар зарбидан тарам-тарам тўлқинлар ҳосил бўларди. Ҳамма мароқ билан сухбатлашарди, Главк эса Ионанинг оёклари тагида ётарди, у қизнинг юзига қарамоқчи бўларди-ю, аммо қандайдир ғалати ҳадик бунга йўл бермаётганди. Сўнг Иона сукутни бузди.

Бечора оғажоним! – деди у хўрсиниб, – у ҳозир шу с尔да бўлганида, роса яйрар эди.

Акангми? – деди Главк. – Мен уни Помпеядә бир марта ҳам кўрмаганман, мен сендан бошқа бирон одам ҳақида ўйлай олмасдим ҳам, аслида аллақачон сўрашим керак эди: ўшанда Неаполда сен Минерва эхромидан бирга чиқиб кетган йигит ким эди, ўша аканг эмасмиди?

– Ҳа, акам эди.  
– У шу ердами ҳозир?  
– Шу ерда.  
– Помпеяда туриб, ёнингда бўлмаса-я! Шунақаси ҳам бўлар эканми?  
– Унинг бошқа ишлари бор, – ғамгин деди Иона. – У Исиданинг коҳини.

– Ёш бўла туриб! Коҳинларнинг ҳаёти оғир бўлади, уларнинг тартиб-қоидалари қаттиқ! – деди оққўнгил, куюнчак юонон ҳайрат ва раҳмдиллик билан. – Уни коҳин бўлишга нима мажбур этди?

– У ҳар доим диндор бўлишга интилар эди, бизнинг дўстимиз ва ҳомийимиз бўлган бир мисрликнинг сўзамоллиги туфайли акам энг сирли илоҳага ҳаётини бағиашлашдек муборак ҳоҳишни алангалашиб юборди. Мана шу маъбудага хизмат қилиш айнан қийинлиги билан унинг нозик қалбини жалб этган бўлса, ажаб эмас.

– У аттанг деб қолмадими, ишқилиб? Ё ўзини баҳтили ҳис қиласдими?

Иона чуқур хўрсинди ва тўр пардасини юзига туширди.



— Афуски, у жудаям шошаяпти, — деди у бироз жимлиқдан кейин, — жуда күп нарсани кутган одамлардек, тезда күнгли совиб қолиши мүмкін.

— У ҳолда янги зәтиқод уни у қадар баҳтли қилолмайды. Анови мисрлик деганинг ким? У ҳам коҳинми? Яна бир ёш шогирдни ўз динига киритмоқчи бўляяптими?

— Йўқ. У кўпроқ бизнинг фаровошлигимиз деб жон куйдиради. У акамнинг тақдирини тўғри йўлга солиб қўйдим деб ўйлаяпти. Биз ҳам болалик пайтимизда етим қолган эдик-да.

— Менга ўхшаб, — деди Главк маънодор қилиб.

Ерга қараганча Иона сўзида давом этди:

— Арбақ бизга ҳам оталиқ, ҳам оналик қилмоқчи бўлди. Сен уни билсанг ҳам керакдир. У ўта қобилиятли одамларни яхши кўради.

— Арбақ! Ҳа, биламан. Ҳар ҳолда, биз у билан дуч келганимизда салом-алик қиласиз. Сен уни мақтаяпсан-у, аммо мен у тўғрида ортиқча нарса билишини истамайман. Мен юрагимни одамларга жон-жон деб очиб соламан. Аммо бу қора мисрлик турқи жуда совук, музга ўхшайди, кулгиси осмондаги қуёшни ҳам зулматтә айлантиришга қодир. Уни критлик Эпименидга қиёс қилса бўлади, қирқ йил умрини горда ўтказган ва ўшандан буён нурга қарай олмайдиган бўлиб қолган.

— Аммо у меҳрибон, ақлли ва кўнгилчан, Эпименидга ўхшаб, — деди Иона.

— Қанчалик омадли у, шунча мақтовларга сазовор бўлса! Менга дўст бўлиш учун унда бошқа ҳеч қанақа фазилати бўлиши керак эмас.

— Унинг совуққонлиги ва бефарқлиги, — деди Иона вазмин ҳолда, — эҳтимол, бошидан кечирган азоб-уқубатлар ишинаси бўлса керак. У — ҳов анави тоқقا ўхшаган, — шундай дея қиз Везувийга ишора қилди, — у ҳозир узоқда тинчгина қорайиб ётибди, бир вақтлар эса олов пуркаган ва абадий сўнган.

Иккаласи ҳам тоққа қаради. Бутун осмонни қизғим шафақ чулраб олганди, аммо ўша вақтда тоғ ён-бағ-



рининг ярмини қоплаб олган кўм-кўк дарахтзор ва узумзорлар орасида қад кўтариб турган вулқоннинг қорамтири чўққиси узра бутун манзарага соя ташлаб, қоп-қора, ваҳимали булат осилиб турарди. Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам юрагини тўсатдан ва англаб бўлмас ғаплиқ қамраб олди ва ҳар қандай ҳаяжонли дамла, кўнгиллари озгина ёмон нарсани сезганда севгидан химоя истаб ўрганиб қолган бу икки ёш ўша захоти кўзларини тоғдан олди-да, бир-бирига меҳр билан караб қўйди. Мухаббат эътирофи учун уларга сўзнинг ҳожати йўқ эди.

## VI боб

### **САЙЁД САЛ БЎЛМАСА УЧИБ КЕТАЁЗГАН ҚУШЧАНИ ТУТИБ ОЛАДИ ВА ЯНГИ ЎЛЖА УЧУН ТУЗОҚ ҚЎЯДИ**

Менинг ҳикоямда воқеалар қалашиб келади ва саҳнадагидай тез ривожланиб боради. Чунки у вактларда одатда йиллар давомида етиладиган мевалар бир неча кун ичида пишиб қолар эди.

Анчадан буён Арбак Ионаникida кам бўлаётганди, сўнгги марта уникига келганида, у ерда Главкни кўрмади. Йўлида бу қадар тўсатдан пайдо бўлган ошиқ хусусида хали ҳеч нарса билмасди. Бундан ташқари у Ионанинг акаси билан андармон бўлиб, у бирмунча муддат қизни кузатмай қўйганди. Йигит қалбидаги туйқус ўзгариш унинг ғурури ва иззат-нафсига тегиб кетди. У қобилиятли шогирдини, ишда эса — содик хизматкорини йўқотиб қўйишдан қўрқарди. Апекид энди Арбак билан учрашишдан ўзини олиб қоча бошлаганди ва у билан маслаҳатлашмай қўйганди. Уни энди топиш осон эмасди. У мисрликдан бутунлай юз ўғирганди ва узоқдан кўзи тушгани ҳамон қочиб қоларди. Арбак бошқаларга буйруқ беришга ўрганиб қолган қайсар ва кучли одамлар сирасига киради, ўлжасини бирор мар-

та бой бериши мумкинлигини ўйласа, ўзини йўқотиб кўярди. Апекид қўлдан кетмаслигига у қаттиқ ишонарди.

Шундай хаёллар билан у Ионанинг уйидан ажратиб турувчи қалин дараҳтзордан кетиб борарди ва кутилмаганда у ерда Исаданинг ёш коҳинини учратиб қолди, коҳин дараҳтга суюниб, тик турарди.

— Апекид! — деди у ва дўстона тарзда қўлини йигитнинг елкасига қўйди.

Ёш коҳин Апекид сесканиб тушди: ҳар сонияда жуфтакни ростлаб қолишга шайлиги қўриниб турарди.

— Ўғлим, — деди мисрлик, — нима бўлди? Нега мендан ўзингни олиб қочаяпсан?

Ерга қараганча Апекид жим қолди. У қовоғини уйиб олганди, унинг лаблари титрар, кўкси эса ҳаяжондан кўтарилиб тушмоқда эди.

— Гапирсанг-чи, дўстим, — давом этди мисрлик. — Юрагингни қандай ғам кемирмоқда? Менга очиғини айтавер.

— Сенга айтмайман.

— Менга айтсанг, бир нима бўлиб қоласанми?

— Чунки сен менинг душманимсан.

— Кел, гаплашиб олайлик, — деди Арбак аста ва ўжарлик қилаётган коҳиннинг билагидан тутиб, уни бутун дараҳтзор бўйлаб қўйилган скамейкалардан бири томон олиб кетди.

Улар ўтиришиди ва уларнинг тунд қиёфаларида бу жойдаги кимсасиз қоронғиликка ҳамоҳанглик бор эди.

Апекид ҳали жуда ёш эди, аммо мисрликка қараганда ҳам кўпроқ дилгир қўринарди. Унинг силлик ва ноzik юзи оппоқ эди, жонсарак чақнаган кўзлари худди бўшлиққа қараб турганга ўхшарди, елкаси муддатдан олдин букчайганди ва жажжи, деярли қизлардай ноzik қўлларидаги бўртиқ кўк томирлар унинг қаттиқ руҳий толикқанидан дарак берарди. У Ионага жуда ўхшаб кетарди, аммо чеҳрасидаги ифода бутунлай бошқача эди, унда синглисига самовий ва қатъий осойишта-

лик бахш этувчи улуғвор ва оташин хотиржамлик йўқ эди. Синглиси ўз эҳтиросларини боса олар эди, унинг мафтункорлиги ҳам шунда эди; унинг дам олаётган, аммо ўз-ўзидан равшанки, тушиб кетмаган руҳини уйғотишни истарди. Апекиднинг бутун афт-авзоини феълининг жўшқинлиги ва иштиёқлилигини ифода этиб турарди, кўзларидағи бесаранжом олов ва лабларининг безовта титрашига қараганда унинг шуури таассуротга бўйсундирилган ва ўй-хаёллардан эзилиб кетганди. Сингилнинг хаёлоти шеъриятнинг олтин сарҳади олдида тўхтаб қолганди, бу хаёлот ундан камроқ толели ва вазмин акасида эса кўринмас, хира чексизликларга парвоз қилиб кетганди. Истеъдод қизга ато этган нарса акасини телба қилиб қўйиш хавфи йўқ эмасди.

— Сен мени ўзингга душман деб айтдинг, — деди Арбак. — Бу адолатсиз айблов сабабини билиб турибман. Мен сени Исида эхромига олиб кирдим ва сен коҳинларнинг найранглари ва алдовидан ғазабга келдинг, мени ҳам алдади деб ўйляяпсан, тоза ақлинг таҳқирланди, мени ҳам анови сохта...

— Сен бу нопок ҳунарнинг мурдорлигини билар экансан, — деди Апекид, — нега буни мендан яширдинг? Қалбимга ўзимни Исида хизматига бағищлаш ва бу либосни кийиш хоҳишини жо қилганингда, сен ўзини бутунлай билимга бағищлаганларнинг покиза ҳаёти ҳақида гапиргандинг, мени эса даҳшатли алдовдан бошқа ҳеч қанақа билими бўлмаган шаҳватпараст ва жоҳил ҳайвонлар билан қуршаб қўйдинг; сен олий саховатни деб дунёвий фароғатларини қурбон қилувчи одамлар ҳақида гапиргандинг ва мени гуноҳга ботган разиллар олдига олиб боргандинг; сен одамларга нур элтувчи дўстлар ҳақида гапиргандинг, мен эса нуқул алдов ва муттаҳамчиликни кўриб турибман. Ох, бу нақадар разолат! Сен менинг ёшлигимни, баҳтимни, саховатга ишончимни, доноликнинг муқаддас ташналигини ўғирладинг. Мен ёш эдим, бой эдим, эҳтиросли эдим, барча дунёвий лаззатлардан баҳраманд эдим,



энди ҳаммасини қурбон бердим, ўзимда қилчаси ҳам қолмаганди. Бу ҳам майли, бу қурбонлик илохий ҳикматнинг теран сирлари учун, худолар ва самовий кашфиётлар билан бирга бўлиш учун деб севинган, чапак чалган эдим, энди эса... энди...

Йиғидан ёш коҳиннинг овози бўғилди. У қўллари билан юзини ёпди, ингичка бармоқлари орасидан сизиб чиқсан йирик кўз ёшлар кийимларига томарди.

— Сенга қандай ваъда берган бўлсам, ҳаммасини бажараман дўстим, шогирдим менинг, бу сенинг саховатнинг бир синаш эди, энди у янада ёрқинроқ товланди. Энди коҳинларнинг аҳмоқона найранглари ҳақида бошқа ўйлама, ўзингни маъбуданинг аянчли фуломлари, унинг остонасидағи эшик оғалари билан тенглаштирма, сен эхром ичига дохил бўлишига лойиқсан. Шу аснодан бошлаб сенинг коҳиннинг, йўлбошчинг мени бўламан ва сен ҳозир дўстлигимни лаънатлаётган бўлсанг, эпди бутун умр ундан миннатдор бўлиб ўтасан.

Йигитча бошини қўтарди ва мисрликка ётсираганча жавдираб қараб қўйди.

— Менга қара, — давом этди Арбак жиддий ва тантанавор оҳангда ва тезда у ёқ-бу ёққа қараб, улар ёлғиз эканликларига амин бўлди. — Жаҳоннинг барча билимлари Мисрдан келади. Афина ҳикмати ва Критнинг давлат бошқаруви санъати Мисрдан келади, инсон тафаккурининг барча билимлари ва самараларини эгаллаган ўша қадимги ва сирли қабилалар чиқсан (Ромул ўрдулари Италия текисликларини тўлдириб юборган ва воқеаларнинг абадий гирдobi жоҳиллик ва зулматга қарши яна тамаддунни олиб келганидан анча илгари) табаррук Церлар<sup>1</sup>нинг улуғвор расм-русумлари Мисрдан келиб чиқсан, уларнинг аҳолиси ўз золим хўжалари,

---

<sup>1</sup> Цер — Римдаги шимоли-ғарбга томон ерларни эгаллаган қадимги этруск халқининг ўн икки шахридан бири. Римликлар ўзларнинг кўпигина диний расм-русумларини шу ердан олишган дейилади.

римликларни шундай нарсаларга ўргатдиларки, улар ҳали ҳануз дин ва худоларга сифинишидаги олийлик нима эканини яхши биладилар. Хўш, ўзинг айт-чи, йигит, кўплаб халқларнинг бешити, даҳшатли Миср ниманинг шарофати билан юксакликка етипди ва доноликнинг энг баланд чўққисигача кўтарили? Одамларга раҳбарлик қилишнинг чукур ва муқаддас санъати шарофати билан. Бизнинг хозирги барча халқларимиз ўз улуғлиги учун Мисрдан миннатдор, Миср эса – ўзининг коҳинларидан. Инсондаги энг олийжаноб нарсалар – унинг қалби ва иймонини эгаллашта интилевчи, бу илоҳ Исодан ўzlари билан ўzlари овора қадимги хизматкорлари тафаккур билан илҳомланганлар. Юлдузлар ҳаракатини, йил фаслларининг алмашинувини, инсон тақдирларининг бир доирада айланишини кузатар экан, улар улуғвор тимсол яратганлар. Оломон учун улар уни жисмда кўрсата олганлар, уни маъбуд ва маъбудалар қиёфасида тақдим этганлар ва ҳақиқатда ҳукмрон бўлган нарсани Дин деб атаганлар. Исида – бу афсона. Чўчима, шунинг шарофати билангина у ҳаққоний ва ўлмас бўлиб қолган, Исида ҳеч нима. Улар эътиқод қиласидан табиат – бутун борлиқнинг онаси, факат диндорлар учунгина сирли, қадимги, тушунарли. «Бандалардан ҳеч кимга мендаги сирлар пардасини кўтариб қараш насиб этмаган», – дейди сиз сиғинадиган Исида. Аммо донолар олдида у йиқилган ва биз Табиатнинг тантанавор гўзаллиги билан юзма-юз бўлиб қолганмиз. Коҳинлар башариятнинг валинеъматлари бўлганлар, улар бу дунёга маданият олиб келганлар, тўғри, улар ҳам ёлғончи, каззоб бўлишгандир, агар керак бўлса. Аммо наҳотки, эй йигит, улар шу алдовсиз одамларга хизмат қилиши мумкин эмас деб ўйлайсан? Жоҳил ва итоаткор авомни баҳтли қилиш учун уларнинг кўзини қамаштириш керак. Авом оддий сўзларга ишонмас эди, аммо тақводорлар қархисида тиз чўкадилар. Рим императори адоватли ва тарқоқ қисмларни бир жойга жамлаб, кўплаб қабилалар устидан ҳукмронлик қиласиди;

бу эса одамларга тинчлик, тартиб, қонун ва барча ҳаётий фаровонликлар келтиради. Сен дунёга инсон, император ҳукмронлик қиласи деб ўйлайсанми? Йўқ, ҳашамат, иззату хурмат, улуғворлик, унинг теваракатрофдагилар – булар унинг алдови, унинг ёлғони. Бизнинг пешволаримиз ва пайғамбарлигимиз, расмруслару урф-одатларимиз – бу ҳокимиятимиз воситалари, қудратимиз қуроли. Бизнинг мақсадимиз – башариятнинг фаровонлиги ва ҳамжиҳатлиги. Гапларимни диққат билан тинглаётганингни кўриб турибман, ҳар бир сўзни илиб олаяпсан, сени зиё мунаввар қилмоқда.

Апекид чурқ этмаётганди, аммо унинг маъноли чехраси тез ўзгарганда, мисрлик ирод этган сўзлардан, бу одамнинг овози, афт-ангари ва ҳатти-ҳаракатларини юз карра ишончлироқ қилиб юборган сўзлардан тугилган таассуротни ошкор этди.

– Нил соҳилларидағи аждодларимиз, – деб давом этди Арбак, – биринчи тамойилни англаб етдилар, унинг ёрдамида жаҳоний тартибсизликни бартараф этиш мумкин, хусусан кўпчиликнинг озчилик олдида итоатда ва таъзимда бўлиши, уларнинг юлдузлар билан улуғланган, илҳомланган мушоҳадалари уларга сароб бўлмаган ҳақиқатни очиб берди. Коҳинлар қонун асосларини белгиладилар, ҳаётнинг чинакам қадриятини аниқладилар. Улар иймон талаб қилдилар ва бунинг учун тамаддунни ривожлантириб бердилар. Бу ёлғон олийжаноб бўлмай, нима тағин? Ишон менга, ким бўлмасин, илоҳийми ё хайриҳоҳми, дунёга фалак баландлигидан туриб қаарар экан, у мана шундай мақсадларга элтадиган доноликни табассум билан қўллаб-қувватлайди. Аммо сен, албатта, менинг бу умумий тушунчалардан сенинг тақдирингга ўтишимни истайсан. Сенинг хоҳишингни бажаришга шошиламан. Бизнинг қадимги маъбудимиз меҳробларига хизмат қилиш керак ва кийимлар осилган қозикчалар ва илмоқчаларга ўхшаган қўпол ва хиссиз одамлар хизмат қилиши керак эмас. Миср ҳикматларидан олинган икки иборани эсла. Биринчиси:

«Оломонга худо ҳақида гапирма», иккинчиси: «Худога муносиб одам – одамлар орасида худодир». Даҳо Миср коҳинларига дин берди, бирок сўнгги асрларда дин, унинг қудрати шунчалик заифлашдики, уни яна бир даҳонинг ёрдами билангина қайта тиклаш мумкин эди. Мен сенда, Апекид, менинг билимимни ўзига олишга муносиб шогирдни, ҳали ҳам эришиш мумкин бўлган буюк мақсадларга муносиб мулозимни кўрдим. Сенинг чарчоқ билмаслигинг, қобилиятинг, иймонинг поклиги, жўшқинлиги – булар барчаси сени олий дарражада ўз-ўзини тийишни талаб этадиган қисматга муносиб килди. Шу боис мен сенда муборак шижоатни аланга олдирдим, мен сени шундай қадам ташлашга унладим. Сенга қардошларнинг қалби заифлигини ва улар қўллаган айёрликларни очиб бермаганим учун мени айблаяпсан. Аммо борди-ю, шундай қилганимда, Апекид, мен ўзимни ўзим омадсизликка гирифтор қилган бўлар эдим. Сенинг олийжаноб қалбинг дархол порози бўларди ва Исида ўз коҳинини йўқотарди.

Апекид қаттиқ уҳ тортди. Буни сезмагандек, мисрлик сўзида давом этди:

– Бир оғиз бир нарса демасдан сени эҳромга олиб келишим сабаби шунда эди. Мен сенга ҳамма нарсани ўзинг билиб олишинга ва оломоннинг кўзини қамаштирувчи бу томошаларга иисбатан нафрат ила қарашингга имкон бердим. Дунё ҳавосини тозалаб турувчи фавворанинг отилиб туришига сабаб бўлган қурилманинг қандай ишлишини тушунишингни истардим. Бу бир синов эди, қадим-қадим замонлардан бери барча коҳинлар шунга гирифтор бўлганлар. Авомунносни алдашга ўрганганларнинг бу билан бир умр шуғулланишларига кўйиб берилган, сенга ўхшаб юксак табиати юксак хизматни талаб этувчилар учун дин олий сирларни аён этади. Сени танлаб хато қилмаганман.

– Ўзини дилтортар меҳмон деб билган ҳар қандай одам доим шунака келади, – жавобан деди Арбак ўзи ҳам ўтириб, Главкка ҳам ўтиришни таклиф этиб.

— Иккалашгизни бир жойда күрганимдан хурсандман, — деди Иона. — Сизлар бамисоли бир-бирингиз учун яралгандайсиз, сизлар дўст бўлишингиз керак.

— Агар ўн беш ёшига кичик бўлганимда, мени Главк билан тенглаштирсанг бўларди, — деди мисрлик. — Мен ҳам, гапимга ишонавер, у билан дўстлигимдан ўзимни баҳтиёр ҳис этардим. Аммо эвазига менинга нима бера олардим? У менга қилган нарсани қила оламанми? Базму айш-ишратлар ва гулчамбарлар тўғрисида, Парфия отлари ва қимор ўйинидаги фирромликлар ҳақида сўзлаб берайми? Бу дилхушликлар унинг ёшига, феълхўйига, яшаш тарзига ярашади, аммо улар менга тўғри келмайди.

Шу сўзларни айтиб, айёр мисрлик хўрсинди ва кўзини ерга олди, аммо Ионага ўғринча қараб қўйди — меҳмон билан одатдагидек гап сотиб ўтирилиганида бу шамалар унга қандай таъсир қилдийкин? Қизинг юзидаги ифода унга ёқмади.

Бироз қизариб, Главк жавоб қайтаришга шошилди. У ҳам ўз навбатида мисрликни ҳангунг манг қилиб кўймоқчи эди, шекилли.

— Сен ҳақсан, доно Арбак, — деди у, — биз бир-биримизни ҳурмат қилишимиз мумкиндиру, аммо дўст бўлолмаймиз. Мен, кишилар айтганидек, сенинг базму айш-ишратларингта алоҳида маза киритадиган ўша сирли масаллиқларсиз ўзимни эплайман. Аммо, Геркулес ҳаққи, мен сенинг ёшингта етганимда, сендейин катта ёшдаги севинчларни хоҳлаб, шубҳасиз, ёшлиқ дилхушликлари ҳақида киноя билан гапирсам керак.

Мисрлик кўзини ердан олди-да, Главкка тез, синовчан нигоҳ ташлади.

— Мен сени тушунмадим, — деди у совуқ оҳангда. — Аммо қанчалик тушунарсиз бўлса, зукколик шунчалик нозик бўлади деган гап бор, — у мийигида кулиб, Главкдан юзини ўгирди, бироз жим туриб, Ионага юзланди: — Соҳибжамол Иона, сўнгти икки ё уч марта бўсағангга келганимда, сени уйда кўриш менга насиб этмади.

— Денгиз шундай типч әдики, уйда ўтиrolмадим, — жавоб берди қыз истиҳола билан.

Унинг хижолатини Арбак илғамай қолмади. Илғатанини билдириласлик учун мисрлик жилмайиб деди:

— Бир қадимги шоир нима деганини биласанми: «Аёллар қулфлоғ уйда ўтиришлари ва шакаргуфторлик қилишлари керак».

— Бу гапни айтган ўша одам сурбет экан, — гап күшди Главк, — аёлларни ёмон кўраркан.

— У ўз мамлакати урф-одатларига мувофиқ айтган, бу мамлакат эса — сен мақтаган Юнонистон эди.

— Турли замонларда турли урф-одатлар бўлган. Агар аждодларимиз Ионани билишганида эди, бошқача ўйлаган бўлишарди.

— Лутф билан гапиришни сен Римда ўргандингми? — сўради Арбак, фижинганини яширолмай.

— Бўлмаса қаерда? Ахир шуни деб ҳеч ким Мисрга бориб юрмайди-ку, — жавоб берди Главк, занжирини наридан-бери ўйнаб.

— Бўлди, бас қилинглар, — деди Иона, бу суҳбатни тўхтатишга шошилиб, суҳбат рафтори у истаган дўстликка имкон қолдирмаётганидан ичидан ранжиди. — Арбак шўрлик шогирд қизига шафқатсиз бўлиши керак эмас. Она меҳри нималигини билмай ўтган шум етимчани ўзбопимчаликда ва ўзи ёқтирган эркакшодаликда айблаб бўлмайди. Бунинг устига рим аёллари ва эҳтимолки юон аёлларининг урф-одатларига хилоғ бир иш қилганича йўқ. Ҳайхот! Эрк ва саховат дегани наҳотки фақат эркаклар учун чиқарилган бўлса? Нима учун фақат ҳалокатли қулликкина бизларни муҳофаза қилишнинг ягона усули саналади? Биласанми, аёл — эркаклардан шаст демайман-у, аммо шундай бўлиши ҳам мумкин — мутлақо бошка хилқат дея тасаввур қилиб, аёлларнинг ақлий ривожланишига халақит бе-рувчи қонунлар чиқариб, эркаклар буюк хатога йўл қўйганлар. Ахир бу қонунлар уларнинг ўзларига қарши қаратилган эмасми? Ахир аёллар уларнинг дўстлари, баъзида эса маслаҳатчилари бўлиши керак-ку!

Иона бирдан жимиб қолди ва юзига енгил қизиллик югурди. Қизишиб кетиб, ҳаддан ошириб юбордим шекилли, дея ваҳимага тушди, барибир ҳам меҳрибон Главкдан кўра қаҳрли Арбакдан камрок қўрқарди, чунки Главкни у севарди. Аммо юнонларда аёлларга (ёки жиллақурмаса кўпроқ ҳурматга сазовор аёлларга) эркинликни бериб қўйиш одати йўқ эди. Главк жиддий равишда қуидаги сўзларни айтганида у суюниб кетди:

– Шу фикрингдан қолма, Иона ва ўзингнинг пок юрагинг амридан чиқма! Бирон-бир давлат эрк ё билимдан қулаши мумкин эмас, аёллар эса фақат эркинларни севадилар ва фақат доноларни рағбатлантирадилар.

Арбак чурқ этмаётганди, чунки Главкни мақташ ё Ионани ёмонлаш унинг манфаатига тўғри келмасди. Суҳбат ҳеч қовушмаётганди ва кўп ўтмай Главк хайрлашди.

У кетгач, Арбак неаполлик соҳибжамол қизга яқинроқ борди-да, ўзининг айёрлиги ва ғазабини усталик билан яшириб, мулојимлик билан деди:

– Борди-ю, сени шогирд деб аташимга йўл берсанг, сенга ғоят ярашиб тушган ўша эркинликини мен бўғиб қўйишим мумкин деб ўйлама, меҳрибон шогирдим. Гарчи сен ҳаққоний айтганингдек, рим аёллари фойдаланадиган эркинлик яхши бўлса-да, аммо сен турмушга чиқмаган қизсан, барибир эҳтиёт бўлишинг керак. Илгаригидек энг қувноқ, ёрқин, аклли йигитлар оёғингга бош ураверсинглар, Аспазияга хос суҳбатинг, Эриннанинг мусиқаси билан уларни мафтун этавер, аммо сенинг яхши номингга осонгина доғ тушириши мумкин бўлган заҳарли тилларни унутма. Ёлбораман сенга: юракларни забт этар экансан, ҳасадгўйларнинг яйраб-яшнашларига йўл қўйма.

– Бу билан нима демоқчисан, Арбак? – сўради Иона ташвиш билан ва унинг овози титраб кетди, – биламан, сен дўстимсан, менинг номусим, толеим ҳакида қайғурасан. Бу гапларингни қандай тушунишим керак?

— Ҳа, мен сенинг энг самимий дўстингман! Сенга дўст сифатида очиқласига, сени хафа қилишдан қўрқмай ганиришимга изн бер.

— Шундай ганиришингга қарши эмасман.

— Манави ёп ҳавои Главк... у билан қандай танишиб қолдинг? Сизлар тез-тез кўришиб турасизларми?

Шундай дея Арбак, бамисоли унинг нақ юрагига қарамоқчи бўлгандек, Ионага тикилиб қаради.

Бу нигоҳдан жунжиб, вужудини аллақандай ваҳима чулғаган қиз ийманибгина ва мужмалроқ қилиб жавоб берди.

— Уни мешга ватандошинг деб таништириши. Танишганимизга атиги бир ҳафта бўлди. Аммо сен нега суриштириб қолдинг?

— Кечир мени, — деди Арбак, — сен уни анчадан бери биласан деб ўйловдим. Билиб қўй, у учига чиқсан ёлғончи.

— Нима? Нималар деяисан? Қандай даҳшатли сўз!

— Қўй бу гапларни. Шу одамни деб дилингни хира қилишни истамайман, жуда бошнимизга чиқариб юбордик уни.

— Илтимос қиласман сендан. Главк кимни алдаган? Тўғрироғи, унинг қандай айби бор?

Вужудидаги қўрқувни яшириб, Арбак давом этди:

— У вақтини қандай ўтказишини, унинг дўстлари кимлигини, қанака одатлари борлигини биласанми? Унинг билгани қимору айшу ишрат, мана бу енгилтак ҳамтовоқлари орасида у қандай фазилат орттириши мумкин?

— Ҳамма гапларинг жумбок. Худолар ҳаққи, илтимос қиласман, ҳаммасини айт, нима бўлса ҳам эшлишига тайёрман.

— Яхши, сен айтганча бўла қолсин. Биласанми, Иона, узоқ эмас, куни кеча Главк ҳамманинг олдида, жамоат ҳаммомида сенинг уни севишингни айтиб мақтанди. Бупдан жуда завқланаман деб айтди. Ростини айтгани учун отасига раҳмат, у сенинг чиройишигни мақтади. Ким

ҳам мақтамайди. Аммо унинг улфатларидан биттаси, афтидан Клодий ёки Лепид бўлса керак, ундан қиз сени қаттиқ севадими, уйлансанг бўладими ва эшикларингни тўй гулчамбарлари безаган кунни қачон кўрамиз, деб сўраганида, у нафрат билан кулиб қўйди.

– Ишонмайман! Бу разил ёлғонни қаерда эшитдинг?

– Бутун шаҳарга овоза бўлган бу воқеа борасида сурбет ҳавойиларнинг барча кинояларини сенга оқизмайтномизмай айтиб беришимни хоҳлайсанми, ахир? Ўлай агар, аввалига ўзим ҳам ишонмагандим, аммо, афсуски, бу гапларни ўз қулоқлари билан эшитган одамлар бунинг тўғрилигига мени ишонтиришди, аслида буни сенга айтмасам ҳам бўларди.

Иона орқага чекициди, унинг юзи йиқилиб тушмаслик учун ўзи суянган мармар устундан ҳам оқариб кетганди.

– Ёмон жаҳлим чиқди, сенинг исмингни худди қандайдир оддий сатанг хотиндай гапиришаётганига чи-долмадим. Бугуноқ олдингта келиб, сени огоҳ қилиб қўяй дедим. Главк бу ерда экан. Бундан фиғоним чиққани шунчаликки, ўзимни тўхтатолмадим. Ҳали-ҳали ғазабимни босолганим йўқ, сенинг олдингда бу гапларни айтиш менга ноқулай, албатта. Дўстингни кечироласанми, Иона?

Иона унинг қўлидан тутди-ю, аммо ҳеч нима деб жавоб бермади.

– Бу ҳақда ортиқ ўйлама, – леди Арбак, аммо сен огоҳ бўл: ақл билан иш кўришни унутма. Биламан, бу сенга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди. Бунақа бир чақага қиммат мақтанишлар Ионанинг парвосига ҳам келмайди. Бундай ҳақоратлар биз севган одамлардан чиққандагина юрагимизни яралайди, аммо мағрур Иона уни мухаббатга сазовор деб билмайди.

– Мухаббат! – бидирлади Иона жазавали кулиб. – Ҳа, албатта.

Шуниси қизиқки, ўша олис замонларда, ҳозиргига ўхшамаган ижтимоий тузум чоғида бизнинг замонларда

көнг тарқалган майда икир-чикирлар мұхаббатта заар стказған: ўша ўйлаб топилған рашқ, ўша тубан түхмат, ўша майда-чуйда ғийбатлар; ҳатто ҳамманиң күнглиға манзур бўлса-да, энг самимий севги ришталарини узини учун ҳозир ҳам уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Кема тинч денгиздан сузиб бораёттанды митти балиқ нарракка ёпишиб олиши ва кемани тўхтатиши мумкин – ривоятларда шундай дейилади. Энг кучли инсоний эҳтиросларда ҳам шундай бўлади. Агар ишқий лаззатларга бой бизнинг замонимиизда уйларимизда, ўлан-тўшакларимизда ҳар куни амалда бўладиган ўша яшириш ва мудҳиш кучни таърифламасак, манзара киёмига етмай қолган бўларди. Айнан мана шу майда фиск-фужурлар туфайли биз ўтмишни яхши тушумиз.

Мисрлик ғайриодатий айёрлик или Ионаниң энг нозик торини чертиб юборди – у заҳарли ўқ билан унинг аёллик ғурурини аниқ нишонга олди. У ўйлаганидек, бу қадар қисқа вақт ичиде унчалик мустаҳкамланиб улгурмаган туйғуни чўрт кесганини англаб турарди ва сұхбат рафторини ўзгартиришга шошиб, Ионаниң акаси ҳақида сўз очди. Уларниң сұхбати узоқ чўэйилмади. Иона ўзи билан ўзи қолишига ортиқ имкон бермасликка, аммо ҳар куни унинг олдига келиб, уни кузатиб боришига қарор қилиб, Арбак кетди.

Остонадан ҳатлаб чиқиши билан аёллик ғурури энди ундан ортиқ ясамалик талаб қилмаган Иона жон аччиғида хўнграб юборди.

## VII боб

### ПОМПЕЯДАГИ ДИЛХУШЛИКЛАР. РИМ ТЕРМЛАРИНИНГ МИТТИ НУСХАЛАРИ

Бахтдан Главк еттинчи осмонда эди. Иона уни сарафрозд этган сұхбатдан у севгиси рад этилмаслигини биринчи марта англади. Бу умид уни дунёга сизмаган ҳаяжонга тўлдирди. Ионаниң уйида душ-



манини қолдирганига шубҳа қилмай, унинг заҳарли ўқларинигина эмас, балки унинг ўзининг мавжудлигини ҳам унутиб, Главк Иона жон қулоғи билан тингланган қўшиқни хиргойи қилганча гавжум кўчалардан кетиб борарди. У Фортуна кўчасига бурилди-да, баланд йўлкадан юриб кетди. Бу ердаги уйлар опшоқ қилиб бўялганди, очиқ эшиклардан эса чиройли сувратлар кўриниб турарди. Ҳар бир кўчанинг кираверишида зафар арклари қад кўтарган. Главк энди Фортуна эхроми олдидан ўтиб борарди ва (тажмин қилишларича, Цицероннинг қариндош-уруғларидан бири, балки буюк нотиқнинг ўзи томонидан қурилган) эхромнинг пештоқи қувноқ кўчага юксак тантанаворлик бағишлаб турарди. Бу эхром Рим меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бири эди. У баланд пойдевор устида турарди. Иккита зина маъбуда меҳроби жойлашган майдончага олиб чиқарди. У ердан кенг зина билан адл устунларида турфа гуллардан ясалган гулчамбарлар осилиб турган равоққа чиқиларди. Эхромнинг ҳар икки томонидан юонон ҳайкалтарошлари ишлаган ҳайкаллар саф тортган. Сал нарида Зафар арки савлат тўкиб турибди, унинг устида Калигуланинг ҳар икки ёнида бронза трофеялари<sup>1</sup> бўлган от ҳайкали қад кўтарган. Эхром олдида ғала-ғовурли оломон тўпланган – бирлари скамейкаларда ўтириб, империя сиёсатини муҳокама қилса, бошқалари амфитеатрдаги бўлажак томошалар ҳақида сухбатлашарди. Бир тўда ёш-яланглар келгинди соҳибжамол қизни кўкларга кўтарар, бошқалари янги пьесанинг фазилатлари ҳақида сухбатлашарди; бир неча ёши бир жойга бориб қолган одамлар Искандария билан савдони ривожлантириш тўғрисида гаплашарди; улар орасида жиддий ва мулоҳазакор, ўзига хос

<sup>1</sup> Трофея деб қадимгиларда ғалабадан нишон сифатида жанг майдонида қолдирилган ёдгорликка айтилган. Даставвал бу йўпилган ва душман томонининг аслаҳалари осилган (ёки уюм қилиб ташлаб қуилган дараҳт) танаси бўлган. Бу ерда гап шундай трофеяларининг бронза тасвири устида кетмоқда.

шарқона кийимлар кийган, қимматбаҳо тошлар билан бөзатилған ярқирок туфлидаги савдоғарлар ҳам талайгина; улар құллари билан тез-тез ишора қилиб ганирувчи, туника кийган италияликлардан яққол ажралиб туар әдилар. Ҳозиргидек, ўша вақтларда ҳам бу жонли ва серғайрат одамларда сўзлашдан ташқари, имо-инораларнинг пурмаъно тили ҳам кенг таомилда әди; уларнинг зурриётлари бу тилни саклаб қолган ва олим Иорио бу ғалати имо-иноралар ҳақида ғоят қизиқарли китоб ёзган. Оломонни ёриб ўтиб, Главк тезда ўзининг қувноқ ва бевам дўстлари орасида пайдо бўлди.

— Эх-ҳе! — деди Саллюстий. — Кўришмаганимизга ҳам неча замонлар бўлди!

— Шунча замонлардан бери қандай чирабсан? Қанақа янги таомлардан тотиб кўрдинг? — Мен илм билан шуғулландим, — эътиroz билдириди Саллюстий. — Муреналарни овқатлантиришга уриниб кўрдим ва римлик аждодларимиз эришган ўша баркамолликка оришиш учун жонимни ҳам аямадим.

— Бечора! Нега шундай қилдинг, ахир?

— Шунинг учунки, — жавоб берди Саллюстий хўрсиниб, — қонун эди уларни қуллар билан озиқлантиришни ман этади. Семиз уй бошқарувчимдан қутулиш учун уни ҳовузга ташлаб, бир маза қилишни анчадан бери ўйлаб юрадим. Бу балиқ тўштини шунақанги хунтальм қилиб юборардикি. Аммо бизнинг замонамиздаги қуллар — қуллар эмас, уларга эгаларининг қизиқишлиари бир нул, акс ҳолда менга ҳузур бағишлиш учун мана бу Дав<sup>1</sup> жон-жон деб хаёгини қурбон қиласарди.

— Римдан қандай янгиликлар бор? — сўради Лепид, оринибигина улар олдига яқинланшаркан.

— Император сенаторлар учун дабдабали базму зиёфат уюнтириди, — деди Саллюстий.

<sup>1</sup> Дав — кўплаб рим комедияларида айёр ва содик қул исми.

— Бағри кенг! — деди Лепид, — айтишларича, у ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмас эмиш.

— Балки у балиқчаларимга қулни ем қилипнимга рухсат берар? — жоопланди Саллюстий.

— Қайдам, — деди Главк. — Бир римликка ҳиммат кўрсатган одам ҳар доим буни бошқанинг ҳисобига қиласди. Титнинг мурувватини қўзғовчи ҳар бир табасум юзлаб кўзлардан ёш тирқиратиши турган гап.

— Яшасин Тит! — деди Панса, императорнинг исмини эшитиб, — у ўз бойлигини совурган акамни квестор<sup>1</sup> қилиб тайинлашга ваъда берди... ва энди халқ ҳисобига бойимоқчи, дўсти азизим Панса, — давом этиб деди Главк.

— Тўғри, — қўшилди Панса.

— Бундан чиқди, халқдан ҳам фойда бўлар эканда, — деди Главк.

— Бўлмай-чи, — жавоб берди Панса. — Хўп, менга рухсат, бориб хазинани қарай, у ерда бир нарсани тузатиб қўйишм керак эди. Шундай дся Эдил шошашиша узоқлашди, унинг ортидан эса оломон ичида ўз савдолари билан келган илтимосчиларнинг узуп сафи чўзилди.

— Бечора Панса! — деди Лепид. — Кўнгилчоғлик қилишга ҳам вақти йўқ. Эдил эмаслигимдан худога шукур қиласман!

— Хўш, Главк! Ишлар қалай? Ҳар доимгидай хушчақчақсан! — деди Клодий, яқин келаркан.

— Фортунага садақа бергани келдингми? — сўради Саллюстий.

— Мен ҳар куни кечқурун унга садақа қиласман, — жавоб берди ўйинчи.

— Ишонамап. Битта ҳам одам қейин садақа қилмади!

— Геркулес ҳаққи, сен уни боплаб чув туширдинг! — деди Главк кулиб.

---

<sup>1</sup> Квестор — консул ёрдамчиси.

— Качон қарама, итдай ириллаганинг-ириллаган, Саллюстий! — деди Клодий жаҳл билан.

— Бунга ажабланмаса бўлади, чунки мен сен билан ўйнаганимда, менга ҳар доим «ит» тушади, — жавобан деди Саллюстий.

— Бас қилинглар! — деди Главк, ёнида турган гулчи қиздан битта атиргул оларкан.

— Атиргул — сукут тимсоли, — деди Саллюстий, аммо мен уни факат зиёфат дастурхони устида кўришни афзал биламан.

— Дарвоқе, келаси хафтада Диомед катта зиёфат бераяпти, — деди Саллюстий. — Сени таклиф қилишганими, Главк?

— Ҳа, бугун эрталаб таклифномани олдим.

— Мен ҳам, — деди Саллюстий, камаридан тўртбурчак папирусни суғурав экан. — Қаранглар, у бизларни одатдагидан бир соат эрта таклиф қилибди: демак, қандайдир кизик нарса бўлади.

— Бўлмай-чи! У Крёздай бадавлат, — деди Клодий, — зиёфатидаги таомлар рўйхати ҳам достондай узун.

— Бўпти, кетдик ҳаммомга, — деди Главк. — Хозир бутун шаҳар ўша ерда. Сизлар яхши кўрган Фульвий янги қасидасини ўқиб беради.

Йигитлар ялинтириб ўтиришимади ва барчалари ҳаммом томон йўл олишди.

Гарчи жамоат ҳаммомлари уйларида ғуслхоналари бўлган бойларникидан кўра кўпроқ ғариб фуқаролар учун мўлжалланган бўлса-да, барибир бу ҳашам ва кўнгилхушликни севувчи барча тоифа одамлари учун севимли учрашув ва дам олиш жойи эди. Помпея ҳаммомлари, албатта, ўз тузилиши билан ҳам, ташқи кўриниши билан ҳам катта ва мураккаб тузилишга эга рим ҳаммомларидан кескин фарқ қиласар эди; умуман Рим империясининг ҳар бир шахридаги ҳаммомлар меъморчилигининг айrim ўзига хосликлари билан ажралиб туради.

Ошналар ҳаммомга Фортуна күчасидаги катта дарвозадан кириб келишди. Пештоқда коровул ўтиради, олдида эса иккита қути туради – биттаси шул учун ва иккинчиси чипталар учун. Шу ерда узун ўриндиклар ҳам бўлиб, уларда турли тоифа одамлари ўтиришарди; бошқалар табибларининг айтганини бажарган ҳолда иештоқ ёқалаб тез-тез юриб туришарди, вакти-вакти билан тўхтаб, деворларга бўёқ билан ёзилган афишалар, ўйинлар, олди-соттилар, кўргазмалар ҳақидаги соисиз эълонларга кўз югуртирад әдилар. Аммо ҳаммадан кўпроқ амфитеатрда бўлажак ўйинлар ҳақида гашлашар әдилар ва яқин келган ҳар бир одамни саволларга кўмиб юборардилар: Помпсиянинг бахти чониб, биронта даҳшатли жиноятчи пайдо бўлмагапми; Эдиллар парча-буриши қилигани арслонга ташлай олишлари учун биронта шаккок ёки қотил учрамаганми; бу омад олдида бошқа барча кўнгилхушликлар бачкана туюлар эди.

– Менинг назаримда, – деди асли заргар бўлган бир кувшоқ одам, – агар айтганиларидек, император шу қадар марҳаматли бўлса, бизга битта-яримта яҳудийни юборган бўларди.

– Мана бу янги назареялик мазҳабидан биттасини олганда-чи? – деди аллақандай файласуф, – мен баттол эмасман, аммо Юпитерни тан олмаган даҳрий меҳр-шафқатга муносиб эмас.

– Одам нечта худога ишонини менга барибир, – деди заргар, – аммо барча худоларга мункир келиш бориб турган касофат.

– Менинг ўйлашимча, – эътиroz билдириди Главк, – бу одамлар жудаям даҳрий эмас. Айтишларича, улар қандайдир худога, тўғрироги, келажакдаги ҳаётга сигинишаркан.

– Сен янглишаяпсан, азизим Главк, – деди файласуф, – мен улар билан гашлашдим: Мен Плутон ва Аид ҳақида сўз очганимда, улар юзимга кулиди.

– Эй худолар! – хитоб билан деди даҳшат ичиди заргар, – нахотки, бу ёвузлар бизнинг шаҳримизда ҳам бор бўлса?

— Ҳа, бор, оз бўлса-да, бор. Аммо уларнинг мазҳаби яширин тўпланади ва унга кимлар киришини билиб бўлмайди.

Главк кетгач, ўз санъатини жонидан яхни кўрадиган бир ҳайкалтарош ушинг орқасидан ҳаяжон билан қараб қолди.

— Эҳ, — деди у, — уни саҳнага чиқарилганида, зўр иш бўларди-да! Кўл ва оёқларига қаранг! Бони-чи, боши! Зап гладиаторбоп эканми! Э-ҳа, бизнинг санъатимизга муносиб сюжет бу! Парча-буриш қилгани нега уни арслонга ташлашмайди?

Бу орада замондошлиари ўлмас деб эълон қилган ва агар ушбу ҳикоя бўлмагандан, бизнинг бепарво асримизда ҳеч ким эсга ҳам олмайдиган рим шоири Фульвий Главкнинг олдига келди:

— Э-ҳа, азизим афиалик, меҳрибоним Главк қасидани қандай ўқишимни тинглагани келибди-да! Қандай шараф, ахир сен тилининг ўзи шеъриятдан иборат юонсан-ку. Сенга қандай ташаккур билдирам экан? Албатта, бу ҳеч нима эмас, аммо мени, агар мақтовингга сазовор бўлсам, балки Тит билан таништириб қўярсан? О Главк! Ҳомийсиз шоир — ёрлиқсиз кўза билан баравар: шароб қулинг ўргилсин бўлиши мумкиндири, аммо уни ҳеч ким мақтамайди! Пифагор нима деган эди? «Тутатқилар — худоларга, мақтов эса — одамларга». Демакки, ҳомий — бу шоирнинг коҳини, у унга мақтов ва муҳлисларни олиб келади.

— Сенга бутун Помпсия ҳомийлик қилади ва ҳар бир пештоқ — сенинг меҳробиниг.

— Ҳа, бу ернинг одамлари юят меҳрибон, улар мақтовларини аяшмайди. Аммо улар кичик шаҳарчанинг аҳолиси, холос... Мен эса дурустрогига умид боғлайман!.. Кирдикми?

— Албатта. Биз вактии бой бераяпмиз, ахир сенинг қасидангни тииглашимиз мумкин эди-ку.

Шу аснода ҳаммомдан пештоққа йигирматача одам чиқди ва энсиз йўлакка очиладиган эшик олдида тур-

ган қул Фульвий, Главк, Клодий ва яна шоирларнинг бутун бир тўдасини ичкарига кўйди.

— Рим ҳаммомлари олдида бу қуруқ чолdevор, — деди Лепид нафрат билан.

— Аммо барибир шифтдаги нақшу нигорлар дид билан бажарилган, — деди Главк; у, ҳамма нарса ёқадиган кайфиятда эди ва шифтда сочилган юлдузларга ишора қилди.

Лепид елка қисиб қўя қолди, аммо эътиroz билдириб ўтирмади.

Улар кенг ечиниш хонасига киришди. Аркида гаройиб сувратлар жимжима қиласди, гумбазсимон шифт оч-қизил ҳошияли оқтўртбурчак кошин билан ороланганди; ёғ тупис ялагудек тоза фаршга оқ кошинлар терилган, девор тагидан эса ўрипдиқлар қўйиб чиқилганди. Витрувийнинг ҳашаматли фригидарияси<sup>1</sup> сингари бу ерда катта-катта ва сонсиз деразалар йўқ эди. Бутун Жанубий Италияда бўлганидек, Помпейда жазирама офтоб жилосини мўътадиллаштирини афзал биладилар ва фира-ширасиз ҳашамат бўлмайди, деб ҳисоблаганлар. Икки унча катта бўлмаган ойнаванд деразадан хирагина, ёқимли нур тушиб турарди, бу деразалардан бири устида улкан мавжудотларниг ўлими тасвиrlанган катта бўртма суврат кўзга ташланарди.

Фульвий улуғвор қиёфада худди шу ерга ўтирди, тингловчилар эса уни қироатни тезроқ бошлишга шоширап эдилар.

Шоир узок ялинтириб ўтирмади. У кийими ичидан папирус найчасини чиқарди ва томоғини тозалаш, шунингдек, осойишталик ўрнатиш учун уч марта йўталиб олди, сўнг буюк қасидасини ўқишига киришди, ушбу китоб муаллифи беҳад афсуслар ила маълум қиладики, бу қасидадан бизгача бир сатр ҳам етиб келмаган.

Уни тақдирлаш маъносида чалинган чапакларига қараганда, қасида шоир шон-шуҳратига шубҳасиз му-

<sup>1</sup> *Фригидариялар* – (лот. «Фригидус»дан анча совуқ сувли ховузлари бўлган бўлими.

носиб эди, аммо ёлғиз Главккина у Горацийнинг эйт яхши қасидаларидан ошиб тушади, деб тоимади.

Қасида ўқиб бўлингандан кейин факат совуқ сувда чўмилмоқчи бўлганлар ечина бошладилар; улар кийимларини девордан чиқиб турган илмокларга осар, бошқа кенгроқ кийимларини олар эдилар (бойлар – ўз қулларидан, қолганлар эса – ҳаммомларда хизмат қилувчи ходим-қуллардан) ва бизнинг кунларгача сақланиб қолган чиройли доирасимон хонага ўтар эдилар, қадимги италияликларнинг бир уятлик жойлари – ювеништа хушлари йўқ эди.

Совқотиб қолганлари бопка эшиқдан кўчма ўчоқ билан керагича иситилган тепидарийга<sup>1</sup> кирап эдилар, ҳолбуки иссиқнинг асосий манбаи пол бўлиб, унинг остидан лакон<sup>2</sup> печкаси қувурлари ўтарди.

Бу ерда чўмилиш ишқибозлари ечинар ва хушбўй иссиқдан хузурланиб, бирмунча вактни ўтказар эдилар. Узоқ чўмилиш жараёнидаги ўз аҳамиятига мувофиқ тенидарий безакларга бой ва бошқа хоналардан яхшироқ эди: хира шишали деразалардан заиф ва алдоқчи ёғду тушиб турарди; леворлари чўғдай қизил, фаршига оқ кошинлар терилганди. Бу ерда кунига етти мартагача ҳаммомга тушадиган ашаддий чўмилувчилар чўмилишдан олдин ёки аксар чўмилгандан кейин аъзойи баданлари ёқимли бўшашганча ётар эдилар; бу «жабрдийда»лардан кўпчилиги кириб келаётганларга қарап эдилар, ўзини суҳбат билан толиктириб қўйишдан қўрқиб, танишларга бош иргаб салом берар эдилар.

Шу ердан мижозлар ўз дидларига боғлиқ равища яна турли жойларга йўл олар эдилар: бирлари бизнинг буғхопаларимизга тўғри келадиган ҳаммомга, ундан эса – илиқ ҳаммомга борар эдилар; бунча кучларини

<sup>1</sup> Тепидарий (лот. «тепидус» дан – иссиқ) – ҳаммомнинг иссиқхонаси.

<sup>2</sup> Лакон печкаси – яна бир бўлим, ҳаммомнинг иссиқхонаси.

исроф қилишни хоҳламаган бошқалари биратўла иссик сувли ҳовузи бўлган тепидарийга ўтиб қўя қолишарди.

Тасвирни тугаллаш ва ўқувчига қадимгилар ҳаётида бу қадар аҳамият касб этган ҳаммомлар ҳақида озми-кўпми даражада тўлароқ тасаввур берин учун булардан сал илгари урфдан чиқсан совук ҳаммомдан ташқари муқаррар равишда барча амаллардан ўтган Лепид ортидан борайлик. Ҳозиргина таърифлаганимиз тепидарийда исиниб олгач, Помпея олифтаси буғлама ҳаммом сари одимлаб кетди. Хушбўй иссиқдан нафас олиб, унинг қанча узоқ буғланганини китобхон ўзи тасаввур қиласерсин. Шундан кейин у ўзини кираверишда пойлаб турган қуллари ихтиёрига топширди ва улар от қашлагичга ўхшаган алланима билан унинг терларини артишди. Дарвоқе, сайёҳларни ҳозир гўё ундан фақат кирни кетказишда фойдаланганлар деб жиддий ишонтиришади, ҳолбуки тажрибали чўмилувчининг силлик баданига бир дона чаңг зарраси ҳам ўтириши мумкин эмасди. Кейин, бироз совунланиб бўлгач, у хушбўй ўланлар мўл ташланган сувга тушди ва у хонанинг қарама-қарши охиридаги эшиқдан чиққанида, муздай душнинг суви уни бошдан-оёқ кўмиб юборди. Кейин енгил кийимга ўраниб, у яна тепидарийга қайтди, у ерда ҳали буғлама ҳаммомга бормаган Главкни учратди. Энди ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган асосий роҳат бошланди; қуллар ўз хўжайнларига жавоҳирлар қадаб безак берилган тилло, билур ёки чинни идишчалардаги энг ноёб мойлардан сурта бошлашди. Бой одамлар қўллаган бу барча суртмаларнинг фақат рўйхатигина бутун бир жилдни ташкил этган бўларди, айниқса, уни урфдаги ношир босиб чиқарса: майоран<sup>1</sup>, исириқ, ялпиз – хуллас, ҳаммасини санаш имкони йўқ, девор ортида эса наст мусиқа чалинарди, чўмилишда мўътадилликни афзал кўрганлар тетикла-

<sup>1</sup> Майоран – эфир мойли хушбўй ўсимлик.

ниб, янгидан кучга кирганлар бамисоли ёшариб, қизғин гурунг қиласар.

— Ҳаммомни чиқарғанни худолар ўзи ярлақасин! — деди Главк тош супалардан бири устига (ўша соатларда устига юмшоқ ёстиқчалар қўйиб қўйилганди) чўзиларкан; уларни тепидарийининг ўзида ҳозир ҳам кўриш мумкин. — Хоҳ Геркулес бўлсин, хоҳ Бохус, уни бекорга худо деб алиқамайдилар-да.

— Менга айт-чи, — унга мурожаат қилди семиз эркак; унинг баданини артишар экан, у тинмай оҳ-оҳлар ва пишқиради, — айт-чи менга, Главк... қўлингни чониб ташлани керак, қул, астароқ ишқала-да!.. Айт-чи менга... уф, уф!.. Римда ҳаммомлар ростдан шунаقا зўрми? (Бошини буриб, Главк Диомедни дарров таниди, бу йигитча буғли ҳаммомдан ва ишқалашдан кейин бутунлай қип-қизил бўлиб кетганди.) Балки, бизларни кидан яхшироқдир? Хўш?

Кулгисини яшириб, Главк жавоб берди:

— Фараз қилки, бутун мана бу шаҳар ҳаммомларга айланган, шунда Римдаги император ҳаммомларининг катталиги борасида тасаввурга эга бўласан. Аммо бу фақат катталиги. Жон ва жисм учун барча дилхушликларни кўз олдингга келтир, оталаримиз ўйлаб топган барча гимнастик ўйинларни санаб чиқ, фараз қилки, бу барча ўйинлар учун, худди адабиёт шинавандалари учун бўлганидек, маҳсус жойлар ажратилган, бунга энг катта ўлчамдаги ва энг мураккаб тузилмали чўмилиш хоналарини қўш, булар ҳаммасини боғлар, театрлар, равоқлар, гимнасийлар<sup>1</sup> билан қуршаб ол — хуллас, фақат саройлар ва жамоат биноларидан иборат худолар шаҳрини тасаввур қил, шунда машхур рим ҳаммомлари тўғрисида тахминий тасаввурга эга бўласан.

<sup>1</sup> Гимнасий — қадимги Юнонистонда зодагонларнинг болалари турли фанлар билан бирга гимнастикани ҳам ўрганадиган билим даргоҳи.

— Геркулес ҳаққи қасам ичаман! — деди Диомед кўзларини катта-катта очиб, — у ерда чўмилиб чиқиш учун бутун умр етишмайди-ку!

— Римда бу оддий нарса, — деди Главк жиддий оҳангда. — Кўплар у срда бутун умрларини ўтказадилар. Улар очилиш маросимиға келадилар-да, то дарвозани қулфлаб қўймагунларича қолаверадилар. Колган Рим улар учун гўё йўқдай, улар ҳаммомдан бошқа дунёдаги ҳамма нарсани ёмон қўришади.

— Поллукс ҳаққи, мени донг қотириб қўйдинг! Ҳатто қунда атиги уч марта чўмиладиган одамда бошқа ҳеч нарсага вақти қолмайди. Бирингчи чўмилишдан олдин улар пештоқда ёки маҳсус майдончаларда тўп ўйнашади. Кейин чигилёзди қилиш учун театрга боришади. Улар дараҳтларнинг остида тамадди қилишади ва иккинчи чўмилиш ҳақида ўйлашади. Ҳаммом тайёр бўлган вақтгача овқат ҳазм бўлиб кетади. Иккинчи чўмилишдан кейин улар биронта янги усулдаги шоир шеърларни қандай ўқиншини тинглагани перистиллардан бирига ёки қадимги ёзувчилар асарлари устида мудрагани кутубхонага боришади. Унгача эса кечки овқат вақти бўлиб қолади, бунда улар ҳам фақат ҳаммомга боришни афзал кўришади; шундан кейин улар учинчи марта чўмилишади — ҳаммомни дўстлар билан шакаргуфтторлик қилиш учун энг бои жой деб билишади.

— Геркулес ҳаққи, Помпеяда ҳам уларга тақлид қиласиганлар бор!

— Ҳа, аммо бу билан оқлаб бўлмайди. Рим ҳаммомларининг ашиаддий муҳлислари баҳтли. Улар жимжимаю улуғорликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайдилар, шаҳарниң ғариблар япайдиган маҳаллаларига кирмайдилар, дунёда қашшоқлик деган нарса борлигини билмайдилар, бутун дунё уларга кулиб қарайди, улар Коцитда<sup>1</sup> чўмилгани йўл олганларидагина бир хўмрайиб

<sup>1</sup> Коцит — ер ости салтанатининг афсонавий дарёларидан бири.

қўядилар, холос. Кўрдингизми, ҳақиқий файласуфлар қанақа бўлишади.

Главк шу гапларни айтар экан, Лепид қошини чимирганча ва базур нафас олганча сирли амалларга киришиб кетди, қулларининг бир дақиқа ҳам бўш туришларига имкон бермади. Хушбўй тутатқилар ва уқалашлардан кейин бадани ортиқ қизиб кетмаслиги учун маҳсус қуқундан сепишди, бу қуқунни силлик жилвиртош билан артиб ташлашгач, у кийина бошлиди, бироқ ечингандаги кийимларини эмас, башангроқ кийимларини кийди, римликлар бундай кийимларни одатда бўлажак кечки овқат маросимида кияр эдилар, ҳолбуки вақт бўйича (улар кундуз соат учда кечлик қилишарди), аслида уни тушлик деб атаса тўғрирок бўларди. Кийиниб бўлгач, у, ниҳоят, кўзини очди ва гўё ҳаётга қайтгандек, чукур хўрсинди.

Худди шу пайтда узун эсираб, Саллюстий ҳам жонланди.

— Кечлик вақти бўп қопти-ку, — деди бу эпикурлик. — Главк, Лепид, кетдик, бизникида овқатланамиз.

— Сизларни келаси ҳафтага таклиф қилганим эсларингдан чиқмасин! — деди Диомед; у бу ажойиб йигитлар билан танишганидан беҳад ғуурланмоқда эди.

— Нега, унутмаймиз, — жавоб берди Саллюстий, — хотира, азизим Диомед, ҳеч шубҳасиз, ошқозонга жойлашади.

Улар кўчага чиқишиди, кўча салқинроқ эди.

### VIII боб

## АРБАК МУҒАМБИРЛИК ҚИЛАДИ ВА ЮТИБ ЧИҚАДИ

Апекид мисрликнинг уйига йўл олганида, сершовқин шаҳар узра оқшом чўкканди. У ҷароғон ёритилган, одамларга сероб кўчаларни четлаб, бошини эгган ва қўлларини кийими остига яширган кўйи кетиб борарди,

бесам ва кувноқ ўткинчилар орасида ўзининг бемадор кўриниши ва викорли чехраси билан кўзга дарҳол ташлана қоларди. Бироқ қандайдир жиддий ва вазмин бир киши икки марта унга яқин борди, кейин эса охири унинг елкасидан туртди.

— Апекид! — деди у ва кўли билан тезгина аломат ясади — бу хоч белгиси эди.

— Э-ҳа, назориймисан! — деди коҳин ва янада кўпроқ оқариб кетди. — Нима керак сенга?

— Хаёлингни бўлмоқчи эмасман, — деди нотаниш кимса, — аммо ўтган сафар кўришганимизда ҳам, назаримда, бугунгидай ўзингни олиб қочган эдинг.

— Мен сендан ўзимни олиб қочмайман, Олинф, аммо ҳолдан тойғанман, ғамга ботғанман ва ҳозир нималар қизиқтириши ҳақида гаплаша олмайман.

— Эх, гумроҳ банда! — деди Олинф алам билан, — сен ҳолдан тойғансан, ғамга ботғансан, ўзинг эса тетиклаштирувчи ва шифобахш чашмадан юз ўғирмоқчисан?

— Она Ер! — хитобан деди коҳин, қўлларини кўксига босиб, — Худолар яшайдиган ҳақиқий Олимп кўзларимга қачон намоён бўлгай? Бир одамнинг динига иймон келтиришим керакми, аждодларим шунча асрлардан буён сифиниб келган худолар ҳеч нима эмасми? Мен учун муқаддас бўлиб келган меҳроблардан ҳаром нарсадай ўзимни тортишим керакми? Ё бўлмаса Арбакнинг изидан боришим керакми? Нима қилишим керак?

У жим бўлиб қолди ва гўё ўзидан ўзи қочмоқчи бўлгандек, тезда илгарилаб кетди. Аммо назарий шундай бир сўзли, қизиқкон ва бир мақсадни кўзлаган одамлардан эдики, унинг ёрдамида барча замонларда дин янги иймонни барқарор этиш ёки эскисини ўзгартирган ҳолда бурилишлар ясаб келган.

Шунинг учун Олинф Апекиднинг осонгина кетиб қолишига йўл қўймади. У тағин унга етиб олди-да, деди:

— Апекид, сени изтиробга солсам, шуурингнинг ўқ томирларини ларзага келтирсам ва сен шубҳалардан

ўзингни йўқотсанг ва нотўғри, маъюс фикрларнинг бекарор баҳри мухитида сарсон бўлсанг, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Мен бунга ажабланмайман. Аммо мен билан бирпас бирга бўл, дадил бўл, тоат қил ва зулмат тарқалади, бўрон тинади, бир вактлар Галилей денгизи сувларида бўлганидек, тангрининг ўзи жонинг халоскорлигини элтганча тинчгина гирдоб бўйлаб юриб ўтажак. Бизнинг динимиз таркидунёчиликни талаб этади, аммо у бунинг учун сахийларча тақдирлайди. Уқубат соатлари сенинг абадийликка эришишингга имкон беради.

— Азал-азалдан, — деди Апекид қовоғини уйиб — шундай ваъдалар билан одамларни аҳмоқ қилиб келишади. Оҳ, қанақанги жозибадор ваъдалар мени Исида эҳромига етаклаб келмади!

— Аммо ўз шуурингдан сўраб кўр, — эътиroz билдириди назарсияли, — покликни ҳақорат қилган дин ҳақиқий бўлиши мумкини? Сенга худоларимизни хурмат қилишни ўргатадилар. Сизларнинг гапларингизга қулоқ соладиган худолар қанақа худолар ўзи? Уларнинг кароматлари, уларнинг фазилатлари қанақа? Ахир уларни энг даҳшатли жиноятчилар сифатида тасвирламаяптиларми? Шундай бўлса ҳам сени уларга энг муқаддас нарсадек сифинишни амр этадилар. Юпитернинг ўзи — отасининг қотили. Сизларга ўлдиришни буюрмайдилар-у, аммо қотилга сифинасизлар. Ахир бу дин устидан, одамдаги энг муқаддас нарса устидан кулиш эмасми? Ягона, ҳақиқий худога мурожаат қилсанг-чи, мен сени унинг даргоҳига олиб бораман. Аёвсиз поклик унда соф муҳаббат билан омихта бўлиб кетган. Гарчи у оддий банда бўлса-да, барибир худо бўлишга муносиб эди. Сизлар Сукротга иқтидо қиласизлар — унинг ўз шогирдлари, ўз мактаби бор. Аммо бу афиналикнинг саховати Исо Масихнинг ёрқин, мукаммал, таъсирчан, барқарор табарруклиги олдида нечоғли мавҳум! Мен унинг инсоний қиёфаси ҳақидагина гапирмаётирман. У бу қиёфани келажак асрлар учун аломат сифатида,

Платон ўз кўзи билан кўришга интиқ бўлган саховат тажассумини бизга аён этмоқ ниятида қабул этган эди. Исо Масих одамларга чинакам қурбонлик келтирди, ўлим соатида унинг бошини куршаб турган нур чамбари ер юзини мунавар қилибгина қолмади, балки кўз олдимизда фалакни намоён қилди! Кўриб турибман, сен титраб кетаяпсан, ҳаяжонга тушдинг. Худо сенинг қалбингга жо бўлди. Илоҳий рух ақлингни равшан қилмиш. Юр кетдик, муборак йўлдан орқага қайтма, иккиланишни йиғиштири-да, мен билан юр. Илоҳий калом маъносини чақиш учун иймонлилардан унчамунчаси тўплалиб бўлган. Мен сени уларнинг олдига олиб бораман. Сен адойи тамом бўлибсан, йўлингни йўқотибсан. Худонинг каломларига қулоқ сол: «Барча жабрдийдалар ва ғам юки остида қолганлар, менинг ҳузуримга келинглар, мен сизларнинг жонларингизга оро киурмен».

– Боролмайман, – деди Апекид. – Бошқа сафар.  
– Йўқ, ҳозир юрасан! – тантанавор деди Олинф ва унинг қўлидан тутди.

Аммо олдинги динидан, шунча қурбонликлар келтирган ҳаётдан воз кечишга ҳали тайёр бўлмаган Апекид мисрликнинг жозибадор ваъдаларини эслаб, қўлини тортиб олди ва мисрликнинг сўзамоллиги унинг ҳаяжонга тўлиқ ва безовта зеҳнига жо қилган бекарорликни бартараф этишга саъй-харакат зарур эканини ҳис этиб, кийимларини йиғиштири-да, шундай тез чопиб кетдики, уни қувлаб этиш амримахол эди.

Чарчаб ҳансираганча у ниҳоят шаҳар чеккасига етиб келди ва мисрликнинг ёлғиз уйини кўрди. Нафасини ростлаш учун тўхтаганида, кумушранг булат ортидан тўлиной кўринди.

Яқин-атрофда бошқа битта ҳам уй йўқ эди. Мунгли чирмовуклар уй олдини қоплаб олганди, орқада эса ойнинг ғамгин нури остида ухлаб ётган баланд дарахтларнинг бутун бир ўрмони қад кўтариб турарди; ундан

нарида тоелар қорайиб кўринарди, улар орасида эса ўша вақтларда ҳозирги замон сайёхи кўриб турганидек унча баланд бўлмаган Везувий маъюс қад ростлаб турарди.

Апекид токлар чирмаган арк остидан юриб ўтди ва кенғ, ҳаводор пештоқда пайдо бўлди. Пештоқнинг қаршисида, зипапинг ҳар икки томонида миср сфинкслари қотиб турарди ва ой нуридан улар янада тантанаворроқ осудалик касб этганди. Бу қатор улкан ва вазмин ҳайкалларда ҳайкалтарошларнинг қадими ҳикмати гўзалликни эъзоз билан йўғириб юборганди; зина узра сабурнинг тўқ-яшил залворли япроқлари солланиб турар ва шарқ хурмоси ўзининг узун-узун ва ҳаракатсиз япроқлари сояси билан мармар пиллапояларни қоплаб олганди.

Бу сукунат ва сфинкларнинг сирли қиёфалари коҳиннинг юрагига англа бўлмас ва тийиқсиз ваҳима солди, томирларида қон тўхтаб қолди ва остона ҳатлаб киаркан, у жиллақурмаса ўз одимлари товушини эшитишга муштоқ эди.

Устида унга номаълум тилда ёзуви бўлган эшикни қоқди. Эшик унсиз очилди ва дароз ҳабаш ҳеч нарса сўрамай ва шубҳаланмай, имо билан уни киришга таклиф қилди.

Баланд бронза шамдонлардаги шамлар кенғ атрийни чароғон қилиб турарди, деворлар эса қон-кора, маъюс бўёқларда чизилган йирик иероглифлар билан қопланганди, улар Италия аҳолиси ўз-ўзларини безайдиган ёрқин ва нафис нақшу нигорларга ҳечам ўхшамасди. Атрийнинг охирида, гарчи африкалик бўлмаса-да, кора жанубликлардан ҳам корароқ бўлиб кўринган бошқа бир қул унга пешвоз чиқди.

— Мен Арбакнинг олдига келдим, — деди коҳин ва овози титраб чиқаётганини ўзи ҳам эшитди.

Кул индамай бошини эгди ва Апекидни уйнинг чап қанотига бошларкан, уни энсиз зинадан, кейин эса худ-

ди пештоқдагидек совуқ улуғворлик хукм суреб турган бир қанча бўлмалар орқали юқорига олиб чиқди. Ниҳоят Апекид қоронри, яхши ёритилмаган хонада пайдо бўлди, мисрлик уни шу ерда кутиб турарди.

Арбак устида эшикка битилган аломатларга ўхшаш ёзув кўчирилган бир нечта папирус найчаси ётган хонтахта ёнида ўтирарди. Сал нарида унча катта бўлмаган учоёқ бўлиб, устида хушбўй тутатқи тутаб турарди. Унинг ёнида бурж аломатлари бўлган катта курра жой олган, бошқа хонтахта устида эса нимага кераклиги Апекидга номаълум бўлган ғалати-ғалати шаклдаги бир қанча ускуналар ётарди. Хонанинг тўр парда билан тўсилган деразасидан тушиб турган ой нури эса яккаю ягона шам ёғдуси билан қўшилиб кетмоқда эди.

Ўтири, Апекид – деди мисрлик. Йигит ўтирди.

– Сен мендан сўрагандинг, – гап қотди Арбак бирмунча сукунатдан кейин, бу вактда афтидан, у хаёлга толган эди, – сен инсон ақли англашга қодир бўлган энг қудратли сирлар ҳақида сўраган эдинг, ҳаётнинг бу топишмогини ечишимни хоҳлайсан. Бизлар болаларга ўхшаб қоронида адашиб юрамиз ва қисқагина вактга бу қайгули ва қисқа умримизда ўз сояларимизни зулмат ичиде кўриб турамиз; фикрларимиз кўксимизни ёриб киришга ҳаракат қилганча гоҳ жиндаккина зулматга кўмилса, гоҳ даҳшатда орқага қайтади; биз кўрлигимиздан биронта яширин хатарга дуч келишдан кўрқиб, атрофда ночор айланамиз, бизни четлаб турувчи чегараларни билмаймиз, улар бизни гоҳ бўғади, гоҳ кенг ёйилиб, абадият қаърида маҳв бўлади. Модомики шундай экан, бутун ҳикмат муқаррар равишда икки масалани ечишга олиб келади: «Биз нимага ишонишимиз керак?» ва «Биз нимадан юз ўгиришимиз керак?» Сен мана шу саволларга жавоб олмоқчисан шундайми?

Апекид бош ирғади.

– Унда қулоқ сол. Бугунги сұхбатимизни эсингдан чиқармадингми?

— Қандай әсдан чиқарай!

— Мен сенга шунча мәхрөлар устида афьюон чека-  
диган илоҳлар тўкиб чиқарилганини айтиб берган эдим.  
Расм-руsum ва урф-одатларимиз эл фаровонлиги деб  
унинг ўзини алдаш учун масхарабозлик эканини ҳам  
тушунтиргандим. Бу ёлонда жамият бутунлиги, тинч-  
лик мояси, донишмандлар ҳокимияти яшашини ҳам  
тушунтиргандим; бу ҳокимиятнинг негизи – оломон-  
нинг бўйсуниши. Биз бу саховатбахш алдовни қўллаб-  
куватлаймиз. Борди-ю, одамлар бирон нарсага ишо-  
нишлари керак бўлса, оталари уларга нимани севишга  
ўргатган бўлса, ўпанга, анъана муқаддас билганға нар-  
сага ишонаверсинлар. Табиати бундай қўпол иймон  
учун ҳаддан ташқари руҳланган бизлар ўзимиз учун  
қандайдир сайқал топган нарсани қидириб топишга  
харакат қиласиз, аммо ўзимиз бузиб ташлаган таянчни  
бошқаларга қолдирмиз. Бу донолик, бу олийжаноблик.

— Гапиравер.

Шу ишни қилиб, ташлаб кетмоқчи бўлганларимиз  
учун эски қоидаларни сақлаб қолиб, белимизни  
боглаймиз-да, ўзга оламларга йўл оламиз. Илгари ишо-  
ниб келган нарсангни эсингдан чиқар, хотирангдан си-  
тиб ташла. Зеҳнингни ёзилмаган қофоздек тоза, деб  
хисоблайлик. Дунёга назар сол, унинг тартибига, унинг  
конунлари тузилишига дикқат билан кўз югуртири. Уни  
шимадир яратиши керак эди – модомики тузилиш бор  
экан, демак тузувчи ҳам бўлган; мана шу ишонч бизга  
қаттиқ заминга оёқ босишимизга имкон беради. Хўш,  
у ўзи ким? Худо, дейсан сен. Тўхта, шошма-шошарлик  
билан хулоса чиқармайлик. Дунёни яратган қуч ҳақида  
биз унинг қудратлилигини, эпга келмаслигини, одам-  
лар тақдирига нисбатан бефарқлигини биламиз, холос.  
Одамлар худони ўйлаб чиқаришган ва уни меҳрибон  
деб билишган. Унда ёмонлик қаердан пайдо бўлган?  
Пима учун худо бунга йўл қўйган... ёмонликни яратган  
ҳам, абадийлаштирган ҳам? Буни оқлаш учун форслар

иккинчи, ёвуз рухни ўйлаб топишган. Бизнинг Миср Тифонимиз ҳам, моҳиятан, ўша ёвуз иблиснинг ўзи. Номаълум кучни биз қандайдир мавжудотга айлантирамиз ва қўзга кўринмас нарсага қўзга кўринадиганнинг табиатини берамиз. Йўқ, уни биз қўрмайдиган номи билан атапимиз керак ва шунда сир очилади. Унинг номи – Зарурият. Зарурият, дейди юнонлар, худоларга буйруқ беради. Унда худоларнинг нима кераги бор? Улар ҳеч нимага керак эмас, дарҳол улардан воз кечайлик. Зарурият бизни қуршаб олган ҳамма нарсага ҳукмини ўтказади. Аммо бу қадимий, қўзга кўринмас, англаб бўлмас кучни қўя турайлик-да, унга бўйсунган ва биз, одамлар, билишимиз ва англашимиз мумкин бўлган нарсага мурожаат қиласлий. Унинг номи – Табиат. Дошишманларнинг хатоси шунда эдики, улар ҳамиша ҳамма нарса зим-зиё зулмат бўлган жойда заруриятни тадқиқ этишга интилганлар. Борди-ю, улар ўзларининг табиат тадқиқотларини чеклаган бўлганларида, табиатда уларнинг сирларидан аллақачон пом-нишон колмаган бўларди. Бу ерда бардошли қузатишлар ҳеч қачон мукофотсиз қолмайди. Мен ерни, ҳавони, баҳри муҳитни, осмонни тадқиқ қиласан ва булар барчаси сирли тарзда бир-бири билан боғлиқлигини кўраман, Ой сувнинг кўтарилиши ва қайтишига сабаб бўлади, ҳаво ҳамма жойда ерни ўраб туради, юлдузларни ўрганар эканмиз, биз ернинг чегараларики ўрганамиз, вакт даврларга бўлинар экан, юлдузларнинг оқиш нури бизга ўтмиш қаърига кириб боринимизга имкон беради, уларга қараб келажакни билса бўлади, – бинобарин, заруриятнинг ўзи пима эканини билмай туриб, биз, жиллақурмаганда, у нималарни шарт қилиб қўйганини кўрамиз. Бу дин бизни қандай хulosага олиб келади (зеро, бу диндан бошқа ҳеч нарса эмас). Мен иккита илоҳга ишонаман: Табиатга ва Заруриятга. Биринчи сини тадқиқ этаман, иккинчисини эъзозлайман. Бундан қандай хulosса келиб чиқади? Дунёдаги ҳамма

нарса умумий қонунларга бўйсундирилган: қуёш нури кўрларга қувоғч бағишлайди ва озгина хилқаттагина қайғу келтириши мумкин; тун кўпчилик жонзотга уйқу келтиради, аммо унинг чодири остида фақат осудалик яширинган бўлмайди, балки унда илонлар ва арслонлар ҳам пинҳон ётади; океан ўз елкасида минглаб кемаларни олиб юради, аммо биттасини домига тортади. Умумхалқ фаровонлиги эмас, балки умумий фаровонлик учунгина табиат ижод қиласди ва Зарурият ўзининг машъум йўлини ниҳоясига етказади. Мен коҳинлар қўллайдиган алдовни сақлаб қолмоқчиман, чунки у кўпчилик учун фойдалидир; мен одамларга санъатниң ўзим кашф этган нафосатини, ўзим такомиллаштираётган фанларни бермоқчиман; мен уйғонаётган билимларни жадаллаштираман, – бу билан одамларга хизмат қиласман, умумий қонунни бажараман, табиат қўйган буюк мақсадга яқинлашаман. Ўзим учун фавқулодда ҳолатни талаб этаман. Мен уни барча донишмандлар учун талаб этаман. Мен жаҳонга доноликни бераман, ўзимга эса – эркни. Мен ўзгалар ҳаётини ёритаман ва ўзим ундан лаззатланаман. Ҳа, бизнинг ҳикматимиз абадий, аммо улар қисқа, шу боис у бера олган ҳамма нарсадан вokiф бўл. Ёшлигинги дилхушликларга, туйфуларинги лаззатга бахшида эт. Шаробли шаймона синдириб ташлайдиган ва гулчамбарлар сўлийдиган соат яқин. Хотиржам бўл. Апекид, шогирдим ва издошим! Мен сенга Оlam қурилмасини, унинг энг теран ва даҳшатли сирларини очиб бераман, сенга нодонлар афсун деб атайдиган илмни ва юлдузларнинг қудратли асрорларини ўргатаман. Шунинг шарофати билан сен одамлар олдидаги ўз бурчингни адо этасан. Аммо мен сени авомшунос, ҳатто хаёлига келтиролмайдиган лаззатларга олиб бораман, сен одамларга бахшида этган кун ўрнини сен ўзингга бағишлайдиган тун эгаллайди.

Мисрлик нутқини тугатгани ҳамон ҳамма томондан, пастдан, юқоридан Лидияда туғилган ва Ионияда



мукаммалликка етишган ғоят майин мусиқа қуилиб кела бошлади. Оҳанглар сели барча туйғуларни оқизиб кетди, у ўзининг гўзаллиги билан забт этмоқда эди. Бу кўзга кўринмас руҳларнинг олтин асрда Фессалия водийсининг аллақандай ўрталарида ёки Пафос яқинидаги тушки ўтлоқзорда чўпон тинглаши мумкин бўлган куйлар эди, афтидан. Апекиднинг лабларидан учиб чиқишига тайёр сўзлар котиб қолганди.

Бу латиф сукунатни бузиш унга ноинсофликдай кўринмоқда эди. Унинг кўнгилчанлиги, унинг юонича ҳалимлиги ва қалbidаги сирли жўшқинлик устун келди. У бор вужуди билан тинглаганча ўриндиқда ўзини орқага ташлади, майин ва ширин қўшиқ эса ҳамон давом этарди...





## ИККИНЧИ КИТОБ

### *I боб*

#### **ПОМПЕЯ КУЛБАЛАРИ ВА ГЛАДИАТОРЛАР МАИШАТИ**

Энди эса кайф-сафоларнинг зодагон шинавандалари эмас, балки уларниң аслаҳалари ва қурбонлари яшайдиган маҳаллалардан бирига йўл оламиз; бу ерда гладиаторлар ва нипондор жангчилар, бадкорлар ва камбағаллар истиқомат қиласар эдилар. Бағритош ва вижёнсизлик маскани қадимий шаҳарнинг кулбаларидан иборат эди.

Эпсиз, аммо гавжум кўчада бир катта уй бор эди. Унинг эшиги тагида темир мушакли, худди Геркулесдек бўйни қисқа ва қувватли одамлар тўпланганди, совуқ ва баҳодирона юzlари уларнинг марди майдон эканликларидан дарак берарди. Ташқаридаги катта токчада май ва мой тўла идишлар тизилган, униң устигинасида, дөворда май нўш қилаётган гладиаторнинг дағал тасвири бор эди – бу лавҳалар азалдан мавжуд. Ичкарида дөвorchалар билан ажратилган бир нечта хонтахта туради. Хонтахта атрофида полвонлар ўтиришарди: бирлари май нўш этар, бирлари ошиқ ёки ундан мураккаброқ ўйин ўйнар эдилар. Уни айрим олимлар билмасдан шатранж деб атаганлар. Эрталаб бўлганидан, мижозларнинг бундай бемаҳалда қовоқхонага келишлари шундан гувоҳлик берардики, бу одамлар бекорчиликдан зерикканлар. Шунга қарамай, гарчи бу уй кулбалар орасида жойлашган бўлса-да, биз замонавий шаҳарда учратадиган ахлатдан бу ерда ном-нипон йўқ эди. Ҳар доим ҳам ақл билан иш кўрмайдиган, аммо ўз туйғуларини муттасил қондириб келувчи Помпея фуқароларининг қувноқ табиати дөворларнинг ёрқин нақшу нигорларида

ва шамдонлар, май косалар ва турфа рўзғор буюмларининг ақл бовар қилмас, аммо нафис қиёфасида ўз ифодасини топган.

– Поллукс хаққи, – деди эшик ёнидаги деворга суяниб турган гладиаторлардан бири, – сен бизга ичираётган май, қария Силен, – шу сўзларни айтасиб, у семиз кишининг елкасига шапатилаб кўйди, – томирларимиздаги қонни шақирлатиб қайнатиб юборади!

У эркалатиб гапирган одам (енгларининг шимарилгани, оқ пешбанд, камариға тангилган калит ва сочиқ-қўлартгичлар у қовоқхона хўжайини эканини кўрсатиб турарди) ёти бир жойга бориб қолган бўлса-да, шу қадар бақувват эдики, гарчи мушаклари ёғ боялаган, лунжлари осилган, кучли, кенг кўкраги остидаги қорни олдинга чиқиб турганига қарамай, уни қуршаб олган иловонваччаларни бир чўкишда қочира олар эди.

– Яқиплашма, галварс! – фудранди баҳайбат кини, унинг овози ғазабланган шернинг бўғиқ ириллашига ўхшарди, – менинг майим тезда сполиарияда ётган жасад билан йиғлаб кўришади.

– Қагиллайвер, қари қарға! – деди гладиатор нафратомуз кулиб, – хурмо гулчамбари олганимни кўрганингда ғазаб қармоғига илинасан ҳали. Амфитеатрда соврин олганимда, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, биринчи қилган ишим сенинг жиркаич ичимлигингни зинхор оғзимга олмайман, деб Геркулес хаққига онт ичиш бўлади.

– Эшитинглар унинг гапини! Бу камтар Пиргополиникнинг гапини эшитинглар! Кўриниб турибди, у Бомбоҳид Клитоместоридисархид<sup>1</sup> бошчилигида хизмат қилган! – деди хўжайин, – Нигер, Спор, Тетраид, у

<sup>1</sup> *Пиргополиник* (яъни «миноралар ва шаҳарларни забт этувчи») – Илавтнинг «Мақтанчоқ жангчи» комедияси қаҳрамони. Червива даласидаги жангда унинг бошлиғи Бомбоҳид Клитоместоридисархид бўлган эди. Тахминий таржимаси: «Бақироқ мақтанчоқ шарафли доҳий Ифлос бошлиқ».

сизлардан совринни олиб кўяман деб мақтанаяпти. Худолар ҳаққи, сизларнинг ҳар бирингиз бир қўлингиз билан уни бўғиб ўлдира оласиз ёки мен бу нарсада ҳеч балони билмайман!

– Бўпти! – деди гладиатор ғазабдан қип-қизариб. – Ланиста бошқача ўйлаган бўларди.

– Менга қарши у қандай фикр билдириши мумкин, сурбет Лидон? – тумшайди Тетраид.

– Ўн беш олишувда голиб чиқкан менга қарши ҳам! – қичқирди баҳайбат Нигер, гладиаторга яқин келаркан.

– Менга ҳам! – ғудранди Спор, кўзлари чақнаб.

– Туф! – Лидон қўлларини кўкраги устида чалиштириди ва рақибларига еб қўйгудек қараб қўйди. – Ҳадемай ўйинлар бошланади. Унгача ботирликларингизни саклаб туринглар.

– Тўғри, – деди тунд хўжайин, – агар сенга шафқат қилишлари учун бошмалдоғимни қиссан, Паркалар менинг ҳаёт риштамни узиб қўя қолсин!<sup>1</sup>

– Ришта эмас, арқонни демоқчисан, – деди Лидон киноя билан. – Ма, ол мана бу чақаларни, арқон сотиб ол-да, ўзингни осиб қўя қол.

Майфуруш барзангি узатилган қўлни тутиб, уни шунақанги қаттиқ қисдики, бармоқлар учидан қон чиқиб, атрофдагиларнинг кийимиға сочилди.

Ҳамма қах-қах уриб кулиб юборди.

Қаҳрамонлик ўйини қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман, малла оғиз мақтанчоқ! Мен аллақандай чиллашир форс эмасман, сенга айтсам. Хўш! Марди майдонда йигирма йил битта ҳам мағлубиятсиз жанг қилган мен эмасми? Фалаба тариқасида Эдиторнииг ўз қўлидан темир калтакни олган ва олтин дафна баргидан гулчам-

<sup>1</sup> Ярадор гладиатор ҳалқдан шафқат сўраши мумкин бўлган ва розилик аломатида томошибинлар бошмалдоғини бошқа бармоқларига қисиб, ўнг муштимини кўтарғанлар, рад аломатида эса чўзилган бошмалдоғини пастга бурганилар.

бар тақиш шарафига мұяссар бўлган мен бўлмай, ким?<sup>1</sup> Энди болакай менга ўргатадиган бўлиб қолдими?! – шу гапларни айтиб у Лидоннинг қўлини силтаб ташлади.

Гладиаторнинг чехрасида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Шунгача хўжайин устидан қандай кинояли кулиб турган бўлса, йигит аламга ўшандай чидаб турди. Бироқ барзанги унинг қўлини қўйиб юбориши ҳамон у сакрашга чоғланган шердек дарҳол ўзини ўнглади, тепа сочи тикка бўлди ва баланд овозда, ғазабли қичқириқ билан хўжайинга ташланди, гавдаси баҳайбат бўлишига қарамай, хўжайин мувозанатини йўқотди ва бамисоли қулаб тушган қоядек ерга гумбурлаб ағдарилди, кутурган ракиби эса устидан босиб тушди.

Яна бир неча дақиқа ўтди ва хўжайинга Лидон лутф билан таклиф этган арқоннинг ҳам кераги бўлмай қолди. Бироқ шовқинии эшитиб, шу пайтгача уйда ўтирган хотин майдонга югуриб келди. Бу янги рақиби гладиаторга мос эди: баланд бўйли, қотмадан келган, эркалаб ёрии қушишга ўрганмаган қўллари чўнг бир асл. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди: майфуруш Бурдоннинг бу меҳрибон қиз ўртоғи марди майдонда жанг қилиган ва ҳатто императорнинг ўзи ҳозирлигига ҳам олишган эди. Айтишларича, жанг майдонида кураги ерга тегмаган Бурдоннинг ўзи неча марталаб биринчилик гулчамбарини ўзининг меҳрибон Стратоникасига бой берган экан. Бу «нозик» хилқат унинг қўйнол жуфти хатар остида қолганини кўргач, табиат унга ато этгандан бошқа қуролга эга бўлмаган ҳолда гладиаторга ташланди, илондек узуи қўллари билан унинг белидан қучоқлаб ушлади-да, ҳамон Бурдоннинг томонини чаңгаллаб турган гладиаторни қаттиқ силтаб эридан

<sup>1</sup> Марди майдонда ўзини қўрсатган томошибинлар талаби бўйича хўжайн ёки Эдитор (ўйинши ташкил этган ва гладиаторни ёллаган одам) қўлидан маҳсус темир калтакни олганлар. Бу фахрли мукофот гладиаторни амфитеатрда олишишини давом эттириш мажбуриятидан халос қилиган, аммо баривир тўла эркинлик бермаган (Гладиаторлар асосан куллар бўлган).

ажратиб олди. Гоҳо аллақандай дарғазаб сайис шу тариқа итнинг орқа оёқларидан тутади-да, уни енгилган рақибидан ажратиб олади, ҳавога кўтарилиган ит ночор яна душманнинг бўғзига интилади. Бу орада шодон, қонни кўрганлардан мамнун гладиаторлар жунбишга келиб, олишаётганлар атрофига тўпланишиди, уларнинг бурун катаклари керилган, лаблари кинояли қийшайган, қўзлари биттасининг қонли томоғига ва иккинчисининг чанглаб турган бармоқларига қадалган эди.

– Тайёр! Тайёр! – ҳайқиришди бараварига улар, хаяжон билан қўлларини ишқалаганча.

– Бекор гап! Қанақасига «тайёр» бўларкан! – қичқириб юборди хўжайин; у бор кучини тўплаб темир чангакдан ажралиб олди-да, ҳансираган, дабдаласи чиққан, қонга белангани ҳолда сакраб оёқка турди. Унинг паҳтаси чиққан қўзлари қудратли амазонканинг қўлларидан юлқиниб чиқишига уринаётган, бироқ нафрат билан лабларини қийшайтириб қараб турган душманнинг чақноқ нигоҳи билан тўқнашди.

– Ҳалол олишув! – қичқиришарди гладиаторлар. – Бирга-бир!

Лидоннинг атрофига аёллар ҳам тўпланган эди, улар илтифотли хўжайинни одобли меҳмондан ажратиб қўйишиди.

Ўзининг афтода ҳолидан уялган ва дарғазаб «малиқи муҳтарамаси» қўлидан ситилиб чиқинига бехуда чиранаётган Лидон бир пайт белидаги калта ханжарга ёпишиди. Унинг қўзлари шу қадар важоҳат ила ёнар, ханжари шу қадар қаттиқ яраклардики, биз эндиликда муштлашув деб атайдиган курашгагина ўрганган Стратоника қўрққанидан саросималаниб қолди.

– Эй худолар! – қичқирди у, – Ярамас! У қуролини яшириб олган экан! Ахир бу фирромлик-ку! Ҳақиқий гладиатор шундай қиласими? Бундай қўрқоқларни ер ютсин!

Шу сўзларни айтиб, у гладиаторга орқасини ўгириб олди ва тацвиш билан эрига қаради.

Бироқ бундай олишувларга ўрганиб қолган эри тез ўзини ўнглаб олди. Юзи энди аввалгидек қип-қизил

эмасди ва лаби устидаги томирлар бўртиб чиқмаганди. У тирик қолганидан суюниб, анча мамнун ҳолда гудранди, силкиниб қўйди, кейин эса маъқул дегандай рақибиға бошдан-оёқ кўз югуртириди.

— Кастор ҳаққи, — деди у, — сен мен ўйлагандан кучлироқ экансан! Сенинг муносиб жангчи эканингни кўриб турибман. Кўлингни бер, биродар!

— Қойил, қария Бурдон! — қичқирди глadiатор ва чапак чалиб қўйди. — Метиндай қаттиқ кўлингни бер унга, Лидон.

— Жоним билан, — деди глadiатор. — Кўлингни бер, аммо унинг қонидан татиб кўриб, энди уни охирги томчисигача симирмоқчиман.

— Геркулес ҳаққи, — хитобан деди хўжайин, — мана буни глadiаторча хоҳиш деса бўлади! О Поллукс! Одамзодни нималарга ўргатиб бўлмайди-я! Ҳатто ҳайвон ҳам ундаи қутурмаса керак!

— Ҳайвонмиш! Шу ҳам ган бўптими! Ҳайвонлар қаёқда-ю, бизлар қаёққа! — деди Тетраид.

— Бўши, — деди Стратоника кийими ва соchlарини тўғрилаб. — Модомики, ярапдиларингми, энди шовқин солмай, жим ўтиинглар. Олийҳиммат йигитлар, сизларнинг ҳомийларингиз келиб сизларни кўрар экан; мактабда эмас, шу срда сизлар билан яхшилаб танишиб олишмоқчи экан, ундан кейин амфитеатр майдончасида катта мусобақадан олдин сизларга пул қўяр экан. Улар бунинг учун ҳар доим бизникига келишади, бу срга шаҳарнинг энг яхши глadiаторларини қўйишпимизни билишади, — худоларга шукурки, биздаги жамоат сара!

— Ҳа, — деди Бурдон, бир кося майни ича туриб, — бундай гулчамбарларни тақсан одам мендайин ботирнинг қадрига етади. Лидон, болажоним, ич, сени ҳам мендайин қариганингда ҳурматлаб юришсин!

— Бу ёқка юр, — Стратоника эрини қулоғидан ўзи томон эркалабгина тортиб қўйди. (Бу эркалашни Тибулл қойил қилиб тасвирилаган) Бу ёқка юр!

— Оғритиб юбординг, бўриқиз! Гладиатордан ҳам ёмон чиқдинг-ку! — ғудранди Бурдон оғзини катта очиб эснаркан.

— Жи-м-м! — шивирлади Стратоника унга. — Кален ҳозиргина орқа эшикдан жим кириб келди. У пул олиб келган бўлса керак.

— Ваҳ-ваҳ! Тезроқ унинг олдига бораман, — шошилди Бурдон. — Бу орада сен косаларга яхшилаб қараб бор, ҳисобини ол. Ёлғонларига ишонма, хотин, улар қаҳрамонлар, албатта, шу билан бирга учига чиқсан муттаҳамлар, Какнинг<sup>1</sup> ўзи — уларниң олдида бир итвачча.

— Кўрқма, аҳмоқ! — жавоб берди хотини.

Бу мулоийим гаплардан эриб кетган Бурдон орқа хонага ўтди.

— Демак, бу ҳомийлар мушакларимизни кўргани келишаркан-да? — деди Нигер. — Айтганча, сени ким огохлантирди, бескажон?

— Лепид. У мағлубият нималигини билмаган Клодийни ва ёш юони Главкии олиб келади.

— Келинглар, биз ҳам бас бойлашайлик! — деди Тетраид. — Клодий менга йигирма минг сестерций қўяди. Нима дейсан, Лидон?

— У менга қўяди! — деди Лидон.

— Йўқ, менга қўяди, — деди Спор.

— Аҳмоқлик! Наҳотки сизлардан биронтангиз Нигерни афзал топади деб ўйласангиз? — ўзига хос камтарлик билан деди шаҳлавон.

— Насибангиз экан, — сўзга аралашди Стратоника, катта кўзани очар экан, меҳмонлар эса ўз навбатида столлардан бирига ўтиришиди. — Модомики, барчангиз ўзингизни шунаقا машхур ва ботир деб билар экансиз, агар жиноятчи топилмагудек бўлса, нима учун сизлар Нумидия арслони билан олишмайсиз?

<sup>1</sup> *Как* — олов маъбути Вулканниң ўғли; шаҳлавон ва бағритош кароқчи.

– Сенинг кўлларингдан қутулиб чиққандан кейин, қудратли Стратоника, – деди Лидон, – мен арслоннинг ўзи билан олишишдан ҳам қўрқмайман.

– Менга айт-чи, – ўтици Тетраид, – сенинг соҳибжамол чўринг, қўзлари чақноқ анови сўқир қиз қаерда? Негадир у анчадан бери қўринмайди?

– Сен уни жудаям яхши кўрасан-да, қўрсгинам, – жавоб берди бека. – Ҳатто биз ҳам яхши кўрамиз. Биз уни гул сотгани ва зодагон хонимлар учун қўшиқ айтгани шаҳарга юборамиз, шунда у бу ерда чўрилик қилганидан кўпроқ пул ишлайди. Бундан ташқари, унинг бошқа машғулотлари ҳам бор.

– Менга қара, Стратоника, – деди Лидон, – бундай назокатли ва сулув чўрини қаердан топгансан? У аслида биронта бой Рим кайвонисига чўриликка ярайди, холос.

– Бу тўғри, – қўшилди Стратоника. – Қачондир уни сотаман-да, бойиб оламан. Мендан Нидия қандай келиб қолганини сўраяпсанми?

– Топдинг.

– Биласанми, чўригинам Страфила... Страфила эсингдами, Нигер?

– Ҳа-а, анави қўлчалари қучликина, башараси комедия артисти ниқобининг ўзгинаси қизми? Уни қандай унутай? Чўрилик қилаётган Плутон ҳаққи онт ичаман!

– Туф-е, мол! Гап бундай, Страфила ўлган, бу эса мени хонавайрон қилди. Янги чўри сотиб олгани бозорга бордим. Аммо, худоларни шафе келтираманки, мен шўрлик Страфилани сотиб олгандан буён уларнинг нархи шунақанги ортиб кетдики, қўяверасан, мен эса шулим озлигидан икки қўлимни бурнимга тиқиб қайтмоқчи бўлиб турган эдим, бирдан бир савдогар этагимдан ушлаб олди. «Хоним, арzon-гаров чўри олмоқчисиз деб эшитдим, ростми? Менда бир қизалоқ бор. Қалай, кучингиз етадими? Тўғри, у ҳали жудаям кичкина, аммо чаққонгина, ювош, ақлли, ажабтовур қўшиқ айтади, ҳа, гапимга ишонаверинг, зоти ёмон эмас».

«Қаердан экан?» – сўрайман мен. «Фессалиядан». Биламан, фессалияликларниң бари ақлли ва ювош бўлади, шунишг учун қизалоқни кўрмоқчи бўлдим. У худди ҳозиргидай эди. Фақат бўйи сал пастрок эди. Кўринишдан итоаткор ва ювот, қўлларини кўксига қўйиб олган, кўзи ерда. Мен баҳосини суриштираман. Савдогар қиммат сўрамади, мен пайсалга солиб ўтирмай, сотиб ола қолдим. Савдогар уни уйимга олиб келди ва ўша заҳоти қорасини ўчирди. Ҳа, дўстлар, унинг кўрлигини кўрганимда, қанчалик лол қолганимни ўзингиз билаверинг! Вах-ҳа-ҳа! Ўлгудай айёр экан савдогар. Мен дарҳол қозига югурдим, аммо ярамас қулфуруш шаҳардан чиқиб кетган экан. Ҳеч вақосиз қайтишимга тўғри келди. Мен ғазабга миндим, шўрлик қиз нақ кўрадиганини кўрди. Аммо кўрлиги учун у айбдор эмас-ку, шунака туғилган. Аста-аста биз бунга кўнишиб кетдик. Албатта, у Страфиладай кучли эмасди ва уйда фойдаси кам тегарди, аммо кўп ўтмай у шаҳар йўлини шунақанги яхши билиб олдики, худди Аргусга ўхшаб, юзта кўзи бордай; бир куни эрталаб хароб бўлган боғчамиздаги гулларни сотиб, бизга бир ҳовуч пул олиб келганида, билдикки, уни бизга худоларниң ўзлари юборибди. Шундан бери у хоҳлаганда кетишига рухсат берамиз, қўлига бир сават гул тутқазамиз, гуллардан фессалияча усулда гулчамбарлар тўқийди – бу олифтасатангларга ёқади, унинг ўзи ҳам зодагон одамларга ёқади, шекилли, чунки улар ҳар доим бошқа гулфуруш қизларга қараганда кўпроқ тўлашади, у топганини уйга олиб келади, бошқа биронта қул бундай қилмайди. Шунинг учун бу ердаги юмушларни ҳозирча ўзим энлаб турибман, аммо тезда у ишлаб топган пулларга иккинчи Страфилани сотиб олишим мумкин. Ҳалиги фессалиялик, албатта, кўр қизни таг-тугли отоналардан ўғирлаб келган. У фақат моҳирона гулчамбарлар тўқибгина қолмайди, яхши куйлайди, бу ҳам пул дегани. Яқинда эса...

— Ана, холос! Бопдан-оёқ сирлар, жумбоқларми? —  
кичкериб деди Лидон, — Сфинкс бўлиб қолмагалмисан?  
Йўқ, нега Сфинкс<sup>1</sup> бўлар эканман?

— Бўлди, кўп вайсама, бека, гўшт келтири, очман, —  
деди Спор бетоқат.

Мен хам, — уни қувватлади маъюс Нигер, кафти  
 билан пичоғини артиб.

Амазонка ўчоқбошига кетди ва тезда устига катта-катта чала ниширилган гўшт бўлаклари қўйилган баркаш билан қайтиб келди, — ўша вақтларда, худди ҳозиргидай, жангчилар гўшт одамни ботир ва жасоратли қиласи деб тасаввур этганилар. Бамисоли оч бўридай кўзлари чакнаб, улар стол атрофида ғуж тўпланишди. Гўшт бирнасда ғойиб бўлди, май дарёдай оқди. Энди эса қадимгилар ҳаётида бу қадар муҳим бўлган бу одамларни қолдирайлик-да, Бурдон ортидан борайлик.

## II боб

### ИККИ НАФРАТТА САЗОВОР ЭРКАК

Қадимги Рим тарихи бошларида коҳинлик даромадли эмас, балки фахрли машғулот бўлган эди. Коҳинлар энг олий зотлар, оқсуяклардан келиб чиқсан, плебейлар<sup>2</sup> учун уларнинг муҳитига кириш йўли берк бўлган. Кейинчалик, бу ерда сўз кстаётган вақтдан анча илгари коҳинлар тоифасига кириш йўли ҳамма учун очик эди — ҳар ҳолда гап уича баланд бўлмаган коҳинлик лавозимларига эмас, балки алоҳида худоларга сиғинишга дахлдор бўлганда шундай бўлган. Ҳатто Юпитернинг олдин ликтор бўлган ва Сенатга кира олган коҳини аввал патрицийлардан эди, кейинчалик эса

<sup>1</sup> Афсонавий Сфинкс (юонончада «Бўғиб ўлдирувчи аёл» дегани) у истиқомат қиласиган қоя олдидан ўтган ҳар бир йўловчига топишмоқ айтган, жавоб беролмагаллар ўлимга маҳкум бўлганилар.

<sup>2</sup> Плебей — ҳуқуқсиз, камбағал одамлар.

уни халқ сайлай бошлаган. Унча қадимий бўлмаган ва эъзозланадиган худоларга одатда плебейлардан чиққан коҳинлар хизмат қилганлар ва кўплари ҳозир католиклар диний хошиш туфайли эмас, балки қашшоқлик мажбуриятини ҳисобга олиб роҳибликини ихтиёр этгандаридек, коҳинликка кирганлар.

Исиданинг коҳини Кален энг куйи тоифадан келиб чиққанди.

Унинг узоқ аждодлари аслида қуллар бўлишган. У сал-пал тарбия топган ва бир озгина мулкни мерос қилиб олган, уни ҳам тезда совуриб битирган. Жаҳлдан у коҳин бўлган. Гарчи ўша вактларда бу табаррук касбнинг даромади, афтидан, унча катта бўлмаса-да, энг серқатпов эҳромларнинг коҳинлари барibir иш хақларидан нолий олмаганлар. Оломоннинг хурофотларидан пул топишдан кўра даромадлироқ машғулот йўқ эди.

Помпейяда Каленning факат биргина қариндоши қолган – Бурдон. Уларнинг ҳали ўз қавм-қариндошлидан кўра мустаҳкамроқ бўлган қора ва ифлос ришталар боғлаб турарди. Исидалинг коҳини кийимларини ўзгартириб, гўё қаттиқ ва риёзатли ҳаёт кечираётгандек бўлган ўз эҳромидан билдирмай чиқиб кетар, яхши шуҳрат қозонмаган собиқ гладиатор уйининг орқа эшигига сирғалиб кирава севинч билан ўзидан қўпол никобни итқитиб ташларди, зеро, бу одамнинг асосий эҳтироси, нафсигина уни саҳоватлидек бўлиб кўринишга мажбур этарди.

Тога<sup>1</sup> кийишни ташлаб, римликлар фойдалана бошлаган кенг ёмғирпўшга ўрапиб, Кален ҳозир май қазноғидаги уйчада ўтиради, Помпейдаги деярли барча уйларда бўлганидек, бу ерга орқа эшикдан энсиз йўлак орқали кириб келинарди.

Столнинг унга қарши томонида баҳайбат Бурдон ҳозиргина коҳин катмонидан олинган бир уюм танга-

<sup>1</sup> Тога – қалпокли кенг устки кийим; унинг йирик букламалири қоматни ва қалпоғи юзни батамом беркитиб турган.

ларни диққат билан санаб ўтиради; ўшандаги катмонлар ҳозиргидек кенг урф бўлган эди, фақат улар анча кўримлилиги билан ажралиб турарди.

— Кўрдингми, — деди Кален, — биз сенга яхши тўлаймиз, шундай фойдали иш топганим учун сен мендан миннатдор бўлишинг керак.

— Сендан миннатдорман, оғажон, — жавоб берди Бурдон, тангаларни меҳр билан чарм катмонга сола туриб; у уни дарҳол камарига яшириди ва йўғон қорнидаги тўқани одатдагидан қисиброк тортиб қўйди. — Исида, Крисида ва Мишида ёки Мисрдаги яна бошқа худоларни шафе келтириб айтаманки, о, менинг жажжи Нидиям — ҳақиқий Эсперида, олтин олмалар хазинабони.

— У жуда яхши қўшиқ айтади ва куй чалади, — деди Кален. — Бундай истеъдод учун хўжайиним жонжон деб ҳақ тўлайди.

— Ҳа, уни худо деявер! — қичқирди Бурдон эҳтирос билан. — Ҳар қандай бой одам сахийлик учун худолар қаторида саналиши керак. Қани, майдан ич, қиёматлик дўстим, кейин эса ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бер. Қиз у ерда нима қиласяпти? У юрак олдириб қўйганмиш, ёмон қасам ичганман дермиш, оғзига қатик ивитиб олгандай, чурқ этмасмиш, ундан ҳеч балони билиб бўлмасмиш.

— Мен ҳам шунаقا, ўнг қўлимни шафе келтираман! Мен ҳам чурқ этмасликка онт ичганман.

— Онт эмиш! Сен билан биз учун онт нима дегани?

— Бу тўғри, одатдаги онтлар — ҳеч нима эмас. Аммо бу... — Барваста коҳин титраб кетди, — барибир ҳам, — давом этди у аралаштирилмаган майли катта косапи охиригача сипкориб, — эътироф этаманки, мен онтни бузишдан кўра қасос хавфидан кўпроқ қўрқаман. Худолар ҳаққи, бу одам қудратли афсунгар ва у ҳатто Ойдан ҳамма нарсани ўсмоқчилаб билиб олади, унга бир оғиз валақлаб қўяй-чи. Бу ҳақда бошқа гапирмайлик. Поллукс ҳаққи, гарчанд зиёфатларда унга нелар бўлмаса-да, сенга айтсам, мен ҳеч қачон у ерда ўзимни

бемалол ҳис этмайман. Гарчи у ерда барча деворларни курум босган бўлса-да, мени сен билан ва бу ерга келадиганлар ичидан биронта оддий, енгилтак, қувноқ қиз билан ўтказган соатлар тонгтагача чўзиладиган зўр оргия<sup>1</sup>лардан кўра менинг кўпроқ жонимга ора киради.

— Агар шундай бўлса, бир химмат кил, эртага кечкуруп кел, бир кайф-сафо қиласиз.

— Жоним билан, — деди коҳин қўлини артиб ва столга яқинроқ сурилиб.

Шу топ худди бирор эшик дастасини пайнаслаетгандек шарпа эпнитилди. Коҳин шоша-пиша юзига қалпоқни суриб олди.

— Туф! Ахир бу кўр қиз-ку, — деди хўжайин эшик очилиб, Нидия кириб келганда.

— Хой қиз! Бу нима қилганинг... шонма, оқариб кетибсанми? Зиёфатда шунича қолиб кетдишми? Хўй, майли, ҳечқиси йўқ, ёшлиқ — бебоплик, — гудранди Бурдон.

Хеч нарса деб жавоб бермай, қиз беҳол скамейкалардан бирига йиқилди. Кейин бирдан бошини кескин кўтарди.

— Хўжайин, мени хоҳ очдан ўлдиринг, хоҳ уринг, аммо ўла қолсам ҳам бошқа бу ишок уйга бормайман.

— Ўчир, аҳмок қиз! — бўкирди Бурдон ва қонга тўлган ғазабнок кўзлари узра осилган бароқ қопларини чимириди. — Нима, гапимга кирмайдиган бўлиб қолдингми? Кўрасан мендан!

— Нима деганимни эшитдингиз, — бидирлаб деди шўрлик қиз ва қўлларини кўксида чалиштириди.

— Бу қанақаси! Ўзимнинг эси кўп, меҳрибон вестал қизгинам демак, сен у ёққа бормайсанми? Бўпти, сени зўрлаб олиб боришади унда!

— Қичқириб, шаҳарни оёққа турғизаман, — деди қиз кескин оҳангда ва сочининг учигача қизариб кетди.

— Бунинг ҳам иложини толамиз, оғзингни ёпиб қўйишади.

<sup>1</sup> Оргия — сершовқин базм.

— Унда менга худолар ёрдам берадилар, — ўрнидан турди Нидия. — Мен юқорига арз қиласман.

— Ичган онтинг эсингдан чиқдими? — бўғиқ овоз эҳитилди. Биринчи марта сұхбатга аралашган бу Кален эди. Унинг гапини эшишиб, бечора қиз қалтираб кетди ва ёлворган ҳолда қўлларини туширди.

— Оҳ, шўрим қурсип! — деди у ва йиғлаб юборди.

Бу аламли сўзларни Стратоника эшигани кўриниб турарди, чунки шу аснодаёқ унинг даҳшатли қиёфаси эшикда шайдо бўлди.

— Нима шовқин? Менинг чўримни нима қилиб қўйдинг, ярамас? — ғазаб билан деди у.

— Кўявер хотин, — деди Бурдон хиёл қўрқув араш. Янги камарлар ва чиройли кийимларни истайсанку, шундай эмасми? Унда чўрингни тинчлантири, акс ҳолда янги кийимни ҳали-бери киёлмайсан. Бу ифлос қизнииг бошига худоларнинг ғазаби ёғилсин.

— Нима ган? — сўради қари қарға, нигоҳини эридан Нидияга олиб.

Деворга суюниб турган қиз ўзини Стратониканинг обғига ташлади, унинг тиззаларидан қучоклади ва ўзининг кўрмайдиган, аммо илтижо тўла қўзларини тепага қаратиб, деди:

— Мехрибон бекам! Сен аёлсан, опа-сиғилларинг бўлгандир, мендай ёш бўлгандирсан, ўтинаман, мени қуткар! Мен бошқа мана бу зиёфатларга бормайман!

— Жим бўл! — қичқирди қари қарға ва Нидиянинг фақат гулчамбарлар тўқишига қобил нозик қўлларипи силтаб, уни туришга мажбур этди. — Жим бўл! Чўри деган бунақа бўлмайди!

— Мана, хотин. — Бурдон катмонни чиқарди ва тангаларни шиқирлатди. — Мана бу мусиқани эшитаяпсанми? Поллукс ҳаққи, агар бу биячани яхшилаб жиловламасанг, бошқа эшитмайсан бу мусиқани.

— Кизгина чарчаган, холос, — деди Стратоника, Каленга имлаб. — У сенга яна керак бўлганида, бунақа қайсаарлик қилмайди.

– «Сенга?» Ким бор бу ерда? – қичқириб деди Нидия, бошини у ёқ-бу ёққа буриб, азбаройи қаттиқ тикилганидан Кален ваҳима ичида тиззалаң туриб кетди.

– Унинг кўзлари кўрар экан! – бидирлади у.

– Ким бор бу ерда? Фалак ҳаққи, жавоб бер! Ох, мендай кўр бўлганингда, бу қадар бешафқат бўлмасдинг! – деди Нидия ва йиғлаб юборди.

– Олиб кет уни, – буюрди Бурдон хотинига, – иршайган баширасини кўришга тоқатим йўқ!

– Кетдик! – деди Стратоника, бечора қизни эшик томон туртиб.

Нидия қатъий ва мағруронга ҳаракат билан ўзини тортди.

– Менга қара, – деди у, – мен сенга сўзсиз итоат этдим, чунки мен олган тарбия... Ох, онажон, шўрлик онажоним! Қизингнинг қисмати шунаقا бўлади деб ўйлаганимидинг! – У кўзларини артди ва давом этди, – истаган нарсангни буюр, мен хўп дейман, аммо айтиб қўяй: сен қанчалик бераҳм, қаттиққўл ва бир сўзли бўлмагин, мен боиқа у ёққа бормайман, борди-ю, мени зўрлаб олиб боришса, мен преторнинг<sup>1</sup> ўзидан ҳимоя қилишини сўрайман. Худолар шоҳид, мен бунга онт ичаман!

Стратониканинг кўзлари ёнди. У бир қўли билан қизнинг соchlаридан чангллади ва зарбаси нозик ва мўрт жисмни чилпарчин қилишга қодир ўнг қўлини кўтарди. Унинг ўзи шу нарсани ўйлаб қолди, шекилли, шаштидан қайтди, Нидияни девор томон сургади, илмоқдаги арқонни ушлади, – ҳайҳот! Кўшипча у шу мақсадда ишлатиларди ва бирпасдан кейин уйни қизнинг юрактешар, нолон қичқириғи тутди.

<sup>1</sup> Претор – қадимги Римда қонунлар чиқарувчи олий идора ва лавозим.

### III боб

## ГЛАВК ҚИММАТТА ТУШАДИГАН ХАРИД ҚИЛАДИ

— Салом, ботирлар! — деди Лелид ва бошини эгиб, Бурдон қовоқхонасининг пастак эшигидан кириб келди. — Келганимиздан мурод — қайси бирингиз ўз ланистига кўпроқ эҳтиром кўрсатишингизни кўриш.

Помисяда энг қувиоқ ва бой йигитлар бўлиб ташилган уч машҳур одамни қарши олгани гладиаторлар ўрииларида туришди — гладиаторларнинг обрўйи кўпроқ ана шуларга боғлиқ эди.

— Оббо йиртқичлар-ей! — деди Клодий Главкка, — Гладиатор бўлишга муносиб бари!

— Жангчи эмасликлари чакки-да! — жавобан деди Главк.

Зиёфатда озгина куандуз ёруғидан кўзларини қисиб, ҳаммомда эса ҳовур эпкинидан эҳтиёт бўладиган эркатой Лепиднинг, табиат хижолатли тантиқлик ва турмушдаги эпчилликни битта қилиб, барча хоҳишларни нўноқларча қоришириб юборган одамнинг энди бу қадар бетоқат бўлиб турганини кўриш марокли эди. У гладиаторларнинг кенг елкаларига ўзининг қиз боланикдай оппоқ қўллари билан шапатилаб қўяр, у бир умр ўзида жон-жаҳди билан тарбиялаб келган бу мардоналиқ олдида муайян ҳаяжонга чулғаинган холда уларнинг чўян мушакларини силар ва пайпаслар эди.

— Э-ҳа, Нигер! Нимада жанг қиласан? Ким билан жанг қиласан? — сўради Лепид.

— Мени Спор чақирган, — деб жавоб берди қовоғи солиқ барзанги. — Кон ва жонга мунитлашамиз.

— Бу турган гап, — минифирлаб деди Спор ва унинг кичкина кўзлари чараклаб кетди.

— У қиличини олади, мен эса тўр ва уч тишли найзани. Жанг зўр бўлади. Тирик қолган мўмайгина пул

олади ва ўз гулчамбарини муносиб тақиб юради, деб умид қиласан.

– Хотиржам бўл, биз хасислик қилмаймиз, азизим Гектор<sup>1</sup>, – деди Клодий.

– Шопма-чи! Демак, сен Нигер билан жанг қиласан-а? Главк, мен Нигерга қўяман.

– Мен чима дегандим! – деди Нигер тантанавор. – Азамат Клодий мени билади. Сен ўзингни ўлган деб билавер, меҳрибоним Спор.

Клодий мумланган пул дастасини чиқарди.

– Ўн минг сестерций қўяман. Нима дединг?

– Розиман, – деди Главк. – Хўш, бу ерда тағин ким бор? Мен илгари бу қаҳрамонни сира кўрган эмасман. – Шундай дея, у қўллари ўртогининг қўлларидан ингичкароқ, юзида эса касби ҳали ўчириб ташлашга улгурмаган нафосат ва ҳаттоки олийжаноблик сақланиб қолган йигитга қаради.

– Бу Лидон, янги. Шу шайтгача у фақат ёғоч қилич билан машқ қилиб келган, – деб жавоб берди Нигер хайрихоҳлик билан. – Аммо унинг томирларида асл қон оқади – у Тетраидни чақирган.

Лидон нафрат билан жилмайди.

– Йўқ, Тетраид мени чақирган, – деди уни тўғриларкан. – Мен эса унинг шўпласига чидаб турдим.

– Сизлар нима билан жанг қиласизлар? – сўради Лепид. – Сенинг ўрнингда бўлганимда, болажоним, Тетраид билан яккама-якка чиқишига шошилмаган бўлардим.

Лидон нафратли жилмайиб қўйди.

– У озодми ё қулми? – сўради Клодий.

– Озод. Биз ҳаммамиз бу ерда озод фуқаролармиз, – жавоб берди Нигер.

<sup>1</sup> Хомернинг «Илиада»сида тараннум этилганидай, Клодий гладиаторни юононларнинг троялилар билан ўн йиллик урушда Троянинг бош ҳимоячиси шоми билан ярми ҳазилярми чин тарзида атайди.

— Күлингни бер, азизим Лидон, — деди Лепид ўзини билағондек күрсатиб.

Гладиатор ўз ўртоқларига маңнодор нигоҳ ташлади, күлини чўзди, қўли гарчи бошқаларнидан ингичкароқ бўлса-да, мушаклари шу қадар қаттиқ ва кўришиши шунчалик чиройли эдик, учала меҳмон узокданоқ «Офарин!» деб юборди.

— Хўш, ошна, қанақа қурол билан жанг қиласиз! — сўради Клодий пул дастасини қўлида тутганча.

— Аввалига цестда<sup>1</sup>, кейин эса, агар икковимиз ҳам тирик қолсак, қиличда жанг қиламиз, — деди Тетраид қовофиши уйиб ва Лидонга ҳасадгўйларча назар ташлаб.

— Цестда! — деди Главк. — Сен хато қиласан, Лидон, цестда жанг қилиш — юнонча расм, мен уни яхши биламан, сен эса аввал этта кириб олишинг керак, сен жудаям озғисан. Цестга кўима.

— Иложим йўқ, — жавоб берди Лидон.

— Нега ахир?

— Айтдим-ку, у мени чакирган.

— Лекин у факт цест деб туриб ололмайди-ку.

— Виждоним шуни талаб қилади! — фурур билан эътиroz билдириди Лидон.

— Тетраидга цестда бирга қарши иккини қўяман, — деди Клодий. — Хўп дейсанми, Ленид? Қиличда эса бирга бир.

— Борди-ю, сен бирга қарши учни қўйганингда ҳам, мен барибир рози бўлмайман, — деди Лепид. — Иш қиличга бориб тақалгунча Лидон асфаласофилинга кетган бўлади. Йўқ-йўқ, ташаккур.

— Сен-чи, нима дейсан, Главк? — сўради Клодий.

— Розиман — бирга қарши уч.

— Ўнга қарши ўттиз минг сестерцийми?

— Кетади.

Клодий пул дастаси устига ракамларни ёзиб қўйди.

— Кечир мени, олийжаноб ҳомийим, — деди аста Лидон Главкка. — Хўш, ғолиб қанча олади?

<sup>1</sup> Цест — учида қўргонинли қайиш қамчи.

— Қанча дейсанми? Қанча бўларди, етти минг сестерцийдир-да.

— Озлик қилмасмикин?

— Аминман. Аммо нималарни эшитаяпман! Сенинг ўрнингда юонон пул ҳақида эмас, балки шон-шуҳрат ҳақида ўйлаган бўларди. О, италияликлар! Сизлар ҳар доим ва ҳамма жойда италияликлар бўлиб қолаверасизлар!

Гладиаторнинг қорача юзига қизиллик югурди.

— Мен тўғримда нотўғри фикрда экансан, азamat Главк. Мен шон-шуҳрат ҳақида ўйлайман, аммо пул бўлмаганида, мендан ҳеч қачон гладиатор чиқмаган бўларди.

— Муртад! Илоё, жасадинг майдонда қолсин! Очкўз қаҳрамон бўлмайди.

— Мен очкўз эмасман, — деди Лидон мағрур ва у ердан узоқлашди.

— Лекин мен Бурдонни кўрмаяпман-ку. Қани у? Мен у билан гашлашиб олиним керак! — деди Клодий.

— У аниви ерда, — Нигер хона тўридаги эшикка ишора қилди.

— Стратоника-чи? Бизнинг баҳодир кампиrimiz қани? — сўради Лепид.

— Сизлар келишларингдан бирнас олдин шу ерда эди. Бироқ қандайдир шовқинни эшитди-да, ўша ёққа чопиб кетди. Поллукс ҳаққи. Менга Бурдон орқа хонада қандайдир қизни ушлаб тургандек туюлаётувди. Мен унинг қандайдир йиғлаганини эшитдим.

— Воҳ! Мана буниси зўр бўлибди-ку! — кулди Лепид.

Шу он дард ва даҳшат тўла қаттиқ қичқириқдан ҳамма бир чўчиб туанди.

— Раҳм қилинглар! Раҳм қилинглар, мен ҳали кичкинаман, мен кўрман! Наҳотки бу сизга кам бўлса?

— О Паллада! Бу овозни мен танийман, бу менинг бечора гулчи қизим-ку! — деди Главк ва қичқириқ келган томонга отилди.

У эшикни лаңг очди ва Нидия дарғазаб кампир кўлларида тўлғанаётганини кўрди, қип-қизил қонга беланган арқон яна осмонга кўтарилди-да, бирдан ҳавода осилиб қолди.

— Фурия! — қичқирди Главк ва Нидияни Стратониканинг кўлларидан юлқиб олди, — бу қизни уришга қандай қўлинг борди, ахир у ёш бола-ку! Нидия, бечора гўдак!

— Оҳ, бу сенмисан, Главк? — деди қиз севинч билан, юзларидаги ёшлар бирдан қуриди, у жилмайди, йигитнинг қўксига ёпишди ва унинг кийимларини ўпди.

— Хой нотаниш кимса, озод аёл билан унинг чўриси ўртасига тушишга қандай ҳаддинг сиёди? Худолар ҳаққи, эгнингдаги қимматбаҳо туникаю сендан анқиётган хушбўйларга қарамай, сенинг римлик эканингта унчалик ишонмаяпман, азизим!

— Топиб айтди, бекажон, топиб айтди! — деди кинояли кулиб Клодий, Лепид билан бирга кириб келар экан. — Бу мепинг дўстим ва тутинган акам. Уни сенинг тилингдан ҳимоя қилиш керак, оғзингдан тошлиар тўкилади, холос.

— Чўримни бер бу ёққа! — бўкирди жанжалкаш кампир, кучли қўли билан юнонни итариб.

— Тушингни сувга айт, барча фурия сингилларинг сенга ёрдамга учиб келганларида ҳам олиб бўпсан, — деди Главк, — қўрқма, меҳрибон Нидия, афиналиклар ҳеч кимни балога гирифттор қилиб ташлаб кетмаганлар ҳали!

— Хой! — Бурдои истар-истамас столдан турди. — Аллақандай чўрини деб шунчашовқинми? Қоч, хотин, бунинг учун қўрқмас қизни кечирса бўлади.

Шундай дея, у ўзининг шаддод хотинини бир четга олиб борди, тўғрироғи, туртиб юборди.

— Биз бу срга кираётганимизда яна бир одам бор эди, шекилли? — деди Клодий.

— У кетди.

Вақтида қорасини ўчириш учун Исида коҳини (Кален) қулай пайтдан фойдаланиб қолганди.



— Бу опналаримдан бири, биз у билан күпшінча майхүрлик қиласыз, у ювони ва шовқипни ёктирмайды, — деди Бурдон құпполгина қилиб. — Бора қол, болам, агар бунақа ёспишаверсанғ, хұжайнингнинг туникасини йиртиб юборасан, бора қол, мен сени кечираман.

— Йўқ, мени таңлаб кетма! — деди Нидия афипаллика яна қаттиқрок ёспипиб.

Қизнинг аччик қисмати, илтижолари, ушинг инжа тароватидан таъсирланиб, юон дағал скамейкалардан бирига чўқди. Юзларидаги кўз ёнларини қуритганча у Нидияни ўпди, чақалоқни юпаттандагидек қулогига мингтacha юпанч сўзларини шивирлади. Шафқат туйғуси уни азбаройи чиройли кўрсатиб юборганидан ҳатто Стратониканинг тошдек юраги юмшаб кетди. У келиб, гўё бу ифлос ва жирканч пучмоқ мунаввар бўлиб кетгандек туюлди. Киз билан ёнма-ён турган бу ёш, хушрўй, сухсурдек йигит бамисоли тимсолга айланганди: замин барча эзгуликлар билан сарафroz эташ хужастафол зот баҳтиқаро қизалоқнинг дилига тасалли баҳш этаётир.

— Кўр қизимиз бундай шарафга ноил бўлади деб ким ўйловди! — деди кампир, пешонасидан терни сидириб.

Главк Бурдонга бурилди.

— Яхши одам, чўриш қўшиқни яхши айтади ва гулларга яхши қарайди. Мен уни бир хопимга совға қилмоқчимаш. Уни менга сот.

Шу сўзларни айтар экан, у шўрлик қизнинг суюнганидан титраб кетганини ҳис этди. Киз сапчиб турди, юзидаи тўзган соchlарини орқага олди ва гўё, ёпираи! — ростдан кўра оладигандек, атрофга алантглади.

— Нидияни сотар эканми? Ҳе, йўқ, — жаҳли чиқиб деди Стратоника.

Нидия чуқур ух тортиб, бошини қуий солди ва яна балогардонининг туникасидан тутди.

— Бўлмаган гап! — гап қотди Клодий амирона, — сизлар ганимни икки қилингига ҳаққингиз йўқ. Бу

қанақа ған яна? Мени ҳақорат қилиб кўринглар-чи, лабдалангизни чиқараман. Сен, Бурдон, қариndoшим Пансанинг мижози эканини биласанми? Амфитеатр ва унишг қаҳрамонлари учун соҳиб каромат эмасманми? Бир оғиз ғиринг деб кўринглар-чи, барча шаробли хумларингизни синдириб ташлайверинг – улардан бир томчи ҳам сотолмайсизлар. Главк, бу чўри сеники.

Бурдон энсасини қашиди, у қийин аҳволга тушиб қолганди ва алайно ошкор:

- Бу қиз менга олтиндан қиммат, – деди.
- Айт нархини, мен бойман, – деди Главк.

Қадимги италияликлар ҳамма нарсани сотишга тайёр эдилар, бир ғариб қиз унинг олдида нима деган ғап бўлибди, бу борада улар ҳозирги италияликлардан кам фарқ қиласар эдилар.

– Мен қизалоқ учун олти минг сестерций тўлаганман, энди эса у ўн икки минг сестерций туради, – бидирлаб деди Стратоника.

– Сенга йигирма минг бераман. Ҳозироқ преторнинг олдига борамиз, кейин эса пулни олгани меникига борасизлар.

– Жондан азиз Нидиямизни юз минг сестерцийга ҳам сотмас эдим, аммо мен азамат Клодийга бир хизмат қилмоқчиман, – деди Бурдон шикоятомуз. – Сен эса Панса билан ўйинлардаги мутасаддининг жойи ма-саласида гаплашасанми, танти Клодий? У менинг айни кўнглимдаги одам.

– Сенга пулни жарақлатиб санаб бераман, – деди Клодий ва шивирлаб кўшиб қўйди: – Бу юнон сени олтинга кўмиб юборади: пул дегани уникида ачиб ётибди, бу кунни оқ тошча билан белгилаб қўй, Приамим<sup>1</sup>.

– Хўш, бор-бараками? – сўради Главк, одатдаги савдо битипида бўлганидек.

- Бор-барака, – жавоб берди Бурдон.
- Демак... демак мен сен билан кетаманми? Қандай бахт! – пичирлади Нидия.

<sup>1</sup> *Приам* – Троя шохи, Гекторнинг отаси.

— Ха, гўзалим. Шу аснодан бошлаб сенинг энг оғир вазифанг Помшяянинг энг гўзал аёлига юони мадхияларини куйлаш бўлади.

Киз унинг қўлларидан сирпаниб чиқди. Бир зум олдин севинчдан порлаб турган унинг чехраси дарров ўзгарди, у оғир хўрсинди ва яна Главкининг қўлидан тутди:

- Мени уйингга олиб кетасан деб ўйлаган эдим!
- Ха, хозирча шундай бўлади. Қани, кетдик, вактим зик.

#### **IV боб**

### **БЕЧОРА ТОШБАҚА. НИДИЯНИНГ ТАҚДИРИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР**

Афиналикнинг ҳовлисидағи чоққина муаттар боғ узра тоғ қуёши чараклаб турибди. У текис қиришланган майсазорга тирсаги билан тиранниб ётганча ғамгин ўйга толган, юпқа шамсия уни жазирама қўёп нуридан ҳимоя қилади.

Қазиши мағнита боғдаги бу ажойиб уйдан у ерда яшаган тошбақа косасини топишган. Хилқат силсиласидаги бу ғалати ҳалқа, табиат атроф-теваракни суст ва ўйқусирағ идрок этишдан ташқари ҳаётнинг барча қувончларидан маҳрум этган мавжудот у ерга Главк ўйни сотиб олишидан кўп йиллар олдин келиб қолганди; бу воқеа шу қадар узоқ замонларда содир бўлган эдики, у одамзод хотирасидан аллақачонлар ўчиб кетган, аммо айтишларича, тошбақалар ҳаддан ташқари узоқ яшар экан. Уйни қурғанлар, кейин қайта қурғанлар, унинг эгалари ўзгараверган ва ўлиб кетаверган, тошбақа эса аста-аста судралиб юраверган ва бепарво-бесам яшайверган.

Биз тасвирлаётган вақтдан ўн олти йил муқалдам рўй берган зилзила шаҳарнинг кўп уйларини вайрон қилган ва одамларни қўрқитган, ҳозир Главк яшаётган уй қаттиқ зарар кўрган. Одамлар узоқ вақт уни таш-

лаб кетишган, қайтиб келиб улар тагида борни кўмиб ётган харобаларни тозалаганлар ва у ерда соппа-соғ ва бус-бутун тошбақани топганлар, тошбақа шўрлик атрофда қанақанги вайронгарчиликлар содир бўлганини билмаган ҳам<sup>1</sup>. Афтидан, у ўзининг муздай қони ва суст ҳаракатлари билан жодулаб қўйилган бўлса, не ажаб; аммо у биз ўйлаганчалик у қадар фаолиятсиз бўлмаган; бир маромда ва муттасил олга ўрмалаб кетаверган; қаричма-қарич у ўзининг кичиккина меҳвари бўйлаб айланаверган, ҳар бир айланани босиб ўтгунича неча-неча ойлар ўтган.

Бу тошбақа тушмагур чарчашиб нималигини билсайкан! Ўзи танлаган йўлдан у сабр-тоқат ва қийинчилик билан ҳаракат қиласуф сингари теварак-атрофдагиларга асло парво қилмаган. Унинг мағрур танҳолигида қандайдир улуғворлик бор эди! Уни иситган қуёш, уни ҳўллаган ёмғирлар, у нафас олган ҳаво унинг ягона қувончлари бўлган эди. Бу илиқ иқлимдаги йил фаслларининг сезилмас алмашинуви уни ташвишга солмаган. Уни коғаси ҳимоя қилар эди, авлиёни – ўзининг тақвоси, дошишмандни – ўзининг донолиги, ошиқни дилидаги умид ҳимоя қилгани каби.

Тошбақа ўзгаришлар ва замона қасирғаларини идрок этмасди, унинг ўзи вакт тимсолидек бўлиб қолганди – секинлик, событқадамлик ё мангалик, бандаларга хос эҳтирослардан, ҳаяжонлардан ва толикишдан бегоналик тимсоли. Бечора тошбақа! Отилган вулқон ва ёрилган тупроқ ларзаларидан бошқа ҳеч нарса ҳаётингнинг эринибгина яллигланаётган учқунини ўчира олмас эди. На тароват, на нафосат аяб ўтирадиган муқаррар ўлим уни арзимаган ўзгаришдек деб билган бу маҳлуқни пайқамай, ёнидан ўтиб кетаверган.

Бу тошбақа қизиқкон ва тетик юонни ҳам ҳайратга солди, ҳам раҳмини келтирди. Унинг секин-се-

<sup>1</sup> Эҳтимол, билгандир. (*Тарж.*).

кин ўрмалашларини у соатлаб томоша қилар ва унинг тақдири ҳақида ўй суро олар эди. Севинган чөгларида уни ёмон кўрар, қайғуга боттанида эса унга ҳаваси келарди. Ҳозир ҳам майсазорда ётар экан, афиналик унинг кўз билан илғаб бўлмайдиган даражада ҳаракатланаётганига қараб турар экан, ўзига ўзи дерди:

«Косангни ёраман деб бургут чангалидан тошни туширди, аммо тош шоирнинг бошини мажақлади<sup>1</sup>. Қисмат шунаقا! Ох, нодон мавжудот! Сенинг отанг ва онанг бўлгандир, балки кўп асрлар илгари дўстинг бўлгандир. Қачонлардир ота-онанг сени ёки сен уларни севгандирсан? Эринг билан ёнма-ён ўрмалаб кетаёттагинингда томирларингдаги эринчоқ қон тезроқ юурганми ҳеч? Кўнгил қўйишга қобилияting бўлганиди? Эринг ёнингда бўлмаганидан кам чекканмидинг? Унинг борлигини ҳис этганимидинг? Сенинг тош кўксинг сирини билиш, пинҳоний хоҳишлирингни кўриш, сен учун қайғуни севинчдан ажратиб турувчи қилдай ингичка фарқни англаш учун жонимни берган бўлардим! Сен эй, тошбақа, агар Иона келиб қолса, унинг борлигини сезган бўлардинг! Шабада каби, қуёш ҳарорати каби унинг яқинлашганини ҳис этардинг. Ҳозир мен сенга ҳавас қилаяпман, зоро, сен унинг бу ерда йўқлигини билмайсан, мен эса... уни кўрмаган вақтимда сенга ўхшай олганимда эди! Мени қанақанги шубҳалар, қанақанги гумонлар таъқиб қилмаяпти! Нима учун у мени кўришни истамайди? Бу қизнинг овозини эшитмаганимга неча кунлар бўлди. Ҳаёт бирипчи марта мэнга шафқатсизлик қилди. Мен бамисоли базм охирида бир ўзим қолгандайман, шамчироқлар ўчирилган, гуллар сўлган. Эҳ Иона, сени қанақанги севинчимни билганингда эди!»

Ошиқ Главкнинг бу ўйларини Нидия узиб юборди. Енгил ва эҳтиёткорона одимлар билан у мармар

<sup>1</sup> Буюк юонон драматурги Эсхилнинг ўлими ҳақида шундай ривоят бор (эрмизгача V аср).

дахлиздан, кейин пептоқдан юриб ўтди, кейин эса бориб бөгөн ўсган гуллар олдида түхтади. Унинг құлларида сувли идиш бор эди ва гүё унинг келишидан жоңлаш-тандек бўлган ташна ўсимликларга сув қуиди. Уларни ҳидлаш учун қиз энгашди. У гулларга қўрқибина ва эркалаб қўлларини теккизди. Қуриган шох-шабба ёки ҳашарот уларнинг гўзаллигига путур етказмаганига ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг пояларини пайпаслаб кўрди. Фикрини бир жойга тўплаб, назокат ила у гулдан-гулга ўтар экан, боғ маъбудаси учун бундан муносиброқ хизматни тасаввур этиб бўлмасди.

– Нидия, оппоғим! – чақирди уни Главк.

Йигитнинг овозини эшитиб, қиз жойида қотиб қолди, ҳатто нафас олмай, қизариб, қулоқ сола бошлиди. Унинг лаблари хиёл очилди, боши овоз келган тарафга бурилди. Кейин у сувли идишни қўйди-да, чақириқ томон опиқди; ўзининг янги хўжайини томонга энг қисқа йўл билан гуллар оралаб қандай бехато юриб ўтгани ажабланарли эди.

– Нидия, – деди Главк, қизнинг узун ва майин сочларини меҳр билан силаркан, – мана, уч кундирки, сен менинг муҳташам кошонамда яшаётисан. Уй-жойим сенга ёқдими? Булар сенга кулиб қарашаяптими? Ўзингни бу ерда яхши ҳис этаяпсанми?

– Ажойиб, – жавоб берди чўри хўрсишиб.

– Энди эса, – давом этди Главк, – олдинги ҳаётинг ҳақидаги оғир хотиралардан бироз ўзингга келганингда, сарвдек қоматингга ярашган кийимларинг бўлганида, – шундай дея у қизнинг канталик туникасига қўлини текизиб қўйди, – энди, яхшиликка ўргана бошлаганингда, азизим, худолар сени ярлақасинлар, биргинча менга хизмат қилиб юришингни хоҳлар эдим.

– Айт, сен учун мен нима қила оламан? – сўради Нидия, қўлларини қисиб.

– Қулоқ сол, – деди Главк, – гарчи сен ҳали ёш бола бўлсанг-да, аммо яқин сирдошим бўласан. Ҳеч Иона ҳақида эшитганимисан?



Кўр қиз сесканиб тушди ва хиёбонда яркираб турган ҳайкалларнинг биттаси каби оппоқ оқариб кетди, биршас сукут сақлади-да, кейин базур жавоб қайтарди:

– Ха, эшитгандим, у неаполлик экан, жуда сулув экан.

– Сулув! Унинг ҳусни таважжуҳи қуёшни хира қиласи! Неаполлик! Йўқ, у келиб чиқиши бўйича юони қизи. Факат Юнонистонгина бундай бекаму кўстликни яратса олади. Нидия, мен уни севаман!

– Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, – деди Нидия хотиржам.

– Мен уни севаман ва буни сен унга айтишинг керак. Толеи улуғ Нидия, сен унинг оромгохига кирасан, унинг овозини эшитасан, унинг ҳароратли нурларида исинасан!

– Нима! Наҳотки мени унинг ҳузурига юбормоқчи бўлсангиз?


– Ха, сен Иона ҳузурига борасан, – деди Главк гўё: «Яна нимани исташинг мумкин», демокчи бўлган оҳангда.

Нидия йиғлаб юборди. Главк ўрнидан турди, уни ўзи томон тортди ва оғаларча тасалли бера бошлиди:

– Нидия, қарофим, сен йиғляйсан, сени қанақанги баҳт кутиб турганини билмайсан. У меҳрибон, қувноқ, баҳор шабадасининг ўзи. У сенга она бўлади, истеъододингни қадрлайди, бошқа ҳеч кимда бўлмаган соғлигинг, соддалигинг учун сени севиб қолади, чунки сенга бу соддалик сут билан кирган... Сен ҳали ҳам йиғляйсанми, нодон қиз? Мен сени мажбур қилмайман. Хўш, менга ўтугина хизматни бажо келтирасанми?

– Агар сенга хизмат қилиш қўлимдан келса, буюр. Кўриб турибсан-ку, мени бошқа йиғламаяпман, энди тинчман.

– Кошки Нидияни билмасам, – деди Главк, унинг қўлинини ўпиб. – Демак, Ионаникига йўл оласан. Агар унинг самимийлигидан ҳафсаланг пир бўлса, агар мен сени алдаган бўлсам, хоҳлаган вактингда қайтиб





келавер. Мен сени унга инъом қилмайман, фақат вактингчаликка бериб тураман, холос. Менинг уйим сен учун ҳамиша очиқ, азизим. Эх, бу уй барча ёлғизлар ва шўрпешоналар учун ошиён бўлганида борми! Бирок, борди-ю, юрагим менга ҳақиқатни айтса, мен тезда сени яна чақириб оламан, гавҳарим. Иона билан иккимизнинг умумий уйимиз бўлади ва сен биз билан яшай бошлайсан.

Кўр қизнинг бадани жимиirlаб кетди, аммо у бошқа йиғламаётганди – у тақдирга тан берганди.

– Бор, Нидия, сени Ионанинг хузурига олиб бориб кўйишади. Унга ўзинг энг сара ва чиройли гуллардан олиб бор. Мен гулдон бераман. Уларнинг ҳеч нимага арзимаслиги учун кечирим сўра. Ҳа, кеча мен сенга совға қилган кифарани ўзинг билан олиб ол, – ахир ундан ажойиб қўйлар чиқара оласан-ку. Ионага мана бу мактубни бер, унда мен бир амаллаб фикрларимни ифодалаб берганман. Унинг овозини, овозидаги ҳар бир пардани ипга, кейин эса, бизлар яна кўришганимизда, қандай ва қанақа бўлишига қарамай, менга ҳақиқатни сўзлаб берасан. Неча кун бўлдики, Нидия, Иона мени кўришни истамаяпти. Бунда қандайдир сир бор. Шубха ва қўрқувлардан абгор бўлдим. Суриштир, чунки сен акллисан, менга ёрдам бермоқчисан, бу сенинг зийраклигингни ўн баробар оширади, бундай бераҳмлик сабабини суриштириб бил. Мен ҳақимда унга иложи борича кўпроқ гапир, оғзишдан менинг исмим сира тушмасин. Менинг севгим ҳақида унга ишоралар билангина гапир. Шунда у хўрсинадими, йўқми, сенга жавоб берадими, йўқми, эътиборга ол. Борди-ю, у мендан ёзғира бошласа, қанақа оҳангда ёзғиришини эслаб қол. Менинг дўстим бўл, мендан аччиқланмаслигини ёлбориб сўра. Сенга қилган озгина нарсам учун қанчалик саховат билан тўлов тўлашингни билсанг эди! Сен мени тушунаяпсанми, Нидия? Сен ҳали ёш боласан, балки гапимни тушунмаётгандирсан?

– Тушуниб турибман.

— Мен учун шундай қиласанми?

— Ха.

— Гул узиб бўлганингда, олдимга кел, мен сенга гулдои бераман. Сен мени Ледапинг хонасидан топасан. Хўш, гўзалим, ортиқ ғамгин бўлмайсанми?

— Главк, мен чўриман, мен ғамга ботишм ё кувонишм мумкин эканми?

— Нималар деяпсан! Йўқ. Нидия, ўзингни эркин тут. Мен сенга эркинлик ҳадя қилаяпман, ундан истаганча фойдалан ва менга ёрдам бериш истагингга умид қилаётганим учун кечир.

— Сен хафа бўлма! Ох, эркинликинг барча яхшиликлари учун мен сени хафа қилармидим, Главк! Менинг халоскорим, ҳимоячим, бу шўрлик кўр қизни кечир! Борди-ю, у сенинг баҳтингта ёрдам бера олгудек бўлса, сен билан ажрапиши ҳам кўнглимни чўқтиргмаган бўларди.

— Сенинг дарёдай қалбинг учун худолар сенга ажру мукофотлар бергай! — деди Главк, чуқур таъсирланган ва қандай олов ёққанига шубҳа қилмаган ҳолда; сўнг у яна қизнинг манглайидан ўпиб қўйди.

— Сен мени кечираётисан, — нидо қилди Нидия, — бўлди, эркинлик хақида бошқа ганирма. Сенинг чўринг бўлиш — менинг баҳтим! Мени ҳеч кимга бермасликка ваъда қилгансан, ахир.

— Ха, ваъда қилганман.

— Энди мен бориб, гул терай.

Нидия индамай Главкнинг қўлидан, қимматбаҳо, жавоҳиротлар қадаб зийнат берилган гулдонни олди. Йигитнинг овози тингач, жавоб беришдан кўркиб, қизгина тараддулланди, Главкнинг қўлинин топди-да, уни лабларига олиб борди, юзига чодири учини тушириб, тез у ердан кетди. Бўсағада у яна тўхтади, қўлларини ёйиб, шивирлаб ганирди:

— Остонангни ҳатлаб киргашимдан буён уч фараҳли кунни, севинчимни ифода этиб бўлмас уч кунни ўтказдим, эй муборак остона! Сендан осудалик ҳеч

қачон аримасин! Энди эса юрагим пора-пора бўлиб кетаётир ва биргина сўзни такрорлаётир: «Ўл!»

### V боб

## ТОЛЕИ ПОРЛОҚ СОҲИБЖАМОЛ ВА НОГИРОН ЧҮРИ ҚИЗ

Хизматкор қиз Ионанинг оромгоҳига кирди-да, Главк юборган бир қиз ичкарига киришга изн сўраётганини маълум қилди.

Бир зум Иона иккиланди.

— У кўзи ожиз, — деди капизак, — сендан бошқа ҳеч ким билан гаплашмоқчи эмас экан.

Фақат насткаш одамларгина бирорвлар баҳтсизлиги-га бефарқ бўладилар. Келган қиз кўрлигини эшитгани ҳамон Иона уни совуқ кутиб олиш мумкин эмаслигини англади. Главк элчи танлашда ғоят устомонлик қилганди — уни менсимаслик ҳам, илтимосини рад этиш ҳам мумкин эмасди.

«У мендан нима истайди ўзи? Қиздан қанақа тошириқ бериб юборди экан?»

Ионанинг юраги дук-дук уриб кетди. Эшиклардаги пардалар тортиб очиб қўйилган эди, мармар фаршдан юрган қадам товушлари эшитилди: чўрилардан бири қўлларида қимматбаҳо совға ушлаб олган Нидияни етаклаб кирди.

— Кўзи ожиз қиз қайси томон қадам ташлашни ва мана бу инъомни унинг пойига қўйишини айтиш учун олийжаноб Иона бир оғиз бир нима дейишнираво кўргайми?

— Моҳпора қизалоқ, — таъсирланиб деди Иона, — сирпанчиқ фаршдан юриб келишингга ҳожат йўқдир, сен менга беришинг керак бўлган нарсани чўриларим олиб келишади. — Шундай дея у чўриларига гулдонни олишга ишора қилди.

— Йўқ, бу гулдонни фақат сенинг ўз қўлларингга бера оламан, — деди Нидия.

Овоздан йўлни тусмоллаб, у Ионанинг олдига борди, унинг рўпарасида чўк тушди-да, гулдонни узатди.

Иона гулдонни олди ва уни пойидаги хонтахтага кўйди. Кейин қизни меҳрибонлик билан турғазди-да, уни ўзи билан ёнма-ён ўтқазмоқчи бўлди, аммо Нидия беозоргина қаршилик кўрсатди.

— Ҳали топширикни бажарганимча йўқ, — деди у ва кийими остидан Главкнинг мактубини чиқарди. — Балки бу мактуб Главкнинг нима учун Ионага бундай номуносиб элчи танлаб жўнаттанини тушунтириб берар.

Неаполь қизи хатни олди ва Нидия унинг бармоқлари титраётганини дарров сезди. Кўлларини қовуштириб, бошини солинтирган кўйи Нидия мағрур соҳибжамол рўпарасида тик туарди, эҳтимол, ўзининг тавозели қиёфасида ҳам фуур бундан кам эмасди. Иона имо қилди ва чўрилар чиқиб кетишиди. У яна ёш элчи чўрига ҳайрат ва ҳамдардлик билан қараб қўйди, сўнг ундан сал нарига бориб, хатни очди ва ўқий бошлади:

«Главкдан Ионага. Ушбу номадан кўра яхшироқ тилакларимни юборгаймен. Тобинг қочиб қолмадими? Ка-низакларинг айтишича, соппа-сор экансан ва бу менга таскин беради. Балки сени билиб-билмай хафа қилиб қўйгандирман? Эҳ, бу ҳақда улардан сўраш бефойда! Мана, беш кундирки, сени кўриш баҳтидан бенасибман. Куёш чиқаяптими? Билмайман. Осмон мусаффоми? Бўлса бордир, аммо менга ундей эмас. Менинг қуёшим ҳам, осмоним ҳам сенсан, Иона. Наҳотки мендан хафа бўлгансан? Нималар дебман сени хафа қиласиган? Тилим айтишга журъат қилмаган гапларни шу мактубда баён этами? Ҳайхот! Сен ёнимда бўлмаганингда сенинг қалбимга ҳукмронлигини кўпроқ ҳис этаман. Мени баҳтимдан жудо қилган фироқ эса менга жасорат бағишлайди. Сен мени кўришни истамайсан, атрофингда гирдикапалак бўлиб юрган барча шайдоларингни ҳайдаб юбординг. Наҳотки мени ўшалар билан тенг тутасан? Шунаقا ҳам бўладими? Менинг унақа эмаслигимни сен яхши биласан. Зеро, мен хеч нимага арзимас

бўлганимда ҳам гул атри вужудимга сингиб кетган, мен сен билан тўқисман, сен туфайли ўзимни табаррук, кутлуг ҳис этаман, менга илҳом бағишлайсан. Мени сенга хўп ёмонлашганга ўхшайди, Иона! Аммо сен фийбатларга қачондан бери ишонадиган бўлиб қолдинг? Агар Дельфа башоратчисининг<sup>1</sup> ўзи сени ёмон хотин деб эълон қилганида ҳам мен унга ишонмаган бўлар эдим, ахир мен сендан кўра ҳам ишонувчанроқман-ку. Бизнинг охирги учрашувимизни, сен куйлаган қўшикни, менга қараган кўзларингни эслайман. Қалбларимизда қандайдир яқинлик бор, Иона. Буни яшириб бўлмайди, гарчи тилларимиз сукут сакласалар-да, кўзларимиз буни тан олиб турибди. Хузурингта борай, сўзларимга қулоқ сол, кейин эса истасанг ҳайдаб юбор. Сени севишимни дабдурустдан айтмоқчи эмас эдим. Аммо ушбу эътироф юрагимни тўлиқтириб юборди, юрагим нидоси қулогимгача етиб бориши турган гап. Таитана-вор онтимга ишонсанг-чи, Иона! Бизлар биринчи марта Паллада эхромида учраштан эдик, наҳотки биз эзгу ва қадимий меҳроб ёнида бошқа қўришмасак...

Сенга мактубни олиб борган киз бизларга ўхшаб бу ерда мусофири. Аммо шўрлик Нидия биздан баҳти-каророқ – у сўқир ва озод эмас. Қисмати шўрлигини юмшатиш умидида уни ўзингта олишингни илтимос қиласман. У оққўнгил, ақлли ва хушчақчак, яхшигина хонанда ва кифарани боилаб чалади. Бундан ташқари, у гулларни яхши кўради, Флориданинг ўзи. Сен уни севишингдан умидвор у, Иона. Борди-ю, у сенга ёқмаса, ўзимга қайтариб юбор.

Яна бир гап. Қўполлигимни кечиргин-у, аммо нима учун сен анови тунд мисрликни бунчалик ҳурматлайсан? Биз, юнонлар, одамларни билишда устаси франглармиз. Гарчи биз атайлаб қовоқ уйиб юрмасакда, бу бизнииг жиддийлигимизга путур етказмайди.

<sup>1</sup> Аполлон маъбудининг Дельфа ибодатхонасидағи башоратчи – (Ўрта Юнонистон) қадимги дунёнинг сал бўлмаса энг ҳурматли ва эътиборли қарғишилар гўяндаси ҳисобланган.

Бизниг лабларимиз кулиб туради, аммо кўзларимиз қаттиқ қарайди – улар ҳамишта очик туради. Арбакка кўр-кўронга ишониш ярамайди. Балки у менга роса лой чаплагандир? Бундай ўйлаётганимнинг сабаби, ўшанда у хузурингда қолган эди, менинг у ерда эканимни кўриб, унинг қанақа ҳолга тушганини ўзинг кўрдингку, ўшандан буён мени ўзингта яқинлатмай кўйдинг. Унинг сафсаталарига ишонма, агар ишонгудек бўлсанг, тўғрисини айтавер, зоро, нима бўлса-да, Главк буни сендан талаб қилишга хақли. Хайр! Бу мактубга сенинг қўлларинг тегади, кўзларинг бу сўзларни ўқийди... Наҳотки бу сўзларни ёзгандан баҳтлироқ бўлса? Яна бир марта хайр!»

Хатни ўқиб бўлгач, Иона бирдан кўзи мошдек очилгандай бўлди. Главкни нимада айблашганди? Унинг қизни севмаслигидами? Энди бўлса у тўғридан-тўғри, ҳеч бир иккиланмасдан севгисига икрор бўляяпти. Шу ондан бошлаб қизниг ўй-хаёли япа у билан банд бўлди. Унинг мактубидаги ҳар бир сўз нақадар самимий. Унинг мактубидаги жозибали ва қизғин эҳтирос тўла ҳар бир латиф сўз юрагига аччиқ таъна бўлиб ботди. У йигитнинг садоқатига шубҳа қилдими, бопқанинг гапига ишондими? У севгилисини ҳар қандай айбор эга бўладиган хукуқ – ўз айбига икрор бўлиш, ўзини ҳимоя этип хукуқидан маҳрум қилиб кўймадимикан? Унинг кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди, у мактубни ўнди ва уни кўкраги ичига яширди, сўнг ҳамон ўша алпозда турган Нидияга ўгирилиб, деди:

- Жавоб ёзгунимча ўтира тур, жоним.
- Демак, жавоб бераяпсан, – деди Нидия маъюс оҳангда. – Начора. Мени бу ерга бошлаб келган чўри қиз мактубингни олиб боради.
- Сен эса мен билан қоласан, – қатъий деди Иона. – Кўркма, сенинг вазифанг оғир бўлмайди.

Нидия бошини эгди.

- Исминг нима, гўзал қиз?
- Нидия.



— Қаерликсан?

— Олимлар юрти — Фессалияданман.

— Биз сен билан дўст бўламиз, — меҳр билан деди Иона. — Сен қарийб менинг ватаандошим экансан. Илтимос сендан, бу муздай мармарда турма... Мана, бўлди, сен ўтира тур, бирпас сени шу ерда қолдирман.

«Ионадан Главкка саломлар бўлсин. Эртага ҳузуримга кел, Главк, — деб ёзарди Иона. — Мен нотўғри иш қилган бўлсан, эҳтимол, аммо энди сенга қандай айб тақашаётганини тушунтириб берсам бўлаверади. Мисрликдан бошка кўрқма... Мактубингда жуда кўп гапириб юбордим, деб ёзибсан. Афсус! Ушбу қисқа сатрларда мен ҳам ўша гапларни айтдим. Хайр!»

Устидан қайта ўқимай туриб (эҳ, бу муҳаббатнинг одатдаги шошқалоқлиги, одатдаги қўрқуви!) Иона мактуб билан қайта кириб келганида Нидия ўрнидаш турди.

— Главкка хат ёзиб бўлдингми?

— Ҳа.

— Хатингни элтиб берган одамдан у миннатдор бўладими?

Кизнинг кўрлигини Иона унуглан эди; унинг вужудини аланга олди ва лом-мим демади.

— Мен айтмоқчи эдимки, — у озгина совуқ гапдан хафа бўлади, озгина илиқ гапдан суюниб кетади. Агар хатинг уни хафа қилса, уни чўри олиб бора қолсин, борди-ю, ундан бўлмаса, бу ишни менга қўйиб бер... мен бугун шомдаёқ қайтиб келаман.

— Менинг мактубимни нима учун сен олиб бормоқчисан, Нидия? — сўради Иона.

— Демак, тўғри топибман, — деди Нидия. — Бошқача бўлиши ҳам мумкин эди! Главкни хафа қилишга кимнинг ҳадди сигарди?

— Жонгинам, — деди Иона олдингидан кўра ўзини босиқ тутиб, — шундай куюниб гапирайсанки, демак, сен Главкка бефарқ эмас экансан-да?

— Муҳтарама Иона! Главк менга худолар ва қисмат қизғангап нарсани берди: у менинг дўстим бўлиб қолди!



Нидиянинг оғзидан чиққан бу сўзлардаги ғамгин нафсоният гўзал Ионага қаттиқ таъсир қилди. У эгилди-да, қизни ўпид қўйди.

— Сен ўзингнинг қадрингта етишни билар экансан. Мен ҳам хижолатсиз айта оламанки, Главк сенинг миннатдорлигингта муносаб одам! Бор, азизим Нидия, олиб бор унга ушбу мактубни, аммо кейин қайтиб кел. Агар мен уйда бўлмасам — бугун кечқурун мен кетишум керак — сенга ёнимдаги хонани тайёрлаб қўйишади. Нидия, менинг синглим йўқ, синглим ўрнини боса оласанми?

Нидия Ионанинг қўлини ўпди ва хиёл ийманиб деди:

— Сендан бир муруват қилишингни сўрасам бўладими, Иона?

— Истаган нарсангни сўрайвер, — жавоб берди неаполлик қиз.

— Айтишларича, сен ҳусида tengsiz эмиисан. Ҳамманни ҳайратга солган нарсани мен кўришдан маҳрумман. Юзингга қўлимни теккизишга изн берсанг — фақат шу йўл билан мен гўзалликни ўзимча тасаввур этаман ва одатда адашмайман.

Жавобни кутиб ўтирамай, у қўлини аста ва майин холда Ионанинг чўзиққина юзидан юргизди. Унинг шакли биз учун фақат биргина ижодда сақланиб қолган — бу Ионанинг она шахри — Неаполдаги шикаст еган, аммо барчани ҳайратга солган қадимги ҳайкал эди; бу Парос мармаридан ясалган ҳайкал бўлиб, унинг олдида флоренциялик Венеранинг бутун гўзаллиги бир пул ва ўзгармас эди<sup>1</sup>. Бундай уйғунлик ва ёшлиқ тароватига тўлган, тафаккур билан йўғрилган ва рухлантирилган бу ҳайкални замонавий олимлар Психеянинг тасвири деб атайдилар.

<sup>1</sup> Флоренцияда сақланадиган бу ҳайкални одатда Медицелялик Афродита (ёки Венера) деб аташади, яъни Медицига қарашли. Парос — Юнон архипелаги оролларидан бири бўлиб, у ердан оппок мармар қазиб олинади.

Нидиянинг кўли тасма билан боғланган сочда ва силлиқ манглайда бир зум тўхтади, чукурчалари бўлган нафис кизил ёноқлардан сирғалди, ундан нозик лаблар ва оппоқ оққушсимон бўйнидан юриб ўтди.

— Сенинг гўзаллигинги мен энди биламан, — деди Нидия. — Мени қуршаб турган зулмат ичида чехрангни ўла-ўлгунча ёдимда сақлаб қоламан.

Нидия кетгач, Иона ширип орзуларга берилди. Демак, Главк уни севади, буни у тан олди, ха, у севади. Иона яна бебаҳо мактубни чиқарди. У ҳар бир сўзини қайта-қайта ўқиб, ҳар бир сатрни ўниб чиқди. Иона ўзига ўзи Главкка нима учун тухмат қилишди, дея савол бермаса-да, аммо ўзи бунга амин эди. Тухматнинг ҳатто бир сўзига у қандай ишона қолди? Мисрликнинг Главкни ёмонлашига нега жим қараб турди? Унинг вужуди муздай бўлиб кетди, Арбак борасидаги Главк огоҳлантириб айтган гапларни қайта ўқиди ва бу тунд одам олдидаги сирли кўркув даҳшатга айланди. Арбакнинг олдига бориш вақти бўлганини айтгани келган чўрилар унинг хаёлини бўлди. Иона сесканиб тушди — унинг олдига бориш кераклигини у эсидан чиқарганди. Унинг биринчи хоҳиши уйда қолиш эди; иккинчи — ёруғ дунёдаги энг кекса дўстларидан бири олдида кўркиб туришидан қутулиб олиш. У наридан-бери тақинчоқларини тақди ва Главкка қарши айловлари ҳақида мисрликдан батафсилоқ суриштириб олайми ёки исмини тилга олмасдан, аввал ҳаммасини Главкка сўзлаб берайми, дея иккиланганча у Арбакнинг танҳо уйи томон йўл олди.

## VI боб

### **ИОНА ТУЗОҚҚА ТУШАДИ. СИЧҚОН ТЎРНИ КЕМИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ**

— Азизим Нидия! — ҳаяжон ила деди Главк. Ионанинг мактубини ўқиб чиқиб. — Сен менинг ёруғ оламдаги энг яхши даракчимсан, сенга қандай мукофот берсам экан?

— Мен мукофотни олиб бўлдим, — деди бечора қиз.  
— Эртага! Эртага! Эртагача қандай яшайман?

Гарчи Нидия исча марталаб йўлга тушинга ҳозирлик кўрган бўлса-да, ошиқ юон учи сира қўйиб юбормаётганди. У қизнинг ногиронлигини ҳам унутиб, Иона билан кечган қиска сухбатини қайта ва қайта хикоя қилиб беринига мажбур этар, севгилимининг авзойи қанақа, юзи қанақа эди деб саволлар берар, сўнг шошиб кечирим сўрар эди-да, кейин, эх, сўзингни бўлиб қўйдим, ҳаммасини бошқатдан айтиб бер, деб ўтинар эди. Нидия учун бу азобли соатлар йигит учун бамисоли шодлик қанотларида парвоз қилиб келгандек эди. У қизни янги мактуб ва гуллар билан Ионанинг хузурига қўйиб юборганида қош қорая бошлаган эди.

Нидия кетини билан уйга Клодий ва унинг бир нечта қувноқ улфатлари бостириб киришиди. Улар Главкка ҳазил қиласар эдилар, чунки у бутун кунни дарвешлардай ўтказгап ва одатдаги дилхушликларда иштирок этмаганди, кун ва туннинг ҳар бир соатида хушчакчақлик килиш мумкин бўлган ўша ерга уни тинмай чақиришар эди. Ўша замонларда, дарвоқе ҳозир ҳам (зеро бу қадар қадимиј улуғворлигини йўқотган биронта мамлакат шунчалик қадимиј урф-одатларини сақлаб қолмаган) Жанубий Италия ахолиси оқшомлари аркларнинг пештоқлари остида ёки кўчаларда ўсган дараҳт соялари остида тўпланишни ва мусиқа ёки биронта абжир баҳшининг ҳикояларини тинглаб майхўрлик қилипни ва қўшилар билан Ойни қаршиланини севар эди.

Танҳо қолганида Главк ўзини беҳад баҳтиёр ҳис этарди. Унинг вужудини тўлдирган шодлик йўл топишни талаб этарди. У дўстларининг таклифига жон-жон деб рози бўлди ва улар қула-қула одамлар гавжум ва чароғон кўчалардан юриб кетишиди.

Бу орада Нидия кетганига анча бўлган Ионанинг уйига қайтиб келди. У бефарқ ҳолда бекачининг қаёққа кетганини сўради. Бироқ жавобни эшитиб, у сесканиб тушди.

— Арбакнинг олдига? Мисрликнинг олдигами? Бўлиши мумкин эмас!

— Ха, шундай, қизгина, — деди Нидия мурожаат қилған кул. — Иона уни анчадан бери билади.

— Анчадан бери! О, худолар, Главк эса уни севади! — шивирлади Нидия. — Бекач унинг олдига тезтез бориб турармиди? — сўради у қиз қуи овозини баландлатиб.

— Шунгача бир марта ҳам бормагаңди, — жавоб берди қул. — Помпейда бу одам ҳақида юрган мудҳизиц миш-мисплар рост бўлса, — Ёш бекачнишг у ёққа бориши умуман яхши эмас. Бироқ шўрлик бескачимиз биз эшитган гапларнишг биронтасидан бехабардир: вестибулда айтилаётган гаплар бир марта ҳам перистилда эшитилмади.

— Бир марта ҳам! — такрорлади Нидия. — Бунга ишончининг комилми?

— Бўлмаса-чи, гўзалим. Аммо сен билан биз нима ҳам қила олардик?

Нидия иккиланди, кейин эса Ионага бериши керак бўлган гул ва қолганларни қўйиб, унга ҳамроҳлик қилған қулии чақирди ва ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтмай, кетди.

Главк уйига олиб борадиган йўлтинг ярмига етганда-гина Нидия эшитилар-эшитилмас қилиб минирлади:

— Ўз бошига не хатарлар сотиб олаётганини билмайди, билиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қанча нодон бўлмай, мен уни кутқараман! Чунки мен Главкни ўзимдан ҳам ортиқ севаман.

У афиналикнинг уйига қайтиб келганида, Главк дўстлари билан аллақаёққа кетганини ва эҳтимол яrim тунсиз қайтмаслигини айтишди.

Нидия «оҳ» тортиб юборди. У ўриндикқа чўкди ва безовта фикрларини бир жойга тўплаш учун юзи ни қўллари билан ёпди. «Вақтни ўтказмаслик керак», ўйлади у, ўрнидан турди-да, қулга қараб деди:

— Айт-чи, Помпейда Ионанинг қариндош-уруғлари ёки яқин одамлари борми?

— Юпитер ҳаққи! — жавоб берди қул. — Наҳотки ростданам шунчалик нодон бўлсанг? Ионанинг ёш ва бой акаси, аҳмоқлигидан Исидалинг коҳини бўлиб олган акаси борлигини ҳамма билади.

— Исидалинг коҳини? Ох, худолар! Унинг исми нима?  
— Апекид.

— Ҳаммаси тушунарли, — бидирлади Нидия. — Акасингил баравар қурбон бўлибди-да. Апекид! Ҳа, бу исм қулогимга чалингандай эди, қаерда... аммо синглиси қандай хатарга дуч келганини у тушунади. Унда тез Апекиднинг олдига борайлик!

Шу хаёлда у сапчиб турди ва ҳар доим йўлни пайпаслаб юрадиган иргий таёғини олиб, Исидалинг эҳромига шошилди. Инсофли юнон уни ўз паноҳига олгунга қадар у шаҳар бўйлаб шу таёғи билан юрар эди. Помпеянинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир гузари унга таниш эди, унинг бахтсизлигига нисбатан әҳтиромли ҳурмат билан муносабатда бўладиган оққўнгил ўткинчилар ҳар доим унга йўл берар эдилар. Шўрлик қиз кўп ўтмай сўқирлик уни қутқаришини ва энг ўткир кўзлардан ҳам яхши кўрадиганларга йўлбошловчи бўлиб қолишини у билмасди!

Главк Нидияни ўз паноҳига олгандан буён у қулларидан бирига ҳар доим унга ҳамроҳлик қилиб юришини тайинлаб кўйганди; бечора қул ғоят семиз эди ва Ионанинг уйига икки марта бориб келганди, энди эса олдида янги сайд турганини кўриб (қаёққалигини биргина худо биларди), қизга эргашди, ўзининг семизлигидан алам билан нолир экан, бу қиз Купидондек сўқир бўлса ҳам, оёқлари Меркурийдай чаққон эканига Кастор ва Поллуксни шафе келтириб, дуолар ўқирди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Маъбудлар даракчиси Меркурийни (юнонча Гермес) қанотли кафш кийган, ишқ маъбути Купидонни (Эрот, Амур) кўзларига боғич боғлаган ҳолда тасвирлашади, зоро, унинг ўқлари дуч келган ҳаммани бирдек нишонга оларди.

Бирок ҳаммага таниш Исида әхроми йүлини топиш да Нидияга унинг ёрдами керак эмасди, әхром олдида ги майдон бўм-бўш эди ва қиз қийналмасдан муборак девор олдига етиб борди.

— У ерда ҳеч ким йўқ, — деди семиз қул. — Сенга ким керак ўзи? Коҳинлар әхромда яшамасликларини билмас эдингми?

— Чакир биронни! — деди Нидия бетоқат. — Исида зиёратгоҳини қўрикловчи битта-яримта коҳин у ерда туну кун албатта бўлади.

Кул қичқирди — ҳеч ким жавоб қилмади.

— Ҳеч кимни кўрмаяпсанми?

— Йўқ.

— Янгилашяпсан, мен нафас овозини эшитаяпман.

Яхшилаб қара.

Фудранганича ва ҳеч нарсани тушунмай, қул атрофга аланглади ва қолдиклари хозир ҳам, қазинималардан кейин, тор ховлида уйилиб ётган меҳроблардан бири олдида хаёлга толгандек паст эгилиб турган одам киёфасини кўрди.

— Бир одамини кўраяпман, — деди қул. — Ошоқ кийимиға қараганда, бу коҳин бўлиши керак.

— Исида ниң коҳини! — қичқирди Нидия. — Ганими эшит, хой, маъбудаларниң энг қадимги хизматкори!

— Ким у чакираётган? — сўради наст ва ғамгин овоз.

— Коҳинларигиздан бирига муҳим хабар келтирдим. Кароматгўйдан фол сўрагани эмас, шу хабарни айтгани келдим.

— Ким билан гаплашмоқчисан ўзи? Хозир бемахал, кет, мени безовта қилма. Тун худоларга ато этилган, одамларга эса кун тайин қилинган.

— Гарчи бир марта эшитган бўлсам ҳам, овозингни таниётгандайман. Сени қидириб юргандим. Сен коҳин Апекидмисан?

— Ҳа, бу мен, — жавоб берди коҳин деворга яқинлашаркан.

- Худоларга ҳамду санолар! — Нидия қулга нари тур ишорасини қилди ва күл қизни фақат Ионага ғамхўрликкина эхромга олиб келиши мумкинлигини англаб, бир четга ўтди-да, қоқ ерга ўтириб олди.
- Жим! — деди қиз аста ва сўради: — Сен ростданам Апекидмисан?
- Наҳотки мени танимаётган бўлсанг?
- Мен кўрман. Кулоқларим кўз ўрнини босади, сени ўшалар таниди. Шундай бўлса ҳам Апекидлигинг-га онт ич.
- Худолар ҳакқи, ўнг қўлим ҳакқи, Ой ҳакқи!
- Жим! Секинроқ гапир. Мен томон эгил, қўлингни бер. Сен Арбакни биласанми? А? Қўлларинг муздай... Менга қара. Даҳшатли қасам ичдинг-а?
- Кимсан, қаердансан, хой ғалати қиз? — сўради Апекид қўрқиб. — Мен сени билмасам, сени биринчи марта кўриб турган бўлсам.
- Лекин овозимни эшитдинг, аммо буни гапириб ўтириш иккимизга ҳам уят. Менга қара, сенинг синглинг бор-а...
- Унга нима бўлди? Гапирсанг-чи!
- Сен ўликларининг базмларини биласан, мусофир, балки у ерда бўлишдан маза ҳам қиласан, аммо уларда жондай синглинг иштирок этишини хоҳлармидинг? У Арбакникида меҳмон бўлишини хоҳлармидинг?
- Эй, худолар! Йўқ, унинг ҳадди сиғмайди! Хой қиз, агар устимдан қулаётган бўлсанг, балога йўлиқ! Сени парча-парча қилиб ташлайман!
- Мен ҳақиқатни айтаяпман, айни дамда у Арбакнинг уйида, бириичи марта. У қандай хатар остида эканини биласан. Хайр. Мен ўз бурчимни бажариб бўлдим.
- Шошма! Шошма! — қичқирди коҳин қалтираётган қўлини пешонасидан юргизиб. — Агар бу ҳақиқат бўлса, уни қандай қутқарамиз? Мени у ерга қўймасликлари мумкин. Бу даҳшатли уйда адашиб қоламан. О, Немесида! Ёрдам бер менга!

— Мен қулимга жавоб бервораман, сен менга йўл бошловчи бўл! Сени яширин йўлдан ўтказиб юбораманда, қулогингга эшикни очадиган сўзни шивирлайман. Биронта қурол олиб ол, у сенга асқатиши мумкин.

— Тўхтаб тур, — Апекид равоқлардан бирига кириб кетди, яна бир неча дақиқадан сўнг у яна пайдо бўлди, ўзининг коҳинлик либоси устидан ўша пайтда барча тоифалар киядиган кенг ридони кийиб олганди. — Энди эса, — деди у тишларини фичирлатиб, — Арбак бир нима қилиб кўрсии-чи... Аммо у ҳеч нима қилолмайди! Қилолмайди! Наҳотки унинг қўлидан шундай иш келса? Наҳотки у шунчалар разил бўлса? Ҳеч ишонгим келмайди... Аммо у ғаддор. Нияти қора афсунгар — мана ким у. Эй, худолар, ёрдам беринглар менга... Нималар деб валдираяпман! Шулар худоларми? Барибир ҳам чакиришим мумкин бўлган бир маъбуда бор-ку, ҳар қалай, унинг исми — қасос маъбудаси Немезида...

Узук-юлук шу сўзларни ғудурлаганча Апекид ўзининг сукут саклаган кўр йўлдош қизи ҳамроҳлигига бўм-бўш кўчалардан мисрликнинг уйи томон тез юриб кетди.

Нидия тўсатдан қўйиб юборган қул елка қисиб қўйди, ўзича сўкинди ва бошқа бирон жойга бориши керак бўлмаганидан тўғри келган томонга равона бўлди.

## VII боб

### МИСРЛИК ТАНХОЛИКДА ЎЗИ БИЛАН ЎЗИ ГАПЛАШАДИ. УНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ

Энди бир неча соат орқага қайтамиз. Главк оқтошча билан белгилаб қўйган ўша куни тонг бўзара бошлаганида, мисрлик унинг уйига тутап баланд учли миңора тепасида тетик кайфиятда ёлғиз ўтиради. Уйни қуршаб олган муғли дарахтлар билан бирга тош девор минорадаги майдончани қизиқувчан ёки адватли

нигоҳлардан түсіб туарди. Арбакнинг олдидағи хонтахта устида аңглаб бўлмас аломатлар чизиб ташланган ўроғлиқ қоғоз ётарди. Осмонда юлдузлар хира милтиради, төг чўққиларида туи қоронғилиги эриб боради; факат Везувий узра бир қалиш қора булат нарчаси осилиб туар, бир неча кун бўлдики, мана шу булат яна ҳам қуюқланғанди. Тун ўрнини кун эгаллай бошлади ва бу айникса бамисоли улкан кўлдай, узумзор ва дараҳтзорлар гуркираган, аллақасрларда эса ўйқудаги шаҳарларнинг деворлари оқаришиб кўришган ўз соҳилларига бош қўйиб ётган типч денгиз узра яна да яққолроқ кўзга ташланарди.

Бу мисрлик юлдузларга қараб одамларнинг ўзгарувчан тақдирларини ўқишига имкон берадиган ва жасорат билан тўлиб-тошган илм учун гоят қулай соат эди. У қоғозга ёзиб тугатди, соатни ва бурж аломатини белгилади, кейин эса тирсагига сұяниб, хаёлга толди.

— Яна юлдузлар мени огохлантираяни! Демак, менга қандайдир хатар таҳдид қиласапти! — деди у аста. — Кутимаган ва даҳшатли хатар. Агар қадимги йилномаларимиз ҳақиқатни сўзласалар, юлдузларнинг ўша бирикмаси ҳам бир вақтлар ҳамма нарсага қаттиқ орзуманд бўлган, аммо ҳеч нарсадан баҳраманд бўлмаган Пирр учун тузилган, — унинг пасибаси шонсиз жанглар, ғалабасиз гулчамбарлар, тантанасиз шоншуҳрат бўлган. Охир-окибатда ўз хурофотлари уни қўрқоқ қилиб қўйди ва бир камиир қўлида итдай ўлиб кетди! Нима ҳам дердим, мени мана шу нодон жангари билан ёпма-ён қўйишганида, унинг телба кибру ҳавоси каби мешинг ҳар нарсага жо бўлувчи донолигимга ўша интиҳони вайда қилиб, юлдузлар мени аврайдилар. Тинимсиз урининилар, муайян мақсаднинг йўқлиги, жон олувчи беҳуда меҳнат, төг ва тош — қандай маъюс тарз-тариқа! Ҳа, юлдузлар менга шоҳ Ниррининг ўлимига ўхшаган ўлим ҳавфидан дарак берәтилар. Яна бир қараб кўрай-чи. «Огох бўл, — демоқдалар чараклаган шайғамбарлар, — кўхна томлар

ёки түсик деворлар ёки осилиб турган коялар тагидан ўтаёттанингда тепадан тушаётган тош сенинг қуръангга лаънат келтиргай!» Бу хатар эса яқин. Аммо мен кун ва соатини аниқ белгилай олмайман. Начора, агар бу интиҳо бўлса, қумсоатдан менга ўлчанган қум охирги донасигача йилтилаб тўкила қолсин. Хар ҳолда агар хатарни четлаб ўтолсам, агар шу ишни уддалай олсан, бундан кейинги менинг бутун хаёт йўлим денгиздаги ой йўлагидай ёрқин ва тоза бўлади. Пировард-оқибатда мен ғойиб бўлишим керак бўлган тубсизлик узра иззату эҳтиромлар, баҳт-саодат, муваффақият қаичалик жимжима килаёттанини кўраяйман. Кейин, хатар ўтиб, мени мана шундай ёрқин қисмат кутаётган экан, наҳотки таслим бўлсан? Қалбим умидларга тўла, у хотиржам, бу эса яхшилиқ белгиси. Борди-ю, тақдиримга мана шундай қўққисдан ва тез ўлиш ёзилган бўлса, ажал сояси бошимга аллақаочи тушган ва юрагим оғир ғашлидан муз қотган бўлар эди. Юрагим тунд Оркнинг чорловини қайфу билан қабул қиласарди. Аммо у кулиб турибди, у менга халоскорлик ваъда қиласанти.

Мисрлик шитоб билан ўрнидан турди. У юлдузли гумбаз остидаги энсиз саҳнадан тез юриб ўтди-да, тош тўсинdevor олдида тўхтаб, яна қулранг ва мунгли осмонга қаради. Тонгги сарин ел унинг зехнини тетиклантириди ва у аста-секин яна ўзининг одатдаги жасоратини тиклади. У бирин-кетин учайтган ва тубсиз осмон қаърига сингиб кетаётган юлдузлардан қўзини олди. Унинг нигоҳи пастга томон ёйилиб кетган кенг бўшлиқ узра сирғалди. Тинч бандаргоҳда кемаларнинг мачталари қад кўтариб турарди; дабдабаю асьаса ва оғир меҳнатнинг бу улкан бозори узра ҳар доимги ғалавовур тингап. Атрофда битта ҳам чироқ кўринмайди, фақат аллақаерда, эҳром устунларида ёки гунг форум пештоқларида кириб келаётган тонгнинг бўзарган ва титроқ жилоси милтилларди. Сокин шахарнинг тезда яна ура бошлайдиган, минглаб эҳтиросларга тўла юраги ҳозир қотиб турибди, қўчаларда хаёт қайнаётгани

йўқ, унинг оқимини уйқу музи исканжага олган. Ўриндиқлари тошдан ясалган, ҳалқа-ҳалқа бўлиб эшилган, қандайдир мудроқ аждаҳони эслатувчи улкан амфитеатр узра шаффофтуман осилиб турарди, сийрак дараҳтлар узра қуюқлашиб, атроф-теваракни маъюс чулғаб олган. Шаҳар ҳам бир-бiri билан даҳшатли тарзда тез-тез алмашган ўн ети аср беридаги, яъни хозиргига ўхшаб кўринарди, – бу ўликлар шахри эди.

Тинч ва долғасиз денгиз деярли ҳаракатсиз эди, фақат унинг сийнаси қаъридан олис ва бир маромдаги шовуллаши қулоққа чалинади, бамисоли у уйқусида нафас олаётгандек; ям-яшил манзаралар соҳилларга узок ёриб кирганча у ўзининг суюкли фарзандлари – соҳилбўйи Геркуланум, Помпея ва Стабия шаҳарларини бағрига босиб олганга ўхшарди.

– Сизлар ухланглар, – деди мисрлик, Кампаниянинг фахри ва ҳусни бўлган бу шаҳарларга назар ташларкан. – Ухланглар! Бу уйқу мангулик ажал уйқуси бўлсин! Шаҳанпоҳ тожининг дурлари бўлмиш сизларга ўхшаб, бир вакъллар Нил шаҳарлари жилва қилар эди! Уларнинг улуғлигидан ном-пишон қолмаган, улар харобаларда ётибди, уларнинг кўшку саройлари ва ибодатхоналари қабрларга айланган, уларнинг кўчаларини босиб кетган ўт-ўлапилар ичида илонлар кулча бўлиб ётибди, хувиллаган уйларда калтакесаклар офтобда тобланади. Бирорларни кўкларга кўтариш учун бошқаларни ер билан яксон килувчи табиатнинг сирли конуни бўйича сизлар уларнинг харобалари узра қад тиклагансиз; сен, кеккайтан Рим, Сезострис ва Семирамида<sup>1</sup> шонини эгаллаб олдинг, сен ўлжага боққан талончисан. Мен, унтилган ҳукмдорларнинг сўнгги зурриёти, ўз тагимда, сенинг зафар маросимингда кўриб турганим мана

<sup>1</sup> Яъни Шарқнинг шонини: Сесострис (Сезострис) – Мисрнинг яримафсонавий шохи, буюк саркарда ва конун чиқарувчи (уни аслида бўлиб ўтган биронга фиръавига таққослаб бўлмайди); Семирамида – Ассирия салтанати асосчиси, у ҳам яримафсона шахс.

булар эса құллардир! Лаънат уларга! Миср ўч олади-  
тап соат келиши мұқаррар.

Барбарлар Нероннинг олтин масқанини отхонага ай-  
лантиражак! Римликлар юборган шамолни барбарлар  
бүрони супуриб кетажак.

Мисрлик даҳшатли тусда ирод этилғаш бу каро-  
матни ирод этганида, унинг ўзи мудхиш пайғамбарлик  
тажассумига ўхшаб қолғанди. Ҳатто ёш сохибжамол  
рухсорини бўзартирувчи тоңг унинг кибрли қиёфасига  
ўлик тус багишлади, қалин қора соchlари елкасига туш-  
ди, узун қора либосининг барлари ҳилпиллади, кўли  
ёйик эди, кўзларида ёвуз шодлик чакнади – буни на  
пайғамбар деб бўларди, на шайтон деб!

У нигоҳини шаҳар ва денгиздан узди, унинг  
қарписида серҳосил Кампаниянинг узумзорлари ва  
экин далалари ястаниб ётарди. Шаҳар ўзининг бир  
замонлар неласглар<sup>1</sup> қурган қадимги дарвозалар ва де-  
ворлар сарҳадидан чиқиб кетганди. Везувийнинг ўша  
вақтда ҳозиргидек бу қадар тик ва баланд бўлмаган  
ёнбағирлари бўйлаб чорбоглар ва қишлоқлар чўзилиб  
кетганди. Шаҳарлари ўчган вулқон ёнида жойлашган  
римликларнинг ўзларига ўхшаб, Италия жанубидаги  
одамлар улар ўйлагандек энди абадий ўчган вулқон  
ёнидаги кўм-кўк узумзорлар орасида беҳадик яшар  
эдилар. Дарвозалар ортида ўлчамлари ва тузилишла-  
ри турлича бўлган даҳмаларнинг узун сафи чўзилган,  
шаҳар якинида уларни ҳозир ҳам кўриш мумкин.  
Шулар барчаси узра мудхиш шаҳарнинг булувлар  
чулғаган чўккиси бўй чўзиб турар, унинг қурум босган  
норлари ва кулранг қоялари ола-була ранглар билан  
қопланган эди, бу бир томондан ўтмишдаги вулқон ху-  
ружларидан нишона бўлса, иккинчи томондан – э, воҳ,  
бандаси кўр бўлар экан-да! – Келажакдаги оғатдан  
дарак берарди.

<sup>1</sup> Пеласглар – Юнонларгача Фессалия ва атроф вилоят-  
ларда яшаган элат. (Тарж.).

Ўша вақтда афсоналарда бу жойлар нима учун бундай маъюс тасвиrlанганини тушунини қийин эди. Нечанеcha миллиарга Бая ва Мизен шаҳарларигача чўзилган бу пасттекисликларни нима учун қадимги шоирлар дўзах эшиги деб тасаввур қилганлар ва ўзларининг Ахеронти ва афсонавий Стикларини шу ерга жойлаганлар? Нима учун ҳозир узумзорлар барқ урган бу Флеграни улар маъбуларнинг майдони деб ифода этганлар? Нима учун айнап шу ерда деву иблислар жасорат ила фаришталар устидан галаба қозонмоқчи бўлганлар? Энди эса, бу куйиб кулга айланган ва вайрон бўлган чўққига қараб туриб, чиндан ҳам Олимп чақмоқлари зарбасини тасаввур қилиш мумкин.

Аммо ҳозир на сукутдаги ёнартоғнинг кунгурадор гавдаси, на унииг ёнбағирларидағи серхосил далалар, на ғамгин қабрлар қаторлари, на бойларнинг серҳашам иморатлари мисрликнинг нигохини ўзига тортарди. Везувийнинг нариги томондаги тик ёнбағри экинзорга айлантирилмаганди, ҳар жой-ҳар жойда фақат тишли қоялар, ёввойи дараҳтзорлар ва ботқоқларгина қўзга ташланарди. Арбакнинг ўтқир кўзлари у серда бир қора шариани илғади, у, афтидан, ердан ниманидир олиб, дам-бадам эгиларди.

— Э-ҳа! — сўзланди у. — Демак, бу сирли тун қўйнида саргашта юрган бир мен эмас эканман. Везувий жодугари ўз ишидан чиқиб келган кўринади. Нега? Авомларнинг айтишича, гўё у ҳам юлдузларнинг буюк илмини ўрганаr эмиш, наҳотки бу ҳақиқат бўлса? Ойдин остида у аллақандай мудхиш афсунларни ўқиятими ёки ушибу заҳарли ботқоқзорда ифлос гиёҳларни тераятими? Мен у билан кўришимогим кепрак. Доноликка ташна одамга шу нарса аёни, инсон билимидан хеч қачон ирганиб бўлмайди. Дабдабанинг жир босган ва хомсемиз қулларигина, хеч нарса яратмай, нуқул ўз хирсларини қондирувчи нодонларгина ирганчлидир, мана шу ҳосилсиз тупроқ улар учун «ша-

раф» гултожи ва дафна чамбари ўстириб беришини тасаввур этолмайдилар. Йўқ, фақат доноларгина лаззатланадилар, ҳикмат, нафосат, тажриба, тафаккур, билимлар, тасаввур дарё сингари хислар уммонига окиб келгаңда ҳақиқий лаззат таъмини тотиш фақат бизга насиб этмиш. Ох, Иона!

Арбак бу номни тилга олиши ҳамон унинг фикрлари дархол янада теранроқ ва сирлироқ ўзаңдан йўл олди. Пастга диққат билан қараганча у тўхтади; бир ё икки марта севинч билан жилмайди, сўнг девордан пари кетди-да, тўшакка чўқди:

— Борди-ю, ўлим муқаррар бўлса, ҳеч бўлмаганда ҳаётдан мен ҳамма нарсани оламан — Иона менини бўлади!

Арбакнинг мураккаб, ғалати феъли бор эди, ақлли эканига қарамай, бу феълини ҳеч эпақага келтиролмасди. Таназзулга юз тутган сулоланинг бу фарзандида, ҳалок бўлған қавмнинг зурриётида қаноат билмас фууранинг ҳар доим аждодларида ярақлаб турган шон-шавкатидан абадий маҳрум бўлгани учун кучли одамларни изтиробга солган рух яшар эди. Бу рух муроса нималигини билмасди, у жамиятга қарши исён кўтарарди, у бутун инсониятга нисбатан адватда эди. Аммо бу ерда у ўзининг доимий ҳамроҳи — камбағалликдан қутулган эди. Бадавлатлиқда Арбак кўпгина зодагон римликлардан қолишимасди ва бу бойлик меҳнатда ёки нафсониятли дадил интилишларда йўл тополмаган эҳтиросларига эрк бериб қўйишга имкон туедиради. У кўп саёҳатлар қилганди ва ҳамма жойда Римнинг ҳукмронлигини кўриб, одамларни баттар ёмон кўриб қолганди. У ўзини каттакон қамоқхонада яшаётгандай хис этарди, бироқ бу «қамоқхонада» у шохона дабдабадан лаззат ола биларди. Бу қамоқхонадан чиқиб кетиш йўли йўқ эди. Ва унинг учун биргина илож қолган эди — қамоқхонани копонага айлантириш. Қайгули тасаввур уни сирли ва номаълум илмлар сари сургаб кетмоқда эди. Феълида-

ги жасорат ва ғуур үнга отамерос тасаввуфий анъаналар уни мана шу нарсага томон итаргани-итарган эди. Барча мажусий эътиқодларни итқитиб ташлаб, у фақат инсоний донолик қудратигагина қаттиқ ишонарди. Табиат бизнинг тадқиқотларимизга кўядиган чегараларни у билмасди (ўша даврда буни ҳеч ким ҳам билмаган бўлса керак). У, билимда баландга кўтарилиган сайин мўъжизалар эшиги очилишини кўриб, ўзининг навбатдаги эврилишида фақат Табиат мўъжизалар яратиб қолмай, балки иродаси кучли инсон ҳам сеҳр-жоду<sup>1</sup> ёрдамида ҳатто инсон тақдирини ўзгартира олишини тасаввур этганди. Шу тариқа Арбак илмни үнга қўйилган чегаралардан ташқарига, тартибсизлик ва зулмат қаърига олиб чиқишга зўр бериб уринар эди. Фалакиёт ҳақиқатларидан у илми нужум хатоларига, кимё сирларидан – сеҳр-жодунинг чалкаш йўлларига ўтди. Худолар қудратига шубҳа билан қарашни удалайдиган бу одам инсон қудратига кўр-кўронга ишона бошлади.

Ўша вактда сохта донишманлар осмони фалакка кўтариб юборган сеҳр-жодуга сифиниш Шарқдан олиб келинган эди. Ксеркс<sup>2</sup> қўшинига ҳамроҳлик қилган Остан Элладанинг содда динларига Зардуштийликнинг<sup>3</sup> тантанавор хурофотларини олиб киргунига қадар сеҳр-жодуга сифиниш юонларнинг дунёвий фалсафасига ёт эди. Рим императорлари даврида эса сеҳр-жоду эъзозланарди ва Ювеналинг бадбин закосига озуқа берарди. Исидага сифиниш сеҳр-жоду билан узвий боғлиқ эди ва Миср дини афсунгарликка ишонишга даъват этарди. Яхши руҳлар билан ҳамкорлик қилишга интилевчи оқ сеҳр-жоду ҳам, ёвуз руҳлар билан боғлиқ қора сеҳр-

<sup>1</sup> Сеҳр-жоду эгаси деб қадимги форслар қўлларида барча илмий билим ва таълимни ушлаб турган коҳинларни айтишган.

<sup>2</sup> Форс шоҳи Ксеркснинг Юнонистонга юриши (Эрамизгача 480 йилда).

<sup>3</sup> Зардушт – қадимги форс динининг машҳур ислохотчиси.

жоду ҳам эрамизнинг биринчи асрида бирдек иззату ҳурматда эди ва Фаустнинг мўъжизалари Аполлонийнинг мўъжизалари олдида хира тортиб коларди<sup>1</sup>. Ҳукмдорлар, сарой аъёнлари, донишмандлар бу даҳшатли илм ёритқичлари қаршиисида бирдек титрар эдилар. Улар орасида эса даҳшатли ва сирли Арбак дурустгина мавқега эга эди. Сехр-жодуга дахлдор бўлган ҳамма унинг шухратини тан оларди. Бу шон-шухрат ҳатто унинг ўзини ҳам йўлдан оздирганди. Аммо сехргарлар ва донишмандлар орасида у ўзининг ҳақиқий исми билан ҳурмат қозонмаганди, бу исм умуман Италияда таниқли эмасди, зоро, Арбак – асли мисрча бўлмай, балки мидияча эди, қадимги халқларнинг кўчиб юриши ва аралашиб кетиши чоғида Нил водийсига келганди. Арбак ўзининг ҳақиқий исми ва унвонини яширишига жиддий сабаблари бор эди (ёшлигига у Римга қарши фитнада иштирок этганди). Гарчи Миср олимлари унинг фиръавилар зурриётидан эканлигини сўзсиз эътироф этсалар-да, қудратли жодугарга шухрат келтирган мидияча исм унинг насл-насабини билдирамасди. Уни Буюк Юнонистонда<sup>2</sup> ва Шарқда узок эслаб юришган янада мутасаввуфрок лақаб остида ҳурмат қилишарди: «Оловли камар ҳукмдори Хермес». Унинг турли китобларда жамланган фикрлари ва доно гаплари насроний динига янги кирганлар назарида куфронга эди. Шу сабабли Эфесдаги христианлар унинг китобларини шодхуррамлик ва қўркув билан ёқиб юборган, бу фикр зурриётини шайтон дасисасидан маҳрум этган эдилар.

Арбакнинг феълида худбинлик бор эди, у ҳеч кимнинг ахлоқий қонунларини тан олмасди. Агар одамларни бу қонунларга бўйсунишга мажбур қилинса, олий ҳикмат воситасида улар устидан баланд кўтарилиш

<sup>1</sup> Юнон авлиёси Тианали Аполлонийни (милоднинг II асри) маъжусийларнинг авлиёси деб билар эдилар.

<sup>2</sup> Буюк Юнонистон деб Жанубий Италияни айтишган, у ерда кўплаб юнон мустамлакалари бор эди.

мумкин деб биларди у. «Модомики, – деб мuloхаза юритарди у яна, – менга қонунларни ёзиб чиқариш қобилияти ато этилган экан, ўзим яратған қонунларни ўзгартириш учун нега ҳаққим бўлмасин?»

Деярли барча одамлар озми-кўпми даражада ҳокимиятга орзуманд бўлади; Арбакда эса мана шу орзумандлик унинг феълига сут ва қон билан кирган эди. У ҳокимиятнинг ташқи ва қўпол зуҳурларига интилмасди. Оломон устидан хукмронликни билдирувчи қирмизи ва ликторлик<sup>1</sup> шодаларини хуш кўрмасди. Унинг ёшлиқдаги орзулари бир вақтлар чилпарчин бўлганди ва унинг ўрнини одамларга нисбатан нафрат эгаллаганди. Унинг ғурури, Римга, бутун дунёга тенг бўлган «Рим» сўзига нисбатан унинг нафрати (у Римнинг ўзини – вахшийлардан ҳам баттаррок кибрли Римни ёмон кўради) унинг юксакка кўтарилиши учун йўл бермасди, зеро итоаткор қуроли ёки малайига айланиб-гина юкорига кўтарилиши мумкин эди. Буюк Рамзеслар сулоласининг зурриёти ўлароқ, у ўзгалар хоҳишини адо этиши, бегона қўллардан ҳокимиятни тортиб олиши керак эди! Бу ҳақда ўйлашинг ўзиёқ уни ғазабга миндиради. У, сохта шон-шуҳратга интилишдан юз ўгириб, кўпроқ қалбларга ҳукм ўтказишни орзу қиласди. Ақл-заковат қудратини ердаги неъматлардан энг буюги деб эъзозлаган ҳолда йўлида учраган барча одамларга тарқатганча бу қудратни ўзида ўз кўзи билан кўриб, ҳис этишини ёқтиради. У ҳамиша истеъодли ёшларни излаб тошиб, уларни ўзига бўйсундиради. У қалбларга ёриб киришини, кўзга кўринмас, сирли салтанатни бошқаришини яхши кўради. Агар у бадавлат ва лаззатпараст бўлмаганида, у, эҳтимол янги дин асосчиси бўлармиди? Аммо у ўзининг бор кучини лаззатларга сарф қиласди. Бу олий қудратга (донишмандлар жонидан яхши кўрадиган қудратга) интилиш билан

<sup>1</sup> Ликтор – бошлиқнинг шахсий коровули.

бир қаторда у аждодларининг сирли ери билан боғлиқ хамма нарса олдида ғалати ва сирли эҳтиром туйғусини ҳис этарди. Гарчи у худоларга ишонмаса-да, аммо уларни шамоён этувчи тимсолларга (ёки, тўғрироғи, бу тимсолларнинг янгича талқинига) ишонарди. У Мисрға сиғинишни қўллаб-қувватларди, чунки бу билан гўё Мисрининг ўтмишдаги қудрат аломати ва хотирасини сақлаб қолгандек бўларди. Шу боис у Осирис ва Исида меҳробларига саховат билан инъом-эҳсонлар нисор этар эди ва ҳар доим бой одамларни ушбу «худо»ларни севишга, уларнинг коҳинлари бўлишга ўргатарди. Унинг қурбонлари онт ичгач ва коҳинларга айланиб бўлгач, улар билан айрим лаззатларни бирга баҳам кўрарди, чунки улар сир сақлашларига ишонарди ва бундан қалбларга хукм ўтказаётганини янада кўпроқ ҳис этар эди. Йонага писбатан эҳтирос оловида ёниб, у Апекидга бу тахлит муомала қилганинг сабаби шунда эди.

Арбак камдан-кам ҳолларда бир жойда узоқ муқим яшарди. Бироқ орзу-мақсади катталашиб борган сайин у саргардон кўчиб юришлардан чарчаб қолмоқда эди ва сўнгти йилларда Кампаниянинг гўзал шаҳарларида шу қадар узоқ қолиб кетдики, ҳатто бунга ўзи ҳам ҳайрон қолаётганди. Кибру ҳаво Арбакни у истаган жойда яшаш имкониятидан мосуво этарди. Муваффакиятсиз чиққан фитнадаги иштироки меросий хуқуқ бўйича ўзиники деб билган ва эндиликда абжаги чиқиб, Рим лочини қанотлари остида ётган ўша жазирамали мамлакатга олиб борадиган йўлни ёниб қўйганди. Римнинг ўзи эса унинг дарғазаб юрагида нафрат уйғотарди, холос; бунинг устига императорнинг суюкли одамлари бадавлатликда у билан рақобатлашганларида ўзини қўйгани жой тополмай қоларди ва саройнинг ярқироқ жилоси қаршисида у бечораҳол кўриниб кетарди. Кампания шаҳарлари унинг кўнгли неларни орзулаган бўлса, ҳаммасини муҳайё қилди: эртакнамо иқлим, энг ширин лаззатлар, бу ерда ҳеч ким бойлиги билан

упдан ўзолмас, бу ерда императорнинг айвоқчилари бўлмас эди. Токи бисотида цули бор экан, у истаган нарсасини қила оларди. Мунгли йўлида уни ҳеч қандай тўсиқ ва хатар кутиб турмасди.

Арбак жиддий равишда ва сабр билан Ионанинг муҳаббатини қозона бошлаганди. Энди у қизни севишигина эмас, балки ўзининг севилишини ҳам истарди. Ёш неонолитан қизининг барқ уриб гуллаётган гўзаллигини умид билан томоша қиласар ва заковат қархисида тиз чўкишга ўргатилган одамлар устидан ақлнинг ҳокимиятини билган ҳолда у Иона билан очилиб-сочилиб сухбатлашарди, қиз туйғуларимнинг қадрига стади ва менга меҳр қўйиб қолади, деган ниятда уни ўқитарди. Бу бадкор шунчалик ёмон сифатларга эга бўлиши билан бирга табиат унга куч ва кенглик ҳам ато этганди. Қиз ундаги кенгликни қадрлаётганини сезганида, Арбак унга лаззатнинг беғам шинавандалари енгилтак аслзодалар орасида бўлишга изн берди ва ҳатто янада муносиброқ одамлар билан муюмала қилиш учун яратилган қиз унинг йўқлигидан ғалати ҳолга тушибига, бопқалар билан таққослаб, уни севиб қолишига ишонч ҳосил қилиб, буни қўллаб-кувватларди ҳам. Кунгабоқар қуёшга талпингани каби ёшлиқ ҳам ёшлиқка интилишини у унутганди ва фақат Главкка нисбатан рашкина уни бу хатосини англашга мажбур этди. Гарчанд, кўрганимиздек, у хатарнинг ҳақиқий ўлчамларини билмаса-да, шу дамдан бошлаб узок муддат босиб келган эҳтироси ташқарига отилиб чиқди. Рашидек ҳеч нарса муҳаббатни ўт олдиролмайди, муҳаббат ёрқин аланга бериб ёна бошлайди. Ундаги нозиклик ва майнлик қаёққа кетади? У қаҳрли нафратта айланади.

Арбак эҳтиёткор ва шу билан бирга таваккал тайёргарликлар кўришга вактни исроф қиласликка қарор этди. У ўзини йикиб бўлмас девор билан ракибидан тўсишига жазм қилди. Агар Ионани одамлардан аж-

ратиб ва уни унуга бўлмайдиган римталар билан ўзига боғлаб олса, қиз ихтиёrsиз равишда фақат уни ўйладиган бўлиб қолишига ва бу тўла ғалабага айланнишига умид қиласди, – римликлар Сабина қизларини ўғирлашганида шундай бўлган эди: куч билан олинган нарса янада мулоjимроқ муомалалар билан боғлаб қўйилади<sup>1</sup>.

Юлдузлар башоратидан кейин у бу ишга янада қунт билан киришиб кетди, юлдузлар анчадан бери Арбакка шу йили ва ҳатто шу ойда унга қандайдир даҳшатли мусибат, эҳтимолки, ўлим таҳдид солаётганидан дарак бериб келмоқда эди. Вақт оз қолганди. Мустабидларга ўхшаб, у ўзининг дафн гулханида қалбига яқин бўлган ҳамма нарсани ёқиб юборишга қарор қилди. Унинг ўз сўзлари билан айтганда, агар ростдан ҳам ўлиш керак бўлса, сўзиз хаётдан ҳаққини олиб қолиши ва Ионани ўзиники қилиши керак.

### VIII боб

## **АРБАКНИНГ УЙИДА ИОНАГА НИМА БЎЛГАНИ. ДАҲШАТЛИ ДУШМАН ФАЗАБИННИНГ ДАСТЛАБКИ ЗУҲУРИ**

Иона мисрликнинг кенг даҳлизига қадам қўйганида, у акасидек ўша қўрқувни ҳис этди. Худди акасидай, даҳшатли Фив шаҳрига хавф солган аждаҳоларнинг

<sup>1</sup> Ривоятга кўра, қайта асос солинган Римга жоҳил ва ҳатто илгари жиноятчи бўлган одамлар кўчириб келтирилган ва қўшилар ёш шаҳар билан ҳеч қанақа дўстона муносабатлар ўрнатишни истамас ҳам, эшиттилари келмас ҳам эди. Шунда римликлар қўши Сабина қизларини ўғирлаб кетиб, зўрлаб хотин қилиб ола бошлаганлар. Аввалига Сабина қизлари ўғриларни ёмон кўриб юринган, бироқ кейин уларга ўрганиб қолишган ва Римга қарни уруш бошлаган ўз оталари ва оваларини римликлар билан иттифоқ тузишга қўндиришган.

котиб қолган ва мунгли қиёфаларидағи (хайкаллардаги) қандайдир газабнок ва огоҳлантирувчи нарсани сезгандек бўлди, аждаҳоларниң улуғвор ва беҳис турқлари мармарга боят бошлаб пакш этилганди.

Барзанги ҳабаш тиржайганча уни ичкарига қўйди ва орқамдан юр ишорасини қилди. Даҳлиз ўртасида дуру гавҳарлар товланиб турган байрам либосидаги Арбакнинг ўзи уни қарши олди. Гарчи ҳали кундуз, бўлса-да, барча дабдаба ҳавасмандлари каби Арбакнинг уйида гира-ширалик ҳукм сурарди ва шамлардан чиройли фарпига ва фил суюгидан ишилов берилган шифтга нур тараларди.

— Соҳибжамол Иона! — унинг қўлидан олиш учун Арбак эгилди. — Кундузни сен хира қилдинг, нигоҳларинг хоналарга атир сочаётир, нафасинг уларни хушбўй ҳидга тўлдирмиш.

— Мен билан ундей гапланима, — жилмайди Иона. — Бехуда такаллуфлардан ҳазар қилинти, хумомаддан эҳтиёт бўлишини сен ўзинг ўргатганинг эсингдан чиқибди. Энди шогирд қизингга бунишг тескарисини уқдирмоқчимисан?

Иона бу гапларни шундай мафтункор самимият билан айтдики, мисрлик ўзини ҳар доимгидан ҳам кўпроқ оник деб ҳис қилди ва ҳар доимгидан ҳам кўпроқ ҳужум қилгиси келиб кетди. Бироқ у Иона билан тезда қувноқ ва онкора сухбатга киришди.

У қизни бутун уй бўйлаб олиб ўтди, у ерда фақат Кампания шаҳарларининг босиқ жилвасигагина ўргангап тажрибасиз кўзларига кўриниши мумкин бўлган жаҳоннинг барча хазиналари йиғилган эди.

Деворларда тенги йўқ сувратлар осилган, шамчироқлар қадимги Юнонистоннинг гуллаган даврига оид хайкалларни ёритиб турарди. Ҳар бири ўз ҳолича қимматбаҳо ёмби бўлган қимматбаҳо жавоҳирот терилган жавонлар устунлар оралиғида турарди, бўсағалар ва эшиклар ёғочнинг энг иоёб турларидан ясалган,



хамма томонда нүқул олтин ва дуру гавҳарлар кўзни қамаштириб ялтирайди. Арбак билан Иона бу хоналарда тоҳ иккови ёлғиз қолар, тоҳ соқовдек индамас куллар сафи олдидан ўтар эди, қуллар чўккалаб турганича Ионага инъомлар – билагузуклар, олтин занжирлар, дуру гавҳарлар тутар эдилар ва мисрлик бу совғаларни қабул қилиш учун қизга бехуда ёлборарди.

– Сени бой деб кўп эшитгандим, – деди Иона ҳайрат билан, – аммо бойлигинг бу қадар кўплигини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Ох, қани энди буларнинг хаммасидан бир тиллақош қўйдирсаму, у билан ойдек рухсорингни беzasam! – деярли қичқириб деди мисрлик.

Ҳай-ҳай! Унинг тагида янчилиб кетар эдим. Иккинчи Тарпеяга<sup>1</sup> айланган бўлар эдим! – жавоб берди Иона кулиб.

– Бойлиқдан ҳазар қилма, Иона! Бойлиги йўқ одам ҳаётда қувоғч нималигини билмайди. Олтин – буюк фитначи, сеҳргар, орзуларимизни ушалтиради, бизга илоҳий ҳокимият тақдим этади, унга эга бўлишда қандайдир рифъат бор. Бу энг қудратли ва шу билан бирга, қулларимиз ичида энг итоаткор қулимиздир.

Айёр Арбак ёш неаполлик қизнинг кўзлариши хазиналари ва сухандонлиги билан қамаштиришга ҳаракат қиласади. У қиз ўз атрофига кўриб турган ҳамма нар-

<sup>1</sup> Римга бостириб келган сабиналиклар йўлини Капитолий тепалиги чўққисидаги қалъа тўсиб туради. Қалъа бошлигининг қизи Тарпея Сабина аёллари чан қўлларида такиб юрадиган олтин билагузукларга ҳаваслари келиб, душманларга дарвозани очиб беришга рози бўлган. Бироқ сотқинликдан жон деб фойдаланган Сабина аёллари соткин қизни ёмон кўришдан бошқа ҳеч қаандай чора қўллашмаган. Шоҳ уларга деган: «Биз чап қўлимида нима бўлса, ҳаммасини унга беришга онт ичганмиз – онтимизни тўлиқ бажарайлик!» – деб билагузук билан бирга у Тарнеянинг оёғи остига ўз қалқонини иргитган. Қолганлар уидан ўрнак олганлар ва қиз қалқонлар залвори остида тириклай кўмилиб ўлган.

сага эга бўлиш истагини уйғотмоқчи эди, у бойликка ҳавас билан бирга қиз унинг соҳибига ҳам мойиллик ҳис қиласи деб ўйлаганди. Иона эса яқиндагина одатда гўзалларга гапирадиган суюқ хушомадгўйликдан нафрат қилган мана бу оғиз энди қанақангни сўзларни айтиётганини эшишиб, фалати бўлиб кетди. Фақат аёлларда бўладиган нозик одоб билан у ўзига қараб отилган пайконларни қайтаришга ҳаракат қилди ва унинг оташин нутқига ҳазил билан ёки шунчаки сўзлар билан жавоб берди. Бундай хикоядан кўра ҳайратомузроқ нарса йўқ эди: у гўё биргина пат ёрдамида шамолларга ҳукмини ўтказаман дея тасаввур қилган Африка афсунгарини бўйсундирди.

Мисрлик донишманд Ионанинг ҳусни таважжуҳидан ҳам кўра кўпроқ унинг нафосатига маҳлиё бўлиб қолди. У ўзини зўрга тутиб турарди. Ҳайхот! Патнинг факат ёзги енгил шабадагагина кучи етарди, холос, у бўронга қарши ҳеч нима қилолмасди.

Улар деворларига кумушранг оқ мато қопланган катта танобий уйда тик турар эдилар, мисрлик бирдан чапак чалди ва бамисоли эртаклардагидек, Ионанинг айни оёқлари ёнидан, фарш тагидан базми жамшид хонтахтаси ва ўриндик ёки тўғрироғи, алвон чодирли тахтиравон кўтарилди. Ўша заҳоти аллақаёқдантир шарда ортидан ширин мусиқа янгради.

Арбак Ионанинг пойлари ёнига чўкди. Уларга жаннатдаги филмонлар янглиғ хушрўй болакайлар хизмат қила бошлишди.

Базм, зиёфат сўнгига мусиқа паст ва босиқ бир куйни чала бошлаганида, Арбак ўз меҳмонига мурожаат қилди:

— Қачон бўлмасин, эй шогирдим, бу маъюс ва бузукликларга тўла дунёда яшай туриб, олдинга қарашиб, келажак пардасини суриб қўйишга ва тақдир соҳилларида содир бўлиш ато этилган хира манзараларни кўришга интилганмисан? Ахир фақат ўтмишдагина



шарпалар бўлмайди-ку, келажакдаги ҳар бир воқеа ҳам ўз шарпасига, ўз соясига эга; пайти келганда, шарпа ҳаётга тўлади, соя жисм касб этади ва ср бўйлаб юриб кетади. Нариги дунёда иккита кўзга кўринмайдиган руҳий ҳукмдор бор: бўлиб ўтгани ва энди бўладигани! Хохласанг, биз донолик кучи билан у ёқقا бирга кириб борамиз, ўтмиш ва келажакни кўрамиз, мен билиб олган нарсани биламиз, нафақат ўликларнинг сирларини, балки тирикларнинг қисматларини ҳам.

— Сен буни билиб олгансан! Наҳотки донолик шунча узоққа кириб бора олса?

— Менинг билимларим кучини синаб кўришни ва ўз қисматингни кўрмоқ истайсанми, Иона? Бу драма Эсхилнинг драмасидан ҳам мароқлироқdir, мен уни сен учун тайёрлаб қўйганман. Агар хохласанг, соялар ўз ролларини ижро этиб берадилар.

Неаполлик қиз титраб кетди. У Главкни эслади ва хўрсинди: уларнинг тақдирлари туташармикан? Бир ишониб, бир ишонмай, мисрликнинг сирли сўзлари олдида бир иккиланиб ва бир хузурланиб, бироз сукутдан кейин қиз деди:

— Мен кўрқиб кетаялман, тагин келажак билими хозирги кунимни факат гуссага солса-чи?

— Йўқ, Иона. Мен ўзим кўрдим сенинг тақдирингни: сенинг келажагинг шарпалари Елисей далаларида фароғатдадирлар. Арчалар ва атиргуллар орасида улар сенинг порлоқ тақдиринг гулчамбарларини тўқимоқдалар; бошқаларга юят шафқатсиз бўлган Паркалар<sup>1</sup> бир сен учунигина баҳт ва севги тасмасини тикмоқдалар. Улардан барвактроқ лаззатланиш учун ўз қуръангга кўз ташлагани борасанми?

Ионанинг юраги яна пи chirлаб: «Главк» деди. У эшитилар-эшитилмас розилигини изҳор этди. Мисрлик

---

<sup>1</sup> *Паркалар* – тақдир жодугарлари, юон мифологиясига кўра, улар тақдир кафанини тўқийдилар.



ўрнидан турди ва уни қўлидан ушлаб, зиёфатхонадан олиб ўтди, шунда пардалар ўз-ўзидан авж олди-да, мусика баландрок ва қувнокрок янграй бошлади. Улар бир нечта устуилар ёнидан юриб ўтишди, устунларнинг ҳар икки томонида хушбўй сувли фавворалар отилиб туради, сўнг кенг ва қиялама зинадан боқقا тушишди. Кош қорайди. Ой тик осмонда балқиб турарди. Кундузи ухлаб, тунда ҳавони муаттар бўйларга тўлдирувчи гуллар йўлкалар оралиғида қалин, ой нурига чулғанган дараҳтларнинг кўланкалари остида барқ уриб ўсиб ётар ёки уларнинг йўли устида оқаришиб кўринган кўплаб ҳайкаллар нойидағи садалардек саватларга солиб қўйилганича ташландик бўлиб ётарди.

— Мени қаёққа олиб кетаянсан ўзи, Арбак? — сўради Иона таажжуб билан.

— Хов анови ёкка, — жавоб берди мисрлик, хиёбон тўридаги мўъжазгина уйни кўрсатиб. — Париларга бағишлиган эҳромга олиб бораянман. Бизнинг синоатимиз шу табаррук жойда содир бўлмоғи керак.

Улар тўрида қора нарда осилган энисиз йўлакка кирдилар. Арбак шардани кўтарди. Иона бир қадам олдинга ташлади ва зулмат ичига кириб қолди.

— Кўркма, — деди мисрлик, — ҳозир чироқ ёнади.

У шундай дейиши билан юмшюқ ва илиқ нур аста чор атрофии тўлдирди ва шунда Иона улар ихчамгина хонада эканликларини, унинг барча деворларига қора нарсалар осиб қўйилганини кўрди. Унинг орқа томонида ўша раңгдаги мато билан қопланган кажава бор эди. Хонанинг ўртасида кичиккина меҳроб тураг, унинг устидан тош ўчоқ қўйиб қўйилганди. Ён томондан, гранит устуңда тундай қора мармардан ясалган баҳайбат бош осилиб туради. Буғдој бопокларидан ясалган чамбарга қараб, Иона фаҳмладики, бу буюк миср маъбудасининг тасвири. Арбак меҳроб рўнарасига келиб туриб олди, унинг устига гулчамбарини қўйиб, у учоёққа ўрнатилган косага, жез идишдаги қандайдир суюқликни аста қўйди.

Бирдан ўчок узра зангори олов лоп-лоп ёна бошлади. Мисрлик ортга чекинди, Ионанинг ёнига келиб туриб олди ва қизга номаълум тилда бир неча сўзни минғирлаб айтди. Мехроб ортидаги пардалар ҳилпираб кетди, ке-йин оҳиста очилди ва Иона хира ва оқиш сувратни кўрди, суврат аста-секин тиниқлашиб бораверди; нихоят, у дарахтларни, дарёларни ва ўтлоқзорларни фарқлай оладиган бўлди – барча гўзал ранг-бараңгликларга бой она замин. Тўсатдан манзара узра қандайдир соя сузуб ўтди, у Ионанинг тўғрисига келиб тўхтади ва қиз ўзида галати ўзгарип рўй берәётгандек ҳис этди, соя аниқ шаклга кирди ва бирдан Иона ўзини таниди!

Сўнг ушбу шарпали Иона ортидаги манзара кўздан йўқолди ва унинг ўрнида улугвор саройнииг танобийси пайдо бўлди. Ўргада қул ва посбонларнинг ноаниқ кўлкалари билан қуршалган тахт қад кўтариб турарди, тахт устидаги оппоқ қўл тошга ўхшаган бир нимани ушлаб олганди.

Бироқ бошдан-оёқ қоп-қора лиbosга бурканган, юзини яшириб олган янги шарпа пайдо бўлди. У Иона сояси олдида тиз чўкди, унинг қўлидан тутди ва гўё чиқиб ўтиришга таклиф қилгандек, тахтиравонни кўрсатди.

Ионанинг юраги тез-тез ура бошлади.

– Унга юзингни очайми? – ёнидан бир овоз шивирлаб деди. Бу Арбакнинг овози эди.

– Ҳа-ҳа! – аста жавоб берди Иона.

Арбак қўлини кўтарди. Шарпа уни ёниб турган ридони олиб ташлади ва Иона қичқириб юборди – унинг олдида Арбак турарди.

– Мана сенинг тақдиринг, – шивирлади мисрлик унинг қулогига. – Сенга Арбакнинг қайлиғи бўлиш ато этилган.

Иона титраб кетди – қора парда тасвирни яшириди ва Арбак, ҳақиқий Арбак ўзини унинг оёқларига ташлади.

— Ох, Иона! — деди у қизга әхтиросли боққанча. — Үз ишқи билан бу қадар узок ва бехуда курашган одамниң гапларига қулоқ сол! Мен сени ер-күкка ишонмайман! Наркалар алдамайдилар — сени тақдир меники қилиб яратган. Мен бутун дунёни қидириб чиқдим ва сенга тенг келдиганини тополмадим. Ёплик чоғимдан бүён сенга ўхшаган қизни орзу қилар эдим. Токи сени топгунимча бу менга бир эрмакдай бўлиб келаёттанди, факат сени топгандагина кўзим уйқудан очилди. Мендан юзингши ўғирма, Иона, мен ҳақимдаги олдинги ўйлаганларингни унут, мен энди бонқа одамман — илгари совуқ, хиссиз, мунгли бўлиб кўринардим сенга. Мен сени шу қадар садоқат ва әхтирос билан севаманки, Иона, бошқа биронта аёлни бунчалик севмаганман. Кўлимни узиб юборма тағин. Кўраяпсан-ку, мен ўзим қўйиб юбордим уни. Бўнти, истасант, узиб ташлай қол, шундок бўла қолсин! Аммо мендан юз ўғирма, Иона, ишошилма, сен ўзгартириб юборган одам устидан ҳукминг қанчалик кучли эканини ўйлаб кўр. Мен бирон-бир банда қаршисида тиз чўккан одам эмасман — аммо сенинг қаршингда тиз чўкиб турибман. Мен тақдирлар устидан ҳукм юргизар эдим — ўтинаман, сен менга тақдирингни ишъом эт. Иона, қалтирама, сен менинг маҳбубамсан, маъбудамсан, менга хотин бўл! Кўнглишг нимани хоҳласа, ҳаммасини жойида бажо келтиргайман. Сенга ёруғ дунёдаги барча неъматларни — бойлик, ҳокимият, дабдабаю асьаса — ҳаммаси-пи нисор этгайман. Арбакнинг сенга бош эгиб яшашдан ўзга ҳеч қандай севинчи бўлмаяжак. Иона, менга қара, табассуминг билан мени сарафroz эт, бошим узра чараклаб тур, меҳри мунирим, осмоним, шури чашмим! Иона, Иона, севгими рад этма, ха, рад этма!

Бу кўрқинчли ва қудратли инсон олдида ёлғиз Иона барибир кўрқиб кетди, Арбакнинг иззатли нутқи ва меҳрибон овози далда бериб янграрди, овозидаги

мусаффолик эса унга химоя эди. Аммо у ҳайратда колган, хижолатли эди ва дархол жавоб бера олмасди.

– Тур ўрнингдан, Арбак! – деди у охири ва яна унга қўлини узатди, аммо мисрликнинг қайноқ лаблари текканини ҳис этиб, дарров қўлини тортиб олди. – Тур ўрнингдан, борди-ю гапларинг жиддий бўлса, борди-ю нутқинг ҳазил бўлмаса...

Борди-ю... – такрорлади Арбак майин.

– Гапимга қулоқ сол. Сен менинг ҳомийим, дўстим ва муҳаббатим эдинг... Булар ҳаммаси кутилмаганда рўй берди! Сенинг таъзимиш, – унинг қоп-кора кўзлари чақнаб кетганини кўриб, Иона қўшимча қилди, – сенинг таъзимиш менга таъсир қилмайди, қўнглимни юмшатмайди, деб ўйлама. Аммо айт-чи, сен гапимга хотиржам қулоқ сола оласанми?

– Ха, ҳолбуки сўзларинг менга яшин теккандай таъсир қилди!

– Мен бошқа одамни севаман, – деди Иона ёниб, аммо қатъий оҳангда.

– Худолар ҳаққи... дўзахнинг ўзи ҳаққи! – қаддини азод кўтариб тик тураркан, хитобан деди Арбак. – Менга бундай гапларни айтма, менинг устимдан кулма! Бунинг иложи йўқ! Сен кимни кўрдинг, кимни билардинг? Иона! Булар бари уйдирма, аёллар макри, сен вақтдан ютмоқчи бўлаётисан. Мен сени ҳайратга солдим, сени чўчитиб юбордим. Мени нима қилсанг қил, айт, мен сени севмайман де, аммо зинхор болқани севаман деб айтма!

– Эвоҳ!.. – оғзини жуфтлади Иона ва бирдан мисрликнинг газабнок жазавасидан қўрқиб, йиғлаб юборди.

Арбак яқинроқ борди, унинг нафаси қизнинг юзини куйдирмоқда эди. У қизни қучоқлади, аммо қиз унинг қўлларидан ситилиб чиқди. Шунда фаршга у кўкрагида яшириб юрган қоғоз найча ерга тушди. Арбак найчани ушлаб қолди, бу эрталаб қиз Главдан олган мактуб

эди. Кўркканидан Иона тўшакда на ўлик, на тирик ўтириб колди.

Арбак мактубга тез кўз югуртириб чиқди. Иона унга қарашга юраги бетламаётганди. Арбакининг юзи ўликдай оқариб кетганини, ғазаб билан хўмрайганини, лаблари қанақанги шир-шир учаетганини, кўкси кўтарилиб тушаётганини кўрмади Иона. Арбак мактубни охиригача ўқиб чиқди ва найчани ерга тушириб юборди. Кейин ясама хотиржамлик билан деди:

– Бу сен севган одамдан келган мактубми? (Иона унисиз йиғларди.) Гапир! – У овозини бақириш дара-жасигача кўтарди.

– Ҳа, ҳа!..

– Мана, бу ерда исми хам бор экан... Бу Главк!

Кўлларини жуфтлаган ва атрофга аланглаган Иона қочишга йўл қидиради.

– Кулок сол, – Арбак шивирлаб гапиришга ўтди. – Унинг кучорида бўлишдан кўра сен қабрга кириб ётасан! Хўш! Арбак бу пасткаш юонон олдида лаллайиб қараб ўтиради деб ўйлайсанми? Бировга бериш учун мевани пиширибманми, буни ўйламадингми? Агар шундай бўлса, сен фирт нодон экансан. Сен фақат меники бўласан! Сен менинг ихтиёrimдасан!

У Ионани бағрига босиб қучиб олди. Ғазаб ва жазава билан қучоқлар экан, у севги хақида бутунлай унуган, эсимарги фақат ўч олишда эди. Бироқ нафрат Ионага куч бағишилади. У отилиб чиқди-да, орқага, хона тўрига ташланди ва пардани силтаб сурмоқчи бўлди. Арбак уни яна тутиб олди, аммо қиз яна юлқиниб чиқди, ҳолдан тойиб қаттиқ додлаганча Миср маъбудасининг боши турган устун ёнига йиқилиб тушди. Нафасини ростлаб, Арбак бир лаҳза тайсаллади, кейин эса ўлжасига отилди.

Шу топ парда шиддат билан сурилди ва мисрлик кимдир унинг елкасидан маҳкам тутганини ҳис этди. Қайрилиб қараб, у Главкнинг чақнок кўзларини,

Апекиднинг оппоқ, сўлғин, аммо даҳшатли чеҳрасини кўрди.

— Эҳ! — қичқирди у ғазабли нигоҳини биридан бошқасига олиб. — Қайси фурия олиб келди сизларни бу ерга?

— Ата! — жавоб берди Главк ва мисрликка ташланди.

Бу орада Апекид синглисдининг жонсиз танасини кўлларига олди. Гарчи қиз пардай енгил бўлса-да, ўй-хаёллар ва шубҳалар кемириб адo қилган Апекиднинг уни кўтариб кетишга кучи етмади, шу боис синглисни тўшакка ётқизиб қўйди ва борди-ю, Арбак устунлик қилгудек бўлса, қўлидаги пичоқни душманининг кўксига санчишга шай турган ҳолда у Главк ва мисрлик ўртасидаги олишувни кузатганча Иона тепасида тураверди.

Дарвоҷе, ёруғ дунёда рақибларнинг ваҳшиёна куч синашувларидан даҳшатли нарса бўлмаса керак. Улар бир-бирини устидан босар, ҳар бири рақибининг томогини қидирар эди, юзлари бир-бирига қарийб ёпишиб қолганди, қўзлари оловдек чақнарди, мушаклари таранг тортилиб, томирлари бўртиб кетганди, қаттиқ қисилган тишлари тиржаярди — ҳар иккови ҳам ҳаддан ташқари бакувват, икковининг ҳам ғазаби чексиз эди. Улар думалар, эшилар, бир томондан бошқа томонга чайқалар, танг хонада у ёқдан-бу ёққа ташланар, ғазаб билан қичқирар эдилар. Ана, улар меҳроб олдига бориб қолишли, кейин яна олишув бошланган устун олдига келишди. Шу ерда улар нафасларини ростлагани тўхташди — Арбак устунга суюнди, Главк эса устундан бир неча қадам нарида турарди.

— Эй, қадимий маъбуда! — деди Арбак устунни кучоқлаб ва нигоҳини муқаддас ҳайкалга кўтариб. — Муҳибингни ўзинг сақла, мана бу манфур дин мухлисини балога йўлиқтири, у ҳаром куч билан даргоҳингни булғатаётир ва сенинг қулингга тажовуз этаётир!

Шу топ ҳаракатсиз улкан бошга гүё жон киргандек бўлди, худди юнқа шарда орасидан ўтгани каби мармардан қизил нур чараклаб кетди, кўзлар оловли зўлдирлардай ялт-юлт қиласарди ва куйдириб кул қилувчи, тийиб бўлмас қаҳрга айланиб, юноннинг чехрасида туриб қолгандек туюлди. Унинг душмани додига маъбуда сирли равишда жавоб берганини кўриб, ҳайрат ва даҳшат чулғаган, аждодлари хурофотларидан холи бўлиб улгурмаган Главк мармар ҳайкалнинг мўъжизали жонланишидан ранги қув оқарди, у титраб кетди, кўрққанидан капалаги учайди. Арбак уни ўзига келиб олишига йўл қўймади.

— Қазонг етсин, налид! — момақалдироқдек гумбурлаб деди у ва юнонга ташланди. — Худоларининг ҳар нарсага қодир Онаси сени қурбон қилишимни хоҳлаётир!

Ўзини йўқотиб қўйган, хурофотлар даҳнатидан хали ўзига келмаган юнон ойнадай силлик мармар фаршда сирнаниб кетди ва йиқилиб тушди. Арбакни билган ва Исида эҳромида мўъжизаларга ишонмасликни ўрганган Апекид ўртоининг кўрққанига эътибор қилмади. У олдинга ташланди, пичоқ ялтиллади, аммо хушёр мисрлик ҳавода унинг қўлидан тутди-да, қуролни тортиб олди; муштум бир сермалди, қаттиқ зарба келиб тушди — Апекид фаршда чўзилиб қолди. Голибона ҳайқириқ билан Арбак пичоқни сиқимлаб ушлади-да, уни Главк узра кўтарди. Мағлуб бўлган гладиатор сингари совуқ ва нафратомуз итоаткорлик ила афиналик ажал қўзига киприк қоқмай қараб турарди. Бироқ шу аснода тагларидаги ер жон талвасасида қаттиқ силкинди, — мисрликдан қудратлироқ бўлган рух ҳаракатга келган эди! Бу қархисида қаҳр ва макр ожиз бўлиб қолган қақшатқич куч эди. У уйғонди, қимиirlади! Зилзиланинг даҳнатли деви башарий хиёнаткорлик ва қора башарий ғазаб устидан нафрат ила кулди. Тоғлар остида кўмилиб ётган девга ўхшаб, у кўп

йиллик уйқудан турди, тоғларни чайқаб, ўзининг тор түшагида бир ёнидан бошқа ёнига ағдарилди ва унинг ҳар бир харакатидан ср ости ох тортар эди. Ўзини мақтағчоқлик ила фаришта деб эълон қилган инсон ўз тантаси ва интиқоми онда кунпаякун этилган эди. Ер бўйлаб бўғиқ гумбурлаган овоз тарқалди, пардалар лопшиллаб кетди, учоёқ чайқалди, баланд устун титради, тош маъбуданинг боши тўғри мисрликнинг ўлжаси узра эгилган бўйнига қулаб тушди. Бу даҳшатли зарбадан Арбак срда ўликдай чўзилиб қолди. У даҳриёна афсунлар билан тирилтирган ва ёрдам сўраб чорлаган илоҳи ўзининг бошига етди.

— Ер ўз фарзаандларини сақлаб қолди! — деди Главк қийнала-қийнала оёқка турар экан. — Бу даҳшатли зарбанинг борига шукур! Кароматлари учун худога ҳамду санолар бўлсин!

У Алекиднинг туришига ёрдамлашиб юборди, кейин эса Арбакни орқасига айлантирди. Мисрликнинг юзида ҳаёт асари йўқ эди, оғиздан қимматбаҳо кийимларига қон оқиб тушарди. Главк қўлларини ёйган эди, мурда фаршга оғир ағдарилди ва қизил жилга мармар устидан оҳиста ўрмалаб кетди. Уларнинг оёқлари остидаги ср яна силкинди. Йиқилиб тушмаслик учун Главк ва Алекид бир-бирини ушлаб олишга мажбур бўлишди, бироқ зилзила қандай тез бошланган бўлса, шундай тез тўхтади.

Улар бошқа саросимага тушмадилар. Главк Ионани қўлларига осонгина кўтариб олди ва улар худонинг қарғини теккан бу жойдан тезгина кочиб кетишди. Бокқа чопиб чиқишлари ҳамон уларни тартибсиз ра-вишда югуриб кетаётган аёллар ва куллар ҳар томондан ўраб олди, уларнинг байрамона лиbosлари ушбу даҳшатли дақиқаларда ғоят беўхнов кўринарди; даҳшатга тушганидан улар нотаниш кишиларга эътибор берганлари ҳам йўқ. Уларнинг оёқлари остидаги хиёнаткорона жунибишга келаётган замин ўн олти йиллик



осудалиқдан кейин яна вайронгарчилик билан таҳдид солмоқда эди.

Хамма бир овоздан: «Зилзила! Зилзила!» деб қич-қирава өтиб, қандайдыр хиёбондан, кейин эса очик эшикдан үтиб, чопиб кетишпди. Ой бирдан ям-янил сабурлар орасида бир дүңгча устида буқчайиб үтирган күр қизнинг гавдасини ёритди – қиз аччик-аччик йигларди.





# УЧИНЧИ КИТОБ

## *I боб*

### ПОМПЕЯДА ФОРУМ

Эрталаб ҳамма Форумга боради: ишлари борлар ҳам, бекорчилар ҳам. Ҳозирги Парижга ўхшаб, ўша вактдаги Италия шаҳарларида бўлганидек эркаклар ҳамма вактларини уйдан ташқарида ўтказар эдилар. Сирасини айтганда, жамоат бинолари, Форум, пештоқлар, ҳаммомлар, эхромлар улар учун ҳақиқий уй эди; Помпейда бу севимли жойларни ҳашамдор қилиб безашлари ва улар билан фахрланишлари ажабланарли ҳол эмасди. Помпейдаги Форум дарҳақиқат ўша вактда жуда гавжум бўлар эди. Йирик-йирик мармар тахталар ётқизилган кенг йўлкаларда гурас-гурас одамлар тўпланар, қарийб ҳар бир сўзда кўллари билан ишоралар қилиб қизғин гурунглашар эдилар, бу тахлитда гаплашиш ҳалигача Италия жанубидаги аҳолига хос нарса. Устун ёнидаги етти дўконда саррофлар ўтиради, уларнинг олдида танга уюмлари ялтирад, атрофда эса ола-була либосдаги маллоҳлар ва савдогарлар ғужрон эди. Устунларнинг нариги томонида узун тўга кийган одамларни кўриш мумкин эди, улар суд кетаётган муҳташам бицо томон ошиқар эдилар; булар ишлар бўйича тиниб-тинчимас, сергац, зукко хусусий оқловчилар эди.

Майдоннинг ўртасидаги шоҳсупаларда ҳайкаллар қад кўтариб тураг, улардан энг ажойиби Цицерон ҳайкали эди. Бино тўғри ва симметрик дорий устунлари билан қуршалган, мана шу устунлар тагида иш туфайли каллаи сахардан Форумга келиб олган бир қанча одам Италия одатига кўра нонушта қиласар ва нонни шаробли косада ивитганча ўтган тундаги зилзила ҳақида ўзаро гап сотар эди.

Форумда чакана савдогарлар кезиниб юришарди. Бири қишлоқ ойимчасини тасма сотиб олишга ундар, бошқаси семиз дәхқонга кавшларини мактарди, учинчиси ҳозир Италия шаҳарларида күплаб учрайдиган аравачали сотувчи қорни оч одамларга жажжи күчма ўчокдаги иссиқ овқатини таклиф этарди. Шундоқ яқинда эса ўша талатўпли ва шу билан бирга маърифатли замон учун зиддиятли ҳолат намоён эди – устоз ёш шогирдларига лотин сарфу нақвидап сабоқлар берарди. Пешайвон устидаги энсиз ёғоч зинадан күчага тушиш мүмкин бўлган йўлак ҳам одамларга тўла, бироқ бу ерда кўпроқ муҳим ишлар муҳокама қилинганидан одамлар пастроқ ва жиддийроқ сухбатлашар эдилар.

Вақти-вақти билан халойик Юпитер эхромига (у ҳам шу ерда, Форумда бўлиб, Сенатнинг Мажлислар уйи бўлиб хизмат киларди) йўл олган ва дўстлари ёки танишларга ясама камтарлик билан бош иргаган биттагимта сенаторга йўл бериб, эҳтиром ила ўзларини четга олар эдилар. Ранг-баранг ва қимматбаҳо кийимлар орасида жамоат омборларига йўл олган, яқин орадаги қишлоқлардан келган дәхқонларнинг бесўнақай гавдадарини кўриш мүмкин бўларди.

Эхром билан ёнма-ён Зафар арки қад кўтариб турарди ва унинг орқасидаги узун кўчада одамлар гавжум эди. Аркнинг тоқиларидан бирида қуёш нурларида қувноқ йилтираб фаввора отилиб турагди, арк устидаги эса булатсиз ёз осмонида чиройли товланиб император Калигуланинг жездан ишланган отли ҳайкали қад кўтарган. Саррофларнинг дўконлари ортида бир бино бўлиб (у ҳозир Пантеон<sup>1</sup> деб аталади), шаҳарлик одамлар қўлтиқларида саватлар билан кичкина вестибюль орқали ичкарига ғолибона ўтиб келар эдилар. Қурбонликлардан коҳинлар ихтиёрида қолувчи ҳамманарса сотиладиган устунлар оралиғидаги саҳнга одамлар сал кисилиброқ юриб ўтишарди.

<sup>1</sup> Юононча «Пантеон» сўзи барча маъбулларга бирдек бағишланган эхромни англатади.

Жамоат биноларидан бири олдида усталар устунлар тикламокда эдилар, улар болғаларининг так-туқлари дам-бадам халойик говурини босиб кетарди. Бу устунлар бугунги кунгача ўша-ўшия чалалигича қолиб келмоқда!

Булар барчаси биргаликда расм-русумлар, насл-насаблар, урф-одатлар, машғулотларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хилма-хиллигиши ташкил этарди. Ҳаётнинг катта беҳаловатлиги, хушчакчаклиги, жонлилиги, қайнази ва жилваланишини тасаввур этиш қийин. Бу ерда дилхушлик ва савдо-сотик, бекорчилик ва меҳнат, хасислик ва кибру хаво ўзларининг хилмажил ва шу билан бир вактда уйғун оқимларини битта қилиб кўшиб юборган шиддаткор тамадӯннинг барча қиёфаларини кўриш мумкин эди.

Юпитер эҳроми олдидаги зинада эллик ёшлилардаги бир одам қўлларини кўкрагида боғлаган ва нафратомуз хўмрайганча тик туради. Унинг эгнидаги кийимлар ғоят жўн эди, унда Помпеядаги барча тоифа одамлари тақиб юрадиган тақинчоқлар йўқ эди; тақинчларига сабаб: улар бундай тақинчоқларни яхши кўрар эдилар, аммо яна бир сабаб шунда эдики, тақинчоқлар сеҳр-жоду афсунларидан ва ёмон кўзлардан асрорчи жонли мавжудотлар шаклида ясалган бўларди. Ҳалиги одамнинг пешонаси дўнг ва тепакал бўлиб, энсасидаги тўкилмай қолган бир тутамгина сочини ридосининг қаллоғи яшириб туради, бишобарин, уни кўтариб ва тушириб кўйса бўларди, ҳозир эса у бошини қуёшдан сақлаш учун олдинга тортиб кўйилганди. Бу одамнинг кийими Помпеяда расм бўлмаган жигарранг тусда бўлиб, қирмизи безаклари йўқ эди. Камарга мўъжазгина довот қистириб кўйилганди, услуби – ёзиш учун учи йўнилган чўшак ёзғич ва катта-катта мумланган қофоз пайчалар. Кўзга айниқса яққол ташланиб турган парса камар орқасида катмоннинг йўқлиги эди, Помпея ахолиси учун майли, ичи бўм-бўшdir, начора! – аммо унинг бўлиши зарурий саналарди.

Шаҳарнинг қувноқ ва ўзини яхши кўрадиган ахолиси атрофдагиларга камдан-кам эътибор қиласр эди, аммо мана бу одамнинг дадил нигоҳида шу қадар аччиқ нафрят бор эдики, у эҳром зиналаридан кўтарилиб келётган диний намойишта қараб турганида, кўпларнинг кўзи беихтиёр унга тушди.

– Анови киник<sup>1</sup> ким бўлди? – сўради бир савдогар ўзининг заргар қўшнисидан.

– Бу Олинф, – жавоб берди заргар, – таникли на-соро, масихий.

Савдогар чўчиб тушди.

– Даҳшатли мазҳаб! – деди у шивирлаб. – Айтимларича, масихийлар ҳар доим ўзининг тунги маросимларини янги туғилган чақалоқни ўлдиришдан бошлармиш. Тағин ўзларини тақводор дейиниларига ўласанми! РАЗИЛЛАР! Тақводор эмишлар! Агар ҳамма улардан ўриак олса, савдогарларнинг, заргарларнинг ҳам ҳоли не кечади?

– Ҳаққаст рост, – деди заргар. – Улар қимматбаҳо дуру гавҳарлар тақмайдилар, илонни кўрганда сўкинадилар. Помпеяда эса барча тақинчоқлар илон шаклида ясалади.

– Ана, кўрдиларингми, – деди учинчи одам, жез коса ва хайкалчалар қуйиладиган устахона эгаси, – муборак қурбонлик намойишига бу насоро қанака қарайанти! Унинг нималарни бидирлаётганини эшитаяпсизларми? У эҳромга лаънатлар ёғдираянти, ишонаверинглар. Биласанми, Дельдин, бу одам яқинда устахонам олдидан ўтиб кетаётиб ва менинг Минерва ҳайкалини ишлаёт-

<sup>1</sup> Киникларнинг эрамизгача IV асрнинг иккинчи ярмидан мавжуд бўлган фалсафий мактаби барча турмуш фароғатлари қадриятини ишкор этган, ягона фароғатни руҳий хотиржамликда кўрган. Бу ерда янги дин вакиллари – масихий (христиан)ларни Рим диктаторлари халқка ёмон кўрсатиб, бўхтон, иғволар қилгани, халқ эса жамоа бўлиб ахил яшовчи масихийларни янглишиб, Диоген каби якка яшовчи киникларга ўхшатади. (Тарж.).

ганимни кўриб, бурини жийирди ва: «Аттанг, жездан экан-да, агар мармардан бўлганида, чилшарчиш қилиб ташлардим», – деди. «Маъбудания?!» – жон-поним чи-киб кетди менинг. «Қанақасига маъбуда экан! – деди шу даҳрий. – Бу иблис, шайтон-ку». Кейин сўкиниб-сўкиниб йўлига равона бўлди. Наҳотки, биз бунга тоқат қиласиз? Ўтган тундаги ер қимирлашидан ажабланмаса бўлади, – у кўксидан мана шу даҳрийни улоқтириб ташламоқчи бўлганди. Даҳрий дейиш ҳам камлик қиласи. У санъат кушандаси. Борди-ю, шундай одамлар қонун ўрнатадиган бўлиб қолишсами, биз ҳайкал усталарнинг шўри қуриди деяверинглар!

– Нерон даврида Римнинг кулини кўкка совурғанлар шулар, – ух тортди заргар.

– Щу тариқа улар масиҳийининг шаънига «дўстона» таъналар ёғдиришар экан, Олинф уларнинг диққатини ўзига тортаётганини сезди. У атрофга назар солди ва теварагига одамлар тўпланаётганини, унга қарашаётганини ва пичир-пичир қилишаётганини кўрди. Уларга ўқрайиб ва шу билан бирга ачиниб қараб қўйди-да, у ридосига ўраниб, баланд овозда гудранганича у ердан кетди:

– Гумроҳ бутпарастлар! Наҳотки ўтган тундаги зилзила ақлларингни киритмаган бўлса? Эвоҳ! Қиёмат кунида ҳолларинг не кечаркин?

Бу кароматни эшлигларнинг ҳар бири уни ўз жаҳолати ва қўрқоқлиги даражасида ўзича тушунди, бироқ барчалари унинг даҳшатли қарғиши эканида ҳамфикр эдилар, улар насорога инсон зотининг душманига қарагандек қараб туришарди...

Оломон ичидан чиққач ва «Форумнинг энг чекка жойигача стиб боргач, Олинфнинг кўзи, юзи ошпок ва жиддий бир кишига тушди. Уни дарҳол таниди. Коҳинлик либосини яшириб турган ридосига ўранган Апекид сал бўлмаса ўзига оғдириб олган янги, сирли дин ихлосманди Олинфга ҳали унчалик ишонмас эди.

– Наҳотки у ҳам ёлғончи бўлса? Наҳотки шундай одми кийинган, кўринишни ҳам соддагина бу одам,

наҳотки у ҳам, Арбак сингари, ўзини жиддий қўрсатиб, асл башарасини яшираётган бўлса? Наҳотки Веста ҷодири бундай иллатни хаспўшлаб турган бўлса?»

Барча насл-насаблардаги одамларни қўравериб қўзи ништган ва ўз яқинларини яхши билган масиҳий Олинф Исидалинг янги коҳини Ашекиддинг юзидан қалбида нималар кесчаётганини фаҳмлади. У коҳиннинг синовчан нигоҳини хотиржам, очиқ ва самимий бир тарзда қарши олди.

— Сенга тинчлик тилайман, — салом берди Олинф ёш коҳинга.

— Сенга ҳам тинчлик бўлсин, — алиқ олди коҳин. Унинг овози шу қадар ҳазиз чиқдики, масиҳийнинг унга раҳми келиб кетди.

— Бу салом-аликда, — деди Олинф, — ёруғ дунёдаги барча яхши нарсалар мужассам, — ахир яхшилик бўлмаса тинчлик бўлармиди? У камалакка ўхшайди, ўзи ерга тиради туради-ю, учи осмони фалакларда кўринмай кетади. Фалаклар уни мунаvvар қилиб туради, у булувлар орасида макон тутади, мангу сўнимас қуёшни акс эттиради, хотиржамлик бағишлайди. Бундай хотиржамлик, эй йигит, юракни яшнатади, мангу нурни ўзида намоён этади. Салом, тинчлик тилайман сенга.

— Афсуски!.. — гап бошлади Ашекид, бироқ барчага отнинг қашқасидек таниқли масиҳий билан Исидалинг коҳини нима тўғрисида гаплалишлари мумкинлигини билишга муштоқ бекорчиларнинг қизиқиб қарашаётганини кўриб жимиб қолди ва аста қўшиб қўйди: — Бу ерда гаплашиб бўлмайди. Дарё бўйида кўришайлик, у ерда бир йўлка бор, айни вақтда у ер холи.

Масиҳий Олинф бош ирғади. Ҳар томонга зийраклик билан нигоҳ солганча, у кўчалардан тез-тез юриб кетди. Ахён-ахёнда йўловчилардан айримлари билан маънодор кўз уриштириб кўяр ёки билинрабилинмас бош ирғар эди, уларнинг кўпчилиги кийим-



ларига қараганда, қуи тоифаларга мансуб бўларди, зеро, бошқа барча нарсаларга, шу жумладан тарихдаги буюқдан кўра мундайроқ эврилишларга ўхшаб, насронийлик даставвал авомуниос қалбидаги хантал ургидек келадиган заррача эди, холос.

## *II боб*

### **ЖАМОА**

Масиҳий, унинг изидан эса Апекид ҳам Сарин дарёси соҳилига етиб келди. Эпдиликда бир кичик жилғага айланиб қолган бу дарё ўша вақтларда деңгиз томонга шовуллаб оқар, унда сонсиз кемалар сузар, сувларида эса Помпея боғлари, узумзорлари, саройлари ва эҳромлари акс этиб туради. Шовқинли ва гавжум соҳилга етиб келгач, Олинф дарёдан атиги бир неча қадам нарида соядор дараҳтлар тагидан кетувчи йўлкага бурилди. Оқшомлари бу ерда шаҳарликлар сайд қилини ёқтиришарди, кун иссиғида югуриб, ўйнаб юрган бола-бақралар ва битта-яримта ўйчан шоир ё баҳслашган файласуфларни ҳисобга олмагандаги бу ерга өдам камдан-кам келарди. Йўлканинг ҳув охирида шамшоднинг ям-яшил шохлари нафис чайқалади, уларга фавн ва сатирлар ёки Миср эҳромлари ё бўлмаса шаҳарнинг ҳамма севган биронта машҳур фуқаросининг бадхат имзоси кўринишидаги дид билан шакл берилган. Кўпол дид бўлса-да, ўзининг қадимийлиги билан барбири яхши.

Тушки қуёшнинг қия нурлари шохлар орасидан бу йўлкага тушиб турган уибу паллада у мутлақо кимсасиз эди, ҳар ҳолда масиҳий Олинф ва ёни коҳиндан бошқа бу яқин-атрофда ҳеч зор кўринмасди. Улар дараҳт остидаги ўриндиклардан бирига ўтиришди. Дарё томондан эсаётган енгил шабада уларнинг юзига салқин урилар, рўпараларида дарё суви мавжланиб, яракларди. Бу таажжубланарли жуфтлик эди: энг янги дин их-

лосмандию жағон диплари ичида энг қадимиисининг кохини!

— Ўшанды мени түсатдан ташлаб кетганингдан буён яхши юрибсанми? — сүради Олинф. — Кохинлик либоси остида юрагинг осойиш тоңдими? Эй, Тангри сасига муштоқ банда, Исида соҳибкароматларида унинг акс садосини топа олдингми?. Сен хўрсинаётирсан, тескари қараётирсан, кўнглим сезган жавоб шу бўлади.

— Хайхот, — жавобан деди Амекид хўрсиниб, — рўпарапнга бир бадбаҳт гуноҳкорни кўриб турибсан! Болалигимдан яхшиликни орзу қилардим. Мағораларда ва хилват гўшаларда олий мавжудотлар билан мулоқотда бўлган одамларнинг табаррукликларига ҳавас қилар эдим. Кунларни бўронли ва лойқа орзуларда ўтказардик, тунлари эса... тунлари вужудимга ғалати, аммо тантанавор арвоҳлар меҳмон бўларди соҳта кароматгўйликларга алданиб, мен мана шу либосни кийдим. Кейин эса юрагимни (сенга ошкора иқрор бўламан) кўрганларим ва иштирок этишга мажбур бўлган кунларим безовта қилди. Ҳақиқатга интилиб, мен алдов қулига айландим. Сен билан учрашганимиз ўша оқшомда бу кazzоб (Арбак) дилимга янги умидлар солди, аслида мен уни яхшироқ билишим керак эди... Аммо буниси муҳим эмас! Ўзимнинг таваккалчилигимга мен қасам ичишдек жиноятни ва гуноҳни кўшдим. Аммо энди кўзим очилди. Мен фариштага таъзим қилдим деб ўйловдим, аммо у шайтоп бўлиб чиқди! Дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди, билмадим, унинг устидан хўжайинлик қиласидиган худолар борми, йўқми? Ёки биз тасодиф қўғирчоқларимизми ва бу кисқа ва қайғули ҳаётимиз ортида нима кутаётибди бизни – зулматми ёки янги ҳаётми? Менга ўз диним ҳақида сўзлаб бер, шубҳаларимни тарқат, агар ростданам бу сенинг қўлингдан келса.

— На сенинг аччиқ хатоларинг, — деди насоро, — на ҳозирги шубҳаларинг менга таажжубли эмас. Атиги саксон йил муқаддам одамларда ягона Худога ва па-

риги дунёга ишонч йўқ эди, аммо энди қулори эшитадиганлар учун янги илоҳий қонуилар эълон қилинган – ҳақиқий Олимп осмон эқанлиги кўзи борларга кўриниб турибди. Энди диққат билан эшит.

Ўзи диндор ва бошқани ҳам динга тортган одам сифатида масихий тантанали сувратда Инжил фарзларининг ҳақиқийлигига Апекидни ишонтира бошлади. У Исо Масихнинг азоблари ва мўъжизалари тўғрисида ва халоскорнинг меърожи тўғрисида йиевлаб сўзлаб берди. У мўъминлар учун тайёрланган мусаффо ва бегамбеташвиш арши аълони ва гуноҳкорлар учун тайёрланган дўзах оламини тасвирлаб берди.

Исо Масих томонидан инсониятни зулмдан халос қилиш учун ўзини қурбон қилишига кейинги вақтда юзага келган шубҳалар ўша замонлар маъжусийининг хаёлига ҳам келиши мумкин эмасди. У «худолар»нинг ерда яшаганларига, одам қиёфасига киргандарига, одамлар меҳнати, азоб-уқубати ва баҳтсизликларини баҳам кўргапларига ишонар эди. Алкменанинг ўғли<sup>1</sup> инсоният насли учун меҳнат қилмаганмиди? Шу сабабли маъжусийлар уни азиз билиб, меҳроблар ўрнатиб, курбонлик учун хушбўй исириқ ёқадилар. Дорийлик Аполлон<sup>2</sup> ер остига кириб, сирли гуноҳи учун тавба-тазарру қилмаганмиди? Фалакдаги илоҳлар одамларга қонуилар улашар ёки уларга раҳмат нурини ёғдирадар эдилар, одамларнинг миннатдорликлари эса саждага айланар эди. Шу боис Исо Масихнинг осмондан ерга тушиши, илоҳнинг бандага айланини ва ажал болини тотиши халқка файриоддий ва ғалати бўлиб кўринмас эди.

– Кетдик, – деди насоро ёш коҳинга унинг сўзлари қандай таъсир қилганини кўриб. – Бизлар, озгина диндорлар тўпланадиган камтарингина уйга борайлик. Бизнинг дуоларимизни эшитиб кўр, тавба-тазарруда тўккан кўз ёшлиаримизни кўр, биз билан биргаликда оддий-

<sup>1</sup> Яъни, Геракл.

<sup>2</sup> Юон қабилалари орасида Аполлонга энг кўп дорийлар сажда қилар эдилар.



оддий қурбонликлар кил, – қўзичноқларни эмас, гулчамбарларни эмас, балки қалб меҳробига нисор этиладиган ёрқин фикрларни қурбонлик қил...


Олинфнинг бу руҳлантирувчи сўзларида Апекидга қандайдир сахий эзгулик бордай туюлиб кетди. Тўлқинланиб, у бўйсунди. У ҳозир ёлғизликни кўтара олмас, бунинг устига у қизиқувчан бир ҳолатда эди – у бу қадар мавхум ва бир-бирига қарши миш-мишлар юрган урф-одатларни кўрмоқчи эди. У пошмади, ўзининг либосига қаради. Арбакни эслади ва даҳшатдан сесканиб, насорога қаради. Кейин яхшироқ яшириниш учун ридосига чирмалди ва деди:

– Бошла. Мен изингдан бораман.

Суюниб кетган Олинф унинг қўлини қисиб қўйди ва дарёга тушиб, қайиқлардан бирини чақирди – бундай қайиқлар бу ерда кўши эди. Улар қайиқقا тушишди. Чодир уларни куёшдан ҳимоя қилас ва ёт нигоҳлардан яширади, қайиқ сув юзида тез сузиб кетди. Сал наридан сузиб ўтиб кетаётган қайиқларнинг биридан паст мусиқа қулоққа чалинарди, қайиқнинг тумшуғи гуллар билан безатилганди, қайиқ денгиз томон сузиб борарди.

– Ана шунақа, суюнган ва ўз хатоларидан бехабар ҳолда бу роҳат ишқибозлари уларни бўрон ва ҳалокат кутаётган баҳри муҳитга сузиб кетмоқдалар, – деди Олинф. – Уларнинг ёнидан билдиrmай сузиб ўтиб кетамиз-да, соҳилга етиб оламиз.

Апекид кўзини кўтариб, чодирдаги теникдан қайиқдаги йўловчи аёллардан бирини кўрди – бу опаси Иона эди. Коҳин хўрсиниб қўйди ва яна жойига ўтирди. Улар ифлос, чекка кўчаларга яқин жойда қирғоққа келиб қўнишди. Олинф қайиқдан тушиб, Апекидни чалкаш кўчалардан бошлаб кетди ва ниҳоят, қўшниларницидан каттароқ бўлган уйнинг қулфлос эшиги олдида тўхтади. У уч марта тақиллатди – эшик очилди ва Апекид йўлбошловчиси билан изма-из осто-надан ҳатлаб ўтиши ҳамон эшик ёпилди.





Улар бўм-бўш атрий – йўлак орқали ўтиб, чоғроқ хонага кирдилар, эшик устидаги кичкина дарчадан ёруғлик тушиб турарди, холос. Остонада тўхтаб ва эшикни қоқиб, Олинф деди: «Саломлар бўлсин!» Ичкаридаги овоз сўради: «Ким керак?» – «Мўъминлар!» – жавоб берди Олинф ва эшик очилди. Бесўнақай ёвоч хоч олдида, афтидан, муроқабага берилиб, ярим доира шаклида ўн тўрт одам индамай ўтиради.

Олинф ичкарига киргач, улар бошларини кўтаришди, аммо чурқ этишмади. Насоронинг ўзи гап қотишдан олдин хоч олдида тиз чўқди ва Апекид унинг унсиз ибодат қилаётганини кўрди. Ибодат қилиб бўлгач, Олинф тўпланганларга мурожаат қилди:

– Дўстлар ва оғайнилар, орамизда Исида коҳинини кўриб таажжубланманг. У кўрлар қаторида эди, бироқ табаррук рух унга нозил бўлди, у ўзи ҳаммасини кўрмоқчи, эшитмоқчи ва тушунмоқчи.

– Иршод, – деди ҳали Апекиддан ёшроқ бир йигитча, унинг ҳам юзи шундай заҳил ва оғир, сўнгсиз тахайюллардан беҳол эди.


– Ҳасанот, – деди бошқа каттарови; унинг қорача териси ва шарқона юз-андоми шомликларга тортарди – ёшлигига у қароқчи бўлган эди.

– Ҳасанот, – деди учинчиси.

Коҳин улар томон ўгирилди ва оппок, узун соқолли чолни таниб қолди – у бойвачача Диомеднинг қули эди.

– Ҳасанот, – такрорлади бошқалар ҳам, паст тоифаларга мансуб иккитаси бундан мустасно эди. Бу иккавининг бири посбонлар бошлиғи ва иккинчиси Искандария тожири эди.

– Биз сендан сирларга риоя этишни талаб қилмаймиз, – яна сўз қотди Олинф. – Заиф оғаларимиздан айримлари қилганидек, биз сендан сотмасликка қасам ич демаймиз. Тўғри, жамоамиз қонун билан тақиқланган эмас, аммо ҳукмдоридан баттар ёввойироқ ҳалойик бизлардан интиқом олишга муштоқ. Шундайин, дўстларим,



прокуратор Пилат иккиланганда, оломон: «Исони чормихга торт!» деб қичқирган эди. Аммо ўз хавфсизлигимизни деб биз сени қасам билан боғлаб қўймаймиз, йўқ! Бизни халойиқقا сот, айбла бизни, ёмонла, истасанг, устимиздан фийбат қил. Биз ўлимни писанд этмаймиз, биз арслон қафасига жон-жон деб кириб боришга ёки жаллод дарраси остига ётишга тайёрмиз, биз қабр зулматини оёқости қилиб ташлаймиз, зеро, жиноятчи учун ўлим жоиз бўлгани каби, насроний учун – абадият хосдир.

Маъқуллаган овозлар эшитилди.

– Сен бизникига меҳмон бўлиб келгансан ва истасанг, қолишинг мумкин. Бизнинг динимиз қанақалигини билмокчимисан? У қаршингда турибди. Мана бу хоч – бизнинг ягона муҳибимиз, мана бу қофоз найчада Зерларимиз ва Элессинларимизнинг сирлари бор. Бизнинг ахлоқимизми? У бизнинг ҳаётимизда. Биз ҳаммамиз гунохкорлар эдик, аммо энди бизни ким жиноятчиликда айблай оларди? Биз ўтмишдан покландик. Буни бизнинг хизматимиз деб ўйлама – худонинг иродаси шу бўлди. Бу ёқка кел-чи, Медон, – Апекиднинг қолишига учинчи бўлиб розилик билдирган кекса қулга имо қилди у. – Сен орамиздаги ягона кулсан. Аммо арши аълода биринчилар охирги бўлиб қолади. Бизнинг орамизда ҳам шундай бўлсин. Қофоз найчани очда, ўқи.

### III боб

## ДАРБОН, ҚИЗ ВА ГЛАДИАТОР

Диомед уйининг эшиги очиқ эди ва кекса қул Медон зинанинг пастки пиллапоясида ўтиради. Бой тожирийиг бу данғиллама уйини шаҳар дарвозасидан ташқарида, даҳмалар йўлининг энг бошида ҳозир ҳам кўриш мумкин. Ўшалар билан қўпини бўлишига қарамай, бу маҳалла қувноқ эди. Кўчанинг нариги

томонида, дарвозагача атиги бир неча қадам қолганда катта мусоғирхона, такя бор эди, бу ерда Помпейга иш билан келгән ёки бу ерда күшгилчөлік қидирған одамлар тамадди қылгани ё ҳордик чиқарғани құнар әдилар. Хонақож дарвозаси олдида энди юқ ва йўловчи ташийдиган аравалар туради – бир хиллари ҳозиргина келгән бўлса, бошқалари йўлга тушмоқчи бўлиб турар, атрофда тўс-тўполон ва жонланиш ҳукм сурарди. Эшик олдидағи думалоқ хонтахтада бир неча дехқон ўтиради ва эрталабки бир коса шароб устида ўз ишлари ҳақида гап сотар әдилар. Эшикка неча замонлардан буён одамларга таниш бўлган шатранж катаклари чизиб ташланғанди. Уйнинг томонида ойнаванд айвон қурилғанди, у ерда аёллар, пастда гап сотиб турган дехқонларният хотинлари ўтирап ёки турап әдилар ва панжара устидан энгашиб, ташишлари билан гаплашар әдилар. Уларнинг ёнида, қўшни чуқур сахнадаги мато қопламали ўриндикда иккитами-учта камбағал одам кийимларидағи чангни қоқа-қоқа дам олмоқда эди.

Уйнинг орқа томонида катта биёбон ястаниб ётарди, бир вақтлар бу ерда илгарироқ яшаган қадимги халқнинг собиқ қабристони эди бу, – энди бунда ўликлар куйдириларди. Биёбон узра кўм-кўк довдараҳтга кўмилған чиройли муҳташам иморатнинг айвонлари савлат тўкиб туради. Нафис ва хилма-хил, гуллар ва дараҳтлар билан қуршалған даҳмаларният ўзи кишини ғамга чўқтирмасди.

Шаҳар дарвозаси олдида, кичкина сахнда ҳаракатсиз ва қоидага итоаткор рим легионери посбонликда туради. Унинг дубулғаси ва қўлида ушлаб олган найзасида қуёш акси ялт-юлт қиласиди. Дарвоза уч йўлли аркдан иборат әди, ўртадагиси юқ ва йўловчи ташийдиган аравалар учун, икки чеккадагилари эса пиёда йўловчилар учун мўлжалланғанди. Бу йўлларният ҳар икки тарафида қалин деворлар қад кўтариб туради. Бу деворлар турли даврларда – уруш, вақт ва зилзила бу фойдасиз истехкомларни вайрон қилғандан кейин

қайта-қайта таъмир қилинган. Деворлар устида бир-бирига яқин қилиб қурилган чорбурчак миноралар қад күтариб турарди, кўркам совуқлиги билан деворларнинг бир хиллигини бузиб, шундоқ ёнидаги янги оқ уйларга ярашиб турарди.

Геркуланум йўли бурилиб, устидан Везувий тоғ чўккиси тунд хўмрайиб турган узумзорлар орасида фойиб бўларди.

– Янгиликни эшитдингми, қария Медон? – сўради кўза кўтарган ёш аёл, қул билан гаплашгани Диомеднинг эшиги тагида тўхтаб, – аёл кўзасига сув олгани ва ўткинчилар билан гаш сотгани хонақоҳга бормоқда эди.

– Янгилик? Қанақа янгилик? – қул бошини кўтарди.

– Бугун тонгда дарвозадан қандай меҳмон кириб келганини билганингдайди, сен албатта бу вақтда уйқуни ураётган бўлсанг керак!

– Ҳа-а, – деди қул бепарво.

– Ҳа, бу худо ярлақагур Помпониандан совға.

– Совға? Ахир ҳозиргина ўзинг айтмадингми меҳмон келди деб?

– Ҳа, бу бирданига ҳам меҳмон, ҳам совға. Билиб кўй, ҳой ахмоқ чол, бу ёш чиройли шер, у яқинда бўладиган ўйинларда иштирок этаркан. Эшитяпсанми, Медон? Ўзиям томошамисан – томоша бўлади-да! То уни кўрмагунимча киприк қоқиш менга ҳаром. Айтишларича, у ёмон ўкирар эмиш!

– Шўрлик нодон қиз, – деди Медон ғамгин ва нафратомуз.

– Мени нодон демай қўя қол, қари тўнка! Шер – бу зўр нарса, айниқса, у битта-яримтани тилка-пора қилиб ташлаганида. Тушунаяпсанми, Медон, энди бизда арслон ҳам бор, шер ҳам бор! Фақат иккита боптароқ жиноятчи етишмай турибди, шунинг учун ҳам биз энди улар бир-бири билан қандай олишишини кўришимизга тўғри келадиганга ўхшаяпти. Айтганча, сенинг глadiатор ўғлинг бор-а, чиройли ва кучли



йигитча. Сен уни шерга қарши чиқишига кўндиранг бўларди. Кўндиранг, бир умр сендан миннатдор бўлиб қолардим, бир менинг эмас, бутун шаҳарнинг савобига қолардинг.

— Кет, — совуқ деди қул. — Менинг бечора боламнинг ўлими ҳакида вайсагандан кўра ўз жонингни ўйласанг бўларди.

— Ўз жонимни? — ҳайрон бўлди қиз ва қўрқиб атрофга аланг-жаланг қаради. — Ҳув, башпаранг гўрда чиригур! Илоё тилинг ўз бошингни есин! — Шундай дея қиз бўйнида осилиб турган туморни ушлади. — Менинг жонимга нима бўлар экан?

— Бир неча кун бурун ер қимиrlаганди — бу эҳтиётингни қил дегани эмасми? — деди Медон. — Ёки ернинг овози йўқми? У ҳаммамизга: «Ўлимга тайёрланинг, интиҳо яқин», — деб айтмадими?

— Ҳаҳ, шуни айтаяпсанми ҳали! — деди қиз туникасини тўғрилаб.

— Сен худди масиҳийларнинг гапини айтиётисан — тагин сен ҳам ўшаларнинг биттаси бўлмагин. Бўпти, сен билан валаклашиб барака топадиганга ўхшамайман, қари қарға. Олашақшақдай шақиллайсан, холос. Хайр! Оҳ Геркулес, бизга шер учун битта ва яна арслон учун битта жиноятчини юбор!

Эҳ, полвоилар бизни хурсанд қилгувчи,  
Бизга эрмак учун улар ўлгувчи.  
Алкменанинг ўғли каби баҳодир,  
Бизга эрмак учун ўлишга кодир.  
Ана, шер ва инсон майдонга тушди,  
Бу жангда қайраймиз ақл ва хушни.  
Эҳ, қонлар оқар кумли майдонда,  
Бизга мазза дорул омонда!..

Кўнгироқдай овозда бу ёқимли қўшиқни хиргойи қилгаича ва йўлда чанг қилмаслик учун туникаси барини кўтарганича қиз мусофирихона томонга енгил юриб кетди.

— Бечора ўғлим! — ух тортди қул. — Наҳотки бехуда күнгилочарлик деб ўлиб кетаверсанг? Ох Исо Масих дини, сенга жон-жон деб тазарру қилардим, аммо құрқаманки мана бунақа қонхүр иштиёқлар жонимизга қасд қилаётір.

Чолниңг юраги бир тутам бўлди. У хаёлларига чўмтапча жим бўлиб қолди, дам-бадам енги билан кўзларини артарди. У бутун юраги билан ўғлига во-баста эди. Кимнингдир тез, шахдам одимлар билан дарвозага кириб келтанини у кўрмади. То бу одам тўхтаб, уни аста: «Ота!» — деб чақирмагунча кўзини кўтартмади.

— Болажоним! Лидоним! Наҳотки бу сен бўлсанг? — суюшиб кетди чол. — Ҳозир сени ўйлаб тургандим.

— Бундан бошим осмонга етди, ота, — деди гладиатор кекса қулниңг тиззалари ва соқолига қўлларини теккизib. — Тез орада мен билан хаёлда эмас, ўнгингизда бирга бўлиб қолишингиз мумкин.

— Ҳа, ўғлим, аммо бу дунёда эмас, — қайгуланди қул.

— Ундей деманг, падари бузрукворим. Ўзингизни ту-тинг, чунки мен сезиб турибман... Ғалаба қозонишимга ишонаман. Мен оладиган олтин эса сизга озодлик келтиради. Отажон, бир неча кун олдин мен алдашни истамай, ишончини оқламоқчи бўлган одам устимдан кулган эди. У барча перикларидан сахийроқ экан. У римлик эмас, афиналик, ўша устимдан кулди, ғолиб қанча олади деб сўраганимда, у мени нафси бузуқликда айблади. Афсус, у Лидонниң юрагини яхши билмас экан!

— Ох ўғлим, ўғлим-ей! — деди чол ва шиллапоядан аста кўтарилиди, уни бу иморатда атрий эмас, перистил бўлган танобий уйга олиб киравчи ўз хужрасига олиб борди.

Мана шу хужра ҳозир ҳам сақланиб қолган, ўнгдан учинчи эшик (биринчиси — зипапояга, иккинчиси бронза ҳайкал турган хилват саҳнга олиб чиқарди).

— Бўлмаса-чи, юрагинг олийжанобликка, муҳаббатга, тақвога тўла, — деди Медон улар ҳужрага кириштагач, — аммо сен қилаётган иш гунохи азим: отангнинг озодлиги деб сен ўз қонингни тўқмоқчисан — буни ҳам кечирса бўлади. Аммо ғалаба қозонини учун сен бироўнинг қонини тўкишинг керак. Бу эса оғир гуноҳ, ҳеч қанақанги мақсад уни оқлай олмайди. Шу ерда тўхта! Бундай қийматга озодлик олганимдан кўра, умрбод кул бўлиб қолганим яхши!

— Ўзингизни босинг, отажон! — деди Лидон бетоқат. — Биламан, сиз янги динга иймон келтиргансиз, аммо илтимос, мен билан у тўғрида гаплашманг, чунки менга куч берган худолар мени доноликдан қисганлар, сиз кўпинча миямга қуядиган сўзларнинг биттасини ҳам тушунмайман. Сиз янги динга иймон келтиргансиз дедим, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги гапларингиз ҳам ғалати эшитилади қулоққа. Агар сизни хафа қилган бўлсан, кечиринг. Аммо ўзингиз ўйлаб қаранг!.. Мен кимга қарши жанг қиласман? Сизни деб мен қанақанги харис ва тубан одамлар орасида яшаётганимни билганингизда, улардан биттасини ўлдириб, ерни тозалаганинг қолди, деган бўлардингиз. Булар қонхўр йиртқичлар, ёввойи ҳайвонлар бари. Улар кўрсатган жасорат — эзгулик эмас, турган-битгани разолат. Улар қутурғанилар, ҳиссизлар, тошюраклар бари, улар учун ҳеч қанақанги қутлуг нарса йўқ дунёда. Тўғри, улар қўрқув нималигини билишмайди, улар фақат ғалаба тўғрисида, аёвсиз ўлдириш, ҳадиксиз ўлиш тўғрисида ўйлашади! Ким бўлишларидан қатъи назар, сиз айтган худо бундай одамлар билан олишаётган ўғлингиздан ғазабланиши мумкинми, отажон, фалакдан ерга қанақанги кучлар кўз тикиб турган бўлмасин, кекса отасини деб танти ўғли қилган қурбонликдан қутлугроқ бурчни улар топа олмайдилар!

Ўзи билим нуридан маҳрум ва фақат яқиндагина насронийлик динига иймон келтирган шўрлик чол бу қадар гумроҳ ва шу билан бирга ўз хатосида бу қадар

гўзал жаҳолатга қандай зиё бағишлишни билмасди. Унинг бир кўнгли ўзини ўғли кўксига ташлаш бўлса, иккинчи истаги – оғини қўлига олиб, ундан қочиш эди, у Лидонга таъна қилишга тайёр эди, аммо у йигидан гапира олмаётганди.

– Агар ўша худоингиз (у битта шекилли, шундайми?) ўзингиз айтганингиздай, бу қадар меҳрибон бўлса, – давом этди Лидон, – айнан сизнинг унга бўлган ишопчингиз сиз ҳозир қоралаётган нарсада тўғри қарорга келганимни билади.

– Қанақасига? Нималар деяпсан? – деди чол:

– Ўзингиз биласиз, гўдаклигимда мени яхши кўриб, эркинликка чиқариб юборган одамга сотишган. Сизни кўриш учун Помпеяга щошганман, сизни қартайиб қолганингизда кўрганман, инжиқ ва баджаҳл хўжайнда хизмат килар экансиз ва шундан аҳволингиз бадтар ёмонлашган экан. Янги дин сиздаги сўнгти хотиржамликни ҳам йўқча чиқарибди, қулликниadolatли деб ҳисобламай кўйибсиз, бу фикр эса кўнинча бизга қийинчиликка чидашимизга ёрдам беради. Қул сифатида сизга ёқмайдиган жуда кўп нарсаларни қилишга мажбурлигингидан менга арз-дод қилмаганимдингиз? Мана бу ларабийга<sup>1</sup> лоақал ноннинг куйигини қўйишга мажбур бўлганимда пушаймондан юрагим пора-пора бўлиб кетади, демаганимдингиз? Юрагим ҳар доим кураш иштиёқида ёнади деб айтмаганимдингиз? Ҳатто бўсаға олдида шароб сузаётиб ва шунда қандайдир юонон шохининг номини айтиб, Танталлардан-да даҳнатлироқ азоб-укубатларга, Тартардагидан ҳам кўра мудҳишроқ абадий жазога гирифтор бўлишдан қўрқаман деган ким эди? Ахир ўзингиз айтмаганимдингиз буларни менга? Мен ҳайронман, ҳеч нарсага ақлим етмай қолди, ҳозир ҳам ҳеч нарсани тушунмаяпман, Геркулес ҳаққи; аммо мен сизнинг ўғлингизман ва менинг бирдан-бир

<sup>1</sup> *Ларарий* – Лар-руҳларнинг тасвири турадиган бурчак.

бұрчим сизга ёрдам бериш. Сизнің ох-воҳларингизни әшитишига, сизнің даҳшатта тушганингизни, муттасил азоб чекиб ётганингизни күришіга қандай тоқат қиласы? Қандай жим қараб турай?! Йўқ, мангу худолар ҳаққи! Олимпдан чақнаган чақмоқ сингари менда бир фикр пайдо бўлди... Менинг шулим йўқ, аммо кучим бор ва ёшман – мана менинг хазинам, мен сиз учун шуни сотаман! Сизга озодликни сотиб олиб бериш учун қанча пул кераклигини, енгтан гладиаторга икки баравар кўп тегишини билиб олдим. Мен гладиатор бўлдим, ўзимни ҳаммага бирдек газаб ва нафрат билан қарайдиган мудхиш одамларга боғладим, мен уларнинг ҳунарини ўргандим ва шунга шукур қиласам – у отамнинг озод бўлишига ёрдам беради!

– Ох, Олинфанинг гапларини әшитганингда борми! – деди қария хўрсаниб, ўғлининг мардлигидан тобора ҳайратта тушган, аммо унинг нияти жинояткорона эканига амин бўлган ҳолда.

– Истасангиз, мен ҳар қандай одамнинг гапини әшитишига тайёрман, – қувноқ жавоб берди гладиатор, – аммо сиз қулликдан озод бўлганингиздан кейин, албатта. Ўзимизнинг бошнанамиз остида, отажон, менинг ноқис ақлимни керак бўлса куни билан ҳайратга солинг, агар шундан маза килсангиз, тунлари ҳам шундай қилинг. Мен сиз учун яхши бир жой топиб қўйганиман – шаҳарнинг жанубий қисмидаги эски Юлия Феликснинг тўққиз юз тўқсон тўққиз дўконидан биттасини. Кундузи бўсағада офтобда тобланасиз, мен эса сизнинг ўрнингизга ёғ ва шароб сотаман, кейин эса, агар Венера хоҳласа (ёки хоҳламаса, чунки сиз уни ёмон кўрасиз, менга эса барибир), кейин, мен сизга айтсам, сиз қиз болага эга бўлишингиз мумкин, у сизнинг кексалигингизни сақлайди ва сиз болаларнинг овози сизни бобо деб атапларини әшитасиз. Шунда мендан баҳтли инсон бўларми? Ҳамма нарсага пул етарли. Хафа бўлманг, падари бузрукворим... Элди эса мен борай. Ҳадемай кеч тушади, мени ланиста кутаянти. Дуо қилинг, отажон!



Шу гапларни айтиб, у қоронғи хужрадан чиқди ва әнди улар шивирлаб гаплашишда давом этганча илгари Медон ўтирган жойга бордилар.

— Сени худо ўзи күлласин, ботир болам! — деди Медон қизгин. Барча юракларни ўқийдиган буюк күч сенинг мардлигингни кўрсинг ва сенинг хатонгни ке-чирсинг!

Барваста гладиатор енгил, аммо мағур одимлар билан йўлакда жадал юриб кетди. Кул то у кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб қолди, сўнг ўз жойига ўтириб, яна бошини кўксига солинтирди. Уни унсиз ва ҳаракатсиз гавдаси бамисоли тошдан йўнилганга ўхшарди. Аммо юраги... Бизнинг янада хушбахт асримизда бу юракдаги азоб уқубату ғалаённи ким тасаввур этишга қодир?!

— Кирсам майлими? — сўради майин овоз. — Бекангиз уйдамилар?

Кул беларво қўл силкиб қўйди, бироқ келган қиз буни кўрмади, у ҳайиқибгина сал баланд овозда саволини яна тақрорлади.

— Айтдим-ку сенга! — ғудранди дарбон ғижиниб. — Киравер!

— Раҳмат, — деди синик овоз ва шундагина қул бошини кўтариб, кўр Нидияни таниди.

Фам босганда одам ўзгаларининг бахтсизлигига ачинади. Кул ўрнидан турди, қизни бошқа зинагача олиб бориб қўйди (у шастга, Юлияниг хонасига олиб борарди), у ерда эса чўри қизни чақириб, Нидияни унга тошириди.

#### IV боб

### ПОМПЕЯ ГЎЗАЛИНИНГ ХОС ХОНАСИ. ЮЛИЯ ВА НИДИЯ ЎРТАСИДА БЎЛИБ ЎТТАН МУХИМ СУҲБАТ

Мафтункор Юлия канизаклар қурновида ўз хонасида ўтиради. Туташ хобгоҳ сингари бу хона гарчи ихчам бўлса-да, барибир одатдаги хобгоҳлардан каттароқ



эди; улар деярли ҳар доим шунака мўъжазгина бўлар эди, уларни кўрмаган помпейликлар, афтидан, тунни ўтказицини ёқтирадиган хужрани элас-элас кўз олдиларига келтиришлари мумкин. Аслида «каравот» қадимгиларда бизга ўхшаб уйда ундай муҳим роль ўйнамасди. Ўриннинг ўзи ғоят энсиз ва калта кушеткага ўхшаб кетарди ва шу қадар енгил бўлардики, қулларнинг ёрдамисиз ҳам уни бир жойдан бошқа жойга кўчириш мумкин эди; ҳойнаҳой, кўпинча уни уй соҳибининг хоҳишига қараб ёки йил фаслларига боғлиқ равишда хонама-хона кўчириб ўтказишгандир, чунки Помпейда бир хил ойларда истиқомат қилишган хоналар бошқа ойларда бутунлай ҳувиллаб ётган. Бундан ташқари, италияликлар ўша замонларда чарогон кундузги нурдан ўзларини тортганлар. Уларнинг қопкоронги хоналари (аввалига буни режанинг хомлигига йўйганлар) маҳсус шунга ҳисоб-китоб қилинган. Пешайвоиларда ва боғчаларда хоҳлаганлар офтобшувоқда тобланганилар, уйнинг ичкарисида эса улар соя ва салқиндан баҳраманд бўлганилар.

Йилининг бу фаслида Юлия пастда, шоҳона хосхоналарда истиқомат қиласди. Унинг хоналари дера-залари боққа очиларди. Тонгти ёғду бу ерга факат ойнаванд эшикдан киради ва барибир Юлиянинг шимкорончиликка ўргашган кўзлари унга қайси ранг кўпроқ ярашишини, нафис қизил бўёқнинг қайси тури унинг тим қора кўзларига кўпроқ чанқоқлигу юзларига тароват бағишлишини биббинойидек кўтарди.

Унинг олдидағи хонтахтада силлиқ сайқалланган, цўлатдан ясалган думалоқ кўзгу турарди, атрофда эса суркагичлар ва суртмалар, атирупалар, жавоҳироту тарокклар, тасмалару олтин тўғноғичлар бир текисда териб кўйилган, улар ёрдамида санъат ва инжиқ урф унинг табиий гўзалигини янада жилвагарроқ қилиб юбориши керак эди. Фира-шира хонада помпейча дид билан ишланган жонли ва ранг-баранг тасвиirlар ёркин товланарди. Юлиянинг оёқлари остидаги хонтахта ёнида

шарқча гилам ташлаб қўйилган. Ёнидаги бошқа хонтахтада кўзали кумуш тогора, мирт дарахти соясида дам олаётган Купидоннинг нафис қиёфаси кўринипидаги ўчик шамдон ва Тибуулнинг юракни оқизиб юборувчи марсиялари бўлган кичкина қоғоз пайча бор эди. Хобгоҳга олиб кирадиган эшикка бой зардўзлик каштали парда тортилган. Ўн саккиз аср аввалги гўзаллар оромгоҳлари ана шундай бўлган.

Соҳибжамол Юлия ўринидикда эринибина ўзини орқага ташлади, машшота эса бу орада унинг бошига майда зулфлардан ясалган бутун бошли ишшоотни тикламоқда эди, у сочини баландроқ турмаклаш учун ясама соchlарни қўшиб ўргани-ўрган эди.

Ёкут рангли, қоп-қора сочни ва қорача юзни яхши ажратиб турадиган туника кенг-кенг букламлар билан Юлияning оёғига тушиб турарди, у нозик тақингчоқлари атрофидан чилвирлар билан боеланган юмшоқ туфлида эди; кирмизи матодан тикилган туфлига дурлар қадалган ва хозирги турқ туфлиларига ўхшаб, уларнинг тумшуқлари хиёл эгик бўлган эди. Пардоз-андоз ишларининг хўп ҳадисини олган кекса, тажрибакор чўри хотин билагига Юлияning жавоҳиротга кўмилган кенг камарини ташлаганча машшота олдида турарди ва дапқир-дапқир бу меъморга кўрсатмалар берар экан, ҳар икки гапнинг бирида бекасининг шаънига мақтов сўзларини қалаштириб ташламоқда эди.

– Мана бу тўғноғични ўнгроқдан ва пастроқдан қада, эсини қурт еган! Кўрмаяпсанми ахир, бегойимнинг қошлари тўғри ва чиройлилигини? Худди башараси буришиқ Коринпанинг сочини турмаклаётгандайсан. Энди рангларга келсак... Э, қўй бунингни, ахмоқ, бу оч қизилинг кетмайди, ахир сен уни Хлориданинг чўтири ёнокларига танламаётибсан-ку, фақат ранглар керак, дуркун Юлиямизга фақат улар ярашади.

– Секинроқ-да! – деди Юлия жаҳлдан оёқчаси билан ер тепиниб. – Худди ёввойи ўт юлгандай, сочимдан тортқилайсан!

— Лакма! — давом этди ишбилиармон мащлота. — Хонимингнинг нозиклигини наҳотки билмайсан? Ахир Фульвия бевасининг от ёлини тарамаяпсан-ку. Энди эса тасмани бер, ана шундай. Қани, хуснда тенгсиз Юлия, энди бир кўзгуга қара-чи, ўзингдан чиройлироқ биронта қизни кўрганмисан?

Беҳисоб ташбеҳлар ва ғимир-ғимир ҳаракатлардан кейин ғалати минора ниҳоят тикланиб бўлгач, қовоқ ва қошлирга қора уча тортиб, кўзларга енгил ғамза берилди, яримой шаклида қирқилган ва ол дудоқларга маҳорат ила ёпиширилган энсиз тасмача оғизни бежи-рим, тишларни дурдай оппоқ қилиб кўрсатардики, бу табиий оппоқликни ҳатто табиатнинг ўзида ҳам учра-тиш амримаҳол эди.

Шунгача ишсиз ўтирган бошқа чўри хонимга жавоҳиротни тақиши керак эди. Дур сирвалар (хар бир қулоққа иккитадан), залворли олтин билагузуклар, олтин занжир (унда биллур тумор осилиб турарди), чан елкага — Психея тасвирили чиройли кўз қўйилган нафис тўға, бир-бирига чирманган икки илон кўринишидаги тўғали, бой зардўзи каштали қирмизи камар ва ниҳоят ингичка, оппоқ бармоқларнинг ҳар бир бўғинига кўйилаб узуклар тақилди. Энди сўнгги римча урф бўйича пардоз-андоз ниҳоясига етганди. Гўзал Юлия кўзгуга сўнгги бор кибр билан назар солди ва ўринидек ўзини орқага ташлаб, бефарқ оҳангда, ўзининг энг ёш чўриларидан бирига Тибуллининг инжа шеърларидан ўқиб беришни сўради. Чўри Нидияни етаклаб кирганида, шеърхонлик ҳали тугамаганди.

— Салом Юлия! — деди ожиза қиз, соҳибжамол хоним ўтирган жойдан бир неча қадам нарида тўхтаб ва қўлларини кўксида чалишибириб. — Сен мени чақирган экансан, келдим.

— Хуш келдинг, гул сотувчи, — деди бека. — Бери кел, ўтири.

Куллардан бири Юлияning ёнига ўринидек кўйди ва Нидия унга чўкди.

Юлия бирмунча вақт қизга тикилиб қараб турди вә хижолатли сүкут сақлади. Сүңг имо билан хизматкорларга уларни холи қолдиришни вә эшикни ёпиб күйишши амр қилди. Улар танҳо қолишгач, Юлия беихтиёр ундан тескари ўтирилиб вә қиз унинг юзини кўра олмаслигини эсидан чиқариб сўради:

- Эшитипимча, сен Ионага хизмат қилаётган эмишсан?
  - Ҳа, хозир мен уницидаман, – жавоб берди Нидия.
  - Одамлар айтганидай, у ростданам шунақа яхшими?
  - Билмадим, – деди Нидия. – Буни мен қаёқдан билардим?
  - Аҳ, бутунлай унутибман! Аммо сенинг қулоқларинг бор. Бошиқа қуллардан нималарни эшитдинг? У чиройли эканми? Куллар ўзаро сухбатлашганида, бирорни ортиқча мақташмайди.
  - Чиройли дейишаяпти.
  - Ҳм! Бўйи баланд эканми?
  - Ҳа.
  - Мен ҳам шунақаман. Сочи қора эканми?
  - Шунақа дейишаяпти.
  - Меники ҳам. Главк уницида тез-тез бўлиб турар эканми?
  - Ҳар куни, – жавоб берди Нидия, хўрсишигини босиб.
  - Наҳотки ҳар куни бўлса? Қиз йигитга ёқарканми?
  - Ҳа-да, чунки улар яқинда турмуш қуришади.
  - Турмуш қуришади?! – қичқирди Юлия, ҳатто пардозда ҳам оқариб ва сапчиб ўрнидан турди.
- Унинг чехрасида қандай туйфулар акс этганини Нидия, албатта, кўрмади. Юлия узоқ жим қолди, бироқ қизнинг кўтарилиб-тушаётган сийнаси ва чақноқ кўзларига қараб, зийрак одам унинг иззат-нафсига қанчалик зарба берилганини дарҳол англаған бўларди.
- Сени фессалиялик дейишаяпти, – деди Юлия нихоят, жимликни бузиб.



— Тўри айтишган, — деди Нидия.

— Фессалия — сехр-жоду ва ромчилар, тумор-тутаг-килар ва иссиқ-совук қайтармалар мамлакати.

— Ҳа, бир вакълар у ўзининг афсунлари билан шуҳрат топганди, — қўрка-ниса жавоб берди Нидия.

— Бигта-яримта ишқий афсунни биласаними?

— Менми? — қизариб кетди қиз. — Каёқдан? Йўқ, онт ичаман!

— Билмаганинг — ёмон, мен сенга шунча олтин берган бўлардим-ки, сен пул тўлаб, озодликка чиқиб олардинг.

— Нима учун соҳибжамол Юлия бу ҳақда бир шўрлик чўридан сўраб ўтирибди? — деди Нидия. — Ахир у бадавлат, ёш, гўзал эмасми? Унда шунча фусунлар бўла туриб, сехр-жоду унга нега керак бўлиб қолибди?

— Бу фусунлар ҳаммани забт эта олади, фақат бир кипидан бошқа, — жавоб берди Юлия такаббуона. — Аммо назаримда, сенинг кўрлигинг бошқаларга ҳам юқибди... Буям бир гац-да.


— Ким экан у одам? — сўради Нидия ташвишли.

— Бу Главк эмас, — жавоб берди Юлия, беихтиёр одатдаги аёллар макрига ўтиб. — Йўқ, Главк эмас.

Нидия сал бемалолроқ нафас олди, Юлия эса бир-пас сукут сақлаб, давом этди:

— Главк ва унинг Ионага бўлган туйғулари хақидаги сухбатимиз менга у йигитни иситиб олган ишқий афсунларни эслатиб юборди, холос, аммо бунинг менга қизини йўқ. Кўр қиз, мен кимни севаман ва — қўрдингми, Юлия қай даражага етган! — Севгиси — жавобсиз. Бу фуруримни ерга уради... йўқ, ерга урмайди, балки лат едиради. Мен бу ношукурни оёқларимга йиқилишга мажбур этаман, уни кўтариб турғазиш учун эмас, балки төпиб учириб юбориш учун. Сенинг Фессалиядан эканингни эшитгач, ўйлаб қолдим, сен мамлакатинг-нинг маҳфий сирларини билсанг керак деб.

— Афсуски, йўқ, — бидирлаб деди Нидия. — Агар билганимда!..



— Ташаккур, ҳеч бўлмаганда яхши ниятинг учун, — деди Юлия, бечора қизнинг кўнглидан нелар кечатганидан бехабар ҳолда. — Лекин менга айт-чи, сен қулларнинг суҳбатини эшитасан, улар эса ҳар доим бу сирларга қизиқадилар, ўзларининг ярамас хошишларини қондириш учун жодугарликка мурожаат қилишга тайёрдирлар — бу шаҳарда сен билмайдиган санъатга эга битта-яримта шарқ жодугари йўқмикан? Манман деган кароматгўй ҳам эмас, бозорчи кўзбойлоғич ҳам эмас, балки Ҳиндистонни ёки Мисрданни чиқкан қудратли сеҳргар йўқми?

— Мисрдан? Э-ҳа! — деди Нидия титраб. — Помпеяда Арбакни билмаган одам бор эканми?

— Арбак! Тўғри! — деди Юлия. — Айтишларича, бу одам шунчаки иссиқ-совуқ қилувчилардан баланд турармиш, у юлдузлар ва Туннинг қадимги маъбудаси сирларидан хабардор эмиш. Шундай бўлгач, ишқий сирларни нега билмасин?

— Ёруғ оламда ҳақиқий, қудратли афсунигар бор бўлса, бу ўша, даҳшатли Арбак бўлади.

— Пул билан ёрдам берай десам, у ҳаддан ташқари бадавлат эмиш, — давом этди Юлия. — Унинг ҳузурига борсам бўладими?

— Унинг уйи ёш гўзаллар учун нобоп жой, — жавоб берди Нидия. — Бундан ташқари, эшитишимга қараганда, бетоблик, ановидан кейин...

— Нобоп жой? — чўрининг сўзини бўлди Юлия, дастлабки сўзларни эшитибօқ. — Нима учун?

— Унинг тунги ишратлари кўрқинчли! Ҳар ҳолда шундай миш-мишлар бор.

— Цицера, Пан, Кибела ҳаққи, мени даҳшатга солиш ўрнига қизиқишимни ортираяпсан, холос! — деди инжиқ ва эркатой гўзал. — Мен уни топаман-да, унинг санъати ҳақида суриштираман.

Нидия ҳеч нима демади.

— Мен уни буғунок қидириб топаман, — давом этди Юлия. — Ҳозироқ.

— Хозир у заиф, бунинг устига кундуз, сен албатта хеч нарсадан қўрқмасант бўлади. — Мисрлик ростдан ҳам иссиқ-совуқ амалларни билишини у кўп марталаб эшитган, шунинг учун Нидия ҳам қизиқиб қолган эди — буни у яшириб ҳам ўтиргани йўқ.

— Бадавлат Диомеднинг қизини хафа қилишга ким журъат этади? — калондимоғлиқ билан деди Юлия. — Мен унинг ҳузурига бораман.

— Унинг сенга нима деганини билиш учун бу ерга яна келсам майлими? — сўради Нидия тўлқинланиб.

— Мени ўп, кўриб турибман, сен Юлияning номусини қадрлаяпсан, — деди сохибжамол. — Ҳа, албатта. Бугун оқшом биз меҳмон бўламиз, эртага худди шу соатда кел, ҳаммасини билиб оласан. Ҳозир эса бора қол... Шошма, мукофот учун мана бу билагузукни ол ва эсигда бўлсин: агар Юлияга хизмат қилсанг, у саҳий ва меҳрибон бўлишни жойига қўяди.

— Менга совғанг керак эмас, — жавоб берди Нидия билагузукни хонтахта устига қўяркан. — Гарчи ёш бўлсам-да, аммо беғараз севадиганларга хайриҳоҳ бўлиш қўлимдан келади.

— Офарин! — ҳайрат ила деди Юлия. — Сен худди озод аёлдай гапирайсан. Озод бўласан ҳам! Яхши бор!

## V боб

### **ЮЛИЯ АРБАКНИ ҚИДИРИБ ТОПАДИ. УЛАР СУҲБАТИНИИГ ОҚИБАТИ**

Арбак деразалари бокқа караган хонада ўтиради. Кечирган изтиробларидан ранги оқариб кетган ва заҳил эди, бироқ у энди ғалаба қозондим деб турганида шум режаларини барбод қилган мусибатнинг энг ёмон оқибатларидан унинг темир вужуди ўзига келиб қолган эди. Муаттар шабада Арбакни тетиклантириди ва шунча кунлар томирларида сустлашиб қолган қони тезроқ оқа бошлиганди.

— Начора, — ўйларди у, — тақдир бўрони бостириб келди-да, ўтиб кетди, ҳаётимга таҳдид солган мудҳиш каромат содир бўлди ва мен омон қолдим! Юлдузлар каромат қилган ҳамма нарса бўлиб ўтди, энди мени узоқ, беғалва, баҳтли ҳаёт кутмоқда, мана шу сўнгти хатарга ҳам чан беришга муваффак бўлдим. Энди келажак боғимдаги гуллардан бемалол узиб олавераман. Ҳатто муҳаббатдан ҳам олдин биринчи севинчим қасос бўлажак! Йўлимда гов бўлиб турган манави ёш юнон режаларимни барбод қилди, ханжарим унинг ҳаром қонини тўкишига шай бўлиб турган паллада у қўлимдан сирғалиб чиқиб кетди, келаси сафар у мендан қочиб кетолмайди! Аммо қасоснинг қайси йўлини танласам экан? Буни яхшилаб ўйлаб олишим керак! Оҳ, Ата, борди-ю, сен чинданам маъбуда бўлсанг, қалбимга энг жасоратли илҳомни жо эт!

Мисрлик хаёлга чўмди, аммо қасоснинг битта ҳам муносиб усули миясига келмади. У бир режадан бошқасини хаёлида ўтирганча тўшакда тўлғанарди, бироқ ўша заҳоти ундан воз кечарди. Бир неча марта у кўксига муштлади ва ночор ғазаб ичида қаттиқ оҳ тортди.

Шу орада ёш қулвачча қўрқа-ниса хонага кириб келди. У эгнидаги кийимиға ва унга ҳамроҳлик қилиб келган ягона қулнинг қўйлагига қараганда зодагонлиги аниқ қўриниб турган бир аёл пастда кутиб турганини ва Арбак билан гаплашмоқчи эканини маълум қилди.

— Аёл? — Мисрликнинг юраги тезроқ ура бошлиди. — У ёшми?

— Юзига тўр ташлаб олган, аммо қад-қомати тик ва дуркун.

— Айт, кирсин, — деди мисрлик. Бир лаҳза хаёлидан Иона оёғимга бош уриб келибди-да, деган кибрли ўй кечди.

Бироқ меҳмон аёл кириб келгач, у бир қарашдаёқ умиди унга панд берганини англади.

Тўғри, бу ҳам бўй-басти билан Ионанинг ўзи эди, ҳатто ундан ёшроқка ҳам ўхшарди, нав-ниҳол, аммо

гўзал иеонополитан қизининг ҳар бир харакатидан мана мен деб турувчи у жўшқин ва таърифга сифмас назокат, кийимларидағи камтарлик ва одамийлик, киши ҳавасини келтирувчи хиромонлик, аёлга хос улуғворлик, ифрату исмат қаёқда!

— Сенга пешвоз чиқмаганим учун мени маъзур туттгайсан, аммо ўрнимдан туришим қийин, — деди Арбак нотаниш аёлга қараб. — Ҳали беморлиқдан яхши тузалиб кетганимча йўқ.

— Ташвишланма, эй буюк Мисрий! — жавобан деди Юлия, вужудини қамраб олган қўрқувни мақтов сўзлари билан хастпўшланига уриниб. — Сенинг ҳикматлариигдан таскин қидириб келган бу бадбаҳт аёлни кечир.

— Яқинроқ кел, соҳибжамол, нотаниш қиз, — деди Арбак. — Бемалол ганиравер, қўрқма.

Юлия мисрликнинг ёнига келиб ўтирди ва хонага қизиқиб кўз югуртириди — ундаги нафис дабдаба олдида отаси уйининг муҳтапамлиги ҳеч нарсага арзимас эди. Қиз ваҳима ичиде деворлардаги иероглифларга, ҳар бир бурчакдан унга тикилиб қараб турган сирли ҳайкалларга, сал нарида турган учоёққа ва энг асосийси, Арбакнинг тунд ва сирли афт-анторига бир-бир разм солди. Унинг қарға қанотидай қоп-кора сочини яшириб турган оқ мато ерга тушиб турар, заҳиллик бу одам юзини маънодор қилиб кўрсатар, кора тийрак кўзлари бамисоли чодирини тешиб ўтиб, унинг кибрли ва бадбин юрагидаги сирларни ўқиётганга ўхшарди.

— Не ҳожат билан келмишсан, ҳой қиз, — тинч, бир текисдаги овоз эшитилди, — Шарқдан келган бир нотаниш одамнинг даргоҳига нечук азимат қилдинг?

— Унинг шуҳрати етаклаб келмиш, — жавоб берди Юлия.

— Қанака шуҳрат экан? — сўради Арбак фалати, сезилар-сезилмас табассум билан.

— Тағин сўрайсан-а, эй доно Арбак! Ахир бутун шаҳар сенинг донолигинг борасида дув-дув гаш қилмоқда-ку!

— Дарҳақиқат, мен қандайdir илму амаллардан хабардорман, — жилмайди мисрлик. — Аммо бу сиру синоатларнинг сендек ҳурилиқо қизга қандай фойдаси тегар экан?

— Эвоҳ! — деди Юлия, ўрганиб қолган мақтov сўзларини эшишиб, у бироз дадилланди. — Фам доноликдан таскин қидирмайдими, севгиси жавобсиз қолган одам фам чекмайдими!

— Нима! — деди Арбак. — Бу қадар соҳибжамол, хусни таважжуҳи ҳатто мана бу қимматбаҳо либослар тагидан кўриниб турган аёлнинг севгиси бежавоб қолиши мумкинми? Сарвдек қоматинг каби юзинг ҳам шундай чиройли эканини бирров қўришим учун, ҳой қиз, малол келмаса, чодирингни мундок кўтар.

Юлия, афтидан, ўз хусни жамолини кўз-кўз қилиш ва шу билан бирга афсунгарни ҳам шайдо этиш фикридан йироқ эмасди, шу боис озгина тараддуланиб турди-да, чодирни кўтариб, юзини очди, машшотанинг маҳоратини ҳам ҳисобга олганда, қиз мисрликка чиндан жозибадор кўринди.

— Севгида омадинг чопмабди, — деди у. — Сенга маслаҳатим: юзингни ўша нобакор томон ўғир. Бундан дурустроқ маслаҳат бериш қийин сенга.

— Такаллуфларингни бир четга кўй! Менга ишқий афсунлар билан ёрдам беришингни илтимос қиласман.

— Ҳой соҳибжамол, нотаниш қиз! — деди Арбак нафрат аралаш. — Ишқий афсунлар тунлари мен мой сарфлайдиган<sup>1</sup> синоатлар сирасига кирмайди.

— Ростданми? Унда мени кечир, буюк Арбак. Хайр.

— Шопима, — деди Арбак, Ионага иштиёқманд бўлишига қарамай, у меҳмоннинг жамолига ҳам бе-парво қолмаётганди, агар ночор ахволда бўлмаганида, эҳтимол, ғайритабиий доноликдан кўра бошқача во-ситалар билан гўзал Юлияning кўнглини олган бў-

<sup>1</sup> Яъни китоблар устида уйқусиз тунларни ўтказган; қадимгилар мойчироқ ёқишиган.

лармиди. – Шошма. Гарчи фақат бу ҳунар билан шуғулланадиганларга турли гиёхлар ва дори-дармонлар берганимга иқрор бўлсанм-да, эҳтимол шу гиёхлардан фойдаланган гўзаллик ва ёшликка ўзим барибир бефарқ эмасман. Агар мен билан самимий муносабатда бўлсанг, сенга ёрдам беришим мумкин. Аввало менга айт-чи, турмушга чиққанмисан? Кийимингга қараб қандай ўйласам бўлади?

– Йўқ, – деб жавоб берди Юлия.

– Давлатга эга бўлмай туриб, қандайдир бой қуёвни ўзингга асир айламоқчимисан?

– Мени рад этган одамдан бойроқман.

– Қизик, роят қизик! Сен уни севасанми?

– Севиш-севмаслигимни билмайман, – жавоб берди Юлия гердайиб, – аммо рақибим устидан ғалаба қозонмоқчиман, мени рад этган одам келиб оёғимга бош уришини, мендан афзал кўрганидан юз ўтиришини истайман.

– Одатдаги аёлларга хос маиманлик, – гапнинг тўғрисига кўчди, коҳин. – Яна бир гап, гўзал қиз, сен севган ўша одамнинг исмини айт. Наҳотки Помпеядада бойлиқдан ҳазар қилувчи ёки гўзалликдан кўз юмувчи шундай одам бор бўлса?

– У афиналик, – ерга қаради Юлия.

– Ҳа! – деярли қичқириб деди мисрлик ва қизариб кетди. – Помпеядада фақат битта ёш ва зодагон афиналик бор. Демак, сен Главк ҳақида гапираётган экансанда?

– Ох! Бағримни тиғлама! Бу ростданам ўша.

Тожирнинг қизига ўйчан қараган ва ўзича нималарнидир ғудранганданча мисрлик ўзини орқага ташлади. Шунгача қизнинг фақат соддадиллиги ва кибру ҳавоси унга завқ бермоқда эди, аммо энди у ўйлаб қолди: уни қасос қуроли қилиб олса бўлмасмикан?

– Кўриб турибман, сен менга ёрдам бера олмайсан, – деди Юлия унинг узоқ сукут сақлаганидан кўнгли оғриб. – Ҳеч бўлмаса сиримни ошкор қилма. Яна бир карра хайр!

— Гүзал қиз, — деди мисрлик жиддий, — илтимо-  
сингдан таъсиrlаниб кетдим, мен сенга ёрдам берга-  
ним бўлсин. Кулоқ сол бўлмаса. Мен ўзим бундай  
икир-чикирлар билан ҳеч қачон шуғулланган эмасман,  
аммо бу синоатлардан хабардор бир хотинни биламан.  
Везувий этагида бир кучли жодугар яшайди. Янги  
ойнинг мўл шудринглари остида у севгини уйғутувчи  
гиёҳларни терарди. Унинг маҳорати севганингни оёғинг  
тагига келтириб ташлаши мумкин. Уни тош-да, сени  
Арбак юборганини айт, у бу номни эшитиб, тинирчилаб  
қолади ва сенга энг кучли гиёҳларни беради.

— Афсус! — жавоб берди Юлия. — Сен айтган ўша  
хотиннинг уйига қандай боришини билмайман! Тўғри,  
йўл уича узоқ эмас, аммо қизлар учун у хатарли,  
ота уйидан анча ташқарига чиқиб кетилади. У срдаги  
ёввойи узумзорлар остида турли бало-офатлар яшири-  
ниб ётибди. Нотаниш йўлбопловчига ишонолмайман,  
менинг ёшимдаги аёлнинг яхши номи осонгина ёмонга  
чиқади. Менга барибир, Главкни севишимни билишса,  
билишаверсин, аммо унинг севгисига сеҳр-жоду билан  
эришганимни гапиришларини истамайман.

— Ўйлаб олиппим учун менга лоақал яна уч кун  
керак, — деди мисрлик, у ўрнидан турди ва гўё ку-  
чини чамалаб кўрмоқчидай, хонада аста-аста одимлай  
боплади. — Ўшанда сени ўзим олиб бораман. Кутинга  
тўғри келади.

— Аммо Главк анов жувонмарг неаполли қизга уй-  
ланаяпти.

— Уйланаяпти?

— Ҳа. Келаси ойнинг бопида.

— Мунча тез? Сен буни аниқ биласанми?

— Менга унинг ўз чўриси айтди.

— Бундай бўлмайди! — деди мисрлик қатъий оҳанг-  
да. — Ҳеч нарсадан қўрқма, Главк сенини бўлади. Аммо  
унга гиёҳни қандай ичирасан?

— Отам Главкни индин зиёфатга чақираяпти, ча-  
мамда у неаполли қиз билан бирга келади. Мен унга  
ичира оламан.

— Тамом! — Мисрликнинг кўзлари севинчдан ваҳшиёна ёнди, буни кўриб Юлия титраб кетди ва кўзини ерга олди. — Эртага оқшом тахтиравон тайёрлаб қўйишларини буюр. Тахтиравонинг борми?

— Албатта, бор, — деди Юлия, ўзининг бойлигидан фурурланиб.

— Айт, шай қилиб қўйишини. Шаҳардан сал нарида кўнгилочар бир жой бор, у ерда кўпингча бой одамлар бўладилар, ажойиб чўмиладиган жойлар ва сўлимликда тенгсиз боғлар бор. Сен гўё ўша ёқка бораётгандай тутасан ўзингни ва мен у ерда, агар унгача ўлиб қолмасам, сени Силен ҳайкали ёнидаги дараҳзорда қарши оламан. Оқшом юлдузлари чиқиб, пода ва подачилар дам олгани кетишгунча кутиб турамиз, шунда қоронғилик бизни яширади ва йўлда ҳеч ким учрамайди. Энди эса уйга бор ва ҳеч нарсадан кўрқма. Аид ҳаққи онт ичамал, сенга миср афсунгари Арбак сўзим — Иона ҳеч қачон Главкка турмушга чиқмайди!

— Главк меники бўлади! — қувватлади Юлия.

— Айттанинг бўлсин, — деди Арбак.

Олдиндаги учрашувдан хавотирда бўлса-да, севгидан ҳам кўпроқ рашик ва ғазабдан ақлини йўқотган Юлия барibir шунга жазм этди.

Бир ўзи қолгач, Арбак деди:

— О ёрқин юлдузлар, сиз ҳеч қачон алдамайсиз, аллақачон ваъдангизни бажаришга киришдингиз — муҳаббатда муваффақият ва душманлар устидан ғалаба. Қасос учун восита тополмай турган бир соатда менга йўл кўрсатиш учун мана бу соҳибжамол тентакни юбордингиз. — У чуқур хаёлга толиб жим бўлиб қолди.

— Ҳа, — давом этди у хотиржамроқ, — мен унга ўзим заҳар бера олмас эдим, бирдан изимдан тушишлари ва афиналикнинг ўлимида айблашлари мумкин эди! Аммо жодугар — менинг режаларим учун энг қулай курол.

У қулини чакирди, тезроқ Юлиянинг орқасидан боришини ва унинг ким эканини билиб келишни буюр-

ди. Шундан кейин у айвонга чиқди. Осмон мусаффо ва булутсиз эди, шамол узокдаги уфқдан аста ҳайдаб келаётган бир қанча болут парчаларидаш унинг ўзгарувчанлигини яхши билган Арбак момақалдирок яқинлашаёттанини англади.

— Бу менинг қасосимга ўхшайди, — деди у. — Осмон мусаффо, аммо болут босиб келаянти.

## VI боб

### ЖАНУБ ЖАЛАСИ. ЖОДУГАР ФОРИ

Кундуз жазирамаси сал шаштидан қайтгач, Главк билан Иона тоза ҳаво олгани йўл олишиди. Ўша вактда римликлар турли аравалардан фойдаланаар эдилар. Ҳамроҳсиз юрганларида бой одамлар одатда қўш от кўшилган, юқорида таърифлаганимиз аравалардан фойдаланишарди; зодагон матроналар (бегойимлар) кўпинча икки ғилдиракли извошларда юрар эдилар; бундан ташқари қадимгилар яна каттакон тахтиравонларни ишлатганлар, улар ҳозиргидан кўра қулайроқ бўлган, чунки уларда ўтириш эмас, ётиш ҳам мумкин бўлган, шунда нохуш силкинишлардан азият чекилмаган. Яна узок саёҳатлар учун ҳам, шаҳар чеккаларида сайр қилиш учун ҳам мўлжалланган, усти очилиб-ёпиладиган кенг аравалар ҳам бўларди — унга учта ёки тўртта йўловчи bemalol сигарди. Ана шундай аравада Ионанинг чўриси ҳамроҳлигида ошиқ-маъшуқларимиз сайрга йўл олдилар. Шаҳардан ўн милча парида юоннларники эканлиги кўриниб турган қадимги эҳром харабалари бор эди, Главк ва Иона учун барча юонча нарсалар азиз бўлганидан улар мана шу харобаларни томоша қилиш учун ўша ёққа йўл олишиди.

Аввалига йўл узумзорлар ва зайдунзорлар оралаб ўтарди, кейинчувалиб, Везувийга томон кўтарилиб бораверарди, тепага чиқсан сайин йўл ғадир-будирлашиб, отлар секин ва қийналиб юрар эди; дарахтлар



оралиғидаги ҳар бир ёриқдан Стратон таърифлаганидек, оловдан күйіб уйилған қоялар, кулранг, туңд ғорлар күришиб қоларди; кейинчалик лава оқимлари ва узок замонлар уларни инсоният күзидай яширган. Күнбетиш томон әгилаёттан қуёш тоққа узун ва қуюқ нурларини сочаётганды, ҳали әман ва қора қайнзорлардан подачи болаларнинг найи овози әшитилиб қоларди. Гоҳо улар қияликда ипак юнгли, бурама шохли, мафтункор мовий күзли архарни күрар әканлар, у ҳозир ҳам Авзония осмонида Марон эклогасини<sup>1</sup> безаб туради, қизғищ тус ола бошлаган узум занглари дараҳтлардан чамбар-чамбар бўлиб осилиб туради. Пардай снгил булатлар гўё бир қарашда қимир этмаётгандек туюларди, ўнг томонда эса деңгиз ойнадай яракларди, унда қандайдир бир кема сузиб борарди, сувда қуёш нурлари турфа рангларда жимжима қиласиди.

— Нечоғли гўзал! — деди Главк босиқ овозда. — Она еримизни шундай аташимиз бежиз эмас, шекилли-а? У ўзининг фарзандларига бирдек шафоатли ва саховатли, шундай эмасми? Ҳатто табиат ўз саховатини дариф туттаги срлар ҳам кулиб қарайпти. Ертут шохларига ва бу сўнгаи ёнартог этагидаги қуруқ тупроқларни әгаллаб олган зангларга бир қара. Оҳ, ушбу соатда бу ерда фавининг<sup>2</sup> кулиб турган чехраси мана шу ям-яшил гул-чамбарлардан чиқиб турганини ёки қалин шохлар орасидан тоб парисини кўриб турганимизни тасаввур этиш осон. Аммо нимфалар, гўзал Иона, сен туғилганда фойиб бўлгашлар!

Харобалар олдига келиб, улар аждодларимизнинг ноёб ёдгорликларини ҳузур билан томонда қилдилар. То

<sup>1</sup> Авzonия – Италия (авзонлар – Италия қабилаларидан биришининг номи). Марон – Публий Вергилий, эрамизгача I асрда яшаган рим шоири. Машхур «Энеида» достонидан ташкари, одатда буколика ёки эклога деб аталувчи чўпоний шеърлар ёзган.

<sup>2</sup> Фавн – юнон мифологиясида ўрмон руҳларидан, шўх чол қиёфасида.

Геснер қизараётган осмонда пайдо бўлгунга қадар ўша ерда бўлишди ва уйга қайтишда олдинидан камсўзроқ эдилар, зеро шом қоронулигида, юлдузлар остида ҳар иккаласи бир-бирини нечоғли севишини кучлироқ хис этмоқда эдилар.

Бу орада мисрлик каромат қилган жала булути осмонда тобора қуюқлашиб борарди. Аввалига узокдан эшитилаётган момақалдироқ табиатнинг олдинда турган курашидан дарак берарди, сўнгра осмондан булутлар қаторлашиб тез югуриб ўтди. Бу ерларда жала жуда тез ёғиб ўтади, у вақтларда миялари хурофотга тўла одамлар «худо»лардан ғазабга келишлари ҳеч гап әмасди. Йўл бўйидаги дарахтларнинг шохлари орасидан йирик-йирик томчилар оғир келиб тушар, кейин эса чақмоқ чарақлаб, чор атрофни ёритиб юборар ва қуюқ зулмат қўйнида маҳв бўлар эди.

— Тезроқ бўл, азиз етакчим! — қичқирди Главк. — Жалада қолиб кетадиганга ўхшаймиз!

Кул ҳўқизларни никтади, улар тошлиқ йўлдан лўкиллаб кетишиди, булут эса тобора қуюқлашиб борар, момақалдироқ тобора яқинлашиб келар ва ёмғир кучлироқ савалар эди.

— Кўрқаяпсанми? — шивирлади Главк, момақалдироқдан фойдаланиб, у Ионага яқинроқ сурилди.

— Сен борингда ҳеч нарсадан қўрқмайман, — жавоб берди қиз оҳиста.

Шу топ шалоқ ва парти кетиб шарти қолган арава (чиройли бўлишига қарамай, амалда улар ўша пайларда кенг истеъмолда эди) қулаган дарахт кўндаланг ётган чуқур ўнгурга кириб келди. Аравакаш қиз ҳўқизларни аямай савалай бошлади, бироқ ғилдираклар ўқдан чиқиб, арава тўнқарилиб қолди.

Главк тезда арава остидан чиқди-да, Ионага ёрдамга шошилди. У, хайриятки, шикастланмаганди. Аравани бир амаллаб кўтаришди ва у бутунлай ишдан чиққанини қўришиди: аравани кўтариб турган пружиналар отилиб кетган, ўриндиқлар ёмғир сувига тўлганди.

Нима қилиш керак? Шаҳаргача ҳали анча узок эди, атрофда эса ёрдам бериши мумкин бўлган на уйжойлар ва на одамлар бор эди.

— Шу яқинда бир темирчилик устахонаси бор, — деди аравакаш қиз. — Бориб қарай-чи, зора темирчи аравамизни қараб берса. О Юпитер, ёмғирни қаранг, ёмғирни! Қайтиб келгунимча хоним ёмғирда ивиб кетади.

— Чоп тезроқ, — деди Главк. — Биз ҳозирча бирор жойда беркиниб турамиз.

Йўл бўйида дарахтлар ўсиб турарди, Главк Ионани шулардан энг каттаси остига бошлади. Эгнидан ёмғирпўшини счиб, қизга кийдирмоқчи бўлди, аммо азбаройи ёмғир кучлилигидан ёмғирпўши бирпасда жиққа ҳўл бўлди. Главк соҳибжамол ҳамроҳига далда сўзларини шивирлаб айтиб турганида бирдан ёнгипаларидағи дарахтта яшин келиб урилди ва қаттиқ қарсиллаб, йўғон дарахтнинг тит-питини чиқариб ташлади. Улар хатарни ҳис этиб, тузукроқ жой қидира бошлишди.

— Биз ҳозир Везувийнинг ёнидамиз, — деди у. — Хув тоғ ён-бағрида токлар ўсиб ётган битта-яримта ғор бўлиши керак. Нимфалардан қолган бу бошпаналарни қидириб топиш керак, холос.

Шу сўзларни айтиб, у дарахтлар остидан чиқди ва тоғ томонга ғамгин нигоҳ ташлаб, сал нарида зулмат ичида милтиллаётган қизғиши оловни кўрди.

— Ҳойнаҳой, бу биронта подачи ё бөрбоннинг ўчоғидаги олов бўлса керак, унинг ёруғи бизни меҳмондўст бир уйга олиб келади. Сен шу ерда бўлиб тур, мен унгача... йўқ, мен сени хатарда қолдириб кетолмайман!

— Мен сен билан бораман, — деди Иона. — Бу шохларнинг хиёнаткорона шанасидан очиқ жой яхши.

Ионани деярли қўлида кўтариб, титроқ босган чўри ҳамроҳлигидаги Главк ҳамон ёпиб турган қизғиши олов томон юриб кетди. Улар очиқ даладан ўтишди, энди эса ёввойи токлар юришга халақит берарди, йўл кўрсатувчи олов эса ахён-ахёнда бир қўриниб қоларди.

Жала кучайиб борарди. Чақмоқ күз очирмай ярақлар ва йўловчилар агар оловни кўздан йўқотсак, биронта уйча ёки ғор қидириб топармиз, дея умид қилар эдилар. Чалкаш ток занглари тобора қалинлашиб борарди, олов бутунлай кўздан йўқолганди, бироқ тез-тез ва узлуксиз чақаёттаги чақмоқлар ёғдусида бу қадар қийналиб юриб бораётганларни энисиз сўқмоқ олдинга олиб кетмоқда эди. Ёмғир бирдан тинди. Уларнинг рўпарасида қотган лаванинг палахса-палахса ва ғадир-будур қоялари хўмрайиб осилиб турар, чақмоқ ёғдусида улар янада кўрқинчлироқ қўринарди. Гоҳо чақмоқлар ғазабини тўкиш учун муносиброқ бирон нарса қидиргандек аллақачон тўс қонлаган ёки пастак дарахтлар босиб кетган кулранг кул гарамлари устида осилиб қоларди; баъзан эса қуруқликни зулмат ичида қолдириб, улар энли йўл бўлиб, денгиз узра ястанар эди, кейин эса пастга интиларди, сув бамисоли порлаб кетганга ўхшаб туюларди ва бу шуъла шу қадар ёрқин бўлардики, кўз ўнгингизда ҳатто узокдаги бурунлар манглайи дўнг абадий Мизенадан тортиб тоғлар билан ўралган гўзал Суррентгача аниқ-таниқ намоён бўлар эди.

Ошиқ-маъшуқларимиз саросималаниб тўхташди, бироқ икки чақмоқ оралиғида қуюқлашган зулмат яна уларни қуршаб олди ва улар ўзларидан баландда, аммо жуда яқинда ҳалиги сирли ёғдуни қўришди. Янги чақмоқ ер ва осмонни ёритиб юборди. Яқин-атрофда уйлар йўқ эди, аммо у ерда, ғорда, осмондаги чақин энди ўчириб қўймаётган олов яна кўрина бошлади. Улар ғорга кўтарилиб боришга қарор қилишди. Улар баъзи жойларини буталар босиб кетган қоялар оралаб боришга мажбур бўлишди, аммо тобора яқинлашиб боравердилар ва ниҳоят ғор оғзида пайдо бўлдилар, у тоғдан кўчиб тушган ва бир-бирига мишигашиб ётиб қолган улкан харсанглардан вужудга келгани кўриниб турарди, шу туришида ғор икки томони нишабли томга ўхшарди. Коронгиликка тикилиб қараб, иккаласининг

хам беихтиёр хурофий ваҳмдан тиллари калимага келмай қолди.

Форнинг тўрида олов ёнарди, ўчоқда катта қозон осиғлиқ эди, баланд ва ингичка темир таёқда дағал мойчироқ осилиб турарди, ёнида олов ёнаётган деворга қуритиш учун ҳар хил гиёҳлар бир неча қатор қилиб осиб ташланганди. Олов ёнида бир тулки ётарди. Хурпайиб ва бўғик ириллаб, у чақноқ қизғиш кўзлари билан келганларга қаради. Форнинг ўртасида уч бошли маҳлукнинг сополдан ясалган ғалати нусхаси турарди – булар ит, от ва қобоншиш бош суюклари эди; мана шу барча сифинадиган Гекатанинг ваҳниёна тасвири олдида пастак учоёқ бор эди.

Аммо ичкарига кўркиб қараб турган йўловчиларнинг томирларидағи қонни музлатган ғордаги нарсалар эмасди, балки унинг эгасининг кўришиши эди. Олов ёнида бир кампир ўтирас ва олов ёғудуси унинг юзини ёритиб турарди. Эҳтимол, ҳеч бир мамлакатда Италиядагидек кўп кўрқинчли кампирни кўрмасангиз керак, ҳеч бир мамлакатда ёш ўтиши билан ҳусну жамол бунақа бадбуруши ва жирканч тасқараликка айланмаса керак. Аммо бу кампир тасқара эмасди, аксинча, унинг юзида хушбичимлилик, қатъият ва викорли ифодалар сақланиб қолганди; тагида шу ифодалар қотган ҳаракатсиз нигоҳини уларга тиккапида, кампирнинг юзи баайни ўликка ўхшаб қоларди – хира кўзлари қотган, қимтилган лаблари кўм-кўк, юзлари осилиб тушган, сийрак соchlари ошноқ, бадани мурдалардай кўкарган, бамисоли лаҳадга тушиб улгурмасданоқ қабр тупроғи сенилгандай.

- Бу мурда, – деди Главк.
- Йўқ, у қимиrlаянти. Бу алвости! – бидирлади Иона тутила-тутила ва йигитта ёпишди.
- Қочдик бу ердан! – тез гапирди чўри қиз. – Бу Везувий жодугари!
- Кимсизлар? – сўради бўғик, қабрдан чиққандай овоз. – Бу ерда сизларга нима керак?

Овоз қўрқинчли ва ҳиссиз эди, аммо сўзланаётган кампирга жуда мос бўлиб, қўпроқ тирик банданинг эмас, балки Стикс соҳилида кезиб юрган қандайдир жисмиз арвоҳнишг овозига ўхшарди. Ташқарида момакалдироқ авжга чиқаётганига қарамай, Иона кетишга тайёр эди, аммо Главк қўрқа-қўрқа бўлса-да, уни форга олиб кирди,

— Биз шаҳарда яшаймиз, жалада қолиб кетдик, — деди у. — Биз оловга келдик, жой бер. Ўчоғингда исиниб олсак майлимни?

Шу гапларни айтиб турганида тулки шартта туриб, келганларга ташланди, ошоқ тишларини тиржайтириб, янада ўчакишиброқ ириллай бошлади.

— Ёт! — қичқирди жодугар.

Бекасининг овозини эшишиб, тулки дарров ётди, тумшуғини думи билан ёпди ва унинг маконига бостириб кирган одамларни зийраклик билан кузатишдан ўзга чораси қолмади.

— Ана олов, борсаларинг бора қолинглар, — деди кампир Главк ва унинг икки ҳамроҳига ўгирилиб. — Мен бойёғли, тулки, бақа ва илондан бошқа биронта тирик жонни севмайман, шунинг учун сизларни бажонидил таклиф этолмайман. Аммо таклиф қиласам ҳам ўтираверинглар, бунақа мулозаматнинг кимга кераги бор.

Кампир гапларига қандайдир янада қадимириоқ ва дағал лаҗжадаги сўзларни аралаштириб, ғалати ёввойи лотинчада гапираварди. У жойидан қимир этмади, аммо Главкниш Иона эгнидан ридони авайлаб олишини ва уни форда ўтирса бўладиган ягона буюм — харига ўтқазишини тош қотган нигоҳи билан кузатиб турди ва кўмирни шуфлаб яллиғлантириди. Хўжайнларининг жасоратидан руҳланган чўри қиз ҳам узуи ридосини очди ва ўчоқ олдига, улардан четроққа келиб чўнқайди.

— Ишқилиб, сизни безовта қилиб қўймадикми? — деди Иона чиннидай овозда.

Жодугар жавоб бермади. Унинг кўриниши шунақа эдики, гўё у бир лаҳзага ўликлар ичидан тирилиб келган-у, энди яна мангу уйқуга кетгандай.

— Сизлар ака-сингилмисизлар? — сўради у узоқ жимликдан кейин.

— Йўқ, — деди Иона қизариб.

— Эр-хотинмисизлар?

— Йўқ, — жавоб берди Главк.

— Ҳа-а, севишганлармиз денглар! Вах-ҳа-ҳа! — Жодугар азбаройи қаттиқ кулганидан фор жаранглаб кетди.

Кампирнинг ҳе йўқ, бе йўқ бирданига қувнаб кетганидан Ионанинг юраги орқага тортиб кетди. Главк шоша-ниша дуолар ўқий бошлади, чўри қиз ҳам жодугарнинг ўзидаи оқариб, тирик мурдага айланганди.

— Нимага куляйсан, қари жодугар? — сўради Главк қошини чимириб, аммо ҳадик аралаш, дуоларни замзама қилиб бўлгандан кейин.

— Қачон кулдим? — талмовсиради жодугар.

— У ақлдан озган, — шивирлади Главк ва дархол кампирнинг фазабнок ва чақнаб ёнган нигоҳини тутди.

— Ёлғон айтаяйсан, — деди кампир қалта қилиб.

— Жудаям меҳмондўст эмасга ўхшайсан, — ғудранди Главк.

— Жим! Жаҳлини чиқармаслик керак, азизим Главк! — шивирлади Иона.

— Сизларнинг ошиқ-маъшуқлар эканингизни билганимдан кейин нима учун кулганимни айтайми сенга? — сўзлаб кетди кампир. — Қари-қартанглар ва қасанғилар сизларга ўхшаган ёшларни кўрганда маза қиласилар, сизлар бир-биингизни ёмон кўриб қоласизлар, ёмон кўриб қоласизлар, ха, вах-ҳа-ҳа!

Энди Иона бу даҳшатли қарфишга қарши дуолар ўқиди.

— Худолар бизни ўз паноҳида асрасин! — деди у. — Афсуски, эй шўрлик хотин, севгини тушингда ҳам кўрмаганинг билиниб турибди, акс ҳолда севги ўзгармаслигини билган бўлар эдинг.

— Мени ёш бўлмаган деб ўйлайсизларми? — жавранди кампир. — Ҳа, энди мен қаридим, жирканчман, кўрқинчлиман. Одамзоднинг жисми шунаقا, юраги ҳам шунаقا.

Гүё баданини ҳаёт тарк этганидек, у яна машъум сукутга чўмди.

— Бу ерда анчадан бери яшайсанми? — сўради Главк бирпасдан кейин, бу сукутдан у ўзини ғоят ноқулай ҳис этмоқда эди.

— А? Ҳа, анчадан бери.

— Бошқа дурустроқ жой қуриб кетганмиди?

— Дурустроқ жоймиш! Дурустроқ ҳам гапми — тагимизда дўзах бор! — деди кампир қоқшол бармоқлари билан пастни кўрсатиб. — Мен сенга бир сирни очаман: шайтонлар у ерда, ернинг тагида юқорида яшаётганлардан, сизлардан, бегам ва сулув ётлардан ғазабга келишяпти.

— Бу аччиқ сўзларинг меҳмондўстликка тўғри келмайди, — деди Главк. — Бошқа сафар сенинг ғорингда яширишидан қўра очик ҳавода жала остида қолишни афзал кўраман.

— Яхши қиласан ҳам. Хўрланганлардан бошқа ҳеч ким мени қидирмаслиги керак!

— Хўрланганлардан бошқа дейсанми? Нима учун? — сўради афиналик.

— Мен шу тонгнинг жодугариман, — жавоб берди кампир риёкорона жилмайиб. — Менинг ишим — тушкунликка тушганлар кўнглида умид уйғотиши: севгида баҳтсиз бўлганлар учун менда қайтариқ гиёҳлари бор; очкўзлар учун — бойиб кетиш усуллари; ғаддорлар учун — қасос воситаси; баҳтли ва яхии одамлар учун менда лаънат ва қарғищ бор! Энди эса мени тинч қўйинглар.

Форинг маъюс мезбони яна сукутга чўмди, бу сукут шу қадар қаттиқ ва тунд эдики, Главкнинг уни тағин сухбатга тортиб қилган ҳаракатлари беҳуда кетди. Унинг ҳаракатсиз ва маъносиз башарасидан ҳатто кампирнинг гапини эшитаётгани ёки йўқлигини ҳам билиш қийин эди. Хайриятки, қанчалик шиддатли бўлса, шунчалик қисқа давом этган жала тинди, ёмғир тобора сусайиб борарди, ой мўралади ва унинг тиник шуль-



ласи жодугарнинг хилват масканига тушди. Ой нури, эҳтимол, ҳеч қачои мусаввир мўйқаламига бундан-да муносиброқ одамлар гурухини ёритмаган бўлса керак. Ёш, гўзал Иона қўйол ўчоқ олдида ўтирибди, жодугарнинг борлиги ҳам эсидан чиқсан ошиқ Главк унинг пойидан жой олган, у маъшуқасининг юзига қараб, алланималарни шивирламоқда, сал нарида эса қўркувдан ранги қув оқариб кетган чўри қиз ва уларга ўзининг даҳшатли кўзларини тикиб олган ёвуз жодугар қотиб ўтиришарди. Аммо ажибу ғаройиб нарсаларга тўла бу коронғу ва овлоқ ғорда гўзал жуфтлик хотиржам ва жасоратли кўринарди (зеро севги юракка жасорат бағишлайди). Ўз ётган бурчагидан тулки уларга ғазаб билан қараб турибди ва шундагина жодугар томонга ўгирилган Главкинг нигоҳи кампирнинг пойида бошини кўтариб, кўзлари чақнаб турган илонга тушди; афтидан, афиналиқнинг Иона устига ташлаб қўйган ялтироқ ридоси ранги уни ғазабини келтириб юборганди; илон исаполь қизига ташланмоқчи бўлиб, таҳдид ила бошини янада баландроқ кўтарди; Главк тезгина ўчоқдан катта чала ёнган ходани суғурди, илон эса бундан дарғазаб бўлиб, ётган жойидан ўрмалаб чиқдида, қаттиқ вишиллаб, қарийб юоннинг бўйи баравар юқорига чўзилди.

– Жодугар! – қичқирди Главк. – Анови балонгни йўқот, бўлмаса мен уни ўлдираман!

– Унинг тиши суғуриб ташланган, – жавоб берди жодугар уйғониб.

Аммо шу танин айтар-айтмас илон Главкка ташланди. Юонон ҳушёр турган эди, у бир томонга сакради-да, илоннинг бошидан шунақанги қаттиқ зарба бердики, у биланглаб тўғри оловга бориб тумди.

Жодугар ўрнидан турди ва Главкка юзма-юз бўлди. Унинг башараси энг баджаҳл фуриялар жамолининг ўзгинаси эди, ундаги ифода ҳаддан ташқари шиддатли эди, аммо шунда ҳам у гўзаллик нишоналарини сақлаб қолганди.

— Мен сенга бошана бердим, — деди жодугар секин, хотиржам оханга, бу унинг юзидағи ифодага сира қовушмаётганди, — ўчогим оловида исиндинг, сен эса яхшиликка ёмошлиқ билан жавоб қайтардинг, сен мени севган ва меники бўлган, боз устига, худолар бошқалардан кўра кўпроқ ярлақаган ва одамлар сифинадиган бир тириқ мавжудотни урдинг ва, эҳтимолки, ўлдирдинг. Сени нималар кутаётганига қулоқ сол. Жодугарлар ҳомийси Ой ва ғазаб элтувчилиси Орк номи билан онт ичаманки, сенга лаънатлар бўлсин! Икки дунёда ўнгмагиц! Севгинг бошингдан ордона қолсин, илоё отинг ўчсин, рўшнолик кўрма, тоабад дўзахдан бери келма, илоё, юрагинг гўрда чирисин! Ҳа, бир куни ажалинг етганида Везувий жодугарининг кароматини эслайсан ҳали! Сен эса... — деб давом этаркан, у шартта Иона томонга ўгирилди ва ўнг қўлинни кўтарди.

Аммо Главқ унинг гапини бўлди.

— Жодугар! — деди у. — Тўхта! Сен мени қарғадинг ва мен ўзимни худолар ихтиёрига топшираман. Мен кўрқмайман ва сендан нафрат қиласман. Аммо агар унга қарши лоақал бир оғиз сўз айтгудек бўлсанг, ўша қарғиш сўzlари чиққан ифлос оғзингдан ҳик этиб жонинг ҳам чиқажак. Эҳтиёт бўл!

— Бўлар иш бўлди, — деди жодугар даҳшатли жилмайиб, — чунки сенинг қисматингда сени севган у ҳам қарғиш олди. У исмингни шивирлаб айтганини эшитдим, энди сени иблисларга ҳавола қилиш йўли менга маълум. Главқ, сени қарғиш уриб бўлди!

Шундай дея жодугар афиналиқдан тескари ўгирилди, илонни оловдан суғуриб олди ва ўзининг тўлғанаётган суюклиси ёнида чўк тушиб, ортиқ уларга бурилиб қарамади.

— Ох Главқ! — Ионани даҳшат чулғади. — Нима қилиб қўйдик! Кетдик бу ердан! Жала тинди. Ҳой яхши хотин, бизни кечир, сўзларингни қайтиб ол, ахир у фақат ўзини ҳимоя қилганди-ку. Сулҳ белгиси си-

фатида мендан мана бу совани ол. – Иона эгилиб, кампирининг тиззасига зилдай ҳамённи қўйди.

– Йўқол! – деди ғазаб билан кампир. – Йўқол! Фақат Паркалар<sup>1</sup>гина қарғиш тугунларини еча оладилар.

– Кетдик, жоним! – чақирди Главк сабри тугаб. – Наҳотки осмондаги ва ер остидаги «худолар» ақлдан озган жодугарнинг дийдиёларини эшитса? Кетдик!

Жодугарнинг қаҳ-қаҳ уриб кулган овози ғорда узоқ жаранглаб акс садо бериб турди. У меҳмонларга ортиқ бир сўзни ҳам раво кўрмади.

Очиқ ҳавога чиқиб, ошиқ-маъшуқлар енгил нафас олишди. Бироқ ғор ҳақидаги жодугарнинг гаплари ва қаҳқаҳаси Ионани ҳамон тарқ этмаётганди, ҳатто Главкнинг ўзи ҳам оғир туйғулардан қутулолмаётганди. Жала тишганди, фақат узоқларда, қои-қора булутлар орасида аҳён-аҳёнда қисқа чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлаб қўярди. Бир амаллаб улар аравалари турган йўлга чиқиб олишди. Аравани амал-тақал қилиб созлаб олиниганди, хайдовчи эса хўжайин қаёқка кетдиларкин деб Геркулесга таваллолар қилиб ётган экан.

Главк Ионага тасалли беришга беҳуда уринарди, қиз бутунлай беҳол бўлиб қолган эди, йигитнинг ўзи ҳам олдингидай машқи баланд эмасди. Кўп ўтмай улар шаҳар дарвозасига етиб келишди. Уларни қўйиб юбориш учун дарвоза очилганда, тахтиравон кўтарган қуллар кўринди.

– Бунақа бемахалда шаҳардан чиқиш ман этилган! – қичқирди посбон тахтиравондаги одамга.

– Ҳали унчалик бемахал эмас, – жавоб овози эши-тилди, бу овозни эшитиб, ошиқ-маъшуқлар сесканиб тушишди, чунки у яхши таниш эди. – Мен Марк Полибийнинг уйига боришим керак, тезда қайтаман. Мен мисрлик Арбакман.

<sup>1</sup> Паркалар – Юнон-Рим мифологиясида инсонларпинг тақдирини тўкувчи «илоҳалар».

Посбон тинчланди ва тахтиравои йўлида давом этди, унинг аравага туртиниб кетиштига бир баҳя қолди.

— Шундай пайтда Арбак бу ерда нима қилиб юрибди? Касалдан энди бош кўтарди-ку! Шаҳардан не мақсадда чикиб кетаётган экан? — деди Главк.

— Эвоҳ! — йиглаб юборди Иона. — Юрагим ёмон нарсани сезаяпти. Худолар бизни ўз паноҳида асрасин! Хеч бўлмаса, — деб қўшимча қилди у ўзича, — менинг Главкимни ўз паноҳида асрасин!

## VII боб

### **ОЛОВ КАМАР СОҲИБИ ВА УНИНГ ЁРДАМЧИСИ. ТАҚДИР ҚАРФИШНИ ОЛОВЛИ ҲАРФЛАР БИЛАН ИНШО ЭТГАН, АММО УНИ ЎҚИШ КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?**

Арбак жала ўтиб кетгунча кутиб турди ва тун қоронғилиги остида Везувий жодугарини қидириб тошишга йўл олди.

Арбак ўтирган тахтиравонни бақувват қуллар кўтариб борарди. У ўзининг сирли саёҳатларида шуларга ишониб ўрганиб қолган, тахтиравоида ётар экан, у сирли севинч ила қасос ва муҳаббат ҳақида ўйларди. Масофа учча узоқ бўлмаганидан, қуллар эса хўқизлардан қолишимай ҳаракат қилгандаридан, Арбак кўп ўтмай, афсуски, ошиқ-маъшуқларимиз учратмаган энсиз йўлга чиқиб олди. Қалин токзорлардан айланиб ўтиб, йўл тўври жодугарининг масканига олиб борарди. Шу ерда у тахтиравондан тушди ва қулларига тасодифий ўткинчилар кўзидан токзорда яшириниб туришни буюриб, узун таёқка таянганича эҳтиёткор одимлар билан бир ўзи қоронғу ва тик ёнбағирдан ўрлаб кетди.

Тип-тиник осмондан бопқа бир томчи ҳам ёмғир тушмади, аммо зилдай занглардан сув ғамгин оқиб тушмоқда ва чуқурча ҳамда ёриқларда ҳалқоб бўлиб тўпланимоқда эди.

«Файласуфга ярашмайдиган бу эҳтирослар, – деб ўйларди Арбак, – мени, ўлим тўшагидан базур оёқса турган ва дабдабаларга ўч бўлган одамни тун чоғи йўлга бошлаб чиқса! Аммо мақсадга йўналтирилган Эҳтирос ва Қасос Тартарни Елисей далаларига айлантириши мумкин».

Баланд осмонда ёрқин ва ғамгин Ой осилиб турарди. Маъюс йўловчига йўлни ёритганча у ҳар бир ҳалқобда акс этар эди. Кейин Ой төғ ортига яширинди. Арбак унинг қурбонлари кўрган ёндуни кўрди, бироқ энди, қоп-қора – қизғини булутлар йўқолган, айни вақтда у қондай қип-қизил бўлиб кўринмаётганди.

Ниҳоят, Арбак нафасини ростлаганча фордан сал нарида тўхтади, кейин, ҳар доимгидек, фикрини бир жойга тўплаб нопок масканга кириб келди.

У кириб келгач, тулки иргиб турди ва узоқ улиб, бекасини янги меҳмон келганидан огоҳ қилди.

Жодугар эса ўликдай қимири этмай, ҳамон ўз жойида ўтиради. Унинг оёқлари олдидағи қуруқ хашхашаклардан қилинган тўшакда яраланган илон ётарди. Илоннинг ўзоқ ёруғида тангачалари йилтиллаб, оғриқдан ва ночор ғазабдан эшилиб тўлғанаётгани мисрликнинг ўткир нигоҳидан яшириниб қолмади.

– Ёт! – буйруқ берди жодугар тулкига аввалгидек ва тулки индамай, ётди, аммо ҳушёр кузатарди.

– Қоронғу Тун ва Эребнинг хизматкори, кўзғал! – деди Арбак амrona. – Катта оғанг сенга саломлар келтирди! Уни кутиб ол!

Жодугар мисрликнинг новча қомати ва қоп-қора юзига бир-бир, узоқ ва диққат билан қаради, Арбак эса қўл боғлаганча унинг рўпарасида турар, юзидан викор ва кибр ёғилар эди.

– Кимсан эй ўзини отапин далалар жодугари ва қирилиб битган этрусклар қизининг катта оғаси деб атаган одам? – сўради жодугар охири.

– Менми? – жавобан деди Арбак. – Шимол ва Жанубдаги, Шарқ ва Фарbdаги, Гант ва Нилдан тортиб

Фессалия соҳиллари ва лойқа Тибр қирғоқларигача бўлган барча афсунгарлар итоаткорлик билан билимлар сўраган зот бўламан.

– Бу жойларда фақат биттагина шундай одам бор, – деди жодугар. – Унинг фазилатлари ва сирли шуҳратини билмаган одамлар уни мисрлик Арбак деб аташади. Бошқалардан баландроқ ва донороқ одамлар учун эса унинг исми – Хермес, Олов камар соҳибидир.

– Қара, – деди Арбак. – Бу мен.

Шу сўзларни айтиб, у ридосини кенг очди, белидаги камар чараклаб кетди, унинг туғросига афтидан жодугарга таниш бўлган аломатлар чекилгаиди. Жодугар сапчиб ўрнидан турди ва ўзини Арбакнинг оёғига отди.

– Бу сенмисан, эй Қудратли камар соҳиби! – деди у итоаткорлик билан. – Саломимни қабул айла.

– Тур! – амр қилди мисрлик. – Сен менга кераксан.

Арбак Иона ўтирган ҳалиги харига ўтирди ва имо билан жодугарни ҳам ўтиришга таклиф этди.

– Демак, – гап бошлиди у, жодугар келиб ўтиргач, – сен тоғларда яшагап қадимги этруск қабиласининг қизиман дедиш, этруск шаҳарларини қуршаб олган деворлар ҳалигача уларнинг қадимги мулкларини босиб олган қароқчи халқнинг тураржойлари узра қад кўтариб турибди. Этрускларнинг бир қисми Юнонистондан келган, бир қисми янада жанубийроқ ва қадимгироқ ерлардан ҳайдаб юборилган. Аммо нима бўлганда ҳам сен Мисрдан келиб чиққансан, зоро туб илотларни<sup>1</sup> қул қилган юононлар Нилнинг безовта ўғлонларидир, у уларни ўз баҳридан ҳайдаб юборган. Шундай қилиб, эй жодугар, садоқатда менинг аждодларимга сифинган аждодлардан келиб чиққансан. Сен насл-насабинг ва хунаринг сабабли Арбакка итоат қилгайсан. Шунга рози бўл ва бўйин сун!

<sup>1</sup> Қадимги Спаргадаги давлат қуллари шундай аталган. Улар ўз келиб чиқишиларини юон – дорийлар эрамизгача XI–X асрда забт этган Пелопоннеснинг туб ахолилари билан боғлайдилар.

Жодугар бошини эгди.

— Афсунгарликда санъатимиз ҳар қанча буюк бўлмасин, — давом этди Арбак, — биз ўз мақсадимизга етишимиз учун гоҳо табиий воситалар қўллашга мажбур бўламиз. Узук, билур, кул, гиёҳда очилган фол баъсан хато чиқади; шунга ўхшаб Ойнинг олий сирлари Олов камар соҳибини лоақал оддий мақсадларга стишиш учун оддий инсоний воситалар қўллаш заруриятидан халос эта олмайди. Диққат билан қулоқ сол. Биламан, барча гиёҳларнинг сирли қудратидан хабардорсан, улар бадандан жонни ҳайдаб юборадилар ёки ўлдирадилар, ёхуд томирлардаги қонни шундай музлатиб қўядики, уни биронта ҳам қуёш эрита олмайди. Санъатингни меъёрдан ортиқ мақтаб юбормаяпманми? Тўғрисини айт!

— Эй, қудратли Хермес, улар ҳақиқатан ҳам менга аён. Бир қур менинг қўркинчли, қуриб қолган юзимга бок, у ўликка айланган, чунки кечасию кундузи бу қозонда заҳарли гиёҳларни қайнатаман.

Буни эшитиб, мисрлик юракни увиштирувчи қозондан нари сурилди.

— Яхши, — бош ирғади у. — Кўриб турибман, «Жисмдан ҳазар қил, зеро у ақлни ўтмаслаштиради» дея хитоб қилган олий тамойилни мени англаб етдим. Хўп, ишга қайтайлик. Эртага юлдузлар битта-битта ёна бошлигач, ҳузурингга кибрли бир қиз келади ва севгилисини бошиқа киздан тортиб олиб, ўзига иситиш учун сендан гиёҳ сўрайди. Бундоқ қил, ўз иссиқ-совук дори-дармонларинг ўрнига унга энг кучли заҳарни бер. Жазман ўз ишкий онтларини арвоҳлар қулоғига айта қолсин.

Жодугарнинг аъзои бадани титраб кетди.

— Уэр! Кечир... даҳшатли устоз! — деди у тутилиб. — Аммо бу қўлимдан келмайди. Бу шаҳарларда қонун қаттиқ ва ҳушёр, мени тутиб, қатл этишлари мумкин.

— Унда гиёҳларинг ва дори-дармонларингни бошимга урамапми, эй такаббур жодугар? — сўради Арбак мийиғида қулиб.

Жодугар қўллари билан бадбашара юзини беркитди.

— Оҳ! Кўп йиллар муқаддам, — деди у бирдан ғамгин ва оҳиста, — мен жавоб севгисига мунтазир эдим ва ўшани севаман.

— Бу ерда сенинг муҳаббатингга бало борми? Нима буюрсалар, шуни қил, — жаҳли чиқиб деди Арбак.

— Шошмай тур, — давом этди кампир. — Шошмай тур, ёлбораман. Мен севар эдим. Бошқа қиз, менга ўхшаб унча чиройли эмас, ха, Немезида ҳаққи, унчалик чиройли эмасди! — ўша мснинг суйганимни ўзига авраб олди. Мен қора афсун сирларини ҳаммадан яхши биладиган сирли этруск қабиласидан бўламан. Онам ўзи жодугар эди, у менга хайриҳоҳ эди. Унинг севгисини қайтариши лозим бўлган гиёҳни ва рақибамни заҳарлаши керак бўлган оғуни унинг қўлидан олгандим. Оҳ, йиқилинг устимга, даҳшатли деворлар! Кўлларим дағ-дағ қалтирасар эди, косаларни адаштириб қўйгандим. Севгилим ростданам оёғимга йиқилди, лекин тирик эмас, ўлик йиқилди! Шундан бери кўрган куним қурсин менинг. Мен тез қаридим ва ўзимни қабиламизнинг сирли касбига бағишладим. Аммо қандайдир эплаб бўлмас куч мени қўлга олган ва мен ўзимни даҳшатли қарфишга баҳшида этдим: шундан буён энг заҳарли гиёҳларни қидираман, шундан буён гўё манфур рақибамни заҳарлаётгандай ҳис қиласман ўзимни. Мен оғуни косага қуяман-да, у рақибам жамолини куйдириб кул қилишини кўраман. Тунлари уйғониб кетаман ва севикли Авлимнинг ти-тиричилаётган баданини, лабларидағи кўпикни, қотиб қолган кўзларини кўраман, ха, уни мен ўз қўлим билан ўлдирган эдим! — Шундай дея қовжироқ кампир бутун вужуди билан титраб кетди.

Унга қизиқиши билан қараб, Арбак ўйлади:

«Шундай мараз махлукда ҳам инсоний ҳислар сақланиб қолган-а! Арбакни куйдириб кул қиласиган олов қолдирган кулда у ҳамон жингиртоб бўлиб ётибди! Ҳаммамиз шунақамиз! Олийларни ва тубапларни

бирлаштириб турадиган бандаларнинг ҳолини тушуниб бўлмайди».

Жодугарнинг тинчини пойлаб, у узоқ сукут сақлаб ўтирди. Кампир энди ҳар томонга чайқалган ва харакатсиз кўзларини Арбакка тиккан кўйи ўтираркан, сўник башарасидан йирик-йирик томчилар думалаб тушибокда эди.

— Булар дарҳақиқат қайгули гаплар, — деди Арбак. — Аммо одам бундай хисларни ёшлиқда бошдан кечиради, ёш ўтган сайин одамнинг дийдаси қотиб бораверади ва биз факат ўзимизнингина ўйлайдиган бўлиб қоламиз; қисқичбақа косасида ҳар йили битта қатлам ортгани каби, юрагимизни қоплаб олган қобиқ йилдан-йилга қалинлашиб бораверади. Ёшлиқнинг бу телбаликларини унут! Эди эса менинг гапларимга қулоқ сол. Мен қасос олмоқчиман ва амр этаман сенга — бўйин сун! Сени шунинг учун қидириб келдим. Мен йўқ қилмоқчи бўлган одам афсунларимга қарамасдан йўлимда гов бўлиб туриб олган. Унинг турган-битгани олтин ва қирмиздан, табассумлар ва нигоҳлардан иборат, унинг на юраги бор, на ақли бор, ундаги бор-йўқ нарса — бу ҳусн, гўзаллик — минг лаънат унга! — ва Орк билан Немезида ҳаққи, мана бу қурт, мана бу Главк ўлиши керак.

Ҳар бир сўзида куйинган Арбак, ўз ночорлигини, фалати тингловчисини, қасосдан бошқа ҳамма нарсани унуганча катта-катта одимлар билан коропки ғорда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Главк! «Главк» дедингми, эй қудратли устоз! — деди жодугар ва унинг хира кўзлари ёлғиз ва хўрлаиганларда майда ҳақоратлар түгдирадиган нафратдан ёниб кетди.

— Ҳа, унинг исми шундай. Аммо исмтинг нима аҳамияти бор? Яна уч кундан кейин у мурданинг исми бўлиб қолини керак!

— Гапимга қулоқ сол, — деди жодугар мисрликнинг сўзларидан кейин бироз ҳаёлга чўмиб олгач. — Мен



сенинг чўрингман, хизматкорингман. Менга раҳминг келсин! Борди-ю, сенга ўша айтганингни, Главк учун заҳарни бергудек бўлсан, албатта изимдан тушадилар – марҳумлар ҳар доим қасоскорларни толадилар. Бу ҳол майли, даҳшатли ҳукмдор; борди-ю, Главкка бўлган нафратинг ошкор бўлгудек бўлса, жон саклаб қолишинг учун барча сирли сапъатинг сенинг ўзингга асқатиб қолади.

– Нима! – Арбак тахта бўлиб қолди.


Сўқир эҳтирос ҳатто энг зукко одамларни ҳам ана шундай тахта қилиб кўяди. Ўзини-ўзи қандай балога гирифтор қилаётгани эҳтиёткор ва ҳушёр Арбакнинг миясига биринчи марта келди.

– Аммо, – давом этди жодугар, – борди-ю, унинг юрагини тўхтатиб қўядиган оғу ўрнига ақлни қуритиб ва оздириб қўядиган, уни ичган одамни ҳеч нарсага ярамайдиган, зулматга чўмган бир шўрлик телбага айлантириб қўядиган, эрта қаритиб, эрта чиритадиган бошқасини берсам-чи? Ахир ишқилиб сен ўз мақсадингга етсанг бўлди-ку, шундай эмасми?

– О жодугар! Сен энди менга чўри эмас, Арбакка муносиб оша бўлдинг! Ҳатто қасосда ҳам аёл зотининг ақли бизникидан нечоғли тоқирроқ бўлади! Бундай тақдир ўлимдан ҳам нечоғли мудхишроқ!

– Бунинг ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, – давом этди жодугар, ўзининг ёвуз режасидан суюниб, – чунки одамлар тагига етишдан қўрқадиган кўплаб сабаблар туфайли қурбонимиз ақлдан озиши мумкин. У узумзорда бўлиб, нимфани<sup>1</sup> қўриши ёки шаробнинг ўзи шундай таъсир қилиши мумкин, ҳа-ҳа-ҳа! Худолар аралашиши мумкин бўлган нарсани одамлар у қадар синчковлик билан текширишмайди. Ҳатто бундан баттарроқ нарса бўлганида ҳам буни ишқий афсунларга йўйисинлар, ҳечқиси йўқ: ахир қайтариқ гиёҳлар кўпинча ақлдан

<sup>1</sup> Қадимгиларнинг тушунишича, нимфа билан кўришув одамни жинни қилган ва жинни ҳақида «уни нимфа урган» деб аташган.



оздирадилар, ҳатто уни ичган сохибжамолга ҳам хайрихохлик кўрсатишади. Эй кудратли Хермес, менинг усулимдан хурсандмисан?

— Бунинг учун умринг йигирма йилга узаяди, — жавоб берди Арбак. — Оппок юлдузлар орасида умринг чизифини бошқатдан тортаман — Олов камар сохиби олийжаноблик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяжак. Бундан ташқари, эй жодугар, мана бу олтин қуроллар сенга шинамроқ бошпана бунёд қиласажак: менга ҳожатбарорлик кўрсатиб, минглаб жоҳил деҳқонларга ғалвир ёки тиёда фол очганингдан кўра кўпроқ нул ишладинг, ха.

Шундай дея у жаранглатиб, залворли ҳамённи ерга ташлади, унинг жаранги менсимай юрган қулайликларни сотиб олиши мумкинлигига ақли етган жодугар қулоғига майдай ёқди.

— Яхши қол, — деди Арбак. — Қара, ухлаб қолматагин, эрталабгача гиёҳларингни қайнатиб чиқ. Йигинларингда ҳомийинг ва дўстинг — мисрлик Хермес эканини сўзлаб берганингда, барча опа-сингилларинг оёғингга бош уради. Эртага оқшом кўришамиз.

Жодугарнинг хўшлашуви ва миннатдорлигига қулоқ ҳам солмай, Арбак тез-тез одимлаб, фордан ойдилга чиқди ва тоғдан пастга шошилди.

Арбакни фор оғзигача қузатиб қуйиб, жодугар унинг ортидан узоқ қараб қолди ва ой нури унинг арвоҳсимон гавдасини ва ўлик тусли юзини ёриттанди, гўё Арбак жуда устомонлик билан даҳшатли Орқдан қочиб кетаётганга ўхшаб кўринди, жодугар эса қора дарвоза олдидаги даҳшатли кўлкалар оломони рўпарасида турар экан, уни қайтаришга беҳуда таваллолар қиласар ва у билан яна бирга бўлишни орзулаб, хўрсинарди. Сўнг жодугар аста форга қайтди, оғир ух тортиб, ердан ҳамённи олди, шамдонни кўтариб, форнинг тўрига ўтди. Бу ерда қоп-коронги йўл бор эди, у пастга тик тушиб кетарди, харсанг ва қоялар яшириб тургани боис уни фақат жуда яқинга борибгина кўриш мумкин эди. У

мана шу қоронги йўлдан пастга тушди, йўл тўғри ернинг киндигига олиб борадиганга ўхшарди, бир тошни кўтариб, хазинасини чуқурчага қўйди, шам ёруғида у срдаги турли қийматли, ишончли ва олийҳиммат одамлардан олинган тангалар чараклаб кетди.

— Сизларга қарашни яхши кўраман, — деди кампир, — чунки сизларни қўрганимда, ўзимни ростдан ҳам қудратли ҳис этаман. Сизларни кўпайтириш учун йигирма йил кўпроқ яшайман! О буюк Хермес!

Жодугар тошни қайта бостириб қўйди ва текис ҳамда чуқур тешик олдида тўхтади. У эшилди-да, галати ва бўғик гувиллаган овозни эшитди, агар оддий, аммо ҳаққоний ўхшатишдан фойдаланиб айтсак, у чархланаётган шичоқнинг овозини эслатарди. Кора тутун буралиб-эшилиб, гор ичига кириб кетмоқда эди.

— Арвоҳлар бугун бошқача шовқин солишниятни, — деди жодугар, оппоқ бошини силкиб. Тешикдан қараб, у хув пастда, узокда узун-узун олов тимсолларини кўрди. — Қизиқ, — у ортига тисланди. — Атиги икки кун бурун хирагина ёғду кўриниб турганди. Бу нимадан дарак беради?

Бекаси ортидан изма-из келаётган тулки вашланиб улиди-да, орқага, гор томонга отилди, унинг бесабаб улишидан жодугар сесканиб кетди — ўша хурофий замонларда бу хосиятсиз аломат саналарди. У қарғаниб қўйди-да, горга шошилди, у ерда гиёҳларга афсунлар ўқий-ўқий мисрликнинг илтимосини адo этишга тутинди.

— У мени ақли суюлган кампир деди, — деди у, бу орада биқирлаб қайнаётган қозондан қуюқ буф кўтарили. — Жағиниг осилиб, тишларинг тўкилиб, юрагинг зўрга уриб турганда ақлинг суюлса, ачинарли, албатта. Аммо, — давом этди у тантанавор жилмайиш билан, — ёш, хунпруй ва кучли бўла туриб, бирдан ақлдан озиш бу даҳшат! Ён олов, қайна сув, шиш шоҳ, пиш бақа, — мен уни қарғадим, илоё, қарғиш уриб, икки дунёда хор бўлсин!

Арбак ва жодугар ўртасида мана шу мудхиш сұхбат бўлиб турган ўша тун ва ўша соатда Апекид хочга чўқинди.

### VIII боб

#### ВОҚЕАЛАР ДАВОМИ. ФИТНА ЕТИЛИБ КЕЛМОҚДА

— Юлия, бугун оқшом Везувийдаги жодугар олдига, тағин бояги даҳшатли одам билан бирга боришидан кўрқмайсанми?

— Нега кўрқар эканман, Нидия? — жавоб берди Юлия ҳадик билан. — Сен ростданам бу қўрқинчли деб ўйлаяпсанми? Ўзларининг сеҳрли ойналари, ғалвирлари ва ойдинда йиққан гиёҳлари билан бу қари жодугарлар, менимча, фирт ёлғончилардир. Улар, эҳтимол, менга маълум афсунлардан болиқа ҳеч балони билмасалар керак, бу афсунлар эса дала гиёҳларию, шифобахш ўсимликлар ҳақидаги билим натижаси, холос. Бунинг нимаси қўрқинчли экан?

— Ҳамроҳингдан-чи, ундаи ҳам кўрқмайсанми?

— Кимдан, Арбакданми? Диана ҳаққи, мана шу афсунгардан ортиқроқ ҳурматли эркакни мен ҳеч қачон кўрган эмасман! Агар қорачалигини айтмаса, ундан хушрўйроқ одам йўқ.

Гарчи Нидиянинг кўзи кўрмаса-да, Юлия Арбакнинг хушомад қилишидан қўрқмайдиган қизлардан эканлиги унга маълум бўлди. Шу боис у ортиқ гапни чўзиб ўтирмади, аммо унинг сергулу юрагида ҳақиқатан ҳам жоду ёрдамида севганини ўзига илитиш мумкинлигини билиш истаги тобора ортиб борарди.

— Мени ёнингта олиб ол, олийҳиммат Юлия, — деди у охири. — Сенга химоячи бўлиб хизмат қилолмасман, аммо ёнингда бўлганим яхши, ҳар холда.

— Маъқул, — жавоб берди Диомеднинг қизи. — Бироқ бу ёғи қандоқ бўлади? Биз, балки, кеч қайтармиз, сени эса уйда кутиб колишади.

— Иона яхши қиз, — деди Нидия, — агар сен уйингда тунаб қолишимга рухсат берсанг, унга Юлия менинг эски хомийим бўлади, уйига таклиф қилди ва кун бўйи унга Фессалия қўшиқларидан айтиб бердим, дайман...

Оқшом чўккач, Юлия ўзининг кенг тахтиравонига ёнишлади, Нидия ҳам унинг ёнига жойлашди, сўнгра улар Арбак айтган шахар ташқарисидаги ҳаммомлар томон йўл олишди. Тахтиравонни кўтарган куллар Юлияниг буйруғи бўйича одамлар гавжум жойлардан айланиб ўтиб, доирасимон ихчам майсазорга етиб келишди, бу ерда юлдузлар ёғусида Силен ҳайкали оқариб турарди, нойида коплои ётган қувноқ Фави қояга ёнишлаб олгац, оғзида узум шингилини тутиб турибди, у, афгидан, ейишдан олдин томоша қилиб завқланарди.

— Афсунгар кўринмайдими, — деди Юлия атрофга олазарак қараб.

Шу топ дарахтлар ортидаги мисрлик аста чиқиб келди ва унинг узун кийимида хира нур жилваланди.

— Салом, соҳибжамол! — деди у. — Шопма-шошма. Ёнингдаги ким? Бизга гувоҳлар керак эмас.

— Бу бор-йўғи ожиза тулфуруш қиз, эй доно афсунгар, — жавоб берди Юлия. — У фессалиялик.

— Э-ҳа, Нидиями, — таниди мисрлик. — Мен уни биламан.

Нидия ортга чекинди ва титраб кетди.

— Сен менинг уйимда бўлган эдинг, — қизниг қулови устида овоз янгради. — Касаминг ёдингдадир? Чурқ этиш йўқ, ҳаммаси сир, акс ҳолда ўзингдан кўр. «Барибир ҳам, — қўнимимча қилди у ўзича, — ишимизга ҳатто кўр қизни-да аралаштиришимиз шартмикан?» — Кейин Юлияга юзлацди: — Наҳотки менга ишонмайсан? Сен ўйлагандек, мен унақа ёмон одам эмасман. — Шундай дея у аста Юлияни бир честга олиб борди. — Хузурига бирданига кўп одам келишини жодугар ёқтирмайди, — деди у. — Нидия сени шу ерда кутиб тура қолсин, унинг бизга ҳеч кераги йўқ. Сенинг

ҳуснинг ва насабинг – сени ҳимоя қилиш учун кифоя.  
Ҳа, Юлия, мен сенинг исмишни биламан.

Аввал кўрганимиздек, такаббур Юлия қўрқоқлардан эмасди. Арбакнинг такаллуфлари унга хуш ёқаётган эди ва у Нидиянинг ҳаммомлар олдида кутиб туришига бажонидил рози бўлди: Нидия ҳам ортиқ қисталанг қилмади. У мисрликнинг овозини эшитганда юрагидаги даҳшат яна бор бўйи билан ростланди ва у улар билан бирга бориши керакмаслигидан суюнди ҳам.

Нидия ҳаммомлар томон юриб кетди ва ечиниш хоналаридан бирига бориб ўтирди. У ерда абадий қорониликка кўмилиб ўтирас экан, кўплаб аччиқ ўйлар хаёлини банд этди. У ўзининг шум қисмати, ватанидан узокдалиги, она меҳридан маҳрумлиги ҳақида ўйлади. У кундуз ёруғидан бебахра эди ва ёт одамлар унга йўл кўрсатарди. Ягона гўзал туйғу эса унга фақат мусибат келтиради, холос – унинг севгиси қадрсиз эди ва муҳаббат жозибалари кучи ҳақида ўйлаганидагина унинг шуурида умид учқуни хира милтиллаб кўярди.

Табиат бу шўрлик қиз қалбига униб чиқиши насиб этмайдиган саховат уруғини сепганди. Мусибат ҳар доим ҳам инсон юрагини юмшатавермайди, кўшиича уви тошбағир қилиб қўяди. Борди-ю, тақдир бизга ѿшқаларга қараганда кўпроқ қаттиққўллик қилди деб ҳисоблайдиган бўлсак, бутун дунёни ўзимизга душман деб билишдан тоймаймиз, унга ўчакишамиз, ўзимиздаги эзгулик туйғусини тийиб қўямиз,adolatsizlikdan осонгина лов этиб ёнадиган бадбин эҳтиросларимизга эрк берамиз. Ҳали болалигиданоқ қулликка сотиб юборилган Нидия ёмон хўжайинга тушди, кейин эса, уни яна сотишганида қизгинанинг қисмати янада аччиқроқ бўлди, унинг қалбида яшаштган беғубор туйғулар хўрлангандан хўрланди.

Вакт ўтиб борарди. Нихоят хонада ҳамон маъюс хаёлларга чўмиб ўтирган Нидиянинг кулоғига енгил қадам товушлари чалинди.

— Мангу худоларга шукурлар бўлсин, — деди Юлия, — бу даҳшатли юрдан қайтиб келдим! Кетдик, Нидия. Тезроқ!

Фақат тахтиравондагина Юлия яна тилга кирди.

— Оҳ! У ердаги манзара! Қандай даҳшатли жодугарлик! Анови жодугар кампирнинг башараси ўлиқдан баттар. Кел, бу гапларни қўйайлик. Мен гиёҳни олдим, унинг таъсир қилишига кафиллик берди. Рақибамнинг ундан кўнгли совийди ва Главк мени, фақат мени севиб қолади.

— Главк! — деди Нидия.

— Ҳа! Мен сенга севганим у эмас деган эдим, аммо қарасамки, сенга ишонса бўлар экан. Мен шу чиройли юони йигитини севаман!

Нидияни даҳшат чулғади. У Главкни Ионадан ажратишга ёрдам берибди-ку! Аммо афсун кучи билан уни бошқа бир қиз ўзига оғдириб олиш учунгина шундай қилибди. Унинг юраги тарс ёрилай дерди, у бўғилди, аммо тахтиравондаги қоронгиликда Юлия ундаги ўзгаришни пайқамади, у гиёҳнинг таъсири ва ўзининг Иона устидан ғалабаси яқин колгани ҳакида сўзлашда давом этарди, ора-сира даҳшатли манзара — Арбакнинг тош башарасини, қўрқинчли жодугарнинг унга итоаттўйлигини эслаб қўярди.

Бу орада Нидия ўзига келиб олганди. Миясида бир фикр йилт этди: ахир у бугун Юлия билан битта хонада ухлайди-ку, иситма гиёҳни ўзи олиб қўя қолса-чи?

Диомед уйига етгач, улар Юлияниң хосхонасига тушишди, у ерда кечки овқат уларга мунтазир эди.

— Шаробдан ичиб ол, Нидия, совқоттан бўлсанг керак. Бугун кун совук бўлди, музлаб қолдим.

Шундай деб, Юлия киприк қоқмай ўтқир шаробдан симириди.

— Дамламани бер, ушлаб турай, — деди Нидия. — Вой, буича кичкина идишда у? Ранги қанақа экан суюқликнинг?



— Худди биллурдай тиниқ, — жавоб берди Юлия, идишни Нидиядан тортиб оларкан. — Уни сувдан ажратиб бўлмайди. Жодугарнинг айтипича, дамлама бутунлай таъмсиз эмиш. Кичкина идишда бўлса ҳам одамда бир умрга севги пайдо қилишга бемалол етаркан; дамламани ҳар қандай суюқликка қўшиб исча бўларкан. Ичганини Главк ҳатто сезмайди ҳам, аммо афсун таъсири, албатта билинади.

— Демак, кўриниши сувнинг ўзгинасими?

— Ҳа, рангиз ва тиниқ. Тин-тиниқ. Бамисоли ойдиндаги шудринг дейсан. Ох, оппоқ ичимлик! Умидимни исчоғли чароғон қилдинг, биллур идишда чараклашингдан ўзим айланай!

— Оғзи нима билан ёнилган?

— Бир тиқин, холос. Мана, уни суғуриб олдим. Ҳеч қандай ҳиди-пиди йўқ. Жуда қизиг-а: бироп-бир туйгуни ҳис этмайдиган дамлама барча туйғуларга баравар ҳукм юргизишга қодир.

— У дарров таъсир қиларканми?

— Кўпинча ҳа. Бироқ гоҳо таъсир қилгунча бир неча соат ўтар экан.

— Ох, қандай хушбўй ҳид! — деди Нидия хонтахтадан атирли шишачани олиб.

— Сенга ёқаяптими? Шишача қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган. Кеча билагузук берувдим, олмагандинг, энди шу атирни ола қол.


— Бу атир ожиза қизга сахий Юлияни эслатиб турди. Агар шишача жуда қиммат турмаса...

— Э, менда бундан қимматроқ шишачалардан мингта. Ола қол уни, жонгинам!

Миннатдорлик билдириб, Нидия бош эгди ва атирни кийими остига яширди.

— Дамлама-чи? Уни ким берса ҳам бирдек таъсир кўрсатарканми?

— Ҳатто дунёдаги энг тасқара кампир берса ҳам, у Главкка гўзал бўлиб кўринади ва у ундан бошқа ҳеч кимни сезмайди!



Юлия шаробни ичиб, жонланди. У хандон ташлаб кулар, ҳар хил нарсаларни вайсар эди ва тонг отарга яқингина кийимларини ечдириш учун чўриларини чақирди.

– То ишга солмагунимча мен мана бу ичимликдан ажралолмайман. Қани, ёстиғим тагига кира қол, ёрқин рух ва менга ширин тушилар юбор!

Шундай дея у идишчани ёстиғи тагига қўйди. Нидиянинг юраги қаттиқ уриб кетди.

– Нега сув ичаяпсан, Нидия? Олдингда шароб турибди-ку.

– Кизиб кетаяпман, – жавоб берди кўр қиз. – Салқин тортмоқчиман. Сувни тўшагим олдига қўяман, уйқу шабнами лабларни суғормагаңда ёз тунлари сув баданин тетиклаштиради. Гўзал Юлия, эрталаб Иона мени кутади, мен сеникidan эрта чиқиб кетаман, балки сен уйғонмасдан олдинроқ. Шунинг учун менинг табриклиаримни қабул қил.

– Миннатдорман. Биз яна кўришганимизда Главк оёқларим остида бўлади.

Улар ётишди, ташвиш ва ҳаяжондан чарчаган Юлия тезда ухлаб қолди; энг кичик товушни ҳам илғашга ўрганиб қолган Нидия сал ўтмай Юлияниг тош қотиб ухлаётганига амин бўлди.

– Энди мени ўзинг қўлла, Венера! – деди Нидия пичирлаб.

У оҳиста ўрнидан турди, Юлия совға қилган атири мармар фаршга тўкиб ташлади, идишчани бир неча марта сувда чайди, кейин эса Юлияниг тўшагини осонгина топиб (тун унинг учун кун билан баравар эди), титрок қўлини ёстиқ тагига сукди ва дамламали шишачани ушлади. Юлия қилт этмади, унинг шафаси кўр қизнинг ёниқ юзини слиб ўтди. Шунда Нидия тиқинни суғуриб, ичидагини ўзининг шишачасига ағдарди, унисини эса, Юлия айттандай, дамламага ўхшайдиган тиник сув билан тўлдирди ва идишни аввалги жойига қўйди. Кейин ўз тўшагига бориб суқулди



ва безовта хаёллар ич-этини кемирганча тонг отишини кута бошлади.

Күйш чиққанда Юлия ҳамон уйқуни уради. Нидия шовқинсиз кийинди, хазинасини кийими остига обдан яширди, таёқни олди-да, шошиб уйдан чиқди.

У зинадан күчага тушиб келар экан, дарбон Медон эркалаб унга салом берди. Аммо қиз буни эшитмади, унинг миясида фикрлар чарх ураг эди ва ҳар бир фикр эхтиросга лиммо-лим эди. У чехрасига муздек тоғ ҳавоси келиб урилганини ҳис этди, аммо ҳаво унинг ёниқ қонини совутолмади.

— Главк, — шивирлади у. — Дунёдаги барча иситма-совутма дамламалар сени мен севганчалик севишга мажбур этолмайди! Иона!.. Аммо, йўқол, ҳей шубҳалар! Йўқол, ҳей пушаймо! Главк, менинг қисматим сенинг табассумингда! Сенинг қисматинг ҳам шундай! Оҳ, умид, оҳ, қувонч! Оҳ, ҳаяжон! Сенинг тақдиринг менинг қўлларимда!





## ТҮРТИНЧИ КИТОБ

### *I боб*

#### **ИЛК НАСРОНИЙЛАРНИНГ ДИНИЙ ЖЎШҚИНЛИКЛАРИ. ИККИ КИШИ ХАТАРЛИ ҚАРОР ҚИЛАДИ. ДЕВОРНИНГ ҲАМ ҚУЛОГИ БОР**

Илк насронийлик тарихини ўрганадиган ҳар бир одам уни ёйиш учун жабрдийда мухлисларига жасур, муросасиз рух қанчалик зарур бўлганини кўради. Ҳукмрон дин учун муросасизлик руҳи ҳалокатлидир. Заиф ва таъқиб остига тушган динни эса у мустаҳкамлайди. Илк масиҳийлар ўз динларини қаттиқ ҳимоя қилиш учун ўзга динларга (якка Худога эмас, кўп «худолар»га сажда қилувчи мушрикларнинг динларига) нафрат билан қарашлари табиий эди. Илк масиҳийлар ўз муқаллас китобларининг ягона ҳақиқат эканлигига ишонишлари шарт бўлган. Илк масиҳийлар биз оз бўлсак-да, эзгуликни фақат биз ҳимоя қиласиз, чеккан машаққатларимиз учун охиратда нажот топиб, роҳат-фароғатда бўламиз деб қаттиқ ишонар, мажусийларнинг динларини шайтон васвасаси деб ҳисоблар эдилар. Шу сабабли насронийлар юракларига яқин бўлган барча одамларни ўз динига оғдиришга интилар эдилар. Масиҳийларнинг кичик давраси ўз эътиқодларига садоқати билан ҳазрати Исо Масиҳнинг шон-шуҳратини оширидилар. Улар бирорлардаги шуҳратпарастликни, бошқалардаги нафратни, файласуфнинг доноларча нафратию ҳалойиқнинг тақволи қўркувини бартараф этган ҳолда ўз ақидаларини даъват қила бошлидилар.

Илк масиҳийларнинг муросасизлиги уларга қўл келди. Охир-оқибатда римлик мажусийларга шундай туюла бошладики, ҳеч нарса қархисида тўхтамайдиган ва ҳатто қийноқлар остида ҳам ҳеч нарсадан қўрқмайдиган ва ўлим билан юзма-юз бўлганда тасалли ва фалсафа

қидирмайдиган, балки ўзини тақдири илохий ихтиёрига топшириб қўядиган одамларнинг бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган саъй-харакатларида ростдан ҳам қандайдир муқаддас сир бўлиши керак, деган хулосага келар эдилар. Зоро, бу ақидалар файласуфларнинг мавҳум баҳсларига асло ўхшамасди. Мана шу интилиш ўрта аср черковини раҳму шафқат нималигини билмайдиган ўтакетган мутаассибга айлантириб қўйганди, аммо дастлабки вақтларда у насронийни қўрқув нималигини билмайдиган ботир қилиб тарбиялади.

Бу чўрткесар, дангалчи ва тиришқоқ одамлар орасида Олинф сўнгтиси эмасди. Апекид хочга чўқиниш расмини адо этиб бўлини ҳамон насоролик энди унинг коҳинлик лавозими ва либосида қолиши мумкин эмаслигини уқдиришга шошилди. Ягона худони тан оладиган динга сифиниш ва шайтон меҳробига бош уришда давом этиш энди ҳеч мумкин эмасди. Гарчи у Исидаға фақат юзаки сифинаётган бўлса ҳам.

Аммо тиниб-тинчимаган ва шиддаткор Олинф анча узокни кўзлар эди – у, алдашган одамларнинг кўзи олдида Исида кароматгўйларининг сохталигини Апекид ёрдамида фош этмоқчи эди. Оломонни гумроҳликдан олиб чиқиши ва, эҳтимолки, бутун шаҳарни масиҳийликка оғдиришга тайёрланиши учун осмон унга яроғ юборганига амин эди у. Улар чўқиниш маросимидан кейин биз юқорида таърифлаган Кибела дараҳтзорида оқшом чори учрашишга келишиб олдилар.

– Янаги сафар башоратчи – оракулдан масала сўрашганида, – деди Олинф самимий оҳангда, – сен тўсиқ олдига чиқасан-да, ҳамма эшитадиган қилиб, алдов ҳақида сўзлайсан, кейин эса қўпол, аммо ўзинг менга айтиб берган мудхиш пайрангхонага кириш ва ўз кўзлари билан қўришни таклиф қиласан. Кўрқма, Даниилни ҳимоя қилган худо сени ҳам асрайди, биз, тақводорлар халойик орасида бўламиз, биз сени қўллаб-куватлаймиз; халқ ғазабининг дастлабки хуружидаёқ мен ўзим меҳробга хурмо бутогини – Инжил тимсо-

лини қўяман ва менинг сўзларим худонинг сўзларидаЙ садо бергай.

Эҳтиросли ва қизиқувчан Апекид бажонидил рози бўлди. У ўзи кирган мазҳабга садоқатини дарҳол на-моён этишидан мамнун эди ва унинг тақволи туйгулари яқиндагина ўзи маҳлиё бўлган алдовга нисбатан нафратни ва алдоқчилардан ўч олиш истагини янада мустаҳкамлади. Мана шу жазавали иштиёқда (зеро, жўшқинлик барча олий ишлар учун зарурийдир) на Олинф, на Апекид ўз режаларини амалга оширишларида тўсиқни кўрмаётган эдилар – буюк Миср маъбудасининг муқаддас меҳроблари қарписида қўл қовуштириб турган оломон ҳатто коҳинишиг фош этувчи гувоҳлигига ишонмаслиги мумкин эди.

Апекид тезгина рози бўлди, бу Олинфни бехад суюнтирди. Олинф насронийлар жамоасининг асосий аъзолари билан маслаҳатлашиб олиш ва уларнинг қўллаб-қувватлашларига көлишиб, улар тарқалдилар. Шундай бўлиб чиқдики, мана шу сұхбатдан икки қун кейин Исида шарафига ўтказиладиган байрамлардан бирини нишонлап турад эди. Кўзланган режани бажариш учун бу қулай вазият эди. Улар эртасига кечкурун ўша жойда учрашишга ва барча тафсилотларни узил-кесил мухокама қилиб олишга шартлашиб олдилар.

Ўз сұхбатларини улар зиёратгоҳ ёки мен юқорида таърифлаб ўтганим чоғроқ бутхона ёнида тугатишди ва насроний билан коҳин кетишлари ҳамон бутхонадан бир тунд ва бадбашара одам чиқиб келди.

«Мен ортигдан бекорга пойлаганим йўқ, укахон, – деди у ўзича. – Сен, Исиданинг коҳини, бу баттол насроний билан қурук валақлаптани учрашимагансан. Аттанд! Уларнинг сұхбатини эшитолмаганим чакки бўлди-да! Аммо шу ёғи ҳам кифоя. Сен одамларга муқаддас сирларни очиб ташламоқчисан ва ҳаммасини узил-кесил ҳал этиб олиш учун сизлар эртага мана шу жойда тагин учрашасизлар... Сизларнинг бемисл жасоратингиз ҳақида ҳамма нарсани билиб олишим

учун Осирис қулоқларимга ўзи күч берсин! Шунда мен дархол Арбак билан маслахатлашаман. Биз сизларга, дўстларим, сиз бизга тайёрлаб қўйғандан кучлироқ зарба беражакмиз. Ҳозирча эса сизнинг сириңгиз менинг кўкрагим ичида кўмилиб туради».

Шу сўзларни ғудраниб, Кален – ха, бу ўша эди – ридосига ўранди-да, тўғри келган томонга ўйчан юриб кетди.

## II боб

### МЕЗБОН, ОШПАЗ ВА ЎЧОҚБОШИ

Ўша куни Диомед дўстлари ичидан энг саралари учун зиёфат берди. Мехмонлар қаторида хушрўй Главк, соҳибжамол Иона, эдил Папса, олийшасаб Клодий, шоир Фульвий, олифтанамо Лепид, эпикурчи Саллюстий бор эди. Аммо булардан ташқари яна Римдан кекса сенаторни (император саройида хизмати сингган ва марҳаматга сазовор бўлган одам) ва Тит қўшинида яхудийларга қарши жанг қилган ва урушлар вақтида роса бойиб олган Геркуланумлик машхур жангчини кутар эдилар. Дўстлари унга кўпинча «бегараз» жанговар меҳнатлари учун ватан ундан абадий қарздор деб айтишарди. Бироқ меҳмонларни кўпроқ айтиши бойлик нишонаси деб ўйлашарди. Сирасини айтгандা, ўша вақтда римликларда зиёфатга учтадан оз ва тўққизтадан кўп меҳмон таклиф қилиш нодонлик белгиси деб ҳисобланган бўлса-да, ўзларини кўрсатмоқчи бўлган шинавандалар аксар бу қоидага хилоф иш тутар эдилар. Тарихдан биламизки, хушчақчақликинг энг машхур ишқибозларидан бири уч юздан ортиқ меҳмонларга зиёфатлар берган. Аммо Диомед камтарин бўлиб чиқди ва музалар миқдоридан икки баробар кўпроқ меҳмонларни таклиф этиш билан кифояланиб қўя қолди. Зиёфатхўрлар ўп саккиз нафар эди – бу бизнинг замонда ҳам анча оммабон бўлган миқдор.

Эрта тонг. Гарчи Диомед аслзода ва ўқимишли одамлардан саналса-да, тижоратда ҳам ўз тажрибаси бўйича хўжайини назорати остида хизматкорлар чаққонроқ ҳаракат қилишларини яхши биларди. Шу боис катта корнига туникаси устидан камар ҳам тақмай, енгил туфлида, қўлида калта таёқча билан тоҳ ўқталар, тоҳ биронта дангаса қулнинг елкасига тушириб коларди.

У «коҳинлар» ўз қурбонликларини тайёрлаётган «зиёраттоҳ»га киришни ҳам эътибордан соқит қилмади. У ўчоқбошига келганида идиш-товоқларнинг ёқимли тарақ-туруқларию қичқириш ва сўқинишлардан кулоғи битаёзди. Помпея уйларида ўчоқбошилар ихчам бўларди, аммо шундай бўлса-да, турли ўчоқлар, қозонлар, кастрюллар, товалар, пичоқлар, қопиқлар билан таъминланган бўларди. Хоҳ қадимий бўлсин ёки замонавий бўлсин, хақиқий ошпаз барибир буласиз бирор нарсанни тайёрлаши амримаҳолдир. Худди ҳозиргидай, ўша юртларда ёнилғи стилемаган ва у қиммат тургани боис кучсиз оловда анвойи таомлар тайёрлаш учун озмунча энчиллик керакми? Шу мақсадлар учун ажойиб кащфиёт – катталиги улкан китобдай келадиган, тўртта кастрюлга ўтхонаси ва сув қайнатишга қозончаси бўлган иечкали кўчма ўчоқбошини ҳозир ҳам Неаполь музейида кўриш мумкин.

Тангу тор ўчоқбошида кўплаб одамлар ивирсириди.

– Ўх-хў! – тўнғиллади Диомед. – Бу лаънати ошпаз Конгрион ёрдамга оинпазларнинг бутун бир қўшинини ҳайдаб келибди-ку! Улардан ҳеч қанақа фойда йўқ, ортиқча харажат, холос. Дионис-Вакҳга<sup>1</sup> қасамки, агар куллар менинг бир неча кўза шаробимни ичишмаса, уч карра баҳтли бўлардим. Ҳайҳот, барчасининг қўли эгри, туникаларининг чўнтаги кеңг! Ўлай агар!

Афтидан Диомедни кўрмай, ошпазлар ўз ишлари билан овора эдилар.

– Ҳой Эвклион, қуймоқ товани узатиб юбор! Сизларда энг каттаси шуми? Унга ўттиз учтадан ортиқ

<sup>1</sup> Юнонларда Дионис, римликларда Вакх – майнарастлик байрамлари маъбуда деб эъзозланарди.

тухум кетмайди-ку, одатда мени таклиф қилишадиган хонадонларда энг кичик товага, керак бўлса, элликта тухум кетади.

«Виждансизнинг гапини! – ўйлади Диомед. – Худди тухумлар текинга келгандек гапиради-я!»

– Меркурий ҳаққи! – деди ҳунар ўрганишини энди бошлаган қув ошпаз бола. – Ширинликка бунақа эски қолиллар ишлатилишини ким кўрган? Бу идиш билан киши санъатини қандай намойиш эта олсин! Саллюстийникида пишириқларнинг энг оддий қолилларида Троя қамалидаги барча зотларни кўрасан: Гектор ҳам, Парис ҳам, Елена ҳам бор, қушончасига яна митти Астианакт билан Троя оти гижинглаб туради! (Мехмонларга қаҳрамонлар шаклида ширинликлар тортилар эди. – *Тарж.*)

– Ўчир, аҳмоқ! – деди Диомеднинг баковули Конгрион, у, афтидан, бош ролни оғайниларига бериб қўйганга ўхшарди. – Менинг хўжайиним ҳамма ишда сўнгги урфга риоя қилувчи исрофгарлардан эмас!

– Нега ёлғон гапирасан, ярамас қул! – деди Диомед ғазаб ичидан. – Сенга анчага тушганимнинг ўзи Лукуллни хонавайрон қиласди! Қани, бери кел-чи, сен билан бир гаплашиб қўяй!

Шерикларига муғамбirona кўз қисиб қўйиб, қул унинг олдига келди.

– Ҳой, муттаҳам! – деди Диомед ўшқириб. – Мана бу ифлосларнинг барини уйимга чақириб келишга қандай ҳаддинг сиёди? Кўрмаясанми, ҳар бирининг пешонасига ўғри деб ёзиб қўйилган!

– Гапимга ишонинг, хўжайин, булар барчаси ҳурматли одамлар, шаҳардаги энг яхши ошпазлар, уларни ёллашнинг ўзи бўлмайди. Аммо ҳурмат қилиб...

– Сени деб, бадбахт! – унинг гапини бўлди Диомед. – Қанча пулларим ўғирланди, қанча таңгаларни ўмариди, қанча гўштларимни ташмалаб, кейин шаҳар чеккаларида пуллашибди, гўё учган ва синган идишлар учун деб тўланган неча-неча минг ақчаларимни сени деб ишлашгани учун уларга бериб юбординг, тўғрими?

— Хе, йўқ, хўжайин, сиз мендан бекорга гумонсира-  
япсиз. Худо урсин агар...

— Қасам ичма! — яна унинг сўзини бўлди қутуриб  
Диомед. — Акс ҳолда ёлғон қасаминг учун худолар  
жонингни оладилар-да, зиёфат бошланай деб турган-  
да ошпазсиз қоламан! Бўити, бас қил, бу ҳакда яна  
гаплашамиз. Яхшиси, ярамас ёрдамчиларингта кўз-  
қулоқ бўлиб тур-да, эртага синган идишлару ер ют-  
ган майкосалар ҳақидаги чўпчагингни айтма менга,  
бўлмаса, қичиган елкангни яхшилаб қашиб қўяман!  
Ха, эсингда бўлсин: мана бу беданалар учун озмунча  
нул тўландими? Геркулес ҳаққи, бу пуллар камтарроқ  
одамга бир йилга етарди, шунинг учун эҳтиёт бўл,  
беданаларни ковурганингда куйиб кетмасин. Охирги  
марта, Конгрион, дўстларимга зиёфат берганимда, Ме-  
лос туриасидан қулинг ўргулсин қовурдоқ қилиб бе-  
раман, деб кўкрагингга уриб мақтанган эдинг, у эса  
Этна вулқони тошидан қаттиқ чиққанди, сен ёқкан  
ўша Флегетон олови ундаги ҳамма селни қуритиб  
юборганди. Сал кўзингга караб, меъёрни билиб  
овқат қил, Конгрион. Меъёр — буюк ишларнинг она-  
си; борди-ю, рўзғор иулини тежаб-тергаб ишлатишга  
нўноқлик қилсанг, ҳеч бўлмаганда менинг яхши но-  
мимни саклаш пайида бўл!

— Таомлар шунаقا қойилмақом бўладики, Помпеяда  
Геркулес замонидан буён ҳеч ким бушақасини кўрмаган!

— Сал ўпкангни бос, яна ўша лаънати мақтанчоқлик!  
Менга қара, Конгрион, менинг ширинлик қолипларимни  
ёмонлаган болакайнинг тили жудаям заҳар экан, нима,  
аччиқ сўзлардан бошқани гапиролмайдими? Мен эскича  
урфда қолиб кетишин истамайман, Конгрион.

— Йўқ, гап шундаки, биз ошпазларда бир ирим  
бор, — жавоб берди Конгрион, — ошхона буюмларини  
ёмонлаш маҳоратимиз юксаклигидан дарак беради. Ши-  
ринлик қолиплари жудаям чиройли, бироқ хўжайин,  
сизга бошқа сафар янгиларини сотиб олишни маслаҳат  
берардим.

— Бас! — деди Диомед, у, афтидан, қулини хеч қачон охиригача гапиртирмасликка онт ичган эди. — Энди ишга кириш, ўзингни кўрсатишга ҳаракат қил. Шундай ошпази бор экан деб ҳамма Диомедга ҳавас қилсин, Помпеядаги қуллар сени Буюк Конгрисон деб тилга олишсин. Бўла қол!.. Ёки шошма-чи, харажатга берган пулларимнинг ҳаммасини ишлатмагандирсан?

— Афсуски, бари кетди! Булбул тилига, Рим колбасасига, Британия устрицасига ва яна алламбало нарсаларга ҳали пул тўлангани йўқ. Лекин бундан қўрқмаса бўлади. Бадавлат Диомеднинг бош баковулига ҳамма индамай қарз бераверади!

— Ҳой исрофгар! Бу қандай гап! Шунақаям соvuрадими пулни! Хонавайрон қилдинг! Бўпти, ишга кириш, имиллама. Кўз-қулоқ бўл, татиб кўр, жонингни аяма! Рим сенатори очикқўл помпеялик савдогарни ёмон кўриб қолмасин. Бор, қулим, беданаларингга эхтиёт бўл.

Ошпаз ғойиб бўлди, барваста Диомед эса бундан кўра шинамроқ хоналарни айланиб кетди. Ҳамма нарса кўнгилдагидек эди: фавворалар қувноқ шилдирав, гуллар тароват ила барқ уриб турар, гулдор фарш ойнадай яракларди.

— Кизим Юлия қани? — сўради у.

— Чўмилаяти.

— Э-ҳа, яхши эсга солдинг! Вакт ғаниматида мен ҳам чўмилиб олишим керак...

### III боб

#### ПОМПЕЯДА МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Саллюстий ва Главк Диомеднинг уйи томон шошмай кетиб боришарди. Аҳмоқона қилиқларига қарамай, Саллюстийнинг яхши фазилатлари ҳам талайгина эди. Агар файласуф бўлишим керак, деган ўйни миясига қўйиб олмаганида, ундан содик дўст, фойдали фуқаро,

қисқаси ажайиб инсон чиқиши мумкин эди. Римликлар юонон донишмандлиги олдида тиз чўккан мактабларда тарбияланиб, у кейинги эпикурчилар буюк устозларининг оддий таълимотини енгилтакликка айлантирган қоидаларни ўзлаштириди. У бутунлай лаззатларга берилди ва хушчақчақ ичкиликбозгина донишманд бўла олади, деб тасаввур қилди. Бироқ у ўқимишли, ақлли ва оқкўнгил эди, Клодийнинг тузалмас бузуқлиги ва Лепиднинг нимжон нозик табиатлиги билан бир қаторда ўзининг самимилигини намоён этиб турарди; шу боис Главк уни бошқалардан кўра кўпроқ яхши кўрарди, Саллюстий эса, ўз навбатида, афиналикдаги олийхимматликий юксак қадрларди ва уни қарийб муздай мурена – лакка балиқдек ёки бир коса энг яхши Фалерно майдек севарди.

– Диомед жуда bemаза чол, – деди Саллюстий, – аммо унинг бир қанча фазилатлари ҳам йўқ эмас, шулардан биттаси – шароб қазпоғи борлиги.

– Ва қизининг мафтункорлити.

– Тўғри, Главк. Аммо назаримда, бу сенга унчалик таъсир қилмайди. Клодий сенинг ўрнингни эгалламоқчи дейман-да.

– Унга муваффақият тилайман. Соҳибжамол Юлия, албатта, ҳеч кимнинг хушомадидан ҳазар қилмайди.

– Сен Юлияга қолганда жуда катта кетасан. Аммо унда қандайдир иллат ҳам йўқ эмас, бироқ Клодий билан Юлия бир-бирларига шунчалик моски, узукка кўз кўйгандай. Менимча, бир тийинга қиммат бу ўйинчига биз ҳаддан ташқари кўнгилчанлик қилиб юбораяпмиз!

– Кўнгилхушликлар турли феъл-атвордаги одамларни бирлаштиради, – жавобан деди Главк. – Ундан завқланаман...

– Сенга тилёғламалик қиласи. Буни қотириб баҷаради ҳам! У мақтов сўзларини олтин зарраларидек шуркаб ёғдиради.

– Сал унинг кўли қинғирлигига шама қиласи эдинг. Лйт-чи, уни ростданам шунака деб ўйлайсанми?

— Азизим Главк, Рим зодагони ўз қадрини йўқотмаслиги керак, бу эса унга арzonга тушмайди. Бир инсофли одамдай яшамоғи учун Клодий уччиға чиқкан каззоблардек муттаҳамлик қилишига тўғри келади.

— Вах-ха-ҳа! Энди мен ошиқни «Гардкам!» — деб ташладим. Эҳ, Саллюстий, Ионаға уйланиб олсам, ёшлиқдаги бебошликлар учун тавба-тазарру қиласман, худо хоҳласа. Биз яхши ҳаёт кечиришимиз керак, биз Эпикурнинг оғилхонасидан кўра юксакроқ ибодатхоналарда ибодат қилишимиз керак.

— Аттавг! — эътиroz билдириди Саллюстий фамгин.— Бизлар нима қиласми?.. Умр қисқа, тобутдан у ёни зулмат. «Кандингни ур!» деб айтилгандан бошқа ҳикматнинг ўзи йўқ.

— Вакҳга қасамки, гоҳо қандимизни уриб, ҳаётдан барча неъматларни олаётганимзга шубҳа қилиб қоламан!

— Мен нафси тийик одамман, — деди Саллюстий, — озига қаноат қиласман. Ўлим бўсағасида туриб, шаробга тўйиб оламиз-да, вахшийлардек иш тутамиз, аммо борди-ю, шундай қиласак, тубсизлик жудаям кўрқинчли кўриниб кетарди! Тан оламан, шаробга ружу қўймасимдан олдин мен маҳзунилкка мойил эдим, у сенга янги ҳаёт бағишлайди, азизим Главк.

— Ха! Аммо ҳар кун эрталаб ҳаёт ортидан ўлим эргашиб чиқади.

— Тўғри, хуморбостидан bemаза нарса йўқ. Аммо шундай бўлмаганида, ҳеч ким китоб ўқимай қўйтган бўларди. Мен эрталаблари китоб мутолаа қиласман, чунки, худолар ҳаққи, тушгача мен ҳеч нарсага ярамайман.

— Оббо вахший-ей!

— Нима десанг деявер! Вакҳга иймон келтирмаганинг бошига Панфелянинг куни тушсин.

— Эҳ, Саллюстий, шунча камчиликларинг етмагандай, мен билган ичкиликбозлар ичида энг аълосисан! Тўғри, агар ҳаётим хавф остида қолгудек бўлса, мени куткариш учун бутун Италияда битта сен қўлингни чўза оласан.

— Агар кечки овқат маҳалида шундай бўлиб қолса, қўлимни чўзмаслигим ҳам мумкин. Йўқ, рости, биз, италияликлар, ўзимизга жуда бино қўйиб юборганмиз.

— Эркинликдан маҳрум одамларнинг бари шунаقا, — деди Главк хўрсиниб. — Факат эркин одам бошқалар учун қурбон бўлишга ярайди.

— Ундаи ҳолда, эркинлик — эпикурчи учун ғоят оғир масала, — деди Саллюстий. — Мана, етиб ҳам келдик.

Диомеднинг ҳовлиси шу пайтгача Помпеяда вулқонда кўмилган бинолар ичидаги энг каттаси бўлгани ва боз устига Рим меъморчилигига одат бўлган шаҳардан ташқаридағи уйлар учун маҳсус режа бўйича қурилгани боис меҳмонларимиз ўтиб келаётган хоналарнинг жойлашувига қисқача таъриф берсак ёмон бўлмасди. Улар биз қариқул Медон билан танишган жойдаги унча катта бўлмаган вестибюлдан ўтишди ва дарҳол меъморчилика перистил деб аталадиган устунли ҳовлига чиқиши. Зеро, шаҳар уйи ва дала ҳовли ўртасидаги фарқ шундан иборат эдик, мана шу устунли ҳовли саҳни ўрнида шаҳар уйларида атрий жойлашган бўларди. Перистилнинг қоқ ўртасида ҳовузли кичик саҳн мавжуд. Мана шу перистилдан пастга зина тушган бўлиб, у хизматкорларнинг хоналарига олиб борарди; унинг нариги томонидаги энсиз йўлак юқорига олиб чиқарди; ён томонлардан устунли саҳнга, эҳтимол, узоқдан келган меҳмонларга мўлжалланган ихчам хоналар туташган. Кираверишдан чапдаги яна бир эшик уй ҳаммомларига туташ учбурчак пешайвонга очиларди; унинг ортида кийимхона бўлган, у ерда қулларнинг, эҳтимолки хўжайнинг ҳам байрам либослари осиғлиқ турган. Ўн етти асрдан сўнг бу қадимти либосларнинг қолдиқлари топилган: титилиб, чириб кетган бу буюмлар, ҳайҳот, уларнинг эҳтиёткор эгалари кийгизганидан ҳам кўпроқ муддат сақланиб қолганди.

Келинг, айвонга қайтайлик ва меҳмонларга эргашиб, бутун иморатта кўз югуртириб чиқизинга ҳаракат қиласайлик.

Китобхон энг аввал пешайвоннинг гулчамбарларга чулғанган устунларни кўз олдига келтирсин; устунларнинг таги – курсилари қизил рангда эди, атрофдаги деворлар эса хилма-хил деворий сувратлардан ялтиради; пардалар ортида жавонли девор бўлиб, хоҳлаган вақтда девор ичига сурилувчи ойнаванд эшиклар билан ёпиб қўйилган. Унинг ҳар икки томонида ихчам хоналар бўлиб, уларнинг бирида жавоҳиротлар сақланган; бу барча хоналар ҳар икки учи айвонга олиб чиқадиган узун усти ёник тимда жамланар эди; айвонлар оралиғида эса тимнинг ўрта қисмига туташиб, танобий катта хона жойлашган. Ўша куни бу ерда зиёфат дастурхони тузаб қўйилганди. Бу хоналар боғдан бир қават юқорида эди. Айвонлар эса боғни қуршаб турган устунларга суянган очик чортокқа айланиб кетарди.

Пастда, боғ билан баравар сатҳда биз юқорида таърифлаган хоналар бор – уларнинг деярли ҳаммаси Юлияга қарашли эди.

Диомед меҳмонларни усти берк тимда кутиб олаётганди. Тожир ўзини адабиёт ихлосманди қилиб кўрсатганидан барча юононча нарсаларга ўзгача хис билан қарамоқда эди. Главкка айниқса алоҳида эътибор берди.

– Кўриб турганингдек, дўстим, – деди у қўлини силкиб, – менинг бу ердаги нарсаларимнинг барчасида бир қадар мумтоз рух бор, агтика усули деса ҳам бўлади. Биз гурунг қиласиган танобий меҳмонона юононларга тақлидан қурилган. Римда бунақа танобийлар йўқ эмиш деб эшитаман, азамат Саллюстий.

– О! – жавоб берди Саллюстий енгил табассум билан. – Сизларнинг Помпеянгизда Юнонистон ва Римдаги барча аъло нарсаларни танлашни ва ўзлаштириб олишни қойил қилишади. Агар сен, Диомед, худди меъморчилик безакларида таомларни яхши танлаганингда борми!

– Бизнинг Помпеямизда қанақа дидлар, қанақа пуллар борлигини кўрасан, ха, кўрасан, азизим Саллюстий, – жавоб берди Диомед.

— Униси ҳам, буниси ҳам мени қувонтиради, — деди Саллюстий. — Ие, апа, Юлия ҳам келиб қолди.

Олдин айтганимдек, афиналиклар ва римликлар ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики, дастлабкиларда хотин-қизлар шарм-ҳаё туфайли деярли ҳеч қачон ўйин-кулгиларда иштирок этмайдилар, иккинчиларида эса улар кўпинча базму зиёфатларга кўрк бағишлар эдилар, аммо бундай ҳолларда зиёфатлар одатда эрта тугарди.

Соҳибжамол Юлия дур ва заррин ишлар билан оролган улуғвор либосда танобийга кириб келди.

У Главк ва Саллюстийнинг саломига алик олар-олмас, Панса хотини билан, Лепид, Клодий ва рим сенатори қарийб баравар кириб келиши; улардан кейин бева Фульвия пайдо бўлди; унинг изидан фақат исми ўхшашу ўзи бегона шоир Фульвий кириб келди; сўнгра ўз «соя»си ҳамроҳлигида Геркуланумлик жангчи ва мундайроқ зодагон меҳмонлар ташриф буюриши. Ионадан ҳали дарак йўқ эди.

Қадимгиларда кўзга ташланган ҳар қандай нарсани кўкларга кўтариб мақташ одати бор эди, шу боис уйга кира солиб ўтириб олиш қўполликка киради. Худди биздагидек кўл беришиб ёки гоҳида янада дўстонароқ қучоклашиб кўришишдан иборат салом-алик килиб ва ҳол-аҳвол сўрашиб олгач, меҳмонлар бронза ҳайкаллар, сувратлар, жавонлардан завқланганча бир неча дақиқа ичида хоналарни томоша қилиб чиқдилар.

- Вакҳнинг ҳайкалини қаранг, қандай гўзал ишланган, — тўлқинланиб деди Рим сенатори.
- Э, шу ҳам гап бўлибдими, бир чақага қимматку! — жавобан деди Диомед.
- Сувратларга қойил қолиш керак! — деди Фульвия.
- Бир чақага арзимайди, — жавоб берди хўжайин.
- Шамдонлар бекиёс экан! — деди жангчи.
- Чиндан бекиёс! — қувватлади уни «соя».
- Бир чақага арзимайди, арзимайди! — такрорлади тоҷир.

Шу паллада Главк айвонларни улаб турган тимнинг деразаларидан бири олдига кетди ва Юлия унинг ортидан эргашди.

– Менга айт-чи, Главк, сизларнинг Афинангида олдинги дўстларни ташлаб қочиш одати борми? – сўради у.

– Э йўқ, сохибжамол Юлия!

– Барибир ҳам менга Главк айнан шундай иш туваётгандек туюлади.

– Главк ҳеч қачон дўстларидан қочмайди! – деб жавоб берди юнон, сўнгги сўзни алоҳида чертиб.

– Юлия ўзини унинг дўсти деб атай оладими?

– Бундай ажойиб дўст император шаънини кўтарган бўларди.

– Сен саволимга жавоб бермадинг, – деди шайдо Юлия. – Сен неополлик қиз Ионани қаттиқ севар эмишсан, шу гап ростми?

– Гўзаллик севишга муносиб эмасми?

– Ҳа-а, айёр юнон, жавоб беришдан қочаяпсан-а!

Қани, айт, Юлия ростданам сенга дўст бўлолмайдими?

– Мен худоларга шукур қиласан ва у менга шундай шараф кўрсатган кунни оқ тошча билан белгилаб қўяман.

– Ўзинг шунаقا деяпсан-у, кўзларингда ғам, ташвиш, рангинг оқариб кетаяпти, тескари ўгирилиб олайсан. Ионага пешвоз чиққани сабринг чидамаяпти.

Шу пайт Иона кириб келди ва Главкнинг ҳақиқатан ҳам хиёл тараддуланиб қолгани рашикчи сохибжамолнинг нигохидан қочиб кутулмади.

– Бир аёлга бўлган мұхаббатим мени бошқаси билан дўстлашишга моне бўлармиди? Шоирларнинг аёллар шаънига қилган маломатларига наҳотки сен бу қадар ишонсанг?

– Билмадим. Нима бўлганда ҳам мен сенинг ҳақлигинга ўзимни ишонтиришга ҳаракат қиласан. Главк, яна бир гап. Сенинг Ионага уйланаётганинг ҳақми?

— Агар худолар менга шу бахтнираво кўрган бўлсалар.

— Унда дўстлигимиздан нишона сифатида қайлифинг учун мендан совға. Ол уни... йўқ дема, ол! Биласанку, ирими шунаقا, келин билан қуёвни табриклаб, дўстлар кичик-кичик совғалар беришади.

— Юлия! Сенинг дўстлигинг нишонини олишга йўқ деёлмайман. Мен Фортунанинг ўзидан яхшилик аломати сифатида совғани қабул қиласман.

— Ундей бўлса, базмдан сўнг меҳмонлар тарқалгач, пастдаги хонамга туш, уни менинг ўз қўлимдан оласан. Кара, тағин эсингдан чиқиб кетмасин! — деди Юлия ва Главкни Ионанинг олдига қўйиб юбориб, Пансанинг хотини қошига борди.

Бева Фульвия ва эдил Пансанинг хотини жиддий баҳс билан машғул эдилар.

— О Фульвия! Ишонтириб айтаманки, сўнгти маълумотларга қараганда гажак соchlар Римда урфдан чиқа бошлаганимиш. Энди Юлияга ўхшаб, баланд турмакда юришаётганмиш ёки менга ўхшаб, дубулға қўринишида. Бу яхши таассурот уйғотса керак деб ўйлайман.

Қачонлардан бери ҳеч ким Ионадек юнонча таранмайдиган бўлиб кетган.

— Ахир бу жуда кулгили-ку! Диана ҳайкалининг ўзи! Барибир Ионага етадигани йўқ, тўғрими?

— Ҳа, эркакларнинг гапи бу. У бир афиналикка турмушга чиқаяпти, унга толе ёр бўлсин. Аммо қиз унга узоқ вафо қилолмаслигини кўнглим сезиб турибди. Бу ёт эллик қизлар бевафороқ бўлишади.

— Э-ҳа, Юлиямисан? — деди Фульвия, тоғирнинг қизи уларнинг олдига яқин келганда. — Сен хали йўлбарсни қўрмадингми?

— Йўқ.

— Қанақасига? Ахир барча хонимлар уни томоша қилгани кетишди-ку. У шунақанги чиройлики!

— Йўлбарс ва арслон учун битта-яримта жиноятчи топилиб қолар, — жавоб берди Юлия. — Эринг, — деди

у Пансанинг хотини томон ўгирилиб, – сал дадилроқ ҳаракат қиласа бўларди.

– Афсуски, бизда қонунлар ҳаддан ташқари юмшоқ, – жавоб берди дубулғанусха турмакли хоним. – Жиноятчилар анқонинг уруғи, гладиаторларимиз ҳам талтайиб кетишган! Энг ботир бестиарийлар ҳам факат қобон ё ҳўқизга қарши жант қилишга рози бўлишади, арслон ёки йўлбарсдан гап очишинг ҳамон улар буни ўта жиддий ўйин деб айтишади.

– Уларга аёлларнинг кийимини кийдириб қўйиш керак, – деди Юлия нафрат билан.

– Сиалар севимли шоиримиз Фульвийнинг янги уйини кўрдиларингми? – сўради Пансанинг хотини.

– Йўқ. Нима, чиройли эканми?

– Жуда! Диң билан қурилган. Аммо бир қусури, азизим, унинг уйи беадаб сувратларга тўлиб кетганиш! У уларни хотинларга кўрсатмас экан. Вуй, баданим жимиirlаб кетаяпти.

– Бу шоир халқи ўзи сал ғалатироқ бўлади, – деди бева. – Аммо у қизиқ одам. Ёзган шеърларини айтмайсизми! Шеъриятимиз, хайриятки, гуркираяпти, эски матоҳларни энди сира ўқиб бўлмай қолди.

– Рост айтасиз, – тасдиқлади дубулға турмакли хоним. – Замонавий шеърият мактаби жуда қудратли.

Шу дам хонимларнинг қошига жангчи келди.

– Мана шундай дилбар чехраларни кўрганимда, ҳозир уруш йўқлигига ажабланаман, – деди у.

– Оҳ! Сиз ботирлар жудаям тилёғлама бўласизларда! – жавоб берди Фульвия, такаллуфни ўз ҳисобига қабул қилишга шошиб.

– Император ўз қўли билан мени мукофотлаган шу занжир ҳаққи, – деди жангчи, – тинч одамлар одати бўйича кўксига тушириб олиш ўриига бўйнида ёқадай осилиб турган калта занжирни ўйнаб, – мана шу занжир ҳаққи, сен мен ҳақимда нотўғри ўйлаётисан! Мен аскарга лозим бўлганчалик тўғри одамман.

— Умуман Помпея хонимларини сен қандай күрасан, ўзи? — сўради Юлия.

— Венера ҳаққи, улар ажойибдирлар! Барчалари менга хайрихоҳ, бу эса кўзимга уларни икки баравар мафтункор қилиб юборади.

— Бизлар жангчиларни севамиз, — жилмайди Пансанинг хотини.

— Буни биламан. Геркулес ҳаққи, бу шаҳарларда ўта таникли бўлиш ҳатто нокулай ҳам. Геркуланумда менга тарновдан бир бора кўз ташлаш учун айримлар атайн томга чиқиб олган. Юртдошларнинг ҳайратга тушиши ёқимли, аммо шухрат яхши оқибатларга олиб келмайди.

— Сен ҳақсан, Веспий! — деди шоир уларга яқин келаркан. — Мен буни ўзимда сезғанман.

— Сен кимсан? — деди танти жангчи гуурли шоирга ошкора нафрат билан бошдан-оёқ қараб. — Сен қайси легионда хизмат қилгансан?

— Менинг ўлжаларимни форумда кўришинг мумкин, — деди шоир аёлларга маънодор кўз ташлаб. — Мен энг буюк мантуялик сафдошлари орасида эдим.

— Ҳеч қанақа мантуялик саркардани билмайман, — деди жангчи жиддий оҳангда. — Қайси кампанияда иштирок этгансан?

— Геликон кампаниясида.

— Ҳеч әшитмаган эканман.

— Эҳ, Веспий, у ҳазиллашаяпти, — жилмайди Юлия.

— Ҳазиллашаяпти эмиш! Марс ҳаққи, мен билан ҳазиллашиш яхши эмас!

— Марснинг ўзи ҳазилкашлар онасини севиб қолган эди-ку, — деди шоир, бироз тўлқинланиб. — Шуни билгинки, Веспий, мен шоир Фульвийман. Жангчиларни ўлмас қилган мен бўламан.

— Бизларни худолар ўз паноҳида асрасин! — пи chir lab деди Саллюстий Юлияга. — Агар Веспийни шоирлар ўлмас қилиб куйласа, келгувси авлодларга қандай мақтанчоқни право кўрамиз?

Жангчи, афтидан, хижолатда эди. Бирок шу тоңда меҳмонларни дастурхонга таклиф қилиши-ю, ҳамма енгил нафас олди.

Помпсєада қандай зиёфатлар берилишини юкорида таърифлаб ўтган эдик ва таомларни муфассал тасвирлаб ва номма-ном санаб, китобхоннинг вақтини олмаймиз.

Маросимларни ўтказишга суюги йўқ Диомед хос қулига меҳмонларни жой-жойига ўтказиши тайинлади.

Базм дастурхони уч столдан иборат эди: ўртада биттаси ва икки ёқдан унга тўғри бурчак қилиб туташтирилгап яна иккитаси. Меҳмонлар столларнинг фақат ташқи томонидан жойлашдилар, ички томонида эса хизматкорлар учун бўш жой қолдирилди. Бир учида мезbon бўлиб Юлия, иккинчи учида – Диомед ўтириди. Ўртадаги столнинг бурчагига, эдил Нанса, қарши томонидаги бурчакка – Рим сенатори жойланди; булар жойларнинг тўри ҳисобланарди. Бошқа меҳмонларни шундай ўтказишики, ёшлар (эркаклар ва аёллар) ёни катталардан алоҳида бўлди. Бу жуда кулай эди, аммо ўзини ёш деб билганлар осонгина хафа бўлишлари мумкин эди.

Ионани Главк билан ёнма-ёп ўтказилди. Ўринларга тошибака шўстидан ишлов берилган бўлиб, устидан қимматли қашталар тикилган момиқ чойшаб билан қопланганди. Столга ёюч ўймакорлиги, фил суюги ва кумушдан ишлов берилганди. Шу ерда маъбуллар, ларлар ва муқаддас туздои тасвири бор эди. Ҳар бир бурчакда баланд шамдонлар қўйиб қўйилганди, зеро хали кундуз пайти бўлса-да, хонада нимкорончилик ҳукмрон эди. Бутун таюбий бўйлаб хушбўй тутатқили учоёклар қўйилганди ва устунларнинг уч томонида катта-катта гулдоплар ва турли қумуш безаклар жилваланар эди.

Удумга кўра маъбуллар ҳаққига узлуксиз равища ҳамду санолар, оила, рўзғор маъбудаси Веста ҳаққига одатда биригчи бўлиб дуолар ўқилди.

Бу маросим ниҳоясига етгач, қуллар ўриндиқлар ва полга гуллар сочқи қилишди ва ҳар бир меҳмон бошига чинор новдаси билан боғланган атиргуллардан тўқилган, тасма ва печак поялари чирмалган ва гавҳар билан безатилган гулчамбар кийдирилди – бу ўсимликларнинг ҳар бири шаробнинг масти қилувчи кучини кирқиши воситаси ҳисобланарди; Фақат аёлларнинг гулчамбарлари улар билан безатилмас эди, чунки одамлар кўз ўнгида шароб нўш қилиш хотин-қизлар учун одобсизлик саналарди. Диомед зиёфат шохи ёки мутасаддисини сайлашни зарур деб топди – бу эътиборли лавозимга баъзан қуръа ташлаб сайланса, баъзан ҳозиргидек, мезбоннинг ўзи тайинлар эди. Диомед узоқ иккиланди. Кекса сенаторнинг жуда боши қотган ва бундай вазифани уddeлашидан ожиз эди; эдил Панса бунинг учун ғоят мос келарди, аммо даражаси қуи бўлган одамни афзал билиш сенатор учун ҳақорат ҳисобланарди. Колган меҳмонларнинг обрў-нуфузини чамалаб туриб, бой отанинг бегам нигоҳи Саллюстийда тўхтади ва бирданига қувноқ эпикурчининг номини тилга олди.

Саллюстий ўзига хос камтарлик билан бу шарафли таклифни қабул этди.

– Мен ҳафсала билан ичувчилар учун муруватли ҳукмдор бўламан, – деди у. – Бўйсунмаганларга эса Минноснинг ўзидан ҳам қўра қаттиқроқ тураман. Эҳтиёт бўлинглар!

Қуллар ҳар бир меҳмонга хушбўй сувли тоғора келтирдилар ва қўллар чайилиб, базми жамшид бошланди. Стол усти егуликларга тўлиб кетганди.

Ҳали сухбат умумий тус олмаганидан Иона ва Главк аста шивирлаб гапланмоқда эдилар, бу эса улар учун жаҳоннинг энг яхши нотифини тиллагандан қўра ёқимлироқ туюлмоқда эди. Юлия ошиқ-маъшуқлардан ўтли нигоҳини узмай қараб турарди.

Бироқ ўртада ўтирган Клодий қизнинг хафалигини дарҳол пайқади, чунки бу ердан Юлия унга яхши

кўриниб турарди ва у бундан фойдаланиб қолишга шошилди. У дастурхон оша қизга одатдаги такаллуфлар билан мурожаат қилди. Клодий асли-насли зодагонлардан бўлиб, ақл-фарсатдан кам эмасди, мутакаббир Юлия эса Главкни бефарқ бўлиб қолиш даражасида қаттиқ севиб улгурмаганди.

Хүшёр Саллюстий мудом қулларни синчковлик билан кузатиб борар, косаларни шу қадар тез, пайдар-пай кўтарар эдик, гўё Диомеднинг уйи остида ҳозир ҳам сақланиб қолган улкан қазнок шаробларини ичиб тугатишга азму қарор қилгандай. Мағрур савдогар танлаган одамидан пушаймон қила бошлади, чунки кўза кетидан кўза очишга тўғри келмоқда эди. Ҳаммалари ҳали фўр бола бўлган соқий қулваччаларга Саллюстийнинг завқшавқи маъқул келмоқда эди; (соқийлик қилаётган кичикларининг ёши ўнга ҳам тўлмаган, шаробга сув қўшиб турганлари улардан беш ёш каттароқ эди), базм шохининг саъй-харакатларини қулваччалар жон-жон деб қўллабкуватлаётганларини кўриб, Диомед қизариб кетди.

– Кечир мени, сенатор! – деди Саллюстий. – Кўриб турибман, майхўрликка тоқатинг йўқ, аммо қирмизи тасмали либосинг сени май ичишдан сақлай олмайди.

– Маъбуллар ҳаққи, – деди сенатор йўталиб, – ҳозир мен ўт ичидаман. Сен шу қадар шитоб билан кетаяпсанки, Фаэтоннинг ўзи ҳам сенга бас келолмайди. Бўлмади, азизим Саллюстий, сени бўшатишга тўғри келади.

– Ҳеч қанақасига, Веста ҳаққи! Мен фуқароларимнинг барчасига бараварман – ичавер!

Бечора сенатор базм қонунларига бўйсунишга мажбур эди. Ҳайхот! Ҳар бир коса уни Стикс ботқоқлиги томон етакларди.

– Ўзингни бос, ўзингни бос, мурувватли шоҳ! – ух тортиб дерди Диомед. – Анча кайфимиз ошиб...

– Хиёнат! – деди Саллюстий. – Бу дастурхон устидаги қабиҳ Брут бўлишига чидолмайман, менинг ҳукмларимга аралашувларини кўтаролмайман!



- Ахир бу ерда аёллар...
- Кўявер, ичкилиқбозларни севишин. Ариадна ахир Вакҳни севиб қолмаганмиди?

Базм давом этарди, тиллар ишга тушиб кетди, меҳмонлар шовқин солар эдилар. Сўнгги таом ҳам алиштирилди — дастурхонда ширинликлар турарди, куллар қўл чайдиргани мирра ва хушбўй гиёҳлар солинган сув келтира бошладилар. Бир вакт худди эртаклардагидай, бирданига столдан муаттар сув тизиллааб отилиб чиқа бошлади ва дастурхону меҳмонларни ҳўл қилиб юборди; шундан кейин чодир суриб қўйилди ва меҳмонларнинг кўзи олдида шифтнинг пақ тагида дор пайдо бўлди, Помпеяда шухрат қозонган ёш дорбоз рақкослардан бири ҳамманинг боши узра ўз санъатини намоён эта бошлади.

Ҳалиги кўланка телбаларча сакрарди, сал сирпаниб кетса борми, томошабинлардан бири устига қулаб, бошини мажақлани тайин эди, бироқ зиёфатхўрлар бу томошага қизиқиб қараб туришарди, айниқса, рақкос мураккаб сакрашни ижро этиб, ўзига ёқсан томошабин устига қуламоқчи бўлар, аммо эпчиллик билан сақланиб қолганида чапак чалиб юборишарди. Хусусан, сенаторни худо бир сақлади, рақкос дордан сирғалиб келиб, сўнгги дақиқада унинг қўлидан ушлаб қолди, акс ҳолда ҳамма римликнинг бошига бургут тошбақа деб ўйлаган шоирнинг куни тушганига ишониб бўлганди. (Бир шоирнинг бошини тошбақа деб чангол солган бургут ҳақидаги масалга ишора.) Нихоят, рақкос тўхтади ва бундай томошаларга ўрганимаган Иона енгил нафас олди.

Ташқарида мусиқа янгради. Шунда рақкос янада пиiddатлироқ рақс туша бошлади, куй ўзгарди ва рақкос сеҳрлангандай қотиб қолди, мусиқа ундаги сеҳрини тарқатишдан ожиз эди. У рақс тушганида ҳеч бир куч тўхтата олмайдиган ғалати касаллиги бор беморга ўхшарди — факат муайян бир қуйгина унинг ձарлига дармон бўлар эди. Охири машшоқлар ўшандай

күйни топиши шекилли, раккос ҳавода бир чарх урди-да, дордан ерга сакраб тупиб, кўздан яширинди.

Бир санъат ўрнига бошқаси келди: айвонда ўтирган машшоқлар шаст, майин бир күйни чала бошлишди ва деворнинг париги ёғидаи элас-элас қўшиқ қулоққа чалинди...

Куёш уфқка бош кўя бошлаганди, бирок кун бўйи яйраган меҳмоплар нимкорони танобийда буни сезишмади. Ҳали Геркуланумга қайтиши керак бўлган ҳорғин сенатор ва жангчи ўринларидан туришиди, бу энди ҳамма тарқаладиган вакт бўлганидан дарак берарди.

— Бир дакиқа шошманлар, дўстларим, — деди Диомед. — Модомики, мени бу қадар тез ташлаб кетмоқчи экансиз, ҳеч бўлмаса бизнинг сўнгги ўйинимизда иштирок этмасангиз бўлмайди.

Хизматкорлардан бирини чақириб, ушинг қулоғига шивирлаб бир нарса деди. Кул чиқиб кетди-да, тезда кичикроқ коса билан қайтиб келди, унда мумланган, яхшилаб муҳрланган ва кўринишидан бир хил найчалар бор эди.

Ҳар бир меҳмон энг кичик кумуш танга тўлаб, найчадан сотиб олиши керак эди; бу лотореянинг энг қизиқ жойи (уни жорий қилган император Августнинг севимли эрмаги), найчаларда кўрсатилган турли қийматдаги, тоҳо эса мутлақо ишқулай ютуқлардан иборат эди. Масалан, қошини чимириб олган шоир ўз шеърини ютиб олди (биронта ҳам доришунос ҳали ўз ҳаб дорисини бу қадар ижирғаниш билан ютмаган бўлса керак); жангчига аёллар учун тўнноғичлар солинган қутича чиқди, бу Геракл ва чарх борасидаги кулгили воқеани эсга солди; Бева Фульвия каттакон майкоса ютиб олди; Юлия — эркаклар либосини, Лепид эса тўкув асбоблари солинган қутичани ютди. Ўйинчи Клодийга энг қулай ютуқ насиб этди, четлари ўйиб, нишон туширилган ошиқларни унинг олдига кўтариб келишганида, у аламдан қизариб кетди. Бехосият ало-

мат деб баҳоланган бир воқеа умумий хушчақчаклиқни бир оз хирадаштириб қўйди: Главкка энг қимматбаҳо ютуқ чиққанди – Фортунанинг юнон санъаткори ишлаган мармар ҳайкалча, бироқ унга ҳайкалчани узата туриб, кул уни тушириб юборди ва ҳайкалчаси чил-чил бўлди.

Ҳамма чўчиб тушди ва маъбуллардан паноҳ тилаб, беихтиёр кичқириб юборди.

Гарчи бидъатчиликда бошқалардан қолишмаса-да, фақат биргина Главк пинагини ҳам бузмади.

– Азизим Иона, – меҳрибонлик билан мармардай оқариб кетган неаполлик қизнинг қуловига шивирлади, – мен буни хосиятли аломат деб биламан. Бу шуни англатадики, сени менга бериб, Фортуна бошқа ҳеч нима бера олмайди, мени сен билан сарафroz қилиб, у ўз сиймосини синдириб ташлади.

Бу воқеанинг тўплланғанларда пайдо қилган шубҳаларни тарқатиш учун Саллюстий ўз косасини гуллар билан безаб, мезбоннинг соғлиғи учун кўтарди. Кейин император учун коса кўтарилди ва ниҳоят, барчага ширин уйқу юбориши учун Меркурий шарафига хайрлашув косаси кўтарилди, шундан сўнг Саллюстий меҳмонларга жавоб берди.

Помпеяда арава ва тахтиравонлардан кам фойдаланаар эдилар, чунки шаҳар ихчам бўлиб, кўчалари тор-тор эди. Қарийб барча меҳмонлар базмхонага кираверишда ечиб кўйган кафшларини кийиб ва ридоларига ўраниб, ўз куллари ҳамроҳлигида уйга яёв равона бўлишди.

Бу орада Ионанинг кетганини кўриб, Главк пастга олиб тушадиган зина томон юрди ва чўри уни Юлия кутиб турган хонага кузатиб борди.

– Главк! – деди у, ерга қараганча. – Кўрдим, сен Ионани ростданам севар экансан. У дарҳақиқат гўзал экан.

– Юлиянинг мафтункорлиги шунчаликки, у керак пайтида мислсиз даражада бағрикенг бўла олади, –

жавоб берди юонон. – Ҳа, мен Ионани севаман. Барча ошиқларинг ичида битта мана шундай самимий йигит топилишини чин дилдан истаб қоламан.

– Ўзим ҳам маъбудлардан шуни тилайман. Қара, Главк, мана бу дурларни сенинг қайлигингта совға қиласман. Юона унга тани-сихатлик берсин, узоқ йиллар буни тақиб юрсин. – Шу сўзларни айтиб, Юлия йигитга анча йирик-йирик ва қимматбаҳо дур шодалари солинган қутичани узатди.

Помшеяда тўй олдидан мана шундай совғалар қилиш одат тусига кирганди ва Главк маржонни ҳеч бир иккиланишсиз қабул қила оларди, холбуки, ўз ҳолича мустақил ва мағрур афиналик Юлияning ҳимматини бундан уч баравар қиммат совға билан қайтаришга жазм этиб қўйганди. У ташаккур билдира бошлаган эди, Юлия уни тўхтатди ва чоғроқ косага шароб қуиди.

– Сен отам билан кўп ичдинг, – деди қиз жилмайиб. – Мен билан ҳам биргина коса ичсанг-чи. Қайлигингта соғлиқ ва баҳт тилайман!

Юлия коса четига лабларини сал теккизиб қўйди-да, уни Главкка берди. Таомилга биноан Главк уни тагигача сипқориши керак эди ва шундай қилди ҳам. Нидия уни алдаганидан тамоман бехабар Юлия ёниқ қўзлари билан йигитга қараб турарди. Гарчи жодугар дамлама бирданига таъсир қилмаслиги мумкин деган бўлса-да, у бир лаҳзанинг ўзида тантана қилишига умидвор эди ва Главкнинг косани аста қўйиб қўйганини ва у билан худди олдингидай бир текисда, аммо жиддий оҳангда гаплашишда давом этганини кўриб, тарвузи кўлтиғидан тушди. Гарчи у афиналикни одоб месъёри талаб этганча муддат ушлаб турса-да, унинг ўзини тутишида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

«Аммо эртага, – ўйлади у, хафсаласи пир бўлганини билдирмасликка тиришиб, – Главк балога гирифтор бўлади».

Дарҳақиқат – Главк балога гирифтор бўлди!



## IV боб

### ИСИТМА-СОВУТМА ДАМЛАМАСИ. УНИНГ ТАЪСИРИ

Уйга келиб, Главк боғда Нидия юрганини кўрди. Кўр қиз унинг эрта қайтишига умид қилиб келганди. Кўркув, ташвиш ва интизорликдан эзилиб, у имкон бўлди дегунча иситма-совутма дамламани унга ичиришга аҳд қилди, шу билан бирга бундай ҳол рўй бермаслигига умид қилаётганди.

Аъзойи баданини ўт олиб, юраги дук-дук урганча, у кеч тушгунча Главкинг йўлини пойлади. Главк дастлабки юлдузлар ёна бошлаб, осмон шафак либосига бурканганда устунлар олдидан ўтиб келди.

- Мени кутаяпсанми, чироғим?
- Йўқ, гулларга сув бериб бўлиб, дам олиб ўтиргандим.
- Бугун кун иссиқ бўлди, – деди Главк, устунлар олдидаги скамейкага ўтираркан.
- Жуда.
- Давни чақир. Мен шаробни кўп ичиб юбордим, қизиб кетаяпман, бирон муздек нарса олиб келсин.
- Нидияга қидирган имконияти оёғи остидан чиққандек бўлди: йигитнинг ўзи, ўз ихтиёри билан унга кўйглидаги ниятни амалга оширишга имкон бермоқда.
- Мен ўзим сенга Иона севадиган ёзги ичимлик қилиб бераман, – деди у. – Кор билан совутилган енгил шаробли бол.
- Раҳмат! – деди йигит. – Бапартики, Иона уни севар экан, шунинг ўзи етарли; ҳатто заҳар ҳам мен учун табаррук бўлур.

Нидия бир хўмрайиб, яна жилмайди. У кетди ва кўп ўтмай ичимликни келтирди. Главк ундан косани олди. Бир соаттагина кўзининг очилиши ва умидлари не тариқа рўёбга чиқаётганини кўриш, тасаввуридаги муҳаббатнинг илк жилваларини илғаш баҳти

учун Нидия неларни нисор этмокқа тайёр эмасди? Бу муҳаббат, форсларда бўлганидек, қуёш чиқишига сифинишдан ҳам кўра тантанаворроқдир. Кизгинанинг ишонувчан кўнглини бу қуёш унинг мунгли туни орасидан чараклатиб юбориши мумкин эди! Ушбу лаҳзада кўр қизнинг фикр ва туйгулари мутакаббир сохибжамолшинг фикр ва туйгуларидан осмон билан ерча фарқ қиласди! Юлиянинг ич-етини нечоғли арзимас ва куруқ эҳтирослар кемирмоқда! У бор овози билап севги деб аталган ўша туйғу қанақанги тубан алангадан, қанақанги майда қасоскорликдан, қанақанги манфур тантанаға чанқоқликдан иборат экан-а?! Бироқ фессалиялик қизнинг ёввойи қалбida фақат соф, ҳамма нарсада ғолиб, ўзгармас иштиёқ – зиддиятли, аёлларга хос бўлмаган телба ва барibir тубан майл-истаклар аралашмаган меҳр-иштиёққина бор эди. Севги унинг учун ҳаётдан азизроқ эди – севиб, севилиш имкониятини у бой бера олармиди!

Киз деворга суюнди ва ҳалигина қон томиб турган юзи энди қордай оқариб кетди; кўлларини жон-жаҳди билан қисган, лабларини хиёл очган, кўзларини ерга тиккан кўйи у Главкнинг оғзидан не сўз чиқаркин, дея кутар эди.

Главк косани оғзига олиб борди ва чоракчасини ичиб ҳам бўлган эдики, бирдан кўзи Нидияга тушди ва ундаги ўзгаришни кўриб, ҳайратдан қотиб қолди, қизнинг чехрасида укубатли, аммо унга нотаниш бўлган бир ифода акс этиб турарди. У ичишдан тўхтади-ю, аммо косани ҳамон оғзи олдида тутиб, сўради:

– Нидия, Нидия, сенга нима бўлди? Бетобмисан? Эҳ, сен айтмасанг ҳам юзинг ўзи шундоқ айтиб турибди-ку. Каеринг оғрияпти, қароғим?

У косани кўйиб, ўрнидан турди ва қизга яқинроқ борди, бироқ бирдан юраги қаттиқ санҷди, боши айланниб, кўзи тинди. Оёғи остидаги ср сирғалиб кетди-да, бамисоли ҳавода муаллақ осилиб қолди, кучли самовий севинч юрагини тўлдирди, ерда юрай деса, пардай ен-

гиллашиб, учиши истар эди, ҳатто унда қанотлар ўсиб чиққандай ҳис этди. Беихтиёр равишда у ёввойиларча қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. У чапак чалди, сакради – у гўё жазавага тушган шифияга ўхшарди, кейин эса ундаги ҳаяжон қандай пайдо бўлса, ўшандай тўсатдан гойиб бўлди, аммо беиз йўқолмади. Главк энди томирларида қон кўпириб қайнаётганини ҳис этди; у тошиб бораётганга, ўйноклаётганга, дарёдай тўлқин ураётганга, соҳиллардан ошиб-тошиб, баҳри муҳитта шошилаётганга ўхшарди. Унинг қулоқлари қаттиқ шанғиллади, қон миясига қуилиб келаётгандай, унинг разабнок тазиикiga бардош бера олмаётгандай ҳис этди, кейин эса унинг кўзларини зулмат қоплади ва шу зулмат орасидан у ярқироқ деворларни кўрди, уларга чизилган одам сувратлари худди арвоҳлардай ҳаракат қиласар, сирпанар эди. Аммо янада ҳайратланарлиси ўнда эдики, у ўзини бемордек ҳис этмаётган, унинг устидан босиб тушган жиннилик юки тагида қолиб кетмаётган эди. Унинг ҳислари янгилангандек бўлди, улар тетикланиб тозаланди, гўё вужудига янги ёшлиқ қуилиб киргандек бўлди. У ўзининг телбалик чоҳига қулагаш тушаётганига заррача шубҳа қилмаётганди!

Нидия унинг саволига жавоб бермади, йигитнинг ваҳшиёна ва даҳшатли қаҳқаҳаси уни эҳтиросли интизорликдан уйғотганда, қизнинг нафаси ичига тушиб, тили қалимага келмай қолганди. У йигитнинг шиддатли ҳаракатларини, чайқала-чайқала қадам босишлирини кўролмас, аммо у Главкнинг узуқ-юлук, пойинтар-сойинтар, телбанамо сўзларини эшишиб турарди. Даҳшат ичиди у ўзини йигитга отди, қўлларини ҳавода ўйнатиб, унинг тиззаларига тегиб кетди, кейин эса ерга йиқилиб, тиззаларни қучоқлаб олди, ҳаяжон ва қўрқувдан йиғлаб юборди.

– Оҳ, бир нима десанг-чи менга! Айт! Мени ёмон кўриб қолмадингми? Гапирсанг-чи.

– Табаррук маъбуда ҳаққи. Қибрис ери нақадар гўзал! О! Томирларим қон ўрнига шароб билан тўлаётир!

Кон қандай вақирлаб қайнаётганини күрсатип учун энди улар томирларни ҳов анови фавнларга ёриб берипшиди. Бери кел, кекса, қувноқ жин! Сен такага миниб олибсанми? Унинг юнги узун, инакдай майинлигини қара! У барча парфия отлари баҳосича туради. Аммо мен сенга айтсам, сенинг шаробинг биз бандалар учун ғоят ўткирлик қиласи. Эх, қандай маза! Шохлар қилт этмайди. Ўрмоннинг ям-яшил тўлқинларини Зефир асир олиб, устидан кўмиб юбормиш! Фивир этган шабада йўқ, япроқлар қилт этмайди, мен эса туш кўраяпман, мен ухляяпман, қанотларимни наридан-бери йигиб олганман; пастга қарайпман-да, тинч тушки қуёшда мовий оқим учқунлаётганини кўраяпман. Фаввора, фаввора отилаяпти! Эх, нур булоғи, гарчи кумушранг қўлларинг билан унга интилсанг-да, Юнонистон қуёшини тўсиб қололмайсан. Буталар орасига яшириниб олган одам ким? Ойдин ёғудусидай у сирғалиб кетаяпти... Унинг бошида эман япроқларида қилинган чамбар бор, қўлида тўнкарилган гулдои, ундан майда қирмизи чиганоқлар тўкилаётир ва чараклаб, сув қуйилаётир. Ох, мана бу чехрага бир бок! Бандасининг кўзи ҳали бунақасини кўрмаган. Қара! Биз ёлғизмиз. Улкан ўрмонда факат мен ва у. Унинг лабларида табассум йўқ – у жиддий ва ғамгин яқинлашиб келмоқда. Ҳа! Югур, бу нимфа! Бу ёввойи орзодалардан бири! Унга кўзи тушган одам ақлдан озади! Чоп! Вой-дод, у ҳозир менга қарайди!

– Главк! Ҳой Главк! Сен мени танияпсанми? Бас қил бунақа қичқиришни, бўлмаса сўзларингни эшитиб, ўлиб қоламан!

Шўрлик афиналикининг алангали ва маъюс миясида янги ўзгаришлар содир бўлди. У қўлларини Нидиянинг майин соchlарига қўйди; силади, унга қайгули тикилди, кейин эса чил-чил бўлғап фикр занжирида бир қанча ҳалкалар бутун қолгани боис қизнинг юзи унга Ионани эслатди ва бундан ундаги жунун яна-да даҳшатлироқ тус олди, бу жунунга яна эҳтирос ҳам қўшилди ва у қичқириб деди:

— Венера, Диана, Юнона ҳаққи, гарчи ҳозир юртдошим Геракл каби (ҳа, нодон Рим, барча буюклар Юноистондан чиқсан, агар биз бўлмаганимизда, сенда «худо» бўлмас эди!) бутуи Ер куррасини елкамда кўтарсам-да, мен уни Ионанинг биргина табассуми учун йўқликка улоқтиргум. О гўзалим, севгилим, — деди у оҳиста ва шикоятомуз, — сен мени севасан! Сен менга тошбагирлик қиласан! Мисрлик менга тухмат қилди ва мен деразанг тагида қанақанги даҳшатли соатларни кечирганимни билмайсан, менинг қуёпим қачон чиқаркин, дея тонггача юриб чиққанимни билмайсан, ҳа, сен мени севмайсан, сен мени ташлаб кетдинг! Ҳеч бўлмаса энди ташлаб кетмасанг-чи! Билиб турибман, умрим поёнига стай деб қолган. Ажалим етмасидан олдин сен билан завқ сурмогимга изн бер. Мен оталарингни нурли ериданман, Фила тепаликларида беармон кезганман, Илисс соҳилидаги зайдунзорларда атиргул ва гиацинтлардан даста-даста терганман. Сен мени ташлаб кетолмайсан, чунки бизнинг оталаримиз оға-ини бўлишган. Айтишларича, ўлим ўлкаси гўзал, бегалва әмиш, аммо мен сени ўзим билан олиб кетаман... О! Кора кўланка, нима учун мен ва севгилим ўртамиизда туриб олдинг? Манглайнингда ажал муҳри бор, лабларингда жон олгувчи табассум ўйнайди. Сенинг исминг Орк, аммо ер юзида сени Арбак деб аташади. Кўрдингми, мен сени биламан! Йўқол, кора кўланка, сенинг афсунларинг ожиз!

— Главк! Главк! — шивирлади Нидия, қўлларини ёйиб ва камдан, аламдан, қайғудан ерга йиқилиб.

— Ким чақирди мени? — сўради йигит баланд овозда. — Иона! Бу ўша! Уни ўвирлаб кетишиди, уни қутқариш керак. Каерда менинг пўлат қаламим? Ҳа, мана у! Мен ёрдамга шошаяпман, Иона! Ҳозир, ҳозир!

Шу сўзларни айтиб, афишлик бир сакраб пешайвондан ошиб ўтди, уйдан ўқдай учиб чиқиб, алпон-таллон қадам ташлаган ва баланд овозда ўзича нималарни дир ғудранган кўйи юлдузлар ёриштирган кўчалардан

чопиб кетди. Даҳшатли дамлама унинг қонини қайнатмоқда эди – аввал ичилган шаробдан унинг таъсири, афтидан, бадтар кучайганди. Тунги саёқларга ўрганиб қолган шаҳарликлар қулиб, бир-бирига кўз қисиб кўйиб унга йўл берар эдилар; улар, ўз-ўзидан равшанки, уни Вакҳ мажнуни деб ўйлар ва шунинг учун ҳам уни Помпеяда ҳамма ҳурмат қиласи дер эдилар; аммо унинг чехрасига зеҳи солиб қараганлар англаб бўлмас даҳшатдан сесканиб тушар, лабларидағи табасум бирданига ўчар эди. Бехуш бир ҳолда Ионанинг уйи томон кетиб борар экан, у гавжум кўчалардан чопиб ўтди, деярли хувиллаб ётган маҳаллани ортда қолдирди-да, Кибеланинг кимсасиз дараҳтзори ичида пайдо бўлди – Апекид бир кун олдин Олинф билан худди шу ерда гаплашган эди.

## V боб

### **БИР-БИРИГА ТЕРС ОҚҚАН ДАРЁЛАР ҚЎШИЛИБ, БИТТА БЎЛИБ КЕТАДИ**

Юлия унинг манфур рақибиға дамламани бердими ё йўқми ва бундан нима чиқди – шуни билишга сабри чидамай Арбак унинг олдига кечқурун боришга ва кўнглини таскин топдиришга аҳд қилди. Олдин айтиб ўтганимиздек, ўша пайтдаги эркаклар кўпинча ёнларида қофоз найчалар ва қаламтарош олиб юрадилар, уйга келгандарида эса уларни камар билан бирга ечиб қўяр эдилар. Аслида ёзув қуроллари кўриниши остида римликлар ўзлари билан ўткир ва даҳшатли қуролни олиб юрар эдилар. Шундай қаламтарош билан Кассий Сенатда Цезарни ўлдирган эди. Камарини тақиб ва ридосини кийиб, Арбак узун таёққа таянганича уйдан чиқди, чунки у хали ҳам оёқда базур туарар эди, ҳолбуки умид ва қасд олишга ташналиқ ундаги хос табиблик санъати билан биргаликда ўзининг табиий кучларини тиклашда унга ёрдам берганди ва у Диомеднинг данғиллама ҳовлиси томон йўл олди.




Италияning ойдин кечалари нақадар гўзал! Бу ерда куннинг тунга айланиши жуда осон, оқшомни эса пайқамай ҳам қоласан. Бирпасгина осмонни чўғдай шафақ ялаб ўтади, денгиз узра қизғиши мавжлар сирпанди, соя ва нурлар олишуви бошланади, қарабсизки, ой чиқади ва ер узра тун ҳукмронлик қиласди.

Ёркин, аммо майин ой шури Киблага бағишлиган қадимий дарахтзорни ёритиб туради. Бу ерда азал-азалдан ўсиб ётган баҳайбат дарахтлар ерга узун-узун соялар ташлаган, уларнинг шохлари орасидан сокин кўк гумбазида қалин сочилган юлдузлар кўринар эди. Қоп-қоронги дарахтзор орасидаги мўъжазгина ибодатхона қандайдир вахимали тантанаворликка тўла эди, у бу жойнинг муқаддаслигини эслатиб туради.

Дарахтлар панасида турган Кален ўрмонзордан тез юриб ўтди-да, ибодатхонага етиб борди ва унинг орқасидаги қалин шохларни аста икки томонга суриб, яхшилаб яшириниб олди, олдинда – ибодатхона, орқада – дарахтлар, биронта ҳам ўтган-кетганинг кўзи тушиши амримаҳол. Яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди; фақат узоқлардан зиёфатдагиларнинг қаҳқаҳалари ёки мусиқа қулоқقا чалинарди, худди ҳозиргидек, италияликлар ёз тунларида узоқ сайр қиласди, жазирама кундан кейин кечки салқин ва ойдиндан ҳузурланар эдилар.

Дарахтзор ястанган тепаликдан, дарахтлар орасидан узоқларгача сатҳини мавжлар қоплаган қирмизи рангга бўялгансимон улкан денгиз, Стабийнинг оқ уйчалари ва рангин жануб осмонида хира акс этиб турган Лактариya тизмаси кўзга ташланарди. Бир вақт дарахтзорнинг тўрида Диомеднинг уйи томон шошаётган Арбак пайдо бўлди, ўша аснода йўлда Олинф билан учрашувга кетаётган Апекид унга дуч келди.

– Э, сенмидинг, Апекид? – деди Арбак, дарров таниб. – Охирги марта биз душманлар бўлиб ажрашган эдик. Ўшандан бери сен билан бир кўришмоқчи бўлиб юргандим, чунки ҳалигача мен сени ўзимнинг шогирдим ва дўстим деб биламан.



Мисрликнинг овозини эшитиб, Апекид чўчиб тушди, таққа тўхтади ва Арбакка қаради; алданган ишонч туйғуси ўрнида нафрат туғён урди.

— Алаҳ, ёлғончи! — деди у нихоят. — Демак, ўлим чангалидан кутулиб чиқибсан-да! Аммо мени ўзингнинг жирканч тўрингга илинтираман деб овора бўлма. Ретиарий, менда сенга қарши қурол бор!

— Секин! — деди Арбак шивирлаб ва титроқ лабларию қорача юзида пайдо бўлган қизилликкина коҳиннинг сўзлари фиръавилярнинг нозли бу манман зурриёти иззат-нафсига қаттиқ текканидан дарак бериб турарди. — Секин дедим сенга! Овозимизни эшитиб қолишлари мумкин, борди-ю, мендан бошқа кимдир сўзларингни эшитиб турган бўлса...

— Мени қўрқитмоқчи бўляйсанми? Хўш, сўзларингни бутун шахар эшитганда-чи?

— Унда аждодларим руҳлари сени аяб ўтирумайдилар. Мен рашидан жинни бўлаёзганман ва бунинг учун қаттиқ тўлов тўладим. Мени кечир! Ҳеч қачон ҳеч бир бандадан кечирим сўрамаган мен ўз гуруримдан воз кечаман. Шугина эмас: сени хафа қилган гуноҳимни ювиш учун, синглингта ўйланишга тайёрман. Ўйлагин-а, бу енгилтак юони менинг олдимда ким бўлибди? Битмас-туганмас давлатим бор, аждодларим шу қадар қадимийки, улар олдида сизларнинг барча юононча ва римча исмларингиз кечагига ўхшаб қолади, билимим эса — бу ёси энди ўзингга маълум. Менга синглингни бер, бир дақиқалик хатойимни ўзимнинг бутун умрим бўйи юваб ўтаман.

— Мисрлик, мен рози бўлганим билан барибир синглим сени яхши кўриб қолмайди. Албатта, мен ўзи гуноҳкорман, мени алдов қуроли қилганинг учун сени кечиравман, аммо сендай бир муртад каззобнинг мени ифлос ишларингга атайлаб шерик қилганинг учун минбайд кечирмагайман. Типирчила! Сен ва сенинг сохта санамларинг фош бўладиган соат яқин. Қабих ҳаётинг ёруққа олиб чиқилади, шунда ясама кароматларингдан

ҳамма хабар топажак. Исида әхромидан ҳазар қилажак. Арбак исмини нафрат билан тилга олажак. Типирчила!

Мисрликнинг юзидағи қизиллик ўлиқдек оппоқ тусга алмашди. У ёқ-бу ёққа кўз солиб, яқин атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди, сўнг Апекидга тимқора кўзларини шунақсанги ғазаб ва дўқ билан қададики, худога хизмат қилиш истагида ёнмаган одам бу қўркинчли башарадан даҳшатга тушган бўларди. Аммо ёш дин вакили шинагини бузмади ва у ҳам мағруона ўқрайиб қараб тураверди.

— Апекид, — деди мисрлик титроқ ва синик овозда, — кўзишигни оч! Нималарни ўйлаб юрибсан? Ногаҳоний ғазаб таъсиридан, ўйламасдан гапирайсанми ё кўнглингда тайёр режа борми? Ўйлаб кўр, жавоб беришга шошилма.

— Мен энди ҳақиқий худо илҳоми билан гапираётирман, — дангал жавоб берди насроний, — ва биламан, унинг иродаси ила бандалик жасорати сенинг хоинлинг ва шайтоний ибодатинг кунларини ҳисоб-китоб қилиб қўйган! Куёш бир бора чиқишга улгурмаёқ ўзинг ҳаммасини билиб оласан. Типирчила, ёвуз жодугар, энди эса, хайр.

Арбакка аждодларидан мерос қолган, аммо одатда хиёнаткорона хушмуомалалик билан файласуфона вазминлик остида яширингандай бўлган барча шиддаткор ва қора эҳтирослар ташқарига отилиб чиқди. Фикрлар миясида чарх ура бошлади; унинг рўпарасида Главкнинг иттифоқдоши, ҳатто унинг Иона билан қонуний никоҳи учун ўтиб бўлмас ғов ўринатган, гарчи ишонимаса-да, у хизмат қилган қадамжони булғайман деб дўқ урган, барча режаларини чиппакка чиқарган, унинг номига иснод келтирган, алдовлари ва иллатларининг қайсар ва қўлга тушмас фош этувчиси турарди. Унинг севгиси, шон-шуҳрати, боз устига — ҳаётининг ўзи хатар остида қолганди; афтидан, унга қарши тўқилган фитнадан қайбиринингдир амалга ошадиган кун ва соати тайин этилган ҳам эди. Апекид насронийликка кирганини энди



у билиб олди! Бу диннинг янги маслакдошларига эга бўлган бетийик рух унга маълум бўлганди. Мана унинг дунимани қанақа экан! Мисрлик напитарига ёпишиди.

Апекид унинг олдида ҳимоясиз эди. Улар ибодатхона ёнида турар эдилар. Арбак яна у ёқ-бу ёкка на-зар солди: атрофда жон асари сезилмасди, сукунат ва кимсасизлик уни ҳаракат қилишга ундарди.

— Хе, ўл, тентак! — фудранди у. — Коч йўлимдан!


Апекид кетмоқ учун ўгирилган ҳам эдики, Арбак наштарини кўтарди ва қўлини унинг чаш елкаси устидан узатиб, ўткир қуролни Апекиднинг кўкрагига икки бор санчди.

Юрагидан яралангап Апекид индамай, ох ҳам тортмай муқаддас ибодатхона ёнига йиқилди.

Бир лаҳза Арбак унга қабиҳларча севинч билан қаради. Аммо шу ондаёқ бошига қандай хатар со-тиб олганини чукур англади. У қуролини майсага ва қурбонининг кийимиға обдан артди, сўнг ридосига маҳкам ўраниб олди-да, энди кетмоқчи бўлган ҳам эдики, кўзи ғалати чайқалганча йўлдан кетиб бораётган бир одамга тушди. Ойнинг майин ёғдуси унинг мармардай оппоқ юзини ёритди. Мисрлик Главкни таниди. Бахти қаро телба юонон мадҳиялар ва муқаддас қасидалар парчаларидан иборат қандайдир узук-юлуқ ва ёвойи қўшиқни хиргойи қиласиди.

«Э-ҳа! — ўйлади мисрлик, гап нимадалигини дарҳол англаб. — Демак, жаҳаннам дамламаси таъсир қилибди ва ҳар иккала ғанимимни баравар гумдон қилмоғим учун тақдир сени бу ёкка юборибди!»

Бу фикр унинг миясида пайдо бўлиб улгурмасидан у жудаям тез ибодатхона ортига яширинди ва унинг ичидан қараб турган шер янглиғ у ўзининг иккинчи қурбонини қузата бошлади. У афиналикнинг жозибадор, бежо ва бесаранжом чақнаётган кўзларини, худди Лаокоон ҳайкалидагидек қаттиқ бужмайган, оппоқ юзини ва қонсиз лабларини кўрди. Қанчалик маҳзун туйгуларга кўмилган бўлмасин, бироқ у кўкрагидан



майсага қип-қизил қон аста оқиб тушаётган Апекиднинг жасадига яқин келганды, бу мудхиш маңзара уни тўхташга мажбур этиши турган гап эди. У бироз тўхтаб турди, фикрини бир жойга йигмоқчидай, қўлини манглайига олиб борди ва деди:

– Бу қанақаси? Одам деган ҳам шунаقا қаттиқ ухлайдими, Эидимион? Ой қулогингта нималарни пивирлади? Сенга ҳасади келаяпти, энди уйғон.

Шундай дея, жасадни кўтармоқчи бўлиб эгилди.

Ўз заифлигини унутиб, мисрлик яшириниб турган жойидан сакраб чиқди, кучли зарб билан Главкнинг оёғига шундай урдики, у насронийнинг устига қулаб тушди, мисрлик овози борича қичқиришга тушди.

– Ҳой одамлар! Ёрдам беринглар! Бу ёққа, бу ёққа! Қотиллик, муқаддас ибодатхона олдида қотиллик! Ёрдам беринг, қотилни ушланг!

Шундай дея, у Главкнинг кўкрагидан босди. Аммо у бундай қилмаса ҳам бўлаверарди: дамлама таъсири остида йиқилиб, гангиганидан юонон қимирламай ётар ва ахён-ахёндагина бир нарсалар деб алаҳсиради.

Арбак ёрдамга чақириб ҳамон қичқиради ва эҳтимолки, қандайдир тазарру, қандайдир виждон азоби унинг кўнглида пинҳоний эди, – зеро, ўз жиноятларига қарамасдан у ҳали барча инсоний туйғуларини йўқотиб улгурмаганди; Главкнинг чорасизлиги, унинг бетайин ғулдурашлари, унинг шикаста зеҳни мисрликка Апекиднинг ўлимидан ҳам кўпроқ таъсир қилди ва у овозини хиёл чиқариб деди:

– Шўрлик вужуд! Шўрлик фаросат! Бу йигитчанинг қалби ҳозир қаерда бўлса? Мен сенга раҳм қилган бўлар эдим, рақибим, собиқ рақибим, аммо менинг тақдирим очилмоғи учун, ўзимни кутқариш учун сени курбон қилмоғим керак.

Виждон овозини бўғиш учун у янада қаттироқ қичқира бошлиди, Главкнинг камаридан ханжарни олди-да, уни ўлганинг қонига бўяди ва ерга ташлади.

Шунда ҳансираб-ҳаллослаганча бир нечта одам чопиб келди ва уларни қуршаб олди. Баъзилари машъял

кўтариб олган эди, аслида бундай ойдин кечада машъаланинг зарурати ҳам йўқ эди; дарахтларнинг қоп-қора кўланкасида машъаллар қондай қизил аланга бериб ёнарди!

— Мурдани кўтаришлар, — деди мисрлик, — қотилга, айниқса қаттиқроқ кўз-қулоқ бўлинглар.

Одамлар жасадни кўтаришди ва унинг ўзлари жонларидан яхши кўрадиган Исиданинг коҳини эканини таниб, юракларида аллақандай тақво ва табаррук ғазаб жўш уриб кетди. Бироқ қотил — йигитларнинг гули ва барчага суюмли афиналик эканини кўрганларида улар, турган гапки, янада кўпроқ таажжубга тушишди.

— Главк! — бир овоздан қичқиришди улар. — Бу қандай қилиқ?

— Бу ишини мисрликнинг ўзи қилганига гумоним бор, — деб шивирлади кимдир ёнидагига.

Шу топ кўпайиб бораётган халойик орасидан бир центурион ҳокимона ситилиб чиқиб келди.

— Хўш! Кон тўкилган! Қотил ким?

Томонабинлар Главкни кўрсатишиди.

— Уми? Марс ҳаққи, у кўпроқ жабрдийдага ўхшайди. Унинг айловчиси ким?

— Мен, — деди Арбак гердайиб олдинга чиқаркан; унинг кийимларидағи қимматбаҳо безаклар центурионнинг кўз олдида чақнаб, бу серфазилат жангчини гувоҳнинг бақувватлигига дарровгина ишонтириб қўя қолди.

— Мени кечир... Испинг нима? — сўради у.

— Арбак. Мени Помпеяда яхши билишади. Дарахтзордан ўтиб кетаётган эдим, кўзим мана шу юнон билан коҳинга тушди — улар нима ҳақдадир гаплашибар эди. Юноннинг кескин-кескин ҳаракатлари, унинг ғалати кўл силташлари ва баланд овозидан ҳайратга тушдим. У менга ё маст, ё жинни бўлиб кўринди. Бирдан у ханжар кўтарди. Мен унга ташландим, аммо зарбани тўхтатиб қололмадим. У рақибиға икки марта ханжар сукди, кейин унинг устига эгилди, шунда азбаройи ғазаб ва нафратдан мен унинг оёкларига қараб

тепдим. У қаршилик кўрсатмади, бундан у жиноят содир этаётганида ақли жойидамаслигига кўпроқ амин бўлдим, чунки мен яқинда касалликдан тузалиб чиқсан эдим ва зарбам кучли әмасди, Главк эса, кўриб турганингдек, навқирон ва бақувват.

— У кўзини очди, лаблари қимирляяти, — деди центурион. — Гапир, маҳбус, айбловга нима деб жавоб берасан?

— Айблов? Вах-ҳа-ҳа! Чакки әмас: жодугар кампир менга илонни қўйиб юборгандা ва ўттиз икки тишини кўрсатиб Геката ёнимда тиржайиб турганида, нима қилишим керак эди? Лекин мен касалман, зўрга турибман, мени илон чақсан. Мени олиб бориб тўшакка ётқизинглар-да, табибга одам жўнатинглар. Қария Аскленийнинг ўзи келади олдимга, агар юнон эканимни айтсангиз. Ох, раҳм қилинглар, раҳм қилинглар, ёнашман! Миям ёнмоқда!.. — шундай дея юракни ларзага солувчи ох тортиб, афиналик яна йиқилди.

— Алаҳсираяти, — деди центурион ачиниб. — У ақлидан жудо бўлган ва телбаликда коҳинни ўлдирган. Уни бугун битта-яримта одам кўрганмиди?

— Мен уни эрталаб кўрган эдим, — деди халойик ичидан бир киши. — Дўконим ёнидан ўтиб кетаётувди, мен билан саломлашди. Унда сопча-соғ кўринаётувди, ақлу ҳуши ҳам худди сизу биздай эди.

— Мен уни ярим соатча олдин кўргандим, — деди бошқа бирор. — Кўчадан алланималарни вайсаб, қўлларини силтаб-силтаб кетиб бораради, худди мисрлик айтгандай.

— Кўрсатмалар тасдиқланмоқда. Афтидан, бу ҳакиқат. Нима бўлганда ҳам айбдорни преторга олиб бориш керак. Ҳай аттанг, шундок ёш ва бадавлат йигит-а! Аммо жиноят даҳшатли: Исида коҳинини ўлдириш, тагин муборак либосда, энг қадимги ибодатхоналаримизнинг ёнгинасида!

Бу сўзлардан оломон содир бўлган жиноятнинг маъненини яна ҳам чуқурроқ англади. Куфр ва қўрқувдан ҳамманинг юраги увушиб кетди.



– Мана шунақа бетавфиксарнинг гунохини кўтаромай ер силкиниб кетса, не ажаб! – деди кимдир.

– Қамоққа ташлап керак, қамоққа! – кичқиради оломон.

Кимнингдир қулоқни тешиб юборгудек қувнок чи-йиллаши бошқа овозларни босиб кетди:

– Йиртқичларга энди глadiатор керак эмас! – Ҳе-ҳе-ҳе! Зўр томоша кўрадиган бўлдик!

Бу яқинда глadiатор Медон билан гаплашган ёш жувоннинг овози эди.

– Тўғри, тўғри, ахир эрта-индин ўйинлар бўладику! – кичқириб деди яна бир неча одам ва шу гапдан кейин айборрга ҳеч кимнинг ичи ачимай қўйди.

– Дуркун ва келишган йигит – саҳна учун бундан болгасини тоғиб бўларканми?

– Ўликка тахталарми ё биронта замбилми топинглар, – деди Арбак. – Исида қурбонини ибодатхонага худди ўлик глadiатордек беноналар қўлида олиб бориб бўлмайди.

Апскиднинг жасадини юзини тепага қилиб, ерга авайлаб қўйишди-да, бир печта одам мурдани қўл текизмай олиб бориши учун тахта қидириб кетди.

Бир вақт оломон чайқалиб кетди ва мисрликнинг рўпарасида Олинф пайдо бўлди. Аввалига у чукур қайру ва даҳшат билан мурданинг қонли кўкраги ва ажал азоби қотиб қолган юзига кўз ташлади.

– Эй марҳум! – деди у. – Худога муҳаббат сени бу ерга етаклаб келмин. Улар сенинг муборак мақсадингдан воқиф бўлишган-да, сенинг ўлицинг билап ўз шармандаликларини яширганлар.

Кейин у кескин ўгирилди ва кўзларини гердайиб турган мисрликка қадади.

У хиёл титраб кетди, чехрасида бу қўрқинчили одамхўрга нисбатан нафрат ва ғазаб алгангаланди. Насропий Арбакка гулга тикилган қушдай тек ва узоқ қараб турди. Аммо кейин беихтиёр тарзда найдо бўлган ваҳимани епгиб, Олинф ўнг қўлини кўтарди ва баланд овозда деди:



— Апекид ўлдирилди! Котил қани? Чик, мисрлик! Тирик худо номи билан айтаман: «Ўша одам сенсан»

Арбакнинг қорача юзида элас-элас ташвиш кўринди, бу баходирона ва кескин сўзлардан бир зум қотган томошибинлар ҳамманинг дикқат марказида бўлган мана бу иккала одам томон яқинлашиб кела бошлагач, ташвиш ўрнини нафрат ва ғазаб әгаллади.

— Мени ким айблаётганини биламан, — мағур деди Арбак. — Унинг нима учун тухмат қилаётганини алглаш қийин эмас. Помпея фуқаролари, билиб қўйинг, бу одам — энг ифлос назориячи ёки насронийдир, билмадим уни нима деб аташади! У ғазаб ичидаги мисрликни Миср маъбудаси коҳинини ўлдирганликда айблашаётганидан таажжубланмаса бўлади.

— Уни биламиз! Биламиз ўша итни! — қичқиради оломон. — Бу Олинф, насроний ёки тўғрироғи даҳрий! У худоларга мункир!

— Жим бўлинг, оғайнилар, — деди Олинф гуур билан. — Марҳум коҳин ўлими олдидан насронийликни қабул қилди, у менга мисрликнинг қора қилмишларини ва Исида маъбудларининг сохталигини очиб берди. У бу ҳақда ҳаммага сўзлаб беришга тайёрланиб юрганди. У бир мусофир йигитча эди, у ҳеч кимга ёмонлик қилмаганди, унинг ҳеч қанақа душманлари йўқ эди. Унинг гувоҳлигидан қўрқсан одамдан бошқа ким унинг қонини тўка оларди? Бу мисрлик Арбак эди!..

Центурион яна олдинга чиқди.

— Аввал айт-чи, Олинф, ёки отинг нимайди ўзи, мана бу асоссиз гумонларингдан бошқа Арбакнинг айбдорлигини исботловчи биронта далилинг борми?

Олинф сукутда эди, мисрлик эса тиржайиб кулди:

— Исида ўлдирилган коҳини назориячи мазхабига қарашли одам, яъни насроний дедингми?

— Ҳа.

— Унда ўлдирилган сенинг дининига кирганига мана бу ибодатхона, Кибеланинг мана бу ҳайкали, Помпеядаги мана бу энг қадимги эҳром номини шафе қелтириб қасам ич-чи!

— Шўрлик банда! Мен сизларнинг бутларингизга ишонмайман! Эхромларингиздан нафрат қиласман! Кибела номини қандай шафе келтириб қасам ичай?

— Даҳрийга ўлим! Муқаддас дараҳтзор ичида туриб, бу муртадларга эрк бериб қўйсак, ер ёрилади-да, ҳаммамизни ер ютади! Ўлим унга!

— Уни тилка-пора қилдириш учун йиртқичларга ташлаш керак! — қўшимча қилди оломон ичидан бир хотин овози. — Бирини — арслонга, бирини — йўлбарсга ташлаш керак!

— Ҳой, насоро, модомики, Кибелага ишонмас экансан, худоларимиздан қайси бирини тан оласан? — сўради центурион, қичқирикларга эътибор қилмай.

— Ҳеч бирини.

— Эшитдиларингми у нима деганини! — қичқириб юборди оломон.

— Ҳой бечора сўқирлар! — давом этди насроний, овозили кўтариб. — Ёғоч ва тошдан ясалган бутларга ҳам ишониб бўларканми? Наҳотки уларни кўра олади, эшита олади ёки сизларга ёрдам бера олади деб билсангиз? — Ахир бу тилсиз санам, одам кўллари билан йўнилган бут — маъбуда бўлдими? Шунака, ундан кўра унинг ҳеч нима эмаслигини ва ўзингизнинг телбалигинизни тан олсангиз-чи!

У ибодатхона томонга отилди ва ниятини биронта одам англаб етгунча бўлмай, супа устидаги ёғоч ҳайкални олиб ташлади.

— Қаранглар! — қичқирди у. — Маъбудангиз ҳатто ўзи учун қасд ололмаяпти-ку. Тағин шунга сифинасизларми?

Ортиқ унинг бир оғиз сўз айтишига йўл қўйишмади — бу қадар муқаддас жойда содир этилган куфронийлик шунчалик қўпол ва дангал эдики, ҳатто энг бефарқ одамии ҳам ғазабга миндириб юборди. Ҳамма баравар Олинфга тапланди, агар центурион орага тушмаганида, уни тилка-пора қилиб ташлашлари ҳеч тал эмасди.

— Жим! — қичқирди центурион баланд ва амрони оҳангда. — Бу даҳрий қонуний суд олдида жавоб беради.

ди. Бусиз ҳам кўш вақтимиз кетди. Иккала жиноятчани ҳам ҳакамларга элтинглар. Коҳиннинг жасадини эса замбилга солиб, уйига олиб боринглар.

Шу топ Исида коҳини либосидаги бир одам олдинга чиқди.

— Удумга кўра, хокни эхромга берилишини талаб қиласман.

— Коҳин айтгандай қилинглар, — деди центурион. — Қотил қандай?

— Ҳушсиз ёки ухлаяпти.

— Жиноят бу қадар оғир бўлмаганда, уни авф этган бўлардим. Қани, кетдик.

Арбак ўгирилди ва кўзи коҳиннинг кўзи билан тўқнашиди — бу Кален эди; унинг нигоҳида шундай бир маъноли ва ғазабнок ифода бор эдики, мисрлик ўзича фурданиб қўйди: «Наҳотки у кўрган бўлса?!»

Оломон ичидан ёш хотин отилиб чиқди-да, Олинфга тикилиб қаради.

— Юпитер ҳаққи, тошдек бақувватсан! Қараб кўзинг тўймайди одам! Айтиб қўяй, биринг — йўлбарсга ем бўласан, иккинчинг эса — арслонга!

— Оҳ-оҳ! — қичқирди оломон. — Бири — арслонга, бири эса — йўлбарсга см бўлади! Ана буни омад дейдилар! Офарин!

## VI боб

### БУНДА КИТОБХОН ГЛАВКНИНГ КЕЙИНГИ ТАҚДИРИДАН ВОҚИФ БЎЛАДИ. ДЎСТЛИК СИНОВИ. АДОЛАТ ЧЕКИНАДИ, МУҲАББАТ ҲАМ...

Яrim кеча бўлишига қарамай, Помпея кўчалари ва майдонларида одам қайнарди. Аммо бегам саёкларнинг чехралари одатдагидан жиддийроқ эди. Улар катта-катта гурухларга тўплапиб, ўзаро сухбатлашар эдилар, бу сухбатлар бир томондан похуш бўлса-да, иккинчи

томондан ёқимли туюмокда эди, чунки уларда ҳаёт ва мамот масаласи мұхокама қилинарды.

Бир ёш йигит Фортуна әхромининг чиройли пешайвонидан тез юриб ўтди ва уйига, шаҳар ташқарисидаги данғиллама ховлисига йўл олган семиз Диомедни қаттиқ туртиб юборди.

– Ҳой! – шикоятомуз қичқирди савдогар ўзини базўр ўнглаб. – Кўзингта қарасанг-чи! Бу ердагилар одам эмасми? Юпитер ҳаққи, жоним чиқиб кетаёзди; яна бир туртганингда борми, жоним тўғри Аидга равона бўларди.

– Э, Диомед! Сенмисан? Узр, узр. Ҳаётнинг ифлослигини ўйлаб кетаётувдим. Шўрлик дўстимиз Главк... Оҳ! Ким ўйлабди бунақа ишлар бўлишини!

– Менга айт-чи, Клодий, уни ростданам Сенатда суд қилишадими?

– Ҳа. Айтишларича, жиноят шунчалик оғир эканки, ҳукмни Сенатнинг ўзи чиқарар эмиш. Главкни у ерга никторлар қўриқлаб олиб боришармиш.

– Бундан чиқди, оммавий суд бўлар экан-да?

– Албатта. Ҳеч нарсадан хабарсиз, қаерда юрибсан ўзи?

– Жиноятдан кейинги тонгда иш билан Неаполга кетгандим, яқинда қайтиб келдим. Жуда хунук иш бўлибди-да, ахир ўша куни оқшом у меникида бўлган эди.

– Шубҳасиз, у айбдор, – деди Клодий елка қисиб. – Бу жиноят ўта оғир бўлганидан, Сенат ўйинлар бошлигунча ҳукм чиқаришга шошилаяти.

– Ўйинлар бошлигунча! Э худолар! – қичқирди Диомед, титраб. – Наҳотки уни йиртқичларга ташлаб, тилка-пора қилишса? Шундай ёш ва бадавлат йигитни-я!

– Гапинг ҳақ. Аммо у юнон-да. Римлик бўлганида эди, минглаб юмшатувчи баҳоналар топиларди. Бу мусофирининг айримлари бой бўлиб туғиладилар, аммо қийин дақиқаларда шуни унутмаслигимиз керакки,

улар, аслида, қуллардир. Албатта, биз олий синф вакилларимиз, хар доим кўнгилчанлик қиласиз, агар ихтиёр бизда бўлсайди, у албатта осон қутуларди: ахир, мен сенга айтсан, ўлган коҳин ким бўлишти? Исида-нинг ўзи-чи? Аммо халқ бидъатчи, у жиноятчидан кой талаб қиласи. Кўнгчиликлинг фикрига қарши бориш хатарли.

— Апови шаккок-чи, — насронийми, насороми, нима дейишарди уларни?

— Бечора! Борди-ю, у Кибелагами ёки Исидағами, садақа қилса, уни авф этишади, бўлмаса — уни ҳам йўлбарс тилка-пора қиласи. Не бўлганда ҳам мен шундай ўйлайман. Аммо барини суд ҳал қиласи. Ҳозирча кути бўш, юон ҳали ҳам машъум «тэта»дан қутулиб қолиши мумкин. Кел, бу ёмон ишлардан гапирмайлик. Гўзал Юлияниг ахволлари қалай?

— Дуруст.

— Салом деб қўй. Тўхта-тўхта! Престорнинг уйида эшик фийчиллагандек бўлдими? У ердан ким чиқди? Поллукс ҳаққи, бу мисрлик-ку! Дўстимиз преторда унинг нима иши бор экан?

Энисиз кўчадан ўтиб, Арбак Саллюстийниг уйига яқинлашгашда, бирдан қора шарпага қўзи тушди — эшик олдида ридога бурканиб, бир аёл ётарди.

У қилт этмас, арвоҳга ўхшарди, агар Арбакининг ўрнида бошқа хар қандай одам бўлганида, вужудини хурофий қўрқув чулраб, илгари ўзларига қарашли уйларнинг бўсағасига келишини яхши кўрувчи мунгли лемурлардан бирини қўрашман, деб ўйлаган бўларди. Аммо Арбак бунақа бўлмағур нарсаларга ишонадиган одам эмасди.

— Тур! — деди у ётган аёлни оёги билан тутиб. — Ўтгани ҳам қўймайсан одамни.

— А! Ким бу? — деди аёл ва ердан кўтарили; ой нури Нидияниг юзини ва катта-катта очилган, аммо кўрмайдиган кўзларини ёритди. — Кимсан? Овозинг менга таниш.

— Күр қыз! Шундай бемахалда нима қиласан бу ерда? Нуф! Номинг ва ёшингга муносибми бу ишинг? Уйга бор.

— Сени биламан, — деди Нидия аста. — Сен мисрлик Арбаксан. — Кейин ногаҳоний шиҷоатга бўйин-сунгандек, қиз унинг оёқларига йиқилди, унинг тиззалиридан қучоқлаб, жазавали оҳангда деди: — Эй кўркинчли ва кудратли инсон! Уни қутқар, қутқар! Унда айб йўқ — ҳаммасига мен айборман! У шу ерда, мана шу уйда, касал, жонсарак, ҳаммасига мен сабабчиман! Мени унинг олдига қўйишмаянти, мени ҳайдашяни. Уни давола! Ахир сен биронта гиёҳни, бошқа афсунларни қайтарадиган афсунларни биласан-ку, чунки у иситма-совутма дамламасидан аклини йўқотган.

— Секинроқ, бўтам! Мен ҳаммасини биламан. Юлия билан бирга жодугарнинг горига борганимни унутибсан. Унга дамламани Юлия берган, аммо унинг номини ёмонга чиқармаслик учун сен чурқ этмаслигинг керак. Ўзингга таъна қилма — бўладиган парса бўлмай қолмайди. Мен эса жиноятчининг олдига бораман, уни ҳали қутқарса бўлади. Мени қўйиб юбор!

Шу сўзларни айтиб, Арбак уни жон-жаҳди билан ушлаб турган қизнинг қўлларидан юлқиниб чиқди-да, эшикни қаттиқ-қаттиқ қоқди.

Бир неча сония ўтгач, ичкаридан оғир лўқидоннинг сурилгани эшишилди ва эшикни қия очиб, дарбон ким келганини сўради.

— Бу мен, Арбакман. Саллюстийда муҳим ишим бор эди, Главкка тааллуқли. Мен претор олдидан келдим.

Эснаган ва томоқ қирганча дарбон мисрликни ичкарига қўйди. Арбак триклинийга ўтди, у ерда Саллюстий ўзининг озод этилган суюкли қули билан кечлик қилмоқда эди.

— Арбакмисан? Шундай бемахалда-я? Бир коса шароб ич.

— Йўқ, азизим Саллюстий. Мен сени хушчақчақлик қилиш учун эмас, иш билан безовта қилишга журъат

этдим. Тутқунинг қандай? Шаҳарда айтишларича, у ўзига келганмиш.

— Бу ҳақ, — жавоб берди оқкўнгил, аммо бегам Саллюстий, кўзларини артаркан. — Бироқ унинг юраги ва жисми шунчалик дабдала бўлганки, менга ошина бўлган ўша қувноқ майшатпарастни зўрға танидим. Ҳаммадан ажабланарлиси, у тўсатдан телба бўлиб қолиши сабабини сира айтиб беролмаяпти; нималар бўлганини элас-элас эслайди. Сенинг гувоҳлик берганингта қарамай, доно мисрлик, Апекиднинг ўлимида айбдор эмасман деб каттиқ онт ичаяпти.

— Саллюстий, — жиҳдий оҳангда деди Арбак, — дўстиигнинг ишини кўп жиҳатдан инобатга олса бўлади. Борди-ю, айбига икрор бўлишига эришсак, қотиллик содир этишга уни нима мажбур қилганини айтиб берса, Сенатнинг мурувватига умид қилса бўлади. Ахир ўзингдан қолар гап йўқ, Сенат конунларни юмшатиш ёки уларни янада каттикроқ қилиш хуқуқига эга. Мен шаҳардаги ҳокимиятнинг олий вакили хузурида бўлдим ва у менга бугун тунда афиналик билан юзма-юз гаплашибимга рухсат берди. Ўзинг биласан-ку, эртага суд бўлади.

— Начора, — деди Саллюстий, — агар ундан бирор нарса билиб ололсанг, ўз номинг ва шонингга муносаб бўлар эдинг. Уриниб кўр. Бечора Главк! Унинг иштаҳаси канаканги зўр эди, энди эса ҳеч нарса емаянти.

Шундай дея оқкўнгил эникурчи ўз гапидан ўзи каттиқ таъсирланиб кетди. У хўрсииди ва кулларига яна шароб қувишни буюрди.

— Тун ўтаяпти, — деди мисрлик. — Мени асирининг олдига олиб бор.

Саллюстий бош иргади ва уни иккита мудроқ қул кўриқлаб турган ҳужрага бошлиб кетди. Эшик очилди. Арбакнинг илтимоси билан Саллюстий кетди ва у Главк билан танҳо қолди.

Беморнинг энсиз тўшаги ёнида ўша замонларда урф бўлган баланд чиройли шам бир текис ёниб турар-

ди. Унинг нури афиналикнинг опиоқ юзига тушганидан Арбак унинг қаттиқ ўзгариб кетганини кўрди ва унга раҳми келиб кетди. Юзида қизилликдан асар йўқ, кўзлари ич-ичига ботган, лаблари қонсиз ва қийшайиб кетган; ақл ва телбалик, ҳаёт ва ўлим ўргасидаги кураш аёвсиз бўлган эди. Главкнинг ёшлиги ва қучи енгиги чикқанди, аммо қон ва жоннинг ёшлиги, чащмадай қайнаб турган ҳаётнинг ўзи гойиб бўлганди.

Мисрлик охиста тўшак олдига чўкди; уни пайқамай, Главк чурқ этмай ётарди. Охири узоқ сукунатдан кеъин Арбак тилга кирди:

— Главк, бизлар бир-биrimizga душман эдиқ. Ҳозир, кеч тунда қошингта дўст бўлиб, эҳтимолки, халоскор бўлиб, ёлиз келдим...

Шерни сезган от сакраб тургандай, ўз ғаними овози қулоғига чалингани ҳамон Главк сапчиб турди, ҳаяжондан титраб, бўгила бошлади. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди ва бирмунча вақтгача улар бир-бирининг кўзига тикилиб қолдилар. Афиналик тоҳ қизарар, тоҳ оқарар эди, мисрликнинг қорача юзи эса сал ёришгандек бўлди. Нихоят Главк бўғиқ оҳ тортиб, тескари ўгирилди, қўлини манглайига кўйди, ўзини орқага ташлади ва гудранди:

— Наҳотки ҳали ҳам ухлаётган бўлсан?

— Йўқ, Главк, сен ухламаяпсан. Ўзимнинг ўнг қўлим ва отамнинг боши ҳаққи қасам ичиб айтаманки, сен қаршингда халоскор одамни қўриб турибсан. Қулоқ сол! Сен нима қилганингни биламан, аммо ўзинг ҳам шубҳа қилмайдиган ишни қилишинг сабабини ҳам биламан. Сен қотиллик содир этдинг, бу жуда оғир қотиллик. Қовоғингни солма, қалтирама — мен буни ўз кўзим билан кўрдим. Мен сени қутқаришим мумкин, ақлингдан жудо бўлиб, билмай ҳаракат қилганингни исботлай оламан. Аммо қутулиб чиқишинг учун сен икрор бўлишинг керак. Апекидни ўлдирганман деган мана бу икрорномага имзо чек, шу билан машъум хукмдан омон қоласан.

— Нималар деяпсан? Апекидни мен ўлдирдимми?  
Ахир унинг ерда қонга беланиб ётганини кўрмадимми?  
Тагин буни мен содир этганимга ишонтироқчи  
бўляйпсанми? Маккор! Йўқол кўзимдан!

— Ховлиқма, Главк. Жинояting исботланган. Телбаликда нима қилиб қўйганингни эслолмаслигинг тушунарли, ахир ақлинг жойидалигида ҳам бундай ёвузилик сени ларзага солиши тайин эди. Аммо ҳозир эзилган хотирангни тетиклаштираман. Эсингдадир, сизлар Ане-кид билан кетиб борар эдингиз ва унинг синглиси важидан баҳслашиб қолгандингиз; у ҳар доим муросасиз бўлиб келганди ва насоро бўлиб олгач, сени ҳам тортмоқчи бўлганди. Сизлар айтишиб қолдингиз. У сенинг турмуш тарзингни ҳақорат қилди ва Иона сента турмушга чиқмайди, мен йўл бермайман деб онт ичди, шунда сен газаб ичиди ақлингни йўқотиб, унга наштар билан зарба бердинг. Эсласанг-чи мундоқ! Мана бу қороздагини ўқи, унда ҳаммаси ёзилган. Унга имзо чек, омон қолганинг шу.

— Ҳайвон, қани, бер менга ўша сохта қоғозни, майда-майди қилиб ташлай! Мен — Ионанинг акаси қотили эмишман! Мен яхши кўрган инсоннинг акаси бошидаги бир толага қўлимни теккизганимга иқрор бўлишим керакмиш! Бундан минг карра ўлганим афзал!

— Эҳтиёт бўл, — вишиллади Арбак. — Олдингда бошқа йўл йўқ: ё иқрорномага имзо чекасан, ё арслон оғзига бориб тушасан!

Главкка қараб қўйиб, мисрлик бу сўзларда ҳаяжоннинг аниқ аломатларини севинч билан пайқади. Афиналикнинг бадани снгил жимиirlаб кетди, лаблари қийшайди, юз ва кўзларида кўркув ва шубҳа акс этди.

— Буюк худолар, — деди у аста, — тақдир деганлари қанчалик мунофиқ! Куни кеча ҳаёт менга кулиб турганди — Иона меники эди, ёшлиқ, саломатлик, муҳаббат менга неъматларини ёғдириб турганди, энди эса — дард, телбалик, шармандалик, ўлим! Нима сабабдан? Мен нима килибман? Эҳ, балки ҳали ҳам мен телбадирман?



— Бунга имзо чек ва сен омонсан! — деди мисрлик сокин, авровчи овозда.


— Ҳеч қачон, васвос! — деди Главк ғазаб билан. — Сен мени ҳали билмабсан. Сен афиналиктинг мағрур қалбини билмабсан! Ажал шарпаси мени бир лаҳзагина чўчита олганди, аммо энди қўрқув ўтиб кетди. Но-муссизлик тоабад даҳшатли бўлиб қолажак! Ҳаётини кутқариш учун ким ўз номини билиб туриб иснодга қўяди? Ким қалб хотиржамлигини виждан азобига алишади? Одамлар ва севгилиси кўзи олдида ким номуссизликка рози бўлиб, ўзини ҳалок этади? Борди-ю, ҳаётимнинг бир неча мурдор йилларини бу қадар тубан қўрқоқлик эвазига сотиб олиш мумкин бўлса, ҳой мисрлик ҳайвон, Гарнодий юрган йўлга кадам босган, Сократ нафас олган ҳаводан ютган одам бундай қилишига икки дунёда ҳам умид қилмай қўя қол. Кет! Ёки пок виждан билан яшайман, ёки қўрқувсиз ўлиб кетаман!

— Яхшилаб ўйлаб қўр! Арслоннинг ўткир тишлари, сенинг ўлимлди азобларингу тилка-шора бўлган аъзои баданингни томоша қилиб турган тошбагир олонининг ҳайкириклари. Жасадингни ҳатто дафи ҳам қилмайдилар; сен четлаб ўтиб кетмоқчи бўлганинг шармандалик сени агадулабад тамгалаб ташлайди.

— Бекорга вайсама! Мен эмас, ақлдан озган сенсан! Шармандалик бошқаларининг ўйлашларида эмас, — ўз кўзида пок бўлмоқ муҳим. Кетасанми, йўқми? Сени кўришга тоқатим йўқ! Мен доим сени ёмон кўриб келганман, энди эса ҳазар қиласаман!

— Начора, мен кетаман, — деди Арбак дили вайрон бўлган ва газабга тўлганча, у ўз қурбони олдида ачиниш ва ҳаяжонни босищдан ожиз қолганди. — Мен кетаман. Биз яна икки марта кўришамиз — судда ва амфитеатрда. Хайр!

Мисрлик аста ўринидан турди, ридоси барини йигиштирди-да, чиқиб кетди. У бир дақиқа коса узра бедор ўтирган Саллюстий ҳузурига кирди, унинг кўзлари хуморлашиб ултурганди.



— У ҳали ҳам телба ёки тонаяпти. Уни қутқаринга ҳеч қандай умид йўқ.

— Унақа дема, — деди Саллюстий, у афиналикинг қораловчисига нисбатан бегараз эди, чунки саховатига унча ишонмасди ва дўстининг айбизизлигига амин бўлгандан кўра кўпроқ унинг баҳтсизлигидан афсус қиласарди.

— Унақа дема, азизим мисрлик! Агар тирноқча ҳам имкони бўлса, бундай дилкап майхўрни қутқариб қолмоқ керак. Вакҳ — Исидаға қарпи!

— Кўрармиз, — деди мисрлик.

Лўқидонлар яна жаңигирлади ва эшик очилди; Арбак кўчага чиқди. Шўрлик Нидия иргиб оёқка турди.

— Уни қутқариб қоласанми? — деди у қўлларини қаттиқ қисиб.

— Бўтам, юр мен билан. Уни деб сендан илтимос қиласман, сен билан гаплашиб олишим керак.

— Кейин уни қутқариб қоласанми?

Ҳарчанд қулоқларини динг қилмасин, кўр қиз жавоб ололмади. Арбак кўчада анча илгарилақ кетганди; қиз иккиланиб турди-да, индамай унинг ортидан кетди.

— Бу қизни бир жойга қамаб қўйиш керак, — ғудранди мисрлик ўйчан, — бўлмаса дамлама ҳақида оғзидан гуллаб қўяди. Ҳа, тоинки калондимоғ Юлия сир бой бермас экан, у оғзига толқон солиб олади.

## VII боб

### ҚАДИМГИЛАРДА ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Арбак Главқ билан гаплангани йўл олар экан, Ионанинг уйида қайғу ва ўлим ҳукм сурарди. Эрталаб Апекиднинг жасади устида тантанали дафи маросимларини ўтказиш лозим эди. Марҳумни Исида эхромидан унинг бир яқин аёл қариндоши уйига олиб ўтишди ва Иона акасининг ўлимидан ва қайлиғига қарпи айболовдан дарров воқиф бўлди. Кучли дард хисларни

ўтмаслаштиради ва қуллар унга ҳеч нима демаганлари учун у Главкниг тақдири ҳақидаги тафсилотларни билмасди, унинг касаллиги, телбалиги ва яқинда бўладиган суди борасида ҳам бехабар эди. Айлов ҳақидаги гапни эшиктан заҳоти у уни ғазаб билан рад этди; боз устига, айловчи Арбак эканини билгач, қотил мисрликнинг ўзи деган фикр миясидан сира нари кетмай қолганди. Аммо акасининг ўлими ундан қадимгилар катта аҳамият берган расм-русумларни адо этишни талаб этарди ва мархум ётган хонадан чиқишга журъат қилолмаётганди. Ҳайҳот! Иона гевимли одамининг жону жисми билан видолашиб, сўнгги сўзини тинглашдек эзгу бурчини адо этиш насиб этмади; у фақат акасининг шишадек қотиб қолган кўзларини ва қийшайган оғзини ёниб қўя олди, холос. Кейин эса хушбўй сувда ювилган ва артилган акаси фил суюгидан ясалган тобутда байрамона либосларда ётганида ёнида бедор ўтирди; тобут устига гул ва янроқлар сочди, бўсағадаги сарв бутоғини алмаштириб турди. Мана шу қайғули мажбуриятлар асносида йиглайвериб, дуолар замзама қиласвериб, Иона бутунлай ҳолдан тойди. Қадимгиларнинг энг ажойиб удумларидан бири ёшларни тонг палласида, қуёшнинг илк нурлари тараляётганда дағн этиш эди, чунки ўлимнинг бешафқатлигини юмшатишига ҳаракат қиласер қилинган, улар гўё ёшларни севувчи Аврора уларни ўз бағрига олади деб тасаввур қилганлар. Гарчи ўлдирилган коҳинни дағн этишда бу афсона тасалли бўлиб хизмат қиласа-да, барibir шунга риоя қилинди – тарки одат амримаҳол.

Қайғули маросим қуни. Иона уйи олдида жанозага келганлар саф тортганида сурранг осмонда юлдузлар бирин-кетин ўчиб, тун ўрнини аста-секин тонг эгаллай бошлигаранди. Субҳи содикнинг илк нурларида хиралашгандек бўлиб қолган узун ва ингичка машъалалар тантанавор ва жиддий ифодалар қотган чеҳраларни ёритиб турарди! Ана, босиқ ва мотамсаро мусиқа қулоққа чалинди, қайғули маросимга эш бўлиб, у ҳувиллаган ва

унсиз күчалар бўйлаб узок-узоқларга сузib кетди; аёлларнинг жўрлиқдаги овозлари (кўпингча Рим шоирлари тасвирлайдиган гўяпдалар) най ва Мисия шоҳнайига қўшилиб, дафн қўшиғини куйлай кетди:

Атиргуллар эмас энди сенинг боғингда,  
Сарв япроқлари қўйилур тупрогингта.  
Ёруғ бу дунёдан эрта кетаётисан,  
Совуқ ва коропку лаҳад ичра ётурсан.

Қанча чақирсак-да, жавоб бермайсан,  
Гулзору боғларда гуллар термайсан.  
Ажал чанталидан қутулолмайсан,  
Мехмонга чақирсак кела олмайсан.

Шўх қўшиқлар, дилкаш сухбатлар,  
Тугади, тарқ этди сени улфатлар.  
Куёш нурлари ҳам кирмас уйингта,  
Очкўз итлар келар энди тўйингта.

Каро ер ичида Сизиф кўринур,  
Думалатиб тошин бехуд уринур.  
Сув ичолмас Тантал – Лидия шоҳи,  
Каллироя ўғли – тор-тоғ гуноҳи.

Ўтганлар арвоҳи ўнгу сўлингда,  
Учрамас яқинларинг энди йўлингда.  
Стикс дарёси лабида Харон  
Кайинини созлаб кутмоқда шу он.

Дарахтлар мудрайди қабристон ичра,  
Кўмилган жасадлар, марҳумлар шаҳри.  
Яиги уй эгаси қувар бизларни,  
«Кутгаймиз қиёмат куни сизларни».

Кўшиқ овозлари тингач, кузатувчилар эшикнинг ҳар икки томонидан туриб олишди; Апекиднинг жасадини

оёкларини олдинга қилиб, қирмизи чойшаб ёпилган тобут билан бирга уйдан олиб чиқишиди. Кора лиbosдаги машъалдорлар ҳамроҳлигидаги мотам маросими мутасаддиси ишора қилдию маросим йўлга тушди.

Охиста куй чалганча машшоқлар олдинда боришарди. Ора-сира мотам сурнайининг баланд ва ғамгин инграши бу тинч ва тантанавор мусиқани босиб кетарди; уларнинг ортидан мотам қўшиқларини қўйлаганча ёлланма гўяндалар борарди; аёлларнинг овозлари болалар овозларига қўшилиб кетганда, болалар овозидаги маъсумият ҳаёт ва ўлим ўртасидаги зиддиятни тагин-да бўрттириб юборарди; мисоли сўлғин куз япроғи олдидаги барра япроқдай. Аммо қўрқинчли хотираларни уйғотмаслик учун қизикчилар, актёрлар ва ҳатто вазифалари марҳумни намоён этиш бўлган бош актёр ҳам (уларсиз биронта мотам маросимини ўтказиб бўлмасди) бугун чақирилмаган эди. (Чунки, дафн маросими Римча эмас, юононча ўтказилаётганди. – Тарж.)

Гўяндалар ортидан ўзларининг оппоқ либосларида, оёқяланг, қўлларида бир тутамдан бошоқ тутганча Исида коҳинлари боришарди, улар билан изма-из бораётганлар марҳум сувратини ва унинг афиналик аждодлари тасвирларини кўтариб олишганди. Тобут ортидан чўрилари қуршовида марҳумнинг боши очик, соchlари ёйилган, мармардай оппоқ, аммо ўйчан ва сокин ягона аёл қариндоши секин қадам босади. Аҳён-аҳёндагина у маъюс карахтликдан ўзига келар, қўллари билан юзини ёшиб йиғлар эди; у юракни ларзага солар даражада уввос тортмаётган ва баъзи одамлар кўрар кўзгагина қилгандек ўзини ҳар томонга урмаётган эди. Бошқа барча асрларда бўлганидек, ўша асрда ҳам ҳақиқий мотам самимий ва сокин бўлган эди.

Кўчадан ўтиб, маросим гурухи шаҳар дарвозасидан чиқди ва хозир ҳам кўриш мумкин бўлган, девор билан қуршалмаган қабристонга етиб келди.

Мехробга ўхшаб, рандаланмаган қайнин ёғочидан тахланган, ораларига ёнилғи ашёлар жойлаштирилган

дафи гулханининг саржини чўпқайиб турарди; атрофда эса бошларини эгтанча қоп-кора ва маъюс сарвлар саф тортган, уларни ҳар доим қабрларнинг ёнига экиб келишган.

Замбил мана шу саржин устига қўйилиши билан сўнгти йўлга қузатувчилар замбилинг ҳар икки томонида туриб олишди. Иона марҳумнинг олдига яқинроқ борди ва унинг ёнида бир неча дақиқа қимир этмай, сукутда турди. Апекиднинг юзидан унда зўравонлик билан етказилган ажал ифодаси ғойиб бўлганди. Кўркувлар ва шубҳалар абадан босилган, эҳтиросларнинг қайнаши тинган, тақволи жўшқинлик ғойиб бўлган, кслажак олдидаги умид ва қўрқув – булар ҳаммасидан муқаддас ҳаётга интилган йигитча кўкси халос бўлган эди. Бу идроксиз манглай ва нафассиз лабларнинг даҳшатли хотиржамлигига нима қолган ўзи? Сингил ундан кўз узмас, ҳамма қимир этмай турарди; бу сукунатда қандайдир даҳшатли ва шу билан бирга тинчлантирувчи нимадир бор эди. Бирдан уни кескин ва кутилмаганда баланд ўтли қичқириқ бузди – узоқ ушлаб турилган алам ташқарига отилиб чиқкан эди.

– Оғажоним! Оғажоним! – қичқиради шўрлик Иона мурда устига йиқилиб. – Пашибага ҳам озор бермасдинг, сенинг ҳам душманлариш бормиди? Наҳотки сени ўлдирган бўлсалар! Уйғон! Бизлар бирга ўсгаңдик! Наҳотки бизга шундай айрилиқ битилган бўлса? Сен ўлмагансан – сен ухлаисан. Уйғон, оғажоним, уйғон!

Ионанинг ўткир овози гўяндаларни ҳаракатга келтирди, уларнинг Ионага раҳмлари келиб, хўнграб гиря қила бошлапшиди. Бу йиғи Ионани тўхтатди. Гўё келгандарни энди кўриб тургандек, қиз тез ва хижолат ичидагонини кўтарди.

– Оҳ, – ғудранди у, титраб, – демак, биз ёлғиз эмас эканмиз!

Қисқа жимликдан кейин Иона ўрнидан турди, унинг опиоқ гўзал чехраси яна қатъийлашиб, қотиб қолганди. Нозик ва титроқ қўллари билан у марҳумнинг

қовоқларини кўтарди; бироқ хира, ортиқ тушкунликдан чакнамаётган кўзларнинг тек қараб турганини кўриб, худди арвоҳга дуч келгандай у қаттиқ қичқириб юборди. Ўзига келгач, Иона акасининг қовоқлари, лаблари, манглайнин қайта-қайта ўпди, кейин эса нима қилаётганини ўзи билмаган ҳолда эҳром бош коҳинининг қўлидан дафи машъаласини олди.

Иона энди бир четда, юзини қўллари билан яшириб ўтиради, у на алангани кўрар, на мотам мусиқасини эшитарди, уни фақат бир туйғу – ёлғизлик туйғуси чулғаб олганди. Биз ёлғиз эмаслигимиз, ўлган биз билан эканлигини ҳис қилганимиздаги муқаддас таскин ҳали унгача етиб келмаган эди.

Шамол алангани пуфлаб тез авж олдириб юборди. Кейин эса у кичрая, хиралаша бошлади ва бир авж олиб, бир сусайиб, охири бутунлай ўчиб колди. У хаёт тимсолининг ўзгинаси эди: бирпас олдин ҳамма нарса ҳаракат ва оловдан иборат бўлган жойда энди бир уюм кул ётарди.

Хизматкорлар сўнгги учқунларни топтаб ўчирдилар, қўрларни бир жойга тўпладилар. Апекиднинг энг аъло шароб ва қимматли тутатқилар шимдирилган хоки кумуш кўзага жойланди, уни йўл ёқасидаги дахмалардан бирига тантана билан ўрнатдилар, марҳумнинг рухини Ер остидаги Стинс дарёсидан олиб ўтувчи қайиқчига мўлжаллаб кўйган кичик тангачани ҳам ўша ерга жойладилар. Даҳма гулчамбарлар билан безатилган, меҳробда хушбўй тутатқилар ўт олдириб қўйилган, даҳма атрофида шамлар терилган эди.

Барча расм-русумлар адо этиб бўлингач, аёллардан биттаси дафна бутоғидан гўяндаларга уч марта сув сепди, сўнгги: «Кетаверинглар» сўзини айтганидан кейин дафн маросими тугади. Бироқ эртасига коҳин қабрга янги неъматлар билан келганида, мажусийлик инъомларига кимнингдир қўли яшил хурмо бутоғини қўшиб қўйганини кўрди. У бу нарса насронийликнинг дафн белгиси эканини билмаган ҳолда унга тегмади.

## VIII боб

### ИОНАГА КЕЙИН НИМА БҮЛДИ

Коҳинлар билан мотам зиёфатини баҳам кўриш учун кўилар қолди, Иона эса ўз чўрилари билан уйга қайгули йўл олди. Акаси олдидаги сўнгги бурчини адо этиб, у энди ҳаётга қайтгандек бўлди, бўлажак қайлиғи ҳақида, унга қарши қўйилган даҳшатли айблов ҳақида ўйлай бошлади. Ҳаммасида Арбакдан гумон қилган ҳолда у бу тутириксиз айбловга заррача ишонмаётганди, севгилиси ва ўлдирилган акаси олдидаги бурч унинг претор ҳузурига боришини, гарчи ҳеч нарса билан исботланмаган бўлса-да, ўзининг гумонларида ҳабардор қилиб қўйиши кераклигини ҳис қилмоқда эди. Шу пайтгача бекаларига иchlари ачиганидан Главкниң аҳволи ҳақида оғиз очмаган чўриларидан сўраб-сўраб, у севгилисининг қаттиқ бетоблигини, Саллюстийнинг уйда қўриқчилар назорати остида эканини ва судкуни ҳам аллақачон тайин этилганини билиб олди.

— Марҳаматли худолар! — хитоб қилди Иона. — Мен уни қандай унутай? У, эҳтимол, мени ташлаб кетди деб ўйлаётгандир! Тезроқ унга ёрдам бериш керак, мен, марҳумнинг энг яқин қариндоши унинг айбизлигига амиш эканимни ҳамма қўрсин. Тезроқ! Мен уни тинчлантираман, ҳамдард бўламан, далда бераман! Борди-ю, менга ишонмасалар, борди-ю мен уларни ишонтира олмасам, борди-ю уни бадарғаликка ё ўлимга ҳукм этсалар, мен унинг кисматига тенг шерик бўламан.

Паришонхотирликда қаёққа кетаётгалини базур анлаган ҳолда Иона одимларини тезлатди; у ё аввал преторнинг ҳузурига ёки тўғри Главкниң қопига бормоқчи эди. У шаҳар дарвозасидан тезгина кирдида, узун кўчага келиб қолди. Уйларнинг эшиклари очик эди, аммо кўча бамисоли ўлик эди; шаҳар ҳали уйғонмаганди. Бирдан Ионанинг кўзи олдинда тик тах-

тиравон кўтариб кетаётган бир қанча одамга тушди. Тахтиравондан баланд бўйли бир киши чиқди ва Арбакни таниб, Иона қаттиқ кичқириб юборди.

— Соҳибжамол Иона, — деди у меҳрибонлик билан қизнинг қўрқиб кетганини пайқамаган кипи бўлиб. — Менинг васийим, менинг шогирдим! Қайғунгда сени бозовта қилганим учун кечир, аммо сенинг номусингни ўйлаб, претор сенинг билиб-бilmай олдинда турган суд ажримларига аралашиб қолишингдан қўрқаяшти, ахир сен икки ўт орасида қолгансан, зеро сен аканг учун ўч олиш қасдида ёнасан, аммо қайлифингга жазо беришларидан қўрқасан. Шу боис сенга ғамхўрлик кўрсатадиган ва мотамингга шерик бўладиган дўстинг ё ҳимоячициг йўқлигини билиб, претор оталарча донолик билан сени қонуний ҳомийингта топширди. Мана, шуни тасдиқлайдиган ҳужжат!

— Ичи қора мисрлик! — деди Иона, Арбакдан мағур чекинган ҳолда. — Йўқол кўзимдан! Акамни сен ўлдиргансан. Унишг қони билан бўялган ўша қўлларингга энди синглисини тошириб қўядиларми? Сен титраяпсан. Сен қасоскор худоларнинг жазо чақмоғини кутаётирсан. Кет, қайғум билан мени ёлғиз қўй!

— Ғам ақлингни еб қўйибди, Иона, — деди Арбак, одатдаги хотиржам ҳолатига қайтишга беҳуда уриниб. — Мен сени кечираман. Сен ҳар доим мени ўзингга садоқатли дўст деб бил. Аммо кўча — нокулай жой, бу ерда сен билан гашлаппа олмайман, сенга тасалли беролмайман. Бу ёққа келинглар, қизлар! Ўтири, васийим, тахтиравон сенга мунтазир.

Ҳайрон бўлган ва қўрқиб кетган чўрилар Ионани ўраб олишди ва унга қисилиброк туришди.

— Арбак, — деди улардан каттаси, — бу қонунга тўғри келмайди! Ахир дафиндан кейин тўққиз кунгача марҳумпинг қариндошларини бозовта қилиш ва уларнинг танҳоликларига халақит бериш тақиқлашган эмасми?

— Хой аёл! — эътиroz билдириди Арбак, қўлини амрона силтаб. — Васийни ҳомийнинг уйига олиш дафн

қонунларига хилоф әмас. Айтдим-ку сенга, меше престорнинг буйруги бор, деб. Аммо биз имиллашмиз, бу одобдан әмас. Уни тахтиравонга ўтқазинглар.

Шу сўзларни айтиб, у қаршилик кўрсатаётган Ионани маҳкам қучоқлаб олди. Иона орқага тисланди, унинг башарасига қаради, кейин эса телбаларча қах-қах уриб кула бошлади.

— Ваҳ-ха-ҳа! Зўр иш бўлди-да! Ажойиб хомий, оталарча қонун! Ваҳ-ҳа-ҳа!

Ўзи ҳам бу шиддатли, девонавор кулгидан чўчиб тушди-да, беҳуш ҳолда ерга қулади. Арбак зум ўтмай уни ердан кўтарди-да, тахтиравонга ётқизди. Куллар тез олға қараб кетишиди ва қўп ўтмай шўрлик Иона ётган тахтиравон кўз ёши тўкаётган чўрилар нигоҳидан ғойиб бўлди.

## IX боб

### НИДИЯ ЎЗИНИ ЖОДУГАР ҚИЛИБ КЎРСАТАДИ

Нидияни ўз уйида қолдириб, Арбак бир чиқиб кетганича қайтиб келмади. Соатлар бирин-кетин ўтаверди. Нидия бир томондан қамаб қўйилгани, иккинчи томондан кўзи ожизлиги туфайли икки баравар кўпроқ азобда қолганди, қўлларини олдинга узатганча эшикни қолдириб, хонани шайпаслай кетди, ягона элий қулфлоф эканига ишонч ҳосил қилгач, табиатан шаддод бу қиз сабр-тоқати тугаб, дод солиб қичқира бошлади.

— Хой қиз! — деди энничи очиб, уни қўриқлаётган қул. — Нима бало, чиён-пиён чақдими сени? Ё биз бу ерда жимликдан азоб чекаяпмиз-у, болаларнинг шовқини билангина жон саклаптимиз мумкин деб ўйлаяпсанми?

— Қани хўжайининг? Нега мени қамаб қўйишиди? Мен кетмоқчиман, қўйиб юбор.

— Аттанг, қизгина, Арбакни яхши билмас экансан. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган эканини унудингми? У сени қамаб қўйишни буюрди, сен қамаб

күйилгансан, мени эса эшикка күз-кулоқ бўлиб туришга кўйиб кўйган. Сен кўчага чиқолмайсан, аммо яхшироқ бир нарса – овқат ва шароб олишинг мумкин.

– Юпитер ҳаққи, – деди Нидия, бармоқларини қисирлатиб, – айт, нега мени бу ерга қамаб қўйишди? Шўрлик ожиза қиздан қудратли Арбакка нима керак экан?

– Мен билмайман. Бугун бу ерга тахтиравонда олиб келинган бекачингга хизмат қилишингни истаётган бўлса керак, ҳойнаҳой.

– Нима! Иона шу ердами?

– Ҳа, у шу ерда, бечора. Зўрлаб олиб келишган бўлса керак деб қўрқаман. Аммо Катор эхроми ҳаққи, Арбак аёлларга меҳрибон. У сенинг бекачингнинг ҳомийси эканини биласан-ку.

– Мени бекачимнинг олдига олиб бор.

– У бетоб, ғазаб ва нафратдан ақлини йўқотган. Умримда ихтиёrim ўзимда бўлган эмас. Мени мана шу хоналарга қарашни топширганда, Арбак: «Мен сендан фақат бир нарсани талаб этаман, тики менда хизмат килар экансан, сенинг на қулоғинг, на кўзинг, на миянг бўлади. Буюрилгани бажар, тамом-вассалом», – деганди.

– Иона билан кўришсам, бунинг нима ёмон жойи бор экан?

– Билмадим. Борди-ю, зерикадиган бўлсанг, мен жон-жон деб сен билан гап сотишаман, чунки бу ҳужрачамда ўзим ҳам зерикиб кетаман. Дарвоқе, сен ўзинг фессалияликсан – биронта фол-мол очишни билмайсанми, мамлакатингдаги кўплар сингари тақдирни олдиндан айтиб беролмайсанми?

– Жим бўл, қул, агар жуда валақлагинг келаётган бўлса, Главк ҳақида нималарни эшилдинг, шуни гапир.

– Хўжайн судга кетди. Қилган жинояти учун Главкка жуда ёмон бўлади.

– Қанақа жинояти учун?

– Коҳин Апекидни ўлдирган-ку.

— Ҳа! — деди Нидия қўлини манглайига босиб. —  
Бу ҳақда эшитгандим, аммо ҳеч нарса тушунмагандим.  
Унинг сочидан бир тола юлинса, рози эмасман.

— Бу арслоннинг қўлидан келади деб қўрқаман.  
— Эй, марҳаматли Худолар! Қандай даҳшат!  
— Ҳа, бўлмаса-чи, борди-ю, уни суд қилишса, унинг  
жаллоди ё арслон, ёки, эҳтимол, йўлбарс бўлади.

Худди юрагига ўқ келиб санчилгандек, Нидия сап-  
чиб туриб кетди. У қаттиқ қичқирди, кейин қулнинг  
оёқларига йиқилиб, шундай қичқирдики, ҳатто қулнинг  
тошдек юраги ҳам зириллаб кетди:

— Оҳ! Ҳазиллашувдим, де, ёлғон айтдим, де! Айт,  
айт!

— Кошки менинг қонунларга ақлим етса, бўтам.  
Балки иш унчаликка бориб етмас. Аммо уни айбла-  
ётган Арбак бўлади, кўплар саҳна учун курбон талаб  
қиласяпти... Сен кўпам ўзингни ўзинг ейверма! Бу афи-  
налик билан сенинг қанчалик ишинг бор?

— У менга жуда меҳрибон эди. Хуллас, унга нима  
бўлишини билмас экансаи-да? Арбак уни айблаяпти-  
ми? Оҳ, тақдир! Одамлар, одамлар! Оҳ! Ахир улар  
унинг юзини кўра оладилар, наҳотки улар бу қадар  
бераҳм бўлишса? Дарвоқе, севгилиси унга кўрсатган  
бераҳмлік етмасмиди?

Киз бошини солинтирди-да, жим бўлиб қолди. Юзи-  
дан қайнок ёш қуйилди, қанча тиришмасин, кул унга  
на тасалли бера оларди, на уни ўзига келтира оларди.

Кул чиқиб кетгач, Нидия фикрини бир жойга  
жамлашга ҳаракат қилди. Арбак Главкни айблаяпти;  
Арбак уни бу ерга қамаб қўйди; демак Нидия эр-  
кинликда бўлса Главкка ёрдам бериши мумкинлигини  
кўрсатмайдими? Ҳа, уни тузоқка туширганлари кўриниб  
турибди, Нидия ўзи севган одамнинг ҳалокатига сабабчи  
бўлибди. Эркинликка чиқишни у қанчалик хоҳларди!  
Киз ўзининг барча азобларини эсдан чиқарди ва факат  
қочиб чиқишни ўйларди. Кутулиб чиқиш имконият-  
ларини тарозига солиб, у ортиқ ўзини уринтирумай,

хаёлини бир жойга түплай бошлади. У кўплаб аёллар ҳийласини биларди ва қуллик пайтларида улардан усталик билан фойдаланишни ўрганганди. Айёрликни билмаган қул қул эканми! У қоровулининг Фессалияликлар санъати борасидаги мутаассибона саволини эслаб, уни алдашта қарор қилди: балки қочиб чиқиш учун мана шу тадбир унга қўл келар? Шундай хаёлларга кўмилганча қиз кечгача ўтирди ва тун бўйи ҳам мижжа қоқмай чиқди, эрталаб қул Сосий унинг қошига келганида, у қул билан яқинда қизиқиб сўраган нарсаси ҳақида суҳбатлаша кетди.

Аммо у факат тунда қочиб чиқиши мумкинлигини тушунарди, шу боис сабр қилиб, яна қоронги тушишини пойлашдан бошқа иложи қолмаганди.

— Тун, — деди қиз, — тақдир хукмини билиш учун ягона қулай вақт. Сен олдимга тунда кел. Дарвоке, нимани билмоқчисан ўзи?

— Поллукс ҳаққи, хўжайиним нима билса, мен ҳам шуларни билсан дейман! Аммо бунга умид қилмаса ҳам бўлади. Ҳеч бўлмаса менга бир гапни айт, озодликка чиқишимга етарли нул тўплай оламанми ёки мисрлик мени текинга қўйиб юборадими? Баъзан у сахий бўлиб кетади. Ва яна, борди-ю, тақдир насиб этса, анчадан бери қўз тагига олиб қўйганим анови шинамгина хушбўй гиёҳлар дўконига эга бўламанми? Доришунослик касби улуф, асли юраги тоза бўлган озод қулга жуда бопта!

— Хўш! Демак, сен мана шу саволларга жавоб олмоқчисан, шундайми? Бунинг йўллари жуда кўп. Бир гапиравчи тош бор, у болалар овози билан жавоб беради, аммо бу тош жуда камёб ва қиммат туради. Яна сувга қараб фол очса ҳам бўлади: жин сувда кела-жакдан хабар берувчи оппоқ ва қўрқинчли арвоҳларни кўрсатади. Аммо бунинг учун муқаддас сувли алоҳида идишлар керак, улар эса бизда йўқ. Шу боис, менимча, сенинг хоҳишингни қондирадиган энг оддий йўл — бу ҳаво афсуни.

– Бунинг бирон зиёни урмайдими одамга? – сўради Сосий ваҳимага тушиб. – Мен арвоҳларни ёқтирумайман.

– Кўркма. Сенга ҳеч нарса кўринмайди, фақат сувнинг кулқ-кулқ қилишидан сенга омад насиб этганими ё йўқлигини билиб оласан. Энг асосийси: кечки юлдуз пайдо бўлиши билан жин кириб келиши учун дарвозани қия очиб қўй, дарвоза олдига меҳмондўстлик белгиси сифатида мевалар ва сувли идиш қўйиб қўй; қош қорайғандан кейин уч соат ўтгач, бу ерга тоза ва муздай сувли коса келтир ва мен онам ўргатган фессалча йўл билан сенинг тақдирингни билиб бераман. Аммо дарвозани қия очиб қўйишни унутма – ҳаммаси шунга боғлиқ; уни келишингдан уч соат олдин очиб қўйишинг, то фол очиб бўлгунча шундай қолдиришинг керак.

– Бу ёғидан ташвиш қилма, – деди соддадил Сосий. – Юзига эшикни қарсиллатиб ёпганда ўзини билган одам ие ахволга тушишини яхши биламан, ошпаз менга неча марталаб шундай қилган. Яна шуни ҳам биламанки, анови муҳтарам зот, яъни жин, албатта, бундай меҳмондўстликдан хурсанд бўлармиди. Хозирча эса мана бу ионушта сенга.

– Судда нима гайлар?

– Суд ҳали бўляяпти, у ерда вайсангани-вайсангани, бу эртагача чўзилса керак.

– Эртагача? Бунга ишончинг комилми?

– Шунака дейишаляпти.

– Иона-чи?

– Вакҳ хаққи, унинг ахволи анча яхши бўлиб қолтан, ахир бугун эрталаб хўжайнини ер тениб, лабларини тишлашга мажбур қилибди-ку, ҳарқалай. Хўжайнин унинг олдидан булутдан ҳам тундроқ бўлиб чиққанини ўз кўзим билан кўрдим.

– Унинг хонаси яқинми?

– Йўқ, у тепада. Бўпти, сен билан ортиқча гап сотишга вақтим бор эканими.

## X боб

### АРИ ЎРГИМЧАК ТҮРИГА ТУШИБ ҚОЛАЯПТИ

Суднинг иккинчи куни. Кеч кириб келмоқда. Тахминан шу вақтларда Сосий даҳшатли жинларга қараб, фол очиши керак, аммо у очиқ қолдирган эшикдан ер ёки сувнинг сирли арвохи эмас, балки Исиданинг зилдай ва мутлақо дунёвий жисмга эга коҳини Кален кириб келди. У жўнгина эҳсонлар – бир-икки ҳовуч ғўр мевалару аччиқ шаробли идишга эътиборсизгина қараб қўйди, – уларни тақводор Сосий қўзга кўринмас нотаниш меҳмонни чорлаш учун маъқул деб билганди. «Бор худосига садақа бўлса керак, – ўйлади Кален. – Аммо отамнинг боши ҳаққи, модомики бу худога бу қадар арзимаган нарсани садақа қилишар экан, у ўзининг илоҳий рутбасидан воз кечиши ҳам ҳеч гап эмас. Эҳ, агар биз, коҳинлар, бўлмаганимизда, «худолар»нинг иши чатоқ бўларди. Энди Арбакнинг олдига борай – ха, шувиллаган қумдан юриб кетаяиман, аммо етиб боришим керак. Мисрликнинг ҳаёти менинг қўлимда – буни у қанчага баҳоларкин?»

Шундай мушоҳадалар билан у эшикдан перистилга ўтди, бу ерда юлдузли тунда бир нечта шамчироқ ёниб туради, шу топда устунли девордаги эшикдан Арбакнинг ўзи унга пешвоз чиқди.

– Э, Каленмисан? Мени қидирмаяпсанми? – деди мисрлик, унинг овози бир қадар саросимали эшитилди.

– Ҳа, доно Арбак. Сенга халақит бермадимми, ишқилиб?

– Заррача ҳам. Ҳозиргина озод қулим Каллий ўнг томонимдан уч марта акса урди, шу боис яхши нарса кутаётганини билиб тургандим, мана худолар менга Каленин юборди.

– Ўйингга кирсак бўладими, Арбак?

– Бемалол. Аммо бугун тун шундай очиқ ва илиқки; бунинг устига касалликдан кейин тўла мадорга кирга-

нимча йўқ, ҳавода тетикроқ бўламан. Яхшиси боққа борайлик, у ерда бизни ҳеч ким эшитмайди.

— Маъқул, — деди коҳин.

«Дўстлар» гулли мармар гулдоnlар териб қўйилган ва боғни қисмларга бўлғаш кўплаб шийнонлардан бирита шоштмай йўл олипди.

— Ажойиб тун, — деди Арбак, — мен Италия соҳилариши йигирма йил олдин дастлаб кўрганимдагидек ойдин ва ажойиб тун. Азизим Кален, бизлар қариялмиз. Ҳеч бўлмаганде яшаганимизни ҳис этишимиз керак.

— Сен-ку бу билан мақтана оларсан, — деди Кален, сухбатни уни қийнаб келаётган сирга эҳтиётлик билан буриб, кибр-ҳавоси баланд мисрлик кўрсатган камтарлик ва қувноқ оҳанг ундаги қўрқувни фақат кучайтираётганини ҳис этган ҳолда. — Сенинг битмас-туганмас бойлигинг бор, ўзинг касаллик нималигини билмайсан — тўрт мучанг соғ, севгидан омадинг чопғаш, сурмаган лаззатларинг қолмаган, айни соатда қасос олипдан ҳузурланаяпсан.

— Афиналикка шама қилаётисан. Ҳа, эртага тонгда ўлим ҳукми чиқарилади. Сенат бешафқат. Аммо сен хато қиласапсан: унинг ўлеми менга ҳеч қанақа шодлик келтирмайди, у фақат Ионага муҳаббатимдаги рақибимдан мени халос қиласди, холос. Бу бебаҳт қотилга нисбатан менда ҳеч қанақа адоват туйғуси йўқ.

— Қотилга! — такрорлади Кален секин ва маънодор қилиб, сўнг Арбакка тикилиб қаради. Юлдузларнинг заиф ва бир текисдаги нури сохта авлиёнинг мағрур юзини ёритиб турарди, бироқ бу юзда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Ҳафсаласи шир бўлған Кален хомуш қўзини ерга олди. У тез-тез гапира кетди:

— Қотилга? Албатта, уни бу жиноятда айблаш мумкин, аммо унинг гуноҳсизлигини биладиган одамлар йўқ эмас.

— Аникроқ гапир, — совуқ оҳангда деди Арбак, кўнгли сирли бир нарсани сезиб, ўзини ушбу сухбатга чоғлай бошлади.

- Арбак, — деди Кален деярли шивирлаб, — мен дарахтзордаги ибодатхона орқасида турган эдим. Мен ҳамма гапни эшитдим. Куролинг Апекиднинг юрагига қандай санчилганини ҳам кўрдим. Мен сени қораламайман — сен душмани ва мункирни ўлдирдинг.
- Демак, сен ҳаммасини кўргансан, — ҳиссиз оҳангда деди Арбак. — Шундай ўйлагандим. Сен бир ўзинг-мидинг?
- Бир ўзим, — жавоб берди Кален, мисрликнинг хотиржамлигидан ҳайрон қолиб.
- Ибодатхона орқасига нега яшириниб олгандинг?
- Апекид насронийликни қабул қилганини билардим, у муқаддас маъбудамизни халқ олдида фош қилиш учун худди ўша жойда муртад Олинф билан кўришиши керак эди. Мен уларнинг изидан тушиб, режаларини барбод қилмоқчи эдим.
- Кўрганларинг ҳақида лоақал биронта тирик жонга айтдингми?
- Йўқ, хўжайн. Сир хизматкоринг кўкраги ичига дафн этилган.
- Ҳатто туғишганинг Бурдон ҳам ҳеч нарсани билмайдими? Тўғрисини айт!
- Худолар ҳаққи...
- Кўй бу гапни. Биз бир-биримизни биламиз — худоларга бало борми.
- Унда интиком даҳшати ҳаққи — йўқ!
- Нега шу вақтгача менга чурқ этмадинг бу ҳақда? Нима учун афиналикнинг суди арафасидагина Арбакка унинг қотилини айтишга журъат қилдинг? Шу пайтгача жим юриб-юриб, нега энди айтаяпсан?
- Чунки... чунки... — Кален тутилиб, қизариб кетди.
- Чунки, — деди Арбак хуши табассум билан, коҳининг елкасидан дўстона қоқиб қўяркан, — чунки, азизим Кален — ҳозир юрагингдаги гапларни қандай ўқиб, барча қилмишларингни қандай тушунтириб беришимни кўрасан, — чунки айблов билан чиқиб, калавам учини

йўқотишимни ва ҳеч қандай йўл тополмай қолишимни кутгансан. Қотилликка сохта гувоҳлар қўшишимни кутгансан, зеро мен ўзим бошқаларда қонга ташналикини уйғотганимдан кейин на зар, на зўр мени қутқара олар эди. Энди эса, бегуноҳ одам устидан хукм чиқарилиши керак бўлганда сенинг биргина сўзинг эртага қанақанги даҳшатли тўрни тилка-шора қилиб ташлаши мумкинлигини англашими учун айтаяпсан менга буни, бу билан мум типлашинг баҳосини оширмоқчи, халойикда разаб алангасини ёққан менинг ўз эпчиллигим сенинг гувоҳлигингдан кейин менинг ўзимга қарши қаратилишини, Главк эмас, арслон оғзига менинг тушибимни кўрсатмоқчи бўляяпсан! Шундай эмасми?

— Арбак, — деди Кален, ўзининг бутун сурбетлигини бой бераб, — сен ростдан ҳам жодугарсан! Сен бирорларнинг юрагидаги гапларни китобдай ўқийсан.

— Бу менинг вазифам, — жавоб берди мисрлик босик кулиб. — Хуллас, жим юр, ҳаммаси тугаганидан кейин мен сени бой қиласман.

— Кечирасан, — деди коҳин, очкўз Арбакнинг келажакда сахийлик қилишига умид қилиб бўлмаслигини бирдан англаб. — Сен тўғри айтдинг — биз бирбирилизни биламиз. Модомики, менинг жим юришимни истар экансан, Гарпократга садақа сифатида олдиндан бир нима беришинг керак бўлади. Мумсиликнинг нафис рамзи бўлмиш атиргул мустаҳкам илдиз отишини истасанг, унга зар ёмгири билан сув бер.

— Фоят оқилона ва шоирона гап қилдинг! — деди Арбак, гарчи ҳарис сухбатдошини чўчитиши ва ушлаб туриши керак бўлса-да, ўшандай тинчлантирувчи ва руҳлантирувчи қувноқ оҳангда. — Фақат эртагача сабр қил.

— Бугунги ишни эртага қўйиш на хожат? Бегуноҳ устидан хукм чиқарилишидан олдин беришим керак бўлган гувоҳлик ундан кейин керак бўлмай, шармандам чиқиб қолаверсам-чи? Менинг шартларимни унутиб юборсанг-чи? Ҳалитдан бунақа галга соладиган бўлсанг,

бундан кейин сенинг ҳиммат қилишингга кўзим етмайди.

- Хўш, ундаи бўлса, айт, қанча истайсан?
- Ҳаётииг қиммат турди, бойлигинг эса ачиб ётибди, — деди коҳин мийифида қулиб.
- Бу яна оқилона гап. Хўп, гапир, қанча?
- Арбак, тагхонангда махфий хазина бор деб эшигдим, залворли гумбазлар остида сандик тўла олтинлар, гулдонлар, жавоҳирот сақланар экан, булар барчаси илоҳий Нероннинг хазинаси билан бас бойлашармиш. Каленнинг Помпеядаги энг бадавлат коҳин бўлиши учун хазинангдан унга улуш ажратиш сенга чўт эмас ва бундан тариқча зарап кўрмайсан.
- Юр бўлмаса, Кален, — деди Арбак қувноқ оҳаигда. — Сен менинг эски дўстимсан ва садоқатли хизматкоримсан. Сен менинг ўлишимни истамайсан, мен эса сахийлик билан сени мукофотлайман; ҳозир икковимиз сен айтган ўша хазинага тушамиз, ундаги олтишу кумушларни кўриб, кўзингни қувнатасан ва этагингга сикканича улардан оласан. Дўстингнинг хазинасини кўриб, сени сахийлик билан мукофотлаган одамга зиён етказиш нечоғли аҳмоқона иш эканлигини тушунасан. Главк ўлгандан кейин эса сен яна хазишамда бўласан. Кўрдингми, мен сен билан дўстона гаплашгандай, очик гаплашаяпман.
- Эй одамлариниг аълоси, зоти олийлари! — деярли кичкириб деди Кален. — Сенинг одиллигинг ва саховатингта қилган ножоиз шубҳаларимни кечирасанми?
- Жим! Яна бир муюлишдан сўнг хазинага тушамиз.

## XI боб

### ҚУЛ КАРОМАТ КУТМАЙДИ. КҮРЛАРНИ КҮР ҚИЗ АЛДАШИ МУМКИН. БИР ТУННИНГ ЎЗИДА ИККИ ТУТҚУН

Нидия Сосийни тоқатсизлик билан кутарди, унинг ўзи ҳам қизнинг қошига тезроқ боришга интиқ эди. Ботирланиб олиш учун у жинга деб қолдирған шаробга нисбатан аъло сифатли шаробдан тўйиб ичиб олиб, соддадил қул кўр қиз қамаб қўйилган хонага йўл олди.

— Хўш, Сосий, тайёрмисан? Косада тоза сув келтирдингми?

— Ҳа, албатта. Лекин қалтираб кетаяпман. Жинни кўрмаслигимга ишончинг комилми? Уларни унчалик хушфеъл ва яхши эмас деб эспиттандим.

— Хотиржам бўл! Дарвозани қия очиб қўйдингми?

— Ҳа, дарвоза олдидағи хонтахтacha устига бир неча яхии олма ва ёндоқлардан ҳам қўйиб қўйдим.

— Бу яхши. Демак, дарвоза ёпиқ эмас ва жип кира олади, а?

— Албатта.

— Унда, қани, эшикни оч. Ана шундай. Уни қия очиқ қолдир. Энди эса, Сосий, шамчироқни менга бер.

— Нима! Уни ўчириб қўймоқчимисан?

— Йўқ. Лекин мен унинг устида афсунлар ўқишим керак. Унда олов деви бор. Ўтири.

Кул ўтириди. Шамчироқ устига эгилиб, Нидия нималариnidir пичирлади.

— Ух, хозир жин келади, — деди Сосий, — ҳалитдан унинг нафаси сочимга ураётганини сезаяпман.

— Сувли косани ерга қўй. Энди эса рўмолчани бер, қўзингни боғлаб қўяй.

— Э-ҳа! Жодугарлар доим шундай қилишади. Лекин жудаям қаттиқ боғлама, сал бўшроқ қил.

— Мана. Ҳеч нарсани кўрмаяпсанми?

— Юпитер ҳаққи, ҳеч нарсани! Ҳаммаёқ қоп-коронги.

— Энди эса истаган нарсангни арвохдан шивирлаб, уч марта сўра. Агар у «ҳа» деса жин пуфлагандагу сувнинг қулқиллаган товушини эшитасан, агар «йўқ» деса, ҳамма нарса жим туради.

— Алдаш бўлмайдими?

— Мен косани оёқларинг тагига қўйиб қўяман, мана бунақа. Энди то сен айтмагунча мен унга теголмайман.

— Буни яхши ўйлабсан. О, Баҳус, ўзинг марҳаматингни дариф тутма! Биласан, мен ҳар доим сени бошқа худолардан кўра кўпроқ яхши кўрганман, мен сенга бултур семиз уйбошиникидан ўмарид келган кумуш косани нисор этаман, башартики сув жинини менга раҳмдил бўлишга кўндиrolсанг. Сен эса, ҳой арвоҳ, қулоқ сол... Келаси йил озодликка чиқишимга лойик шул ишлаб оламаними? Сен буни биласан, чунки сен ҳавода яшайсан, қушлар ҳам, албатта, бу уйнинг барча сир-асрорларини гуллаб қўйган бўлишса керак; биласан, сўнгти уч ойда ҳалол ташмалашим мумкин бўлган ҳамма нарсани ташмаладим (яъни, хавфсиз ҳолда демоқчиман), барибир ҳам менга икки минг сестерций етмаянти. Эй, меҳрибон рух, шу йил зарур даражадаги пулни тўплай оламаними ё йўқ? Гапир. Сув қулқуллагандай бўлдими? Йўқ, ҳамма ёқ гўристондай жим-жит. Хўп, бу йил бўлмаса, келаси йил бўлар? Э-ҳа, қулогимга нимадир чалишяяни; жин эшикни тирнаяни; у хозир бу ерга келади. Демак, келаси йил-а, дўстим? Ахир бу катта муддат-ку. Нима? Тағин жиммисан? Майли, икки ярим йилдан кейин... уч йилдан кейин... тўрт йилдан кейин, хўпми? Балога йўлиқайин... тўрт йилдан кейин, хўпми? Балога йўлиққур, жин дўстим! Сен хотин киши эмассан, бу аниқ, йўқса бу қадар узок сукут сакламас эдинг. Беш йилдан кейин... олти... олтмиш йилдан кейинми? Илоё, сени Плутон кўтарсин! Бошқа сўрамайман.

Сосий жаҳл билан косани тепиб юборди. Кейин қўлларини узок ўйнатганча ва ундан ҳам узокроқ сўкинганча бошига ўроғлиқ рўмолчани ечди ва ўзи қорониликда эканини қўрди.



– Нима бўлди? Ҳой, Нидия... Шамчироқ йўқолгаи. Оббо ёлғончи-ей, у ҳам ғойиб бўлибди. Аммо шошмай тур, мен сени тутаман-да, ҳаммаси учун товон тўлаттираман!

Кул пайпаслаб эшикни қидириб тоғди, аммо эшик ташқаридан қулфлор эди. У Нидиянинг ўрнига тутқун бўлиб қолганди. Нима қиласи энди? Унинг лақиллаб қолганини Арбак билиб колишидан қўрқиб, у эшикни қоқишига ва ёрдам чақиришга журъат қилмади. Нидия эса бу вақт ичидагача бориб олган ва жуфтакни ростлаб қолган бўлиши керак, албатта.

«Аммо у уйга борса керак, деб ўйлайман ёки жуда бўлмаганда, шаҳарнинг бирон жойида юргандир, – мулоҳаза юритди Сосий. – Эртага тонгда қуллар перистилда тўпланганда, овозимни эшлишишади. Шунда уни қидиргани чопаман. Топаман-да, яна бу ерга олиб келаман, Арбак ҳеч нимани билмайди. Ҳа, энг яхши йўли шу. Ҳаҳ, митти алдоқчи-ей, бир дўпюслаб қўлимнинг қичигини босиб олмасамми, бу ҳам етмагандай, сувли косадан бошқа ҳеч вақо қолдирмабди! Шароб қолганида ҳам майлийди, сал ўзимга тасалли бўлармиди».

Тузоққа тушиб қолган Сосий тақдиридан нолиб, Нидияни қандай тутишни ўйлар эди. Нидия эса бизга маълум бўлган ўзига хос шитоб ва аниқлик билан ҳаракат қилганча аста перистилга ўтди, боққа олиб чиқадиган йўлакни қидириб тоғди, юраги гурс-гурс урганча дарвозага йўл олай деганда бирдан Арбакнинг яқинлашиб келаётган қадам товушлари ва қўрқинчли овози қулогига чалинди. Даҳшатдан у нима қилишини билмай котиб қолди; кейин бирдан яна битта йўлак борлиги эсига тушди, – у йўлак катта тагхонадан бу ҳам боққа очиладиган эшикка олиб борарди. Зора-мора баҳтига шу эшик очик бўлса? Шундай ўйлар билан у шошиб орқага бурилди, энсиз нарвончадан пастга тушди ва ҳадеганда йўлак эшиги оғзида пайдо бўлди. Афсус, у эшик маҳкам ёпиб қўйилган экан. Нидия бунга ишонч ҳосил қилгани ҳамон орқадан Каленнинг



овози келди, сүнг Арбак унга паст овозда, нимадир деб жавоб қилди. Қиз бу ерда қола олмасди, афтидан, улар айни мана шу эшикка келмокда эдилар. Нидия түғри келган томонга ўзини урди ва нотаниш жойда пайдо бўлиб қолди. Бу ернинг ҳавоси нам ва совук эди. Бундан у тетиклашиди. Қиз тагхонагами ёки қалондимоғ хўжайини кириши даргумон бўлган қандайдир қоронғи кунжак эканини англади, бирдан унинг қулоғига яна қадам товушлари ва овозлар келиб урилди. У қўлларини олдинга чўзганча ҳамон олға талцинарди, қўллари энди дам-бадам йўғон ва залворли устунларга тегиб-тегиб кетмокда эди. Кўрқувдан сезгилари икки баравар ўткирлашиб, йўл топиб борар ва олға интилар эди. Ҳаво эса қадам сайин рутубатли бўлиб бормокда эди; барибир ҳам, Нидия ҳар замон-ҳар замонда нафасини ростлагани тўхтаганида, қулоғига яна яқинлашиб келаётган одим товушлари ва ноаниқ овозлар чалина бошларди. Охири унинг йўлини девор тўсиб чиқди. Энди қаёққа яширинади? Нидия биронта туйнук-пуйнукми ёки меҳробми топилиб қолишига умид боғлади. Аммо қаёқда! У қаттиқ куюнганча тўхтади. Сўнг, овозлар яқинлашиб келаётганини эшитиб, девор ёқалаб чошиб кетди ва бирдан девордан чиқиб турган ўткир чорқирра ёғочга қоқилиб, йиқилиб тушди. Гарчи ёмон йиқилган бўлса-да, аммо ўзини йўқотмади, қичқирмади; қайтаига қувониб кетди, чунки ёғоч унга пана бўлиб хизмат қилиши мумкин эди-да. У ёғоч билан девор оралиғига ғужанак бўлиб ётиб олди, шунда ҳеч бўлмаганда у бир томондан кўринмас эди, нафасини ичига ютиб, қисматини кута бошлади.

Бу орада Арбак билан Кален мақталган махфий хазинага йўл олдилар. Улар энди ҳайҳотдай еrostи атрийси, яъни таюбий уйда эдилар, пастак шифтни йўғон-йўғон устунлар кўтариб турарди, улар шакл жиҳатдан ўша даврга хос юонча нафосатдан узоқ эди. Арбак кўтариб келаётган ягона шамчироқ каттакатта тошлардан кўпол ва бесўнақай қилиб кўтарилган

яланғоч ва иотекис деворни хира ёритиб туради. Бездовталанган илонлар чакирилмаган меҳмонларга совук қараб турди-турди-да, кейин қоронғиликка, девор тагига ўрмалаб кириб кетдилар.

Атрофга назар солиб, рутубатли, бузук ҳаводан нағас олгач, Каленни титроқ босди.

Арбак буни пайқади ва мийиғида кулиб қўйди.

Ушбу рутубатли тагхоналар тепадаги хоналарни ҳаводор қилиб туради. Улар меҳнаткашларга ўхшайди – кўполликлари учун биз уларни менсимаймиз, улар эса ўзларини менсимаганларни менсимай мағур турдилар.

– Чапдаги қоронғи йўлак қаёққа олиб боради? – сўради Кален. – Бу ерда зулматда унинг охири йўққа ўхшаб кўринади, гўё тўғри Аидга қараб кетгандай.

– Аксинча, у юкорига ёруғликка олиб чиқади, – жавоб берди Арбак эътиборсизгина. – биз эса ўнгта, мақсадимиз томон буриламиз.

Номиеяда тез-тез учраб турганидек, танобий хона икки қанотга ёки йўлакка ажраларди, гарчи у қадар бўлмаса-да, аммо шамчироқдан қочувчи зулмат туфайли охири йўққа ўхшаб туюларди. «Дўстлар» ўнгдаги йўлакка бурилдилар.

– Кувноқ Главк эртага унча рутубатли бўлмаса-да, аммо анчагина тор уйга қўчиб ўтади, – деди Кален, улар кенг гўла панасида Нидия ётган жойдан ўтиб кетишар экан.

– Ха, аммо уигача саҳнадаги куруқ жойда мириқиб дам олиб олади. Ҳазилакам гапми, – деди Арбак дона-дона қилиб ва ғоят босиқлик билан, – сенинг биргина сўзинг уни омон сақлаб қолиши ва Арбакни унинг қисматига гирифторм этиши мумкин эди.

– Аммо бу сўз ҳеч қачон айтилмайди, – уни кувватлади Кален.

– Тўғри, азизим Кален! Ҳеч қачон! – деди Арбак, коҳиннинг елкасидан дўстона кучиб. – Энди эса тўхта – биз стиб келдик.

Титроқ ёғду деворга чуқур ўрнатилган ва устидан темир япроқчалар ва қавссимон михлар, дагал ва

қорайиб кетган тахталар билан тамбаланган чоққина өникни ёритиб турарди. Арбак камаридан уч-түртта калта-калта, аммо зилдай қалитлар осилиб турган ўртача қатталиқдаги ҳалқани суғуриб олди. О, қўриқланаётган ҳазиналарига бирор кириб келганидан бозовта эски қулфларининг ғичирлашини эшигандан Каленниң ҳарис юраги қаңдай уриб кетганини кўрсангиз эди!

— Бу ёққа кел, дўстим, — деди Арбак. — Мен шамчирокни баландроқ қўтариб тураман, тоқи сен олтин хирмонларини яхшилаб томонга қилиб ол.

Бетоқат Кален шеригининг сўзини икки килиб ўтиради: у шошиб оддинга қадам ташлади.

Бироқ у ичкарига қадам қўяр-қўймас Арбакниң кучли қўллари уни ичкарига итариб юборди.

— Бу сўз ҳеч қачон айтилмайди! — деди мисрлик тантанавор қаҳ-қаҳ уриб қулиб; сўнг эшикни гурсиллатиб ёнди.

Кален зинапоялардан пастга думалади, аммо оғрикни ҳам сезмасдан сапчиб ўрнидан турди-да, эшикка отилди. У жон-жаҳди билан эшикни дўшослаб одамзоддан кўра кўпроқ ҳайвонотга ўхшаш қулоқни тенгадиган овозда қичқира бошлиди:

— Қўйиб юбор, қўйиб юбор мени! Менга олтин керак эмас!

Калин эшик ортидан унинг овози зўрға эшитиларди ва Арбак яна кулди. Кейин у эшикни жаҳл билан бир тенди-да, ниҳоят ўзини бехавотир хис қилиб, деди:

— Далмацияниң ҳамма олтинига бир бурда куюқ нон бермайди! Очингдан ўлиб кет, ифлос! Жонинг чиққандаги охларингга арвоҳ ҳам қарамайди. Сен ўзингни еб адо қиласан, Арбакка таҳдид қилган, унинг жонига зомин бўламан деган нокаснинг итдай ўлиб кетганини биронта тирик жон билмайди. Хайр!

— Афв эт, раҳм қил! Тошбагир, ёвуз, наҳотки сен...

Аммо Арбак энди қулоқ солмасди, у зим-зиё тагхонадан орқага тез одимлаб кетди. Йўлда унга семиз, шиниган бака учради, Арбак босиб олмаслик учун уни айланаб ўтди.

— Ҳар қанча жирканч бўлсанг ҳам менга зиён етказа олмайсан, — ғудранди у, — шу боис сенга тегмайман.

Каленнинг фарёдлари мисрликнинг қулоғига араинг етиб келмоқда эди. У тўхтаб, қулоқ солди.

«Ҳамма бало шундаки, — ўйлади Арбак, — то бу фарёдлар абадий тинмагунча мен бу мамлакатдан кетолмайман. Менинг хазиналарим бу ерда эмас, балки нариги қанотда. Аммо куллар уларни олиб чиқа бошлаганида, улар қичқириқларни эшишиб қолишлари мумкин. Дарвоқе, нимадан қўрқардим? Агар у ўлиб қолмаса, уч кундан кейин овози ўча бошлайди, отамнинг соқоли ҳаққи! У лаҳадда ётгандай ётаверади. Лекин, Исида ҳаққи, бу ер совуқ экан! Хушбўй Фалерн шаробидан бир коса ичиб олмасам бўлмайди».

Виждон азоби нималигини билмайдиган мисрлик кийимиға яхшироқ ўраниб олди-да, юкорига кўтарилди.

## XII боб

### НИДИЯ КАЛЕН БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Нидия эшитган гаплар бир томондан уни даҳшатга солса, иккинчи томондан юрагида умид пайдо қилган эди. Эртага Главк устидан хукм чиқарилади. Арбакни ўлимга топшириб, уни қутқариши мумкин бўлган одам бор ва бу одам ундан атиги бир неча қадам нарида турибди! Гарчи энник ортидан элас-элас қулоққа чалишаётган бўлса-да, унинг қичқириқлари ва фарёдларини, қарғип ва дуоларини у эшишиб турарди. У одам зинданда эди, аммо қиз сирни биларди. Факат бу ердан қочиб чиқиб, преторни топиш керак — уни озод этинга улгурадилар ва афиналик омон қолажак. Ҳаяжондан у бўғилиб қолаёзди; мияси ишламай қолди, ҳушини йўқотди, бироқ у яна ўзини қўлга олди ва дикқат билан қулоқ солиб, Арбакнинг кеттанига ишонч ҳосил қилди. Нидия қичқириклар томон юра бориб, Каленга ёшилган

жиккача етиб олди. Бу ерда унга тутқиннинг аламли дод солишлари аникроқ эшитиларди. У Кален билан гапланишга уч карра уриниб кўрди ва уч карра ҳам унинг овози қалин эшиқдан ёриб ўтолмади. Нихоят, у қулғни пайнаслаб, қалит тешигига эгилди ва тутқин кимдир унинг исмини айтиб чақираётганини баралла эпиди.

Каленниң томирларида қон тўхтаб қолди, сочларни хурпайди. Бу даҳнатли танҳоликка қанақа сирли, ғайритабий хилқат кириб олган бўлиши мумкин?

— Ким у? — сўради у, баттар қўрқиб. — Бечора Калени қайси арвоҳ, қайси жин чақирайти?

— Коҳин, — деди қиз, — Арбак билмайди, мен тақдир тақозоси билан унинг хиёнаткорлигига гувоҳ бўлдим. Борди-ю, мен ўзим бу ердан чиқиб кета олсам, сени қутқараман. Аммо ҳозир мана бу тирқишдан менинг битта саволимга жавоб бер.

— Оҳ, меҳрибон даҳо! — севиниб деди коҳин тешикка эгилиб. — Мени қутқар, яхшилигингни қайтариш учун меҳробдаги барча косаларни сотаман.

— Менга сенинг олтининг эмас, сиринг керак. Тўғри эшитибманни гапларингни? Афиналик Главкни катлдан саклаб қола оласаними?

— Албатта, саклаб қола оламан! Акс ҳолда фуриялар тилка-пора қилгур Арбак нима учун мени бу ерга алдаб олиб келди ва очдан ўлдирмоқчи бўлди?

— Главкий қотилликда айблашашаити. Айбни сен рад эта оласаними?

— Мени озод қилсанг бўлгани, у Помпеядаги энг озод инсонга айланади. Арбакниң қандай тиф урганини ўз кўзим билан кўрдим. Мен ҳақиқий қотилни фош этиб, гуноҳсизни қуткара оламан. Аммо борди-ю, мен ўлиб кетсам, у ҳам ўлади. Сенга унинг тириклиги керакми? Эй, нотаниш аёл, олижаноб юрагинг унинг қисматини ё у ёқлик, ё бу ёқлик қиласди!

— Сен нимани билсанг, ҳаммасини рўйи рост айтиб берасаними?

— Айтиб бераман! Алдасам, етти дўзах ўтида куяй. Каззоб мисрликдан қасос олмай қўймайман. Ал-қасосул мин ал-ҳақ!

Кален тишларини ғижирлатиб бу сўзларни айтганида, унинг мана шу ғазабининг ўзиёқ Главкнинг оқланишидан дарак беришини Нидия англади. Унинг юраги тез-тез ура бошлади. Наҳотки қисмат ёр бўлиб, севгилисисининг кутулиб кетишига имкон яратса?

— Яхши, — деди қиз. — Мени бу ерга олиб келган худолар чиқиб кетишимга ҳам ёрдам беришади. Ҳа, сенга ёрдамим тегишини сезиб турибман. Сабр қил, умидсиз бўлма.

— Сен ҳам эҳтиёт бўл, ақл билан иш тут, ҳой, меҳрибон қиз. Арбакка ёлбора қўрма — у тошдан ҳам ҳиссизроқдир. Преторни топ, унга ҳаммасини айтиб бер, бу уйни топишга одам қўйсин. Яхши аскарлардан, темирчилардан олиб кел бу ерга — бу қулфлар жуда қаттиқ! Вакт кетаяпти, тезроқ ҳаракат қиласанг, очимдан ўлиб қоламан. Бор, бор тезроқ!.. Йўқ, шошмай тур... Бир ўзинг қолиш қандай даҳшат! Бу ернинг ҳавоси лаҳадга ўҳшиайди... чаёнлар ҳам бор... жинлар ҳам! Кетма, мени ташлаб кетма!

— Йўқ, — деди Нидия, коҳиннинг қўрққанидан ташвишланиб, аслида у танҳоликда ҳаммасини обдан ўйлаб олмоқчи эди. — Сени кутқаришм учун мен боришим керак. Умид сенга ёру маҳадкор бўлсин. Хайр!

Шундай деб, қиз устунлар оралаб, қўлларини олдинга чўзганча юқорига олиб чиқадиган йўлаккача стиб олди. Аммо у шу ерда тўхтади; то бутун уй уйқуга кетмагунча кутиб туриш маъқуллигини ҳис этди, шундагина сездирмасдан чиқиб кета олади. Шу боис у яна ётиб олди ва ўтаётган дақиқаларни санай боплади. У узоқ дилгирликка ўрганмаганди ва юраги севинчдан гурс-гурс қиласарди: Главкка ажал соя солиб турибди, аммо у севгилисисини қутқариб қолади!..

### XIII боб

## НИДИЯ БОҚҚА ЧИҚИБ ОЛАДИ. У ҚОЧИБ ЧИҚА ОЛАРМИКАН ВА АФИНАЛИКНИ ҚУТҚАРАРМИКАН?

Билағонлар юқори баҳолайдиган ўткир ва хүшбүй шаробдан катта бир косасини симириб, қонини жўшириб олган Арбак янада рухланиб кетди. Гарчи жиной мақсадларга хизмат қылса-да, ўз топқирликлари билан мағурланиш одамларга сут билан кирган. Уларни кибр-ҳаво ўз айёрликлари ва енгил эришилган муваффакиятларидан суюнишга мажбур этади, кейин оса қаттиқ пушаймон қила бошлайдилар.

Аммо Арбак аллақандай пасткаш Каленни деб афсуланиб, ўзини қийнайдиган аҳмоқлардан эмасди. У кохиннинг азоблари ва унинг қийнала-қийнала аста-секин ўлиши ҳақидаги ўйларни миясидан чиқариб ташлади; у бир нарсани ҳис этарди – даҳшатли хатар ортда қолди ва душман чурқ этолмайди. Энди бир бало қилиб Каленниг ғойиб бўлишини коҳинларга тушиуниш қолган эди, холос, аммо бу унчалик қийин эмаслигини Арбак биларди. Турли топшириклар билан у Каленни қўшни шаҳарларга тез-тез юбориб турарди ва уни Геркуланум ва Неаполдаги Исида эҳромлари учун инъом-эҳсонлар билан жўнатдим деб бемалол айта оларди. Исиданинг коҳини Апекиднинг ўлимидан кейин маъбуданинг кўнглини олмай бўларканми? Кален ўлгач оса жасадни Сарн дарёсининг чуқур сувига улоқтириб юбориш мумкин ва шунда унинг тўрт томони қибла бўлади. Борди-ю, коҳинни топиб олсалар, шубҳа кўпроқ масиҳийлар зиммасига тушади: жант саҳнасида Олинфнинг ҳалокати учун қасд олишни истовчилар, албатта, шулар бўлиб чиқади-да. Шуларни тез-тез хаёлидан ўтказиб, Арбак шўрлик коҳинни эсдан чиқарди.

Ётишдан олдин хизматкорлари кийимларини ечгани келганида у Нидияни эслади. Хаёлига Иона қайлигининг жиннилиги ҳакида билмаслиги керак деган ўй келди,

акс ҳолда қиз уни жиноятда айблай олмайди; Нидиянинг бу ердалигини эса Иона қул чўрилардан эшитиб қолиши мумкин ва уни кўришни исташи ҳам мумкин. У ўзининг озод бўлган қулларидан бири томонга ўгирилди:

— Каллий, югур Сосийнинг олдига, — деди у. — Унга айт, ожиза Нидияни хонадан чиқишига зинҳорбазинҳор йўл кўймасин... Ёки тўхта. Аввал Ионага хизмат қилаётган чўри қизларга бориб айт, кўр қизнинг менинг уйимда экани ҳақида Ионага оғиз очишмасин. Югур тез!

Озод қул югуриб кетди. Ионанинг чўриларига Арбакнинг топшириғини етказиб, у Сосийни қидириб кетди. Бу мухтарам зот ўз хужрасида йўқ эди, озод қул уни қичқириб чақирди ва шундок ёнгинасидан, Нидиянинг хонасидан овоз келди:

— Ох, Каллий, бу сенмисан? Худоларга шукур-еъ! Эшикни оч, ўтинаман!

Каллий лўқидонни сурди ва эшикдан Сосийнинг ачинарли башараси кўринди.

— Ие! Сосий, ёш қиз билан ичкарига қамалиб олисанми? Бу қандай шармандалик!

— Падарига лаънат ўша жодугарнинг! — шошиб унинг гапини бўлди Сосий. — У менинг бошимга етади!

Кейин у Каллийга ҳавойи жин ҳақида ва Нидиянинг қочиб кетгани хусусида ҳикоя қилиб берди.

— Бадбаҳт Сосий, эди дорга тортиладиган бўлдинг! Ҳозиргина Арбак менга тайинлаганди, бориб айт, қизни хонадан бир қадам ҳам жилдира кўрмасин, деганди!

— Шўрим қурсин! — зорланди қул. — Энди нима қилдим? Шу вақтгача у шаҳарнинг ярмини кезиб чиққандир. Аммо эртага уни ўзининг ҳар доимги жойида албатта тутиб оламан. Факат сен ҳеч кимга ҳеч нима дема, азизим Каллий.

— Сенга дўстлигим ҳаққи оғиз очмай турман, тики менинг ўзимга ҳам зиён тегмасин. Аммо қизнинг бу даргоҳда эмаслигига ишончинг комилми? Тағин шу ерда бирон жойда яшириниб олган бўлса-чи?

-- Шундоқмикан-а? У бокқа бемалол чиқа олар эди, дарвоза эса, боя айтганингдай, очиқ эди.

- Йўқ, чиқа олмас эди! Бу вақтда Арбак коҳин Кален билан боғда юрарди. Хўжайнинг эртанги чўмилишлари учун муаттар гуллардан тергани ўша ёкка ўтувдим, хонтахта устида сенинг эҳсонларингни кўрдим. Аммо дарвоза ёпик эди. Хотиржам бўл, Кален боғ томондан кириб, дарвозани ёпиб қўйган.

- Аммо қулф солмаган-ку!

- Йўқ, қулф солмаган. Лекин менинг бир нарсадан жаҳлим чиқаяпти – ахир ҳар қандай ўғри перистилдаги мис безакларни ўғирлаб кетиши мумкин-ку. Мен уни ўз қўлим билан қулфлаб қўйгандим, калит эса ёнимда эди. Ўша дарбон қўлимга тушсами, боплаб таъзирини бериб қўярдим. Калит эса, мана, камаримда турибди.

- Эй, меҳрибон Вакҳ, сенга бекорга таваллолар қилмаган эканман! Кани, вақтии ўтказмайлик. Тезда бокқа борайлик, балки қиз ҳам шу ердадир?

Оққўнгил Каллий қулга ёрдам беришга рози бўлди. Кўшини хоналар ва перистилдаги меҳробларни беҳуда қидириб, улар бокқа чиқишиди.

Худди шу пайтда Нидия яшириниб турган жойини тарқ этишга қарор қилди. Унсиз, қалт-қалт титраганча, кўксини тарс ёргудек бўлаётган нафасини ичига ютиб, тоҳ чирмовуқлар чирмаган устунларни пана қилиб, тоҳ улардан чиқиб, ойдинда ялтираб турган нақшинкор полдан юриб-юриб, у перистилгача етиб келди, айвондан бокқа тушди, қоп-қора, тош қотган дараҳтлар орасидан сирғалиб ўтди-да, лаънати дарвозагача етиб олди. Дарвоза қулфлоғ эди! Қулфга қўл учи тегишидан жаҳли чиқсан кўр одамнинг чехрасида пайдо бўлган дард, қазаб, қўрқув ифодасини ким билмайди? Аммо шу паллада Нидиянинг юзида акс этган юракни тилка-пора қилиб юборувчи ғамни тасвирилашга сўз топилармикан? Уништ жажжигина титроқ қўллари бешафқат дарвозани қайта-қайта пайпаслар эди. Шўрлик қиз! Наҳотки сенинг ажойиб матопатинг, бегуноҳ айёргиғинг, ит

ва овчидан қочиб кутулиш учун қилган барча саъй-харакатларинг сувга уриб кетса? Сендан атиги бир неча қадам нарида, уринишларингдан, жон-жаҳдинг билан ҳаракат қилишларингдан кулган, энди ҳеч қаёққа кетолмаслигингни билган ҳолда тошбағирларча ўлжасига човут солишга мунтазир таъқибчиларни, афсуски, сен кўра олмайсан!

— Жим, Каллий, тегма унга. Кўрайлик-чи, дарвоза маҳкам ёпиқлигини билгандан кейин у нима қиласкин?

— Қара! Юзини осмонга қилиб, нималарнидир гапирайпти, ерга ўтириб олди. Йўқ! Поллукс ҳаққи, у қандайдир янги ҳийла ўйлаб топди, у орқага қайтмоқчи эмас. О, Юпитер, қайсарлик ҳам шунчалик бўлади-да! Қара, иргиб турди, орқага қайтди, йўл қидираяпти. Илтимос, Сосий, афрайма. Боғдан чиқиб кестмасидан уни тутиб ол. Қани!

— Ҳа-а! Кўлга тушдингми! — деди Сосий шўрлик Нидияни ушлаб олиб.

Зиндонбон уни маҳкам ушлаб олганда кўр қиз шунақанги қичқирдики, бу ит тишида тутиб турган қуённинг «одамга ўхшаб» жон ҳолатда чийиллашига ёки бирдан уйғотиб юборганда, кўрққанидан ойнараст соган ногаҳоний, дилтешар фарёднинг ўзгинаси эди. Бу фарёд шу қадар дард ва аламга тўла эдики, уни бир карра эшитган одам умрбод эсдан чиқармасди. Қизга гўё Главк ғарқ бўлиб кетаётгандек, ёпишган сўнгги чўп ҳам қўлидан чиққандек туюлмоқда эди. Йигитнинг қисмати ҳал бўлмоқда эди — ё хаёт, ё ўлим; ўлим тантана қилмоқда эди.

— Ё худолар! Унинг фарёди бутун уйни остин-устин қиласди-ку! Арбак сергак ухлайди. Оғзига бир нима тиқ! — деди Каллий.

— Бу жодугар кўзини боғлаган рўмолча, мана, қўлимда! Қани, бу ёққа олиб кел уни... Мана, бўлди. Энди сен кўргина эмас, гунг ҳамсан.

Сўнг момикдай енгил қизни қўлларига кўтариб олди-да, Сосий уйдан тез юриб ўтиб, Нидияни у қочиб

кетган хонага олиб келди. У ерда қизнинг оғзидан латтапи олиб қўйиб, қул уни азобли ва даҳшатли танхоликда қолдирди, бу азобни ҳатто Аиддаги азоб билан ҳам таққослаб бўлмасди.

#### XIV боб

### ҚУВНОҚ ДЎСТЛАР МУСИБАТЛАРИДАН ОДАМЛАР ҚАЙФУДА. ЗИНДОН ҚУРБОНЛАРИ

Главк ва Олинф устидан бўлаётган суднинг охирги, учинчи куни. Ҳукм чиқарилиб, суд тарқагандан бир неча соат ўттач, бир нечта йигит Лепидникида зиёфатга тўпланди. Мезбон уларни тансиқ таомлар ва шароб билан сийлади.

– Шундай қилиб, Главк айбини охиригача тан олмабдими? – сўради Клодий.

– Ҳа. Арбак ҳам рад этиб бўлмас далилларни келтирди: қандай зарба берганини у кўрган экан, – жавоб берди Лепид.

– Коҳин Аискид ўзи ҳам ўлгудай тунд, ичи қора одам эди. Ҳойнаҳой, у Главкни қувноқ ҳаёти учун ҳақорат қилган, Иона билан турмуш қуришига розилик бермаган бўлса керак. Улар уришиб қолишган. Главк, афтидан, қизишиб кетиб, ўзини тутолмаган. У маст бўлган, кейин эса аламидан эс-хушини йўқотган ва бир неча кунгача ўзига келолмай юрган. Бечора! Нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмаса керак. Жуда бўлмаганда зийрак Арбак шундай деб ўйлади, у далилларни жуда ўрни билан, жой-жойига қўйиб келтирди.

– Ҳа, бу унинг обрўйини ошириб юборди. Лекин юмшатувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, Сенат ҳам бундай қаттиқ ҳукм чиқармаслиги керак эди.

– Фазабга тўлиб-тошган халқ бўлмаганида, у шундай қиласар эди ҳам. Коҳин воқеаси бу тошбағир одамларни баттар қутуртириб юборди, одамлар Главк бойлиги ва насаби шарофати билан жазодан қутулиб қолиши



мумкин деб ўйлаганди. Шу боис улар унга карши қаттиқ туриб олишди ва ўлим хукми чиқаришни талаб қилишди. Нима сабабдантир Главк ўз вақтида Рим фукаролигини қабул қилмаганди. Сенат омма ғазаби олдида ожиз. Бироқ шундай бўлса ҳам хукм атиги уч овоз кўлчилик билан маъқулланди. Хой, қул! Хиосникидан қўйсанг-чи!

– Главкнинг ўзгариб кетганини қаранг! Аммо у аввалгидек тетик ва ботир!

– Кўрамиз, унинг тетиклиги эртагача бардош берармikan. Борди-ю, анави лаънати даҳрий Олинф матонатда ундан қолишмаса, унинг бу ботирлигидан нима фойда?

– Шаккок! – деди Ленид тақводорона ғазаб билан. – Гарчи осмонда бир парча ҳам булут бўлмаса-да, соқчилардан бири япин уриб ўлганига нима дейсизлар? Муртад кофир ҳали ҳам борган жойларини булғабтирик юрганидан худолар Помпеядан ўч олаяни.

– Тағин ҳам Сенат бағрикенглик қилди: Олинф тавба қилса, Кибела меҳробига бир неча дона исириқ уруғи ташласа бўлди эди, уни тинч-эмин қўйиб юборишарди. Борди-ю, уларнинг худолари ҳайкалларини ер билан яксон қилганимизда, уларнинг урф-одатларини хақорат қилганимизда, динини рад этганимизда, бизнинг ўрнимизда бўлишганида уларнинг тек қараб туришларига ҳечам қўзим етмасди.

– Суд юмшатувчи ҳолатни хисобга олди, омон қолишга Главкда ҳали умид бор: у арслонга қарши коҳинни ўлдирган усулни ишлатишига рухсат берилди, ахир.

– Сен арслонни кўрганмисан, ўзи? Унинг тишларини кўрганмисан? Шуни умид деса бўладими? Ҳатто қилич билан қалқон ҳам бу даҳшатли йиртқич олдида чўп билан папирус қорозичалиқ бўлмай колади-ку. Йўқ, ундан кўра жонини суғуриб олиб қўя қолишса, буни мурувват деса бўлади. Унинг баҳтики, бизнинг инсонпарвар қонунларимизга кўра хукм, гарчи дарҳол

чиқарилмаган бўлса-да, бетўхтов ижро этилиши керак.  
Ва амфитеатрдаги ўйинлар эртаси кунга тайинланган.  
Ўлимни куттан одам икки бора ўлади.

— Даҳрийга келсак, — деди Клодий, — уни кутурган  
йўлбарсга қуролсиз ташлапади. Бу олишувларнинг  
охири аниқ. Хўш, ким мен билан гаров ўйнайди?

Ҳамма кулиб юборди — савол ҳаддан ташқари бе-  
маъни эди.

— Бечора Клодий! — деди хўжайн. — Дўстни йўқо-  
тиш — бу ҳазил гап эмас, бироқ уни қутқариб қолишга  
ҳеч ким пул ташлашини истамас экан, бундан ёмон  
бахтсизлик бўлмайди.

— Шубҳасиз, бу ачинарли ҳол. У ҳам, мен ҳам бит-  
та ўйдан тасалли топган бўлардик: у сўнгти нафасигача  
дўстларга яхшилик қилди.

— Омма ҳукмдан мамнун, — деди Панса жиддий. —  
Кўплар бизни йиртқичларга ташлагани одам тополмай-  
ди, деб қўрқкан эди. Энди эса ҳамма дўнисини осмон-  
га отса арзиди — бир эмас, биратўла иккита жиноятчи  
чиқиб қолди. Одамларни иш эзиб юборган, бир кўнгил  
очишгани қолади.

— Ҳамма яхши кўрадиган Пансапинг уйларини кўр-  
дингиз-а? Қачон қараманг, ортидан тиланчилар ғолиб  
лапкардай узун дум бўлиб эргашиб юради. У қачон  
қараманг, халқни гапиргани-гапирган. Эй худолар! У  
то Гракх бўлмагунча қўймайди!

— Ҳа, бўлмаса-чи, мен аллақандай калондимоғ  
патриций эмасман, — деди Панса камтарона оҳангда.

— Йўқ, — деди Лепид, — ўйин олдидан мурувватли  
бўлиш хатарли. Гарчи мен туб римлик бўлсан-да, аммо  
борди-ю, қачондир менинг суд олдида туришимга тўғри  
келиб қолгудек бўлса, Юпитерга ялиноман, виварий-  
да йиртқичлар бўлмасин ё қамоқхонада жиноятчилар  
тўлиб-тошган бўлсин.

— Марҳамат қилиб айт-чи, — деди меҳмоnlардан  
бири, — Главк уйланмоқчи бўлган шўрлик қизга нима  
бўлди? Эрга чиқмай туриб бева қолин — оғир қисмат!

— Унга ҳеч нима бўлмайди, — жавоб берди Клодий. — У ҳомийси Арбакнииг паноҳида. Ҳам эридан, ҳам акасидан бирдек жудо бўлгандан кейин уникига кўчиб ўтишига ажабланмаса бўлади.

— Венера ҳаққи, Главкнинг аёллар ўртасида эътибори баланд. Айтингларича, бой Диомеднинг қизи уни севиб қолганиши.

— Булар бари уйдирма гаплар, дўстим, — деди Клодий хотиржам оҳангда. — Мен бугун уни кўрдим. Борди-ю, у шундай туйғуларни кечираётган бўлса, унинг кўнглига таскин беришдан болим кўкка етган бўларди.

— Кулок солинг, дўстлар! — деди Панса. — Клодий Диомеднинг уйида тўй машъаласини ёқмоқчи бўлаётганини биласизларми? Олов ёқа бошлаган, кўп ўтмай Гименей меҳробида ял-ял қила бошлайди.

— Буни қарант-а! — ҳайрон бўлди Лепид. — Наҳотки Клодий уйланадиган бўлса?

— Ўзингни бос, — жавоб берди Клодий. — Кекса Диомед қизини олийжаноб одамга бераётганидан ўзида йўқ хурсанд, у сестерцийларини аямайди. Мана кўрасиз, мен бу пулларни атрийга яшириб қўймайман. Бой меросхўр қизга уйланганда Клодийнинг қувноқ дўстлари учун толе кулган кун бўлади.

— Модомики шундай экан, — деди Ленид, — гўзал Юлия соғлиғи учун косаларни тўлдириб бир кўтарайлик!

Серҳашам триклинийда шу сухбат бўлиб турганида ёш афиналик бошқача муҳитта тушиб қолган эди.

Хукм чиққанидан кейин Главкни мусибатда ташлаб кетмаган ягона дўсти, оккўнгил Саллюстийнинг уйида қолишига ортиқ йўл қўйишмади. Уни кўриқчилар назорати остида форумдан олиб ўтишиди ва Юпитер эхроми деворидаги ён эшик олдида тўхташини амр этдилар. Бу жойни ҳозир ҳам кўриш мумкин. Эшик ўзига хос тарзда очиларди: у ўртасидан ўтказилган ўқда айланарди, у ҳозирги турникетга ўхшаш эди ва эшик ўрнининг факат ярмини очар эди. Мана шу энсиз те-

шикдан уни ичкарига итариб киргизиши, унга нон ва күзада сув қолдиришиди, кейин уни қоронгиликда, ўзи ўйлаганидек, танҳоликда ташлаб кетишиди. Уни ёшлик завқ-шавқларию бахтли муҳаббат чўққисидан шармандалик ва қонли ўлим чохига улоқтирган омад чархпалиги ана шундай туйқус тескари айланди, бу Главкка қандайдир ёмон тушга ўхшаб кўринди. Унинг бақувват гавдаси дамламанинг таъсирини бир амаллаб кўтара олди, яхшиямки унинг ярмидан кўпроғини сипкоришга улгурмаган экан. У эс-хушини яна тўплаб олган бўлсада, бироқ қалби ҳамон мажруҳ эди...

У қаттиқ «ух» тортди. Унинг «ух»ига қоронгилик ичидан кимниингдир овози жавоб берди:

- Бу мудҳиш соатда менга ўрток бўлган ким? Сен эмасмисан, афиналик Главк?
- Ҳа, бахтли замонларда мени шундай чақиришарди, энди эса, эҳтимол, отим бошқачадир. Сен ўзинг кимсан, ҳой нотаниш зот?
- Мен Олинфман. Бизни бирга суд қилишибди ва битта зиндонга ташлашди.
- Сен ўша дахрий деб аташган одам эмасмисан? Айт-чи, мана шу одамлардаги адолатсизлик сени худоларга мункир келишига ўргатмадими?
- Афсус! – жавоб берди Олинф. – Ҳакиқий дахрий мен эмас, сенсан, зеро ягона чин худони сен инкор этасан, мен эса ўз худойимни биламан. Мана шу оғир ламда ҳам у мен билан бирга. Унинг табассуми зулмат қаърини ёриб ўтиб келаяпти. Ажал бўсағасида юрагим мангулик ҳақида шивирляяпти ва мен эзилган руҳим фалакларга парвоз қилиши учун ерни тарк этаман...
- Менга айт-чи, – унинг гапини бўлди Главк, – судда сенинг исмингни Апекид исми билан бирга айтишиди. Менинг айбордорлигимга сен аминмисан?
- Юракдаги гапларни факат худо ўқий олади! Аммо сендан гумошим йўқ.
- Кимдан бўлмаса?
- Сенинг айбловчинг – Арбак.

— Оҳо! Рухимни кўтариб юбординг. Хўш, нима учун?

— Чунки мен бу одамнинг юраги кўмирдай қора эканини биламан. Бунинг устига, унинг марҳум Апекиддан қўрқадиган жойи бор.

Шу тариқа Олинф китобхонга олдиндан маълум барча тафсилотларни Главкка сўзлаб берди, — хочга чўқингандан кейин Апекид мисрлик коҳинлар ва Арбакнинг найрангларини қандай фош этишга жазм этгани борасидаги гаплар эди бу.

— Шу боис, — якунлади Олинф, — Апекид Арбак билан учрашиб қолса, уни алдоқчи деб атар, сирингни очаман деб дўқ уради, кечки пайт кимсасиз дараҳтзордан фойдаланиб, мисрлик разаб ичидаги унга ҳалокатли зарба берган бўлиши мумкин.

— Шундай бўлганига иймоним комил! — деди Главк суюниб. — Қандай баҳт!

— Бечора, бундан сенга нима фойда? Ҳукм чиқиб бўлгаши. Сеп маҳкумсан, гарчи беайб бўлсанг-да, ҳалок бўласан.

— Аммо энди айбисизлигимга қаттиқ аминман, илгари эса телбалигимга бориб, гоҳо ўзимдан шубҳа қиласар эдим...

## XV боб

### ГЛАВК ТАҚДИРИДА ЎЗГАРИШ

Нидияни яна устидан қулф уриб, қамаб қўйишгандан кейин унинг учун вақт ҳаддан ташқари секин ўта бошлиди.

Сосий, афтидан, қиз уни яна аврашидан қўрқиб, унинг ёнига факат эртасига келди, егулик ва шароб солинган саватчани қўйди-да, тезгина эшикни қулфлади ќетди. Соатлар ўтиб бораради, Главкка ҳукм чиқарилиши керак бўлган кунда Нидия зим-зиё зинданда тутқунликда ётарди, борди-ю, у қочиб кет-

са, йигитни ўлимдан асраб қолиши аниқ әди. Гарчанд қочишнинг сира иложи бўлмаса-да, нозиккина, аммо жасур ва ақлли бу қиз Главкни қутқаришнинг ягона имконияти унинг қўлида эканини билиб, тушкунликка тушмасликка ва энг кичик имкониятни ҳам бой бермасликка азму қарор этганди. Аччиқ фикрлар унинг шуурини хиралаштиrmай қолмасди, бироқ у ўзини қўлга олди, куч тўплаб, шай туриш учун ҳатто тамадди қилиб, шароб ҳам ичди.

У қочишнинг кўплаб йўлларини хаёлидан ўтказди, аммо ҳаммасидан воз кечишга мажбур бўлди. Сосий ўша-ўша унинг ягона умиди, фойдаланиши мумкин бўлган ягона қуроли әди. Қиз унинг иримчи эканини ва қачон бўлмасин, озодликни сотиб олишга муваффак бўладими ё йўқми, шуни билишга муштоқ эканини ҳам биларди. «Эй, марҳаматли худолар! Унга озодликни ваъда қилиб, уни сотиб олишнинг иложи йўқмикан? – деб ўйларди қиз. – Ахир бунинг учун унинг бисоти етарли эмасми? Унинг ингичка билагида Иона совға қилган билакузуклар бор, бўйнида эса Главк ҳадя қилган тилла занжир осилиб турарди. Қиз Сосийни тоқатсизлик билан кута бошлади. Аммо вакт ўтиб борарди, ундан эса ҳамон дом-дарак йўқ, тоқатсизлик ич-этини кемириб азоблар әди. Шўрлик қиз титрар әди, ёлғизликка ортиқ бардоши етмаётганди, у оҳ урар, қичқирап, эшикни урар әди. Унинг қичқиришлари атрийда акс садо берарди. Охири Сосий жаҳлидан фудранганча нима гаплигини билмоқ учун қизнинг олдига борди:

– Ҳай-ҳай! Бу қандай гап? – сўради у қўрс оҳангда. – Кўп қичкираверма, қизалоқ, бўлмаса яна оғзингта латта тикиб қўйишга мажбур бўламан. Агар овозингни хўжайин эшитиб қолса, нақ бошимда тегирмони тоғи юргизади-я.

– Мехрибон Сосий, мени уришма, бунча узок бир ўзим қололмайман, – жавоб берди Нидия. – Кўрқиб кетаяпман. Ёнимда бирпас ўтири. Кўрқма, қочиб кетмайман, сен эшикнинг оғзида ўтира қол, икки кўзинг

менда бўлсин, мен эса жойимдан бир қадам ҳам жилмайман.

Ўзи ҳам гап сотишни яхши кўрадиган Сосий унинг илтимосини қондиришга рози бўлди. Гаплашадиган ҳеч кими йўқ қизга раҳми келиб кетди, ахир ўзи ҳам зерикиб кетган эмасми, кўпгли ийиб, бир йўла дилининг чигилини ёзишга қарор қилди. Нидиянинг гаплари ни тинглаб туриб, у «узун курси»ни бўсағага қўйди, орқаси билан эшикка суюнди ва деди:

— Мен асти бафритошлиқ қилмоқчи эмасман, сен билан ундан-буидан гаплашсам дейман. Аммо эсингда бўлсин, ҳеч қанақа айёрлик, ҳеч қанақанги найранг кетмайди.

— Йўқ, йўқ. Менга айт-чи, меҳрибон Сосий, соат неча бўлди?

— Кеч кирди, эчки подаси уйга қайтаётиби.

— Эй худолар! Суд нима билан тугади?

— Иккаласи ҳам ўлимга хукм этилди.

Нидия қичқириб юборишдан ўзини базур тийди.

— Оҳ, худди ўйлаганимдай бўлибди. Уларни қачон қатл қилишар экан?

— Эртага сахнада. Сен бўлмаганингда, ҳой шумшук қиз, мен ҳам бориб томоша қилган бўлардим.

Нидия деворга суюнди. У чидаёлмади, лоҳас бўла бошлади. Аммо Сосий буни сезмади, чунки қоп қорайиб қолган ва бунинг устига ўзининг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётарди. Шундай томошадан қурук қолаётганидан афсусланиб, ҳамон ҳасратидан чанг чиқар, шунча қуллари туриб, ичидан зинданбонликка уни танлаб олган Арбакдан ёзғиргани-ёзғирган эди. Сосийнинг ҳасратлари авж палласига етганида Нидия ўзига келди. Сосий қизга ачиниб, деди:

— Шунча оҳ-воҳлар тортаяпсан, сенга ичим ачиб кстаяпти! Начора, чидаганга чиқарган дейдилар-ку. Ҳа, сени аяб ўтиришгани йўқ, сенга ҳеч кимнинг раҳми келмаяпти.

— Сосий, озодликка чиқишинг учун сенга қанча пул керак бўлади?

— Қанча дейсанми? Ҳа, айтайлик, икки минг сестерций бўлса керак.

— Худоларга шукур! Ундан кўп эмасми? Мана бу билакузук ва занжирни кўраяпсанми? Улар айтганингдан икки баравар қиммат туради. Мен уларни сенга бераман, башартики...

— Мени аврама. Сени қўйиб юборолмайман. Арбак шафқатсиз ва золим. У мени Сарнга улоқтириб, баликларга ем қилади. Афсус! У холда дунёдаги бор сестерцийлар мени тирилтира олмайди. Итдай яшагандан кўра, арслондай ўлганим яхши.

— Сосий, ўйласанг-чи, сен озод бўласан. Яхшилаб ўйлаб кўр. Мени лоақал бир соаттагина қўйиб юбор! Ярим тунда чиқиб кетаман-да, тонгда қайтиб келаман. Сен мен билан бирга боришинг ҳам мумкин.

— Йўқ, — деди Сосий қатъий. — Битта қул Арбакка қулоқ солмаган эди, ном-нишонсиз йўқолди.

— Аммо қонун бўйича хўжайин кулнинг ҳаётига хўжайнинг кила олмайди.

— Конун-ку, яхши-я, аммо ундан наф йўқ ҳисоби. Менинг билганим шуки, қонунлар ҳар доим Арбак томонида. Бундан ташқари, мени ўлдирадилар, қайси қонун менга ҳаётимни қайтиб беради?

Нидия аламининг чеки йўқ эди.

— Демак, сира иложи йўқми?

— Сира. То Арбак сени ўзи қўйиб юбормаса, иложи йўқ.

— Агар шундоқ бўлса, — деди Нидия тез-тез, — боиси мактубимни лоақал сен олиб бориб берарсан? Бунинг учун хўжайнинг жонингни суғуриб олмас?

— Кимга?

— Преторга.

— Преторга? Зинҳор! Унда мени суд қилишларини биламан. Кулларни эса калтаклаб сўрок қилишади.

— Узр, ундей демоқчи эмасдим, «претор» сўзи оғзимдан чиқиб кетди, мен бутунлай бошқа одамни назарда тутган эдим — қувноқ Саллюстийга демоқчи эдим.

— Ҳа! У сенга нега керак бўлиб қолди?

— Главк менинг хўжайиним эди, у мени золим одамдан сотиб олганди. Битта шу йигит менга одам деб қаарди. Энди эса у ўлиши керак. Шундай соатда Главкка унинг жонига ора кирадиган бир юрак борлигини хабар қилолмасам, мен нима деган одам бўлдим? Саллюстий унинг дўсти. У хатимни унга етказади.

— Унинг бу ишни қилмаслигига кўзим етиб турибди. Эртагача Главкнинг ўйлайдиган царсалари ўзига етарли, сен эса, хой кўр қиз, уни бекорга ташвишга солганинг қолади.

— Менга қара, — деди Нидия, ўрнидан тураркан, — озод бўлишни истайсанми, йўқми? Бу сенинг ўзингга боғлик. Эртага кеч бўлади. Хеч қачон озодлик бу қадар арzonга сотилмаган. Уйдан билдиrmай чиқиб кетиш сен учун чўт эмас. Ярим соатта қадар бемалол қайтиб кела оласан. Озодликка чиқиш учун наҳотки шугина ишни қилиш ҳам қўлингдан келмаса?

Сосийнинг юраги дук-дук уради. Тўғри таклиф, бу ёғи билан унинг нима иши бор? Қайтанга яхши эмасми? Нидиянинг устидан маҳкам қулфлаб қўяди, борди-ю, Арбак унинг йўқлигидан хабар топганида ҳам, бундан кўрқмаса бўлади, шима қилибди, эшик қулфлоғ; сўкса сўкар, жуда осмон узилиб, ерга тушимас. Борди-ю, Нидия мактубида ўзи айтганидан кўпроқ парсаларни ёзганида ҳам, яъни уни қамаб қўйишганини, Сосийнинг қанақалигини ёзганида ҳам, ҳечқиси йўқ! Хатни Сосий олиб бориб берганини билмайди. Қисқаси, мукофот катта, зарар кичик, ҳавас қилса арзийдиган таклиф. Сосий ортиқ иккиланиб ўтирмади.

— Бер бу ёқقا ялтирок-палтирокларингни, хатни олиб борганим бўлсин... Йўқ, шошма, сен чўрисан-ку, бу тақинчоклар сенга эмас, хўжайнинг қарашли.

— Главк менга совра қилган, у эса менинг хўжайиним. Бу ёғи, у энди қандай талаб қила оларди уларни? Улар мендалигини тагин ким билиб ўтирибди.

— Бўйти, ҳозир сенга папирус қофози олиб келаман.

— Йўқ, папирус қофози эмас, пергамент билан темир қалам олиб кел.

Нидия тагли-тугли хонадон қизи эди. Ота-онаси унинг бахтсизлигини енгиллатиш учун нималар қилмас эдилар, қизнинг ўткир зехни эса билимларни маҳкам ушлаб қолар эди. Шу боис, ўзининг кўрлигига қарамай, ҳали болалик чоғидаёқ, гарчи мукаммал тарзда бўлмаса-да, мумланган лавҳага ўткир темир қалам билан пайпаслаб ёзишни ўрганиб олганди. Сосий унга пергамент келтирганида, у юнон тилида бир неча сатр жумлани тирмалаб ёзди, бу қарийб ҳар бир олийнасаб италиялик биладиган болаликдаги қадрдан тили эди. Кейин у хатни ип билан обдон ўраб боғлади ва мум билан муҳрлаб кўйди. Хатни Сосийга беришдан олдин у зинданбонга деди:

— Сосий, мен кўрман ва қамоқда ўтирибман. Бирдан мени алдашинг, топшириқни бажармаслигинг, ўзингни хатни олиб бориб топширгандек қилиб кўрсатишинг ҳеч гап эмас. Шундай килгудек бўлсанг, бошишгни тантанали сувратда Немесидага тортиқ қилиб юбораман, жонингни эса — дўзахий кучларга. Ўнг қўлингни менга бер-да, ортимдан такрорла: «Ўзим юрган ер ҳаққи, ўлим ва хаёт устидан ҳукмронлик қилувчи табиий ҳодисот қасоскор Орк ва ҳар нарсани кўриб турувчи Юпитер Олимпий ҳаққи қасам ичаманки, ўз ваъдамни вижданан адо этаман ва ушбу мактубни Саллюстийнинг ўз кўлига топшираман! Борди-ю, қасамимни бузгудек бўлсан, осмон ва дўзах қарғиши урсин мени!» Етар. Мен сенга ишонаман, мана бу мукофотинг. Қоронги тушиб қолди, вақтни кетказма.

— Жуда ғалати қиз экансан, мени қаттиқ қўрқитиб юбординг. Лекин мен сени тушунаман. Борди-ю, Саллюстийни қидириб тополсан, қасамимга биноан хатни унга бераман. Унча-мунча гуноҳларим йўқ эмас, албатта, аммо қасамни бузиши — зинҳор мумкин эмас! Буни аслзода одамларга қўйиб берайлик.

Залворли лўқидонни эшикка обдон суриб ва унга кулф уриб, Сосий кетди. У калитни камарига осиб олди, ҳужрасига кирди, кенг чакмонига бошдан-оёқ ўраниб олди ва билдирмастан орқа эшикдан чикиб кетди.

Кўчада одам кўринмасди. Кўп ўтмай у Саллюстийнинг уйига етиб борди. Дарбон унга хатни қолдириб кетишини айтди, чунки Саллюстий Главкка мотам тутаётган бўлиб, уни зинҳор-базинҳор безовта қилиш мумкин эмасди.

— Хатни ўз қўлига топшираман деб онт ичган эдим, шундай қилмасам бўлмайди!

Лекин дунё қўрган Сосий берган худога ёқибди деган гапни билмай ўлибдими, дарбоннинг чўнтағига бир неча тангани солиб қўйди.

— Бўпти, — деди дарбон юмшаб. — Кирақол истасанг. Аммо тўғрисини айтиб қўяй, Саллюстий қайғусини шаробга фарқ қилишга азм этган. Бирон кўнгилсизлик рўй берса, у ҳар доим шундай қилади: яхши шаробли, ёғли зиёфат беришни буоради, то бошида шароб ховуридан бошқа ҳеч вақо қолмагунча ичади.

— Зўр усул экан! Эҳ, бой бўлганга не етсин! Саллюстийнинг ўрлида бўлганимда менинида ҳар куни кўнгилсизлик бўларди. Ҳай, мен учун хўжайинингга бир нима де, ана, ўзи келаяпти.

Саллюстий азбаройи ғамга чўкканидан меҳмон кутадиган аҳволда эмасди, бироқ танҳоликда томоғидан шароб ўтиши ҳам қийин эди. Щу боис одатига биноан, суюкли озод қулини чакирди-да, ғалати улфатчилик бошланди. Софдил эпикурчи дам-бадам ох тортар, хўрсишар, йиғлар, кейин эса ташалик билан янги таом ёки тўла косага ташланарди.

— Дўстим, — деди у озод кулга, — бу даҳшатли ҳукм... оҳ!. Кўзичогим! Бечора Главким, бу арслоннинг тишлари қанақалигини билсанг эди! Ҳай! Ҳай! Ҳай!

Саллюстий аввал йиғлаб юборди, орқасидан ҳиқичоғи тутиб қолди.

— Шаробдан ичиб юбор, — деди озод қул.

— Уй совуқлик қилаяпти. Аммо Главк ҳозир бундан совуқроқ жойда! Эртага эрталаб барча эшикларни қулфлаб ташла, қулларимдан биронтаси бу лаънати амфитеатрда бўлмасин. Бўлмасин, бўлмасин!

— Фалерн шаробидан ич, жуда ўзингни олдириб қўйибсан. Худолар ҳаққи, бунчалик куйма. Кулчадан с.

Ана шундай қулай аснода Сосийни куйиб-ёнаётган эпикурчи Саллюстий хузурига қўйиб юборишганди.

— Ҳой, нима ган?

— Мени Саллюстий хузурига юборищди. Мен бир ён аёл берган мана бу мактубни унга тоширишим керак. Жавобини олиб келмасанг ҳам бўлаверади, деган эди. Кетсам майлимни?

Танимасликлари учун овозини ўзгартириб ва юзини чакмони билан яшириб фаросатли Сосий шундай деди.

— Худолар ҳаққи, бу қўшмачи экан! Ярамас, тошбагир! Қанака азада эканимни кўрмаяпсанми? Йўқол! Пандарейдан қолган қарғишилар, илоё, сени ҳам урсин.

Сосий кетишга чоғланди.

— Хат бор эмиш, ўқийсанми, Саллюстий? — сўради озод қул.

— Хат? Қанака хат? — деди эпикурчи. Унинг кўзлари билайлаша бошлаганди. — Жондай дўстимни арслон ғажиб ташлайман деб турганда... ҳик!.. Кўнглимга шунақа эрмаклар сиғар эканми?

— Яна битта бўғирсоқ е.

— Йўқ, йўқ! Куйиб кетаяпман.

— Олиб бориб ётқизинглар, — буйруқ берди озод қул.

Саллюстий бошини эгиб чуқур тин олганди. Уни ётоқхонага олиб кетишиди, ўзи эса шўрлик Главкка ачиниб, Сосийни бўралаб сўкарди.

Сосий афсус-надоматга ботган кўйи уйига равона бўлди.

— Қўшмачи эмиш, ўзингиз айтинг-чи инсоф билан! — ғудранди у. — Саллюстийнинг тили буича заҳар бўлмаса! Мени каззоб ё ўғри деб атаганида ҳам бир нави эди, келиб-келиб қўшмачи эмишман! Туф! Бунака ҳақорат ҳар қандай одамнинг кўнглини беҳузур қилиб юборади. Каззоб ўз кўнглини хуш қилгани ёлғон гапиради, ўғри тирикчиликни деб ўғрилик қиласди. Ўзингни деб қиласдиган бўлмагур ишларингда ҳам ҳатто қандайдир

фаҳрли ва доно нарса бўлади: юракнинг кенглиги, талинишни ҳис этасан. Қўшмачилик унака эмас – у бамисоли бировларга обисвон пишириш учун оловга қўйиладиган тувак, меҳмоnlар ва ҳатто пасткаш онназ бола қўлларини артадиган дастрўмол. Ундан кўра мени падаркуш дегин эди! Аммо у маст эди, нима деётганини билмаётганди. Бунинг устига, мен юзимни тўсиб олгандим. Агар у ким билан гаплашаётганини кўрганида, у мени шубҳасиз, «ҳалол Сосий» ва «ҳурматли одам» деб атаган бўларди. Э, нима бўлганида ҳам иолишинга ҳожат йўқ – мана бу матоҳларни опна-осон топганимга қойил қолиш керак. Э маъбуда Ферония, мен тез орада озод бўламан! Ана шунда кўрамиз, қани мени қўшмачи дейишга кимнинг ҳадди сиғаркин... Фақат каттагина пул эвазига демаса...

У жаҳл устида ғудраниб энсиз кўчадан амфитеатр ва унга туташ саройлар томон кетиб бораркан, муюлишда бурилди-ю, бирдан катта оломонга дуч келди. Эркаклар, аёллар ва болалар кулган, гаплашган, қўлларини тез-тез арра қилганча аллакаёққа шошар эдилар. Сосий нима гаплигини англайман дегунча шовқинли оқим уни ўз домига тортиб кетди.

– Нима гап? – сўради у ёнида кетиб бораётган ҳунарманддан. – Бу одамлар қаёққа югуриб кетаяпти? Ёки биронта бой пул ё гўшт улашаёттирми?

– Йўқ, ундан ҳам қизикроқ нарсани кўрамиз, – жавоб берди ҳунарманд. – Валломат Панса элим деганлардан эмасми, ҳаммага виварийдаги йиртқичларни бориб кўришга рухсат берди. Геркулес ҳаққи, эртага улардан биттаси ёруғ дунё билан хайрлашади!

– Чиндан қизиқ экан! – Шундай дея қул уни тортиб кетаётган оломон билан аста юриб кетди. – Эртага ўйинларни бориб кўролмасам керак, ҳеч бўлмаса йиртқичларни кўриб қолай.

– Яхши қиласан, – деди унга янги таниши, – Помпеяда арслон билан йўлбарсни ҳар доим ҳам кўравермайсан...



## БЕШИНЧИ КИТОБ

### *I боб*

#### **АРБАКНИНГ ТУШИ. КУТИЛМАГАН МЕХМОНДАН У ҲУШЁР ТОРТАДИ**

Амфитеатр саҳнасидағи қопли ўйинлар арағасидағи даҳшатли туи ўтиб борарди ва Помпеянинг сўнгги куни тонги аста бўзара бошлади. Фивир этган шабада йўқ, ҳаво дим эди. Кампаниянинг кенг далалари пастқамликлари бўйлаб сийрак ва тунд туман ёйилган. Бироқ овга эрта чиққан балиқчилар ҳаво тинч бўлишига қарамай, денгизнинг долғаланаётганини ва бамисоли қўрқандек қирғоқдан қочаётганини, мовий ва ювош, энди сайёҳ қидиргани билан қадимги кенг ўзанини тона олмайдиган Сарн дарёси жилмайган далалар ва хушқад данғиллама ҳовлилар ёнидан маъюс зорланиб оқиб ўтаётганини кўриб ёқа ушладилар. Ер бағирлаб тушган туман узра қадимги шаҳарнинг вақт сийқасини чиқариб ташлаган кўхна миноралари, уйларнинг қизил черепицали томлари, сонсиз эхромларнинг устунлари, форумнинг ҳайкаллар ўриатилган пештоқлари ва зафар арки қад кўтариб турарди. Узокда, паға-паға туманлар узра водийни қуршаб олган тоғларнинг чўққилари савлат тўкиб турар, унинг этаклари тонғти осмоннинг алдоқчи ранглари тагига кириб кўздан йўқолар эди. Узок вақтдан буён Везувий узра турган булут бирдан ғойиб бўлди, энди тоғнинг мағрур ва улуғвор чехраси қовоини солмай ажойиб манзарани томоша қиласар эди.

Ҳали барвақт бўлишига қарамай, шаҳар дарвозаси аллақачон очиб қўйилганди. Суворийлар ёки аравалар олдинма-кейин шаҳарга кириб келар эдилар ва сон-саноқсиз байрамона кийинган пиёдалар овозларининг борича бақириб, қувноқ гаплашар эдилар. Кўчалар қўшни қишлоқлардан келган одамларга ва шаҳарликларга тўлиб-томиган эди; улар сонсиз жонли

оқимга айланиб, шовқин ила тез-тез юриб, мудхиш томона бўладиган жойга тартибсиз интилмоқда эдилар.

Сал бўлмаса шаҳарнинг бутун аҳолиси сифадиган амфитеатр ҳар қанча катта бўлмасин, Кампаниянинг барча бурчакларидан келаётган одамлар топқини ташали воқеаларга қараб шу қадар катталапиб кетган эдики, ўйинлар бошланишидан анча олдиноқ амфитеатр олдига одамлар оломон бўлиб тўпланиб улгурганди, уларпинг мавқеларига кўра олдиндан жой ажратиш кўзда тутилмаганди. Суд ва икки жиноятчига чиқарилган ўлим ҳукми шу қадар катта қизикиш уйғотган эдики, ўша куни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган оломон тўплланганди.

Авомуннос жанубликларга хос жўшқинлик ила бирбирини туртар, итарар, олға интиларди, бундай ҳолларда ҳозирги италияликларга ўхшаб, бесабрлигига қарамай, ҳайратомуз даражада тартибга риоя қилган ҳолда ғалати бир меҳмон хотин Арбакнинг овлоқдаги уйи томон кетиб борар эди. Унинг ғалати кийими ни, беўхшов юришини ва кескин ҳаракатларини кўриб, йўловчилар бир-бирини туртар ва жилмаяр эдилар; аммо унинг башарасига қараб туриб, бирдан ранглари қув ўчар эди, чунки хотиннинг башараси ўлик тусида эди. Мурдасимон башарасию жанда кийимлари уни шу туришида эски гўрдан тирилиб келган ўликка ўхшатиб турарди. Одамлар индамай, хавотир билан четланар эдилар, у эса шу юриб боришида кўп ўтмай мисрликнинг эшигигача етиб борди.

Бутун шаҳар каби занжи дарбон ҳам бугун одатдагидан эрта турган эди, хотинга эшикни очар экан, сесканиб тушди.

Мисрликнинг бугун уйқуси қаттиқ бўлди, бироқ тонгга яқин кўрган алоқ-чалоқ тушларидан рухи анча қийналди. Муздай терга ботиб уйғонди, атрофга аланглади ва энсиз, аммо баланд деразадан ёруғлик туша бошлаганини кўрди. Тонг яқинлашиб келарди. У тетикланди, жилмайиб кўзини деразадан олди ва бирдан

рўбарўсида Везувийдаги жодугар кампирнинг кўрқинчли башараси, ўлик кўзлари ва қонсиз лабларини кўри.

— Оҳ! — қичқириб юборди у, бу муздай манзарани кўрмаслик учун қўллари билан юзини тўсиб. — Нахотки хали ҳам ухлаётган бўлсам?

— Йўқ, қудратли Гермес! Ўз дўстинг ва вафодор чўрингни танимайдиган бўлиб қолдингми?

Узоқ сукунат чўқди.

— Хўш, гапир. Нега келдинг?

— Сени огоҳлантиргани, — жавоб берди жодугар гўрнинг ичидан гапиргандай овозда.

— Огоҳлантиргани! Нимадан?

— Менга қара. Мана бу малъун шаҳар устига мусибат соя ташлаб турибди. Фурсат ғаниматда қочиб қол. Ўзинг биласан, мен тоғда яшайман, унинг тагида, қадимги ривоятларга кўра, хали ҳам олов дарёси окади. Менинг форимда катта ёриқ бор, сўнгги вақтларда кўпинча чуқурликдан юқорига қараб аста қизил оқим ўрмалаб келаётганини кўроламан, гумбурлаган ва шувуллаган овозларни эшитаяпман. Бугун тунда яна ёриқка қарадим ва оқим энди хира эмас, кўзни қамаштираётганини кўрдим. Ўша ёқقا қараб турсам, ҳозиргина менга суйкалиб турган тулким каттиқ увиллади-да, ерга йиқилди ва нафаси қайтиб ўлиб қолди, башараси шундай куйик бўлиб кетганди. Мен шошиб форга қайтдим. Бироқ тун бўйи қояларнинг титраганини эшитиб ётдим, ҳаво тинч бўлса ҳам ср остидаги худди мойсираган арава филдиракларидаи, қамалиб қолган шамоллар чийиллаб фижирлар, ташқарига чиқмоқчидаи бўлар эди. Тонгда туриб яна ёриқни бориб қарадим, қарасам, ялтироқ оқим қоп-қора тошларни оқизиб келаётиби, оқимнинг ўзи олдингидан ҳам кенгайиб, шиддатланиб, қизилроқ бўлиб кетиби. Шунда мен чўққига кўтариlldим. У ерда каттакон тешик шайдо бўлиби, у илгари йўқ эди, ўша ердан тутун бўралаб чиқаяпти, шунақангиччи тутунки, бўғилишимги оз қолди. Мен тезда форга қайтдим, тиллаларим билан дамламаларимни олдим, кейин шунча

йил яшаб келган масканимни тарқ этдим, чунки қадимги этруссқ кароматини эсга олдим: «Тоғнинг оғзи очилса, шаҳар ҳалок бўлади, куйган чўққини тутун кошласа, денгиз болаларининг уйларида йиғи ва қайғу бўлади». Ҳар нарсани билгувчи устоз, бу ери тарқ этищдан олдин, хузурингизга келдим. Юрагим сезиб турибди, ўн олти йил муқаддам бу шаҳарни таг-туги билаш вайрон этган зилзила янада даҳшатлироқ мусибат даракчиси бўлган эди. Бу деворлар ўликлар салтанати узра, сукут билмас дўзах дарёлари узра қад кўтарган. Огоҳлантирдим – фурсат ғаниматда қочиб қол!

– Ташаккур, жодугар, қарздор бўлиб қолмайман. Ҳов анави хонтахтада олтин коса турибди, ол ўшани. Исида коҳинларидан бирини ҳисобга олмагандан, алла-кимнинг Арбакни кутқариб қолиш хаёлига ҳам келмаганди. Ўчган ёнартов чуқурлигига сен кўрган бу аломатлар, – давом этди у ўйчан ҳолда, – шаҳарга хавф солаётган аллақандай хатардан дарак берастир, бу аниқ; эҳтимол, олдингидан ҳам кучлироқ зилзила бўлар. Нима бўлганда ҳам мен бу ердан тезроқ кетишим керак. Эртага барча тадориклар кўриб бўлишади. Сен-чи, Этрурия қизи, йўл бўлғай?

– Мен буғуноқ Геркуланумга жўнайман, у ердан – дengиз ёқалаб ўзимга янги бошпана қидириб кетаман. Ёруғ дунёда менинг ҳеч кимим йўқ, иккала дўстим – тулки ва илон бўғилиб ўлди. Буюк Гермес, сен менга яна йигирма йил умр ваъда қилган эдинг.

– Ҳа, ваъда қилгандим, – деди мисрлик. – Аммо, айт-чи, жодугар, – сўради у тирсакларида кўтарилиб ва хотиннинг юзига қизиқсизиб қараб, – нимага ҳам яшайсан? Ҳаётдан нима завқ оласан?

– Ҳаёт ширин эмас, балки ўлим қўрқинчли, – жавоб берди жодугар кескин оҳангда.

Манман мунажжимнинг юраги бир тутам бўлди. У чўчиб тушди, чунки бу сўзлар тўғри нишонга бориб текканди ва ёқимсиз меҳмон хотиндан қутулиш ниятида деди:

— Вақт қараб турмайди. Мен бугунги томошаларга тайёргарлик кўриш им керак. Хайр, сингил! Ҳаёт кули устида истаганча завқланавер.

Жодугар қимматбаҳо совғани кийими остига яшириб, кетишга чоғланиб ўрнидан турди. У эшикка етганида ўгирилиб деди:

— Балки ёруғ оламда биз охирги марта кўришиб тургандирмиз. Аммо ўзидан кейин кулни қолдириб, олов қаёққа борарди? Ботқоқ ҳовуридай, у айланиб юргандир, жаҳаннам ўчоқлари устида титраб тургандир. Жодугар ва кароматгўй, шогирд ва устоз, манфур ва буюк у ерда қайта-қайта кўриша олишади. Хайр!

— Йўқол, қарри қарға! — ғудранди Арбак, жодугар эшикни ёпгач; сўнг тапвипчили бир ҳолда қулларни битта-битта чақиришга тутиндиги.

Амфитеатрга бормоқчи бўлган одам байрамона кийиниши керак бўлади ва Арбак шу куни айниқса, ҳашам билан кийинди. Опдоқ туникаси жимжима қиласарди; соңсиз тўғаларида дуру гавҳарлар кўзни олади; туникаси устидан шарқона либос кийиб олганди — энг аъло Тир қирмизидан тикилган чакмонсифат чопон; оёғида тасмалари тиззагача айлантириб боғланган кафшда ҳам қимматбаҳо тошлару заррин гуллар зеб бериб турибди. Эҳромдаги одамларни алдаб, Арбак ҳар доим тантанали маросимларда ўзининг ташқи кўриниши билан халойиқнинг оғзини очиб қўйишга харакат қиласарди, Главкни ҳалок этиб, ўша куни у ракиби ва фош бўлип кўркувидан халос бўлиши керак эди, у бамисоли зафар ёки тўй зиёфатига келгандек башанг кийиниганди.

Одатда, зодагонлар амфитеатрга қуллари ва озод қуллари ҳамроҳлигига келишарди. Ўз хўжайинлари тахтиравони изидан бориш учун Арбакнинг кўп соили «аъёнлари» аллақачон саф тортиб туришарди.

Фақат Ионага хизмат қилаётган чўрилар ва Нидиянинг зинданбони муҳтарам Сосий уйда қолишга мажбур бўлишганидан қаттиқ афсусда эдилар.

— Каллий, — деди Арбак унга камар тақаётган озод қулига, — бу шаҳар жонимга тегди. Агар йўлдош ша-

мол бўлса, мен уч кундан кейин сузаб кетмоқчиман. Помпеядан Александрияга қатновчи кемани биласан-а? У бандаргоҳда турибди. Мен уни сотиб олдим. Индин нарсаларни шунга кўчириб олиб ўтамиз.

— Мунча тез? Яхши, бош устига. Арбакнинг амри – вожиб. Унинг васияси Иона-чи, у нима бўлади?

— У мен билан кетади. Хуллас, ҳаммаси тайёр! Обҳаво қалай?

— Дим ва булатли. Тушга бориб қаттиқ жазирама бўлса керак.

— Шўрлик глadiаторлар! Жиноятчиларга ундан ҳам ёмон бўлади. Пастга туш-да, қулларга айт, чиқаверишсин.

Арбак ёлгиз қолгач, ўз хонасига ўтди, у ердан айвон орқали кўчага чиқди. Унинг кўзи амфитеатрга шошаётган одамларга тушди, қичқириқлар ва шовқин қулоғига чалинди – оромбахш сояда ўз қондошларининг қийналганларини кўриб, томошабинлар дилларининг чигилини ёзишлари учун арқонларда улкан чодир тортишаётган эди. Бирдан қандайдир қисқа, даҳшатли, гайриоддий овоз янгради – бу арслон ўкириги эди. Оломон жим бўлиб қолди. Бироқ кўп ўтмай қувноқ кулги кўтарилиди – ҳаммани ҳайвонлар шоҳининг очликдан тоқатсизлангани завқлантириб юборганди.

— Ҳайвонлар! – бидирлаб деди Арбак нафрат билан. – Кошки сизлар шундай қотил бўлсангиз! Мен ўзимни ҳимоя қилиб одам ўлдирдим, сизлар эса қотилликдан томоппа ясаяпсизлар.

Шундай деб, у Везувий томонга ташвишли қараб кўйди. Унинг ён-бағридаги токзорлар ям-яшил товлашиб турарди. Абадият сингари қудратли, сокин тоғтинч осмонга азод бўй чўзган.

«Зилзила бошланицидан олдин бисотимда бир оз вақт бор», – ўйлади Арбак ва орқасига бурилди. Сирли папирус қофозлари ва юлдузлари жадвали ётган хонтахта ёнидан ўтар экан, кўнглидан шу гаплар кечди: «Юксак санъат! Каромат рёёбга чиқсан ва хатар

ўтиб кетгандан буён менинг сенга бир марта ҳам ишм тушгани йўқ. Нега ҳам тушсин? Шу дамдан бошлаб йўлим ёрқин ва тоза эканини биламан-да. Ахир бу ўз исботини топмадими? Йўқолинг, шубҳалар, йўқол, ҳей ачиниш! Юрагимда фақат иккитагина ҳавас қолган – олий мансаб ва Иона!

## *II боб*

### **ГЛАДИАТОРЛАР**

Сосий, хатинг Саллюстийнинг қўлига тегди деб хисоблайвер, дея ишонтирган Нидия умидларга тўлиб ўтиради. Саллюстий, албатта, имилламайди ва престорийга боради, улар мисрликнинг уйига келишади, мени озод қилишади, Кален зиндонининг эшигини синдиришади. Бугун тундаёқ Главк озод бўлади.

Аммо, афсуски, тун ўтди, тонг отди, унинг қулоғига атрий ва перистилдаги шошиб юрган одамлар ва кишиларнинг овозларидан бошқа ҳеч нарса чалинмади – қуллар байрам тадоригини қўрмокда эдилар. Кейин Арбакнинг амирона овози эшитилди, қувноқ мусика янгради ва афиналикнинг ўлим азобларини томонга қилиш учун амфитеатр томонга тантанали юриш бошланди.

Арбак бошлаб кетаётган намойиш аста-аста ва тантанавор юриб борарди. Ҳамма тахтиравонлар ва аравалардан тушадиган жойга етганда мисрлик энг олийнасаб томошабинлар кирадиган эшик томонга ўтди. Унинг қуллари оломон билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди ва худди бизнинг ҳозирги опера театrimиздагига ўхшаб, бир ходим улардан чипталарини олди-да, ўзларининг авомунносга аталган жойларига қўйиб юборди. Арбак ўтирди ва улкан амфитеатри лиқ тўлдирган бстоқат оломонга кўз югуртирди.

Юқоридаги ярусда, яркираган кийимлардаги хотинлар эркаклардан алоҳида ўтирас эдилар ва бу ярус рангин гулзорга ўхшарди; улар томошабинларнинг

Энг сергап қисми эканини ганирмаса ҳам бўлади, кўп одамларнинг нигоҳлари, айниқса ўриндиқларда ўтирган ёш бўйдоқларнинг нигоҳлари уларга қадалган эди. Пастдаги ўриндиқларда бойлар ва мўътабар зотлар, шаҳар ҳокимлари, сенаторлар ва чавандозлар жойлашган. Саҳнага олиб чиқадиган йўлнинг қирвоқларидағи мустаҳкам тўсик девор йиртқичларнинг чиқиб кетишига имкон бермасди ва улар тўппа-тўғри суйри шаклидаги, қум тўшалган ва қурбонлари муентазир турган майдонга чиқиб келар эди. Саҳнани қуршаган ва ундан қиялама қилиб ўриндиқлар кўтарилиб кетадиган девор бу жойларга мўлжалланган томоша тасвирлари туширилган расмлар билан безатилган эди. Бутун амфитеатр бўйлаб кўзга кўринмас қувурлар ётқизилганди, улардан кунинг энг жазирама соатларида муздек ва хушбўй сув отилиб, томошабинлар устига сочиларди. Хизматчилар ҳамон бутун амфитеатрни қоплаб оловчи улкан чодирни тортиш билан овора эдилар. Бу қулай кашифиётни Кампания аҳолиси ўзимиз топганмиз, деб фахрланар эди. Веларий оппоқ апулия<sup>1</sup> жунидан тўқилган ва эндор қизил йўллар билан безатилган эди. Хизматкорларнинг тажрибасизлигидан ё кўтариш мосламаларнинг носозлигиданми, чодирни ўша куни тузук қилиб тортиша олмади. Бу ҳар доим осонликча битадиган иш эмасди ва катта маҳоратни талаб қиласди – чодир шу қадар катта эдики, шамол эсан кунда уни тортиш учун озмунча жасорат ва куч-қувват керак бўлмасди. Бироқ кун ногат тинч эди, хизматчилар ўзларининг нўнокликларини яширишга ҳеч қандай баҳона йўқ эди ва амфитеатр тепасида мато бир-бирига улашмай қолгани боис катта тешик очилиб қолганида, томошабинлар норози бўлиб қичқира бошлиди.

Бу томошани ўзи уюштирган Эдил Пансанинг муваффақиятсизликдан ҳаммадан кўп жаҳли чиқаётганди. У куйиб-пишиб, терга ботиб, азбаройи жигибийрон

<sup>1</sup> Апулия – Италияning жанубидаги вилоят. Бу ерда: шу жойда ишлаб чиқарилган маҳсулот иоми. (Тарж.)

бўлганидан бўралаб сўкиб, фармойишлар бериб юрган хизматчилар бошлигини боплаб жазолашга азму қарор қилди.

Бирдан ғовур тинди, хизматчилар ишни тўхтатишиди ва чодир ҳамманинг эсидан чиқди, чунки карнайларнинг баланд ва жанговар садоси остида саҳнага гладиаторлар чиқиб келмоқда эди. Уларнинг хотиржамлиги, мушаклари ва қуролларидан томошибинлар завқ олишлари, шунингдек бу ҳаяжонли онларда сўнгти нарх хақида келишиб олиш учун улар суйри саҳнада астасекин ва вазмин юриб борар эдилар.

— Оҳ! — деди бева Фульвия, Пансанинг хотинига мурожаат қиласр экан; улар иккаласи ҳам олдинга энгашиб олганди. — Ҳов анави баланд бўйли гладиаторни кўраяпсанми? Кийимлари жуда кулгили эканми?

— Ҳа, — деди жавобан Эдилнинг хотини мамнун ҳолда, чунки у ўйиннинг барча иштирокчилари исми ва нуфузларини билар эди. — Бу ретиарий. Кўриб турганингдек, у уч тишли паншаха ва тўр билан қуролланган, битта ҳам зирҳ киймаган, фақат эгнида туникаю бошида чамбар. У жуда ҳам кучли, Спор билан олишади, ҳов анави думалоқ қалқон ва қиличли баҳайбат гладиатор билан. Ҳамма кўрсин деб ҳозир бошига дубулға ҳам киймабди, башараси жуда ҳам хунук, бироқ жангга сипарини тушириб киришади.

— Қилич ва қалқонга қарши тўр ва уч тишли найза билан урушиб бўларканми?

— Булча содда бўлмасанг, азизим Фульвия! Айни ретиарий баъзида қулай ҳолатда бўлади.

— Ҳув анави хушрўй гладиатор ким? Ўзиям шундай ечиниб олибдики, уяласан қараб. Аммо, Венера ҳаққи, жудаям хушқомат экан!

— Бу ёш Лидон, саҳнада янги. Худди ўзига ўхшаб кийинган, тўғрироғи, ечинган ҳов анови гладиатор Тетрайднинг жангта таклифини шартта қабул қилибди. Аввалига улар юонон расмига кўра цестларда жанг қилишади, кейин эса зирҳлар кийиб, қилич ва қалқонларни қўлга оладилар.

— Чинакам мард, бу Лидон! Ҳамма хотинлар унинг албатта ғалаба қозонишига ишонади.

— Аммо тажрибали одамлар бошқача ўйлайдилар: Клодий унинг рақибиға бирга учни кўяди.

— О, Юпитер! Нақадар гўзал! — деди бева, икки гладиатор тўла қуролланиб, югурик ва чиройли отларда саҳнани айланиб чиққанда.

Улар қейинрок ўрта аср жўмардлари тутган найзалар ва думалоқ қалқонлар билан қуролланган эдилар; уларнинг зирхлари темир чивиклардан жуда айёона тўқилганди, аммо фақат сонларию ўнг қўлини қоплаб турарди, холос; калта, тиззагача етар-етмас уст кийими ниҳоятда ранг-баранг ва нафис эди; яланг оёқларига шиншак кийиб олган бўлиб, тўпикдан сал юкоригача тасмалар билан боғлаб қўйилганди.

— А-ха, Клодий, кўрдингми? Гладиаторинг чайқалаяпти! Яна зарба, ха, у йиқилаяпти, йиқилаяпти!

— Аммо у заминдан куч олаяпти. У яна сакраб турди, юзи қонга бўялгани билан иши йўқ.

— Юпитер-момақалдириқ сочувчи ҳаққи, Лидон енгади! Қара, у қанақа зарбалар тушираяпти! Қаншарга туширилган бу зарба хўқизни ҳам йиқитади! Тетраид қулади! Ана, у яна қулади, туролмаяпти, туролмаяпти — тайёр, тайёр!

— Тайёр, — такрорлади Панса. — Олиб боринг уларни, зирхларни кийиб, қиличларни олишин.

— Олийнасаб эдитор, — дейишиди хизматчилар, — Тетраид ўзига келолмас деб қўрқаяпмиз. Аммо биз уни ўзига келтиришга уриниб қўрамиз.

— Бўла қолинглар.

Карахт ва ҳушсиз гладиаторни олиб кетган хизматкорлар бир неча дақиқадан кейин нохуш хабар олиб қайтишди. Улар Тетраиднинг ҳаётидан хавотирда эдилар: унинг саҳнага қайтишига ортиқ ҳеч қандай умид қолмаган эди.

— Ундей ҳолда Лидон захирада турсин, — деди Панса. — У биринчи ер тишлаган гладиатор ўрнини олади ва ғолиб билан жанг қилади.



Томошабинлар кийқириқлар билан буни маъқулладилар, кейин яна жимиб қолишиди. Карнай баланд овозда янгради. Тўрт нафар ёвқур гладиатор жангта шай бўлиб, бир-бирига юзма-юз туриб олди.

– Сен бу римликларни биласанми, азизим Клодий? Улар машҳур гладиаторларми ё аллақандай чиртинг-циртингларми?

– Эвмолл яхши қиличбоз, аммо жуда ҳам биринчилардан эмас, дўстим Лепид. Анови бўйи пастроғи Непимни эса ўзим ҳам энди кўриб турибман. Лекин у бир римлик гладиаторнишг ўғли, яхши гимнасияда таҳсил олган; улар чаққонлик кўрсатишига шубҳа қилмайман. Лекин менинг ўйинларга қизиқишим қолмади – бой берган пулларимни қайтариб ололмайман, мен хона-вайрон бўлдим. Падарига минг лаънат бу Лидоннинг! Унинг бундай чаққон ва абжир ўйин кўрсатиши хеч кимнишга хаёлига келмаганди.

– Бўпти, Клодий, қўпам куйинаверма, сенга ўзим ёрдам берганим бўлсин, мана шу римликларинта сен хоҳлаганча пул тикаман.

– Эвмоллга ўнга қарши ўп минг қўясанми?

– Йўғ-е! Ахир Непимнинг саҳнага биринчи марта чиқини! Йўқ, йўқ, бу жуда кўплік қиласди.

– Хўп, саккизга қарши ўп бўладими?

– Бўлади.

Бу пайтда юқориги ўриндиқлардан биттасида изтироб билан олишувни кузатиб, бир одам ўтиради. Лидоннинг кекса отаси худодан қўрққани ва азбаройи ташвишланганидан ўғлинишг қандай жанг қилишини кўргани келганди. Ёт, шафқатсиз одамлар орасида, қўпол оломон ичра ёлғиз ўтиранча атрофда нималар бўлаётганини сезаётгани ҳам, кўраётгани ҳам йўқ эди. Унинг икки кўзи ботир ўғлида эди. Ўғли икки бор йиқилганида ҳам у чурқ этиб садо бермади, фақат ранги қув оқариб, титрар эди. Бироқ Лидоннинг ғалаба қилганини кўрганда ҳали бу ғалаба ишнинг бошланишигина эканидан, ҳали даҳшатли жанг олдинда турганидан бехабар ҳолда, каттиқ қичқириб юборди.

— Ботир болажоним! — деди у, ёшларини артиб.

— Бу сенинг ўғлингми? — сўради ундан ўнг ёқда ўтирган давангирдай йигит. — У яхши олишди. Кўрайлик-чи, бу ёфи қандоқ бўларкин. Эшитдинг-а, у биринчи ғолиб билан жанг қилиши керак. Ҳа, бобой, худоларга ёлвор, ишқилиб, унга римликлардан биронтаси билан ёки анави девқомат Нигер билан олиниш тўғри келиб қолмасин.

Медон ўтири-да, қўллари билан юзини ёпиб олди. Энди томонпаларинг унга қизиги қолмаганди — Лидон уларда иштирок этмасди. Аммо шу он унинг миясидан бир фикр йилт этиб ўтди: йўқ, қизиги бор — ахир биринчи йиқилганнинг ўрнига Лидон тушади-ку. Қария титраб кетди ва олдинга энгаппган, тишларини қисганча бутун вужуди кўзга айланиб, сахнага тикилди.

Аввал ҳамманинг эътиборини Нигер ва Спор ўртасидаги олишув тортди — томошибинлар, айниқса, шунака жангларни ёқтиришарди, чуни улар катта санъатни талаб этар ва одатда охири фожиали якун топар эди.

Гладиаторлар бир-бирларидан анча узокроқ туриб олишганди. Спорнинг юзини дубулға тўсиб турарди, бироқ Нигернинг газабнок ва жиддий чехраси ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратганди. Улар бир-бирларига тикилганча бир неча лаҳза тек туришди, кейин эса Спор ҳозирги қиличбозлар қуролини ўйнатиб қиличбозлик қилгандай, қиличини рақибининг кўкрагига мўлжаллаганча аста-секин, эҳтиёткорлик билан унга яқин бора бошлади. Ўнг кўли билан тўрни йиғар экан, йилтиллаган кичик кўзларини Спордан узмай Нигер чекина бошлади. Спордан деярли бир қулочгача яқин борганида ретиарий олдинга сакради ва тўрни отди. Тезлик билан эгилиб, гладиатор ундан қутулиб қолди. У газаб билан тантанавор кичқирди-да, ўзини Нигерга отди, аммо Нигер тўрни орқага қайтариб тортди-да, уни елкасига ташлади ва сахна теварагидан шу қадар тез югуриб кетдики, Спор ҳар қанча чиранмасин,

унга етиши амримаҳол эди. Яғриндор гладиаторнинг баҳайбат рақибини қувиб стишга беҳуда чиранаётганини кўриб томошабинлар қотиб-қотиб кулар, қийқирав эдилар, аммо шу аснода уларнинг эътиборини римликлар ўртасидаги олишув ўзига тортди.

Аввал улар бир-бирларига яқин келишди, аммо эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишганидан жанг суст борарди ва томошабинлар ўз эътиборларини Спор билан унинг рақиби ўртасидаги олишувга қаратишлари мумкин эди, бироқ энди римликлар жунбушга келиб, чинакамига жанг қила бошлиган эдилар – улар гоҳ бир-бирига ташланиб, гоҳ орқага чекинар, иккала томон ҳам кучлар тенг бўлиб қолганда тажрибали жангчиларга хос тарзда пинхоний эҳтиёткорлик билан яна ҳужумга ўтар эди. Бироқ, ана, улардан ёши каттаси Эвмолл Непимни биқинидан жароҳатлади. Томошабинлар қийқириб юборишиди. Лепид оппоқ оқариб кетди.

– А-ҳа! – деди Клодий. – Жанг деярли тугади. Борди-ю, Эвмоли энди эҳтиёт бўлиб олиштудек бўлса, унинг рақиби аста-аста қонини йўқотади.

– Лекин, худога шукур, у эҳтиёткор эмас. У Непимни ер тишлатади. Марс ҳаққи, у Непимга зарба берди! Ана, дубулғаси яна жангирлаб кетди! Клодий, мен ютаяпман!

– Бундан ошик ўйнаганим минг марта аъло эди, – ғудранди Клодий. – Афсус, амфитеатрда фирром ўйин қилолмайсан!

– Спор! Спор! – қичқириб юборди томошабинлар, Нигер бирдан тўхтаб, тўрни иккинчи марта, аммо муваффақиятсиз ирғитганди.

Бу сафар у тез чекинолмади – Спорнинг қиличи ўнг оёғини чуқур яралаганди; у энди қоча олмасди, Спор дабдурустдан унга ташланди. Лекин катта вазн ва узун қўллар ҳамон Нигерга устунлик бериб турарди; уч тишли найзани маҳкам ушлаганча бир неча дақиқа яхши ҳимояланиб турди. Энди аста ва қийналиб ҳаракат қилаётган рақибини Спор тезда айланиб ўтишга

уринарди. Бироқ бир пайт у ҳушёргигини йўқотиб, баҳайбатнинг жуда яқинида пайдо бўлиб қолди; Спор зарба бергани қўлини кўтарган ҳам эдик, уч тишли найза унинг кўксига санчилди. У чўккалаб қолди. Иккичи лаҳзада машъум тўр уни чирмаб олди. Уч тишли найза зарбаси остида у тўлғониб, қутулиб чиқиш учун беҳуда уринарди. Тўр орасида ерга қон оқа кетди. Қўлларипи тушириб, у таслим бўлди.

Ғолиб ундан тўрни олди ва уч тишли найзага сунгтанча нима дер экан, дея томошабинларга каради. Мағлуб ҳам хира ва аянчли нигоҳи билан амфитеатрии кузатиб чиқди. Бироқ барча қаторлардан, барча ўриндиклардан унга фақат бешафқат, қатъий кўзлар қараб турарди.

Қичқириқлар тинди, унинг ўрнини босик ғовур эгаллади. Сўнг сукунат чўқди, аммо бу ўз бешафқатлиги билан даҳшатли сукунат эди. Биронта ҳам қўл, ҳатто аёл қўли ҳам, шафқат аломатини қилмади. Спорни хуш кўрмас эдилар; бу олишув халойиқни жунбушга келтиргани сабаби – Нигер яраланган эди. Сохта ўйинлар томошабинларнинг меъдасига тегиб кетганди, улар қон кўришга итиқ эдилар, биринчи қурбонни талаб этмоқда эдилар.

Қисмати ҳал бўлганини гладиатор англаб турарди: у на ёлворарди, на ох-вой қиласарди. Халойиқ унинг ўлимини талаб қилмоқда эди. Сўнгги зарбани қабул қилиш учун у итоаткорона бошини эгди. Ретиарийнинг уч тишли найзаси дафъатан ва ишончли ўлдира олмаслиги боисидан саҳнага тунд, дубулғаси туширилган одам қалта қиличини ўйнатиб кириб келди. Биттабитта қадам ташлаганча қовоғи солик жаллод ҳамон чўккалаб турган гладиатор олдига келди, чап қўлини унинг бошига қўйди, қиличини кўтарди, томошабинларга кўз югуртириди – ким билсин, сўнгги лаҳзада улар шафқат қилишар, аммо барча бармоқлар ҳамон пастга қаратилиб турарди; қилич ҳавода ярақлади, пастга шўнғиди, гладиатор қумга ағдарилди, бир силкинди-да, қотди-қолди – у ўлган эди.

Унинг жасадини тезда судраб, дарвозадан олиб чиқиб кетишди ва нолярий деб аталадиган қон-коронғи ҳужрага келтириб ташлашди. Бу орада римликлар ўртасидаги олишув ниҳоясига етиб бўлганди. Эвмолп ўзининг унча катта тажрибага эга бўлмаган рақибини ҳалокатли яралади ва ўликларининг мунгли масканида янги қурбон пайдо бўлди.

Энди улкан оломон гивирлаб қолганди, ҳамма мамнун ҳолда «ух» тортиб қўйди ва жойлашиброқ ўтириб олди. Кўзга ташланмас қувурлардан муздек фавворалар отила бошлади. Вужудлари яйраб, одамлар бир-бирларига таассуротларини изҳор қила кетипди. Эвмоли дубулғасини олди ва нешонасини сидирди; унинг жингалак соchlари, калта соқоли, кўркам римча чехраси ва чақиоқ қора кўзлари ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда эди. У бардам, тўрт мучаси соғ, кучга тўлиб-тошиб туради.

Бир оз жимлиқдан сўнг эдитор эълон қилиб айтди-ки, Нигер яралангани боис энди саҳнага чиқолмайди, ўлган Непимининг ўрнини Лидон эгаллайди ва Эвмоли билан жанг қиласи.

— Бироқ, Лидон, — қўшимча қилди у, Лидонга юзлапиб, — борди-ю, ўзининг ботирлигини исботлаган мана бу римлик билан олишишни истамасанг, йўқ дейишинг мумкин. Эвмоли сенга рақибликка тайинланган эмасди. У билан жанг қила оласанми-йўқми, ўйлаб ол. Борди-ю, ютқазсанг, сени шонли ўлим кутади, агар ютиб чиқсанг, мен ўз маблагимдан мукофотни икки баравар опириб бераман.

Ўриндиқлардан олқишлиган қийқириқлар янгради. Саҳнада турган Лидон амфитеатрга кўз югуртириди; хув баланддаги жойда юзи бўздай оқариб кетган отасига кўзи тутиди. У бир зум иккиланди. Йўқ! Цестабозларда ғалаба оз эди — у ҳали биронта ҳам мукофот олгани йўқ, отаси эса ҳамон қул!

— Мұхтарам Эдил, — деди у қатъий оҳашгда, — мен жангта тайёрман. Мен шаҳримиз шаънини қўллаб-

қувватламоқчиман, шонли ланистамиз шогирди мана бу римлик билан куч сишашмаса бўлмайди.

Томошибинлар янада қаттикроқ қийқиришди.

– Биттага қарши тўртни қўяман, Лидон ютқазади, – деди Клодий Лепидга.

– Биттага қарши йигирмага ҳам рози эмасман: ахир Эвмоли Ахиллиинг ўзи-ку, мана бу шўртумшук бўлса ҳозир тухумдан чиқсан.

Эвмоли мийинида кулганча Лидонга қараб қўйди, ошитилар-эшитилмас нафасини ичига тортди – унинг рақибиға раҳми келаётганди, бироқ жанг одатига кўра у яна қаҳрли тусга кирди.

Мана, сўнгги олишув етиб келди, шундан кейин саҳнага йиртқичлар чикиши керак, ҳар иккала гладиатор дубулгаларини тушириб ва қиличларини яланғочлаб, бир-бирига юзма-юз турарди.

Шу он хизматкорлардан бири преторга муҳрланган пойгирни тутди. Претор пойгирни очди, ўқиб чиқди ва ҷехрасида ҳайрат акс этди. У хатни яна бир бор ўқиб чиқди ва ғудраниб: «Бу мумкин эмас! Шунака нарса хаёлига келган бўлса, демак у эрта сахардан ичиб олган экан-да!» – деди ва пойгирни наридан-бери бир четга қўйди-да, дикқат билан олишувни кузата бошлади.

Томошибинларнинг нафаси ичига тушган Эвмоли уларга ёқарди, аммо Лидоннинг мардлиги ва Помпея ланистасининг шаъни ҳақидаги унинг мағурур сўзлари халойикнинг юз-кўзича уни юксакка кўтариб юборганди.

– Ҳой, чол! – деди Медонга унинг қўшниси. – Ўғлингга мана бу римлик билан олишиш қийин бўлар-ов! Аммо парво қилма – эдитор уни ўлдиргани қўймайди, халойик ҳам: ахир шундай ботирни кимнинг кўзи қияди! Ҳа! Мана буни зарба дейдилар. Аммо у боилаб чап бериб қолди, Поллукс ҳаққи! Сол, сол, Лидон! Улар нафас ростлагани тўхташди. Нималар деб мингирляяпсан, бобой?



— Дуо ўқияпман, — жавоб берди Медон умидвор оҳангда; энди у сал хотиржам эди.

— Дуо эмиш, шу ҳам гап бўлди-ю. Худолар одамларни булатга ўраб жанг майдонидан олиб чиқсан замонлар ўтиб кетган. О, Юпитер, зарбани қаранглар! Биқиндан, у биқиндан киради, эҳтиёт бўл, Лидон!

Томошабинлар бир сесканиб тушди. Бошига келиб тушган қаттиқ зарбадан Лидон чўккалақ қолди.

— Тайёр! — чинқириб қичқирди аёл овози.

Бу йиртқичлар жиноятчилардан бирини парча-буриш қилишига интиқ бўлиб ўтирган ҳалиги ёш аёлнинг овози эди.

— Жим бўл, нодон! — деди Пансанинг хотини. — У яраламмаган!

— Афсус, шу вайсақи Медон чолнинг чакагини ўчирган бўларди-я, — минғирлади ёш аёл.

Шу пайтгача маҳорат ва ботирлик билан ҳимояланниб келаётган Лидон пихини ёрган римликнинг жонжашди билан тушираётган зарбалари остида ҳолдан тоя бошлаганди; унинг қўллари зилдай бўлиб қолган, кўзлари тинган, оғир-оғир ва қийинчилик билан нафас оларди. Рақиблар нафасларини ростлаш учун бир зум тўхташди.

— Йигитча, — деди унга Эвмоли аста, — таслим бўлиб қўя қол. Сенга озгина жароҳат етказаман-да, сен қуролингни туширасан. Эдитор билан томошабинлар сен томонда, жангдан сен шараф билан чиқасан ва ҳаётингни сақлаб қоласан.

— Отам қул бўлиб қолаверсинми! — минғирлаб деди Лидон. — Йўқ! Ё унга озодлик келтираман.

Кучлар нотенг эканини ва ҳаммаси энди тўсатдан ва жон-жаҳд билан қилинган тазиикقا боғлиқ эканини англааб турган Лидон ғазаб билан Эвмолига ташланди. Римлик эҳтиёткорлик билан чекинди, Лидон яна олдинга ташланди, аммо Эвмоли чап бериб қолди, қилич унинг совутидан сирғалиб ўтди ва шу лаҳзада, Лидоннинг кўкси очиқ қолганида римлик қилични зирхнинг

чокига санчди. У қаттиқ яраламоқчи эмас эди, бирок Лидон ҳолдан кетиб ва қийналиб, олдинга йиқилди; тиғ унинг баданига чуқурроқ кириб бормоқда эди. Эвмоли қилични сууриб олди. Лидон қаддими ростлашта харакат қилди, қиличини тушириб юборди, гладиаторга қуролсиз қўли билан қулочкамлаб зарба берди-да, саҳнага юзтубан йиқилди. Томошабинлар ва эдитор бир бўлиб шафқат аломати берилди. Хизматкорлар Лидоннинг олдига югуриб келишди-да, унинг дубулғасипи ечишиди. У ҳали нафас оларди; у ғазабнок қўзларини душманига тикди. Гладиатор ҳунари унинг чехрасига ўз муҳрини аллақачон босиб бўлган ва ажал соя ташлаб турган бу чехрада нафрат қотиб қолтанди. Сўнг у жон талвасасида инграб, титраб, кўзини юқорига кўтарди. У эдиторга ҳам, унга шафқат тилаётган томошабинларга ҳам қарамаёттанди. У уларни кўрмаёттанди – гўё уни катта бўшлиқ қамраб олгандай эди. Факат бўздай оншоқ, изтиробдан буришган юзни таниди, оломон гувиллаши орасида биргина аламли қичқириқни эшитди. Унинг чехрасидаги шиддат ғойиб бўлди, ўслига бўлган майин ва нафис ифода бир карра ёғду ташлаб ўтди, кейин у ҳам изсиз ўчиб, тунд тус олди. Бирдан унинг чехрасини олдингидай қаҳр ва қатъият эгаллаганди. У бошини қумга кўйди.

– Олиб боринглар уни, – деди Эдил. – У ўз бурчини бажарди.

Хизматкорлар Лидонни полярийга олиб кетишиди.

– Шои-шарафнинг азалий қисмати шу бўлиб келган! – ғудранди Арбак ва унинг амфитеатрга ташланган нигохида шундай нафрат тўла эдики, бу нигохга тўқнаш келган ҳар қандай одамнинг нафаси ичига тушиб кетарди ва бир туйғу қолган барчаси – хурофий кўркувни босиб кетарди.

Хушбўй фавворалар яна отила бошлади, хизматкорлар саҳнага янги қум сочишга киришиб кетишиди.

– Арслонни қўйиб юборинглар ва афиналик Главкни келтиринглар, – деди эдитор.

Шу топ амфитеатрга гүристон жимлиги чўкди. Ҳамма қаттиқ интизорликда қотиб туарди, вужудлари-ни чукур даҳшат чулнаган бўлса-да, воажаб, бу даҳнат одамлар учун қандайдир ёқимли эди!

### *III боб*

## **САЛЛЮСТИЙ. НИДИЯНИНГ МАКТУБИ**

Ўша куни тонг саҳарда Саллюстий уч марта уйғонди ва ҳар гал бугун дўстининг ҳалок бўлишини эслаб, чукур уҳ тортарди-да, ўзини чалвитиш учун яна уйқуга кетарди. Унинг ҳаётдаги ягона мақсади ўзини кўнгилсиз воқсалардан олиб қочиш бўлиб келган, борди-ю бунинг иложи бўлмай қолса, у, ҳеч бўлмаганда, уни унутишга ҳаракат қиласди.

Охири у ўрнидан туриб ўтирди ва ҳар доимгидек тўшаги ёнида севимли озод қулини кўрди. Фасоҳат билан сўзлашни жонидан яхши кўрадиган Саллюстий эрталаблари ўрнидан туришидан олдин бир-икки соат китоб мутолаа қиласди.

– Бугун мутолаа кўнгилга сиғмайди! Тибул ҳам керак эмас! Пиндар ҳам керак эмас! Пиндар! Эвоҳ! Унинг номининг ўзиёқ менга ўйинларни эслатади – ахир уларни шафқатсиз саҳнамиз мерос қилиб олганку. У ёқда томоша бошланиб бўлгандир?

– Анча бўлди, Саллюстий! Карнайлар овози, олоннинг тапир-тупурини наҳотки эшитмаётган бўлсанг?

– Ҳа, ҳа, лекин худоларга шукур бўлсинки, мен пинакка кетган эдим, бу ёнбошимга ағдарилишим билан яна кўзимни уйқу олибди.

– Гладиаторлар анчадан бери саҳнада бўлишса керак, ҳойнаҳой.

– Шўрликлар! Кулларимдан ҳеч бири у ёққа бормадими?

– Йўқ, албатта: ўзинг қаттиқ тақиқлаб қўйгандингку.

— Яхши. Тезроқ кеч бўла қолсайди! Анови столдаги қанақа хат экан?

— Буми? Э-ха, буни сенга кеча алламахалда бир қиз олиб келганди, унда сен фирт... фирт...

— Маст эдим, ўқиёлмадим, шундайми? Ҳечқиси йўқ, у шошилинч хат бўлмаса керак.

— Очайми уни, Саллюстий?

— Ҳа, балки менга эрмак бўлар. Шўрлик Главк!  
Озод қул мактубни олди.

— Юнонча ёзилган экан, — деди у. — Биронта ўқимишли хонимдан бўлса керак, ҳойнаҳой. — У хатта кўз югуртириди, бироқ кўр қиз тирнааб ёзган қинғир-қийшиқ сатрларни ҳадеганда англаёлмади. Кейин юзида хаяжон акс этди. — Ё қодир эгам! Аслзода Саллюстий! Нима қилиб қўйдик! Эшит! «Чўри қиз Нидиядан Главкининг дўсти Саллюстийга. Мени Арбакнинг уйида зиндоңда ушлаб туришибди. Преторнинг олдига югар. Мени озод қилиб ол, биз ҳали ҳам Главкни арслоннинг оғзидан қутқариб қола оламиз. Бу ерда бир маҳбус бор, унинг кўрсатмалари афиналиқни оқлани мумкин. У жиноятга гувоҳ бўлган ва қотил эркинликда юрганини, бу ярамасдан ҳеч ким гумон қилмаётганини исботлаб бера олади. Бир дақиқани ҳам зое қилма! Ўзинг билан қуролланган одамларни олиб кел, чунки қаршилик кўрсатишлари мумкин, зиндан эшигини синдириш учун яхши темирчи ҳам ола кел. Ўтган-кетган авлиёлар ҳаққи, отангнинг арвоҳи ҳаққи, тезроқ бўл, вақтни ўтказма».

— Буюк Юпитер, — деди Саллюстий, титраб. — Айни шу бугун, эҳтимолки шу соатда у ўлади. Нима қилиш керак? Тез преторнинг олдига бориш керак!

— Бундан фойда йўқ. Претор ҳам, эдил Панса ҳам ўйин ташкилотчилари — оломон ер-кўкка сиғмайди! Оломон эса ўйинни қолдириш тўғрисида ўйламайди ҳам. Энди уларни тўхтатиб бўлмайди. Бундан ташқари, агар очиқчасига ҳаракат қилинса, айёр мисрлик бундан хабардор бўлиб қолади. У эса буни яширишдан ошкора манфаатдор! Йўқ! Хайриятки, барча қулларинг уйда...



— Тушундим, — унинг сўзини бўлди Саллюстий. — Тезда қулларни қуроллантири. Кўчаларда ҳеч ким йўқ. Биз тез Арбакнинг уйига бориб, маҳбусларни бўшатамиз. Тез! Тезроқ! Ҳой, Дав! Кийимларим билан кафшимни, қоғоз билан қаламни келтир: мен преторга Главкни қатл этишга шопимай туришини сўраб хат ёзаман, бир соатдан кейин эса биз, эҳтимол, унинг айбсизлигини исботлармиз... Мана, тайёр. Чоп, Дав, буни амфитеатрдаги преторга олиб бор. Қара, хатни унинг ўз қўлига топширишсин. Энди эса, эй худолар, менга ёрдам беринглар ва мен Эпикурни ёлрончи деб эълон қиласман!

#### IV боб

### ЯНА ГЛАДИАТОРЛАР

Главк ва Олииғни қоп-қоронги зиндонга ташлашди, бу ерда одатда сўнгги даҳнатли олишувни пойлаб ётган жиноятчилар сақланарди. Қоронғиликка ўргангач, улар бир-бирларининг юзларини ва кўзларини чулғаб олган оппоқ рангни фарқлай бошлаган эдилар, уларга баппаратари бадтар ўлик тусига киргандай ва қўркинчили бўлиб кетгандай туюлиб кетди. Аммо ҳар иккаласи ҳам ўзларини маҳкам тутмокда эди, уларнинг лаблари қаттиқ қимтилганди. Бирининг садоқати, иккинчисининг фурури, ўз беайблигини англаши ва эҳтимолки бир-бирларини ўзаро қўллаб-кувватлашлари уларни курбонларга эмас, балки қаҳрамонларга айлантирганди.

Нихоят эшик ғирчиллаб очилди ва деворларга одам соялари тушди.

— Афиналик Главк, чиқ, вакт-соатинг битди, — деди баланд овоз. — Арслон сенга мунтазир.

— Мен тайёрман, — жавоб берди афиналик. — Оғам ва дўстим, кел, кучоқлашайлик! Мени дуо қил ва алвидо!

Насроний ёп мажусийни кўксига босди, унинг манглайи ва юзларидан ўпди, дамлама таъсиридан ҳали

батамом ўзига келмаганидан очик ҳавога чиққанида чайқалиб кетиб, сал бўлмаса йиқилиб тушаёди. Хизматкорлар уни ушлаб қолишиди.

– Ўзингни тут! – деди биттаси. – Сен ёш ва кучлисан. Сенга қурол беришади. Дадил бўл, сен ҳали сингишинг ҳам мумкин.

Главк жавоб бермади, бироқ ўзининг заифлигидан уялиб, жон-жаҳди билан ҳаракат қилди ва ўзини тутиб олди. Эгнида лунгидан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Унга мой суртишиди, кўлига темир қалам тутқазишиди (шу ҳам қурол бўлди-ю!) ва саҳнага олиб чиқишиди.

Юон ўзига қадалиб турган ўи минглаб одамни кўрди-ю, ўлим ҳақида ўйламай қўйди, кўрқув изсиз гойиб бўлди. Унинг ошоқ юзига қизиллик югорди, у қаддини ғоз тутди. Хушбичим ва чайир гавда, қатъий, аммо ғазабдан холи чехра, унинг ҳар бир ҳаракатидан, кўзларидан, қимтилган лабларидаи манаман деб турган нафрат ва саркашлиқ Главкни ватани ва унинг дипи мардлигининг жонли тимсолига айлантирганди – бу битта қиёфадаги ҳам қаҳрамон, ҳам худо эди!

Уни саҳнага олиб чиқишиганида унинг жинояти олдидиа норозилик ва даҳнатта тўла ғала-ғовур кўтарилиди, бироқ ҳаял ўтмайёқ қариyb ҳамдардона сукунат чўқди; барча томошибинлар баб-баравар нигоҳларини саҳна ўртасида турган катта шанжарали қутига қаратдилар. Бу ичиди арслон бўлган қафас эди.

– Венса ҳаққи, бугун жудаям кун иссиқ бўлди! – деди Фульвия. – Ҳолбуки, офтоб йўқ. Бу аҳмоклар чодирни ҳам дурустроқ тортишмаган экан-да.

– Ҳа, иссиқ. Кўнглим бехузур бўлиб кетаяпти, ҳозир ўзимни ташлаб юбораман, – деди Пансанинг хотини; ҳатто у ҳам бошланиши керак бўлган курашни кутавериб, тоқати тоқ бўлиб кетганди.

Бир кеча-қундуздан бери арслонга овқат беришмаганди ва эрталабдан бери у қафасда безовталаниб айланарди, буни назоратчи очлик азоби қийнаётганга йўярди. Бироқ арслоннинг кўрининши хийла ювош эди,

кўпроқ ҳуркаётганлиги сезилиб турарди; у мунгли улиб қўйди, бошини эгди, панжара симлари орасидан ҳавони хидлади, сўнг яна сакраб тушди-да, шундай бир ваҳшиёна ўкирдики, бутун теварак-атрофни ларзага солиб юборди. Энди у қафасда бурнини симлар орасига тиққанча жим ётарди, бурун катаклари керилиб кетган, нафасидан саҳнадаги қумлар учар эди.

Панса бўздай оқариб кетган, лаблари титрар эди; у атрофга ташвишли кўз солди, тараддудланди. Томошабинлар тоқатсизликдан қичқиришга тушган эдилар. У ишора қилди, қафас оргида турган назоратчи аста эшикни очди ва арслон даҳшатли ўкирганча ташқарига отилиб чиқди. Назоратчи ҳайвонлар шохини унинг ўлжаси олдида қолдириб, панжарали йўлак орқали саҳнадан кетишга шошилди. Арслонни қарши олишга тайёрланиб, Главк ўтириб олди ва заиф умид ичидан ўзининг миттитина ялтироқ қуролини кўтарди, кўзга берилган аниқ бир зарба (иккинчи зарбани беролмаслигини у биларди) қутурган душманининг миясини ишдан чиқариши мумкин эди.

Бироқ арслон гўё жиноятчини пайқамаётгандек эди – ҳамма ҳайратдан ёқа унлади.

У саҳна ўртасида таққа тўхтади, ёлларини ҳурпайтирди ва бетоқат ҳавони ҳидлай бошлади; сўнг олдинга отилди, аммо афиналикка эмас. У йўрғалаб саҳнани айланиб чиқди, худди қочиб чиқишга йўл қидираётгандай атрофга олазарак боқарди; уни томошабинлардан ажратиб турган девордан ошиб ўтишга бир-икки уриниб кўрди ва бунинг уддасидан чиқмагач, шоҳона қудратли ўкирик ўринига надоматли улиб қўйди. Унинг авзоида ҳеч қанақа ғазаб ё очлик аломати кўринимасди, думи ҳам у ёндан-бу ёнга қаттиқ-қаттиқ урилиш ўрнига кум устидачувалиб ёгарди, кўзи Главкка тушганида эса, у бепарволик билан тескари қараб олар эди. Охири, айтидан, қочиб чиқишдан умидини узди, шекилли, ирилаганча қайтиб қафасга кирди ва ётиб олди.

Аввалига арслоннинг бепарволигидан таажжубга тушган томошабинлар энди унинг қўрқоқлигидан

аччиқлана бошлаган эдилар. Ҳеч кимнинг Главкка ичи ачимай қўйганди.

Панса назоратчини чақирди.

– Бу қанақаси? Найзани ол, уни қафасдан ҳайдаб чик-да, эшикни ёпиб кўй.

Кўрқиб кетган, ундан кўра кўпроқ ҳайратга тушигандан назоратчи буйрукни бажаришга кириша бошлади, бироқ шу топ амфитеатр эшикларининг биридан қаттиқ қичқириқ янгради. Шовқин, ғала-ғовур кўтарилиди, атрофни норозилик ҳайқириқлари тутиб кетди, гап нимадалигини англатувчи баланд овоз янрагандан эса ҳамма бирдан сенаторлар жойи олдида соchlари тўзиган, ҳансираган, терлаб кетган, ҳолдан тойган Саллюстий пайдо бўлди.

У дарҳол саҳнага кўз ташлади.

– Афиналикни олиб чиқинглар! – қичқирди у. – Тезроқ бўлинглар, акс ҳолда, бегуноҳ одам ўлиб кетади! Мисрлик Арбакни ушланглар – Апекиднинг қотили ўша экан!

– Ақлингни едингми, Саллюстий! – деди претор ўриидан туаркан. – Бу нима деганинг?

– Айт, афиналикни олиб чиқиб кетишсин! Тезроқ, бўлмаса унинг қонини сен ноҳак тўккан бўласан! Претор, бунинг учун императорга ҳаётинг билан ўзинг жавоб берасан! Мен коҳин Апекид ўлимига гувоҳни олиб келдим. Йўл беринглар! Четланинглар! Одамлар, Арбакка қаранглар – ана у! Коҳин Каленга йўл беринглар!

Очлик ва ўлим чангалидан ҳозиргина тортиб олинган, юзлари оппоқ оқариб кетган, озган, лунгилари осилиб, кўзлари хиралашган, ҳолдан тойган Каленини қуллар қўлтиқлаганча Арбак ўтирган қаторга олиб келишди. Халоскорлар йўл-йўлакай уни озиқлантиришга улгурган эдилар, боз устига қасос олиш фикри унга куч бағишлиамоқда эди.

– Коҳин Кален! Кален! – қичқиради оломон. – Наҳотки бу ўша бўлса? Йўқ, бу мурда-ку!

— Ҳа, бу коҳин Кален, — деди претор совуқ оҳангда. — Гапир, Кален.

— Мисрлик Арбак — коҳин Апекиднинг қотили. Унинг қандай ўлдирганини мени ўз кўзим билан кўрдим. Бу ҳақда гапириб бериш учун худолар мени у ташлаган зиндоидан, зулматдан, очлиқдан ўлиб кетиш даҳшатидан қутқардилар! Афиналикни озод этинглар — у бегуноҳ!

— Арслоннинг унга тегмагани шундан экан-да! Мўъжиза! — қичқирди Панса.

— Мўъжиза! Мўъжиза! — уни қўллаб-қувватлади оломон. — Афиналикни олиб чиқинглар! Арбакни саҳнага олиб киринглар!

Бу ҳайқириқ чор-атрофдан акс садо берди ва деңгизгача бориб етди.

— Арбакни саҳнага олиб киринглар!

— Главкни олиб кетинглар, аммо қоровул қўйинглар унга, — деди претор. — Худолар биздан мўъжизаларини аяшмаяпти. Кален, Исида коҳини, айт, Арбакни Апекиднинг ўлимида айблайсанми?

— Ҳа.

— Қотиллик қандай содир бўлганини кўрдингми сен?

— Претор, иккала кўзим билан кўрдим...

— Ҳозирча етарли — қолганини судда сўзлаб берасан. Мисрлик Арбак, айловни эшитдинг. Нега индамайсан? Жавоб бер!

Ҳамманинг нигоҳи аллақачондан бери Арбакка қадалган эди, бироқ Саллюстий ва Кален пайдо бўлганида уни қамраб олган саросималикни яширишга ултурган эди. «Арбакни саҳнага олиб киринглар!» — деган ҳайқириқни эшитиб, у титраб кетди, қорача юзи яна оқариб кетди. Шундай бўлса ҳам у ўзини дарров ўнглаб олди. Атрофга мағрур қаради-да, преторга ҳар доимгидай хотиржам ва амона тусда жавоб берди:

— Претор, бу айлов шунчалик бемаъники, жавоб беринга ҳам арзимайди. Менинг биринчи айловчим, Саллюстий — Главкнинг яқин дўсти, иккинчи-

си – коҳин. Мен унинг либоси ва рутбасини хурмат қиласман, аммо сизлар Каленни биласизлар. У шунчалик очкўзки, унинг очкўзлиги мақолга айланиб кетган. Бундай одамни сотиб олиш учалик кийин эмас. Претор, мен ўзимнинг айбдорлигимга икрор бўлмайман!

– Саллюстий, – деди ҳакам, – сен Каленни қасрдан тоидинг?

– Арбакнинг тагхонасидан.

– Мисрлик, – деди претор, хўмрайиб, – демак, коҳинни тагхонага ташлашга журъат қилибсан-да? Нима учун?

– Гапимни эшит, – жавоб берди Арбак, ўридан тураркан. У бу сўзни жуда хотиржам айтди, холбуки унинг юзида ҳаяжон аломатлари сезилиб турарди. – Бу одам олдимга келди-да, агар мен унга бойлигимнинг ярмини бермасам, ҳозир сизлар эшитган айбловни бўйнингга қўяман, деб дўқ урди. Мен уни инсофга чақирдим, аммо у айтганида туриб олди... Жим бўлинглар, илтимос, коҳинга айтинглар, сўзимни бўлмасин! Олийҳиммат претор ва сизлар, шахар ахли! Мен бу ерда мусоффирман ва гарчи виждоним пок бўлса-да, коҳиннинг гувоҳлигидан ҳаётим барбод бўлиши мумкин эди. Мен қўрқиб кетдим, ҳазинамни кўрсатмоқчи бўлган киши бўлиб бу одамни зинданга алдаб олиб бордим, уни ўша ердан топиб келишган. То ҳақиқий жиноятчи устидан чиқарилган ҳукм ижро этилмагунча ва Каленниң дўклари кучини йўқотмагунча мен уни ўша ерда саклаб туришга қарор қилдим. Бор-йўқ гап шу. Балки мен охирини ўйламай иш тутгандирман, аммо ўз ҳукукини ҳимоя қилишига қаршилик кўрсатувчилар борми бу ерда? Борди-ю, мен айбдор бўлсам, нега бу одам судда чурқ этмади? Ўша пайтда у ҳали эркинликда эди-ку. Нима учун мен Главкни айблаганимдан кейиноқ у мени фош этмади? Претор, у шу саволларга жавоб берсин! Колган барча масалаларда мен ўзимни қопун қўлига тошираман ва ҳимоя қилишини сўрайман. Олиб кетсинлар айбловчи

билан айбдорни, мен қонуний суд қарорига бажонидил бўйинсунгайман.

— У ҳақ, — деди претор. — Хой, посон, Арбакни олиб кетинглар ва Каленни кузатинглар! Саллюстий, сен айбловинг учун жавоб берасан. Ўйинни янгидан бошлаймиз.

— Қанақасига! — деди Кален, оломонга мурожаат қилиб. — Наҳотки Исидаға шундай бўхтонлар қилинса? Наҳотки Апекиднинг қони ўша-ўша қасосга чақираверади? Наҳотки ҳакам ҳозироқ одил ҳукм чиқаролмай, жиноятчи яна қутулиб қолса? Наҳотки арслон ўзининг қонуний насибасидан бебаҳра қолади? Маъбуда! Сезиб турибман, менинг тилим билап маъбуда ваҳий келтираяшти! Арбакни саҳнага олиб тушинглар, саҳнага!

Азбаройи разабдан беҳол бўлиб, у жон талвасасида ерга қулади; унинг оғзидан кўпик чиқди, у чинданам ғайритабиий қудратта эга одамга ўхшаб кўринарди. Унга қараб туриб, томошабинлар сесканиб тушишди.

— Маъбуда унга илҳом берди! Мисрлик саҳнага олиб туширилсин!

Минглаб одамлар сапчиб турди-да, пастга отилди. Улар мисрликнинг устига бостириб кела бошладилар. Эдилниң амиronа қичкириқлари, преторнинг қонунни ҳурмат қилиш керак дея томоқ йиртишлари бир пулга чиққанди. Томошабинлар қутуриб кетишганди, энди улар қондан сармаст бўлиб, яна қонга ташна эдилар; шафқатсизлик хурофотдан устун келмокда эди. Ўз қурбонларининг кўз олдиларида турганини кўриб, улар қонунга бўйсуниши унугтан эдилар. Бу рим вилоятлари учун ғоятда хос ва мос бўлган ярми қуллардан иборат жоҳил оломон эди. Преторнинг буйруғи довул остида қолган қамиш поясидай бўлиб қолганди; шундай бўлса-да, унинг амри билан посонлар зодагонлар ўтирган пастки ўриндиқларни оддий фуқаро ўтирадиган юқориги ўриндиқлардан ажратиб турувчи йўлаккача сиқиб келишди. Бу лиқилдоқ девор олдида одамлар



тұлқини бир зумга тұхтади ва Арбак қисмат чехрасига сүнгі марта күз таштай олди. У ғазаб ва дахшат ичра ғуурини унуганда, у ғуфрон ураётган оломонга қараб турарди ва бирдан айни боши узра, өдирнинг кенг ёриғидан у шундай бир нарсаны күриб қолдики, шу нарса унинг эсини йиғиб олишига ёрдам берди.

У қўлини кўтарди. Унинг кибрли чехрасида амирона ва тантанавор ифода зоҳир бўлди.

— Караплар! — қичкирди у момоқалдириқдек овоз билан оломон ғовурини босиб. — Караплар, худолар бегуноҳнинг тарафини оляяпти! Қасоскор Оркнинг чақмоқлари ёлғон гувоҳларнинг кулини кўкка совуражак!

Оломон юқорига қаради ва Везувий чўққиси узра улкан чинор шаклидаги булут кўтарилаётганини кўриб, кўркиб кетди; унинг танаси қора, шохлари эса оловли эди ва мана шу олов дам сайин рангини ўзгартирап эди: у тоғ кўзни олар даражада ёрқинлашар, тоғ қипқизил бўлар, тоғ яна чараклаб, кўзни қамаштиради.

Гўристон жимлиги чўқди, уни аввал арслоннинг, ундан кейин вивариядаги йўлбарснинг ўкириги бузди. Улар табиатнинг қаттиқ ғазабидан дарак бермоқда эдилар.

Аёллар чинқира бошлишди, эрқаклар жимгина бир-бирларига қарап эдилар. Шу аснода ҳамма оёқлари остидаги ер силкинаётганини, амфитеатр деворлари титраётганини сезди, узоқлардан қулаб тушаётган тошларнинг қасир-қусур овозлари қулоққа чалинди, яна бир лаҳзадан сўнг тоғ устида турган булут ўз қорнидан чўғдай қизиган тош аралаш кул дўлини ёғдирганча шиддат билан тўғри шаҳар устига бостириб кела бошлади. Бу даҳшатли дўл ҳамма жойга — жизғанак бўлган узумзорларга, бўм-бўш кўчаларга, амфитеатрларнинг ўзига ёғмоқда эди, денгизда сув фаввора каби отиларди.

Оломон Арбакни зумда унугди, ҳамма фақат ўзининг омон қолишини ўйларди. Одамлар қочишга тушди-

лар, улар бир-бирларины турттар, қисилар, талпинар эдилар. Улкан оломон йиқилғанларни босқылаб, дод-фарёд күтариб, сўкиниб, дуолар ўқиб ва вовайлолар қилиб, сонсиз эшиклардан чиқа бошлади. Аммо қаёққа қочиш керак? Айримлар янги зилзилали кутиб, бор қўр-қутларини олиш ва фурсат ғаниматда шаҳардан чиқиб кетиши учун уйга шошар эдилар: бошқа бирлари дапкур-данқур ёғиб турган кул ва тошлар дўлидаш қўрқиб, тўғри келган жойга – энг яқиндаги уйларгами, эхромларгами, кошоналаргами кириб яширинар эдилар, ишқилиб очиқ ҳавода қолиб кетишмаса бўлгани. Бироқ тепаларидаи булат тобора қорайиб, катталашиб, даҳшатли равишда қуюклашиб борарди. Гўё зулматли тун қўққисдан қундуз салтанатига бостириб киргандай.

## V боб

### ГЛАВК ЗИНДОНДАН ЧИҚАДИ

Соқчилар караҳт бўлиб қолган, ҳамон ўз баҳтига ишонмаётган Главкни амфитеатр деворидаги бир кичикроқ меҳробга олиб ўтишди ва устига енгил кийим ташлашди. Чор-атрофда одамлар қайнар, уни табриклар, ҳайрон бўлар эдилар. Ташқаридан бетоқат қичқириқ эшишилди, халойик йўл очди ва қайсиdir яхши одам етаклаб келган кўр қиз ўзини Главкинг оёқларига отди.

– Мен қутқардим сени! – хўнграб йигларди у. – Энди ўлсам ҳам розиман!

Аммо бу мугаассир маузара юқорида тасвирлаганимиз оғат туфайли бўлиниб қолди.

– Вулқон! Зилзила! – овозлар келарди ҳар ёқдан.

Главк ва Нидияни ўз холларига ташлаб, соқчилар бошқаларга қўпилиб чопиб кетишли.

Хатарни англаб, валломат афишилик дарҳол Олинфи ни эслади. Демак худолар уни йўлбарсдан сақлаб

қолганлар. Наҳотки бу ерда, зинданда унинг пешонасига бундан-да оғирроқ азоблар билан ўлиб кетиши ёзилган бўлса? Главк Нидиянинг қўлидан тутиб, ички йўлаклардан тезда насроний ётган зиндангача етиб олди. Олинф чўкка тушиганча ибодат қиласарди.

— Тур ўрнингдап, дўстим! — қичқирди Главк. — Чоп, қочиб қол! Кўрмаяисанми — табиатнинг ўзи сени озод қилди.

У лол қараб турган насронийни зиндан ичидан судраб чиқарди-да, яқинлашиб келаётган булутни кўрсатди, булут тобора қорайиб бормоқда ва ерга тош дўлларини ёғдирмоқда эди. Ҳамма томондан қичқириқлар ва чопаётган оломоннинг дод-фарёдлари тутиб кетганди.

— Бу худойимнинг қўли! Худога шукур! — деди Олинф шукроналик билан.

— Чоп! Одамларингни қидириб тош-да, улар билан бирга жон сақла. Хайр!

Главк ҳам Нидия билан бирга ҳар бир қадамда ҳалокатли хатар хавф солиб турган шаҳар бўйлаб чопиб кетди. Афиналик кўр қиздан Ионанинг хали ҳам Арбакнинг уйида экаини билиб олди. Қизгипани кутқариш учун у ўша ёққа шошди. Мисрлик уйда қолдирган оз сонли қуллар амфитеатрга йўл олиб, Саллюстийнинг қуролланган бир гурӯҳ аскарларига йўл кўрсата олмас эдилар, вулқон отила бошлагач эса, улар қулоқлари чиппа битиб ва юраклари ёрилиб, уйнинг энг олис бурчакларига кириб кетишганди. Ҳатто баҳайбат ҳабаш ҳам эшик олдидағи ўз жойини ташлаб кетганди. Нидияни эшик тагида қолдириб, унга Ионанинг хонаси қаердалигини кўрсата оладиган ҳеч кимни учратмай, атрийдан югуриб кетди. Коронфилик шунчалик тез қуюқлашиб борардики, у йўлни базўр тошиб борарди. Гулчамбарлар билан безатилган устунлар титрар ва чайқалар эди; очик перистилга кул сония сайин кўпроқ тўкилмоқда эди. Главк зинадан чопиб чиқди-да, ҳансираф, баланд овозда Ионани чақира бошлади. Айвоннинг энт тўридан қизининг овози қулоғига чалинди.



Олдинга тапланиш, деворни ёриш, Ионани қўлларига кўтариб олиш ва у билан уйдан қочиб чиқиш йигит учун кўз очиб-юмгунчалиқда бўладиган иш эди. У Нидия турган жойгача етиб борган эди ҳамки, қадам товушлари қулоғига урилди ва Арбакнинг товушини таниди. У бойликлари билан бирга Ионани ҳам олиб, бу худонинг қаҳрига учраган шаҳардан қочиб кетиш учун қайтиб келганди. Бироқ атроф шу қадар коронги эдики, гарчи жуда яқин турсалар-да, душманлар бир-бирларини кўришмаётганди ва Главк мисрликнинг оппоқ либосини элас-элас илғамоқда эди, холос.


Главк, Иона ва Нидия олға шоппар эдилар. Каёқка? Эпди икки қадам наридан ҳам ҳеч нарсани кўриб бўлмаётганди ва коронғилик бутун борлиқни ютиб юборганди. Улар даҳшатли номаълумлик қуршовига тушиб қолган эдилар, Главк ҳозиргина ҳалос топган ажал ҳам, афтидан, фақат қиёфасини ўзгартирган ва янги қурбонларга кўз тиккан эди.

## VI боб

### КАЛЕН ВА БУРДОН. ДИОМЕД ВА КЛОДИЙ

Жамиятнинг асос-негизини чинакамига ларзага солган ногаҳоний ҳалокат маҳбусни ҳам, зинданбонни ҳам озод қилиб юборди. У претор тайинлаган соқчилардан Каленни ҳалос қилди. Оломон ва зулмат коҳин ва унинг ҳамроҳларини ажратиб юборгандан кейин у журъатсиз одимлар билан ўз маъбудаси эхроми томон шошилди. Йўлда, бутунлай коронги бўлишдан сал олдин кимдир унинг кийимидан тутди ва хирқироқ овозда қулоғи устидан леди:

- Жим! Кален! Бу не кўргулик бўлди!
- Ҳа, отамнинг боши ҳаққи! Аммо сен кимсан? Юзишни яхши кўролмаяпман, овозинг эса нотасин.



– Наҳотки Бурдонни танимаган бўлсанг? Уял-с!

– Эй худолар! Коронғилик қуюқлашиб кетаяпти! Қара, анави даҳшатли тоғ устида чақмоқлар қанақанги чақаяпти! Худди рақсга тушаётгандай. Аид эркинликка отилиб чиқкан.

– Бекорларни айтибсан! Бунака аҳмоқона нарсаларга ишонмайсан-ку, Кален! Ҳозир биз бойиб кетишимииз учун энг қулай шайт бу.

– Бу нима деганинг?

– Менга қара! Сенинг эхромингда олтин ва турлитуман қимматбаҳо буюмлар тўлиб-тошиб ётибди. Юр, бориб уларни олайлик, кейин эса шартта денгизга борамиз – кемага чиқиб оламиз. Бугун истаган нарсангни қила оласан, ҳаммаси ўзи қўлингта кириб турибди.

– Тўғри айтасан, Бурдон. Жим! Орқамдан юр. Коҳинмисан ё йўқми, энди сени ким билиб ўтирибди? Ҳаммасини ўртада бўлашиб оламиз.

Эҳром ҳовлисида меҳроблар атрофига коҳинлар уймалашиб юрарди; улар йиглар, ёлворар, ерга бош урас эдилар. Ҳали уларга ҳеч нарса таҳдид қилмаганида улар бошқаларни лақиллатиб юрар эдилар, бошлариға оғат ёғилиб турган айни вақтда эса ўзлари фирт бидъатчига айланиб қолганди. Кален улар ёнидан ҳовлининг жанубий қисмида ҳозир ҳам кўриш мумкин бўлган уйга ўтди. Бурдон унга соядай эргашиб келарди. Коҳин шамни ёқди. Столда қурбонлик зиёфати сарқитлари – шароб ва таомлар бор эди.

– Икки кундан бери туз тотмаган одамнинг ҳатто мана бундай кунда ҳам иштаҳаси карнай бўлади, – фудранди Кален ва очкўзлик билан ўзини овқаттга урди.

Мазкур ярамасларнинг тубан фаразгўйликларидан даҳшатлироқ ва қабиҳроқ бирор нарсани тасаввур этиш қийин эди, зеро, очкўзлик туфайли пайдо бўлган жасоратдан жирканроқ нарсанинг ўзи йўқ. Дунё тагидан зил кетганида ўғрилик ва шаккоклик тантана қиласи! Табиий оғат инсондаги иллатларни нақадар даҳшатли тусга солмайди!

— Бас қилсанг-чи әнди, барака тоңкур! — деди Бурдои тоқатсизланиб. — Қип-қизил бўлиб кетдинг, қўзларинг ҳам пешонангга иргиб чикди.

— Умримда бунақа очқамаган эдим. О, Юпитер. Бу қанақа овоз бўлди? Сув шовулляйтими? Наҳотки мана бу булут оловга қўшиб қайноқ сув ҳам сочаётган бўлса? Ҳа! Қичқириқларни эшитаяпман. Энди эса жимиб қолди. Қара, нималар бўлаяпти.

Кудратли тоғдан энди қайноқ сув отилиб чиқмоқда эди. Чўғдай кулга қоришиб, сув дам-бадам кўчаларга отилиб тушарди. Исида коҳинлари илоҳларни кўкларга кўтариб беҳуда шарафлашга уринганча ҳозиргина меҳробларга ёпишиб турган ҳовлига катта-катта харсангни думалатиб қудратли тошқин ёпирилиб кирди. Сув коҳинларнинг эгилган бошларига келиб тушди ва уларнинг фарёдлари — ажалдан, жим бўлиб қолишгани — абадиятдан дарак эди. Кул ва қоп-қора балчиқ меҳробларга чапланди, ерни қоплади ва жасадларни дафи этди.

— Улар ўлди, — деди Бурдон. Юраги ёрилганча у ўзини орқага, том остига отди. — Хатар шу қадар яқин деб ўйламагандим.

Икки малъун бир-бирига қараганча тик туарар эди, юраклари гуп-гуп ураётгани эшитилиб турарди. Шеригига қараганда очқўзроқ ва қўрқоқроқ Кален биринчи бўлиб ўзига келди.

— Ишни тезроқ битириб, қочиб қолиш керак, — деди у шивирлаб, ҳатто ўз овозидан қўрқканча.

У остоидан ҳатлади, тараддулланди, сўнг ўз қавмлари мурдалари ёнидан чўғдай ерии босганча ибодатхонага кирди-да, Бурдонни чақирди. Бироқ собиқ гладиаторни қалтироқ босиб, орқага тисарилди.

«Яна яхши, — ўйлади Кален. — Менга кўпроқ тегади».

У шоша-пиша жавоҳиротдан кўтарганича олди-да, ўртоғи тўғрисида ортиқ ўйламай, жуфтакни ростлади. Тўсатдан чаққан чақмоқ ёруғида бўсағада қимир этмай

турган Бурдоннинг кўзи ўлжаси оғирлигидан букилиб, қочиб кетаётгани коҳинга тушди. Бурдон журъатини тўплади-да, унинг ортидан отилди, бироқ шу он кулнинг бутун бир тошқини осмондан тўғри эҳром устига келиб тушди. У яна ортга чекинди. Атроф зим-зиё бўлиб қолди. Кул эса ҳамон устма-уст келиб тупмоқда эди; кул ғарамлари ўсиб борар, улардан бадбўй, нафасни бўувчи буғ кўтарилади. Бурдон бўғила бошлади. У жон-жаҳди билан қочмоқчи бўлди, бироқ ўша заҳоти кул эшикни босиб тушди – малъун қичқириб юборди ва қайноқ балчикдан ўзиши олиб қочди. Энди қандай қочиб чиқади?

У очик жойга чиқиб ололмас эди, бироқ чиқиб ололганида ҳам барибир қўркув унинг оёқ-кўлларига кишан солиб қўйганди. Демак, энг яхшиси, жойидан қимирламаслиги керак: бу ерда ҳеч бўлмаганда тепадан уни том химоя қиласи. У ўтирди ва тишларини қисди. Аста-секин заҳарли буғлар хонани тўлдира бошлади. Унинг нафаси қайта бошлади. У ёқ-бу ёққа аланглаб, бу срда коҳинлардан бири қолдирган курбонлик болтасини кўриб қолди. Болтани олди-да, жон-жаҳди билан деворни ўйишга ҳаракат қила бошлади.

Бу пайтга келиб кўчалар деярли ҳувиллаб қолганди, одамлар уйларига яширгани шошпар эдилар. Пастқам жойлар кулга тўла бошлаганди, бироқ тоҳ у, тоҳ бу ердан қочоқларнинг ҳорғин қадам товушлари қулоқقا чалинарди, чақмоқнинг мовий ёғудусида ёки йўлларини ёритишга ҳаракат қилган машъалаларининг хира шурида уларнинг оппоқ, аяпчли чеҳралари қўриниб қоларди. Бироқ дам-бадам тўсатдан бостириб келган ва ўша заҳоти ғойиб бўлган қайноқ сув, кул ёки шамол эпкини бу оловларни ҳам, уларга қўшиб одамларнинг сўнгти умидини ҳам ўчиради.

Геркуланум дарвозасига олиб борадиган кўчадан икки букилганча апил-тапил одимлар билан Клодий юриб борарди. «Шаҳардан чиқиб олсан бўлгани, – ўйларди у, – у ёқда, дарвоза ортида, албатта, аравалар

бор, Геркуланумгача эса қўл чўзса етади. Меркурийга шукур, йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ, мен бор жойда ҳаммаси меники».

– Хой-й! Ёрдам беринг! Ёрдам беринг! – қичқирди кимнингдир қўрқувли овози. – Йиқилиб тушдим, машъалам ўчиб колди, қулларим мени ташлаб кетишиди! Мен Диомедман, бой Диомедман. Ёрдам берганга ўн минг сестерций инъом қиласман!

Шу он Клодий кимдир унинг оёғидан ушлаб олганини ҳис этди.

- Қўйиб юбор, падарингта лаънат! – қичқирди у.
- Ёрдам бер, ёрдам бер! Қўлингни узат менга!
- Хўп, майли, қани, тур.
- Бу сенмисан, Клодий? Овозингдан танидим.

Қаёққа кетаяпсан?

- Геркуланумга.
- Худоларга шукур! Сен билан дарвозагача бориб олай. Айтганча, уйимга кириб яширинсак-чи? Ўзинг биласан, у ерда чукур тагхоналар бор, ҳеч қандай ёмғир кирмайди у срга.
- Тўғри, – деди Клодий, ўйлаб. – Озуқа ғамлаб олиш керак, борди-ю бу даҳшатли офат ҳали-вери тинмаса, бир неча кун ўтириб жон сақлай оламиз.
- Шаҳар дарвозасини ўйлаб чиқарганинг отасига балли! – деди Диомед. – Қара! Анови арк остида чироқ ёниб турибди. У бизга йўл кўрсатаяпти.

Шамол бир оз тинди; дарвозадаги фонус узокдан кўриниб турарди. Кочоқлар кўп ўтмай дарвозага етиб олиниди ва соқчи ёнидан ўтишиди; чақмоқ унинг ярқироқ дубулғасини ва қўрқув дахл қилмаган жиддий чехрасини ёритди. У тик ва ҳаракатсиз ҳолда ўз ўрнида турарди. Ҳатто шундай соатда ҳам бу ҳиссиз мослама, Римнинг бешафқат улуғворлиги маҳсули жоиланмаган, ақлли ва фикрловчи одамга айланмаган эди. У қутурган офат қўйнида тик турарди, чунки ўз ўрнини ташлаб кетишига буйруқ олмаганди.

Диомед ва ҳамрохи олдинга тапланишиди, бироқ тўсатдан уларнинг йўлини бир хотин киши тўсди, бу

кўпингча қувноқ оҳангда: «хе-хей! Ўйнаб-кулиб қол бу дунёда!» деб қўшиқ айтиб юрадиган аёл эди.

— О, Диомед! — деди у. — Ёрдам бер! Мана бу гўдакни кўраянсанми? — У бир болани кўксига босиб олғанди. — Бу менинг ўғлим. У беникоҳ туғилган. Шу пайтгача у бирорлар қўлида эди, аммо энди мен унинг онаси эканимни эслаб қолдим! Мен уни асрорчининг уйида бешикдан ечиб олдим — у хотин қочиб кетди! Кутқар бизни! Кутқар!

— Нега бўғизланган молдай чийиллайсан? Йўқол кўзимдан! — тўнғиллади Клодий тиши орасидан.

— Бўпти, муштилар, — деди одамоҳунроқ бўлган Диомед. — Истасанг, биз билан юр. Тагхонага тушиб оламиз.

Улар жадалроқ юриб кетишли, Диомеднинг уйига етиб олиши ва хатар орқада қолди, деб ўйлаб, суюнганича ичкарига киришли.

Диомед қулларига тагхонадаги йўлакка озиқ-овқат ва жингироқлар учун мойдан кўплаб ғамлаб қўйишини буюрди, шундан кейин у ерга Юлия, Клодий, болали хотин, кўплаб қуллар ва Диомеднинг ўтакалари ёрилган меҳмонларию мижозларидан бирқанчаси кириб яниринишди.

## VII боб

### ВАЙРОНАГАРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Куёшни тўсиб турган булат янада қалинлашиб, қоп-қора тусга кирганди. Бу ялдо кечасидаги тунга ўхшамасди — худди тор хонадагидай, зулмат ҳам бўғик, ҳам зим-зиё эди. Везувий устидаги чақмоқлар эса тобора кўпроқ чақиб, кўзни оларди. Улар ўзига яраша гўзал бўлиб, турфа рангларда товланарди, рангбарангликда ва ёрқинликда биронта камалак унга бас келолмасди. Гоҳ тубсиз жануб осмопи янглиғ кўм-кўк, гоҳ маҳзун яшил тусда чақмоқлар бир илондай би-

ланглаган, бир тутун устунини кесиб, бутун шаҳарни кўча-кўйларигача ёриттанча осмонда ялт-юлт қиласди, қип-қизил ёғду бериб чаракларди-да, ўша заҳоти тиник оқ тусга кириб, кўздан йўколарди.

Осмондан кул ёғиши тўхтаганда ериинг титраб гувиллаши ва деғизнинг ғамгин шовуллани эшитила бошлиди, кўрқиб, ҳар бир товушга қулоқ тутганларга эса тоғдаги тешиқдан ташқарига отилиб чиқсан газларнинг ҳуштак чалган ва вишнелаган овози эшитиларди. Гоҳо булат парчаланар ва чақмоқ ёғдуси улкан одамлар ёки зулматда чопаётган даррандалар шаклини оларди; улар бир-бирларига ташланар ва зулматнинг қайноқ қаъридавойиб бўлар эди. Кўрқиб кетган одамларга бу аломатлар баҳайбат душманлар бўлиб кўрипар ва улар юрагига ҳалокатли кўрқув солар эди.

Кўп жойларда кул тиззадан келарди, вулқон отган қайноқ балчиқ эса уйларга оқиб кириб, бўғадиган буғ таратар эди. Улкан харсанглар томларга келиб тушганда, уйлардан бир уюмгина хароба қолар эди ва соат сайин кўчада ҳаракат қилиш қийинлашиб борарди. Вакт ўтиб борар, ер кучлироқ силкинар, оёқ остидаги тупроқ сурилиб кетар эди ва аравалар ёки тахтиравонлар ҳатто текис жойда ҳам турмаётганди.

Гоҳо харсанглар ҳавода тўқнапиб, майда бўлакларга бўлиниб кестар, улардан учкуплар сочилар ва ёнғинлар келтириб чиқаради; бу даҳшатли яллиғ пафақат уйлар, балки узумзорлар ҳам алангаланаётган шаҳар деворларидан ташқаридаги зулматни тарқатиб юбормоқда эди. Шаҳарнинг ўзида, эхромларининг пешайвонларида, форум эшиклари тагида ахоли қатор қилиб машъалалар узоқ ёнмасди, энди тузукроқ ёна бошлаганда ёмғир ва шамол ўчириб қўяр эди. Шунда атрофни бирдан аввалгиға қараганда икки баравар даҳшатли коронғилик чулгарди, чунки коронғилик инсон умидларининг бехудалигини исбот қиласди.

Вакти-вакти билан мана шу учайдан машъалалар ёруғида тўда-тўда қочоклар кўриниб қоларди – бир-

лари дөнгиз томонга шошаётган, бошқалари у ёқдан орқага қайтаётган бўларди, чунки сув кирғоқдан кочган бўлиб, ҳаммаёқда зим-зиё зулмат ҳукмронлик қиларди ва пишқирган, ўзини ураётган тўлқинлар устига кул ва тошлардан иборат бутун бир довул бостириб келмоқда эди, яширинишга эса ҳеч қанақа пана жой йўқ эди. Телбаланган, эзилган, хурофий даҳшатдан ларзага туппиган бу одамлар бир-бири билан учрапланда ҳатто гаплаша, маслаҳатлаша олмас эдилар, чунки кул ва тошлар тобора кўпроқ, деярли узлуксиз ёғилмоқда, машъалаларни ўчириб ташламоқда эди, коронфилик ичидан бир лаҳзагина кўзга ташланиб қолаётган ўлик тусли одамлар ва қочоқлар энг яқиндаги бошпана тагига кириб яширинишга шошилар эдилар. Жамоат тартиби кулаб тушганди. Хира, элас-элас ёруғлик орасида дам-бадам ўлжасини ортмоқлаган ўғрининг конун ўрнатувчилар кўзидан қочиб кетаётганини ва ваҳлиёна қаҳқаҳ уриб кулаётганини кўриш мумкин эди. Зулмат эрларни хотинларидан, болаларни – уларнинг ота-оналаридан жудо қилмоқда эди ва бир-бирларини қидириб топишга ҳеч қандай умид қолдирмаётган эди.

Ҳамма тўғри келган томонга, мутлақо бетартиб холда чопар эди. Ўз жонини саклашдек оддий қонундан ташқари ижтимоий ҳайтнинг ранго-ранг ва мураккаб тартиботидан ҳеч бало қолмаганди.

Мана шу талатўп орасида афиналик азамат Иона ва Нидия билан кетиб борарди. Бирдан улар устига дөнгиз томон чопиб кетаётган мингларча одамлар бостириб келди. Оломон зумда Нидияни ютиб юборди, Главк билан Иопани эса олдинга судраб кетди; ва ниҳоят оломон ўтиб кетди-ю, Нидия кўздан йўқолди. Главк уни чақира бошлади. Сас-садо йўқ. Улар орқага қайтишиди – бехуда. Кўр қизни топишнинг иложи бўлмади – турган гапки, одамлар оқими уни ўзи билан бошқа томонга судраб кетганди. Улар дўстлари ва кутқарувчиларидан айрилиб қолган эдилар. Ахир шу найтгача уларни Нидия бошлаб келаётган эди-да.

Кўр бўла туриб, қоронилик қўйнида йўлни фақат у топа олар эди. Абадий зулмат ичидаги шаҳарда юришга ўрганиб қолиб, у шерикларига денгизга олиб борадиган йўлни бехато кўрсатиб келаётганди – ха, улар денгизда халос топишга қарор қиласкан эдилар. Энди қайси томонга юриш керак? Кийналган, эзилган, холдан тойган ҳолда улар барибир олға қараб ҳаракат қилишда давом этишди, кул эса ҳамон бошларига келиб тушмоқда, тош парчалари эса оёқларининг нақ тагида учқунлар сочмоқда эди.

– Афсус! Афсус! – шивирлаб деди Иона. – Ортиқ юролмайман. Қайноқ кул устига қулаб тушаман. Бор, азизим! Мени ўз ҳолимга ташлаб кетавер!

– Бундай дема, севгилим, қайлиғим менинг! Сенсиз яшаганимдан кўра, сен билан ўлганим афзал! Аммо бу зулматда қаёқка борамиз? Назаримда, биз доира ясадик ва яна соат милидай олдинги жойимизга келиб қолдик.

– Эй худолар! Қара, катта харсанг уйнинг томини тешиб юборди! Кўчада ўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

– Шафоатли чақин! Қара, Иона, қара! Бу Фортунада эхроми айвони-ку. Ўшанга кириб беркинамиз; у бизни кул ва тошлардан сақлайди.

Ионани қўлидан тутиб, у бир амаллаб эхромгача етиб олди. У қизни энг тўрдаги, энг ишончли бурчакка олиб борди ва гавдаси билан чақин ва тошлардан тўсиб, унинг устига энгашди. Мұҳаббат гўзллиги ва фидоийлиги ҳатто шундай даҳшатли дамларни ҳам табаррук қилиб юборганди.

– Ким у? – уларгача бу ерга кириб яширинган одамнинг бўғиқ ва қалтироқ овози сўради. – Аммо барибир эмасми? Ёруғ дунёнинг бу пучмоғида дўстлар ҳам, душманлар ҳам йўқ.

Иона овоз келган томонга ўгирилди ва заиф қичқириқ билан яна юзини Главкнинг кўксига яширди. Ўша томонга қараб, Главк қизининг қўрққани сабабини

англади. Чаққан чақмоқ эхром узра осилиб қолғанди ва Главк устүнлар оралығыда уни парча-буриш қилиши керак бўлгац арслонни кўрди. Ёнгинасида эса бундан бехабар ҳолда уларни чақирган одам ётарди – бу ярадор гладиатор Нигер эди.

Чақмоқ йиртқич ва одамни ёритди, аммо биронтаси ҳам бошқасига ғанимлик қилмаётганди. Аксинча, бамисоли дўстлигини ҳис қилгандек, арслон тобора гладиатор томонга ўрмалаб келмоқда ва гладиатор бундан қўрқмаётган эди. Даҳнатли оғат барча майда қўрқувларни ютиб юборган ва одатдаги муносабатлар бузилган эди.

Эхром ёнидан машъала тутган бир гурӯх эркагу аёллар ўта бошлади. Бу масихийлар жамоаси эди. Барча илк насронийлари сингари улар яқинда қиёмат қойим бўлади, деган ақидага кўр-кўрони ишониб кслар эдилар.

– Оғат! Оғат! – қичқирав эдилар улар қулоқни батантга келтирадиган овозда. – Қараңглар! Худо даҳшатли ҳашр учун ерга нозил бўлмоқда! У одамларга самовий оловни намоён этмиш! Оғат! Оғат сизга, бу дунёning зўравонлари! Ликторларга қуршалган ва қирмизи либосларга бурканганларга оғат! Авлиёлар қонини тўкканлар ва худонинг бандалари ўлимидан суюнадиганлар бошига оғат! Оғат! Оғат! Оғат!

Насоролар аста-аста юриб ўтиб кетишиди. Бирмунча вактгача уларнинг машъалалари шуъласи қўриниб турди, огоҳлантирувчи овозлар қўрқинчлироқ ва тантанаворроқ янгарди, кейин эса тинчиб қолди ва яна зулматли сукунат ҳукм суро бошлади.

Бирпасда осмондан кул тўкилиши тўхтади ва Главк Ионага далда бериб, йўлда давом этишга қарор қилди. Улар нима қилишини билмай айвоннинг пастки поғонасида туришган эди, сал наридан кўлида халта тутган, бир йигитчанинг елкасига таянган чол оғир чопиб ўтиб қолди. Йигитча машъала кўтариб олган эди. Булар ота ва ўғил эди.

— Ота, — деди йигитча, — агар тезроқ чопиб юрмасангиз, мен сизни ташлаб кетаман, бўлмаса иккаламиз ҳам ҳалоқ бўламиш.

— Нима ҳам дердим, чоп, отангни ташлаб кетавер.

— Ахир мен очдан ўламан! Олтинни беринг! — шундай дея йигитча халтага ёпишди.

— Нобакор! Отангни таламоқчимисан?

— Шундай дамда бировнинг бировга раҳми келар эканми? Ўлиб кетмайсанми, қари қирчани!

Йигитча чолни оёғидан чалиб йиқитди, халтани унинг нимжон қўлидан юлқиб олди-да, қичқириб олдинга югуриб кетди.

— Эй худолар! — деди Главк. — Сизлар ростдан ҳам кўрмисизлар ёки зулмат сизларни кўр қилдими? Ҳақми, ноҳақми, бундай ёвузлик ҳамманинг бошига этиши аниқ. Кетдик, Иона! Кетдик!

### VIII боб

#### АРБАК ГЛАВК БИЛАН ИОНАНИ УЧРАТАДИ

Бамисоли қаро ер тагида юргандек, қўллари билан пайпаслана-пайпаслана Иона билан Главк таваккалига йўлда давом этишди. Вулқон чақинлари шаҳар узра осилиб турганда уларнинг заиф нурида бир амаллаб йўлни топиб олса бўларди, аммо теварак-атрофдаги ходисотни кўриб, руҳлари тушиб кетмоқда эди. Кул куруқ бўлган ва вулқондан дам-бадам отилиб чиқаётган қайноқ оқимга тўлиб улгурмаган жойларда ер тиник оқаришиб кўринарди. Бошқа жойларда тошлар уюму бўлиб ётар, уларнинг тошдан янчилиб кетган одамларнинг қўл ёки оёқлари чиқиб туради. Жон бераётганларнинг оҳ-воҳлари орасида аёлларнинг жон ҳолатда қичқирганлари эшитиларди, бу қичқириклар гоҳ узоқлардан таралса, гоҳ жуда яқиндан янграрди ва бу дўзахий зулматдаги ночорлик ҳиссини оширав эди холос, аммо бу барча шовқинларни вулқоннинг

даҳшатли ўкириги босиб кетмоқда эди. Шамол ҳуштак чалар ва ғувиллар эди, сув шовилларди, баъзан кучли портлашлар ерни титратиб юборарди. Кўчалардан гувиллаб эсаётган шамол қизиган чанг ва шунақанги бадбўй ва заҳарли буғларни олиб келар эдикӣ, одамлар бўғилар, ҳушдан кетар эдилар, ўзларига келганда эса бор вужудлари билан яқин ва азобли ўлимни ҳис этар эдилар.

Главк! Севгилим! Мени сўнгги бор қуч! Кел, сени бағримга босай-да, ўлимта бўйин эгай, ортиқ мадорим қолмади.

Мен учун, менинг ҳаётим учун ўзингни бардамроқ тут, азизам Иона! Мен сенсиз яшолмайман. Қара – машъалалар! Тезроқ! Шамол уларни ўчиrolмайди. Бу одамлар денгизга боришаётти, биз ҳам улар билан бирга борамиз.

Худди уларнинг додига етган каби шамол тинди ва осмондан тўклидаётган кул тўхтади. Ҳамма ёқ жим-жит бўлиб қолди, янгидан отилишга куч тўплаётган каби тоғ дам олишга қарор қилгандек эди. Машъаладорлар тез олға юриб кетишиди.

– Денгизга яқин қолди, – хотиржам деди олдинда кстаётганлардан бири. – Бу кунни мен билан бошидан кечираётган ҳар бир қулга озодлик ва бойлик инъом қилгайман. Бўла қолинглар! Мен сизларга айтсам, худоларнинг ўзлари менга халоскорлик ваъда қилган эдилар. Олға!

Машъалаларнинг қизил алангаси Главк билан Ионанинг кўзларини қамаштириб юборди, қиз титраганча йигитнинг кўксига ёпишиди. Бир қанча кул машъалабардорлар билан изма-из оғир кути ва сандиқларни кўтариб келар эдилар, олдинда эса қўлида яланюоч қилич билан Арбак борарди.

– Аждодларим хоки ҳаққи, – қичқирди у, – мана шундай соатда ҳам тақдир менга кулиб боқмоқда – оғат ва ўлим орасида у мендан иқбол ва муҳаббатини

дариғ тутмаяпти! Йүқол, юон! Мен ўз васиямни талаб қиласаман!

— Сотқин, қотил! — деди Главк, күзлари чақнаб. — Сендан қасос олишим учун сени бу ерга Немезиданинг ўзи юборибди! Бу Аиднинг ер устига отилиб чиққан арвоҳларига адолатли қурбонлиқ бўлажак. Ионага қўлингнинг учини теккизадиган бўлсанг, қўлингдаги қилич қамиш толасичалик ҳам бўлмай қолади. Мен сени бурда-бурда қилиб ташлайман!

Бирдан чор атрофни кўзни қамаштирувчи ёғду чулғади. Зим-зиё қоронфилик қўйнида дўзах деворлари каби олов уфурувчи улкан тоғ чараклаб кетди. Унинг чўққиси қоқ иккига бўлингандек бўлиб туюлди ёки тўғрироғи, чўққи узра икки баҳайбат қиёфа қад кўтарди ва гўё дунё устидан ҳукмрон бўлишга курашаётган девлар сингари бир-бирига тапланди.

Қондай қип-қизил қиёфалар узок-узоқларгача ер билан осмонни ёритди, бироқ тоғ ёнбағирлари ҳамон қопкора эди, фақат чўғдай лаванинг учта оқими ялтираб илондай иланг-биланг ҳаракатлар билан пастга ўрмалаб туша бошлади. Улар тўқ-қизил тусда ўзларининг қора қирғоқларидан чиқмай, тўғри баҳти қаро шаҳар томон аста оқиб келарди. Улардан энг кенги узра улкан арк қад кўтарди, худди дўзах дарвозаси каби унинг орасидан Флегетон пишқириб оқиб ўтди. Борлик қотиб қолган эди, фақат тошлар шақирларди, улар жойидан кўчиб думалаганча лава оқимиға келиб тушарди; бир нафас лава оқими бетида қора иуқталар бўлиб кўринарди-да, оловли тўлқинлар қаърига кириб, кўздан йўқоларди.

Куллар қаттиқ қичқириб юборишиди ва қўллари билан юзларини ёпишди. Мисрликнинг ўзи худди қоққан қозиқдай бир жойда қимир этмай турар, чараклаган ёғду унинг кибрли башараси-ю, башанг либосини бошдан-оёқ нурга чулнаган эди. Уларнинг тенасида, баланд тамал устида Августнинг жез ҳайкали қад кўтарган ва гўё бу ҳайкал ҳам оловдан қуйилганга ўхшарди.

Главк чап қўли билан Ионани қучганча ўиг қўли билан таҳдид ила темир қаламни кўтарди, хайриятки қочаётгандарида уни ташлаб юбормаган экан – мана шу темир қалам билан у саҳнада арслон билан олишини керак эди; у хўмрайиб, тинларини фижирлатиб, даҳшат солиб мисрликнинг рўбарўсида туради – шу ҳолида у қаҳр ва ғазаб тажассумига айланганди.

Арбак энди вулқонга қарамаётган эди, у кўзларини Главкка тикканди. Бир лаҳза у жим қолди.

– Нега иккилациб турибман ўзи? – деди у минфирилаб. – Ахир юлдузлар менга бор-йўғи биттагина хатарни башорат қилмаганмиди? Бу хатар орқада қолдик!.. Рух, табиий оғатлар ва номавжуд худолардан кучлироқдир! – давом этди у овозини баланд кўтариб. – Рух қудрати менга ёрдам беражак! Олға, қуллар! Афиналик, ўзингга эҳтиёт бўл, ўз қонинг ўз бошинга тўкилсин! Иона меники бўлади!

У олдинга бир қадам ташлади ва бу унинг заминдаги сўнгти қадами эди. Унинг оёғи остидаги замин титраб кетди, ер тебраниб чор атрофни ларзага солди. Шаҳар бўйлаб қасир-қусир овозлар ёйилди – кўплаб томлар ва устунларнинг қулаши эди бу; худди осмонга қадалиб қолгацдай бир чақмоқ император ҳайкали устиди бир зум осилиб турди. Кейин эса ҳайкал чайқалдида, тагсупаси билан қулаги тушди ва тош йўлни ушатиб юборди. Юлдузларнинг каромати рўёбга чиқди.

Гумбурлашдан афиналик бир неча сония гаранг бўлиб қолди. У ўзига келганида атроф ҳали ёруғ эди ва оёқлари остидаги ер титрарди. Иона ёнида хушсиз ётарди, аммо йигит уни кўрмади – унинг кўзлари қулаган устун бўлаклари тагидан чиқиб турган танасиз қўрқинчли бошга қадалганди – башарасида чида бўлмас азоб ва ғазаб муҳрланиб қолганди. У тез-тез киприк қоқарди ва афтидан, кўзлари ҳам фикрий ифодани сақлаб қолганди, лаблари кийшайди, кейин бу бадбашара чехрага бирдан ногахоний хотиржамлик ва зулмат қўнди – буни эсдан чиқариб бўлмасди.

Доно жодугар, буюк Арбак, Гермес, Оловли камар ҳукмдори, миср фирмъавнларининг сўнгти зурёди ана шундай ўлиб кетди.

## IX боб

### ОШИҚЛАР НАДОМАТИ. ШАҲАР АҲЛИНИНГ МУСИБАТЛАРИ

Глак бу бошдан юзини ўгириб, шукronа айтди, Ионани қўлларига олди ва ҳали ҳам чараклаб ёришиб турган кўчадан чопиб кетди. Бироқ бирдан яна қоронфилик чўқди. Главк беихтиёр тоғ томонга қаради ва нимани кўрди дент! Икки катта чўққидан бири чайқалиб кетиб, шунақсанги гумбурлаб қулаб тушдикি, буни ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайди, кейин у оловли дарёга айланиб, ёнбағирдан пастга қараб оқа кетди. Бир лаҳзада осмонни, ерни ва денгизни қора қурум қоплади.

Усти-устига кул ва тошлар тобора қалироқ тўкилиб, борлиқни вайрон қила бошлади. Зулмат шаҳарни чойшабдай ўраб олганди. Ботир юраги ниҳоят ғазабга тўлган Главк Ионани кўксига босганча қандайдир арк тагига яширинди-да, ажалга шайланди.

Бу орада Нидия оломон ажратиб юборган Главк билан Ионани беҳуда қидирарди. Унинг қичқиришга уринишларидан ҳам фойда йўқ эди: унинг шикоятомуз қичқириғи бошқа минглаб овозлар ичida йўқолиб кетарди – ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди. Уларни ажратган жойга у қайта ва қайта келар, барча йўловчилар кийимидан ушлар ва Главкни суриштиарди, аммо уни қўполлик билан силтаб ташлашар, одамларнинг у билан иши йўқ эди. Ким бу маҳалда яқини ҳақида ўйларди? Эҳтимол, умумхалқ даҳшати манзарасидаги энг кўрқинчли нарса – бу ундан келиб чиқсан мудхиши манманлик, худбинлик эди. Охири Нидия, модомики дўстлари денгиздан нажот топишга қарор қилишдими,

уларни ўша жойдан қидирсам тўғри бўлади, деб ўйлади. Бир зум ҳам қўлидан қўймайдиган ҳассаси билан у йўлни пайпаслаб ва кўчаларни тўсиб, уюлиб ётган тош парчалари ғарамларини айланиб ўтиб, қиз ҳар доим унинг баҳтсизлиги бўлиб келган кўрлигига шукроналар айтганча денгизга борадиган энг яқин йўлни бехато топиб олди.

— Шошма! — бирдан кимнингдир овози янгради. — Ахир бу ботир кўр қиз-ку! Вакҳ ҳаққи, мен уни бу ерда ўлиб кетгани қўйиб қўймайман. Кетдик, фессалиялик қизалоғим! Жароҳат-шароҳатинг йўқми? Жуда соз! Юр биз билан. Бизлар денгизга бораяпмиз.

— Саллюстий! Овозингдан таниб турибман. Худоларга шукур. Главк қаерда? Сен уни кўрмадингми?

— Йўқ. У, албатта, шаҳар девори ортида бўлиши ксрак. Уни арслондан сақлаб қолгац худолар олов уфурувчи тоғдан ҳам кутқаради.

Нидияга таскин-тасалли бериб, меҳрибон эшикурчи уни ўзи билан етаклаб кетди.

Юқорида тасвирлаганимиз ногаҳоний ёду, лаванинг отилиб чиқиши ва зилзила Саллюстий ўз ҳамроҳлари билан бандаргоҳга олиб борадиган тўғри йўлга чиқиб олганда содир бўлганди. Қолган йўлда уларни оломон тўсиб қолди — бу ерда шаҳарнинг салкам ярим аҳолиси тўпланганди. Улкан майдон қаёққа қочишини билмай турган минг-минглаб одамларга тўла эди. Денгиз қайтганди, унгача етиб олишга ултургандар, қирғоқдан жуда узокқа кетиб қолган бу табиий оғатнинг қутуришидан қўркқанлар қумлоқда қолган баликлар ва беўхшов дengiz ҳайвонларининг типирчилашларини кўриб сувга қаттиқ шалоплаб тушган харсанглардан чўчиб икки балодан кичикроғини танлаб изларига қайтган эдилар. Шу тариқа одамларнинг икки оқими учрашганди: бири дengiz томонга интилса, иккинчиси — дengиздан бу ёққа йўл олганди; ҳаммаларининг бирга бўлишларидан ўзларини ладилроқ сезиб, улар иккиланиб тўхтаб қолишганди.

— Киёматда ёруғ дунёни ўт олади, — деди кенг ва узун либосдаги бир чол, у файласуф-столк эди. — Столклар ва эпикурчилар ҳикмати шундай каромат қылган, мана, ўша соат келди!

— Ҳа, қиёмат бошланди! — уни қўллади кимнингдир баланд, аммо фамгин овози, қўрқмасдан.

Ҳамма даҳнат ичида атрофга аланглай бошлади. Овоз аллақаердан баланддан келарди. Бу Олинф эди. Бошқа насронийлар қуршовида у доира тепалик устида турарди, бу ерда юнон мустамлакачилари бир вақтлар эндиликда шарти кетиб, парти қолган ва ярим вайронга Аполлон ибодатхонасини тиклаган эдилар.

Шу аснода Арбакнинг ҳалок бўлганидан дарак берувчи ёғду чараклади, одамларнинг бадани жимирилаб кетди, сесканишди, тиширчилаб қолишди — дунё дунё бўлиб ҳали баидалар орасида бу янглиғ аянчли чеҳраларни, бундай андуҳни, қўрқувни ва эъзозли даҳшатни ҳеч қачон кўрмаган эди ва то Истро菲尔 сури тортилмагунча ҳеч қачон кўрмайди ҳам. Оломон узра қўлларини ишқалаганча, титроқ оловлардан ёришган пайғамбарона юз-андомли Олинф кўтарилди. Одамлар ҳам парча-буриш қилиб тапланишга ҳукм этилган қурбонни таниди — ўша қурбон энди уларни огоҳ қиласпти ва сукунат ичида унинг вахимали овози янгради:

— Қиёмат бошланди!

Насронийлар бу қичқириқни қўллаб-қувватлашди. Бу бир оғиз сўз оломоннинг у бошидан-бу бошигача юриб ўтди, эркаклар ва аёллар, қариялар ва болалар аста такрорлар эдилар:

— Қиёмат бошланди!

Бирдан ваҳшиёна ўкириқ таралди ва қаёққалигини билмаган ҳолда чопиб кетаётган телба йўлбарс тўғри оломон ичига сакради. Одамлар тум-тарақай қочишга тушди. Шу орада зилзила бошланди ва ҳамма нарса яна зулмат қўйнида маҳв бўлди.



Оломон катталапиб борарди. Энди эгасиники бўлмай қолган хазинани кўтариб, Арбакнинг куллари бошқаларга келиб кўшилиниди. Энди уларда фақат битта машъала ёнарди, уни Сосий кўтариб олганди. Нур Нидиянинг юзига тушди ва қул уни таниб қолди.

– Хўш, сўқир қиз, озодликдан энди менга қанчалик зиёну қанчалик фойда бор? – деди у.

– Кимсан? Сен Главкин кўрмадингми?

– Бир неча дақиқа бурун кўргандим.

– Сени худолар ярлақасин! Қаерда у?

– Форумдаги арқ остида ётибди, ўлиқми, тирикми, билмадим. Энди ёруғ дунёда йўқ, Арбакнинг изидан кетган.

Нидия ортиқ битта ҳам сўз айтмай, Саллюстийнинг ёнидан сирғалиб ўтди-да, оломон орасидан орқага, шаҳарга йўл олди. У форумдаги арккача етиб келди, эгилиб, қўллари билан ерни пайпаслаганча Главкин чақирди.

Унга заиф овоз жавоб қайтарди:

– Ким мени чақираётган? Аидининг арвоҳларими?  
Начора, мен тайёрман!

– Тур! Мана, менинг қўлим! Кетдик, Главк, мен сени қутқараман.

Хайрон бўлган Главк ўрнидан турди ва юрагида яна илиқ умид пайдо бўлди.

– Нидия! Тирикмидинг?

Йигитнинг овозида жараанглаган севинч шўрлик қизни тетиклантириб юборди – демак, Главк уни унумабди!

Ионани қўлларига олиб, Главк Нидияга эргашди. Нидия оломонга лиқ тўла кўчалардан ҳайратомуз эҳтиёткорлик ила четлана-четлана дениз томонига бошқа йўлдан кетиб борарди.

Йўл-йўлакай уларнинг кўп жойда тўхтаниларига тўғри келди ва жуда катта қийинчилик билан улар денизгача етиб келишди, шу ерда бундан кейин даҳнатли





номаълумликда қолгандан кўра ҳар қандай хатарни юзма-юз қарши олишни афзал билган бир гала тавак-калчиларга қўшилиб олишди. Улар зим-зиё қоронфилик ичида сузиб кетишиди ва анча жойгача бориб олишганда сувга қизил шуълалар сочаётган оловли оқимларни кўришиди.

Охири ҳолдан тойган Иона бошини Главкнинг кўк-сига эгганча ухлаб қолди, Нидия эса йигитнинг оёғи ёнида ётарди. Ҳамон осмондан тушаётган оловли кул сувга келиб тушмоқда ва палубани қоплаб олмоқда эди. Шамол уни денгиз узра олис-олисларга олиб кетарди; қора танли африкаликларни ҳайратта солиб, кул узоқдаги мамлакатларга бориб қўнар ва шамол уни Шом ва Мисрнинг қадимий ерлари бўйлаб совурад эди.

## X боб

### ЭРТАСИ КУНИ ТОНГДА. НИДИЯНИНГ ҚИСМАТИ

Безовта денгиз узра нихоят қунишибгина, жимгина ва чиройли тонг шафаги кўринди. Шамолдан кўм-кўк сув сатҳидаги кўпик ғойиб бўлди. Шарқ томонда тонгдан хабар бериб, бўзарган зулмат қизара бошлади. Дунё узра нур яна ўз ҳукмини ўтказишга ҳозирланарди. Бироқ олисларда мудҳиш булутларнинг қонқора ва қўрқинчли лахтаклари осилиб турар ва улардан аста-секин хиралашиб, қизил чизиклар – олов уфурувчи тонгнинг сўнгги чақмоқлари ҳамон учиб чиқар эди. Қирғокка зеб бериб турган оппоқ уйлар ва чўғдай қизил устунлардан ном-нитон қолмаганди. Яқин-яқингача Геркуланум ва Помпея шаҳарлари қад кўтариб турган соҳил энди хувиллаб ётарди. Мовий табиат қўйнидан ажralиб чиқсан бу шаҳарлар йўқ бўлган эдилар. Асрлар оша уларнинг кудратли онала-



ри – денгиз мовий қўлларини чўзаверажак ва фарзандларини тополмагандан кейин уларнинг қабрлари устида нола тортаверажак.

Оппоқ тонг отганда денгизчилар уни қийқириқлар билан қарши олмадилар – тонг отганини кўплар билмай ҳам қолди, уларнинг ўз севинчларини ҳаяжон билан изҳор этишга мажоллари қолмаганди ва палубада фақат босик «хайрият» сўзи пиҷирлаб айтилди, холос. Ҳамма бир-бирига жилмайиб қараб қўйди, ҳамманинг баданига жон кирди, оёқлари тагида ер, бошлари устида осмон борлигини яна ҳис этишди. Энг даҳшатлиси ортда қолганига ишонч ҳосил қилгач, қийналиб кетган одамлар тош қотиб ухлаб қолдилар. Бўронли тундан кейин ёришиб келаётган осмон остида сукунат ҳукм сурарди. Кема аста бандаргоҳ томон сузиб борарди. Узоқдан яна бир нечта кема кўринди, ҳаракатсиздай туюлса-да, улар ҳам олдинга ўрмалаб келмоқда эди. Кема уларнинг тик мачталари ва оппоқ елканлари ёлғизлик туйғусини ҳайдаб, қалбга умид ва хотиржамлик бахш этарди. Аммо улар қирғоқ сари, халоскорлик сари олиб келаётган хар бир одам озмунча дўст-ёридан жудо бўлмаган эди!

Ҳамма уйқуга кетгандан кейин Нидия аста ўрнидан турди. У Главк устига энгашди, йигитнинг бир текисдаги уйқули нафаси юзига урилганини ҳис этди, хавфсирабгина ва ғамгин унинг пешонасидан, кейин лабларидан ўпди, Ионанинг қўлини маҳкам сиқиб олган унинг қўлини топди, чуқур хўрсинди ва юзи қайгули тус олди. У яна йигитнинг пешонасидан ўпди-да, майин соchlари билан Главкнинг юзидаги тунги шабнамни артиб қўйди.

– Худолар ўз паноҳида асрасин сени! – деди шивирлаб Нидия. – Маъшуқанг билан баҳтли бўл. Гоҳгоҳ Нидияни эслаб тур. Э-воҳ! Ерда менинг бошқа қиладиган ишим қолмади!

Шу сўзларни айтиб, у ўгирилди. Эшкакчиларнииг тумшуқдаги ўриндиқлари ёқалаб овоз чикармай юриб кетди ва ўша жойда тўхтади, сувга энгашди; муздек томчилар унинг ловуллаган чехрасига урилди.

— Бу ажал бўсаси, — деди у. — Хуш келибсан!

Муаттар шабада унинг узун соchlарини ўйнарди, у соchlарини юзидан олиб ташлади-да, маъсум, аммо нобийно кўзларини умрида кўрмаган осмонга, унинг кўркам жамоли томонга қаратди.

— Йўқ, йўқ! — деди аста овоз чикариб, ўйчан ҳолда. — Мен бунга чидаёлмайман: бу рашикли муҳаббат мени куйдириб кул қиласи, ақлдан оздиради. Бирдан мен унга тағин ёмонлик қилиб қўйсам-чи! Мен уни омон сақлаб қолдим, икки марта омон сақлаб қолдим, мана шу фикр мени баҳтли қиласи — баҳтли бўлиб ўлганимга нима етсин? Бу тақдиримга ёзилган энг сўнгги қувончли фикр. Эй табаррук денгиз! Эркалаб чақираётганингни эшитиб турибман. Айтишларича, сенинг бағринг жон учун ҳалокатли эмиш, қурбонларинг машъум Стиксни сузиб ўта олмас эмишлар, бўлса бўлар! Мен арвоҳлар салтанатида у билан юзма-юз бўлишни истамайман, чунки у ерда ҳам Главк Иона билан бўлади. Ҳаловат! Ҳаловат! Юрагим учун бундан бошқа фароғат йўқ.

Палубада мудраб ўтирган денгизчи қулоғига енгил шалоплаган овоз чалинди. У уйқусираб бошини кўтарди, кема тумшуғига қаради ва мавжлар узра кўзига қандайдир оқ нарса кўрингандай бўлди, бироқ ўша заҳоти ҳаммаси кўздан йўқолди. Денгизчи юзини ўғирди-да, уйи ва болаларини ўйлаб кетди.

Главк билан Иона уйғонишганда улар аввал бир-бирларини ўйлашибди, ундан кейин эса — Нидияни. Аммо Нидия ҳеч қаерда йўқ эди ва ўша куни тонгда уни ҳеч ким кўрмаганди. Улар бутун кемани тинтиб чикишди ва ундан ном-нишон топишолмади. Кўр қиз ҳамишаликка ғойиб бўлган эди. Ҳамма индамай унинг қисмати ҳакида ўй сурарди. Главк ҳам, Иона ҳам бир-бирининг



пинжига кириб (ахир улар бир-бирларини дунёда энг азиз деб билар эдилар) ва ўзларини унутиб, худди сингилларидај эслаб йиғлашди.





## *Сўнгги боб*

**БУНДА ҲАММАСИ ТАМОМ БЎЛАДИ.  
ПОМПЕЯ ЕР БИЛАН ЯКСОН БЎЛГАНДАН ЎН ЙИЛ  
КЕЙИН ГЛАВКНИНГ САЛЛЮСТИЙГА ЁЗГАН ХАТИ.  
АФИНА**

Главк дўсти Саллюстийга саломлар йўллаб, соғлиқ, омонлиқ тилайди!

Сен мени Римга чақирасан – йўқ, Саллюстий, яхшиси, сен бу ерга, Афинага кел. Мен империя пойтахтидан, унинг шовқинидан ва талотўпли қувончларидан тўйиб кетганман. Умримнинг сўнгги кунларигача мен ватанда яшайман. Сизларнинг бутун дабдабангизу хушчақчақлигингиздан менга ўтмишимиздаги улуғворлигимиз азизроқдир. Шонли ва эъзозли одамлар хотиралари табаррук қилган пешайвонларда мен учун бетакрор нафосат мавжуд. Илисс соҳилларидағи зайдунзорларда мен ҳамон шеърият садоларини тинглайман, Фила устидаги маҳзун булутлар менга ҳалок бўлган эркинлик кафани ва келажакнинг даракчиси – ха, даракчиси бўлиб туюлади! Менинг ҳаяжонимдан кулгинг келаялти, Саллюстий! Занжирлар тобидан суюнгандан кўра озодликка бўлган умидни сақлаб қолиш афзалдир. Сен ёзасанки, сенинг назарингда таназзулга учраган улуғворлик харобаларидағи ҳаётдан лаззатланиб бўлмайди. Сен Римнинг жилваси ҳақида, император саройининг ҳашамати ҳақида тўлиб-тошиб гапирасан. Азизим Саллюстий, мен энди аввалги Главк эмасман. Ҳаёт қонимни совутиб қўйган. Оғир касаллик ва муздек зинданда қамалиб ётишмидан путури кетган соғлиғим ҳануз тикланганича йўқ. Мен Помпеянинг сўнгги кунидаги зулматни, даҳшатни, тушкуниликни ва

суюкли, унугилмас Нидияни эсимдан чиқаролмаяпман! Мен унинг арвоҳига мақбара тикладим ва деразадан уни томоша қиласаман. У менда эзгу хотираларни ва шодон қайгуни уйғотади ва мен бечора күр қизнинг садоқати ва бевакт ўлимига ҳақли равишда әхтиромимни изҳор этурман. Иона гуллар териб келади ва мен ҳар куни шу гуллар билан Нидиянинг қабрини тузаб келаман. У Афина қабристонида ётишга муносиб қиз...

Иона – шу исмни тилга олганимда юрагим кучлироқ ура бошлайди – ҳозир ёнимда ўтирибди. Мен кўзимни кўтараман ва у менга жилмаяди. Қуёш Гиметт ёнбағирларини нурга кўмади, боғда боларилар ғув-ғув қиласади. Бахтлимисан, деб сўрабсан. Афинада бисотимда бор бўлганларига қараганда Рим менга нима бериши мумкин? Бу ерда ҳамма нарса руҳни уйғотади ва муҳабbat пайдо қиласади. Дов-дараҳтлар, сув, тоғлар, осмон – ҳаммаси бу ерда афинача! Гарчи маҳзун бўлсада, бу шаҳар юят кўркам, у – жаҳон шеърияти ва ҳикматлари онаси. Менинг атрийимда аждодларимнинг ҳайкаллари турибди. Керамикада уларнинг қабрларини кўраман. Кўчаларда кўз ўнгимда Фидий ва даҳо Перикл кўллари билан яратилган асарлар манаман деб туради. Гармодий, Аристогитон қалбларимизда ёки, менинг қалбимда умрбод яшаб қолажаклар. Фақат бир нарсани унудишга мажбур бўламан – мен, афиналик йигит, озод эмасман – бу Ионанинг беғубор, жонли, ўчмас севгисидир, шеърлари ҳар қанча гўзал бўлмасин, шоирларимиздан биронтаси тараннум эта олмаган муҳабbat бу... ха, Саллюстий, менинг ҳаётим шунаقا. Мен ундан розиман ва ошимни ошаб, ёшимни яшайман. Хўш, сен-чи, Эпикурнинг кувноқ ва самимий маслакдоши? Бу ерга кел, бизлар қандай давру даврон сураётирмиз, қандай умидлар билан яшайтирмиз, ўз кўзинг билан кўрасан, на саройдаги базми жамшиidlар оби-тоби, на сершовқин одамларга лиқ тўла томошагоҳ, на гавжум форум, на жимжимадор театр, на боғи эрамлар, на



Римниинг довруқли ҳаммомлари сен бу қадар беҳуда ачинаётганинг афиналик Главкнинг қисматини ташкил этган ҳаётбахш ва осуда бахтии инъом эта олмайди сенга. Хайр!



## ХОТИМА

Ўзининг гунг қабридан қазиб чиқарилганига довур Помпея кул тагида қарийб ўн етти аср ётди; унинг деворлари ҳалигина бўёқдан чиққандай, ранг-баранг, гулдор фаршлар заррача унниқмаган, гўё усталар ташлаб кетган каби форумда тиклаб битирилмаган устунлар ҳануз қад кўтариб турибди, боғларда қурбонлик удумлари бажариладиган учоёқлар, танобийларда – жавоҳирот сандиқлари, ҳаммомларда – чўткалар, театрларда – эшик оғзидағи махфий мосламалар, атрийларда – жавонлар ва чирокдоnlар, триклинийларда – сўнгги базми жамшид қолдиқлари, хобгоҳларда – аллақачон маҳв бўлиб кетган соҳибжамолларнинг хушбўй тутатқиларию упа-эликлари ва ҳамма жойда унча катта бўлмаган, аммо дабдаба ва ҳаётнинг ажойиб тартиботларини ҳаракатта келтирган одамларнинг суюклари сакланиб қолган.

Диомед уйининг чукур тагхоналаридағи эшик ёнида йигирмата одам суюги топилган эди, шу жумладан, майда қум қоплаган бир бола суюги ҳам бор эди, афтидан, шамол кулни тешикдан аста-секин олиб кириб-кириб, охири бутун тагхонани тўлдирган кўринади. Ўша жойда жавоҳирот, тангалар, шамдонлар ва ўлимолди азобларини узайтириши мумкин бўлган ва кўзаларда қуриб қолган шароб ҳам бор эди. Қайнок кул қотиб, одам шаклига кириб қолганди; аёл кишининг бўйни ва дуркуни, ғўч сийна изларини ҳозир ҳам кўриш мумкин – гўзал Юлиядан қолган бор-йўқ нарса шу эди. Ҳойнаҳой, ҳавони аста-секин олтингугуртли буелар заҳарлай бошлаган; ҳамма тагхона эшигига ўзини урган, аммо уни ташқаридан кул босиб қолган ва уни очишга кучлари етмай, одамлар бўғилиб ўлган.

Боғда қоқшол қўли калитларни тутамлаган одам суюгини топишган, ёнгинасида – тангалар солинган халта бўлган. Тахмин қилишларича, бу уйининг эгаси, шўрлик Диомед бўлган, у, ҳойнаҳой, боғ ортига ўтиб жон сакламоқчи бўлган ва ё бўғилиб ўлган, ёки тош

парчаси тегиб ҳалок бўлган. Шу ернинг ўзида кумуш идишлар ва бошқа, хойнахой, қулиниңг суюги ётган.

Худди авлиё кароматгўйларнинг ваззини эшиттиришга мосланган қурилмалар яширинган ҳайкаллари бор Исида эхроми сингари Саллюстий ва Пансанинг уйлари энди қизиқувчилар учун очиб қўйилган. Бир уй ичидан баҳайбат одам суюги чикди, унинг ёнгинасида эса болта ётарди; иккита девор ўйилган бўлса-да, барибир қурбон у ердан ташқарига чиқа олмаган. Шаҳарнинг ўртарогида яна бир одам суюги топилган. Унинг ёнида эса – бир уюм тангалару Исида эхромининг кўплаб қимматбаҳо зийнатлари бўлган. Ажал очкўз ўғрининг ҳам бошини еган ва Кален ҳам Бурдон билан бир вақтда ўлган. Тош парчалари ғарамлари тозаланганда кўчаларнинг бирида қулаган ҳайкал қоқ иккига бўлиб юборган одам суюги топилган; унинг бош суюги ғалати шаклда бўлган ва ёвуз ҳамда тийрак ақл эгасининг боши эканлиги кўриниб турган. Орадан кўплаб асрлар ўтди, бироқ ҳозир ҳам жимжимадор айвонлари ва муҳташам хобгоҳларида қачонлардир мисрлик Арбак яшаган, орзуларга берилган ва ёмонликлар қилган кенг-ковул уйни кўриш мумкин.

Ёр юзидан абадий йўқ бўлиб кетган жамоатчилик биносидан топилган бу барча топилдиқларга қараб, номини эшитиб, римликлар титраб-қақшайдиган ўша олис, ёввойи оролдан (яъни, Англиядан) келган мусофир шу ерда, мўъжизавий Камиания гўзалликлари орасида ушбу китобни ёзди.



## МУНДАРИЖА

<b>БИРИНЧИ КИТОБ</b>	4
I боб. Помпеялик икки аслзода	4
II боб. Гул сотувчи кўзи ожиз аёл ва танноз соҳибжамол. Афиналикнинг дил изҳори. Мисрлик руҳоний Арбак билан танишув.	7
III боб. Главкнинг насаби. Помпейдаги уйлар тавсифи. Кайф-сафо базми	20
IV боб. Исида эхроми. Унинг коҳини. Арбакнинг феъли	35
V боб. Яна кўр гулчи қиз хақида. Муҳаббатнинг туғилиши	46
VI боб. Сайёд сал бўлмаса учиб кетаёзган қушчани тутиб олади ва янги ўлжа учун тузоқ, қўяди	55
VII боб. Помпейдаги дилхушликлар. Рим термларининг митти нусхалари	67
VIII боб. Арбак муғамбирлик қиласи ва ютиб чиқади	79
<b>ИККИНЧИ КИТОБ</b>	90
I боб. Помпей қулбалари ва гладиаторлар майшати	90
II боб. Икки нафратга сазовор эркак	99
III боб. Главк қимматга тушадиган харид қиласи	105
IV боб. Бечора тошбақа. Нидиянинг тақдирида янги ўзгаришлар	112
V боб. Толси порлоқ соҳибжамол ва ногирон чўри қиз	119
VI боб. Иона тузоқقا тушади. Сичқон тўрни кемиришга ҳаракат қиласи	125
VII боб. Мисрлик танҳоликда ўзи билан ўзи гаплашади. Унинг феъл-атвори	131
VIII боб. Арбакнинг уйида Ионага нима бўлгани. Даҳшатли душман газабининг дастлабки зухури	143

<b>УЧИНЧИ КИТОБ</b>	158
<i>I боб.</i> Помпеяда форум	158
<i>II боб.</i> Жамоа	164
<i>III боб.</i> Дарбон, қиз ва гладиатор	169
<i>IV боб.</i> Помпея гўзалининг хос хонаси.	
Юлия ва Нидия ўртасида бўлиб ўтган	
муҳим сухбат	177
<i>V боб.</i> Юлия Арбакни кидириб топади.	
Улар сухбатиниг оқибати	184
<i>VI боб.</i> Жануб жаласи. Жодугар юри	191
<i>VII боб.</i> Олов камар соҳиби ва унинг ёрдамчиси.	
Тақдир қарғиши оловли ҳарфлар билан иншю этган,	
аммо уни ўқиш кимга насиб этаркин?	203
<i>VIII боб.</i> Воеалар давоми. Фитна етилиб келмоқда	212
<b>ТЎРТИНЧИ КИТОБ</b>	220
<i>I боб.</i> Илк насронийларнинг диний жўшқинликлари.	
Икки киши хатарли қарор қиласди.	
Деворнинг ҳам қулоғи бор	220
<i>II боб.</i> Мезбон, ошпаз ва ўчоқбоши	223
<i>III боб.</i> Помпеяда меҳмондорчилик	227
<i>IV боб.</i> Иситма-совутма дамламаси. Унинг таъсири	244
<i>V боб.</i> Бир-бирига терс оққан дарёлар қўшилиб,	
битта бўлиб кетади	249
<i>VI боб.</i> Бунда китобхон Главкнинг кейинги	
тақдиридан воқиф бўлади. Дўстлик синови.	
Адолат чекинади, муҳаббат ҳам	260
<i>VII боб.</i> Қадимгиларда дафн маросимлари	268
<i>VIII боб.</i> Ионага кейин нима бўлди	274
<i>IX боб.</i> Нидия ўзини жодугар қилиб кўрсатади	276
<i>X боб.</i> Ари ўргимчак тўрига тушиб қолаяпти	281
<i>XI боб.</i> Кул каромат кутмайди. Кўрларни кўр	
қиз алдаши мумкин. Бир туннинг ўзида	
икки тутқун	286
<i>XII боб.</i> Нидия Кален билан гаплашади	292
<i>XIII боб.</i> Нидия бокка чиқиб олади. У қочиб чиқа	
олармикан ва афиналикни қутқаармикан?	295
<i>XIV боб.</i> Қувноқ дўстлар мусибатларидан одамлар	
қайғуда. Зиндон қурбонлари	299
<i>XV боб.</i> Главк тақдирида ўзгариш	304



<b>БЕШИНЧИ КИТОБ</b> .....	314
<i>I боб.</i> Арбакнинг туши. Кутилмаган меҳмондан у ҳушёр тортади .....	314
<i>II боб.</i> Гладиаторлар .....	320
<i>III боб.</i> Саллюстий. Нидиянинг мактуби .....	332
<i>IV боб.</i> Яна гладиаторлар .....	334
<i>V боб.</i> Главк зинданда чиқади .....	342
<i>VI боб.</i> Кален ва Бурдон. Диомед ва Клюдий .....	344
<i>VII боб.</i> Вайронагарлик давом этади .....	349
<i>VIII боб.</i> Арбак Главк билан Ионани учратади .....	351
<i>IX боб.</i> Ошиқлар надомати. Шаҳар ахлиниң мусибатлари .....	358
<i>X боб.</i> Эртаси куни тонгда. Нидиянинг қисмати .....	362
<i>Сўнгги боб.</i> Бунда ҳаммаси тамом бўлади. Помпей ср билан яксон бўлгандан ўн йил кейин Главкнинг Саллюстийга ёзган хати. Афина ...	366
Хотима .....	369

*Адабий-бадиий нашр*

ЭДУАРД БУЛЬВЕР-ЛИТТОН

**ПОМПЕЯНИНГ СҮНГТИ КУНЛАРИ**

*Роман*

Мұхаррир *А. Бабаниязов*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Техник мұхаррир *Б. Каримов*

Кичик мұхаррилар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

*Мусақханова*

Компьютерда сахифаловчи *Ф. Түгушева*

Нашриёт лицензияси АГ № 158, 14.08.2009  
2016 йил 2 агустда босинга рухсат тилди

Офсет корози. Бичими 84×108<sup>+</sup>  
«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида оффет усулда бекитди  
Шартли босма табори 19,74. Нанр табори 19,27

Адади 3000 дона. Буюргма № 16-519

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентличини  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаса ижодий уйи  
100011, Тошкент, Навоий қўчаси, 30  
e-mail: [uzbekistan@iptd.uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd.uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

П 70 Помпеянинг сўнгти куплари / русчадан  
А. Файзулла, М. Махмуд таржимаси. — Тош-  
кент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. — 376 б.

ISBN 978-9943-28-646-7

УЎК: 821.111-1/9  
КБК 84(4Ингл)

24/2008  
N 50

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-646-7



9 789943 286467